


ЖАХОН ХАЛКЛАРИ ЭРТАКЛАРИ

КАЙСАР
СУНЧУК






ЖАХОН ХААКААРИ ЭРТАКААРИ



Тожик халқ эртаклари



ТОШКЕНТ
«ЧУЛПОН»
1990

Редколлегия:

Эркин ВОХИДОВ
Қодир МИРМУҲАМЕДОВ
Муҳаммаджон МИРЗАМУҲАМЕДОВ
Худойберди ТЎҲТАБОЕВ
Нурали ҚОБУЛ
Носир ФОЗИЛОВ
Тоҳир МАЛИК
Анвар ОБИДЖОН
Тўлқин АЛИМОВ

Тожик тилидан Ҳамидjon ҲОМИД^Д/ Омонбой ЖУМАНОВлар таржимаси Мухаррир
Шойим БЎТАЕВ


Афсона ва эртаклар қайси тилда битилган бўлмасин, у барча халқ- лар учун
суюмлидир. Айниқса, қадим-қадимдан кондош-жондош, ўриш-арқоқ тожик ва
ўзбек халклари оғзаки ижодида ҳам биз ана шу муштаракликни туямиз.

Кўлингиздаги китобда ажойиб ҳунарманд-дехконлар, шаҳзодалар,
маликаларнинг саргузаштларидан сўйловчи эртаклар жамланган.

4803000000 —42
т----- 6—90
360(04)—90
181Ш 5-8250-0199-9

С) «Чўлпон» нашриёти, 1990.

ҚАҲРАМОНЛИК,
МЕҲНАТСЕВАРЛИК
ҲАҚИДАГИ ЭРТАKLAR





ХАСАНЧА

Кадим замонда Ҳасанча исмли ажойиб бир йигит бўлган экан. Дунёни сув босса тўпифига чиқмас, на ўтмишни ўйларкану, на эртанинг ғамини еркан. Иши фақат сайру саёҳат экан. Бир куни Ҳасанча одамлари оч-ночорликдан қашшоқлашган бир шаҳарга келиб қолибди. Нима қиларини билмаган, очликдан тинка-мадори қуриган кишилар кўчаларда, деворлар тагида қалашиб ётишган экан. Ҳасанча шаҳардан чиқиб, тоққа борибди ва у ердан икки-уч марта ўтин териб келиб бозорда сотибди-да, ўзига етарли миқдорда гўшт-ёғ, сабзи-пиёз, гуруч харид қилиб эгасиз, вайронна ҳовлига кириб ош пишира бошлабди.

Мамлакат подшоси халқнинг ахволидан вокиф бўлиш мақсадида баъзан факирона кийиниб шаҳар айланаркан. Шу кеча ҳам подшо шаҳар айланиб юриб кўпгина уйларнинг мўриларидан тутун чиқмаётганини, аксарият одамларнинг иссиқ овқат учун турсин, ҳатто егани бир бурда нон тополмаётганликларининг гувоҳи бўлибди. Ногоҳ подшо шаҳар чеккасидағи уйлардан бирининг мўрисидан чиқаётган тутунни кўриб қолибди-ю, ҳайратланиб ҳовлига яқинлашибди. Уёқдан чиқаётган иштаҳани карнай қилувчи палов ҳиди подшони ичкарига тортибди. Ҳовлига киргач, подшо ош пишираётган йигитчани кўрибди.

— Эй яхши йигит,— дебди подшо,— мен бир бечора, фариман, сен ҳам ёлғиз экансан, кулбангдан шу кеча тунашга жой берсанг нима бўлади?

— Марҳамат, хуш келибсиз!—дебди Ҳасанча. Подшо ичкарига кирибди, кўп ўтмай ош ҳам тайёр бўлибди. Ҳасанча овқатни сузуб ке- либди ва икковлари иштаҳа билан ебдилар

Овқатдан сўнг подшо Ҳасанчадан сўрабди:

— Одамлар бир бурда нонга зор бўлиб турган пайтда сен бир ўзинг учун сергўшт, серёғ палов тайёрлабсан, афтидан, бирор даромадинг борга ўхшайди-а?

— Э, амаки,— дебди кал,— узумини егину боғини сўрама, деган эканлар. Ошни едингиз, у томони билан ишингиз бўлмасин.

Ҳасанча дастурхонни йигиштирибида-да, дутор чалиб вақтихушлик қила бошлабди.

«Бу йигитни савдогар десам, савдогарга ўхшамайди, ўғри ёки қароқчи бўлса керак. Агар ўғри ёки қароқчилигини билсам, олиб бориб зиндонга ташлайман», деган ўйга бориб подшо ҳадеб сўраб-суршираверибида.

— Жуда кўп сўрадингиз-да!— дебди Ҳасанча.— Эрталабдан кечгача тоғлардан ўтин териб келиб сотдим, пулига мана шуларни олдим.

Йигитнинг гапларига ишонмаган подшо эртасига ўтин бозорига келиб ҳақиқатан ҳам Ҳасанчанинг ўтин сотаётганини кўрибди.

Шу куни подшо ўтин сотишни ман қилибди. Жарчилар кўчаларда, бозорларда юришиб:

— Одамлару одамлар, боғда битган бодомлар, эшитмадим деманглар! Кимда-ким ўтин сотса, жойи зиндонда бўлади. Подшонинг амири шу,— дейишиб жар солишибди.

Ўша куни кечки пайт подшо яна ғарифона кийиниб Ҳасанча яшаб турган ҳовли олдидан ўтибди. Бу сафар ҳам вайронна кулбадан ош хиди димоққа урилибди-ю, подшо ичкарига кирибди.

— Марҳамат, марҳамат,— дебди унга пешвоз чиқибҲасанча.

Подшо ичкарига кирибди. Ҳасанча ошни олиб келибди, икковлари биргалашиб ейишибди. Подшо сўрабди:

— Эй мусофири йигит. Эшитишимча, бугун подшо ўтин сотишни ман қилибди. Мен сени ўтинини сотолмай оч колдимикан, деб ўйлаган эдим.

— Подшоларингни ер ютсин, билмадим нима сабабдан ўтинбурушликни ман қилди экан. Дунёни шунча кезиб, ҳеч ерда бунчалик абллаҳона қонун-қоидани кўрмаган эдим. Ўтин сотишни ман қилгандан кейин ўт олиб келиб сотдим.

— Агар ўт сотишни ҳам ман этса, нима қилардинг?— сўрабди подшо.

— Нима қилардим. Бориб супурги ўриб келиб сотардим-да.

— Агар подшо буни ҳам ман этса-чи?

— Яна яшашнинг бирор чорасини излаб топардим-да, ғалати одам экансиз, мунча суршираверасиз?

Ҳасанча дуторини қўлига олиб инсоннинг ризки рўзиси меҳнат билан келиши ҳақида қўшиқ хиргойи қила бошлабди.

Подшо: «Мен бу такаббур йигитни шундай боплайки, эртага у қандай килиб ганж топаркин», дея кўнглидан ўтказибида-да, тонг сахарда одамларига фармон берибди:

— Фалон жойда бир йигит яшайди, олиб келиб қўлига қурол бериб, қалъага сокчи қилиб тайинланглар, кун бўйи қимирламасдан посбонлик қилсин.



Подшонинг амрини ўша захотиёқ бажаришибди. Ҳасанча белига қилич осиб кечгача подшо саройида посбонлик қилибди. Кечкурун подшо: «Қани кўрай-чи, энди унинг аҳволи не кечар экан?» — деб Ҳасанча яшаб турган ҳовлига келибди. Ҳасанча эса хурсанд, қўшик куйлаб овқат пишираётган эмиш.

— Келинг, ошна, келинг! — дебди у подшони кўриб. Кечагисидан ҳам ширинроқ бўлган ошни пок-покиза туширишибди.

— Қани, айт-чи, бугун ош харажатлари учун пулни қаердан олдинг? — сўрабди подшо.

— Асти сўраманг, — дебди Ҳасанча, — подшо одамлари келиб мени олиб кетишибди, кўлимга қилич бериб, кальага коровул қилиб кўйдилар. Берган қиличларини пулладиму ўрнига ёғоч қилич сотиб олиб филофга солиб кўйдим. Пули бугунги харажатдан ҳам ортиб колди.

— Агар эртага подшо сени ўз ҳузурига чакириб бирор жиноятчини қилич билан чопиб ўлдир, деса унда нима қиласан? Бу хақда ўйлаб кўрмадингми? — сўрабди подшо.

— Одамлар ҳар нарса тўгрисида ўйлайверса мияси ғовлаб кетади. Ахир донолар: «Кўркканга қўш кўринар», деганилар-ку.

Эртаси куни подшо айтганини қилибди. Ҳасанчани унинг олдига келтиришибди ва азобланган, хўрланган, кўл-оёқлари боғланган бир бечорани уриб-сурив подшо ҳузурига олиб киришибди. Подшо Ҳасанчага буйруқ бериди:

— Бу одам кечирилмас гуноҳ қилган. Биз уни ўлдиришга хукм чиқардик. Агар бир қилич солиш билан калласини олмасанг, ўзингнинг бошингни танангдан жудо киладилар.

— Хўп бўлади! Подшонинг амри унинг қуллари учун вожибдур! — дея Ҳасанча қиличини кинидан чиқариб маҳбуснинг гарданига чунон урибдики, қилич майда-майда бўлиб кетибди.

— Эй подшоҳи олам, эй кароматли султоним! — дебди Ҳасанча. — Агар одам бегуноҳ бўлса, жаллод қиличи калтакка айланади, деб рост айтган эканлар. Бу киши бегуноҳ экан, қилич калтак бўлиб колди.

Подшо қах-қах уриб кулибди-ю, Ҳасанчанинг зийраклигига, ишбинармонлигига қойил қолиб унга жавоб бериб юборибди.

Ҳасанча худди илгариgidай вақти хуш, кайфи чоғ бўлиб яшайве- рибди.

ДАНАК

Бахром деган бир бола бўлган экан. Бир куни у битта ўрик данагини топиб олиб онасига кўрсатиб:

— Онажон, мана шу данакни чақиб ейман! — дебди.

Онаси ўғлига маслаҳат бериди:

— Уни чақмагину олиб бориб ерга экиб қўй, ўсиб-улгайиб мева қилганда маза қилиб еб юрасан.

Бахром рози бўлиб данакни олиб бориб экибди, унга сув қуйиб дебди:

— Эй данак, агар мен келгунча кўкариб чиқмасанг, ковлаб олиб чақиб ейман.

Бир неча вақтдан кейин келиб қараса, данак кўкариб чиқиб анчагина ўсиб қолибди. Баҳром ниҳолни кўргач, онаси олдига келиб дебди:

— Онажон, данак ўсиб ниҳол бўлибди, уни синдириб олиб чиллак қилиб ўйнайман.

— Синдирма!— дебди онаси.— Сув бер, ниҳол дараҳт бўлади, дараҳт эса мева беради.

Баҳром ниҳолга сув бериб дебди:

— Ҳой ниҳолча, агар мен келгунча дараҳт бўлмасанг, томир-помиринг билан қўпориб ташлайман!

Орадан бир неча вақт ўтгач Баҳром келиб кўрса, ниҳол сершоҳ катта дараҳт бўлиб қолибди. Баҳром унга сув куйиб дебди:

— Эй дараҳт, келгунимча мева бермасанг кесиб ўтин қилиб уйга олиб кетаман, онам ўчокқа қалайдилар.— Яна бир неча кун ўтгач Баҳром келибди. Қараса, дараҳт мева туғибди. Ҳурсанд бўлиб ўрик дараҳти тепасига чиқиб меваларни териб ея бошлабди.

Шу пайт бир алвасти кўр кампир шаклига кириб, елкасига халтасини ташлаганича, кўлида ҳасса билан дараҳт тагига келибди-ю, ўзича ўй суриб қолибди: «Бу болани йукотсан, дараҳти ўзимга қоладио мевасини еб юраман».

Шундай ўю-хаёллардан кейин алвасти Баҳромга дебди:

— Ўғилгинам, узоқ йўлдан келдим, томогим қуруқшаб кетди, озгина ўрик бер, еб олайнин.

Баҳром ўрик териб кампир олдига ташлаб дебди:

— Мана, онажон, териб сяверинг.

— Ҳой болам, мен бир ожиз кампирман, кўзларим ҳеч нарсани кўрмайди, ўзинг тушиб териб бермасанг, мен тополмайман,— дебди шум кампир.

Баҳром дараҳтдан тушиб бир оз ўрик териб кампирга узатибди. Шу пайт алвасти кампир унинг кўлларидан маҳкам ушлабдио халтасига солиб кўтариб кетибди.

Алвасти уйига келиб, халтасини бир бурчакка кўйиб, қозонга ёғ солиб, ўт ёқа бошлабди.

У ўт ёқиши билан овора бўлганда Баҳром халтани тешиб ташқарига чиқиб чопганича бориб теракнинг тепасига чиқиб олибди.

Кампир келиб қараса, халтадаги бола йўқ. Уёқни излабди, буёқни излабди, ҳеч қаердан Баҳромни топа олмабди.

— Ўғилгинам, ҳо ўғилгинам, қаерга кетдинг?—деб сўрабди кампир.

Баҳром дараҳт тепасидан туриб:

— Мен бу ердаман,— дебди.

— Ўғилгинам, у ерга қандай қилиб чиқдинг?

— Темир куракни қиздирдим, унинг устига миндим, бел тепага учди, шу пайт ўзимни дараҳт тепасида кўрдим,— жавоб берибди Баҳром.

Кампир дараҳт тепасига чиқмоқчи бўлиб темир куракни қиздириб, унинг устига ўтирган экан, куйиб ҳалок бўлибди.

Шундай қилиб, Баҳром бу тадбиркорлиги билан ўзини ҳам, ўрик дарахтини ҳам алвости дастидан кутқазиб, ўрик еб яшайвериби.

ГАПИРУВЧИ ПУЛЛАР

Бор экан-да, йўқ экан, бир хасис бўлган экан. У хотину бола-чақаларини тўйдириб овқатлантирмас, ўзи ҳам ярим оч юриб, юз жойидан ямок бўлган чопон кийиб юаркан. У кўпроқ пул йигиш ғами билан яшар экан. Бу йўл билан у бир кўза тилла ва бир кўза кумуш пул йигиб, уларни уйи девори остига кўмиб кўйибди. Бир иили қаҳатчилик бўлиб, ҳамқишлоқлари қатори хасиснинг ҳам ҳоли танг бўлибди. У ноилож тилла ва кумуш пуллар солинган кўзаларни эслаб бемаҳалда деворнинг тагидан қазиб чиқарибди. Кўзанинг оғзини очай деб турса, бирдан: «Кўл теккизма, мен Қурбоннинг пулиман!»— деган овоз эшитилибди.

— Вой, бу қандай овоз!— таажжубланибди хасис ва қўркиб дарҳол тилла кўзанинг оғзини бекитиб кумуш кўзани кўлига олибди. У бу кўзанинг оғзини очаётган экан, яна ўша овоз қулогига эшитилибди:

«Кўл теккизма, мен Қурбоннинг пулиман!»

— Бу қандай гап ахир?— дебди хасис ҳайрон бўлиб ва тезда кўзанинг оғзини маҳкамлабди.— Тиллаю кумушларни мен йигсам-да улар қандайдир Қурбонники бўлса? Тавба!— дебди у ўз-ўзига.

Хасис кўзани бошқатдан ерга кўмибди ва девор тагида ўтириб ўзича ўйлабди:

— Пуллар менини бўлса-ю, улар қандайдир Қурбонники бўлиб қолса? Масалан, бизнинг гузарда Қурбон заргар яшайди. Аммо заргар ким? У олтин-кумушни яхши кўрадиган киши. Шунинг учун симу зар ҳам заргарни яхши кўради. Пуллар менини бўлса-ю, заргарни кўлига тушса. Ахир буларни мен жамғардим-ку? Мен хазинамни бошқа кишининг кўлига тушишига йўл кўймайман!..

Хасис югуриб бориб ўтинхонадан болтаю аррани олибди ва эшаги-га миниб тоққа равона бўлибди. У ерда қалин бир арчани кесиб иккита гўя арралаб олибди ва эшагига юклаб уйига қайтибди. Уйда ғўлаларнинг ичини тешибди ва бирига тилла, иккинчисига кумушни жойлаб тешигини бекитибди. Кейин ғўлаларни эшагига юклаб дарё лабига олиб бориб сувга ташлаб юбориб дебди:

— Энди кўрамиз, қандай қилиб сизлар Қурбонники бўлар экансиз! Хасис ҳатто ғўлаларнинг оқиб кетишига қарамай эшакка миниб уйига қайтиб кетибди.

Бутун кеча у ухлай олмай: «Оҳ, мен нима иш килдим! Пулларни йигиб-йигиб, ўз кўлим билан дарёга ташладим!» — деб ўйлаб чиқибди. Ғам-гуссадан хасиснинг кўзидан уйку қочибди. Энди тонг ёришаётганда, у этикларини кийиб дарё бўйига, пул солинган ғўлаларни қидиришга жўнабди. Дарёнинг гоҳ у кирғогига, гоҳ бу кирғогига қараб, бирон ерга илиниб қолган деган умид билан кетавериби.

Дарё бўйида бир шаҳар жойлашганди. Унда Қосимбой деган давлатманд яшарди. У дарё бўйига иккита мардикорни кўйиб сув оқизиб

келган ғұла, шохларни тутиб уни уйига олиб келишини буюрган эди. Бир куни ўша мардикорлар хасис ташлаган ғұлани күриб қолибдилар ва тутиб бойнинг ҳовлисига олиб келибдилар. Бу шаҳарда Қурбон деган камбағал темирчи ҳам яшарди. У бойдан насияга ўтин олиб қарздор бўлиб қолган эди. Мардикорлар хасиснинг ғұласини тутиб келган кун Қосимбой темирчини олдига чакириб дебди:

— Агар қарзингий тўлай олмас экансан, мени хизматимни бажар. Менга кўмир керак. Сен ҳозир менинг ҳовлимга бориб бир эшакка ортгудек ўтин олиб тезда кўмир тайёрлаб кел.

Бойнинг ҳовлисига келган Қурбоннинг кўзи ўша ғўлаларга тушибди.

— Ана, бу ғўлалар арчадан экан, унинг кўмири яхши бўлади,— дебди у ўзига ўзи ва уларни эшакка юклаб дўконига олиб кетибди. Битта ғўлани олиб ёрмоқчи бўлиб, болта билан бир урган экан, ғұла иккига бўлиниб ичидан бир чангаль кумуш тушибди.

— Хотин, хотин! — секин чакирибди Қурбон.— Тезроқ буёққа кел, битта лаган ҳам олиб кел!

Темирчининг хотини лаганни олиб югуриб келиб кўрдики, талайгина кумуш ерда сочилиб ётибди, саросимага тушган хотин пулларни тера бошлабди.

— Пулларни уйга олиб бориб беркит!— дебди темирчи,— энди мен бойнинг қарзини бериб кутуламан.— Қурбон бошқа ғўлани иккига бўлибди. Ғўланинг ичидан тилла тўкилибди.

— Хотин, тезроқ буёққа кел! Бошқа лаган ҳам олиб кел!

— Маълум бўлдикни, бизнинг баҳт гулимиз ҳам очилибди, энди болаларимизнинг корни тўқ, усти бут бўлади,— дерди темирчининг хотини, тиллаларни бошқа лаганга солар экан.— Эрталаб бойнинг қарзини бериб бозорга бораман. Гуруч, ёғ, кўй гўшти, болаларга қандолат олиб келаман. Ҳаммамизга янги чопон, маҳси-калиш оламан, ўзимга сандон, болға харид қиласману дўконимни янгитдан қураман. Ишлариги юришиб кетиб, муҳтожлик азобидан кутуламан,— дебди Қурбон хотинига.

Хасис дарё бўйлаб кетаверибди-кетаверибди ва ниҳоят бир неча кундан сўнг ўша шаҳарга етиб келибди. У тонг саҳарлаб йўлга тушиб, шаҳарга қоронги тушганда кириб келибди ва биринчи учраган кишидан сўрабди:

— Мен мусофириман, бирон жойда тунаб қолмоғим даркор, қаерга борсам экан-а?!

— Истаган ҳовлининг эшигини қоқсанг, сенга жой беришади,— дебди у киши.

Хасис бир ҳовлининг эшигини тақиљлатибди. Бу Қурбоннинг уйи экан.

— Ким?— сўрабди Қурбон эшикнинг орқасидан.

— Мен бир мусофириман,— дебди хасис,— агар малол келмаса, шў кечада ётишга жой беринг.

— Марҳамат, киринг, меҳмон бўлинг,— таклиф қилибди Қурбон. Темирчи меҳмонни уйига киргизиб, хотинига чой дамлашни, овқат олиб келишини буюрибди.

— Эй азиз меҳмон, қаердан келяпсиз ва қаерга бормоқчисиз?— сўрабди Қурбон, дастурхон йигиширилгандан кейин.

— Эй, нимасини айтай, бошимга шундай оғир қунлар тушдик, гапиришга тилим бормайди. Сиз раҳмдил, яхши одам кўринасиз, сиримни сизга айта қолай,— дебди меҳмон.

Хасис Қурбонга бошидан ўтган бутун воқеани айтиб берибди. Қурбон бу воқеани эшишиб ҳайратланиб:

— Ана, гап қаерда экан!— дебди-ю, бошини маъюсона эгиб, хомуш ўтираверибди. Меҳмон ухлашга ётганда, Қурбон қўшни хонага ўтибди-да, хотин ва болаларига шивирлабди:

— Олтин ва кумуш пулларнинг эгаси топилди. Биз қолган пулларни унга қайтариб беришимиз керак. Аммо шундай иш қилиш керакки, у пулларнинг бир қисмини сарфлаганимизни сезмасин. Нима қиласиз?!

— Мен эрта тонггача хамир қилиб иккита катта-катта нон ёпаман, бирининг ичига олтинни, иккинчисига эса кумушларни бекитаман,— дебди хотини.— Меҳмон туриб кетмоқчи бўлганда, йўл озиғи, деб нонларни унга берамиз. Шундай қилиб у қолган пулларни олиб кетади.

Хотинининг таклифи темирчига маъкул бўлибди. Шундай ҳам қилишибди.

Нонуштадан сўнг меҳмон кетиш тараддудига тушибди:

— Йўлда ерсиз,— деб темирчи хотини ёпган иккита нонни берибди.

Рахмдил мезбон кўлидан нонларни олар экан, меҳмон уларни кўзига суртиб, белбоғига тугиб олибди.

— Эй меҳмондўст киши, сизга минг раҳмат, бу тезоқар дарёда йўқотган нарсаларимни топиб олишим амримаҳолга ўхшайди. Аммо кандай тирикчилик ўтказишни энди билиб олдим,— дебди хасис Қурбоннинг ҳовлисини тарк этар экан.

Шаҳар четига бормай туриб, хасиснинг этиги йиртилиб кетибди. У этикдўз олдига бориб:

— Уста, этикларим сўклилиб, йиртилиб кетди. Ҳали йўллим узок. Сизга беришга пулим йўқ, хизматингиз эвазига шу нонларни олмайсизми,— дебди ялинган оҳангда хасис.

— Майли, этикларингизни ечинг,— дебди уста.

Уста нинага ип ўтказибди-да, этик чокларига бигиз тикибди, лекин кетма-кет тўрт бигиз синибди.

— Ана этигу мана этик, шунча усталик қилиб бундай қаттиқ чармдан бўлган этикни кўрмаган эдим. Бирон марта бигизим синмаганди ҳам. Сиз шу ерда кутиб туринг, мен темирчи уста олдига бориб бигизларни тузатиб келай,— дебди уста.

Бигизларни қўлига олган уста бугун бир мири ҳам ишламаганини эслабди ва хасис берган нонни қўлига олиб дебди:

— Пулим йўқ. Даромад қилмадим. Сизнинг нонингизни темирчига беришга тўғри келади.

— Биттаси етмаса керак, мана бу иккинчисини ҳам олиб боринг,— дебди-да, иккинчи нонни ҳам этикдўзга берибди. Уста ҳар икки нонни қўйнига солиб Қурбон темирчининг олдига келибди ва ундан бигиз ясад беришини сўрабди. Қурбон этикдўз тўртта янги бигиз тайёрлаб берибди.

— Хафа бўлма, мен бугун пул тополмадим, меҳнат ҳаққингга мана бу нонларни ол!— дея этикдўз олиб келган нонларни темирчига берибди.

— Иккитасини нима қилардингиз! Биттаси ҳам етади, иккинчиси ўзингизга қолақолсин,— дебди Қурбон ва иккинчи нонни устага қайтариб берибди.

Этикдүз темирчидан миннатдор бўлиб дўконига кетибди. Кечкурун, Қурбон этикдўздан олган нонни хотинига берибди. Хотини ноннинг уёғ-бўёгини кўриб бакириб юборибди:

— Ахир, бу ўша, мен ёпган нон-ку!— У тезда нонни синдирибди. Ичидан олтин чиқибди.

— Худо урди бизни! Энди нима қилдик? Мен бировнинг молини ўзлаштиришни истамайман!— фарёд чекибди Қурбон.

— Бунинг эгасини энди қаердан топамиз?— дебди темирчининг хотини.— У аллақачон қаёққадир кетиб қолган, энди билдим. Сен пирлар назари тушган Қурбон экансан. Шунинг учун ҳам бу пуллар сендан айрилишини истамаётирлар,— дебди ўз-ўзига.

Уйига қайтиб келган хасис бўлса, энди зиқналик қилиб, емай-ичмай пул жамғармаслик ва топган-тутганини оиласини боқишига сарфлашга аҳд қилибди.

ДЕҲҚОН ВА АЙИҚ

Бир дехконнинг бир парча ери бўлган экан. Ҳар йили дехкон ана шу ерга бугдой экиб, ўз оиласи билан тириклигини ўтказар экан. Бир йили бугдой униб, кўкарган бир пайтда буғдойзорга айиқ келадиган бўлиб қолибди. Айиқ бемалол экин ичида ағанаб ётар, уни турғизиб ҳайдаб юборишдан эса дехкон кўрқаркан.

Буғдой пишибди, дехкон уни ўриб, янчиб, шамолда совуриб уйига кетишига тайёрлаб қўйган бир пайтда яна айиқ келиб дебди:

— Ассалому алайкум, шерик!

Дехқон ҳайрон бўлиб сўрабди:

— Ваалайкум ассалом, сен қандай қилиб менга шерик бўлиб қолдинг?!

Айиқ аччиқланиб:

— Шу пайтгача мен сенинг шеригинг эканлигимни билмайсанми?!— дебди.

— Қаердан билай, ахир сен мен билан бирга ишламаган бўлсанг,— жавоб қайтарибди дехқон.

Айиқ ҳар доим келиб ётадиган ерига бориб ёнбошлиб ётиби-ю, дебди:

— Мен ҳар куни мана шу ерда ётиб чумчуқларни ҳайдар эдим, акс ҳолда, бир дона ҳам буғдойинг қолмасди!

Дехқон текинхўр айиқдаг кутулишнинг иложи йўқлигини кўриб начор дебди:

— Майли, кел донни тақсимлайлик.

Улар хирмон бошига келибдилар. Дехқон буғдойни тенг иккига бўлиб дебди:

— Қани қопингни ол-чи, ҳаққингни солиб берай!

— Менинг қопим йўқ,— жавоб берибди айик.

— Ундаи бўлса, менинг уйимга бориб ўзингга ҳам, менга ҳам қоп олиб кел,— дебди дехқон.

— Ўзинг бориб олиб келавер, мен буғдойни қўриклаб тураман,— дебди айик.

Дехқон уйига бориб бўлган воқеани хотинига айтиб берибди.

Хотини бир оз ўйланиб тургач дебди:

— Сиз кетаверинг, мен ўзим бориб уни ҳайдаб юбораман.

Иккита қопчани қўлтиклаб дехқон хирмон бошига келибди, караса айик ҳадеб ер ковлаётган экан.

— Нега ерни ковляяпсан?— сўрабди дехқон.

— Мен ўз ҳаққимни мана шу ерга ташлаб, еб ётаман,— жавоб берибди айик.

Шу орада дехқоннинг хотини кишлок болаларини йифиб, бир эшакка кул юклаганича хирмонга равона бўлибди. Хирмонга яқинлашгач, болаларга шовқин-сурон кўтаришни буюрибди-ю, ўзи кулли қопни таёқ билан ураверибди, кул чангид осмонга кўгарила бошлабди.

Бу кутилмаган ҳодисадан кўрккан айик ўзи қазиган чукурликка тушиб яширинибди.

— Эй дехқон, айикни кўрмадингизми?— сўрабди хотин.

— Айик сизга нима учун керак?— сўрабди эри.

— Подшонинг қизи касал бўлиб қолибди, унга айик ёғи дори экан! — жавоб берибди хотини.

Капалаги учиб, ўтакаси ёрилаёзган айик дехқонга ялиниб:

— Эй шерик, менинг бу ердалигимни айта кўрма!— дебди.

— Мен айтмасам ҳам сени топиб оладилар, қулоқларинг кўриниб турибди-ку!— дебди дехқон.

— Эй ошна, ўроқни олу қулоқларимни қирқиб ташла,— илтимос қилибди айик.

Дехқон ўроқ билан унинг қулоқларини шартта кесиб ташлабди. Шу пайт хотини яна фарёд кўтарибди.

— Эй дехқон, ўтган йилги айикни кўрмадингизми?

— Йўқ,— дебди дехқон.

— Нега ёлғон гапирасиз, олдинги оёқларини кўриб турибман-ку,— яна бақирибди хотини.

Кўркувдан титраб кетган айик, дехқонга дебди:

— Эй ошна, тезрок олдинги оёқларимни кесиб ташла!

Дехқон дебди:

— Қулоқларингни кесдим, энди оёқларингни ҳам кессам қандай қилиб яшайсан?

— Мана шу буғдой тамом бўлгунча оёқларим ўсиб қолади,— жавоб берибди айик.

Дехқон айикнинг оёқларини ҳам кесиб ташлабди. Хотини яна доду фарёд кўтарибди.

— Эй дехқон, узоқ йилги айикни кўрмадингизми?



— Йўқ,— дебди эри.
Хотини яна бақирибди.
— Нега ёлғон гапирасиз, ахир боши кўриниб турибди-ку.
— Эй ошна! Тезлик билан бошимни олиб ташла!— дебди айик.
— Хўп,— дебди-ю, дэҳқон айиқнинг бошини танасидан жудо қилибди.
Шундай қилиб дехқон текинхўрдан қутулибди ва бугдойининг ҳаммасини уйига ташиб кетибди.

ҲУНАРМАНД ХОТИН

Ўтган замонда бир шаҳарда бир бой яшаган экан. У ҳар куни нонуштадан кейин чорвоқдаги супага солинган етти қават кўрпачага ёнбошлаб, хотинини ёнига чакириб, ўзини мақташга тушаркан:

— Эй хотин, сен менинг ақли расолигим ва молу дунём туфайли, менинг обрў-эътиборим шарофати билан шаҳар хотинлари орасида обрў топдинг. Мен борманки, сенинг еганинг олдингда, емаганинг орқангда, устинг бутун, мен сенинг эринг эканлигим учун худога минг бор шукр кил...

Хотин эса ҳар куни хали хўруз қичкирмасдан турар, молларни соғар, овқат берар ва уй-жойни супуриб тартибга келтирап экан. Ҳар куни пешинда ва кечкурун эри ва унинг меҳмонлари учун лаззатли овқатлар тайёрларкан; бўш вақти қолдими дарҳол дўппи тикишга ўтиаркан.

У ниҳоятда чиройли дўппилар тикар ва уларни бойнинг хизматкорлари қиммат нархда сотиб келиб, пулини бойга беришаркан. Ана, шундан кейин ҳам хотин бойдан гап эшитавераркан.

Бир куни бой ўзини эндиғина мақташга тушган экан, хотини унинг гапини бўлибди.

— Мен нодон авваллари, дарҳакиқат, сизнинг давлатингиз шарофати билан тўқ ва осуда яшяпман деб ўйлардим, аммо энди ўйлаб қарасам, бу хонадонда менинг хизматим ҳам кам эмас экан! Бунақа гапларингизнинг ҳаммаси бемаънидир,— дебди.

Бундай таънани хотинидан кутмаган бой аччиқланиб ўрнидан турибди-да, бақира бошлабди:

— Сен, сочи узун, ақли қисқа аҳмоқ, нималар деяпсан? Сен менсиз гадой бўласан, менсиз сен кирларга ботиб ўлиб кетасан, йўқол, кўзларимга кўринма!

Бу сафар хотин бойнинг дўқидан ларзага тушмабди, у эрининг семиз ва анордек кип-қизил юзларига тикилиб дебди:

— Майли, мен сизнинг кўзингиздан йўқоламан, аммо гадой бўлмайман, кирларга ботиб ўлмайман; бориб энг камбағал кишига турмушга чиқаману уни бой ва баҳти қиласман!

Хотин бор-йўғини йиғиштириб бойницидан чиқиб кетибди. У йўлда кетаётган экан олдидан бир тўда йигитлар ўтиб қолибди. Хотин улардан сўрабди:

— Шаҳарнинг энг камбағал кишиси ким?

Йигитлар жавоб беришибди:

— Бу гузарда Саид исмли ўтинчи яшайди, ичгани — атала, кийгани — жулдур.

Хотин сўраб-сурештириб Саиднинг уйини топибди. Эски, қийшиқ, ярим очик эшикдан ичкарига кирибди. Ҳовли ҳам ифлос, неча замонлардан бўён супурги тегмаган экан. Ярим вайронга уйга кириб уй ўртасида ётган эски, йиртиқ кўрпа, тарашадай қотган ёстиқ, лаби учган қозон, қоп-кора қумғон, қадоқланган косани кўрибди. Қозоннинг ичидагина атала ҳам бор экан.

Хотин сув келтириб ховлига сепибди, супурибди, кўрпаю ёстиқ жилдларини ювибди, сўнgra дўппи тикишга ўтирибди. Бир пайт икки боғ ўтинни орқалаганича Саид кириб келибди. У ўтинини бир четга кўйиб қараса, ҳовли супурилган, кир ювилиб дорга илинганди. Уй эши- гидан аста қараса чиройлигини бир хотин дўппи тикиб ўтирибди. У ҳайрон бўлибди ва:

— Бу ер менинг уйим эмасга ўхшайди,— деб қайтиб кетмоқчи бўлган экан, хотин чиқиб дебди:

— Сиз янглишмадингиз, кираверинг, шу ер сизнинг ўйингиз!

Саид на кўриб кўрганига, на эшишиб эшитганига ишонмабди. У турган жойида тахтадай қотиб қолибди.

— Ҳайрон бўлманг, бугундан бошлаб биз эр-хотин бўламиз-у, бирга яшайверамиз. Энди мана бу ерга ўтиринг-да, қандай қилиб кун кечираётганингизни сўзлаб беринг,— дебди аёл.

Саид ҳар куни эрталаб далага бориб икки боғ ўтин олиб келиб бозорда сотишини, пулига ун олиб қуюккина, лаззатли атала пишириб ичиб, эрталабгача бемалол ухлашини, ҳар куни ахволи шундай кечишини айтуб берибди.

— Ундан бўлса,— дебди хотин,— ҳозир ўтинингизни бозорга олиб бориб сотингу ярим пулига ун олинг, ярим пулини қайтариб олиб келинг.

Саид, «пулнинг ярмига олинган ун иккаламизга нима бўлади», демокчи бўлибди, аммо «бу хотин бирон нарсани билса керак, қани айтганини қилас-чи, охири нима бўларкан», деб ўйлабди-да, ўтинини кўтариб бозорга жўнабди. Хотин яна дўппи тикишга киришибди.

Аллақанча вақтдан сўнг Саид бир қисм ун ва озгина пул билан қайтибди.

Хотин пиширган аталани икковлари ичишибди. Кейин хотин Саидга дебди:

— Энди лой тайёрлаб, девор нураган жойларини суванг!

Ҳар куни шу пайтда роҳат қилиб уйқуга кетадиган Саид истар-истамас лой тайёрлар, хотин эса тинмай дўппи тикаркан.

Эртаси куни хотин Саидга икки боғ эмас, тўрт боғ ўтин териб, тўғри бозорда сотиб келишини буюрибди.

— Бозорга борганингизда,— дебди хотин унинг қўлига тайёр дўппиларни тутқазиб,— мана буларни ҳам сотинг, пулининг ярмига ун, пиёз, шолғом ва битта қозон билан икки-учта коса олинг, ярмини олиб келинг.

Сайд хотиннинг айтганларини бажариб келибди. Хотин нина-ипини ийгишириб янги қозонда қотирма пиширибди, пиёва тайёрлабди. Уни янги косаларга қуйиб дастурхонга келтириб қўйибди. Сайд қотирмани пиёвага ботириб, «бай-баю», «хай-хай»лаб дебди:

— Бай-бай-бай, қотирма дегани шунаقا ширин бўладими?!

Хотин дебди:

— «Мехнат — роҳат», деганлар. Агар сиз кўпроқ меҳнат қилсангиз пиёва эмас, шўрва, қотирма эмас, ёғли патир ейсиз.

Сайд хурсанд бўлиб сўрабди:

— Ундай бўлса айт-чи, яна нима қиласай?

— Ҳали вақт эрта,— дебди хотин,— бориб яна тўрт боғ ўтин олиб келинг.

Сайд дархол тешаси билан арқонини олиб далага жўнабди.

Сайднинг гайрати кун сайин ошар, турмушлари ҳам кундан-кунга яхшиланиб бораракан. Бир куни хотин дўппи ва ўтиннинг пулларидан тежаб қолганларини эрига бериб дебди:

— Бу пулга яхшигина битта эшак сотиб олинг, эшак меҳнатингизни енгиллаштиради.

Шундан кейин Сайд ҳар куни икки боғ эмас, тўрт боғ эмас, балки ўн олти-ўн саккиз боғдан ўтин келтириб сотадиган, қолган вақтини эса ҳовлисини ободонлаштиришга сарфлайдиган бўлибди. У уйиннинг деворларини суваб янгилабди, эшик-деразаларини ўзгартирибди, ҳовлисини бошдан-оёқ дараҳтзорга айлантирибди.

Бир куни хотин Сайдга шаҳарнинг катталарини, обрўли кишиларини меҳмондорчилликча чакиришни буюрибди. Хотин бошқалар қатори илгариги эрининг номини ҳам тилга олибди.

Сайд меҳмонларга хабар бергани кетибди, хотин эса қўни-қўшниларни чакириб серёғ патирлар, турли-туман таомлар тайёрлабди. Хушбўй, ранг-баранг гуллар, кўм-кўк дараҳтлар ўртасидаги шоҳсупага қават-қават кўрпачалар ташлаб жой хозирлабди.

Кўп ўтмай, меҳмонлар ҳам кела бошлабдилар. Шоҳсупа шаҳарнинг обрўли кишилари билан тўлибди. Зиёфатхўрлик ва чақ-чақнинг айни қизиган пайтида шаҳар катталаридан бири Сайддан сўрабди:

— Эй Сайд, биз сенинг камбагал ва қашшоқлигинги билардик, кейинчалик маълум бўлишича, турмушинг яхшиланибди, энди кўрсак, молу давлатли бўлибсан, мана бу иморат, боғлар, супаю зиёфатлар бизнинг ҳавасимизни келтиряпти, қани айт-чи, бундай бойлик — давлатга қандай эришдинг?

— Бахтим бор экан,— жавоб берибди Сайд.— Буларнинг ҳаммаси аёлнинг шарофатидан.

Ҳамма таажжубланибди. Аммо бой бу ишга ҳайрон бўлмабди. У меҳнаткаш ва меҳрибон хотинини ҳайдаб чиқарганидан кейин яхши хотиннинг қадрини билганди. Хотини уйдан чиқиб кетганидан бери у хизматкорларини қанчалик зўр бериб ишлатмасин, турмуши яхши бўлмасди, шу боисдан у ўйга толиб ўз килмишидан пушаймон эди.

— Қани айт-чи, бундай хотинни қаердан топдинг?— сўрашибди Сайддан.

— Ўз оёғи билан кириб келди,— жавоб берибди Сайд.

Сайднинг бу гапларидан бой бу аёл ўзининг илгариги хотини эканлигини сезибдио аёлнинг айтганлари эсига келибди:

«Мен энг камбагал кишини бой ва баҳтиёр қиласам!».

«Ха, у айтганини қилибди»,— дебди ичидаги бой. Бу фикрдан унинг бутун танасига оғир дард кирибди. Бу дардан у то умрининг охиригача кутула

олмабди.

ЖҮХОРИЧА

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир Жўхорича бўлган экан. У бир сиқим жўхоричалар билан бир халтачада баҳорни илҳақ кутиб ётар экан.

«Баҳор бўлади, мени ерга экадилар, кўкараман — ўсаман, барг чиқариб очик ҳавода эркин нафас олиб роҳатланаман»,— деб орзу этаркан ҳалиги Жўхорича.

Аммо Жўхорича орзусига етмай туриб, бир куни уни бошқа жўхоричалар билан бирга халтадан олибдилар-да, қозонга солиб қовура бошлабдилар. Қозон тобора кизиб, жўхоричалар қовурилиб ёрила ёзибди. Бояги Жўхорича ҳам қизариб-бўзариб кетибди. «Агар яна бир дақиқа қозонда қолсам, нест-нобуд бўламан, бир амаллаб бу балодан кутулиш керак»,— ўйлабди Жўхорича. У бор кучини йигибди-да, «хўп» этиб қозондан сакраб, «тап» этиб ўчоқ лабига тушибди. «Жонимни кутқардим», деб хурсанд бўлиб йўлга тушган экан, шу пайт ўчокдаги бир Чўғ:

— Ҳой Жўхорижон, қаёққа кетяпсан?—деб сўрабди.

— Қаёққа бўларди, мен ўзимни ўлимдан кутқардим, энди бепоён саҳроларга, хушҳаво далалару серҳосил ерларга бораман,— жавоб берибди Жўхорича.

— Мени ҳам ўзинг билан бирга олиб кетгин. Агар мен бу ерда яна бир оз турсам кул бўлиб кетаман,— ялиниби Чўғ.

— Майли,— дебди Жўхорича.

Чўғ хурсандлик билан ўчоқдан чикибди ва икковлари ғилдираб- ғилдираб кета берибдилар. Уларга йўлда бир ҳас учрабди.

— Ҳой оғайнилар, бунчалик шошиб-пишиб қаёққа кетяпсизлар? — сўрабди Хас.

— Биз нобуд бўлаётган эдик, қочиб жонимизни кутқардик. Энди бирон яхши жойга бориб, яйраб юрамиз,— жавоб берибди Чўғ.

— Жон ўртоқжонлар, мен ҳам сизлар билан кетай. Бўлмаса, мени ҳам супуриб ахлатга қўшиб улоқтирадилар ёки тутантинирик учун ўчоққа тиқадилар! Ишқилиб бир амаллаб ҳалок киладилар.

— Майли, бизга ҳамроҳ бўлиб юравер,— дейишибди улар.

Шундан сўнг Жўхорича ва Чўғ пилдир-пилдир этиб, Хас пир-пир учиб шод-хуррам сухбатлашиб кетаверибдилар. Уч ўрток йўл юрибдилар, йўл юрсалар ҳам мўл юрибдилар. Охири бир анхорча лабига етибдилар. Анхорча кўёшнинг заррин нурида кумушдек товланиб оқиб ётар экан.

— Анхордан қандай ўтамиз?— сўрабди Хас.

— Келинглар, анхор лаби билан кетаверамиз, бирон жойда күпприги бордир, ўшандан ўтамиз,— таклиф қилибди Чүр.

— Йүр-э, күпприк ахтариб юрамизми?!— гапни бўлибди Жўхорича.— Ўтишнинг иложи осон. Сен, Хас, күпприк бўлгин, мен билан Чўр устингдан ўтамиз-да сени нариги бетга тортиб оламиз.

Хас бу таклифга кўниб, күпприк бўлибди.

Жўхорича гилдир этибди-да, арикнинг нариги қирғогига ўтиб олибди. Чўр эса ўланиб қолибди. Шунда Жўхорича:

— Хой Чўр, ўтишга қўрқдингми?! Шунчалик қўрқоқ экансану сени ўзимга шерик қилиб юрибман-а,— дебди.

Бу гап Чўрга қаттиқ таъсир этибди-ю, ловуллаб тургани ҳолда:

— Жўхорижон, мен қўрқоқ эмасман,— деб Хас устидан ўтмоқчи бўлибди. Хаснинг ярмига борганида «лов» этиб ёнибди-да, ҳар икковлари сувга тушиб фарқ бўлибдилар. Бечора Чўр «виш» этиб ўлиб қолибди, Хас парчаларини эса сув узок-узокларга оқизиб кетибди.

Бу ҳолни кўрган Жўхорича аввал қўркиб ларзага тушибди, сўнг нола-фигон солибди:

— Мен нодонман, яхши ўйлаб кўрмай, таъна қилиб, ўртокларимни ҳалок этдим. Мана улардан айрилиб қолдим,— деб юм-юм йиглаб, афсусланибди.

Шундан сўнг Жўхоричанинг кўнгли бошқа ёқقا кетишга йўл бермабди ва у ўша ариқ лабида ер остига кириб кетибди.

Ўшанда ёз экан. Ёз ҳам ўтиб, куз келибди, ариқ лабидаги майсалар хазон бўлибди, кор-ёмғир ёғибди, куз кетидан қиши келибди, арикнинг суви музлабди. Сўнгра яна ҳаволар исиб, баҳор келибди. Музлар эриб, ариқ бўйида майса-кўкатлар ўсиб, хилма-хил гуллар очилибди.

Уларнинг орасидан — жўхорича кириб кетган жойдан бир туп жўхори униб чиқибди. Жўхори кундан-кунга улгайиб, бир бўғин, икки бўғиндан ўсавериб, баланд бўлиб кетибди. У бир неча сўта қилибди, сўталар дона тугибди, доналар шира олиб, думбул бўлибди, охири қотибди. Қозондан кочиб қутулган Жўхоричадан пайдо бўлган доналар борган сари кўпайибди.

Йиллар ўтиб, арикнинг чор атрофи жўхоризорга айланибди. Лекин уларнинг биронтаси ҳам Хас билан Чўгни эсдан чикармабдилар.

БУРГАЧА

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир замонлар бир бурчакда бир Бургача билан Канача бўлган экан. Улар шу қадар дўст эканларки, бир-бирларини бир кун кўрмай туриша олмас экан. Бургачанинг қўли ишдан бўшади дегунча Каначанинг уйига чопар, Канача ҳам ана шундай қилар экан. Улар бир-бирларининг дийдорларига тўймай, чақчақлашиб ўтиришаркан.

Кунлардан бир куни Бургача Каначанинг уйига келибди. Канача азиз дўстини сийламоқчи бўлиб қозонга сут қўйиб, ўт ёқмоқчи экан, ўтин етмай қолибди. Шунда у Бургачага:

— Сен бирпас ўтириб тур, мен бориб ўтин олиб келаман,— деб, ўтин тергани кетибди. Бургача бир оз ўтирибди. Каначадан дарак бўлмабди, яна кутибди, дарак бўлмабди. Ўзоқнинг ўти учмабди-ку, мободо сут қайнаб тошиб кетмасин деб, ўзоқ бошига учиб бориб ўтирмоқчи бўлган экан, сут ичига тўшиб

ўлиб қолибди.

Бир пайт Канача келса Бургача йўқ экан.

— Бургачаю, хой Бургача!— дея чақириб, чор атрофни излаб ҳам Бургачани топа олмабди. Бирон жойга кетган бўлса, келиб қолар деган ўйда ўчоққа ўтин қалаб қарасаки, Бургача сут ичида ўлиб ётганмиш.

Каначанинг фифони осмону фалакка чиқибди, юз тирнаб, соч юлиб йиглабди, аза тутибди. Бир пайт Олашақшақ Каначанинг уйи томига қўниб қараса, Канача юз-кўзини юлиб йиглаб ўтирганмиш:— Сенга нима бўлди, Канача? Нега юз-кўзларингни юляпсан? Нега бунчалик зор-зор йиглаяпсан?—дея сўрабди.

Канача оху воҳ қилиб жавоб бериди:

— Мен юзимни тирнамасам, ким тирнайди? Мен сочимни юлма- сам, ким юлади? Мен йигламасам, ким йиглайди, биродарим Бургача ўлди, мен азадор бўлдим.

Каначанинг аҳволини кўрган Олашақшакнинг юраги ёниб кетибди:

— Сен биродаринг гамида юзу сочингни юлсанг, мен ҳам патларимни тўкаман,— дебдию патларини, қанотларини танасидан бир силкиниб тушириб юборибди.

Олашақшақ сакраб-сакраб Чинорнинг тагига борибди. Чинор унинг аҳволини кўриб ҳайрон бўлиб сўрабди:

— Эй Олашақшақ, ҳар куни қаноту патларинг бўлар эди, «شاқ-шақ»лаб шодланиб келиб менинг шохларимга қўнардинг, бугун сенга нима бўлдики, қаноту патларинг бутунлай юлинган, ер юзида йиглаб нола чекиб юрибсан?

— Э, менинг дардимни асти сўрама!— дебди Олашақшақ.— Бургача ўлибди, Канача юз-кўзини юлгач, мен ҳам патларимни тўқдим.

— Бундай бўлса, мен ҳам барглари тўкилган Чинорман,— дея азamat Чинор баргларини тўкиб яп-ялангоч бўлибди.

Бир пиёла чой ичкунчалик вакт ҳам ўтмай Эчкича Чинор тагига барг егани келибди. Қараса, Чинорнинг таги етти қават барг эмиш.

— Эй Чинор, ўзи нима гап? Ҳар куни келиб сенинг остингдан битта-яримта барг топиб ердим, бугун ҳамма баргларингни тўкиб, яп-ялангоч бўлибсан?

— Оҳ, менинг дардимни асло сўрама!— деб Чинор шохларини ларзага келтирибди.— Бургача ўлибди. Канача юз-кўзини юмдалаган, Олашақшак патларини тўккан, мен ҳам баргларини тўккан Чинорман.

— Ундан бўлса, мен ҳам шохи синган Эчкиман!— деб, Эчкича ик- кала шохини гурсиллатиб тошга уриб синдирибди. Сўнгра Эчкича ариқча лабига бориб сув ичибди. Оқар сув уни бу аҳволда кўриб сўрабди:

— Эй бечора Эчкича, ҳар куни шохдор эдинг, бугун эса нечун иккала шохинг ҳам синган?

— Эй оби равон, менинг аҳволимни сўраб нима қиласан?!—дебди Эчкича кўзёши тўкиб.— Бургача ўлибди. Канача юз-кўзини юмдалаган. Олашақшақ патини тўккан, Чинор баргини тўккан, мен ҳам шохимни синдирганман.

— Эй Каначанинг аҳволигавой!— дей оқар сув ҳам жунбушга келиб лойқаланибди:— Бургача ўлган бўлса, мен лойқалангтан Сувман.

Шундай килиб Канача дўсти ғамида азадор бўлибди, Олашақшақ патини ташлаб, Чинор баргини тўкиб, Эчкича шохларини синдириб, Обиравон лойқаланиб унинг дарду аламига шерик бўлибдилар.

ЖАСУР ҚИЗ

Қадимги замонда бир шахарда бир чол яшаган экан. Чолнинг учта кизи бўлиб, биронта ҳам ўғли йўқ экан. Кунларнинг бирида ҳалиги чол кўз оғрифига гирифтор бўлибди-ю, бора-бора тамоман кўр бўлиб, хеч нарсани кўрмайдиган бўлиб колибди. Табиблар даво килишибди, муллалар ўқибдилар, баҳшилар кўчирибдилар, аммо фойдаси бўлмабди.

Чол ёруғ кунни, азиз фарзандларининг юзини, ёру дўстларини кўришдан маҳрум бўлиб, кун сайин хастаю абгор бўлиб бораркан. Бир куни бир киши «узоқ бир шахарда табиб бор, унинг боғида бир гиёҳ ўсади, ана шу гиёҳдан дори тайёрлаб суриса кўрларнинг кўзлари очилиб кетади», деб хабар берибди. Буни эшигтган чол чуқур оҳ тортиб:

— Агар ўғлим бўлганида эди, бориб ўша гиёҳни олиб келардио мен ожизлик дардидан халос бўлардим,— дебди.

Шу пайт чолнинг катта қизи ўрнидан туриб шундай дебди:

— Отажон, ижозат беринг, мен бориб ўша дорини топиб келай.

— Оббо қизим-эй, сенинг кўлингдан бу иш келмайди,—дебди чал, бекорга овора бўласан.

Киз ҳам ўз гапида туриб олибди. Нихоят, отаси рози бўлибди ва қиз отни эгарлаб, йигитчасига кийиниб, хуржунга озиқ-овқат солиб йўлга тушибди.

Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, бир куни бир чорраҳада ёғочдан қилинган уйчага кўзи тушибди. Қиз, «шу ерда бирон киши бордир, ўшандан йўлни сўрарман», деб отдан тушиб уй эшигини тақиллатибди.

Ичкаридан бир кампирнинг овози эшигтилибди:

— Кимсан? Мен касалман, ўрнимдан туролмайман, ўзинг киравер. Қиз эшикни очиб, ичкарига кирибди ва касал ётган кампирга салом берибди.

— Онажон, сизга нима бўлди?— сўрабди қиз.

— Эй ўғлим, ҳолимни асти сўрама,— дебди кампир.— Мен анча вақтдан буён касалман, менга қарайдиган бирор кимса йўқ.

Киз дарров хуржунидан овқат чиқариб кампирга едирибди. Кампир бир оз ўзига келиб, қиздан сўрабди:

— Ўғлим, қаердан келдингу қаерга кетяпсан?

— Мен узоқ бир шаҳардан келяпман,— дебди қиз,— отам н^ўз оғрифига дучор бўлиб ожиз бўлиб қолган, мен дори излаб кетяпман.

— Эй ўғлим,— дебди кампир,— бу нияtingдан кайт, кўпгина қўрқмас, ботир одамлар бу дорини излаб бориб максадларига етада олмай нобуд бўлганлар. Бу дорини олиб келишнинг ҳеч иложи йўқ, Уйингга қайтиб кетавер.

Шу гаплардан кейин қиз ноумид бўлиб, уйига қайтиди. Отаси хотиржам бўлиб дебди:

— Қизим, мен сенинг соғ-саломат қайтиб келганингдан хурсандман.

Қиз бўлган воқеани отасига ва сингилларига ҳикоя қилиб берибди. Ўртанча қиз опасининг гапларига эътибор бермай ўрнидан туриб: — Отажон, ижозат беринг, мен бориб, албатта ўша дорини олиб келаман,— деб илтимос қилибди.

— Бу иш опангнинг кўлидан келмади-ю, сенинг қўлингдан келади- ми?— дебди отаси,— яххиси бормай қўя қол, бехудага нобуд бўласан!

Аммо ўртанча қиз ўз гапида туриб олиб, кайта-қайта рухсат сўрайверибди ва ниҳоят отасини кўндириб, отни эгарлаб, йигитлардек кийиниб, кокилларини телпак тагига яшириб, йўлга чиқибди. Бир неча кундан кейин бу қиз ҳам ўша чорраҳадаги тахта уйга етиб келиб, отини дараҳт шохига боғлаб, эшикни тақиллатиби. Ичкаридан кампирнинг:

— Ким? Мен касалман, ўрнимдан туролмайман, ўзинг киравер,— деган овози эштилибди.

Қиз эшикни очиб ичкарига кириб, салом берибди, кампирдан ҳол-аҳвол сўрабди:

— Э, ўғлим, сўрамай қўяқол,—дебди кампир,—мен бир неча вақтдан бўён касалман, қарайдиган кишим йўқ.

Қиз хуржунидан егулик олиб кампирга берибди, кампир жонланиб унинг қаердан эканлигини, қаерга бораётганини сўраб билгач:

— Эй ўғлим, бу ниятингдан қайт, бехудага нобуд бўласан!— дебди. Кампир қиз борадиган жой ҳақида шундай даҳшатли гапларни айтиб- дики, бу қиз ҳам ваҳимага тушиб, уйига қайтиби ва бошидан ўтган воқеаларни отасига, опа-укаларига сўзлаб берибди.

Чол ғамли қалбидан чукур оҳ тортиб дебди:

— Ўғли йўқ кишининг аҳволивой экан.

Бу гап кичик қизга гоят таъсир килибди. Эртаси куни у отаси хузу- рига кириб ижозат сўрабди:

— Отажон, рози бўлинг, мен ўша дорини бориб топиб келаман! — дебди.

— Азиз қизалоғим,— дебди отаси,— қайтиб келасану бехудага овора бўлганинг қолади.

Кичик қиз кўп ёлворишлардан кейин отасини кўндирибди, йигитча либос кийиб, катта бир хуржуни озиқ-овқатга тўлдириб, чиқиб ке- тибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, бир неча кундан кейин у ҳам касал кампир уйига етиб келибди. Отини дараҳт шохига боғлаб, эшикни тақиллатиби, кампир ичкарида туриб сўрабди:

— Кимсан? Ким бўлсанг ҳам эшикни очиб киравер! Мен касалман, ўрнимдан туролмайман.

Қиз эшикни очиб ичкарига кирибди ва кампир билан иссиққина кўришиб, кампирнинг юз-қўлларини ювдириш учун сув олиб келибди, келтирган овқатлари билан кампирни яхшилаб зиёфат қилибди:

— Ҳа, ўғлим, сен қаерликсан, қаерга кетяпсан?— сўрабди кампир.

— Мен узоқ шахардан бўламан, кўз дорисига кетяпман.

Кампир чукур уҳ тортиб дебди:

— Эй нодон ўғлон, ахир сен кўпгина паҳлавонларнинг бу йўл са- фарида ўз ватанларига соғ-саломат қайтмаганларидан бехабарсан! Сен, нозиккина йигит, нима ҳам қила олардинг?! Ё менинг олдимда қол, ё уйингга қайт!

Шунда киз дебди:

— Эй онажон! Бошимга ҳар қандай кулфат тушса ҳам ўз йўлимдан қайтмайман.

— Ўғлим,— дебди кампир,— сенинг азму қароринг қатъийга ўхшайди. Сен жасур бўлиб, ўз йўлингдан қайтмайдиганга ўхшайсан. Аммо олдиндан шуни айтиб қўяй, йўлинг анча хатарли ва мушкул бўлади. Мен сенга ана шу қийинчиликлардан кутулиш йўлини айтаман. Агар сен менинг гапларимга амал қылсанг, мақсадингга етасан. Табиб сенга дорини бекорга бермайди. У бунинг эвазига сендан уч бошли дев кўлида сақланувчи дараҳт уругини талаб қилади. Дев маконига бор- санг унинг саройидаги ҳамма кишиларига, канизакларига яхши мую- малада бўласан. Сўнгра бир илож қилиб дев уйидан ўша дараҳт уруги- ни олиб қочасан. Дев сени кувлайди. Мана бу ойна, тароқ, қайроқни ол. Дев сенга ҳар гал яқинлашиши билан улардан бирини ирғитсанг девнинг йўли тўсилади. Энди йўлга туш, сафаринг хайрли бўлсин.

Қиз ойна, тароқ, қайроқни олиб кампирга кўплаб миннатдорчилик- лар билдириб йўлга тушибди. Қиз бир неча кеча-кундуз йўл юриб, уч бошли дев маконига етиб келибди. Қўрса, дев қальясининг дарвозаси вайронга ва ифлос экан. Қиз дарров устакорлик билан дарвозани тузатибди, атрофини тозалабди. Кейин сал нарирокқа борса, бир томонда бир нечта катта-катта итлар боғланган, иккинчи томонда эса бир неча от турибию отларнинг олдида устихон, итларнинг олдида эса беда. У устихонларни олиб, итларга ташлабдию бедаларни отларга солибди. Ичкарирокқа кирса, беш-олти канизак тандир қизитиб дев учун нон ёпишяпти-ю, нонларни қўлларига ҳеч нарса, киймасдан ёпишяпти, қўллари иссиқдан куйяпти.

Қиз уларга салом бериб, ҳол-аҳвол сўрабди ва ҳар бирларига бит- тадан енгча тикиб берибди. Бундан канизаклар бенихоя хурсанд бўлибдилар.

— Эй йигитча, бу ерга нима мақсадда келдинг?— сўрабди улардан бири.

Қиз мақсадини айтибди.

— Бу иш жуда қийин,— дебди ўша канизак,— дев уруғларни ҳал- тачага солиб, бошининг остига қўйиб ётади. Уни қўлга киритиш осон иш эмас. Башарти олсанг ҳам унинг қўлидан қочиб кутулолмайсан.

— Агар уруғни олсан, у томонини бир илож қиласман!— дебди қиз.



— Ундей бўлса, борақол, дев ҳозир уйкуда,— маслаҳат берибди канизак.— Агар иккала қўзи очиқ бўлса, ухлагани, халтачани астагина бошидан олу қоч, агар битта қўзи очиқ бўлса, уйғоқ, тезда орқага қайт.

Киз бориб қараса, девнинг ҳар иккала қўзи очиқ. Пойлаб туриб ёстиқ тагидан халтачани олибдию кочибди.

Дев бирданига уйгониб дод солибди:

— Ҳой канизаклар, ўгрини тутинглар!

— Йўқ,— дейишибди канизаклар,— биз уни ушламаймиз, у бизга яхшилик қилиб енгча тикиб берган!

— Ҳой отлар, тутмайсизми уни!— дебди дев.

— Йўқ, биз уни тутмаймиз,— жавоб беришибди отлар,— сен бизга устихон берардинг, у бизга яхшилик қилиб беда берди!

— Ҳой итлар, сизлар уни тутинглар!— буйруқ берибди дев.

— Йўқ,— дейишибди итлар,— сен бизга беда берардинг, у бизга яхшилик қилиб суяқ берди!

— Ҳой дарвоза, сен уни тўс!— фармон берибди дев.

— Йўқ,— дебди дарвоза,— сен мени ифлосу ҳароб этгандинг, у мени тозалади, тузатди.

Дев ноилож ўрнидан туриб қизнинг орқасидан чопибди. У жон- жаҳди билан чопиб қизга етай-етай деб қўлинни узатиб отининг думини ушлай деганда, қиз кампир берган ойнани ортига иргитибди. Ойна қўз очиб юмгунча мавжланиб турган денгизга айланибди.

Улкан жуссали дев ўзини денгизга ташлабди. У машаққат билан сувдан ўтиб, яна қизга яқинлаша бошлабди. У қизга етай деб отининг думини тутмоқчи бўлган эдик, қиз қайроқни иргитибди. Қайроқ гул- дираб катта ва баланд токқа айланиб, дев унинг ортида қолибди. Дев юз машаққатлар билан тогдан ҳам ўтиб қизга яна яқинлаша бошлабди. У қизга етиб бориб отининг думидан тутмоқчи бўлган экан, қиз ортига тароқни ташлаб юборибди. Девнинг олдида чексиз чангалзор пайдо бўлибди. Дев эса бу чангалзордан ўта олмай ортига қайтиб кетибди. Киз бир неча вақт йўл босиб табиб яшайдиган шаҳарга соғ-саломат етиб келибди. Излаб-излаб, сўраб-суриштириб табибнинг ҳовлисини топиб, унинг эшигини такиллатибди. Ичкаридан кимдир:

— Ҳозир!— дея дарвасини очиби. Қиз салом-алик қилиб ичка- рига кирибди ва уни табиб олдига олиб боришини илтимос қилибди.

Табибнинг бир ўғли бор экан. У дарҳол ичкаридан чиқиб меҳмонни пешвоз олибди-да, отасининг олдига бошлаб кирибди.

Қиз салом-алиқдан сўнг мақсад-муддаосини аён этибди.

— Мен бу дорини,— дебди табиб,— бир дараҳт уругини олиб кел- ган кишига бераман.

— Мен олиб келдим,— деб, қиз уругни табибга узатибди.

— Жуда соз, жуда соз!— дебди табиб.— Сиз савобли иш қилиб- сиз. Мен бу дараҳт меваси билан мамлакатимиздаги қўплаб одамларни ўлим чангалидан озод киласман.

Кейин табиб қиздан сўрабди:

— Бу уруг уч бошли дев кўлида эди, сиз қандай қилиб уни олдингиз?

Киз бўлган воқеани гапириб берибди.

— Офарин, баракалла!—дебди табиб.—Сиз жасур йигит экансиз. Мана бу уруғнинг ярмини олингут мамлакатингизга экинг, мевасини ка- салларга берсангиз тузалади. Мана бу кўз оғриғи дардига даво, отан- гизнинг кўзига суртинг, кўзлари очилади. Мана бу эса шундай бир ги- ёхнинг уруғики, унинг баргидан кўзни тузатувчи дори тайёрланади. Буни ҳам олиб боринг, экинг, баргидан дори тайёрлаб кўрларга беринг, соғайиб кетишсин.

— Мен айтганларингизнинг хаммасини албатта бажараман,—деб- ди қиз. Табиб кизга дориларни тайёрлаш йўлларини айтиб, унга уч- тўрт кун меҳмон бўлишини таклиф килибди. Қиз ҳам рози бўлибди. Табиб ёру дўстларини чакириб бир неча кун зиёфат берибди. Бир куни табибининг яқин дўстларидан бири дебди:

— Сизнинг бу меҳмонингиз қиз экану йигит кийимини кийиб олиби.

— Йўқ,— дебди табиб,— ахир у мислсиз қаҳрамонлик кўрсатиб дунёдаги энг кимматбахо нарсани олиб келган паҳлавон йигит-ку!

— Сиз янглишяпсиз, у — қиз бола,— дебди табибининг дўсти.— Сиз унга ҳам ўғлингиз ётадиган уйга жой солиб беринг. Шундан кейин икковининг ёстиғи остига бир дастадан ок атиргул кўйинг. Агар қиз бўлса, гул сўлийди, ўтил бўлса ўзгармайди.

Табиб дўстининг айтганини қилибди. Зийрак қиз ярим кечагача ухламай табибининг ўғли билан сухбатлашибди, хикоя, эртаклар айти- шибди.

Боланинг кўзлари юмилгач, қиз ўрнидан туриб сўлиган гулни ёсти-ғи остидан олиб иргитиб юборибди-ю, оҳистагина ташқарига чиқиб, табибининг боғидан бир даста тоза гул олиб келиб ёстиқ тагига кўйибди.

Аммо табибининг ўғли ухламаган эди. У кўзи қири билан қизнинг барча харакатларини кузатиб турган экан.

Тонг отиши билан табиб уларни уйғотибди. Улар иккови уйдан чи- қишлари билан гулларни олиб қараса, илгаригидай турган экан.

Бир неча кундан кейин қиз ўз юртига қайтмоқчи бўлибди-ю, табиб уни иззат-эхтиром билан кузатиб қолибди. Қиз хайрлашиб, йўлга чи- қибди. Табибининг ўғли отасидан руҳсат олиб уни кузатмоқчи бўлибди. Икковлари бир неча кечаю кундуз йўриб, қизнинг юртига етиб ке- лишибди.

Қизнинг ўз юртидан дори излаб чиқиб кетганига анча бўлган эди. Ота-онаси, опалари уни бирор фалокатга учраган деб гумон қилишар- кан. Отасининг бир дарди минг дард бўлиб сафарга руҳсат берганидан юз пушаймон бўларди. Аммо бир куни қиз соғ-саломат қириб келиб бўлган воқеаларни хикоя қилиб берибди-ю, дорини олиб отасининг кўзига сурибди.

Отасининг аҳволи кун сайин яхшилана бориб, ахийри бир куни у ёруғ дунёни кўрибди. У худди онадан янги туғилгандек хурсанд бўлиб дебди:

— Азиз қизим, энди мен ҳеч вақт ўғлим йўқ деб койинмайман. Сен ўнта ўғилнинг ишини қилдинг, илоҳи умринг узоқ, баҳтинг ҳамиша ёр бўлсин!

Шундан кейин табибининг ўғли, чолга мурожаат қилиб, қизни севиб қолганлигини айтибди. Чол қизининг ҳам кўнгли ана шу йигитда эканлигини билиб рози бўлибди.

Отасидай донишманд йигит, жасур ва кўрқмас қиз турмуш қури- шиб баҳтиёр яшай бошлабдилар.

РУСТАМЖОН ВА ОФТОБХОН

Бир бор экан, бир йўқ экан, уч хотинли подшо бўлган экан. Унинг иккита катта хотинидан фарзанди бўлмай, учинчи кенжা хотини бир ўғил туғибди.

Бу подшонинг доимо бошқа мамлакатларга уруш қилиш одати бор экан. Бир йили

узок бир мамлакатга уруш очиб, «менга ўғил туғиб берди», деб подшоликни кичик хотинига топшириб кетибди. Катта хо- тинлар баҳиллик қилиб кичик хотинини подшо келгунча йўқотишмоқ- чи бўлишибди. Шундай маслаҳат билан бир золим кампирни олиб ке- либ унга:

— Агар шу хотинни йўқотсанг, сенга оғзингга сиққанича тилла танга берамиз,— дейишибди. Жодугар кампир рози бўлиб чиқиб ке- тибди ва подшонинг пайдан бўлишибди. Юриб-юриб бир шаҳарга етиб борибдию ўша ерда подшо билан учрашиб:

— Эй подшо, сиз мамлакатни хотинингиз ихтиёрига топшириб келдингиз. Хотин жинсида ақл бўлмайди, хотинингиз давлатдан маст бўлиб сизнинг обруйингизни бир пул қилиб юрибди. Ҳар кеча гўзал йигитларни йигиб айшу ишрат қиласади. Бирон киши гапирса дарҳол танасидан бошини жудо қилишга фармон беради. Одамларнинг ҳам- маси норози, мамлакатга офат тушган.

Бу гапни эшитиб ғазабланган подшо вазирига бориб хотинини ўлдириб, шаҳарни тинчтиб келишни буюрибди.

Вазир соңиз аскар билан йўлга тушиб, неча куну тун йўл босиб шаҳарга яқинлашиб келибди. Подшонинг кичик хотинига қаердандир катта лашкар келаётганлиги хақида хабар келибди.

Хотин, «бошимга жаллод келди», деб аскарларга буйруқ берибди:

— Бизга қарши катта бир лашкар келмокда, чунон хушёр бўлинг- ларки, биронта ҳам аскар мамлакатга кира олмасин.

Аскарлар ўқ-дориларни тайёрлаб, кутиб турибдилар. Тўсатдан бир томондан лашкар пайдо бўлиб мамлакат чегарасига яқинлаша бош- лабди. Подшонинг хотини аскарларига ўқ узишни буюрибди.

Катта жанг бошланиб кетибди. Вазир аскарларини зўр-базўр қут- кариб қолиб

ортига қайтибдио бошқа йўл билан хотинига хабарчи юборибди. Унга:

— Бориб подшо келяпти, дегин,— дея тайинлабди.

Элчи от чоптириб келиб:

— Подшо келяпти, мени хабар бериш учун алдинроқ юборди,— дебди.



Дарвозабонлар, «подшо келяпти экан», деб дархол дарвозаларни очиб, жой тайёрлабдилар. Шу пайт подшо ўрнига вазир кириб келиб аскарларга:

— Подшонинг хотинини дарров боғланглар,— деб фармон бе- риби.

Аскарлар қасрга кириб подшонинг кичик хотинини банди қили- шибди ва олдиларига солғанларича далага хайдаб кетибдилар. Бу вакт- да подшонинг ўғли Рустамжон бўй етиб қолган экан. У мактабдан чиқиб келаётib онасини бир тўда аскарлар боғлаб олиб кетаётганини кўриб қолибди. Бу воқеага хайрон бўлиб турган бола отасининг бир ўртоғидан сўрабди.

— Бу қандай воқеа? Онаини аскарлар қаерга олиб кетишяпти, ўзи нима гап?

Отасининг дўсти дебди:

— Отангнинг ўнг қўй вазири онангни йўқотиш ҳақида фармон олиб келибди. Бечора онангни ўлдиргани олиб кетишяпти.

Бу гапдан газабланган бола отасининг ўртоғига дебди:

— Отингиз ва киличингизни менга беринг, бориб онаини жаллод- лар кўлидан халос киламан.

— Эй Рустамжон, сен ҳали ёшсан, жаллодлар сени ҳам ҳалок қи- лишади, бу ишингдан фойда йўқ!— дебди отасининг дўсти.

Рустамжон ўш бўлса ҳам паҳлавон экан, отасининг дўстини қўяр- да-қўймай қиличини ва отини олиб, қиличини белига осиб, отга миниб жаллодлар кетидан қувиб кетибди. Қиличини филофидан чиқариб жал- лодларни чунон қира кетибдики, биронтаси ҳам тирик қолмабди. Кейин онасининг кўлини ечиб отга миндириб олиб келибди.

Орадан бир-икки кун ўтгач, онаси Рустамжонга дебди:

— Ўғлим, энди бу мамлакат биз учун ҳаром, бу ерда энди тура олмайман, бошқа бирон ерга кетайлик.

Она-бала иккита отга миниб йўлга тушиб кетаверибдилар. Бориб- бориб бир хушҳаво жойга етибдилар, у ерда бир боғни кўрибдилар. Боққа киришса, ҳеч ким йўқ эмиш. Бу ерда бир неча кун яшашибди, озиқ-овқатлари тугабди. Шунда Рустамжон онасига:

— Онажон, мен бориб бирон нарса олиб келайин,— деб отини ми- ниб чиқиб кетибди. Орадан бир неча кун ўтибди, аммо Рустамжондан дарак бўлмабди. Онаси ўтириб-ўтириб зик бўлиб, бошини ювиб, сувини обрезга ташлай бошлабди. Обрезга ана шу боғнинг эгаси — катта дев- ни қайси бир паҳлавон ўлдириб ташлаган эди. Аммо дев чала ўлик ҳолда экан. Паҳлавон йигит кетгандан кейин бу боққа Рустамжон онаси билан келган эди. Чалажон дев Рустамжоннинг онаси тўккан сувдан жон ола бошлабди. Уч кундан кейин дев ўзига келиб тирилиб обрез ичидан овоз чиқариб, хотиндан ўзини юкорига тортиб олишни илтимос қилибди.

Буларни шу ерда колдириб энди гапни жодугар кампирдан эши- тайлик. Жодугар кампир подшонинг катта хотинлари олдига келиб, хизмати учун тилла танга с .бди.

Улар: «Кенжа хотин ҳали \ам тирик эмиш, уни топиб ўлдирмагу-

нингча биз тинч яшай олмаймиз, ўлдирган кунингоқ истаганингча тил-ла берамиз»,— дейишибди.

Кампир яна подшонинг кичик хотини изидан тушибди. Излаб-из- лаб ўша боғни топиб келибди. Эшик тагида қулоқ солиб ўтириб дев- нинг овозини эшишибди.

— Мени тортиб ол,— деркан дев,— мен сенга эр бўламан, муроду мақсадингга етказаман.

Кампир бу гапни эшишиб, «худо берди», дея дарвозани тақиллатиб-ди. Хотин: «Уғлим келгандир, ўз вақтида келди, мени бу девдан кутқа-ради», деб чопиб бориб сўрабди:

— Сиз кимсиз?

— Мен бир йўловчиман, бир бечора заифаман, бу чўли малиқда қаерга боришимни билмайман,— дебди жодугар.

Хотин дарвозани рчибди. Кампир кириши биланоқ бехуш қилувчи дорини бурнига теккизган экан, хотин ҳушидан кетибди. Кампир уни қоронги бир ҳужрага ташлабди-ю, эшигини маҳкам кулфлабди. Ўзини Рустамжоннинг онаси қилиб кўрсатиб обрезнинг устини очиб, девни чиқариб олибди. Дев ташқарига чиқиб, кампир билан яшай бошлабди.

Буларни шу ерда қўйиб, гапни Рустамжондан эшитайлик. Рустам- жон овқат излаб-излаб бир дарё лабига бориб қолибди. Қараса, дарё лабида бир чодир турганмиш. Чодир ичиди парисифат бир соҳибжамол қиз ўтирганмиш, чодирнинг ташқарисида эса иккита семиз қўй боғлаб қўйилганмиш. Рустамжон келиб караса, қиз йиглаб ўтирганмиш.

Қиздан сўрабди:

— Ҳой қизча, сен бу чодирнинг ичиди, дарёнинг лабида, кимсасиз жойда нега йиглаб ўтирибсан?

Соҳибжамол қиз Рустамжонга дебди:

— Ана шу дарёда битта аждаҳо пайдо бўлган. Агар хар куни ша-хардан битта қиз билан иккита қўйни олиб келиб қўйишмаса, шаҳарни ўз домига тортади. Шаҳарда кизлар қолмади. Бугун отам мени иккита қўй билан олиб келиб шу ерга қўйиб кетди. Сиз бу ердан тезроқ ке-ting, аждаҳо чиқиб қолса сизни ҳам ўз домига тортади.

— Сени ейдиган аждаҳо мени ҳам еса майли. Ёлгиз юргандан кўра сенек соҳибжамол билан биргаликда аждаҳо қорнига кирган яхши-роқ. Лекин мен аждахони ўлдириб сени куткараман, кўркма,— дебди йигит.

Шу вақт бирданига чодиру қиз ва икки қўй, Рустамжон ларзага ке-либди. Рустамжон дарров ғилофидан қиличини чиқариб аждаҳога яқинлашиши билан унинг гарданига шундай урибдики, калласи тана-сидан жудо бўлибди. Аждаҳо улкан тогдай ағдарилиб жон берибди. Рустамжон аждаҳснинг елка терисидан нишона олиб, қизнинг олдига ташлаб дебди:

— Мен аждаҳони ўлдирдим, ишонмасанг, бориб кўргину шахринг-га боргин, мен кетингдан бораман.

Рустамжон қизни кузатиб қўйибди ўзи қўйни сўйиб еб ётибди..Бу қиз подшонинг қизи экан. Подшо қизи учун зор-зор йиглаб шаҳридаги барча паҳлавонларни тўплаб:

— Сизларнинг ораларингизда қизимнинг аҳволи қандай эканлиги-дан хабар олиб келадиган бирор паҳлавон борми?— деб сўрабди.

Девона Ҳасан деган паҳлавон бор экан, олдинга чиқиб:

— Мен бораман,— дебди.

Девона Ҳасан келиб узоқдан аждахонинг дарё бўйида чўзилиб ёт- ганини кўрибди. Кўрққанидан: «Агар’ тирик бўлса мени ҳам еб қўйма- син», деб отини қайтарибди. Лекин, «мени қўрқок экан, дейишмасин», деб яқинроқ келиб қараса аждаҳо ўлиб ётганмиш. Хурсанд бўлиб ша- харга келиб дебди:

— Мен аждаҳони ўлдирдим, бориб подшодан суюнчи олинглар. Мен олдига бориб қилич билан бошига уриб ўлдирдим. Подшонинг қизи Офтобхон ўлимдан озод бўлди, подшога айтинглар, қизини менга никоҳлаб берсин.

Бу хабарни эшитган подшо хурсанд бўлиб дарров тўй бошлишни эълон килиб, халқига дебди:

— Девона Ҳасан бориб аждаҳони ўлдиривибди, энди мен ўн кечаю кундуз тўй килиб Офтобхонни унга никоҳлаб бераман. Ана шу ўн кун ичидаги бирор кишининг мўрисидан тутун чиқмасин. Кимки тутун чи- карса калласини оламан.

Саккиз кун тўю томоша бўлибди, ҳеч ким уйида овқат пиширмабди. Энди буларни шу ерда қўяйилигу Рустамжондан эшитайлик. Рустамжон олти кун ана шу чодирдан чиқмасдан еб-ухлаб ётибди кейин шахарга келибди. Рустамжонга аждахонинг дами таъсир килган экан, олти кундан кейин у касал бўлиб қолибди. Шахарда бир саройга кириб хушсиз бўлиб ётибди.

Офтобхоннинг никоҳ кечаси яқинлашибди. Офтобхон Девона Ҳа- санни кўриб дебди:

— Аждаҳони бу одам ўлдирмаган, уни ўлдирган бир паҳлавон, гўзал йигит эди. У аждаҳони ўлдиривиб мени кузатиб қўйди, ўзи эса ортимдан келмоқчи эди, эҳтимол ҳозир у шаҳардадир.

Подшо бу гапни эшитиб фармон берибди:

— Бутун шаҳарни ахтаринглар, бирор бегона киши бўлса, бу ерга келтиринглар!

Излашибди, излашибди, аммо бирорта ҳам бегона одам топишол- мабди. Саройбон чиқиб подшога дебди:

— Паҳлавонкелбат гўзал бир йигит менинг саройимда, беш кун- дирки, касал бўлиб ётибди. Ўзини билмайди, оти эса саройда боянган.

Подшо одам юборибди. Рустамжонни подшонинг саройига келтиришибди. Подшо Офтобхонни чакириб дебди:

— Қани қўр-чи, аждаҳони ўлдирган шу йигитми?

Офтобхон кўриши биланоқ:

— Ҳа, шу,— дебдию Рустамжоннинг ахволига ачиниб йиглаб юборибди.

Подшо дарҳол табиби чакириб Рустамжонни даволатибди. Табиблар Рустамжонни согайтиришиб подшонинг олдига олиб кели- шибди.

Подшо:

— Рустамжом, сиз қаердансиз, кимнинг ўғлisisiz? — деб сўрабди.— Қандай килиб бизнинг шахримизга келиб қолдингиз? Аждаҳони сиз ўлдирдингизми?

Офтобхон бўлган воқеани бирма-бир айтиб бериби.

Шундан кейин подшо Девона Қасанни хузурига чақиририб келиб сўрабди:

— Аждаҳони сен қандай ўлдирдинг?

— Мен дарёнинг бўйига борган эдим, аждаҳо чикиб қолди. Мени у дамига тортишига сал қолди. Чаққэнлик қилиб уриб ўлдирдим,— дэя жавоб бериби у.

Рустамжон Девона Қасандан сўрабди:

— Агар аждаҳони ўлдирган бўлсанг, ундан бирон нишонанг борми?

— Сен жинни бўлдингми, мендан нишона сўрайсан,— дебди Де- вона Ҳасан аччиқланиб.

Рустамжон чикиб кетиб эгари қошида турган аждаҳодан олинган нишонани келтириб подшо олдига ташлаб:

— Мана, аждаҳодан олинган нишона,— дебди. Подшо ёлғончи Девона Ҳасанни зиндонга жўнатибди. Ясовуллар уни олиб бориб зин- донга ташлабди.

Девона, «ёлғончининг тақдирни шу экан-да», деб бемалол оёқларини узатиб ётаверибди. Кейин подшо Офтобхонни Рустамжонга никоҳлаб бериби.

Тўй ўтгач, Офтобхон Рустамжондан:

— Сен бораввер, мен орқангдан бораман, дедингизу нега ҳаяллаб қолдингиз? Сал бўлмаса мени Ҳасанга никоҳлаб беришувди,— дебди.

Рустамжон ҳазиллашиб дебди:

— Аждаҳо жуда ваҳимали экан, сиз келгандан кейин кўркиб, хушдан кетиб касал бўлиб қолдим.

Улар ана шундай сұхбатлашиб ўтиришаркан, Рустамжоннинг она- си ёдига тушиб, уҳ тошиб юбориби.

Хотини ҳайрон бўлиб дебди:

— Нега сиз бирданига оҳ тошиб юбордингиз, нима, мендан ҳам яхшироқ ёрингиз бор-у, ўша ёдингизга тушдими?

— Йўқ, менинг сендан гўзалроқ ёрим йўқ, аммо онам бор, уни бир боғда ёлғиз қолдириб келганиман, билмадим, унинг ахволи не бўлди экан? Менга рухсат берсанг бориб онамни олиб келсан.— Офтобхон рози бўлгач, Рустамжон йўлга тушибди. Йўлда бир жарлик олдидан ўтаётib кучукнинг нолишини эшитиб колибди. У ерга якинроқ бориб қараса жарликка тушиб қолган бир кучукча чиколмасдан ғингшиётган экан. Баҳодир йигит жарликка тушиб кучукчани тепаликка олиб чиқиб кўйибди. Кучукча ҳам унинг кетидан эргашиб кетаверибди.

Рустамжон билан кучукчани шу ерда қўяйлигу жодугар кампирдан гапирайлик.

У ўзини Рустамжоннинг онаси шаклига киритиб: «Боласи келиши билан бирор илож билан нобуд қиласман»,— деб кутиб турибди. У шу хаёллар билан банд бўлиб турганида эшик тақиллаб қолибди. Кампир чопиб бориб дарвозани очиб қараса Рустамжон экан. Бирданига у:

— Ха, ўғилжонгинам, нега бунчалик ҳаяллаб кетдинг?— деб, Рустамжоннинг бошини кўксига босибди.— Ҳайриятки, соғ-саломат келибсан! Йўлингда кўзларим тўрт бўлиб турувди.

Йигит уйга кириб девни кўриб ҳайрон бўлибди.

Жодугар кампир девга дебди:

— Мен сенга ўғлим келади деб айтмаганимидим. Сени энди ўлди- ради, агар жонингни қутқармоқчи бўлсанг шундай ургинки, боши ик- кига ажралиб кетсин.

Дев дебди:

— Мен буни нега урай, у сенинг ўғлинг, сен унинг онаси бўлсанг, ўғлингга раҳм кил.

Кампир аччиқланиб девга дебди:

— Мен сенга менинг буйругимдан чиқмайсан деб айтмаганмидим, сен рози бўлдинг, энди нега менинг буйругимни бажармайсан. Ваъ- дангга вафо қилмасанг, мен ўзим чорасини кўраман.

Кампир шу гапни айтибию бир сиким тупроқни олиб Рустамжон- нинг кўзига сепибди. Рустамжон кўр бўлиб колибди. Дев эса:

— Биз, девлар ҳам ўз фарзандларимизга меҳру шафқат қиласиз, сен одам бўла туриб ўз ўғлингни нима қилдинг?— деб кампирни шун- дай савалабдики, жойида тил тортмай жон берибди. Дев чиқиб ке- тибди.

Рустамжон эса кучукчанинг вовуллашини сезибди холос. Кейин қўллари билан аста-аста деворни ушлаб ташқарига чиқиб кучукчани топиб унинг бошини силаб дебди:

— Сен ҳайвон, мен эса одам, иккаламиз шу боғда ёлғиз қолдик, энди нима қиласиз?

Кучукча бу гапни эшитибию аллақаерга ғойиб бўлибди. Анчадан кейин дарвоза олдига келиб қараса, Рустамжон ёнбошлаб ётганмиш.

Кучукча хотиржам бўлиб подшонинг қизи яшаётган шаҳарга йўл олибди. Подшонинг қизи Офтобхоннинг кўзига кучукча қандайдир яхши кўриниб кетибди ва у итнинг олдига нон ташлабди. Кучукча қорнини тўйдирибдию битта нонни тишлаганича чиқиб кетибди. Келиб нонни Рустамжоннинг қўйнига солиб қўйибди. Рустамжон нонни еб- дио яна уйкуга кетибди.

Шундай қилиб ҳар куни кучукча Офтобхоннинг олдига бориб Рустамжонга нон олиб келадиган бўлибди. Бир куни думини Рустам- жоннинг юзига суртиб акиллай бошлабди. Рустамжон кучук қаергадир чақираётганини фаҳмлабдию унинг думини ушлабди.

Кучукча йигитни қиз яшаётган шаҳар яқинида қолдирибдию ўзи шаҳарга кириб кетибди.

Офтобхон хурсанд бўлиб:

— Ҳа, кучукча, очқаб яна келдингми?— дея, дарров нон олиб ке- либ унинг олдига ташлабди. Кучукча нонни еб қорнини тўйгазибию иккитасини кўтариб кета бошлабди. Офтобхон эса:

«Буни қаерга олиб борар экан», деб унинг орқасидан пойлаб кета бошлабди. Кучукча шаҳардан чиқиб қабристонга борибди ва қаб- ристон хонақосига кирибди.

Офтобхон бориб хонақо эшигини очиб қараса ичкарида бир одам ўтирганмиш кучукча бошини иккала қўлига қўйиб ўша киши олдида ухлаётганмиш. Хонақонинг ичи коронги экан. Офтобхон ҳалиги ки- шини танимай сўрабди:

— Сиз кимсиз, нега бу қабристон хонақосида яккаю ёлғиз ғарибо- на ўтирибсиз?

У киши жавоб берибди:

— Менинг номим Рустамжон, кўр бўлганимдан ўзим бехабар қол- дим, онам кўзимга бир ҳовуч тупроқ сочиб кўр қилди. Ана шу кучукча қаердандир нон олиб келиб мени боқиб юрибди.

Офтобхон хонақо ичига кириб, дурустроқ тикилиб Рустамжонни танибдию йиғлаб юборибди. Рустамжон сўрабди:

— Сен кимсан, нега мени кўриб йиғлаяпсан?

— Мен Офтобхон, сизнинг хотинингиз,— деб Офтобхон эрини уйига олиб келибди ва бу ҳакда отасига хабар берибди. Отаси келиб Рустамжонни кўриб жуда афсусланибди. Сўнгра аркига бориб ҳамма табибларни йиғишни буюрибди. Подшо табибларга Рустамжоннинг кўзини даволашни топширибди. Табиблар ишга киришиб анча уриниб- дилар, аммо бирортаси ҳам Рустамжоннинг кўзини даволай олмабди. Кейин кўшни мамлакатдан бир зўр табибни олиб келибдилар.

Табиб Рустамжоннинг барча саргузаштларини, қандай қилиб кўр бўлганини, қайси йўл билан тирик қолганлигини сўрагач, Офтобхон- нинг кўзёшидан олиб суртса тузалади дебди. Офтобхон йиғлаб-йиғлаб ҳовучини кўзёшига тўлдирибди ва уни Рустамжоннинг кўзига суртган экан, кўзлари илгаригидай очилиб кетибди.

Бу хабарни эшитиб хурсанд бўлган подшо қанчадан-қанча совға, олтин бериб доно табибни кузатиб кўйибди. Шундан кейин Рустам- жоннинг хотини овқат пиширса олдини кучукчага берадиган бўлибди. Орадан бир неча вақт ўтгач, Рустамжон хотинига дебди:

— Мен ўз онамнинг бундай қилишига асло ишонмайман. Мени кўр килган бирор жодугар бўлса керак. Иккаламиз биттадан яхши от ола- мизу ўша боғни кўздан кечирамиз. Боғни яхширок кўриб чиқмагуним- ча хотиржам бўлолмайман.

Офтобхон рози бўлибди. Иккови, эру хотин отга миниб сафарга чиқишибди. Ҷоққа келиб қарашса, ҳақиқатан ҳам ўлган хотин Рустам- жоннинг онаси эмас экан. Офтобхон излаб-излаб эшиги маҳкамланган вайронга бир ҳужрани очиб ичкарига кирибди ўликдай бўлиб ётган бир аёлни кўрибди. Дарров билагини ушлаб кўрса, ҳали жони бор эмиш. Офтобхон:— Бу ёққа келинг, онангиз шу аёлми?— деб эрини чақирибди.

Рустамжон кириши биланоқ жодугарнинг банди тугабди, аммо аёл ҳушига келмабди. Уни ташқарига олиб чиқиб даволабдилар. ;ушига келтириб, овқат бериб парвариш қила бошлабдилар. Аёл соғайиб кет- гач, бўлган воқеани гапириб берибди.

Рустамжон ҳам бошидан ўтган саргузаштларни онасига ҳикоя қи- либ дебди:

— Мана шу қизнинг номи Офтобхон, сизнинг келинингиз, менинг соғайиб кетишимга ҳам шу сабаб бўлган.

Учовлари боғда бир неча кун яшабдилар. Рустамжон бориб ов қи- либ келар, онаси билан хотини эса ҳар хил лаззатли таомлар пишири- шаркан.

Бир куни Рустамжон кетгандан кейин дарвоза тақилладби. Офтоб- хон эшикни очса бир қария турганмиш.

— Қизим, мен бир ўйловчи мўйсафиидман, жуда чарчаб кетдим, бир чойнак аччиқ чой дамлаб берсанг, чойни ичиб ташналигим қоладио ҳаққингга дуо

килардим,— дебди у.

Офтобхон ичкарига кириб бир чойнак чой билан иккита нон олиб чиқиб қариянинг олдига кўйиб, ундан сўрабди:

— Ота, қаёқдан сўраймиз?

Қария жавоб бериди:

— Мен фалон мамлакатнинг подшоси эдим, иккита хотин олдим, фарзанд кўрмадим, учинчи хотиним ўғил туғди. Шукр қилиб фарзанд- ни тарбиялаб, мамлакатни идора қилиш ўрнига жанг пайидан бўлдим. Кўшни мамлакатлар менинг лашкар тортишимдан безор бўлишиб, ўзаро маслаҳатлашиб бирлашдилару бошимга бостириб келдилар, лашкарларимни тору мор қилдилар, ўзим зўрга кутулиб қолдим. Бир неча вақтдан бўён бирон жойдан хотиним билан фарзандимнинг дара- гини эшитарман деб сарсону саргардон шаҳарма-шаҳар, қишлоқма- қишлоқ юрибман.

— Ўғлингизнинг номи нима эди?—сўрабди Офтобхон.

— Рустамжон,— жавоб бериди чол.

Офтобхон бу чолни эрининг отаси эканлигини сезибди.

Ичкарига олиб кириб иззату хурмат кўрсатибди. Ётар пайт Рустамжон овдан келиби. Қараса бир чол етти қават юмшоққина кўрпа устида ухлаб ётганмиш.

Офтобхон Рустамжонга дебди:

— Рустамжон, менинг гунохимни кечиринг, мана шу чол дарвоза олдига келиб, узоқ йўлдан келдим, битта чой дамлаб бер, деб зорланди. Мен чой дамлаб бердим. У саргузаштини айтиб берди. Сизнинг отан- гизнинг саргузаштига ўхшайди. Ўғлингизнинг номи ҳам Рустамжон экан.

— Undай бўлса бу менинг отам экан,— деб Рустамжон Офтобхон- га савол берди,— аммо мен ёлғон гапга ишониб онамни ўлдириш ҳола- тига олиб келган отани нима қиласай?

Қария эрталаб туриб, хуржунини елкасига ташлаб жўнамоқчи бўлиби. Офтобхон Рустамжонга чолнинг кетаётганини айтибди. Рустамжон қарияга ачиниби. Ҳар қалай отаси-да, яхши фарзанд ота- онасининг гуноҳидан кечади-ку.

Рустамжон чиқиб отаси билан кўришиб, ичкарига олиб кириб, кўрпачалар устига ўтиргизиб, ўзини танитибди.

Ота ўғлини кўриб, ўзида йўқ шод бўлиб, ўрнидан туриб, ўғлининг юз-кўзларидан ўпибди. Кейин қария Рустамжоннинг онаси олдида узр сўраб гуноҳини кечиришини илтижо қилиби. Хотин эрининг гунохи- дан ўтибди. Сўнгра учовлари Офтобхоннинг отаси ҳузурига бориб бир неча вақт меҳмон бўлишибди. Улар у ерда эдилар, биз бу ерга келдик.

Улар муроду мақсадларига етишибди, биз ҳам

АЖОЙИБОТ

Бухоро мадрасаларидан бирида қашшоқ бир йигит таҳсил кўрар- кан. У ўқишига ҳавас-иштиёқи зўрлигидан ҳар қандай қийинчиликка ҳам бардош бераркан. Кунлардан бир куни унинг ҳамёнида пули ҳам, хужрасида егулик нони ҳам қолмабди. Нима қиларини билмай бир не- ча кун шу зайлда юрибди. Бир куни у «Шоҳнома»ни кўлига олибдию шаҳарнинг гавжум гузарларидан бирини танлаб олиб шоҳномаҳон- ликни бошлабди. Унинг баланд ва майин овози, бурро ва аниқ ўқиши бир зумда ҳаммани ўзига жалб этибди. Одамлар унинг чор атрофини ўраб олиб, берилиб эшитармишлар. Йигит «Шоҳнома»нинг бир неча достонини ўқиб китобни ёпган экан, кишилар ҳаяжонга тушиб ҳар ким ҳолига

яраша ҳиммат қилиб, унинг олдига пул ташлабдилар. Йигит пулларни йиғиштириб олиб, бозорга бориб гўшт-ёғ, гуруч, сабзи-пиёз харид қилиб хужрасига қайтиби.

Ўша ёкда учта ўгри яшар экан. Ўғрилар йигитнинг пайига тушиб, уни кузатиб юрибдилар ва йигитнинг мадрасага кириб кетганини аниқлабдилар. Унинг хужрасини кўз остига олиб, қонронги тушишини пойлабдилар. Кош қорайиши билан улар билинтирмасдан хужрага ки-рибдилару йигитга дебдилар:

— Ўрнингдан қимирлама, овозингни чикарма, акс холда ўлди-рамиз.

Йигит бу гапларни эшишмагандай, ўғриларни кўрпачага таклиф қи-либди.

— Э, марҳамат, марҳамат, азиз меҳмонлар, хуш келибсизлар! Хо-зиргина паловхонни ҳам дамлаб кўйдим, бир пиёла-бир пиёладан чой ичгунларингча тайёр бўлади.

Ош хиди ўғриларнинг димогига урилиб, иштаҳаларини карнай қи-либди. Улар бир-бирларига, аввал ошни еяйлик, кейин нима истасак қиласаверамиз, дегандай кўз кисибдилар.

Йигит ўғрилардан бирига чой узатиб дебди:

— Уч йилдирки, мен ана шу мадрасада таҳсил оламан, қандай одамларни учратмадим, дейсиз. Бу мадраса шогирдларининг баъзила-ри ростгўй, ҳалол-покиза, бошкаси дагалу бадмуомала, учинчиси ичимдагини топ — хуллас, ҳаммаси ҳар хил. Рўпарамдаги хужрада истиқомат қилювчи муллаваччанинг бир одати бор. Ҳар замонда ёлғон гапириб турмаса қип-қизил жинни бўлади-қолади. Ўтган кечаси хуф-тон вактида тўсатдан:— Ҳой одамлар, ҳой одамлар, жойларингдан ту-ринглар, бу ерга келинглар!— деб дод солди. Аввал бу унинг навбатда-ги ёлғони бўлса керак деб ҳеч ким хужрасидан қимирламади.— Сизлар қандай бепарво кишиларсизки, ўринларингдан туриб, бу ажойи-ботни кўришни истамайсизлар!— деб у яна ҳам қаттиқроқ бақирди,— шоҳномаҳон йигит ҳам бу сўзларни бор овози билан тақрорлади:

— Ҳой муллаваччалар, қандай бепарво кишиларсизки, жойларинг-дан туриб келиб, бу ажойиботни кўришни истамайсизлар!

Йигитнинг овозини эшишиб тўрут томондан қўшнилари унинг хуж-расига кириб келдилар.

— Кани, кани, қандай ажойибот экан?—сўрабди улар.

— Мана бу уч ўғри,— дебди йигит,— менинг жоним ва пулим қас- дига тушиб, бу ерга келишибдио мен бўлсам уларни палов билан мөх- мон килмоқчиман. Ахир бундан ортиқ ажойиб нарса бўладими?!

ТИЛ ЯРАСИ

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир ўтинчи бўлган экан. У ҳар куни ар- кон ва болтани олиб тогу ўрмонларга борар, у ердан ўтин орқалаб ке- либ бозорда сотиб тирикчилик ўтказаркан.

Бир куни у ўрмонда куриган арча дараҳтини йикитиб майдалаётган экан, қаердандир битта баҳайбат айиқ пайдо бўлиб қолибди. Айиқни кўрган ўтинчи ҳозир бу мени нобуд қиласи деб ҳаётдан умидини узибди.

Аммо айиқнинг у билан иши бўлмабди-ю, сўрабди:

— Эй ўтинчи, мен сенинг минг машаққат-ла бу ерга чекиб, заҳмат чекиб дараҳтни ағдарганингни кўрдим. Қани айт-чи, бу сенга нима учун керак?

— Мен буни бозорга олиб бориб сотиб, пулига ул-бул олиб тирик-чилик ўтказаман,— жавоб берибди ўтинчи.

— Ундай бўлса, сен овора бўлиб азоб чекиб юрма,— дебди айиқ.— Мен бекорчиман, ҳар куни бир боғ ўтин тайёрлаб тоғнинг этагига олиб бориб кўяман. Келиб олиб кетаверасан.

Эртасига ўтинчи белгиланган жойга келса дарҳақиқат айиқ катта бир боғ ўтин тайёрлаб кўйганмиш. У хурсанд бўлиб ўтинни орқалаб жўнабди.

Бир неча кун шу зайдада ўтибди. Бир куни ўтинчи, бу айиқ менга кўп яхшилик килди, мен ҳам унинг яхшилигини қайтаришим зарур, деб ўйлабди. Бу фикрини у хотинига ҳам айтибди:

— Мен келгунча яхшироқ овқат тайёрлаб кўй, битта ўртоғимни олиб келаман.

Хотин рози бўлгач, ўтинчи ўрмонга бориб излаб-излаб айиқни то- пибди ва меҳмондорчиликка таклиф қилибди. Айиқ кўнмабди, лекин ўтинчи уни кўярда-кўймай кўндирибди.

Улар иккови ийўлма-ийўл суҳбатлашиб ўтинчининг уйига етиб кели-шибди. Меҳмонни қарши олгани чиққан хотини эри билан баҳайбат айиқнинг келаётганини кўрибди.

— Вой шўрим курсин,— дебди хотин эрига.— Ҳали сенинг ўрто-кинг мана шу бадбашара айиқми?!

Айиқ хотинининг бу гапларидан ранжиб, ўтинчига дебди:

— Мана шу болтанг билан менинг бошимга бир ур!

— Хотиним ҳали сизнинг ким эканлигингизни билмайди, сиз асло хафа бўлманг,— дебди ўтинчи.

Аммо айиқ ўз гапида туриб олибди:— Бошимга болтанг билан ур! Агар урмасанг иккалангни ўлдириб, хонавайрон қилиб кетаман!

Утинчи ўйланиб қолибди: «Агар урмасам бу бир сўзли айиқ айтга-нини қиласи, яхшиси, уриб бошини иккига бўлайин, шояд ўлиб, жони-миз кутулиб қолса».

— Майли, иллож қанча,— дея у болтасини күтариб бор кучи билан айкнинг көк пешонасига туширибди. Айик қонга беланиб чиқиб ке- тибди.

Үтинчи эса айик бундан кейин тирик қолмас деб ўйлабди. Аммо у ана шу воқеани унутиш мақсадида бир неча вақт узок ўрмонлардан ўтин олиб келип юрди.

Бир куни у: «Айик ўлиб кетгандир, илгариги жойимга бориб ўтин олиб келсам яхши эмасми?» деган хаёлда илгариги ўрмонга борибди.

Үтинчи бир дараҳтни эндигина ағдараётган экан, ногаҳон айик пайдо бўлибди.

Үтинчи унинг соғайиб кетиб заҳмдан асар ҳам қолмаган пешона- сига кўз тикиб хайрон бўлиб қолибди.

— Ҳа, ошна,— дебди айик,— болтанг зарбидан бошимда нишона ҳам қолмади, кўряпсанми, аммо хотинингнинг нишдор сўзлари ҳеч вақт кўнглимдан кетмайди. Бугун болтанг овозини эштиб, ўша яра яна янгиланди.

Айкнинг гаплари ҳақ экан. Үтинчи оғиз очмасдан болтасини кўтарганича бошини куйи солиб ўрмондан чиқиб кетибди-ю, яна қай- тиб бу ерга келмайдиган бўлибди.

ПАНЖБЕД ИЛМИ

Соқоли тўрвадай бир домла бўлган экан. Бир куни меҳмондорчи- ликка борган домла мезбон ховлисида юрган гўзал қизни кўриб унга ошику шайдо бўлиб қолибди ва гўзалликда тенги йўқ бу қизни кўлга киритиш пайига тушибди.

У уйига келиб шайхни, раисни ва қозини чақирибди, зиёфатдан кейин у дебди:

— Азиз дўйстларим, мен сизлардан яна бир неча зиёфат қарздор- ман, нима истакларинг бўлса бажо қилурман, мен бир дардга гирифтор бўлдим. Сизлардан бошқа ҳеч ким дардимга даво топа олмайди. Ме- нинг дардим — ишқ дарди, фалончининг қизига ошиқ бўлиб қолдим. Агар сизлар совчи бўлиб борсаларинг, қизнинг отаси йўқ демайди. Айтинглар, қизи эвазига қанча молу дунё деса бераман.

Шайх, раис, қози совчи бўлишиб қизнинг отаси ҳузурига боришиб- ди, воқеани айтишиб, домланинг номидан кўплаб мол-мулк, киммат- баҳо матолар ваъда қилишибди.

Қиз ниҳоятда доно ва зийрак экан. Меҳмонларнинг нима мақсадда келгандигини билиб дебди:

— Бизга мулланинг пули, молу дунёси керак эмас. Бориб айтинг- лар, домла шу ерга келсин, бир шартим бор, бажарса майли, розиман.

Совчилар домлани юборишибди.

Қиз домлага дебди:

— Домла, Бухоройи Шарифга борсинглар, у ерда панжбед, даҳбед илмини ўргатадиган мадраса бор. Ўша мадрасада ўқиб панжбед илми- ни ёд олиб келсалар, муродларига етадилар.

Домла йўл тараддудини кўриб, Бухорога жўнабди. Бир неча кун йўл юриб шаҳарга етгач, панжбед илмини ўргатадиган мадрасани сўроқлай кетибди. Ҳеч ким бундай мадрасанинг қаердалигини билмас эмиш. Домла мадрасани излай-излай тополмасдан чарчаб, бир ҳовуз бўйида дам олиб, хуржунидан нон чиқариб сувга ботириб еб ўтирган экан, бир аёл сувга чиқиб қолибди ва домлани кўриб дебди:

— Домла, мусофирига ўхшайсиз, қаердан келдингиз, мақсадингиз нима?

— Ҳа, мусофиризиз, бошимизга бир савдо тушдию бу ерларга ке- либ қолдик,— жавоб берибди у.

— Қандай савдо экан?—сўрабди аёл.

Домла ошиқ бўлганлигини ва қизнинг шартини айтиб берибди.

— Мен бундай мадраса қаерда эканлигини билмайману,— дебди аёл,— лекин мадрасада ўқиб панжбед илмини ўрганган бир танишим бор. Агар истасангиз ўшанинг олдига олиб бораман, бу илмни сизга ҳам ўргатади.

— Бораман, албатта бораман, ахир мен фақат ана шу мақсад би-лан бу ерга келганман-ку,— дея аёл орқасидан эргашибди домла.

Улар тор кўчалардан боришиб бир баланд дарвоза олдида тўхта-шибди. Аёл эшикни тақиллатибди. Кимдир ичкаридан дарвозани очиб-ди. Ҳовлига киришибди. Аёл домлани каттагина бир уйга олиб кириб ўтқазибди. Чикиб кетиб бир кампирни бошлаб кириб дебди:

— Агар панжбед илмини ўрганмоқчи бўлсангиз менинг ҳамма айтганларимни қабул қиласиз.

Домла бир оз ўйланиб туриб рози бўлибди.

— Рози бўлган бўлсангиз, исми шарифингиз нима, айтинг,— сўрабди аёл.

— Исмим Мамадкарим.

— Бу киши менинг ўгай онам, исмлари Бибишарифа, хотинликка қабул қилинг!

Айтганларини бажаришга рози бўлган домла ноилож қабул қилиб-ди. Шу пайт паҳлавонсифат тўрт йигит қўлларида тўртта тол новдаси-ни кўтариб кириб келишибди.

— Булар менинг ўғилларим, сизга энди невара бўлишади.

Кечкурун домла билан кампирни қолдипиб кетишибди. Эрталаб аёл келиб караса, домла уйнинг бир четида ўраниб ётганмиш.

Хотин сўрабди:

— Домла, сизга нима бўлди?

— Мен асло бундай кампирга эр бўламан деб ўйламаган эдим!— жавоб берибди домла,— мен ундан жирканаман, ҳазар киласман.

— Ҳали шунаقا денг?! Сен ўз тенгингдан ҳазар киласану энди фарзандингдек кизга эр бўлмоқчимисан?— дея хотин шовқин кўта-рибди.

Хотиннинг овозини эшишиб ҳалиги йигитлар қўлларида тол новда-лари билан кириб келишибди. Хотин ҳам битта тол хивичини олибди. Беш киши бўлиб домлани чунон савалашибди-ки, ҳаммаёғи мўматалоқ бўлибди.

— Мана шу панжбед илми бўлади,— дейишиб, домлани уриб-уриб хайдаб юборибдилар.

Домла бир неча кундан кейин:

— Хайрият, юз бор хайрият,— деб юртига кириб келибди.

Юртдошлари унинг ахволини кўриб ҳайрон бўлибди, хўп кулиб олишгач, сўрашибди.

— Эй домла, нега саллангиз йиртилган, юзларингизнинг кони қоч- ган, соқолингиз ҳурпайган, ҳамма жойингиз шикастлангану сиз яна «хайрият, юз бор хайрият», деб келяпсиз.

— Хайрият, юз хайриятки, ул айёр қиз даҳбед илмини буюрмаб- ди,— дебди домла,— битта салла билан чопон садқаи сар, бу жаро- ҳатлар ҳаммаси битиб кетади, агар у даҳбед илмини буюрганда мен тирик қолармидим?

Домла бўлган воқеани кишиларга ҳикоя килиб берибди, аммо қан- дай қилиб қари кампирдан қочганини айтмабди. У бутун йўл бўйи: «Мен қари киши учун кекса кампирнинг ёни дўзахдай эди, у қиз учун менинг оғушим дўзахдан ҳам баттарроқ бўлар-да!»— дэя хаёл қи- либди.

— Киз доно экан, мени боплаб жазолади,— деркан у.

Ха, ёш хотинни орзу қилган қарининг жазоси ана шундай бўлади.

ГЎЗАЛ ВА ДОНО ФАРИШТАМОХ

Қадимда бир подшо бўлиб, у ниҳоятда бой-ю, фарзандсиз экан. Бир куни подшо ойнага қараб соқолига оқ оралагани ва пешонасига ажин тушганини кўриб:

— Юз афсуски, ўрнимга ўтирадиган ўғлим йўқ-да,— деб хафа бўлйбди.

Шу зайлда подшо ғам-ҳасрат билан кун кечираверибди. Бир куни подшонинг хотини эрини ажойиб бир хушхабар билан хурсанд қи- либди.

Шунда подшонинг боши осмонга етиб:

— Менинг хотиним ўғил туққан куни бошқа кишининг хотини ҳам ўғил туғса униям фарзандликка оламан,— деб мамлакатга жар солди- рибди.

Орадан тўққиз ою, тўққиз куну тўққиз соат ўтгач подшонинг хоти- нини кўзи ёриб ўғил туғибди. Шу куни бир подачининг уйида ҳам фарзанд дунёга келибди. Подшо подачининг ўғлини ҳам ўз уйига олиб келтирибди.

Болалар бир яшар, икки яшар, уч яшар, кейин тўрт яшар ва ниҳоят мактаб ёшига қадам қўйибдилар. Подшо уларнинг икковини ҳам мак- табга берибди.

Подачининг ўғли шавқ билан ўқир, китобларнинг маъносини шаҳ- зодага тушунтириб берар экан. Шахзода ҳам зехн ва иштиёқ билан ўқир, аммо зехни подачининг ўғлиникига баробар келолмаскан.

Бориб-бориб болалар балоғатга етибдилар, ёшлик кони вужудла- рида қайнаб улар шаҳар атрофини сайр қиласидиган, овга чиқадиган

бўлишибди. Бир куни улар иккови овга кетишаётган экан, шаҳзода бир қишлоқ якинида бир қушчани кўриб қолиб ўқ узибди.

Шу пайт бир ҳовлида бир кампир бўз тўкиб ўтирганди. Яраланган қуш учиб бориб кампир тўқиётган бўз устига қўнибди-ю, бўз иплари чигаллашиб, қонга беланиб кетибди.

Шаҳзода ўз ови кетидан қувиб кампир ҳовлисига кириб келибди.

— Эй йигит,— дебди кампир уни кўриб,— ёмон иш қилдинг, бео- доблик қилдинг, илохи Фариштамоҳ ишқининг шамоли юзингга урсин.

— Эй она,— деди шаҳзода ҳайрон бўлиб,— Фариштамоҳ дединг- ми? У ким, қаерда яшайди?

— Гўзал ва доно Фариштамоҳ,— жавоб берибди кампир,— бу ер- дан анча узоқда, кун ботар тарафда, етти баланд довон ортида яшайди. У шу қадар нозанин ва оқилаки, дунёда тенги топилмайди. Минглаб йигитлар унинг ишқига гирифтор бўлиб, теварагида юрдилар, аммо ҳеч ким унга ёқмади.

Шаҳзода бу гапни эшитиб зудлик билан отасининг қасрига қай- тибди. Ҳали у қаср дарвозасига етмасданоқ отаси уни кутаётганлигини айтишибди.

— Ўғлим,— дебди подшо,— мен кексайиб қолдим, мендан кейин ўрнимга сен ўтирасан, шунинг учун бу ишга' тайёр бўлишинг керак, кел, мен хазинау дафиналарни сенга қўрсатай, ниманинг қаердалиги- ни ва қачон ишлатиш кераклигини билиб ол.

Шаҳзода отасидан сўрабди:

— Эй меҳрибон ота, дунёда еб-ичиш яхшими ё дунё кезишми? Бир жойда ўтириш маъкулми ё дунёни сайр қилиш?

Отаси:

— Эй азиз фарзандим, жаҳонни кезиш, дунёни билиш маъкулdir, кўп ерлар, турфа ҳалқларни кўрасан, илминг кўпайиб, ақлинг расо бўлади,— дебди.

— Үндай бўлса,— дебди шаҳзода,— ижозат берсангиз, аввал бир оламни сайр қилсан.

Гапнинг тагига етмай, «жаҳонни кезиш яхши», деб кўйган подшо ноилож ижозат берибди. Шаҳзода подачи ўғлини ўзи билан бирга олиб чиқиб кетибди.

Улар йўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришибди, етти довон- дан ўтишиб бир шахри азимга етишибди-ю кўчалардан бирига кириб, бир уйнинг эшигини тақиллатишибди. Эшик очилиб бир кампир чи- кибди. Подачининг ўғли кампирга дебди:

— Салом, онажон, биз мусофиirlармиз, икки-уч кун туришга би- рон жой берсангиз.

— Эй азиз фарзандларим,— дебди кампир,— бир уйчам бор, бо- шим сифса оёғим сифмайди, оёғим сифса бошум сифмайди.

Подшонинг ўғли камарбандиндан битта тилла чиқариб кампирга узатибди.

Кампир хурсанд бўлиб:

— Қани, киринглар, кираверинглар, битта каттагина уйим бор, қанча кун истасаларинг тураверинглар,— дебди.



Кампир дарров кўрпача ташлаб, дастурхон ёзибди, нон олиб келиб, овқат тайёрлабди. Ярим тунгача чақчақлашиб ўтиришибди-ю, кейин кампир ўрин тўшаб дебди:

— Азиз фарзандларим, зинҳор ва зинҳор кечаси ташқарига чик- манглар, оқибати ёмон бўлади.

Кўрпа ичидаги ётаркан, подачининг ўғли: «Кечаси қандай ҳодиса рўй берар эканки, ташқарига чиқиши мумкин эмас экан? Чикиб бир билиш керак», деб ўйлаб подшонинг ўғлини уйгогиб дебди:

— Эй биродар, тур ўрнингдан! Ахир биз ухлагани келганимиз йўқ- ку, ташқаридан хабар олайлик-чи, нима гап бор экан?

Икковлари ташқарига чиқишига, шаҳарнинг бир томони коп-ко- ронгию бошқа томони эса кундузгидай равшан эмиш, этикдўзлар этик тикиб, дурадгорлар дурадгорчилек, тароқчилик тароқ қилаётган эмиш. Улар ҳайрону лол бўлишиб, анча вақт томоша қилишибдию яна қайтиб келиб ўз ўринларига ётибдилар.

— Эй меҳрибон она,— дебди кампирга гюдачининг ўғли сахар ўрнидан туриб,— биз кечаси кўрган ҳодисанинг сири нимада?

Кампир сўрабди: •

— Эй фарзандларим, кечаси ташқарига чиқдиларингми?

— ?, чикдик. — дейишибди йигитлар,— нега шаҳарнинг бир томони коронги-ю, бир томони ёруг эди?

Кампир дебди:

— Болаларим, бу сирдан хабардор бўлиб яхши қилмабсизлар, буни билиш бошларингта ташвиш келтиради.

— Қани айтинг-чи, бунинг сири нимада?— шаҳзода билан пода-чининг ўғли кампирни ҳол-жонига қўймай сўрайверибди.

— Бунчалик мажбур қилсаларинг,— дебди кампир,— айтмай ило- жим қанча? Бу ёруглик Фариштамоҳнинг жамолидан. У қайси томонга қараб ётса, ўп.а томон ёруг бўлади, бу сирдан хабардор бўлган ҳар бир йигит ужа ошиқ бўлади. Сизларнинг ҳам бошқалар сингари унинг иш- қига асир бўлиб, сарсону саргардонликда азоб-укубат чекишлиарингни истамаганлигим учун сирни айтмагандим.

Подачининг ўғли дебди:

— Эй онажон, Фариштамоҳнинг номини тилга олган тилларингиз- нинг қурбони бўлай. менинг биродарим аллақачонлар унинг дийдорига ошиқи шайдо бўлган. Биз уни сўроқлаб шу шаҳарга келганимиз.

Кампир дебди:

— Қанчадан-канча шаҳзодаю вазирюдалар уни сўроқлаб келиб мақсадларига етиша олишмадио сизлар қандай етасизлар?

— 7али билмаймизу,— деб жавоб берибди подачининг ўғли,— ё жон берамиз, ё мақсадимизга етамиз.

Шундан кейин йигитлар кампирдан Фариштамоҳнинг шарти бор- лигини ва шартни ким бажарса унинг висолиги ета олишилигини билиб олишибди.

Шаҳзода билан подачининг ўғли қиз турган ерга равона бўлибди- лар. Уларни кутиб олишиб, каттагина уй ичига олиб киришибди. Хона ичидаги парда ортидан овоз эштилиби:

— Менинг бир зўр шартим бор. Кимки ўшани бажарса муродига етади.

— Шартни айт,— дебди шаҳзода.

— Мен сўри устида ётибман, сизлар бақирмасдан, ортиқча харакат қилмасдан шундай бир йўл топингларки, эргалабгача қўзим илин- масин.

Шаҳзода рози бўлиб ўша ерда қолибди. Подачининг ўғли кампир- нинг уйига кетибди. Аммо шаҳзода тун бўйи қизни ухлатмаслик чора- сини тополмабди-ю, унинг ўзини уйқу элтибди.

Эрталаб туриб шартни ютқизганлигини сезибди. Фам ва қайгу би- лан кампирникига қайтибди. Подачининг ўғли унга таскин бериб дебди:

— Азиз биродарим, фам ема, мен қизнинг шартини бажаришга ҳа- ракат киламан, шаргни бажарсам, қиз сенини бўлади.

Ўша куни подачининг ўғли ёғочдан кўғирчоқ ясад кечкурун Фариштамоҳнинг олдига бориб шартни бажаришга тайёр эканлигини айтибди.

Уни ҳам ўша уйга олиб кириб парда ортига ўтқизишибди.

Подачининг ўғли кўғирчоғини чикариб, унга бир бор маъноли ги- килиб қўйибдию кейин ўйинга солиб дебди:

— Эй азиз дўстим, сен зийраклик ва донишмандликда машхур- дирсан, менинг фикрим анчадан бўён бир неча ходиса билан банд, сен ана шу жумбокни ҳал килишда менга ёрдам бер!

— Қани айт-чи, улар қандай ҳодисалар экан?— дебди подачининг ўғли кўғирчоқ номидан овозини майнин қилиб.

Қиз ўзига-ўзи, ажабо, бу майнин овозли донишманд қандай маҳлуқ экан ва булар қандай ҳодисалар экан, деб кўзининг қири билан йигит томонга назар ташлабди. Кўғирчоқ лабини кимирлатиб гап бошлабди ва бу Фариштамоҳнинг диққатини ўзига тортибди.

— Эй азиз дўстим,— дебди подачининг ўғли кўғирчоққа мурожаат қилиб,— бир шаҳардаги куръя ташловчи куръя ташлаб, Миср подшо- сининг гўзалликда тенги йўқ қизи қаттиқ касалликка дучор бўлибдию мамлакатдаги табибларнинг биронтаси ҳам уни даволай олмабди.

Подшо: «Агар кимда-ким қизимни даволаса, кўплаб молу дунё би- лан қизимни ўша кишига никоҳлаб бераман», деб жар солдирибди. Куръя ташловчи бу воқеани табибга хикоя қилиб берибди.

— Афсус, юз афсус,— дебди табиб бош кимирлатиб,— у ер анча узокда, бўлмаса мен бориб уч кунда уни тузатиб-даволаб келардим.

Бу воқеадан хабар топган дурадгор таҳтадан учадиган от ясади ва улар учловлари ёғоч отга миниб қисқа вақт ичиди Мисрга етиб кели- шибди.

Табиб қизни даволабди ва подшо уни катта инъом билан бирга та- бибга бермоқчи бўлибди. Буни кўрган таҳта йўнувчи билан куръя таш- ловчи жанжал кўтаришибди. Куръя ташловчи дермиш:

— Қиз менинг ҳаққим, агар мен куръя ташламаганимда, унинг ка- саллиги табибга маълум бўлмасди ва у қизни даволай олмасди.

Тахта йўнувчи дермиш:

— Қиз менинг ҳаққим, агар мен учар от ясамаганимда табиб ҳеч қачон бу ерга кела олмасди.

Табиб:

— Қиз менинг ҳаққи ҳалолим, агар мен бўлмаганимда, на қуръа ташловчию ва на учар от кизга ёрдам бера оларди,— дебди.

Шу зайлда уларнинг мунозаралари анча давом этибди, ҳатто ўша мамлакатнинг оқил подшоси ҳам, бу масалани ҳал қилишга ожиз бўлибди. Бу воқеани эшитиб мен:

— Қиз қуръа ташловчиники, чунки унинг хунарисиз тахта-ёғоч йўнувчи ҳам, табиб ҳам ҳеч вақт қизнинг юзини кўра олмасдилар,— деган хулосага келдим.

— Йўқ, йўқ!— дебди кичкина бошчасини силкитиб кўғирчоқ,— сен хато қилдинг, кизга кўпроқ ёғоч йўнувчи ҳақдор, агар у бўлмаганида қуръа ташловчи ҳам, табиб ҳам ҳеч нарса қилолмасди.

— Сенинг гапинг рост, азиз дўстим,— дебди подачининг ўғли,— фақат сен ҳақ гапни айта оласан!

Фариштамоҳ ўзини уйкуга солган бўлса ҳам, гапларни дикқат би-лан тинглаб эшитиб турибди ва бошини кўтариб дебди:

— Икковларингнинг ҳам фикрларинг тўғри эмас, кизга ҳаммадан кўра кўпроқ табиб ҳақдор, чунки унинг донишмандлиги шарофати би-лан ўлим чангалида турган киз соғайиб кетган.

— Эй меҳрибон дўстим,— дебди подачининг ўғли яна кўғирчоқка мурожаат килиб,— афтидан нозанин Фариштамоҳ ҳаққа ўхшаб қолди, аммо кўпдан бери бундан ҳам ажойиброқ бир ҳодиса менинг дикқа-тимни ўзига тортиб келарди. Ҳозир мен уни сўзлаб бераман ва ишона-манки, сен бу гал хато қилмайсан, гўзал Фариштамоҳга сенинг жаво-бинг маъқул бўлади.

— Айтинг-чи, қандай воқеа экан?— дебди кўғирчоқ йигитнинг кафтида елкаю бошини ўйнатиб.

— Бир подшонинг,— дебди подачининг ўғли,— булбули бор экан. У булбулини олтин қафасга солиб боғидаги дараҳтга илиб кўяр, унинг хонишини тинглаб завқ оларкан. Бир куни подшо булбулнинг чақ-ча-қини эшитиб ўтирган экан, тўсатдан иккита булбул учиб келиб қафас-нинг устига кўнибди ва булбуллар ўзларича бир-бирлари билан алла-нималар дейишибди ҳалиги икки булбул учиб кетибди.

Подшо қафас олдига келиб булбулидан сўрабди.

— Улар кимлар эди, сенга нималар дейишибди?

— Улар менинг қариндошларим бўлади. Булбуллар мамлакати подшоси катта тўй қиласмиш, мени ана шу тўйга таклиф қилгани ке-лишибди. Мен: «Озод эмасман, қафасдаман, бора олмайман, деб жавоб бердим»,— дебди булбул. Улар жуда-жуда афсусланиб учиб кети-шибди.

Подшо ўйлаб туриб дебди:

— Агар мен сенга икки-уч кунга жавоб берсам, сен менга булбул-лар мамлакатидан нима олиб келасан?

— Булбуллар шаҳридан битта ўрик данаги олиб келаман,— дебди булбул.— Данакни экасан, қирқ кунда катта дараҳт бўлиб етилади, мева қиласи ва унинг мевасини еган ҳар бир кекса яшариб кетади.

Подшо булбулни қўйиб юборибди. Булбул уч кундан кейин ваъда- сига биноан бир данак олиб келибди. Данакни экишибиди, кирқ кун ичида каттагина сершох, сербарг дарахт бўлиб, меваси пишибиди.

Кирк биринчи кун подшо боғбонга ана шу дарахт мевасидан битта олиб келишни буюрибди. Боғбон дарахт тагига тўкилган битта ўрикни подшога олиб келиб берибди.

Подшо заиф чолни олиб ўрикни унга едирибди. Қалиги чсл шу за- хоти жон берибди. Дарғазаб бўлган подшо ёлғончи фирибгар булбул- нинг танасини жонидан жудо қилишини буюрибди. Унинг фармони ба- жарилибди, булбул тирик жонидан жудо бўлибди.

Одамни ўлдирувчи ўрик воқеаси бутун шаҳарга тарқалибди ва бу гап камбағаллиги ва кексалиги туфайли жонидан тўйиб юрган бир чолнинг қулоғига ҳам етиб борибди.

Қария ўша ўрикдан еб азобу машақкатдан қутулишга қарор қилиб- ди. У бокқа келиб сап-сариқ бўлиб пишиб ётган ўрикларга қалтироқ, кучсиз қўлларини чўзибди ва икки-учтасини еб ўлимини кутиб туриб- ди. Аммо баҳтга қарши у ўзини анча бардам ва бақувват ҳис қила бошлабди.

— Ё ажаб! — дей қария соқолига қўлинни олиб борибди, аммо қўли соқолини тополмай ўшларникидай силлиқ иягига тегибди. У хайрон бўлиб ариқ лабига бориб сувга тикилибдию чиройли ва дилбар аксини кўрибди. Шу пайт боғбон етиб келиб уни ўғри деб ўйлаб, судраганича подшонинг олдига олиб келибди.

Ўғриликда айбланган киши подшонинг саволларига жавоб бериб, у илгари кекса бўлганлигини, ўрикни еганидан кейин ўзи ҳам бехабар яшарив қолганлигини айтибди.

Подшо хайрон бўлиб дебди:

— Бундай бўлса нега у чол ўлиб қолди?

Подшо ҳам, боғбон ҳам ерга тўкилган ўрик донасига илон заҳар солганидан бехабар эканлар.

— Эй азиз дўстим, қани энди айтгин-чи,— дебди подачининг ўғли қўғирчоқка,— булбул билан чолнинг ўлимига кўпроқ ким айбдор?

— Албатта боғбон-да,— дебди қўғирчоқ,— ўрикни дарахт шохи- дан олмасдан, ердан олиб боргани ўлимга сабаб бўлган.

— Гапинг тўғри,— дебди подачининг ўғли,— бу ишда боғбон гу- ноҳкор.

Киз бу гапга эътиroz билдириб дебди:

— О, йигит, сиз ва донишмандликда донг чиқарган дўстингиз на- кадар нодонсизлар! Асосий гуноҳкор подшодир. У ўрик донасини чол- га беришдан олдин ва булбулни жазолашдан илгари воқеани ҳар то- монлама текшириб чикиши керак эди. Подшоларнинг ана шундай са- росималиги ва калтафаҳмлиги беҳуда курбонлар берилишига сабабчи бўлади.

Бу гапларни эшитиб подачининг ўғли қўғирчоқка қараб дебди:

— Эй жонажон дўстим, бу сафар ҳам сен хато қилдинг, жавобинг гўзал Фариштамоҳга маъқул бўлмади. Сен хуснда ва доноликда тенги йўқ кизга ўзингнинг донолигингни кўрсатгин, акс ҳолда мен унинг хо- тирасида ёлғончи бир кишидай бўлиб қоламан.

Энди бошқа бир воқеани ҳикоя қиласман, дикқат билан тинглагину ўз фикрингни айтгин!

— Хўп, майли, айт,— дебди қўғирчоқ йигит томонга эгилиб.

Подачининг ўғли ҳикоясини бошлабди.

— Мамлакатимизнинг бир чеккасида,— дебди у,— дарёнинг икки соҳилида икки қишлоқ жойлашган. Қишлоқларни узун ёғоч қўприк ўзаро боғлайди.

Бир неча вақт илгари кўприкда қароқчи пайдо бўлиб қолибди, у йўловчиларнинг кийим-бошларини, молу анжомларини тортиб олиб, ўзларини дарёга улоқтиаркан.

Аммо бир қуни ҳалиги раҳмсиз ва шафқатсиз ўғри қимматбаҳо кийим кийган бир кишининг кийимларини ечинтириб олиб, ўзини дор- ёга ташламабди, уни хурмат билан кўприкнинг охиригача кузатиб қўйди. Бу ҳодиса шундай рўй берган экан:

Ўша қишлоқлардан бирида чўпон йигит яшаркан. У қобил, чиройли ва одобли экан. У қўшниси бойнинг кизига кўнгил қўйган, киз ҳам йигитни жон-дили билан севаркан.

Улар ҳар замон яширинча учрашиб туришар ва бу уларнинг муҳаб- батини янада оловлантирас экан. Иш шу даражага бориб етибдики, улар бир-бирларини бир дақика кўрмаса туролмайдиган бўлиб қоли- шибди.

Шу орада бир воқеа рўй берибди-ю, уларнинг дўстлиги илдизига болта урилибди: бир давлатманд киши қизнинг гўзаллиги таърифини эшитиб ўз ўғлига келин қилмоқчи бўлиб, бойнинг уйига совчи юбориб- ди. Бой ҳам давлатманд кишининг ўғлини ҳар жиҳатдан ўз кизига му- носиб деб билиб рози бўлибди ва қизнинг эътирозига қарамай уни севмаган кишисига турмушга берибди. Қиз эса баҳти қаролигига лаъ- натлар ўқиб ўзини ўлдириб, бу балодан кутулишга қарор қилибди. Шу мақсадда у енги ичига пичоқни яшириб куёвнинг келишини кутиб турибди.

Тўй тугаб, куёв келиннинг олдига кирибди. Қиз уйнинг бир бурча- гида хурккан какликдек бошини ичига тортиб маҳзуну фамгин ўтирган экан. Йигит унга якинлашмоқчи бўлган ҳам экан, қиз ўрнидан сакраб туриб пичоқни чиқариб дебди:

— Менга якинлашма, ё сени ўлдираман, ё ўзимни.

Куёв ҳайрон бўлиб дебди:

— Нега бундай киласан? Менинг гуноҳим нимада?

Қиз дебди:— Мен бир йигитни жон-дилдан севардим, мени сенга бериб ўз севгилимдан ажратишди, усиз менга ҳаёт ҳаром.

Куёв қизга дебди:

— Агар ундей бўлса, ҳозир ўша севгилинг олдига бору у билан яшайвер!

Қиз хеч нарса демасдан ўрнидан туриб чиқиб кетибди. У дарёга етиб, кўприкдан ўтаётган экан, олдидан ўша қароқчи чиқиб қолибди. Қароқчи қаршисида турган чиройли кийимли нозанинни кўриб ҳайрон бўлиб сўрабди:

— Ажабо! Бундай ярим кечада энг дадил қўрқмас йигит ҳам журъат қилиб бу ерга келолмас эди. Мен сенинг жасоратингга ҳай- ронман! Қайси мақсадда йўлга чиқдинг. Қаерга борасан?

Киз бўлган воқеани айтиб берибди. Қароқчининг қизга раҳми ке- либди:

— Боравер, баҳтинг ёр бўлсин!— деб жавоб берибди.

Киз ўз севгилиси уйига келибди. Чўпон йигит ҳали ҳам бедор экан. Унинг кўзлари йигидан қизарип кетган, чехраси дарду аламдан сар-ғайиб кетган экан. Киз унга тасалли бериб дебди:

— Энди ғам чекаверма, азизим, шу кундан бошлаб бир умрга бир- гамиз, бирга яшаймиз.

Киз бўлган воқеани айтиб берибди.

Йигит дебди:

— Мехрибон ёргинам, сен ажойиб қалб эгасисан, унда соф ва са- мими мухаббат жўш уради, аммо мен бу нарсаларни унтишиングни истардим. Сенинг бой отанг давлатманд ва золиму раҳмсизликда тенг- сиз, бу воқеадан кейин мени ва энг даҳшатлиси менинг ота-онамни жазоламасдан қолмайди. Мен ҳар қандай жазога бардош бера оламан, аммо мен бечора ота-онамнинг азобу машаккатларига гирифтор бўли- шини истамайман. Тур, эрингнинг олдига жўна! Мен сени асло унут- майман, сенинг ёдинг доимо менинг қалбимда сакланади.

Юраги қайғу-аламларга тўлган қиз ўрнидан туриб эрининг уйига равона бўлибди ва у билан яшай бошлабди.

— Эй меҳрибон дўстим,— дебди подачининг ўғли қўғирчоққа,— ўша тўрт кишидан қай бири кўпроқ одамгарчилик қилди?

— Албатта чўпон йигит,— дебди қўғирчоқ,— у ўз севгилисидан воз кечиб ўзини ҳам, ота-онасини ҳам, қизнинг ўзини ҳам оқибати чексиз азоб келтирадиган ишдан халос этди.

— Менинг фикримча,— дебди подачининг ўғли,— ҳаммадан кўра кўпроқ йўлтўсар одамгарчилик қилган. У ўз одатига хилоф равища қизга яхшилик қилди, бу осон иш эмас!

— Эй сиз, кам андишали донолар!— дебди Фариштамоҳ,— икков- ларингнинг фикрларинг ҳам нотўгри, сизлар у вафодор қизни унтиб қўйдиларинг. У аҳду вафо йўлида қўлидан келадиган барча ишни қил- ди. Сизлар мақтаган одамгарчилик қизнинг тутган йўли олдида ҳеч гап эмас.

— Гапингиз жуда тўғри,— дебди подачининг ўғли Фариштамоҳ- га,— ишқ кўйида қиз ҳаммадан ҳам кўпроқ жонбозлик кўрсатган.

Кейин подачининг ўғли қўғирчоққа юз ўгириб сўзини давом этти- рибди.

— Мен ҳозир бир қиссани ҳикоя қилиб бераман, унинг жавобига доно Фариштамоҳ ҳам ожизлик қиласди.

— Кўрамиз,— дебди Фариштамоҳ.

— Бир бор экан, бир йўқ экан, бир подшо бўлган экан,— дебди подачининг ўғли,— подшонинг бир қизи бор экан, у ақллиликда, гўзалликда дунёда ягона экан.

— Мен шундай кишига турмушга чиқаманки, у киши менга дунё- даги энг қиммат нарсани олиб келиб бериши керак,— дер эмиш у.

Шаҳзодалар ана шу нарсани излаб чиқиб кетибдилар. Биттаси излаб-излаб битта учкур отни топиб келибди. У от бир нафасда олам- ни кезиб чиқа оларкан. Иккинчи шаҳзода ойнаижаҳонни топибди. Учинчи шаҳзода эса ҳаёт олмаси деб аталган бир олмани топибди. Кимки у олмани еса умри узоқ бўларкан.

Қайтишда улар бир шаҳарда учрашиб қолибдилар ва топган нарса- ларини бир-бирларига айтиб берибдилар. Ойнаижаҳонни топган шаҳ- зода қизнинг ахволини билиш мақсадида ойнани чиқарибди. Ойнага назар ташлаб қарашса қиз

ўлим тўшагида ётган эмиш. Шу замон улар учови учар отга минишиб, киз томон шошилишибди. От бир нафасда уларни кизнинг олдига олиб келибди. Олмани тезлик билан қизга бе-рибдилар. Киз уни егач, ўлим чангалидан халос бўлибди. Киз тузалгач, уларнинг учови куёвликка даъвогар бўлиб қолишибди.

Биринчи шаҳзода, «менинг отим бўлмаганида кизни кутқариш мумкин эмас эди», деса; иккинчи шаҳзода, «агар ойнаижажон бўлмаса маликанинг беморлигини била олардикми?» дермиш; «агар олма бўлмаганида малика ўлимдан кутула олармиди?»— деркан учинчи шаҳзода.

Хўш, малика қайси шаҳзодани ўз турмуш йўлдоши қилиб олди?

— Албатта, от эгасини-да,— жавоб берибди кўғирчоқ,— учкур от бўлмаганида вақтида стиб келиша олмасди, малика нобуд бўларди.

— Гапинг нотўғри,— дебди подачининг ўғли,— ахир ойнаижажон- сиз малика нажот топа олармиди?

— Воқеа тамоман бошқача,— дебди Фариштамоҳ.— Киз от сохи- бига миннатдорлик изҳор килиб, отни қайтариб берибди, ойна эгасига ҳам миннатдорчилик билдириб ойнани ҳам қайтариб берибди. Аммо ҳаёт олмасини еб қўйганлиги учун уни қайтариб бера олмасди, шу бо- исдан у олма соҳибини ўзига умр йўлдоши қилиб олибди.

— Офарин,— дебди подачининг ўғли.

— Баракалла!— дебди кўғирчоқ ингичка овоз билан.

Подачининг ўғли бошқа бир ҳикояни бошлабди:

— Бир золим подшо бир дехқонни ўлдиримоқчи бўлибди. Дехқон бир тадбир билан подшонинг қўлидан озод бўлибди. Эй гўзал ва доно Фариштамоҳ, сиз тинглангу жавоб беринг. Подшо гуноҳкорни жазо- лаш учун шундай йўл туттган экан: икки парча қофозни олиб бирига ўлим, иккинчисига эса ҳаёт деб ёздирибдио кейин қофозларни ўраб гуноҳкорга узатаркан. Агар гуноҳкор «ўлим» ёзилган қофозни олса, қатл қилинар экан, агар ҳаёт деб ёзилганини олса, ўлимдан озод қилинар экан.

Ўша дехқон подшони ҳақорат килган экан. Подшо дехқонни зин- донга ташлаб, уни ўлдириш пайига тушибди. Аммо уни илгариги тар- тиб бўйича қатл қилишни истамабди, чунки дехқон ҳаёт деб ёзилган қофозни олиб ўлдирилмай қолиши мумкин эди. Шунинг учун подшо ўйлаб-ўйлаб бир ҳийлани ишга солибди. У икки қофозга ҳам «ўлим» деб ёздириб, дехқонга бермоқчи бўлибди. Бир киши бундан дехқонни хабардор қилиб кўйибди.

Деҳқон қоғозни олиш пайтида шундай бир иш қилибди, огоҳ- лантирган киши ҳам бехабар қолибдию ўзи ҳам ўлимдан ҳалос бўлибди.

— Деҳқон нима қилибди, эй донишманд бону? Сизнинг бу саволга бирон нарса дейишингиз қийин бўлса керак?

Фариштамоҳ ўйланмай жавоб берибди:

— Деҳқон қоғоз парчаларидан бирини ютиб юбориб подшога, қўринг, агар бошқа қоғозга ҳаёт ёзилган бўлса, у вақтда мен ўлим қо- гозини ютганман, бу холда мени қатл қилинг, агар аксинча бўлса, мен озодман.

— Офарин, юз оفارин!— дейишибди қўғирчоқ билан подачининг ўғли.

Подачининг ўғли яна бир ҳикояни бошлабди.

— Бир подшо кунлардан бир куни денгиз саёҳатига чикмоқчи бўлибди. У эндиғина сафарга отланмоқчи бўлиб турган экан, хазина коровулларидан бири шошилиб келиб дебди:

— Подшоҳи олам, бугун сафарга чикманг, қаттиқ тўфон бўлиб, кемаларни ғарқ киласди.

Подшо бу гапни эшитиб бир кун кейинроқ сафарга чикмоқчи бўлибдию одамларига денгизда тўфоннинг бўлган-бўлмаганлигини би- либ келишни буюрибди. Нодимлар денгизда каттиқ тўфон бўлганлиги хақида хабар келтиришибди.

Шундан кейин подшо хазина коровулига қимматбаҳо совғалар бе- рибдию, аммо уни саройдан ҳайдаб юборибди.

Подшо нега бундай қилди?

— Мен билмайман,— дебди қўғирчоқ.

— Рости гап, мен ҳам билмайман,— дебди подачининг ўғли.

— Мен биламан,— дебди Фариштамоҳ,— подшо қоровулга ким- матбаҳо совғалар берди, чунки унинг гапи билан у ҳалокатдан кутулиб қолганди. Аммо шунинг учун қоровулни ҳайдаб юбордики, қоровул ке- часи посбонлик пайтида ухлаб қолган экан, шуни ҳам кўрибди.

Қўғирчоқ билан подачининг ўғли бу гал ҳам Фариштамоҳга оварин айтишибди.

Шундан кейин подачининг ўғли:

— Эй азиз дўстим,— дебди қўғирчоқни рўмол тагига олаётби,— биз шу пайтгача нозанин Фариштамоҳни баҳсталаб ҳикоялар устида фикрлашга мажбур қилдик. У фикрлайвериб чарчагандир ҳам. Шун- дай бир ҳикоя айтки, у кулиб, роҳатлансан.

— Хўп бўлади,— дея қўғирчоқ рўмолнинг остидан чиқибди.

Фариштамоҳ қўз қири билан унга назар ташлаб беихтиёр кулиб қўйибди. Қўғирчоқ кулили қиёфали масҳарарабоз кал шаклида экан.

— Хўп бўлади,— тақорорлабди қўғирчоқ,— менинг бир камбагал онам бор эди. Чунонам қашшоқ эдики, қорнимиз очликдан ҳамиша баҳор момақалдириғидек қалдир-кулдур қиласди, оёғу танамиздан куч- қувват от миниб қочган эди. Бир куни онамнинг тоқати тоқ бўлиб, гўштсиз қўлларини тогдек бақувват елкамга ташлаб деди:

— Сен қачонгача бекорчиликдан сочсиз бошингни қашлаб юрасан, бор, бирон бойникида хизмат қил, қорнимизнинг ғамини е!

Мен ҳам йўқ демасдан бир бойникига бориб хизматкор бўлдим. Бой бир сурув кўй бериб далага олиб чиқиб боқишини буюрди. У битта эшак, битта қопчиқ ва узун арқон бериб деди:

— Кечқурун бир эшак ўтину бир қоп яхшигина ўт ҳам олиб **кел**.

Кўйларни далага олиб чиқиб қарасам, атрофда ҳеч ким йўқ, «**бир тўйиб ухлаб олай**», дедим-да, бир дараҳт тагида бемалол уйқуга туш-дим. Етти кеча-етти кундуз роҳат килиб ухлагач, туриб қарасам **хар** бир кўй икки баробар катта ва семиз бўлиб кетибди.

Фариштамоҳ бу гапларни эшитиб қўғирчоқнинг кулгили башараси-дан завқданиб кетибди.

Мен бу ҳодисани қўрдиму ширин уйқуга таъзим қилиб дедим:

— Эй роҳатбахш уйку, сенга кўплаб раҳмат. Ма, бу яхшилигинг эва-зига мана бу эшакни олиб миниб юр!

Шу замоноқ калта дум эшакни уйку босди.

Бу гаплардан яна бир бор Фариштамоҳ юзига завқли табассум югурибди.

— Кейин,— ҳикоясини давом эттирибди қўғирчоқ,— кўйларни ҳайдаб бойнинг уйига равона бўлдим. Йўлда кетаётсам, бир гала қўнғизлар ҳайвонлар ахлатини юмалатиб олиб кетишяпти. Раҳмим келиб, қопдан арқонни чикардими уларнинг олдига ташладим.

— Ҳой, нодонлар, мана бу арқонни олиб, юкларингни боғланглару орқалаб кетинглар, ишларинг анча осонлашади!— дедим уларга.

Содда қўғирчоқнинг бу гапларини эшитиб Фариштамоҳ қулиб юборибди.

— Қўнғизлар билан ҳайрлашиб яна кетабошладим. Анча йўл юр-гач, бир ариқ бўйида дам олиб ўтириб қарасам, битта тупроқранг сич-қон уйининг ичидан тумшуғи билан тупроқни суриб чиқаряпти. «Оббо бечора сичқон-еј,— ўйладим мен,— агар биронта қопчаси бўлганда бунчалик кийналмасди».

«Менинг мана бу қопимни олингу тупрогингни солиб олиб чиқиб ташлайвер!»— дедиму қопни сичқонга бердим.

Кейин ўрнидан туриб қўйни ҳайдаб бойнинг уйига келдим. Бой кўзларини шокосадек қилиб түядек катта, семиз қўйларни қўрмай, эшак, ўтин ва ўтни сўради.

— Эшакни уйку босди, арқонни қўнғизларга бердим, қопни эса сичқонга совға қилдим,— дедим.

Еб тўйимас, очқўз бой газабидан қалтираб, бошимга мушт қўтариб, мени ҳайдаб юбормоқчи бўлди.

— Йўх— дедим унга мен,— сен мендан осонликча кутулолмайсан, ахир мен сенинг қўйларингни филдек катта қилиб келсаму менга тағин бунақа муомала қиласан!

Шундай қилиб уйкуни ёрдамга чакирдим. Уйку келиб бойга ёпиш-дию ўша жойидаёқ маҳкам босди. Бой шу заҳотиёқ оёқларини узатиб ухлаб қолди. Шунча уйғотсалар ҳам ўрнидан турмади. Хотини хиз-маткорлари билан уни уйга олиб кириб кетишиди.

Шундан кейин қўнғиз ва сичқонни чакирдим.

Сичқон бойнинг кўйлаги ичига кириб олиб, унинг ҳарир либосини ғалвир қилиб юборди, соқолини чайнаб ташлади. Кўнғизлар эса унинг бошини ахлатларга тўлдириб юборди.

Уйқуга жавоб бердим. Бой ўрнидан турса, кўзлари шишган, соқоли чайналган, боши тўла ахлат. У ҳеч нарсани тушунмай ташқарига чик-ди. Қариндош-уруғлари, катта-катта хизматкорлари уни кўриб роса ичаклари узилгудай кулишибди.

Шу вақт Фариштамоҳ ҳам бойнинг башарасини кўз олдига келти-риб беихтиёр қулиб юборибди. Унинг кулгисига подачининг ўғли ҳам қўшилибди. Икковлари чин юракдан роса кулишибди.

Подачининг ўғли тун бўйи кулгили, ажойиб, ғаройиб эртакларни ҳикоя қилиб берибди. Фариштамоҳнинг кўзларидан уйқу кочибди. Бир пайт қуёшнинг шуъласи Фариштамоҳ чехрасининг нури билан кори-шиб олам мунаvvар бўлибди. Шундан кейин Фариштамоҳ ўргадан пардани кўтариб подачи ўғлининг чиройли юзига назар ташлабди.

— Эй йигит. Сиз дарҳақиқат доно киши экансиз. Ҳунарингизни кўрс[^]тиб шартда ютдингиз, энди мени бир умр ўз йўлдошингиз деб билаверинг,— дебди киз.— Ақли, соғдил ва яхши хулқи киши ме-нинг ёрим бўла олади. Сиз ана шундай киши экансиз. Мен ўз гапимдан кайтмайман. Дўстингиз шахзода эса бундай хислатларга эга эмас ва ҳеч қачон мақсадига етмайди,— таъкидлабди Фариштамоҳ.

Нозанин Фариштамоҳ подачининг ўғли шартни ютганлигини бутун шаҳарга эълон қилибди. Шаҳар ҳалқи қизнинг шодлигига жон-дилла-ри билан қўшилиб катта тўй барпо килишибди. Подшонинг ўғли эса фамгин ва шикаста бўлиб шахардан чиқиб кетибди.

ДЕВ БАРЗАНГИ

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир замонлар дунёning бир бурчагида бир кампир бўлган экан. Кампирнинг хушёр ва чаққонгина қизи бор экан. Қиз ҳеч бекор ўтирас, ховли супуар, уйларни йиғиштирас, овқат пиширас, пахта титар, мато тўкиб, либос тикар экан.

Бир куни қиз кечгача чарх йигириш билан машғул бўлибди. Кам- пирнинг уйкуси келиб дебди:

— Ётиш пайти бўлди, қизим, чирокни ўчиригину ухлагин, мабодо дашти Карбалодан бирон бало келиб, чироқни кўриб ўйимизга кир- масин.

— Сабр қилинг,— дебди киз,— ипларимни йигириб олай.

— Йигир-йигирингни бас қил! Бошимизга яна балони келтирма- гин!— дебди кампир.

Қиз онасининг гапига кирмай, ишини давом эттираверибди. Кам- пир бир ухлаб туриб қараса, қизи ҳамон тўқиши билан банд экан.

— Эй гап уқмас қиз, қачон ухлайсан, ахир?— сўрабди кампир.

— Тўки-тўқув қиласман, қирқи-киркув қиласман, тики-тикув қила-ман, кийи-киёв қиласман, кейин ухлайман,— жавоб берибди қиз.

Қиз мато тўкиб, уни бичиб, тикиб, эндинга кийган экан, Девбар- занги қаҳ-қаҳ уриб кириб келиб дебди:

Энди бошқа бир воқеани ҳикоя қиласан, дикқат билан тинглагину ўз фикрингни айтгин!

— Хўп, майли, айт,— дебди кўғирчоқ йигит томонга эгилиб.

Подачининг ўғли ҳикоясини бошлабди.

— Мамлакатимизнинг бир чеккасида,— дебди у,— дарёнинг икки соҳилида икки қишлоқ жойлашган. Қишлоқларни узун ёғоч кўприк ўзаро боғлайди.

Бир неча вақт илгари кўприкда қарокчи пайдо бўлиб қолибди, у йўловчиларнинг кийим-бошларини, молу анжомларини тортиб олиб, ўзларини дарёга улоқтираркан.

Аммо бир куни ҳалиги раҳмсиз ва шафқатсиз ўғри қимматбаҳо кийим кийган бир қишининг кийимларини ечинтириб олиб, ўзини дор- ёга ташламабди, уни ҳурмат билан кўприкнинг охиригача қузатиб кўйди. Бу ҳодиса шундай рўй берган экан:

Ўша қишлоқлардан бирида чўпон йигит яшаркан. У қобил, чиройли ва одобли экан. У қўшниси бойнинг қизига кўнгил кўйган, қиз ҳам йигитни жон-дили билан севаркан.

Улар ҳар замон яширинча учрашиб туришар ва бу уларнинг муҳаб- батини янада оловлантирар экан. Иш шу даражага бориб етибдики, улар бир-бирларини бир дақиқа кўрмаса туролмайдиган бўлиб коли- шибди.

Шу орада бир воқеа рўй берибди-ю, уларнинг дўстлиги илдизига болта урилибди: бир давлатманд қиши қизнинг гўзаллиги таърифини эштиб ўз ўғлига келин қиммоқчи бўлиб, бойнинг уйига совчи юбориб- ди. Бой ҳам давлатманд қишининг ўғлини ҳар жихатдан ўз қизига му- носиб деб билиб рози бўлибди ва қизнинг эътирозига қарамай уни севмаган қишисига турмушга берибди. Қиз эса баҳти қаролигига лаъ- натлар ўқиб ўзини ўлдириб, бу балодан кутулишга қарор қилибди. Шу мақсадда у енги ичига пичоқни яшириб күёвнинг келишини кутиб ту- рибди.

Тўй тугаб, кўёв келиннинг олдига кирибди. Қиз уйнинг бир бурча- гида хурккан какликдек бошини ичига тортиб маҳзуну ғамгин ўтирган экан. Йигит унга яқинлашмоқчи бўлган ҳам экан, қиз ўрнидан сакраб туриб пичоқни чиқариб дебди:

— Менга яқинлашма, ё сени ўлдираман, ё ўзимни.

Кўёв ҳайрон бўлиб дебди:

— Нега бундай киласан? Менинг гуноҳим нимада?

Қиз дебди:— Мен бир йигитни жон-дилдан севардим, мени сенга бериб ўз севгилимдан ажратишиди, усиз менга ҳаёт ҳаром.

Кўёв қизга дебди:

— Агар ундан бўлса, хозир ўша севгилинг олдига бору у билан яшайвер!

Қиз хеч нарса демасдан ўрнидан туриб чикиб кетибди. У дарёга етиб, кўприкдан ўтаётган экан, олдидан ўша қароқчи чикиб қолибди. Қароқчи қаршисида турган чиройли кийимли нозанинни кўриб ҳайрон бўлиб сўрабди:



— Ажабо! Бундай ярим кечада энг дадил қўрқмас йигит ҳам журъат қилиб бу ерга келолмас эди. Мен сенинг жасоратингга 48 ҳай- ронман! Қайси мақсадда йўлга чиқдинг. Қаерга борасан?

Қиз бўлган воқеани айтиб берибди. Қароқчининг қизга раҳми ке- либди:

— Боравер, баҳтинг ёр бўлсин!— деб жавоб берибди.

Қиз ўз севгилиси уйига келибди. Чүпон йигит хали ҳам бедор экан. Унинг кўзлари йигидан қизарib кетган, чехраси дарду аламдан сар-ғайиб кетган экан. Қиз унга тасалли бериб дебди:

— Энди ғам чекаверма, азизим, шу кундан бошлаб бир умрга бир-ғамиз, бирга яшаймиз.

Киз бўлган воқеани айтиб берибди.

Йигит дебди:

— Мехрибон ёргинам, сен ажойиб қалб эгасисан, унда соф ва са- мимиy муҳаббат жўш уради, аммо мен бу нарсаларни унутишингни истардим. Сенинг бой отанг давлатманд ва золиму раҳмсизликда тенг- сиз, бу воқеадан кейин мени ва энг даҳшатлиси менинг ота-онамни жазоламасдан қолмайди. Мен ҳар қандай жазога бардош бера оламан, аммо мен бечора ота-онамнинг азобу машаққатларига гирифтор бўли- шини истамайман. Тур, эрингнинг олдига жўна! Мен сени асло унут- майман, сенинг ёдинг доимо менинг қалбимда сакланади.

Юраги қайгу-аламларга тўлган қиз ўрнидан туриб эрининг уйига равона бўлибди ва у билан яшай бошлабди.

— Эй меҳрибон дўстим,— дебди подачининг ўғли кўғирчокка,— ўша тўрт кишидан қай бири кўпроқ одамгарчилик килди?

— Албатта чўпон йигит,— дебди кўғирчок,— у ўз севгилисидан воз кечиб ўзини ҳам, ота-онасини ҳам, кизнинг ўзини ҳам оқибати чексиз азоб келтирадиган ишдан халос этди.

— Менинг фикримча,— дебди подачининг ўғли,— ҳаммадан кўра кўпроқ йўлтўсар одамгарчилик килган. У ўз одатига хилоф равища қизга яхшилик килди, бу осон иш эмас!

— Эй сиз, кам андишли донолар!— дебди Фариштамоҳ,— икков- ларингнинг фикрларинг ҳам нотуғри, сизлар у вафодор қизни унутиб кўйдиларинг. У аҳду вафо йўлида қўлидан келадиган барча ишни кил-ди. Сизлар мақтаган одамгарчилик қизнинг тутган йўли олдида хеч гап эмас.

— Гапингиз жуда тўғри,— дебди подачининг ўғли Фариштамоҳ-га,— ишк кўйида қиз ҳаммадан ҳам кўпроқ жонбозлик кўрсатган.

Кейин подачининг ўғли кўғирчокка юз ўгириб сўзини давом этти- рибди.

— Мен ҳозир бир киссани ҳикоя қилиб бераман, унинг жавобига доно Фариштамоҳ ҳам ожизлик қиласди.

— Кўрамиз,— дебди Фариштамоҳ.

— Бир бор экан, бир йўқ экан, бир подшо бўлган экан,— дебди подачининг ўғли,— подшонинг бир қизи бор экан, у ақллиликда, гўзаллиликда дунёда ягона экан.

— Мен шундай кишига турмушга чиқаманки, у киши менга дунё- даги энг қиммат нарсани олиб келиб бериши керак,— дер эмиш у.

Шаҳзодалар ана шу нарсани излаб чиқиб кетибдилар. Биттаси излаб-излаб битта учкур отни топиб келибди. У от бир нафасда олам- ни кезиб чиқа оларкан. Иккинчи шаҳзода ойнаижажонни топибди. Учинчи шаҳзода эса ҳаёт олмаси деб аталган бир олмани топибди. Кимки у олмани еса умри узок бўларкан.

Қайтишда улар бир шаҳарда учрашиб қолибдилар ва топган нарса- ларини бир-бирларига айтиб берибдилар. Ойнаижажонни топган шах- зода қизнинг ахволини билиш мақсадида ойнани чиқарибди. Ойнага назар ташлаб қарашса қиз ўлим тўшагида ётган эмиш. Шу замон улар учови учар отга минишиб, қиз томон шошилишибди. От бир нафасда уларни қизнинг олдига олиб келибди. Олмани тезлик билан қизга бе- рибдилар. Қиз уни егач, ўлим чангалидан халос бўлибди. Қиз тузалгач, уларнинг учови кўёвликка даъвогар бўлиб колишибди.

Биринчи шаҳзода, «менинг отим бўлмаганида қизни кутқариш мумкин эмас эди», деса; иккинчи шаҳзода, «агар ойнаижажон бўлмаса маликанинг беморлигини била олардикми?» дермиш; «агар олма бўлмаганида малика ўлимдан кутула олармиди?»— деркан учинчи шаҳзода.

Хўш, малика қайси шаҳзодани ўз турмуш йўлдоши қилиб олди?

— Албатта, от эгасини-да,— жавоб берибди қўғирчоқ,— учкур от бўлмаганида вақтида етиб келиша олмасди, малика нобуд бўларди.

— Гапинг нотўғри,— дебди подачининг ўғли,— ахир ойнаижажон- сиз малика нажот топа олармиди?

— Вокеа тамоман бошқача,— дебди Фариштамоҳ.— Қиз от сохи- бига миннатдорлик изхор қилиб, отни қайтариб берибди, ойна эгасига ҳам миннатдорчилик билдириб ойнани ҳам қайтариб берибди. Аммо ҳаёт олмасини еб қўйғанлиги учун уни қайтариб бера олмасди, шу бо- исдан у олма соҳибини ўзига умр йўлдоши қилиб олибди.

— Офарин,— дебди подачининг ўғли.

— Баракалла!— дебди қўғирчоқ ингичка овоз билан.

Подачининг ўғли бошқа бир ҳикояни бошлабди:

— Бир золим подшо бир дехконни ўлдиromoқчи бўлибди. Дехкон бир тадбир билан подшонинг қўлидан озод бўлибди. Эй гўзал ва доно Фариштамоҳ, сиз тинглангу жавоб беринг. Подшо гуноҳкорни жазо- лаш учун шундай йўл тутган экан: икки парча қофозни олиб бирига ўлим, иккинчисига эса ҳаёт деб ёздирибдио кейин қофозларни ўраб гуноҳкорга узатаркан. Агар гуноҳкор «ўлим» ёзилган қофозни олса, қатл қилинар экан, агар ҳаёт деб ёзилганини олса, ўлимдан озод қили- нар экан.

Ўша дехкон подшони ҳақорат қилган экан. Подшо дехконни зин- донга ташлаб, уни ўлдириш пайига тушибди. Аммо уни илгариги тар- тиб бўйича катл қилишни истамабди, чунки дехкон ҳаёт деб ёзилган қофозни олиб ўлдирилмай қолиши мумкин эди. Шунинг учун подшо ўйлаб-ўйлаб бир хийлани ишга солибди. У икки қофозга ҳам «ўлим» деб ёздириб, дехқонга бермоқчи бўлибди. Бир киши бундан дехқонни хабардор қилиб қўйибди.

Дехқон қофозни олиш пайтида шундай бир иш қилибдик, огоҳ- лантирган киши ҳам бехабар қолибдию ўзи ҳам ўлимдан халос бўлибди.

— Дехқон нима қилибди, эй донишманд бону? Сизнинг бу саволга бирон нарса дейишингиз қийин бўлса керак?

Фариштамоҳ ўйланмай жавоб берибди:

— Дәхқон қоғоз парчаларидан бирини ютиб юбориб подшога, күринг, агар бошқа қоғозга ҳаёт ёзилган бўлса, у вактда мен ўлим ко-ғозини ютганиман, бу холда мени қатл қилинг, агар аксинча бўлса, мен озодман.

— Офарин, юз офорин! — дейишибди қўғирчоқ билан подачининг ўғли.

Подачининг ўғли яна бир хикояни бошлабди.

— Бир подшо кунлардан бир куни денгиз саёҳатига чиқмоқчи бўлибди. У эндиғина сафарга отланмоқчи бўлиб турган экан, хазина қоровулларидан бири шошилиб келиб дебди:

— Подшоҳи олам, бугун сафарга чиқманг, қаттиқ тўфон бўлиб, кемаларни фарқ қиласди.

Подшо бу гапни эшишиб бир кун кейинроқ сафарга чиқмоқчи бўлибдию одамларига денгизда тўфоннинг бўлган-бўлмаганлигини би-либ келишни буюрибди. Нодимлар денгизда қаттиқ тўфон бўлганлиги ҳақида хабар келтиришибди.

Шундан кейин подшо хазина қоровулига қимматбаҳо совғалар бе-рибдию, аммо уни саройдан ҳайдаб юборибди.

Подшо нега бундай қилди?

— Мен билмайман,— дебди қўғирчоқ.

— Рости гап, мен ҳам билмайман,— дебди подачининг ўғли.

— Мен биламан,— дебди Фариштамоҳ,— подшо қоровула қим-матбаҳо совғалар берди, чунки унинг гапи билан у ҳалокатдан кутулиб қолганди. Аммо шунинг учун қоровулини ҳайдаб юбордикси, қоровул ке-часи посбонлик пайтида ухлаб қолган экан, шуни ҳам кўрибди.

Қўғирчоқ билан подачининг ўғли бу гал ҳам Фариштамоҳга офорин айтишибди.

Шундан кейин подачининг ўғли:

— Эй азиз дўстим,— дебди қўғирчоқни рўмол тагига олаётib,— биз шу пайтгача нозанин Фариштамоҳни баҳсталаб ҳикоялар устида фикрлашга мажбур қилдик. У фикрлайвериб ҷарчагандир ҳам. Шун-дай бир ҳикоя айтки, у кулиб, роҳатлансин.

— Хўп бўлади,— дея қўғирчоқ рўмолнинг остидан чиқибди.

Фариштамоҳ кўз кири билан унга назар ташлаб беихтиёр кулиб қўйибди. Қўғирчоқ кулгили қиёфали масҳарабоз кал шаклида экан.

— Хўп бўлади,— такрорлабди қўғирчоқ,— менинг бир камбағал онам бор эди. Чунонам қашшоқ эдики, қорнимиз очликдан ҳамиша баҳор момақалдириғидек қалдир-култур қиларди, оёгу танамиздан куч-кувват от миниб кочган эди. Бир куни онамнинг тоқати тоқ бўлиб, гўштсиз қўлларини тоғдек бақувват елкамга ташлаб деди:

— Сен қачонгача бекорчиликдан сочсиз бошингни қашлаб юрасан, бор, бирон бойникида хизмат қил, қорнимизнинг ғамини е!

Мен ҳам йўқ демасдан бир бойникига бориб хизматкор бўлдим. Бой бир сурув кўй бериб далага олиб чиқиб бокишини буорди. У битта эшак, битта қопчиқ ва узун арқон бериб деди:

— Кечкурун бир эшак ўтину бир коп яхшигина ўт ҳам олиб кел. Қўйларни далага олиб чиқиб карасам, атрофда ҳеч ким йўқ, «бир тўйиб ухлаб олай», дедим-да, бир дараҳт тагида бемалол уйқуга туш-дим. Етти кеча-етти кундуз роҳат қилиб ухлагач, туриб қарасам ҳар бир кўй икки баробар катта ва семиз бўлиб кетибди.

Фариштамоҳ бу гапларни эшишиб қўғирчоқнинг кулгили башараси-дан

завқланиб кетибди.

Мен бу ходисани күрдиму ширин уйқуга таъзим қилиб дедим:

— Эй роҳатбахш уйқу, сенга кўплаб раҳмат. Ма, бу яхшилигинг эва- зига мана бу эшакни олиб миниб юр!

Шу замоноқ калта дум эшакни уйқу босди.

Бу гаплардан яна бир бор Фариштамоҳ юзига завқли табассум югурибди.

— Кейин,— хикоясини давом эттирибди қўғирчоқ,— қўйларни ҳайдаб бойнинг уйига равона бўлдим. Йўлда кетаётсам, бир гала қўнгизлар ҳайвонлар ахлатини юмалатиб олиб кетишяпти. Раҳмим келиб, қопдан арқонни чикардиму уларнинг олдига ташладим.

— Ҳой, нодонлар, мана бу арқонни олиб, юкларингни боғланглару орқалаб кетинглар, ишларинг анча осонлашади!— дедим уларга.

Содда қўғирчоқнинг бу гапларини эшитиб Фариштамоҳ кулиб юборибди.

— Қўнгизлар билан ҳайрлашиб яна кетабошладим. Анча йўл юр- гач, бир ариқ бўйида дам олиб ўтириб карасам, битта тупроқранг сич- кон уйининг ичидан тумшуғи билан тупроқни суриб чиқаряпти. «Оббо бечора сичқон-еў,— ўйладим мен,— агар биронта қопчаси бўлганда бунчалик кийналмасди».

«Менинг мана бу қопимни олингу тупрогингни солиб олиб чиқиб ташлайвер!»— дедиму қопни сичқонга бердим.

Кейин ўрнидан туриб қўйни ҳайдаб бойнинг уйига келдим. Бой қўзларини шокосадек қилиб туждек катта, семиз қўйларни кўрмай, эшак, ўтин ва ўтни сўради.

— Эшакни уйқу босди, арқонни қўнгизларга бердим, қопни эса сичқонга совға қилдим,— дедим.

Еб тўймас, очкўз бой ғазабидан қалтираб, бошимга мушт кўтариб, мени ҳайдаб юбормоқчи бўлди.

— Йўқ,— дедим унга мен,— сен мендан осонликча қутулолмайсан, ахир мен сенинг қўйларингни филдек катта қилиб келсаму менга тагин бунақа муомала қиласан!

Шундай қилиб уйқуни ёрдамга чақирдим. Уйқу келиб бойга ёпиш- дию ўша жойидаёқ маҳкам босди. Бой шу заҳотиёқ оёқларини узатиб ухлаб қолди. Шунча уйғотсалар ҳам ўрнидан турмади. Хотини хиз- маткорлари билан уни уйга олиб кириб кетишли.

Шундан кейин қўнгиз ва сичқонни чақирдим.

Сичқон бойнинг кўилаги ичига кириб олиб, унинг ҳарир либосини ғалвир қилиб юборди, соқолини чайнаб ташлади. Қўнғизлар эса унинг бошини ахлатларга тўлдириб юборди.

Уйкуга жавоб бердим. Бой ўрнидан турса, кўзлари шишган, соқоли чайналган, боши тўла ахлат. У ҳеч нарсани тушунмай ташқарига чик-ди. Қариндош-уруглари, катта-катта хизматкорлари уни кўриб роса ичаклари узилгудай кулишиди.

Шу вақт Фариштамоҳ ҳам бойнинг башарасини кўз олдига келти-риб беихтиёр кулиб юбориби. Унинг кулгисига подачининг ўғли ҳам кўшилиби. Икковлари чин юракдан роса кулишиби.

Подачининг ўғли тун бўйи кулгили, ажойиб, гаройиб эртакларни ҳикоя қилиб берibi. Фариштамоҳнинг кўзларидан уйку қочиби. Бир пайт қуёшнинг шуъласи Фариштамоҳ чехрасининг нури билан қори-шиб олам мунаvvар бўлиби. Шундан кейин Фариштамоҳ ўртадан пардани кўтариб подачи ўғлининг чиройли юзига назар ташлади.

— Эй йигит. Сиз дарҳакиқат доно киши экансиз. Ҳунарингизни кўрс^тиб шартда ютдингиз, энди мени бир умр ўз йўлдошингиз деб билаверинг,— дебди қиз.— Ақлли, соғдил ва яхши хулкли киши ме-нинг ёрим бўла олади. Сиз ана шундай киши экансиз. Мен ўз гапимдан қайтмайман. Дўстингиз шахзода эса бундай хислатларга эга эмас ва ҳеч қачон мақсадига етмайди,— таъкидлабди Фариштамоҳ.

Нозанин Фариштамоҳ подачининг ўғли шартни ютганлигини бутун шаҳарга эълон қилиби. Шаҳар ҳалқи қизнинг шодлигига жон-дилла-ри билан кўшилиб катта тўй барпо қилишиби. Подшонинг ўғли эса ғамгин ва шикаста бўлиб шаҳардан чиқиб кетиби.

ДЕВ БАРЗАНГИ

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир замонлар дунёнинг бир бурчагида бир кампир бўлган экан. Кампирнинг ҳушёр ва чаққонгина қизи бор экан. Қиз ҳеч бекор ўтирmas, ҳовли супурар, уйларни йигиштирап, овқат пиширап, паҳта титар, мато тўқиб, либос тикар экан.

Бир куни қиз кечгача чарх йигириш билан машғул бўлиби. Кам-пирнинг уйқуси келиб дебди:

— Ётиш пайти бўлди, қизим, чирокни ўчиргину ухлагин, мабодо дашти Карбалодан бирон бало келиб, чирокни кўриб уйимизга кир- масин.

— Сабр қилинг,— дебди қиз,— ипларимни йигириб олай.

— Йигир-йигирингни бас қил! Бошимизга яна балони келтирма-гин!— дебди кампир.

Қиз онасининг гапига кирмай, ишини давом эттиравериби. Кам-пир бир ухлаб туриб қараса, қизи ҳамон тўқиши билан банд экан.

— Эй гап уқмас қиз, қачон ухлайсан, ахир?— сўрабди кампир.

— Тўқи-тўқув қиласман, қирқи-кирқув қиласман, тики-тикув қила-ман, кийи-киёв қиласман, кейин ухлайман,— жавоб бериби қиз.

Қиз мато тўқиб, уни бичиб, тикиб, эндиғина кийган экан, Девбар- занги қаҳ-қаҳ уриб келиб дебди:

53

— Ёниб турган чирокни кўрдим, кийим кийганни кўрдим, нозанин қизни кўрдим, хурсанду хандонни кўрдим.

Қиз кўрққанидан чирокни пуфлаб ўчирибдию онасининг ёнига ки-риб яшириниби. Онаси дебди:

— Сўзимга кирмай, бошимизни балога қолдирдинг!

Девбарзанги қиз билан кампирни итариб дебди:

— Бор эканми, йўқ эканми, сизларнинг шаҳарларингда меҳмон келганда туриш йўқ эканми, ахир?

Кампир ўрнидан туриб чироқ ёндирибди. Дев яна дебди:

— Бор эканми, йўқ эканми, сизларнинг шаҳарларингда меҳмон олдига нон кўйиш йўқ эканми, ахир?

Кампир Девбарзанг олдига дастурхон ёзиб нон қўйибди. Девбар- занги қўлини нонга узатган экан, қиз дебди:

— Бор эканми, йўқ эканми, ахир девларнинг одати қўл ювмай нон ейиш эканмикин-а?

— Қаерда қўл юваман,— дебди Девбарзанги.

Қиз юрганича ташқарига чикибди. Ҳовлида жуда чукур бир қудук бор экан. Қиз унинг қопқоғини кўтарибдию, хасу новдалар билан устини ёпиб, ўзи чукурнинг нариги томонида туриб, Девбарзангини чақирибди:

— Мана сув, кел, қўлингни юв!

Девбарзанг қиз олдига бормоқчи бўлиб, оёғини хаслар устига қўйган экан, бирданига қудукка тушиб икки оёғи синибди.

Қизча қудукнинг устини дарров беркитибди. Шу тадбир билан у бошларига келган балони даф килиб, кўнгиллари истагандай яшай бошлашибди.

АВАЗ

Бир куни Гўрўғлиниң тутинган ўғли Аваз узок муддатли овдан, шер ва йўлбарслар билан бўлган хатарли, яккама-якка олишувлардан чарчаб, ҳолдан тойиб Жамбули Мастоңга қайтаётган экан, хаво ниҳо- ятда исиб кетиб Авазнинг қоп-кора, жингалак сочининг ҳар бир тола- сидан тер куйилибди. Уни айниқса ташналик қийнабди.

Паҳлавон ўзининг йўрға отини елдириб бирон-бир ариқ ёки чаш- мани излаб бораракан, тоғнинг бир томонидан сувнинг шилдираған овози эшитилибди. У отининг жиловини ўша овоз келган томон буриб, чоптириб бир чашмага етиб келибди.

Чашма лабида бир қиз эгилиб кўзасини тўлдириб сув олаётган экан. Аваз қиз ёнига етиб келибдию, шошилганича отдан тушиб унинг кўзасини дастасидан ушлабдию оғзига тутиби. Қиз эса ҳайрону лол бўлмасдан чақонлик билан кўзага чанг солиб, уни пастга тортиби — кўзани Авазнинг оғзидан юлиб олибди.

— Эй нозанин йигит,— дебди қиз кўзани қўйиб юбориб,— қаердан келяпсан ўзи?

Овдан,— дебди паҳлавон ғуурланиб ва кўзани яна лабига яқинлаштирибди.





Чашманинг муздек, зилол суви йигитнинг куйган юрагига ҳаловот бағишилабди. Аммо қиз иккинчи марта ҳам кўзага чанг солиб, уни Аваз оғзидан узоклаштиришга интилиб сўрабди:

— Қаерга кетяпсан?

Аммо Аваз бу сафар жавоб бермай, қизнинг қучли, бақувват қўли- дан кўзасини зарда билан тортиб олиб сув ича бошлабди. Қиз бўлса учинчи бор ҳам унинг сув ичишига ҳалақит бериб сўрабди:

— Сен, менинг назаримда баҳодир йигитта ўхшайсан, номинг нима?

Авазнинг ғазаби янада ошибди. У сабрсизлик билан катта ва ба- қувват кўлларини мушт қилиб қайсар ва чўрткесар қизни уриб йиқит- мөқчи бўлибди. Авазнинг ёмон ниятини фаҳмлаган қиз ундан узокла- шиш ўрнига бошини паҳлавоннинг юзига яқинроқ олиб бориб, жасорат билан кўзларига тикилибди.

— Ох, накадар сеҳрли, гўзал қиз! Ох, бу қандай нозанин чехра!

Бир зумда Авазнинг қаҳру ғазаби сўниб унинг ўрнини меҳр-шаф- кат эгаллабди.

— Сен кимсан?— сўрабди Аваз.

— Мен, одамман!— жавоб берибди қиз кинояли табассум билан.

— Одамлигинги кўриб турибман! Номинг нима? Кимнинг қизи- сан? Қаерликсан?

— Номим — Ширмоҳ. Подачининг қизиман. Хув анави қишлоқ- данман,— қиз тоғ ёнидаги уйларни ўз оғушига олган дараҳтзорга ишора қилибди.

— Ширмоҳ! Мен сени ўжарлигинг учун жазоламоқчи эдим. Нега бемалол сув ичишимга ҳалақит бердинг?[^]- дебди Аваз қизга мулоим- лик билан тикилиб.

— Мен атайлаб шундай қилдим,— жавоб берибди Ширмоҳ,— ка- расам терга ботиб, жуда ташна бўлиб келибсан, оғатдан сақламоқчи бўлдим.

— Қандай оғат экан?— Аваз таажжубланиб сўрабди қиздан.

— Сен иссиқ кунда кўп йўл юриб жуда қизиб кетган эдинг. Бундай пайтларда дам олмасдан бирданига совуқ сув ичиш хатарлидир.

— Тушундим,— дебди Аваз,— бу қадар нозанин бўлиш билан бирга ақлли ва доно ҳам экансан. Энди мен сенинг саволларингга жа- воб берайин: овдан келяпман. Жамбули Мастонга, номдор паҳлавон олдига, отам Гўрўғли олдига кетяпман.

— Жамбули Мастонга дейсанми?— сўрабди қиз ва унинг жоду кўзлари қувончдан порлаб кетибди.

— Сен у ерда Авазни кўрасанми?

— Нима? Сен унинг номини эшитмаганмисан?

— Аваз баҳодирнинг номини ким эшитмабди? Унинг қилган иши- ни етти яшардан етмиш яшаргача ҳамма билади.

— Ундей бўлса, кутиб тур! Кўп ўтмасдан Аваз бу ерга келадиу се- нинг ақлинг ва чиройли юзинг олдида бошини қуи эгади,— дебдию паҳлавон чаққонлик билан отига қамчи босиб бир зумда кўздан фойиб бўлибди.

Қиз унинг кетидан қараб қолибди. Аваз ер юзида адолат ва тинч- ликнинг пойтахти бўлмиш Жамбули Мастонда меҳрибон онасини кўргач, отаси — Гўрўғли хузурига борибди. Ота билан боланинг сух- бати тугамасданоқ чопарлар мамлакатга душманлар хужум қилганли- ги, кўп қишлоқларни талон-торож килиб қанчадан-канча кишиларни ўлдириб, гўзл қиз ва жувонларни зўрлик билан олиб кетгани ҳақида хабар келтирибдилар.

Бу ноxуш хабарни эшитиб Аваз ўрнидан турибди.

— Азиз отажон!—дебди у Гўрўғлига,— рухсат беринг, мен душ- ман билан жанг қилиб ватандошларимни озод қиласай.

Гўрўғли тутинган ўғлига оқ йўл ва ишига ривож тилаб рухсат бе- рибди. Аваз у ердан чиқиб онасининг олдига келибди ва дуюю фотиҳа олиб чиқиб кетибди.

Юриб-юриб Ширмоҳ яшайдиган қишлоққа келибди, экин майдон- лари, полизлар, қишлоқ аҳолисининг турар жойлари харобага айлан- ган экан.

— Қишлоқда фақат қари ва бемор кишилар, ёш болалар колган экан. Қариялар тўсатдан бир тўда қуролланган кишилар қишлоққа ки- риб келиб кишиларнинг молу мулкларини талон-торож қилганликла- рини ва ёш йигит-қизларни боғлаб олиб кетганликларини Авазга айтиб берибдилар.

Аваз Ширмоҳни сўрабди.

— Э, асло сўрама,— дебди бир қария.— Бизнинг пахлавон Шир- мохимиз талончилар билан олишиб бир нечтасини ўлдириди, бир қан- часини майиб-мажруҳ қилди. Нихоят, уни ҳам тутиб, ярадор қилиб, қўл-оёқларини боғлаб олиб кетишиди.

Аваз душманлар кетган томонни сўраб олиб, йўлга тушибди. У мамлакат чегарасидан чиқиб, душманлар маконига етибди. Чегарада жойлашган қишлоқ аҳолисининг айтишларига қараганда Қоплонпод- шоҳ кўплаб лашкарлари билан уларнинг мамлакатига хужум қилиб, талон-торож қилиб, ҳозир уларнинг пойтахтини истило қилаётган экан.

Аваз бу гапларни эшитиб, дарҳол кийимларини, отининг афзалла- рини алмаштириб, қаландар шаклига кириб Дурманподшо пойтахтига йўл олибди. Шаҳарнинг чор атрофига чайлалар курилган экан. Қоп- лоннинг аскарлари шаҳарни ўраб олиб, бирин-кетин ҳамма қиларкан.

Аваз чайлаларга яқинлашиб қаландарлардек, «ҳақ дўуст, ё олло», деб қўшиқ айтишга тушибди. Бир неча навкар дарҳол уни тутиб Қоп- лонподшо олдига олиб борибди.

— Сен кимсан, қаердан келяпсан?— сўрабди подшо.

— Мен бир маконсиз қаландарман,— жавоб берибди Аваз.

— Йўқ, сен Гўрўғлининг жосусисан!— дебди подшонинг нодимла- ридан бири.

— Мумкин шунинг ўзи Аваздир!— дебди нодимлардан яна бири.

— Уни жазолаш керак!— бақириби Қоплоннинг вазири.

— Сизлар беҳудага шубҳаланаётисизлар — дебди Аваз,— мен факир бир дарвишман, бугун бу ерда бўлсам, эртага бошқа жойдаман, макону манзилим йўқ.

Подшо яна бир неча вақт сўраб-сурештиргандан кейин Авазнинг қаландар эканлигига ишонч ҳосил қилгач, уни қўйиб юборибди. Аваз қаландарона қўшиқ кўйлаб шаҳарга кириб кетибди.

Дурманшохга бир Қаландарнинг пайдо бўлганлиги, у ўзининг ши- рали овози билан Қоплоннинг лашкарини мағлуб бўлиши ҳакида қўшиқ айтадиганлиги ҳакида хабар келтирибдилар.

Подшо тезлик билан уни тутиб келишни буюрибди. Аваз ўзини подшога танитибди.

— Эй номдор паҳлавон,— дебди подшо,— бу айёр Қоплон мамлакатимизни вайронага айлантириди. Унинг ваҳший лашкарлари шаҳару қишлоқларимизни раҳмисизларча талади. Энди эса пойттахтимизни ўраб олди.

— Мен сизларга ёрдамга келдим,— дебди Аваз,— афтидан биз га- занда Қоплонни йўқотмасак мамлакатимиз талончилардан, ўғрилардан халос бўлмайдиганга ўхшайди.

Шундан кейин Аваз жанг либосини кийиб, учқур отига миниб, худ- ди подага ташланган бўридай, Қоплон лашкарига ҳамла қилибди. Лашкарлар унинг Аваз эканлигини билиб худди шерга учраган қўй по- дасидай тумтарақай қочибди. Қоплонни ваҳима босибди. Аммо у сон- саноқсиз лашкарига ишониб Авазга хужум қилишни буюрибди.

Аваз вафодор отини чоптириб ўнгу сўлдаги душман лашкарини қи- личдан ўтказаверибди.

Душман таналари ерга қулар, бошлари эса коптоқдай кўкка учар- кан. Тирик колгандар эса қочиб қолибди. Қоплон ҳам жангни бой берганини билиб қочиш йўлини чоғлабди. Аваз бургутдек таъқиб этиб бориб унга каманд ташлабди. Арқон учи Қоплоннинг бошига илиниб- дию бўйини сиқа сошлабди. Қоплон отдан кулабди. Шу пайт Дур- маншох аскарлари этиб келиб Қоплон аскарларини кувиб кетибдилар.

Аваз Қоплоннинг оёқ-қўлини боғлаб Дурманшоҳ ихтиёрига топ- ширибди ўзи душманинг беҳисоб қолган молу дунёсини кўздан ке- чира бошлабди. Душмандан кўплаб талаб олинган бойликлар ва қул қилиш ниятида асир олинган кишилар қолган экан.

Паҳлавон дурманлар ёрдамида асирларнинг қўл-оёқларини еча бошлабди.

— Эй қўркмас паҳлавон! Бизни қулликдан қутқардинг, отангта минг раҳмат!— Авазнинг кулоғига таниш овоз эшитилибди. Баҳодир- нинг юрагида умид учқунлари порлабди. У чопганича овоз чикқан то- монга борибди. Бу ўша подачининг қизи Ширмоҳ бўлиб, қўл-оёғи боғ- ланганича ётган экан. Аваз тезлик билан занжирни узиб уни кўтариб олибди-да, умрида биринчи бор қизнинг лоладек юзидан меҳр-муҳаб- бат билан бўса олибди.

Дурманшоҳ Авазга кўплаб миннатдорлик билдириб, уни тантана билан кузатиб қолибди. Дурман ҳалқи ҳам ҳамма ерда зафар келтир- ган Авазни хушнудлик билан қабул кузатиб қолишибди.

Аваз Жамбули Мастонга келиб Ширмоҳга уйланажаклигини эълон қилибди.

Бир неча вақтдан кейин гўзал Ширмоҳ иккита ўғил туғибди. Улар- нинг бирига Нурали, иккинчисига Шерали деб ном қўйишибди.

Бу воқеадан кейин Гўрўғлининг тинчликсевар мамлакати анча вақт- гача душманлар хужумидан омон қолибди.

ГЎРЗОД

Бор экан-да йўқ экан, бир камбағал овчи бўлган экан. Кунлардан бир кун унинг оиласида бир кизалоқ туғилибди. Ота-онаси яккаю яго- на фарзандларини меҳру муҳаббат билан тарбиялай бошлабдилар. Орадан бир неча йил ўтибди. Қиз ҳам анча ўсиб қолибди. Эру хотин маслаҳатлашиб қизчани мактабга беришибди. У мактабда бир неча йил ўқибди.

Бир маҳал қарашса, қиз ўз-ўзидан гумона пайдо қилибди. Буни хис этган қиз ҳеч кимга индамай ғамгин юраверибди. Воқеадан бир қари кампир воқиф бўлиб қолибди-да, юрт ҳокими олдига бориб дебди:

— Эй олам подшоси, қарам султони, сенинг пок юртингда мана шундай ҳодиса рўй берди. Бунинг оқибати хайрли бўлмайди, бирон- бир фалокат рўй бериши муқаррар.

Ғазабланган подшо қизни туттириб келтирибди ва икки жаллодни чорлаб буорибди:

— Бу ножинс қизни ўлдириб, кўмиб ташланглар, менинг мамлака- тимда ному нишонаси қолмасин.

Жаллодлар қизни қабристонга келтириб, ўлдиришмоқчи бўлишиб, юзидан пардасини олишган экан, мислсиз бир гўзалга назарлари ту- шибди. Умларидан бунақангি чиройли қизни кўришмаган экан. Улар нима қилишни билмай ҳайрон бўлиб туришибди-да, охири бозорга бо- риб бир кўй сотиб олиб келишибди. Кўйни сўйиб қизнинг кўйлагини қонга белабдилар.

— Умринг бокий бўлса, фарзанд кўрасан. Мана булар сенга овқат,— дейишибди жаллодлар, қизни икки-уч йиллик овқат билан қабрга тирик кўмишаркан.

Жаллодлар кўйлакни олиб бориб подшога кўрсатибдилар, сўнгра қизнинг ота-онасиға берибдилар. Қизнинг бечора ота-онаси зор-зор йиғлашибди, баҳтсиз фарзандларининг қонга беланганди либосини юз- кўзларига суртиб нола чекибдилар. Бора-бора булар ҳам тақдирга тан беришибди.

Орадан бир қанча вақт ўтибди. Бир куни қизнинг отаси йилки олдидан ўтаётуб қараса, барча байталлар семизу факат биттаси ниҳо- ятда озиб-тўзиб кетган экан. У ҳайрон бўлиб йилқибօқардан сўрабди:

— Бу ерларда ўт-ўланлар кўп, ҳамма отлар семизу бир байтад ориқ. Бунинг сабаби нима?

— Эй овчи бобо! Бу ерда бир ғалати сир бор. Шу байтал ҳар куни қоқ пешинда йўқолиб қоладиган бўлди. Бир куни орқасидан пойлаб борсам денг, байтал бориб бир эски қабр ёнига ётди. Гўр ичидан қип- ялангоч бир бола чиқдию уни эмиб тўйиб қайтиб қабрга кириб кетди.

— У ўғилмиди ёки қиз?—сўрабди овчи.

— Бунисини билмадим.

Эртаси куни овчи бир жуфт соққа ва битта қўғирчоқ элтиб қабр тे- пасига кўйиб кетибди. Бир неча вақтдан кейин келиб қараса, соққалар йўқ. Шундан гўдакнинг ўғил бола эканлигини билибди.

Овчи борибди-да, чиройли кийимлар тикириб, қабр устига қўйиб кетибди. Ташқарига чиққан бола либосларни кўрибди юнайтиб кетибди:

— Ойижон, бирор чиройли нарсалар қолдириб кетибди, олайми, йўқми?

— Олавер, ўғлим,— рухсат берибди онаси. Бола кийимларни олиб кирибди. Онаси кийдириб қўйибди. Жуда ярашиб тушибди. Овчининг қалби шодлик билан ёнаркан. Эртаси куни у бир неча болаларни йигиб, қабристонга келтириб, ўйнашга буюрибди. Болалар қизгин ўйнай бош- лабдилар. Уларнинг шўх-шўх кулгилари қабрдаги бола кулогига чали- нибди. Бола гўрдан чиқиб бир оз қараб тургач, болалар олдига келиб:

— Ўртоқжонлар, мен ҳам ўйнасам майлими?— деб сўрабди.

Болалар рози бўлишибди. Улар кураш тушиш ўйнашаркан. Бир дех- кон бола ҳаммани йикитибди. Навбат бунга келгач, ўрнидан туриб дехкон бола белини энди ушлаган экан, бикини оғриб, бақириб юбо- рибди.

Болалар қўрқянларидан ўйинни бас қилибдилар ва овчининг олдига келиб:

— Гўрдан бир бола чиқиб, ҳаммамизнинг белимизни синдирай де- ди,— деб шикоят қилишибди.

Бу гап шаҳарга тарқалибди. Халқ қабристон олдига капа тикиб, кураш мусобақаси ўтказа бошлабдилар. Буни кўрган бола онасига дебди:

— Ташқаридаги кўп кишилар тўпланишиб, кураш тушияпти.

— Сен ҳам уларнинг олдига бор, эҳтимол бобонг сени олиб кетга- ни келгандир. Агар у билан кетсанг, мендан ҳам хабар олиб тургин,— дебди онаси.

Бола ташқарига чиқиб бир оз томоша қилиб тургач, курашчилар ҳузурига борибди. Зум ўтмай кишилар уни ўраб олиб, сўрай бошлаб- дилар:

— Эй баҳодир йигитча, отинг нима, нега гўрда яшайсан?

Бола индамай, хайрон бўлиб, қараб тураверибди.

— Болага муносаб от ўйниш керак. Гўрда тугилгани учун унинг оти Гўрзод бўлсин,— дебди овчи.

Бу гап ҳаммага маъкул бўлибди. Шундай қилиб боланинг номи Гўрзод бўлибди. Гўрзод анча вақтгача шаҳар ва қишлокларни кезиб юрибди, касб-хунар ўрганибди, халқ хаёти билан танишибди.

Халқ подшохнинг зулмидан эзилиб келаркан. Боланинг онаси ҳам, бу шоҳ золим, ноинсоф, гапнинг аслини суриштирмай, мени жаллод- лар кўлига топшириди, улар ўлдирмай тириклайн кўмиб кетдилар, деб шикоят қилганди.

Гўрзоднинг шоҳга нисбатан газаби кундан-кунга ортиб борибди. Ниҳоят газаби қайнаган паҳлавон золим шоҳ одамларини бирма-бир ўлдираверибди. Буни эшитган подшо Гўрзоднинг ҳузурига чорлаб сўрабди. •

— Эй баҳодир йигит, сен бу бегуноҳ одамларни нима учун ўлдирдинг?

— Мен буларни, подшои олам, сизнинг одатингизга кўра ўлдир- дим,— дебди баҳодир.— Ахир сиз, бирорнинг устидан тухмат қиласа ёки иғво тарқатса, суриштирмай-нетмай ўлдирасиз-ку?

Шу гапдан сўнг шоҳ паҳлавонни йўқотиш пайига тушибди. У ва- зирларини чорлаб, бу хусусда маслаҳатлашибди.

— Гўрзод ғоятда кучли паҳлавон, уни ўлдириш осон эмас, бошқа бирон чора-тадбир топмоқ даркор,— маслаҳат берибди улар.

— Нима қилиш керак?— сўрабди шоҳ.

— Уни шундай бир жойга жўнатиш керакки, қайтиб келмайдиган бўлсин,— дебди вазирлардан бири.

— Ахир у бизга бўйинсунмайди-ку,— ўшқирибди шоҳ.

— Бунинг йўли осон,— дебди ўнг қўл вазир.

Вазирнинг соҳибжамол, ягонаи даврон, бокираи замон паричехра қизи бор экан. У тенгсиз гўзал бўлиш билан бирга ўқимишли, дониш- манд бир қиз экан. Вазир ҳаётда бирон қийинчиликка учраб қолса, ал- батта, қизига маслаҳат соларкан.

— Яна қандай мушкул иш бошингизга тушди, отажон?— сўрабди қиз ғамгин кириб келган отасини кўриб.

— Подшо Гўрзодни йўқотмоқчи. Уни қайтиб келмайдиган хатарли бир сафарга жўнатиш лозим,— дебди вазир.

Ўзоқ ўйга толган қиз отасига шундай дебди:

— Отажон, хотиржам бўлинг, ўзим бир иложини топаман.

Эртаси қуни қиз ҳарир либосларга бурканиб, Гўрзод ов қиласидиган жой — Ҳисор тоги этакларига келиб юз нозу карашма билан йигит назаридан ўёқ-буёқка ўта бошлабди.

— Бу тушимми ёки ўнгимми?—дебди паҳлавон ўз-ўзига, ҳангуманг бўлиб.— Инсон фарзанди бунчалик гўзал бўлади деб ўйламаган эдим. Сен одаммисан, паримисан?

— Мен одамман, аммо бадбаҳт инсонман, сен мени тушингда эмас, ўнгингда кўриб турибсан,— дебди қиз ишва билан.

— Шундай гўзал бир қиз қандай қилиб баҳтсиз бўлиши мумкин,— дебди қалбида ишқ отаси тугён урган йигит.

— Менинг умрим жуда қисқа. Агар бирон қўрқмас баҳодир бориб илонлар шоҳи қизининг узугини келтириб бермаса, узилган гулдек тез кунда ҳазон бўламан.

— Илонлар шоҳининг қизи қаерда яшайди? Унинг йўлини кўрсат,— илтижо қилибди Гўрзод.

— Мана шу Ҳисор тоги орқасига ўтасан, кунботар томонга қараб етти кеча-кундуз ўйл юрсанг илонлар шоҳи юртига етасан. У ёғи ўзинг- нинг кудрат ва хушёргингингта боғлик,— дебди қиз.

Гўрзод тоққа чиқиб кетибди.

— Йигитни илонлар юртига жўнатдим, у ердан омон қайтиши мушкул,— дебди отасининг ҳузурига қайтган қиз.

Вазир хурсанд бўлиб, бу хабарни шоҳга етказибди. Золим подшо вазирга инъом-эҳсонлар бериб, хотиржам яшай бошлабди. Буларни шу ерда қолдириб, Гўрзоддан гап эшигининг.

Ҳисор тоги шу даражада баланд эканки, гўё чўққилари еттинчи фалакка етиб тураркан. Ҳозиргача ҳеч ким бу тоғнинг орқасига ўтол- маган экан. Гўрзод минг машаққат билан тоғ устига чиқибди, не-не азоб билан орқасига тушиб, кунботар томонга қараб юриб кетибди. Олти кеча-кундуз ўйл юргач, илон пўстига йўлиқибди. «Манзилга яқинлашибман», дебди-да, янада илдамроқ қадам босибди. Кечга яқин бир даштга етиб келибди. Дашт илонлар пўсти билан тўлиб ётаркан. Йигит даштдан ўтиб, деворлари осмонўпар бир қальзага учрабди. Қалъанинг чор атрофида сонсиз илонлар кулча бўлиб ухлаб ётар, ўтишнинг ҳеч иложи йўқ экан. Паҳлавонни қизил, сариқ ва кора илон- лар ўраб олиб, сикувга ола бошлабди. Дарвоза олдида ётган улкан кўк илон оғизларини очиб, вишиллаганича Гўрзод томон кела бошлабди. Уни кўрган бошқа илонлар ҳам оғзини очиб вишиллай кетибди. Илонлар овозидан паҳлавон қулоғи кар бўлаёзибди.

Гўрзод коматини ростлаб олиб, гурзидек мушти билан кўк илон бошига

чунонам туширибиди, унинг икки лаби бир-бирига ёпишиб қолибди. Қолган илонларнинг оғзи ҳам шу заҳотиёқ ёпилиб, турган жойларида қотиб қолибди.

Гўрзод дарвозани очиб, қалъа ичкарисига кирибди. Қалъанинг тўрида заррин тахтда илонлар шохи бошида олтин тожи билан ўтирган экан.

— Кимсан ўзинг?! Ердан чиқдингми, денгиздан келдингми еки осмондан тушдингми? Ёки бўлмаса замин маҳлуклариданмисан? — сўрабди илонлар шохи.

— Ер юзи маҳлуклариданман, одамзод наслиданман,— жавоб бе- рибди йигит.

— Эй одамизод, бизнинг мамлакатимизга қандай мақсадда кел- динг? Ёмон ният билан келган бўлсанг, бу ердан эсон-омон чиқол- майсан.

— Мен қизингнинг олдига бир илтимос билан келдим,— жавоб берибди Гўрзод. Илонлар шохи қизини чақирибди-да, дебди:

— Бу одам Ҳисор трғи орқасидан келибди. Сендан бир илтимоси бор экан.

— Илтимосингни айт, йигит, кўлимдан келса бажарай,— дебди қиз.

— Бизнинг мамлакатимизда ой ҳам, қуёш ҳам хуснидан рашқ қи- ладиган бир гўзал киз бор, аммо ана шу гулрухсорнинг умри поёнига етмоқда. Унинг умрини сенинг узугинггина бокий эта оларкан. Мен сенинг узугингни, албатта келтираман, деб ваъда берганман.

— Бу илтимосингни бажариш қийин. Агар узугимни сенга берсанм ўзимнинг умрим кискаради,— дебди киз.

Гўрзод бош эгганича маъюс турибди.

Унинг ахволига раҳми келган илонлар шохининг қизи йигитга му- рожаат этибди:

— Агар сен менга кирқ кулоқли қозонни келтириб берсанг, мен узукни бераман. Ана шу қозонда кунда овқат пишириб еб юрсам, ум- рим кискармайди.

— Ўша қозон қаерда?— сўрабди Гўрзод.

— Коф тоғи орқасида, йўли узок, машаккатли, хавф-хатарли, у ерда парилар ва девлар яшашади. Аммо сен бормоқчи бўлсанг мен ёрдам бераман,— дебди киз.

— Албатта бораман,— қатъий дебди Гўрзод.

Илонлар шохининг қизи бир парча хат ёзиб берибди-да, таъкид- лабди:

— Кўхи Кофнинг орқасига ўтишинг билан бир катта қалъага. кўзинг тушади. Дарвозанинг олдида бир киз ўтирган бўлади. Хатни ўша парига берсанг, у сенга кўмаклашади. Шундан сўнг қиз қанотли бир илонни чақириб, Гўрзодни Кўхи Кофнинг орқасига элтиб қўйишни буюрибди. Гўрзод илонга минибди. Илон парвоз қилиб бир сонияда йигитни Кўхи Коф ортига элтиб қўйибди.

Киз айтганидек, Гўрзоднинг назари дастлаб баланд деворли оқ қалъага тушибди. Қалъа олдида бир пари хотин ўлтирган экан. Гўрзод пари хотин олдига бориб салом берибди.

— Эй нодон маҳлук, нега бу ерларга келдинг, бунда девлар яша- шади, улар сени омон колдиришмайди,— дебди пари хотин.

Гўрзод индамай илонлар шохининг қизи ёзиб берган мактубни па- рига узатибди. Хатни ўқигач, орқасига нимадир ёзибдию қайтариб бе- риб, дарвозани очибди:

— Ичкарироқда яна бир дарвоза бор, унинг олдида менинг опам ўтирибди, хатни унга берасан,— қўшиб қўйибди пари хотин.

Гўрзод ичкарига кириб хатни парининг опасига берибди. У хатни қўлига олиб ўқиб кўргач, шундай дебди:

— Сен айтаётган қозонда ҳозир ош дамлоғлиқ. Бир баҳайбат дев келиб уни пок-покиза туширади. Сүнгра бир ҳовуз сувини дамига тор- тиб қурилади. Ҳув анови чинор тагида ухлайди. Сен ҳақиқатда ҳам зўр паҳлавон бўлсанг, ана шу дев билан кураш тушасан. Кучингга ишон- масанг, яхшиси келган йўлингга қайтганинг маъқул.

— Мен ўлсам ўламанки, аммо аҳдимдан қайтмайман,— дебди-да, паҳлавон девнинг келишини кутиб турибди.

Орадан сал вақт ўтар-ўтмаёқ, «бирам оч қолдим-ей», дея баҳайбат бир дев пайдо бўлибди. У шошилганича қозондаги ошни туширибди. Ҳовуз сувини бир шимириб куритибди. Аммо ҳамон «тўймадим», дермиш.

— Бир паҳлавон келган,— дебди пари,— у сиз билан кураш туш- мөкчи. Агар енгсангиз, еб тўясиз, енгилсангиз бошингиз танангиздан жудо бўлади.

— Бўпти, чақир ўша паҳлавонни,— рози бўлибди дев.

Пари Гўрзодни кўрсатибди. Дев қах-қах уриб кулиб юборибди.

— Нега куляпсиз?— сўрабди пари.

— Нега кулмайин ахир. Оғзидан она сути анқиб, баданидан бешик хиди келиб турган бир болакайни «паҳлавон» деб менга рўпара қилиб ўтирибсан,— жавоб берибди дев.

— Эй девжўра,— дебди Гўрзод,— мен ҳам она сутини эмган, сен ҳам, мард кишининг ўрни майдондир.

Шундан сўнг ҳар икковлари майдонга тушиб уч кечаю уч кундуз кураш тушишибди. Гўрзод бир зўр бериб, девнинг белидан қаттиқ сиқ-

қан экан, бурунларидан қон отилиб чиқибди. Аммо дев ҳам бақувват бўлгани учун енгилмабди. Ҳарифларнинг тинка-мадори куриб борибди. Буни кўрган пари уларни дам олишга таклиф этибди. Нафас ростлаш пайтида дев яна бир ҳовуз сувини шимириб, ланж ва оғир бўлиб қо- либди. Буни сезган Гўрзод майдонга тушиши биланоқ девни даст кўтариб ерга уриб, калласини олибди. Шундан сўнг пари қолган дев- ларни чақириб дебди:

— Одамлар юртидан келган бир паҳлавон подшоларингни ўлдирди. Унинг сизларга бир топшириги бор. Шуни бажарсаларинг омон қола- сизлар, йўқса барчангни нариги дунёга жўнатади.

— Қандай иш бўлса ҳам бажарамиз,— дейишибди девлар.

— Мана шу кирккулоқ қозонни кўтариб, айтган жойига элтиб бе-расизлар,— дебди пари.

Гўрзод қозоннинг ичига кириб ўтирибди. Қирқ дев қозоннинг қирқ кулоғидан ушлаб осмони фалакка кўтаришибди ва кўз юмиб очгунча илонлар шоҳининг қизи хузурига элтиб қўйишибди.

Қиз қозонни олгач, кўлидаги узукни Гўрзодга берибди ва бояги қа- нотли илонни чорлаб, паҳлавонни ўз ватанига элтиб қўйишини бую- рибди.

Илон ўқдай учиб, бир сонияда Гўрзоднинг юртига келиб тушибди. Филдек келадиган қанотли илонга кўзи тушган ҳалқ тумтарақай қочиб, уй-уйларига бекинишибди. Гўрзод илонга ижозат бергач, ҳалқ хотир- жам бўлибди, ўзи эса қабр томон — онаси хузурига жўнабди.

— Онажон, хой онажон? Тирикмисиз?— сўрабди йигит.

— Ҳа, болагинам, тирикман, аммо тирик мурдаман. Нега дом-да- раксиз ўйқолиб кетдинг, мендан ҳабар олмай қўйдинг,— зорланибди онаси. Паҳлавон йигит бошидан ўтган воқеаларни онасига бирма-бир ҳикоя қилиб берибди.

— Бу бадбахт золим шоҳнинг шаштини қайтариб яхши иш қилиб- сан, ўғлим,— дебди онаси,— аммо хушёр бўлгин, ўша гўзал вазирнинг қизи, отаси унинг маслаҳати билан ишлади. Улар сени ўлдирмоқчи. Қиз подшо ва вазир билан тил бириктирган бўлиши мумкин.

Гўрзоднинг қайтиб келганини эшитган вазир қалтираб, ранги рўйи ўчиб, қизининг олдига кирибди.

— Биз энди адои тамом бўлдик, ҳолимиз ҳароб бўлди. Подшо бизни омон қолдирмайди,— дебди вазир.

— Парво қылманг, отажон,— дебди қиз.— Гўрзод баҳодир, у кучи билан енгса, мен ҳусним билан мот қиласман, қани кўрамиз, ким ютар- кин.— Қиз ўзини қасалликка солиб, нола чекиб ётибди. Қирқ қанизак атрофида йиглаб, гиргиттон бўлишар, фарёд чекишаркан. Қизнинг хо- насига кириб келган Гўрзоднинг хуши бошидан учибди.

— Оҳ, баҳодир йигит,— нола чекибди қиз,— вакт қўлдан кетди, бир кун олдинроқ келганингда ўлим чангалидан кутқараардинг, энди илонлар шохи қизининг узуги ҳам фойда бермайди.

— Эй нозанин қиз, қандай қилиб сени ўлимдан қутқарай? Мен гулдек юзингнинг бемахал ҳазон бўлишини истамайман,— изтироб билан сўрабди йигит.

— Буни энди иложи йўқ, баҳодир йигит,— дебди қиз маккорона бир оҳангда,— яқинрок келгин, ўлимим олдидан дийдорингга тўйиб олайн.— Гўрзод қизга яқин келиб, унинг оғир аҳволига ачинибди, йиглагиси келибди.

— Табибларнинг айтишича, маликанинг дардига биргина даво бор экан,

холос,— дебди канизаклардан бири,— у шер терисига солинган шер сутини ичиши лозим эмиш.

Бу гапни эшитган баходир ҳеч кимга қарамай, бирровга индамай түгри шерлар маконига жүнабди. У йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Неча манзилу йўлларни босиб ўтиб, Алконтак дарёси лабига етибди. Мана шу ерлардаги ўрмонзор шерлар яшайдиган жой экан. Чангалзорга кирган баходир улкан бир дарахтга оёклари ёпишиб қо- либ бақираётган бир шерга кўзи тушибди.

— Эй шер, сенга нима бўлди, бунча ўкирасан?— сўрабди йигит.

— Эй йўловчи, менинг дардимни сўрама, бу дарднинг дастидан на кечаси тинчман ва на кундузи,— дебди она шер.— Бундан бир неча йиллар муқаддам оёғимга бир тиканак кирганди. Уни тортиб олишнинг иложи бўлмай қолиб кетувди. Ана шу тикан аста-секин кўкариб, улкан бир дарахтга айландию мени ийқитди.

— Мен бу дарахтни оёғингдан тортиб оламан, аммо унинг эвазига бир илтимосим бор, бажарасанми?— сўрабди Гўрзод.

— Жоним билан. Бир эмас, юз илтимосинг бўлса ҳам бажара- ман,— дебди шер хурсандлик билан.

Гўрзод дарахтнинг танаси ва шоҳ-шаббаларини кесиб ташлабди.. Сўнgra шерни ётқизиб илдизларни эҳтиёткорлик билан суғуриб олиб-ди. Шер бир наъра тортган экан, тогу тошлар ларзага келибди. Унинг овозини эшитиб етти ўғли ҳам етиб келибди.

Ўша вактларда ҳамма ҳайвонлар ўз тилида сўзлашаркан. Шернинг катта ўғли онасидан сўрабди:

— Онажон, сенга қандай алам етдики, бунчалик қаттиқ бақирдинг?

— Болаларим, менинг гапимни иккита қиласанглар, айтаман,— дебди она шер. Ўғиллари онт ичишибди.

— Азиз болаларим, инсон зотидан бирор менга яхшилик қилди, унинг хоҳишини бажаринглар¹

— Айтинг, онажон, қандай иши бўлса, бажону дил бажарамиз,— дейишибди шернинг болалари.

— Бу кишига шер терисига солинган шер сутини лозим экан,— уқ-тирибди она шер.

Улар ёмон газанда шерлардан бирини ўлдиришибди. Терисини ши- либ, саноч¹ ясашибди. Оналарини соғиб саночни сутга тўлдиришибди. Шундан сўнг Гўрзодни кўтариб ватанига келтириб қўишибди.

Гўрзоднинг етти шербачча билан шер сутини шер терисига солиб келтиргани хабари тез фурсатда оламга ёйилибди. Бу хабарни эшитган подшо ва вазир: «Гўрзодни ўлдириб бўлмас экан, энди у бизларни нест-нобуд килади», деб мамлакатни ташлаб, тўрт томонга қочиб ке^итишибди. Гўрзод бўлса, онасини гўрдан олиб чиқиб, эъзозлаб юрибди.

¹ Кийик, айик ва новвос терисидан тикилган, қимиз ташийдиган халта — қопчик.

Бутун халқ йиғилиб унинг бобоси кекса овчини подшо қилиб күтари- шибди. Юрт тинч, халқ фаровон яшай бошлабди.

ГАВҲАРЧА

Бир бой билан бир камбағал бўлган экан. Улар ён қўшни экан. Бойнинг ҳовлиси катта, иморатлари ҳашаматлию сон-саноқсиз мол- дунёси, подаю суруви бор экан. У учта гўзал қизни хотинликка олган бўлиб, кўплаб етиму хизматкорлар кеча-кундуз оёқда туриб ишла- шаркан.

Камбағалнинг бўлса, кўримсизгина бир ҳовлиси, гарибона бир кул- басио тўрттагина рўзгор лаш-лушларидан бўлак ҳеч вақоси йўқ экан. У мардикорлик килиб топган-тутгани эвазига тириклик ўтказар экан.

Кунлардан бир кун мардикорчиликдан қайтган камбағал хотини пиширган шўрвани энди олдига қўйган экан ҳамки, кўча эшиги тақил- лаб бойнинг хизматкори кириб келибди.

— Сени хўжайнинг чакирияти, «тезда бориб олиб кел», деб юбор- ди,— дебди хизматкор салом-аликдан сўнг.

— Хўжайнингнинг менда нима иши бор экан?— сўрабди кам- бағал.

— Билмадим, бирон-бир зарур иши борга ўхшайди. Камбағал истар-истамас бойнинг олдига борибди.

Бой ҳовли ўртасидаги шоҳсупада шойи кўрпачада чой ичиб ўтирган экан. Ёш бир хизматкор унинг устундек йўғон сержун оёқларини ука- лар экан.

— Кел, қўшни, биз томонларга ўтмайсан, битта-яримта нарса ло- зим бўлиб қолганда сўраб олмайсан ҳам,— дебди бой.

— Ҳар ким ўзидан тинсин, домла,— дебди камбағал.

— Сен жуда мағрур одамсан-да, қани бўёққа ўтиб ўтири-чи,— деб- ди бой.

Камбағал супа лабига ўтириби.

— Мен сендан бир нарсани сўрамоқчимац,— гап бошлабди бой.— Сенга маълумки, менинг ҳеч нарсадан камчилигим йўқ, хонадонимда парранданинг сутидан бўлак ҳамма нарса муҳайё. Шунга қарамай, уйимда бирон кун ҳам тинчлик йўқ. Кўпинча мана бу хизматкорлар ғазабимни келтиради, ҳақоратлайман, баъзан тутиб олиб ураман ҳам. Бу беадаб хотинларнинг жанжали эса ҳечам тугамайди. Унинг устига келди-кеттининг чеки йўқ, доим серташвиш, серғалва. Мени бир нарса ҳайратга солади. Сен қашшоқсан, биздаги нарсаларнинг мингдан бири ҳам сенда йўқ. Шунга қарамай тинч яшайсизлар, бирон марта ортиқча овоз ёки ғалва-ғишава чиққанини эшифтмаганман. Гўё сизларда ҳеч ғам-ҳасрат йўқдай. Ҳатто, баъзан хотининг ва сенинг қаҳқаҳаларинг қулоғ[^]имгагчалинади. Бунинг сабаби нимада?

Менинг хонадонимдай жанжал чиқадиган ҳеч гап бўлмайди,— дебди камбағал.— Кўлимдан келган ҳамма ишни қиласман. Буни бил- ган хотиним мени ҳамиша эъзозлашга интилади. Хотиним доимо ти-



рикчилик ишлари билан банд. Шунинг учун ҳам мен унинг хафа бўли-шига йўл кўймасликка интиlamан. Бундан ташқари бизда яккаю ягона гавҳарчамиз бор, кўлимиз бўшади дегунча ўртага олиб ўйнатамиз.

Бой камбағалга рухсат бериди-ю, ўйга толибди: «Агар битта гав- ҳар шу даражада хурсандлик баҳш этса, мен учта гавҳар сочиб олиб, уч хотинимга бераману улар билан ўйнаб юраман»,— ўз-ўзича хулоса чиқарибди бой.

Эртаси куни бой бозорга бориб учта қимматбаҳо гавҳар сотиб олибди-да, уччала хотинига биттадан бериб дебди:

— Келинглар, давра қуриб ўлтириинглар, гавҳар ўйини киламиз,— дебди бой.

Бойниг катта хотини аввал кўлидаги гавҳарга караб, сўнг кундошлариникига назар солибди. Хаёлида уларниг гавҳарлари каттароқ ва чиройлироқ туюлибди. Бошқа хотинларниг кўзича ҳам ўзгасиники каттароқ кўринибди. Орада уриш-жанжал кўтарилиб, улар жиққамушт бўлиб кетишибди.

Газабланган бой хотинларини калтаклаб ҳайдаб юборибди ва кам- бағал кўшнисиникига кирибди. Кирибдиу камбағалниг хотини билан бир-бир яrim яшар боланинг сарак-сарак талпиниши, турли хил ҳара- катларидан завқланиб кулаётгандарига назари тушибди.

— Мен учта гавҳар сотиб олувдим, аммо улар хурсандлик эмас, бадбахтлик келтириди, хотинларим ўртасида катта можаро чиқишига сабаб бўлди. Бу сизлардаги гавҳарниг қиммати ва ҳикмати нимада?— сўрабди бой.

— Э-э, кўшнижон, биз айтган гавҳар сиз ўйлаганча бежону бема- жол эмас, у мана бу кўз қорачигимиз, жону дилимиз ўғилчамиз хисоб-ланади. Ахир айтинг-чи, бирон-бир гавҳар фарзанддан яхшироқ ва қимматроқ бўла оладими,— дебди камбағал.

Бой нима деярини билмай бошини эгганича чиқиб кетибди.

ПОДШО ВА ТЕМИРЧИНИНГ ҚИЗИ

Бор экан-да, йўқ экан, қадим замонда бир подшоҳ бўлган экан. У шахар ва қишлоқлардан донишманлар ва зукко кексаларни тўплаб, ҳар тонгда уларни хузурига даъват этаркану турли масалалар бўйича савол бериб, жавобини эшитаркан. Кунлардан бир кун подшо тонг са- ҳарлаб боф сайр этиб юарarkan ногоҳ жанжаллашаётган икки чумчуқка назари тушибди. Улар дарахт устида уяларида бир-бирига ҳамла қи- лишаркан. Бирдан ерга тушишибдию яна олиша кетибди. Подшо бўлса, уларниг тепасига келиб, ер тепиниб хуркитмоқчи бўлибди, ам- мо жанг билан банд бўлган чумчуқлар бунга эътибор ҳам қилишмабди. Ўша^куни подшоҳ бу воқеани донишманларга нақл этибди ва сўрабди:

— Чумчуқлар нега уришишарди? Улар бир-бирига нима демоқда эд^{и?} .^,
..... ,■.<>> 'c,

Аммо уламою фузалолар бу саволга жавоб беролмабдилар ва уч кунга муҳлат сўраб тарқалибдилар.

Уларнинг йўлида бир темирчининг устахонаси бўларкан. Унинг яккаю ягона қизи ҳар куни келиб отасига ёрдам бераркан. Қиз қараса, донишманд ва кекса оқил мўйсафидлар подшоҳ олдидан бошлари ҳам, ғамгин ҳолда қайтаётганмиш. Қиз дўйондан чиқиб, отасининг ошинаси бўлмиш бир мўйсафиддан сўрабди:

— Сизлар ҳар куни подшоҳ хузуридан шоду хуррам қайтардинг- лар, бугун бўлса ғамгин кўринасизлар?

— Эй қизим,— оҳ тортибида қария,— бу гапнинг тагини ковлаб нима килардинг.

Қиз донишманднинг ҳол-жонига қўймай бўлган воқеани сўрабди. Донишманд дардли бир оҳ тортибио шундай дебди:

— Бугун подшо бизга шундай бир савол бердики, унга жавоб то- пиш мушкул. У икки чумчукнинг жангини кўриди. «Улар нега ури- шишиади?» деб сўрайди. Бунинг сабабини худодан ўзга ким билади. Биз у чумчукларни кўрмаган, жанжалини эшитмаган бўлсак, бу можаро- нинг сабабини каердан билайлик? Подшо уч кун муҳлат берди, агар мана шу уч кунда саволларига жавоб топиб бермасак, ҳаммамизнинг бошимизни танимиздан жудо қиласди. Афтидан умримиз тугаганга ўхшайди.

— Жавоб тополмасанглар, мен жавобини сизларга айтиб бера- ман,— дебди қиз.

— Сен беадаб қиз бизнинг устимиздан куляпсанми?— дебди-да, қария ўз йўлига кетибди.

Мўйсафидлар ва донишмандлар уч кеча-кундуз савол-жавоб қилиб баҳсласибдилар, аммо подшо саволига жавоб тополмабдилар. Ноилож қолган қариялар, «карнайчидан бир пуф», деганларидек дўстларини темирчининг қизи хузурига юборибдилар.

— Подшонинг олдига бориб сўранглар-чи, отадан сўнг унинг мул- ки ўғлига қоладими ёки бошқа бирор унга меросхўр бўладими?— уқ- дирибди.

Донишмандлар, подшо хузурига бориб қизнинг саволига ёзма жа- воб келтирибдилар. Хатда «Отанинг мулки — ўғилнинг ҳаки» деган жумла битилганмиш.

Қиз хатни ўқиб бўлгач, уни яшириб қўйибди-да, жавоб берибди.

— Ўша икки чумчук уй талашиб жанжаллашарди. Бири иккинчи- сининг отасидан мерос қолган уясини зўрлик билан тортиб олмокчи бўлаётганди.

Оқил мўйсафидлар ва донишмандлар подшоҳ олдига келиб, қиз айтган жавобни тақрорлабдилар.

— Бу ўзларингизнинг жавобингиз эмас,— дебди подшо,— агар сизлар бу жумбоқни билганларингда, ўша куниёқ айтардингизлар. Ростини айтинглар, жавобни ким топди. Ростини айтсангизлар омон қоласизлар, бўлмаса ҳаммангизни асфаласофилинга юбораман. До- нишмандлар ва тадбиркор кексалар гапнинг ростини айтишга мажбур бўлибдилар.

Подшо темирчининг қизини хузурига келтиришни буюрибди. Нав- карлар зудлик билан бориб қизни келтиришибди.

— Сен доно бўлсанг айт-чи, чумчуқларнинг нима сабабдан олиша- ётганини каердан билдинг? — сўрабди подшо киздан.

— Сизнинг юртингизда,— дебди-қиз,— бева-бечораларнинг мол- мулкини зўрлик билан тортиб оладилар, ўзларини қийнайдилар, кун бермайдилар. Бунга хеч ким индамайди. Менинг отамга бобомдан бир боғ мерос қолган эди. Бой қўшнимиз отамга тухмат қилиб боғни тор- тиб олди. Отам вазирга арз килди, козихонага чопди, хеч ким гапига қулоқ солмади, ҳамма ўша давлатманднинг тарафини олди. Сиз ха- тингизда. «Отам мулки — ўғил хаққи» деб ёзисиз. Бу гапингиз хақ гап. Аммо сизларнинг гапингиз қофозда колиб кетаверадио одамла- рингиз ўз билгандарини қиласверадилар.

Подшо шу вақтгача бунчалик аччик ва ҳақ гапни эшитмаган экан. Унинг газабай қайнабди.

— Жонинг ширин бўлса,— ўшқирибди подшо,— аввал менинг са- волимга жавоб бер.

— Сиз икки чумчуқнинг уяда олишаётганини кўрдингиз,— дебди қиз,— бири бу уй менинг отамдан мерос қолган деса, иккинчиси мен кучлиман деб муштумзўрлик билан уни тортиб олмоқчи, қўлингдан келганини қил, деяётганди. Буни тушуниш учун ортиқча ақл-фаросат шарт эмас.

Подшонинг нафаси ичига тушиб, қизга жавоб берибди. У вазирла- рини йиғиб, мурожаат этибди:

— Бу ҳаёсиз қиз ҳаммамизни боплаб кетди. Уни нима қилсак бўларкин?!

— Унга уйланинг. Хотинингиз бўлгач, сизнинг кулингизга айланади, нима жазо берсангиз, ғинг деяолмайди,— маслаҳат берибди ўнг кўл вазир.

— Бунинг жазоси шуки,— гапга қўшилибди чап қўл вазир,— маликапошони никоҳингизга олиб, темирчининг қизини унга канизак ки- либ берасиз.

• Маликапошо оламнинг ягонасию ақлнинг дурдонаси экан. Не-не йигитлар унинг кўйида шайдо юраркан. У ўзига совчи кўйган йигит- ларга бир неча шартлар кўйган экан. Жумладан у, менинг саволла- римга жавоб берган ва шартларимни бажарган йигитнинг қаллиғи бўламан, бунинг уддасидан чикмаганлар менга қул бўлади, деган овоза тарқатган экач. Ман-ман деган йигитлар ҳам маликанинг саволларига жавоб тополмай, шартларини бажаролмай, қул бўлган экан. Аммо улар маликапошога хизматкор бўлишни ҳам ўзларига фаҳр деб юраркан- лар. Вазирларнинг маслаҳати шохнинг қалбига оташ солибди. У те- мирчининг'уйига совчи юбориб, зўрлик билан бўлса ҳам тўй қилиб, қизга уйланибди.

* — Қанчалик доно бўлсанг ҳам' сен бир темирчининг қизисан,— дебди шоҳ қизгё.— Мен подшоҳман' сен менга лрайқ эмассан. Сенга уйланишимдан мақсад маликапошойи никоҳимга оЛиб, сени унинг қўлига сув қуйиб бериб юрувчи хизматкор қилиб кўйиш эди.

^-^Бў^хомхаёлни .миянгиздан чиқариб юборинг,— дебди қиз.—
Маликапошони қўлга киритяцбон бўйтими. Минглаб сизга ўхшаган- ч лар маликанинг даргоҳида қул бўлиб юрибди.

1 '

■ ■ ■

”

— Мен ҳали сенга кўрсатиб қўяман,— дебди ғазаб билан шоҳ ва донишмандларни олиб, маликапошо юртига қараб йўл олибди. Малика мамлакатига етиб келибди ва қизнинг саволларини эшитибди. Олиму фозиллар билан маслаҳатлашса ҳам саволларга жавоб беришга ожиз-лик килибди. Уни ҳам куллар каторида жувоз ҳайдашга кўшишибди.

Икки-уч кундаёқ подшо адои тамом бўлибди. У вазирларига: «Эй вазирларим, ўтирган бўлсангиз туринг, турган бўлсангиз тез йўлга ту-шинг, мен — сизларнинг шоҳингиз кулликка гирифтор бўлиб, гарда-нимга ҳалқа солинган, эртадан кечтacha жувоз тортаман», деган маз-мунда мактуб ёзибди. Мактуб темирчининг қизига тегибди. Қиз хатни ўқигач, эркакчасига кийиниб, қилич ва қалқон билан қуролланиб, отга минибию йўлга тушибди.

Бир неча кун йўл юриб, маликапошо мамлакатига кириб борибди. Қидириб-қидириб малика дарвазасини топибди. У эшикни тақиллатган экан дарвазабонлар чиқишибди.

— Сизга ким керак эди, йигитча? — сўрашибди улар.

— Мени маликанинг олдига олиб боринг, саволларига жавоб бе-риб, шартларини бажаришга келдим,— дебди отлиқ.

— Эй гўзал йигит,— дебди дарвазабон,— сендан ақллилар ҳам ке-либ саволига жавоб беролмай, қул бўлиб юришибди. Сен ўзингни азобга гирифтор этма. Нега энди қуллик ҳалқасини гарданингга осиш-ни истайсан?! Эркинлик — катта давлат. Эркингни ғанимат билу йўлингдан қолма.

— Майли, нима бўлса ҳам мени маликанинг ҳузурига олиб бо-ринг,— илтимос қилибди қиз.

— Биз сенга раҳм қилиб гапиргандик, қайсарлик қилдинг, бор, қуллик ҳалқасини кўтариб юравер,— дейишибди-да, маликанинг қа-роргоҳини кўрсатишибди.

Канизаклар темирчининг қизини ичкарига бошлаб бориб, малика-нинг рўпарасига ўтқазишибди.

— Одам нима билан тирик? — сўрабди Малика.

— Умид билан,— жавоб берибди қиз.

— Қарилик аломати нима?

— Қариликнинг аломати умидсизлик.

— Яхши ният нимаю ёмон ният нима?

— Барча ҳалқанинг ғамини еган ният яхши, бир кишини ўйлаб, кўпчиликка зарар етказадиган ният ёмон ниятдир.

— Ёмон ниятли киши нимасидан билинади?

— Кишининг кўзи, гапи, хатти-харакати унинг қандай ниятда эканлигидан дарак бериб туради.

Маликанинг яна шу хилдаги бир неча саволига қиз пухта жавоб берибди.

— Доно йигит экансан, ҳамма саволларга тўла жавоб бердинг,— дебди малика,— энди шартимни эшит. Отамнинг бир узуги бўлган экан. Ана шу узук туфайли унга учта девкампир бўйсунаркан. Отам-нинг вафотидан сўнг девкампирлар ўша узукни ўғирлаб кетиб, бизга итоат қилмай қўйибди. Ўша узукни топиб келиб, девларни яна менга итоат қилдирасан.

Темирчининг кизи қирқ кун мұхлат сүраб маликапошо қасридан чиқиб кетибди. У биркам қирқ кун дашту, саҳрою, тогу тошларни ке- зибди, дарёу қўлларни кечиб ўтибди, аммо девлардан ному нишон то- па олмабди. «Бориб маликапошонинг қули бўлгандан шу тогу саҳро- ларда ўлиб кетганим маъкул» деб ўйлаган киз отининг эгар-жабдугини олиб, бир чинор тагида бошига қўйибди-да, ухлабди. Бир неча муддат-дан сўнг қиз уйқудан турибди. Қараса, ёнида бир килич ва бир хат пайдо бўлиб колибди. Хатни олиб ўқиса, «эй темирчининг кизи, бу қи- лич сенга мададкор пирларнинг киличи, у мушкулингни осон қиласди. Килични олгин-да, рўпарангдаги Қора төғ орқасига ўтгин», деган сўзлар битилган экан.

Киз килични ўпибди, кўзларига суртибди, белига такиб Қора төғ орқасига ўтибди. Тог этагида бир оқ ҷодир қурилган, унинг ичида эса оқ девкампир ўтирган экан.

— Ассалому алайкум,— дебди қиз ҷодирга кирадар экан.

— Ваалайкум ассалом, эй менинг лукмаи ҳалолим, бугунги ризқу рўзим, саломинг бўлмаганда икки ямлаб бир ютардим, салом берга- нинг учун кечроқ ейман,— дебди кампир.

Киз қилични чиқариб кампирга кўрсатаркан:— Буни танидинг- ми?— дея сўрабди.

— Жоним садақа бўлсин уларга, ахир бу мададкор пирларнинг қиличлари-ку!

— Бир неча кундирки, Самарқандда жала қўйгани қўйган. Ҳамма тарновлар ҳароб бўлди. Мададкор пирлар, бориб ўша кампирни ўлди- риб, терисидан тасма келтир, ҳалқ нобуд бўлган тарновлари ўрнига тарнов ясад олишсин деб юбордилар.

— Сағирларим қақшаб оғриб ётибди, менга раҳм килгин, ўғлим,— дебди кампир.

— Агар маликапошо отасидан қолган узукни топиб берсанг жо- нинг омон қолади,— дебди темирчининг кизи.

— Юқорироқ қўтарилисанг қизил ҷодир бор. Унда менинг опам яшайди, узукни ўша билади,— жавоб бериди девкампир.

Киз тепароққа қўтарилиб қизил чайлани қўрибди. Ичкарида қизил девкампир соч тараб ўтирган экан.

— Ассалому алайкум,— дебди қиз ичкарига киаркан.

— Ваалайкум ассалом, агар саломинг бўлмаганда бир чайнаб ютиб юборардим,— дебди девкампир.

Киз қиличини кўрсатибди.

— Садагалари кетай, бу мададкор пирларнинг қиличи-ку, менинг жонимни омон колдир,— ялинибди девкампир.

— Менга маликапошо отаси узугининг қаердалигини айт, бўлмаса орқангдан бир тасма шилиб оламан,— таъкидлабди қиз.

— Узукнинг ўрнини опам билади, унинг чайласи юқорироқда,— дебди девкампир.

Киз яна юқорироққа қўтарилиб, қора чайлага дуч келибди. Чайла ўртасида қора девкампир чортарафни тутунга тўлдириб овқат пиши- раётган экан.

— Ассалому алайкум,— дея чайлага кирибди қиз.

— Ваалайкум ассалом, менинг луқмаи ҳалолим, бугунги насибам ўз оёғи билан кириб келди,— хурсанд бўлиби девкампир.

— Ҳа, сенинг жонингни олгани ўз оёғим билан кириб келдим. Ма-ликапошонинг узугини топиб бермасант мана шу қилич билан теринг- ни шилиб оламан,— пўписа қилибди киз.

Киличга кўзи тушган девкампирнинг қути учиди.

— Эй мададкор пирлар шамширининг сохиби, сен менга гоятда мушкул ишни буюординг. Биз узукни бирон киши топиб олиб, яна кул- ликка гирифтор қилмасин деб, етти чакирим чукурликка кўмиб юбор- гандик,— дебди девкампир.

— Тезроқ бўл. Менинг вақтим тигиз!—дўқ урибди киз.

Дев бир наъра тортган экан тоғу тошлардан — чор тарафдан: «Ни- ма бўлди?», «Нима бўлди?» деб қирқ девзода етиб келибди.

— Маликапошони отасининг узугини казиб чиқаринглар, ўғилла- рим,— буюрибди девкампир.

Кирқ дев бирпастда панжалари билан ерни кавлаб узукни топиб чи- қишибди. Қора девкампир узукни қизга бераркан, шундай дебди:

— Биз озод эдик, қайта бошдан кул бўлдик. Яна қандай фармо- нинг бор.

— Мени маликапошо олдига элтгин.

Кора девкампир қизни қўтариб бир сонияда малика хузурига кел-тириб қўйибди. Қиз узукни маликапошо қўлига берибди.

Маликапошо катта тўй берибди, очларни тўйдирибди, юпунларни кийдирибди, Темирчининг қизига қаллиғ бўлибди.

— Ҳаммадан олдин менга мол-мулкингни қўрсат,— дебди янги «куёв».

Малика бутун давлатини қўрсата бошлади. Бир жойга етганда ер- тўладан жувоз овози эшитилибди. Темирчининг қизи пастга тушиб қа-раса, подшо бўйнига қуллик ҳалқасини солиб олган ҳолда жувоз кун- даси атрофида айланар, секинроқ юрганда жувозкаш орқасига қамчин билан солиб коларкан.

— От қуриб қолганниди, бу бечора одамни жувозга бойлабсиз- лар,— деб пўписа қилибдио подшони отбокар қилиб қўйишини бую- рибди. Шундан сўнг «куёв» маликапошони ўз шахрига олиб кетадиган бўлибди. Иккита от тайёрлашибди. «Куёв» маликапошога қараб:

— Ўша отбокарни бирга оламиз, йўлда уловларни парваришлаб боради,— дебди.

Уччовлари йўлга тушишибди. Ярим йўлни босиб ўтгач, бир булоқ бошида овқатланишибди. Шундан сўнг маликапошонинг «эри» шоҳни олдига чорлаб дебди:

— Мана шу от ва маликапошони сенга бердим.

— Ҳазиллашманг, шаҳзода, садағангиз кетай, отингиз ҳам, хоти- нингиз ҳам ўзингизга буюрсин,— дебди отбоқар.

— Менинг гапимни иккита қилар экансан, ҳозир бошингни ола- ман,— дебди Темирчининг қизи ғазаб билан;

— Майли, майли, жоним сизга курбон бўлсин, ўзимнинг аслӣ ния- тим ҳам шу эди,— дебди-да, бу таклифни бажону дил қабул қилибди.

Қиз бошқа отга минибилю йўлни чап олиб, улардан олдин келиб уйига кирибди ва ўз кийимларини кийиб, хеч нарсани билмагандай ўтирибди.

Шу пайт подшо маликани келтирибди, деган хабар етиб келибди. Вазиру вузаролар, саркардаю ясовуллар, донишманду ақлли кекса- лар пешвоз чиқиб бир тош йўлга пояндоз солиб, подшоҳни тантанаю дабдаба билан ўз қасрига олиб кирибдилар.

Шоҳ темирчининг кизини чакириб буюрибди:

— Мен маликапошони олиб келдим, ўз кўзинг билан кўру хизма- тини жойига кўйиб бажар, бўлмаса, буюраман калтаклаб ўлдириб юборишиади.

Қиз уйга кирибдию эркакча либос кийибди, бошига қозоқча телпак кўндириб, оёғига булфорча этик кийибди. Олтин камарини белига маҳ- кам боғлабди, қилич ва наизаларни осиб, кўлида қамчи ўйнатган ҳолда келибди.

— Эй нодон абллаҳ подшоҳ, сени жувозхонадан кутқариб, малика- пошони олиб берган шу темирчининг қизи эмасмиди,— дея таъна тошларини ёғдирибди.

Бу воқеадан огоҳ бўлган малика подшо олдига келиб:

— Шундай гўзал ва жасур, доно хотин қадрига етмай, бошқа хо- тинларнинг орқасидан юрган подшога, бундай одамга минг лаънатлар бўлсин,— дебди.

ПОК АЁЛ

Бир бор экан, бир йўқ экан, жуда ҳалол бир одам бўлган экан. У йигитнинг соҳибжамол, анча оқилу зийрак хотини бўлиб, жуда ахил яшаркан.

Эр савдогарлик қиласи экан. Бир пайт Хитой мамлакатига савдо- гарликка бормоқчи бўлибди. Унинг қариндош-уругларидан фақат бит- та укаси бор экан, нозанин хотинини ўшангага топшириб дебди:

— Мен Хитой мулкига бораман, хотинимни сенга, сени худога топшираман. Мен келгунча, отамнинг фарзанди сифатида унга қараб турасан.

Савдогар чиқиб кетибди.

Бир куни йигит ичкари ҳовлига қараса, акасининг хотини тандир "олдидага бош ювуб ўтирган экан. Кўзи аёлга тушибидиу юраги жизиллаб кетибди, ишқ тифини ебди. Кейин аёлни олдига чакириб дебди:

— Айланиб кетай, мен сенга ошиқ бўлиб қолдим, бир илож қил. Хотин ҳайрон бўлибдию гап бошлабди:

— Сен шу гапни айтгани худонинг ғазабидан қўрқмайсанми? Ха- лойиқдан қўрқмайсанми, менга оғиз очасан?

Йигит дебди:

Эй соҳибжамол, дам ғанимат, кел, мен билан бирга бўл.

Хотии дебди:

— Ахир аканг келса, нима дейсан?

74

Ўртада ана шундай талаш бўлибдию йигит зорланибди, аёл ҳеч ро[^] зи бўлмабди. Шунда йигит ғазабланиб дебди:

— Агар гапимга кирмасанг, сени қаттиқ тухматга гирифтор қила- ман, кейин мендан ўпкалама!

Аёл тақдирга тан бериб дебди:

— Қўлингдан нима келса, қилавер, мен сендан қўрқмайман!

Йигит эрталаб туриб подшо ҳузурига бориб арз қилибди:

— Эй подшоҳи олам, менинг бир акам бор, акам савдогарликка кетдию хотинини менга омонат топшириб кетди. У аёл жуда ноинсоф фохиша экан, уйимизни оёқ ости

килди, ҳар кеча уйига бир неча киши келади. Мен жонимдан безор бўлдим, мени бу аёл дастидан кутқаринг.

Подшоҳ дебди:

— Бу гапингга иккита гувоҳ керак.

Йигит пул билан иккита ёлғон гувоҳни ёллабди. Подшоҳ хотин ва гувоҳларни келтириб сўрабди:

Гувоҳлар дейишибди:

— Шу йигитнинг гапи тўғри, ҳар кеча аҳвол шу, хотиннинг уйига одам келади.

Подшоҳ хотинни тошбўрон килишга буйруқ берибди. Подшонинг хукми билан бозор ўртасида хотинни тиззасигача ерга кўмибидилар.

Подшонинг жарчилари жар солибидилар: «Подшонинг амри вожиб, ҳар бир киши ана шу хотинга биттадан тош отиб ўтсан!» Бозор аҳли йифилиб ҳар бири аёлнинг бошига биттадан тош отаверибди. Хотин тошлар остига кўмилиб кетибди. Нихоят бозор тугаб, ҳалқ тарқалибди, аёл тош остида колиб кетибди.

Хўролар кичиригган пайтда бир ўйловчи бозор томондан ўтиб ке- таётган экан, тошлар остидан нола эшитилибди. Йўйловчи тошларни олиб, аёлни чиқарибди ва уйига олиб бориб хотинига дебди: «Худонинг мана шу бандасини савоб учун бок». Уй эгалари жафо кўрган аёлни парвариш қила бошлабидилар, дориу даво қилибидилар, бир неча вақт- дан кейин аёлнинг жароҳати тузалибди.

Уй эгасининг бир қули бор экан. Ана шу кул кунлардан бир кун со- хибжамол аёлни кўриб унга ошиқ бўлиб қолибди. Кул аёлга дебди:

— Мен сенга жону дилдан ошиқ бўлдим, дардимга малҳам бўл, кел, менга тег.

Аёл газабланиб дебди:

— Эй бешарм, нима, ақлингни едингми, бундай дейсан? Эримнинг укаси менга кўп дунё ваъда қилди, мен унга тегмадим, шунча тошбў- ронни кўрдиму сўзимдан қайтмадим, энди сенга тегайми?

Кул жуда кўп зори-тавалло қилибди, бўлмабди, дўқ уриб дебди:

— Мен сени қаттиқ тухматга дучор қиласман, кўрқмайсанми? кўрқмайсанми?

Хотин яна тақдирига тан бериб, дебди:

— Йўқ, кўрқмайман, нима бўлса пешонамдан кўрдим. ,шН

Ахир бўлмагандан кейин кул кечаси ичкари хонага кириб, ,У(й эга- сининг боласини бешиги олдига келибди. У боланинг бошири"р'иб,- савдогар йигитнинг хотини кўрпаси тагига олиб келиб кўйиоди. Ўй эгасининг яккаю ягона фарзанди экан. Бола ҳар кечаси туриб икки-уч марта онасини эмаркан, бу кеча эса уйғонмабди. Она сахарга яқин ту- 75

риб гугурт чақиб караса, бешик қонга беланган эмиш. Бечора она но- лаю фигон кўтариб, эрини уйғотибди. Улар икки киши бўлиб боланинг- бошини излабидилар, нихоят хотиннинг кўрпаси остидан топиби- лар.

Уй эгаси инсофли киши экан. У хотинга дебди:

— Эй қизим, сен бегуноҳ одамсан, юрагим гувоҳлик бериб туриб- ди, ягона фарзандимизни сен ўлдирмагансан. Лекин сен бизнинг уйимиздан чиқиб кет. Агар сен бу ерда бўлсанг хотиним ҳар гал сени кўрганда дард ўти алангаланиб, алами қайта янгиланади. Шунинг учун сенинг бу ердан кетишинг шарт.

Пешонаси шўр хотин эрракча кийиниб, отга миниб бу шаҳардан чиқиб кетибди. Аёл анча ўйл юриб бир чўлу биёбонга етибди. Бу чўлда киркта ўтги милтиқларини бир-бирига суюб кўйиб ўтиришган экан. Аёл чиройли бўлгланлиги учун ўғрилар унинг хотин киши эканлигини сези- шибдию йўлини тўсишибди.

Бир пайт ўғрилар ўртасида жанжал бошланибди. Улар бу нотаниш хотинни талашиб ўзаро жанг бошлабидилар. Аёл ўғриларнинг ахмок- лигини кўриб, хийла ишлатиб дебди:

— Эй биродарлар, сизлар кирқ киши, мен эса бир киши. Шариатда бир тан бир

тангараво. Сизларнинг ҳаммаларинг менинг талабгорим бўлганликларинг учун менинг битта шартим бор: ҳаммаларинг икки тош йўлга бориб, отда баравар пойга қўйинглар, ким шу ерга ҳаммадан олдин етиб келса, мен ўшанини бўламан.

Ўғрилар шартни бажариш учун от суришиб пойгага чопиб кетиб- дилар, аёл эса отини миниб бошқа томонга караб кетибди. Ўғрилар пойгадан кайтиб келишса, хеч кимнинг қораси кўринмас эмиш.

Покиза аёл кўп манзиларни босиб ўтиб, бир шаҳарга кириб бо- рибди. У бошига телпак кийиб, қаландарлар туслига кириб бир неча вақт шу шаҳарда овқатини топиб еб юрибди. Ниҳоят бекор юриш ях- ши эмаслигини тушуниб табиблик илмини ўрганиб, забардаст табиб бўлиб етишибди. Ўша шаҳарда ҳовли-жой сотиб олиб касалларни даволай бошлабди.

Савдогар эри Хитой сафаридан қайтиб ўз шаҳрига келибди. У уйга келганида укаси дебди:

— Эй ака, сенинг хотининг ёмон йўлга юрувчи экан, ҳар қуни ке- часи бир киши бошига келиб ҳовлимизни ёёқ ости қилди. Кейин под- шо одамлари ушлаб олиб тошбўрон қилдилар.

Савдогарнинг укаси шу гапни айтиши биланоқ пес бўлиб қолибди. Савдогар укасини табибга кўрсатмоқчи бўлибди. У фалон шаҳарда бир табиб бор экан, у ҳамма дардга даво топар экан деб эшитибди. Кейин савдогар укасини ана шу шаҳарга олиб бориб, хотин табиб уйига келиб тушибдилар.

Савдогар табибга арз қилибди:

— Менинг укам тўсатдан пес бўлиб қолди, уни сиздан бошқа ҳеч ким даволай олмас экан.

Хотин анча ўйланиб тургач, дебди:

оя— Ҳали сизларнинг навбатингиз келган эмас, ҳозирча нариги хо- нага ўтиб ўтиринглар, навбатларинг келса, ўзим чақираман.

Орадан бир неча кун ўтгач ўша гувохлар ҳам хотин табиб уйига кириб келибдилар. Иккаласи ҳам майиб экан, бирининг бир қўли, ик- кинчисининг иккала оёғи шол бўлиб қолган экан.

Хотин уларнинг икковини ҳам бошқа уйга киритиб қўйибди. Бир неча кундан кейин боланинг бошини кесган кул ҳам келиб қолибди. У дардга чалинган экан: бир куни эрталаб ўрнидан турибдию хомузга тортса, жаги ўрнидан чиқиб, оғзи қийшиқ бўлиб қолибди. Хотин қулга бошқа бир уйдан жой берибди. Кейин табиб хотин савдогарни укаси билан чақириб дебди:

— Энди сизларнинг навбатларинг келди. Мен сизнинг укангизни яхши даволайман. Лекин менинг бир одатим бор: касал дунёда нима гуноҳ қилган бўлса, аввал гуноҳига икрор бўлсин, кейин даволайман. Агар гуноҳини ўзи айтмаса, менинг дорую давом таъсир қилмайди.

Эрининг укаси анча ўй-андишалардан сўнг мажбур бўлиб савдогар олдида дебди:

— Мен бошқа гуноҳларимни билайман, лекин битта гуноҳимни биламан: акам хотинини омонат ташлаб кетган эди, мен хотинга ошиқ бўлдим, қанчалик уринмайин хотин бош эгмади, ниҳоят тухмат қилиб подшога арз қилиб, тошбўрон қилдирдим.

— Майли,— дебди аёл,— бориб ўша уйда ўтира туринг, кейин да- волайман.

Кейин хотин эри олдида икки шохидни олиб келиб, уларни ҳам гу- ноҳларига икрор қилдирибди. Шундан кейин кулни ҳам чақириб унинг ҳам гуноҳини бўйнига кўйибди.

Кейин аёл уларнинг ҳаммасини даволай бошлабди. Касаллар со- гайиб кетгач, ҳаммасини бир хонага тўплаб, эрини ҳам чақирибди. Уларнинг олдида пардасини юзидан кўтарибди. Ҳаммалари жойларида қотиб қолишибди.

Савдогар ўрнидан сакраб туриб укаси томонга тиг тортиби, хотин фарёд кўтарибди:

«Ҳай-ҳай, агар укангнинг бир тола сочини камайтирсанг, мен сенга хотин эмасман!» Ниҳоят у эрини жаҳлдан тушириб, ҳамма гуноҳкор- ларнинг гуноҳини кечишини сўрабди.

Кейин эру хотин ўз шаҳарларига бориб, тинч-тотув яшай бошлаб- дилар.

ОДАМ ВА ШЕР

Бир дехқон бўлиб, унинг бир мушуги бўлган экан. Бу мушук бориб- бориб ўғри бўлибдию бир куни эгасининг гўштини ўғирлабди. Дехқон кўрса, мушук гўшти бир томонга олиб бориб еяётган экан, уни тутиб олиб бир-икки шапати урибди.

Мушук аччиқланиб далага чиқиб кетибди. У шер олдига, ҳайвонлар подшоси хузурига келиб арз қилибди: ■^Г ииюнX

— Эй подшоҳи олам, ер юзи ҳайвонлари одамзод дастидан дод дейишиялти, одам бизнинг ҳаммамизни қул қилиб олиб иш буюради, ҳеч кун бермайди. Мен сенинг жинсингдан бўлсан, бу не гапки одам мени ураркан. Агар ўзинг унга жазо бериб бизнинг қасосимизни олма- санг, бошқа илож йўқ.

Шер дарғазаб бўлиб дебди:

— Ўша одам ким экан, менга кўрсатиб қўй, мен уни тилка-пора қилиб ташлайман.

Шер билан мушук одамни излашга тушибди. Улар келишаётган экан, олдиларидан битта фил чиқибди. Шер мушукдан сўрабди:

— Шуми одам?

— Йўқ, бу одамнинг хизматкори, одам буни ушлаб устига минади, ишлатади.

Шер:

— Одамнинг хизматкори шунчалик каттаю баҳайбат бўлса, одам- ник ўзи канака экан?— деб ўйлаб қолибди. Шер билан мушук у ердан ўтиб кетибди. Бир вақт улар

туяга дуч келибдилаар. Шер мушукдан сўрабди:

— Шу бўйни кийшиғу оёғи узун одамми?

— Йўқ, бу одамнинг хизматкори, одам унинг бурнини тешиб чўп тиқиб тортади, унга нарсалар юклаб, устига ўзи ҳам миниб роса ишла- тади. Шер индамабди.

Улар анча юришган экан, бир отга дуч келишибди. Шер яна сўрабди:

— Одаминг шуми?

Мушук дебди:

— Йўқ, одам бунга эгар-жабдуқ уриб, минади, сагрисига қамчи уриб ишлатади.

Шер билан мушук бу ердан ҳам ўтиб кетибдилаар. Олдиларидан бир хўкиз чикибди.

Шер сўрабди:

— Одаминг ана шу шохдорми?

Мушук дебди:

— Йўқ, одам буни хизматкор қилиб олган, гарданига омоч солиб ер ҳайдайди, деҳқончилик қиласди.

Улар яна илгарилаб кетаверишибди. Бир ерда эшаклар ўтлаб юрган экан.

— Одам ана шуларми?— сўрабди шер.

Мушук дебди:

— Э, буларнинг аҳволини сўрама, одам буларни ўлгудай ишлата- дию, аммо парвариш қилмайди.

Улар бу ердан ҳам ўтиб кетаётган эканлар, узоқдан бир ўтинчи чолни кўриб қолишибди. Чол белига бир арқонни боғлаб, қўлига бол- тани олиб келаётган экан.

Мушук уни кўрсатиб дебди:

— Ана ўша золим келаёттир.

Шер кўрса, одам қари, нимжонгина экан, назарига илмабди. (У..н^ъра тортиб бобо томонга чопибди. Бобо йўлида тўхтаб шерга

ним. . ';;кОи ЗНПЧ

— Эй шер, сен мени тилка-пора қилмокчимисан? Сен ҳамма жо- ниворларнинг подшоси ва кувватли паҳлавони бўлсанг, ана шу арчани қулата оласанми? Мен ўзим йикита оламан. Танасига арқон боғлай- ман, тагига болта ураман, йикилади. Сен-чи? Сен уни йикита ола- санми?

Шер ўйламай-нетмай дебди:

— Албатта кучим етади, бир панжа уриб, кулатиб юбораман. Одам дебди:

— Бўйлмаса буёққа кел, мен сени арчага боғлайман, қани кўрай-чи, қандай йикита оларкансан?

Шер рози бўлибди. Ҳалиги одам шерни бўйнидан белигача дарахт- га боғлабди, кейин дебди:

— Қани энди кучаниб кўр-чи.

Шер қанчалик уринмасин дарахтни қимирлатолмабди. Шу пайт чол болтани олиб шернинг бошига чунонам урибдики, шер тил тортмай ўлибди. Сал нарироқда турган мушук фарёд кўтара бошлабди:

— Мен айтмадимми, одамзод зўр деб.

АҲМАД ВА ЮСУФ

Бир золим подшо бўлган экан. Деҳқонларни жуда қийнар, унинг дастидан ҳамма азобда экан. Ўша подшо бир кеча туш кўрибди. Ту- шида ой билан қуёш ерга тушиб мамлакатни чунон равшан қилибдики, кўзи бу ёргулликка бардош беролмай кўр бўлиб қолибди.

Эртаси куни подшо мамлакат донишмандларини йифиб тушининг таъбирини

сўрабди. Ҳеч ким тушнинг таъбирини айта олмабди. Ҳам- масини ўлимга ҳукм қилибди.

Бир камбағал келиб дебди:

— Эй подшоҳи олам, буларни ўлдирманг, мен тушингизнинг таъ- бирини айтаман.

— Майли, айт!— амр қилибди подшо.

— Тушингизнинг таъбири шуки, иккита бола туғилади, бу болалар катта бўлиб, тахту баҳтингизни қўлингиздан тортиб олади.

Подшо бир жодугар кампирга юргидаги барча иккинат аёлларни рўйхатга олишни букорибди. Рўйхатни олгач, жаллодлар қўлига бериб, дебди:

— Боҳабар бўлинглар, мана шу хотинлардан қайси бири ўғил туғ- са, дарров бошини олиб йўқ қилинглар!

Бир ҳовлида Фотима ва Зухра деган икки опа-сингил ҳомиладор эканлару, бу сирни кишилардан яширап эканлар. Тўққиз ою тўққиз соат ўтиб бир кечада кўзлари ёрибди. Болаларни бир камбағал кишиига бериб дейишибди:

— Олиб бориб узокроқ жойга ташлаб кел, бўлмаса подшо хабар топса ўлдиради.

Агар умрлари боқий бўлса бирон йўл билан тирик қо- лишар. Биз меҳнатинг эвазига пул берамиз.

Камбағал болаларни олиб кетибди. Олиб бориб бир форга ташлаб келибди. У форда бир кийик яшаркан. Үнинг болаларга раҳми келиб- дио сути билан бошлабди. .

Болалар катта бўлишибди. Форнинг олди бепоён сахро экан. Бола- лар сахрога тушиб ариқ қазиб сув келтирибдилар, иморат солишибди,

чор-атрофни бокқа айлантишибди. Кейин, «кимки бизнинг манзи- лимизга келиб яшашни истаса, марҳамат қилсин, у барча божу хи- рожлардан озод бўлади», деган хабар тарқатишибди.

Одамлар битта-битта кўчиб кела бошлабдилар. Кўчиб келганлар- нинг сони уч йил ичидаги минг хонадонга етибди.

Бу хабар туш кўрган подшо қулоғига етибди. Подшонинг аччиғи келиб вазирларини чақириб маслаҳат сўрабди. Бир вазир ўрнидан ту- риб дебди:

— У шаҳарнинг подшолари Аҳмад ва Юсуф деган пахлавонлар экан. Уларга ҳеч бир лашкарнинг кучи етмас экан. Бирон ҳийла йўли билан қўлга олиш керак.

Бошқа бир вазир дебди:

— Аҳмаду Юсуфни мен сизга боғлаб бераман, подшоҳи олам!

Вазир Аҳмад ва Юсуф шаҳрига равона бўлибди. Келиб уларнинг хизматига кирибди. Бир неча вақт яхши хизмат қилиб, ака-укаларга маъқул бўлибди. Аҳмад ва Юсуф унинг гапига қулоқ соладиган бўлиб- дилар. Бир куни вазир уларга маслаҳат бериб дебди:— Сизлар она шаҳарчаларингдан ташқари ҳеч жойни кўрмагансизлар. Дунёда гўзал жойлар кўп. Бориб томоша қилсаларинг баҳри дилларинг очилади.

Аҳмад билан Юсуфга вазирнинг гапи маъқул тушибди. Улар от- ларни безаб, миниб, чиқиб кетишибди.

Вазир дарҳол подшо ҳузурига одам юбориб фалон жойда лашка- рини тўплаб яшириниб туришни тайинлабди.

У Аҳмад билан Юсуфни ўша томонга бошлаб борибди. Йўлда ке-тишаётган экан, тўсатдан катта бир лашкар олдиндан чиқиб ҳужум қилибди. Чор-атрофдан юзлаб арқон бошларига ташланибди. Улар қанча уринишса ҳам банддан қутула олмабдилар.

Подшо Аҳмад билан Юсуфни зинданга ташлаб, унинг ўрнига ўша вазирни подшо қилиб тайинлабди. Янги подшо Юсуфнинг хотинини олмоқчи бўлибди ва унга одам юборибди. Аёл рози бўлмабди.

Аҳмаднинг хотинини Гулизор номли одам тилини биладиган куши бор экан. Аёл күшга битта хат ёзиб бериб дебди:

— Эй жонивор, бориб билиб кел, бизнинг эрларимиз ўликми ёки тирик, агар тирик бўйлишса, мана бу хатни бир илож қилиб қўлларига етказ.

Куш учиб келиб подшонинг зинданни устига кўнибди. Зинданбон милтиқни олиб унга тўғрилабди.

Куш дебди:

— Эй яхши одам, сен мени отма, зинданни оч, мен зиндандагилар холидан хабар олай.

— Эй тил билувчи қуш, агар мен зинданни очсан, подшоҳ мени ўлдиради.

— Охииста, билинтирмай оч, савоб иш бўлади. Жойинг жаннатда бўлади.

Зинданбон бу гапни эшишиб зинданни очибди. Куш Аҳмад билан Юсуфнинг тирикликларини билиб, қоғозни ташлабди. Юсуф хатни олиб орқасига хотинига қирқ кун муҳлат ол деб ёзибди.

Күш қоғозни олиб келиб аёлларга топширибди. Юсуфнинг хотини олиб ўқиса, икковлари ҳам тирик эканлар. Хурсанд бўлибди. Кейин подшога одам юбориб дебди:
— Эрим ўлибди. Мен аза тутяпман. Қирқ кун азадорлик қиласман, кейин ихтиёрим подшонинг қўлида.

Биркам кирқ кун деганда зинданбон зинданни очибди. Аҳмад би- лан Юсуф аста чикиб шаҳарлари томонга равона бўлибдилар. Йўлда лўлилар кийимини топиб кийиб олишибди. Қиркинчи кун шаҳарларига етишибди. Қарашса, анча одам улок чопяпти. Бир боладан сўрашибди:

— Нима гап ўзи?

Бола дебди:

— Бугун подшо тўй бериб менинг онамни оляпти.

— Сен кимсан?

— Мен отасиз бир сагирман, шу шаҳар соҳиби Юсуф паҳлавон- нинг ўғли бўламан.

Юсуф билан Аҳмад болани эркалатишиб дейишибди:

— Сен бизнинг ана шу нарсаларимизга қараб тур, биз улоққа ки- рамиз, нимаики олсак сенга келтириб берамиз.

Бола ҳайрон бўлиб:

— Майли,— дебди.

Аҳмад ва Юсуф паҳлавон улоққа қўшилибди, уларнинг қўлидан улоқни ҳеч ким ололмабди.

Подшо қараса лўли бола томони улоқни оляпти, қаҳри келиб дебди:

— Бу шаҳар одамларига лаънат, қайси гўрдан икки лўли бола ке- либ улоқни олсаю, ҳеч ким уларнинг қўлидан тортиб ололмаса.

Улоқни тўхтатибди. Ҳамма ўз уйларига кетишибди. «Лўли бола- лар» подшо қасрининг дарвозаси тагига келиб киришга рухсат сўраб- дилар. Посбон дебди:

— Қанақа бетамиз одамсизлар, ҳозир подшо айни зиёфат устидаю ҳаммани қўйиб сизларнинг арзларингни тинглайдими?

Улар дарвозани синдириб, ичкарига киришибди. Подшо ҳужум қи- либ келибди. Уриб ўлдиришибди. Подшо аскарлари қилич тортиб ке- лишибди. Юсуфнинг хотини уларни таниб, жангни тўхтатинглар, деб фармон берибди. Жанг тўхтабди.

Юсуф паҳлавон бошқатдан тўй қилиб хотинини ўзига никоҳлаб олибди. Ана шундай килиб ҳақ жойида қарор топибди.

ХИТОЙ ШАҲЗОДАСИ

Хитой мамдакатида бир подшонинг ёлғиз ўғли бор экан. Бир куни тушида жингалак соч, қора қошли, шаҳло кўз, оппоқ юз, хушқомат, ўнг кўзи остида қора холи бор хотинни қўрибди. Эрталаб туриб там^{*о-} ми шаҳарни айланиб чиқибди, аммо ўша аёлга ўҳшаш бирон хотийн¹ топа олмабди.

«Ҳайё ҳуйт», деб юртидан чиқиб кетибди. Ҳинду Афгон мулкига борибди, топмабди. Эрону Араб мамлакатларига борибди, топмабди, у ердан Мовароуннахрга келибди. Илгари бизнинг шу жойларимизни Мовароуннахр дейишаркан. Ҳитойлик подшонинг ўғли бир қишлоқка етиб, битта дарвозани тақиллатибди. Бу бир чўпоннинг ҳовлиси экан. Чўпон чиқиб уни уйига олиб кирибди, бир неча кун иззату икром билан меҳмон қилибди, уни хурсанд қилмоқчи бўлибди. Аммо меҳмоннинг кўнгли ёришмабди. Борган сари хафа бўлиб, диккати ошибди.

— Сўраганнинг айби йўқ, меҳмон,— дебди бир куни уй эгаси,— сиз нега бунчалар хафасиз? Юрагингизда қандай алам бор?

Хитойлик шаҳзода қаттиқ оҳ чекиб дебди:

— Бир куни тушимда жингалак соч, қора кош, шахло кўз, оппоқ юз, хушқомат, кўзининг остида битта холи бор хотинни кўрдим. Уни кўришим биланоқ ошиқу бекарор бўлиб излагани чиқиб, кўп мамла- катларни кездим, аммо уни хеч қаердан топа олмадим.

Чўпон дебди:

— Азиз дўстим, хафа бўлманг. Менинг даргоҳимга келган киши асло хафа бўлиб кетмайди. Мен дардингизга даво топаман.

Чўпон шу гапни айтиб уйига кириб караса, хотини ўша йигит ошиқ бўлган аёлга ўхшар экан. Ҳайрон бўлиб ўйланиб турибдио кейинxo- тинига палов пиширишни буюрибди. Қайтиб чиқиб, подшонинг ўғли ёнида бир муддат ўтириб, яна кирса, ош ҳануз тайёр бўлмабди. Шуни баҳона килиб хотинини уч талоқ қилибдио уч кечаю уч кундуз тўй қи- либ меҳмонга никоҳлаб берибди.

Шаҳзода чўпондан миннатдор бўлиб мамлакатига йўл олибди. Аёл тинчланмасдан ҳамма вақт ҳудди баҳор булутидек кўзёш тўқаркан. Хитойлик шаҳзода ундан сўрабди:

— Сен нега йиглайсан? Мен сенга маъқул эмасманми?

— Сиз-ку менга маъқулсиз,— жавоб берибди хотин,— лекин мен эримни жуда севардим. Энди мен у кишилиз қандай яшайман?

Подшонинг ўғли ҳайрон бўлиб яна сўрабди:

— Сенинг эринг ким эди?

— Ўша тўй қилиб мени сизга никоҳлаб берган чўпон.

Подшонинг ўғли неча куну тун йўл юриб мамлакатига етибди. Хал- кига катта тўй қилиб берибдио, аммо аёлга яқинлашмабди, иккита синглиси бор экан, чўпоннинг хотинини учинчи синглим деб ҳисоблаб- ди ва аёл сингиллари билан юраверибди.

Чўпон бўлса, бир ой тоқат қилибди, икки ой тоқат қилибди, охири тоқати тоқ бўлиб, хотини фироқида юраги пора-пора бўлиб, чиқиб ке- тибди. Юриб-юриб Хитой мамлакатига етибди.

Мамлакат посбонлари уни тўхтатиб сўрабдилар:

— Эй мусоғир киши, қаердан келяпсан, қаерга борасан?

Чўпон жавоб берибди:

— Чўпон эдим, энди ғариб кишиман, хотинимни йўқотдим, унинг фироқида нола қилиб юрибман.

• но.< Короувуллар бу хабарни подшонинг ўғлига етказишибди. Шаҳзода дебди:

— Агар чўпон бўлса, бир сурув қўй беринглар, боқсин.

Унга бир сурув беришибди, уни тоққа ҳайдаб кетибди, парвариш қилибди, шунчалик яхши бокибдики, бир неча вақтдан кейин қўйлар уч баравар кўпайиб кетибди.

Бу хабар подшонинг кулогига етибди. У хизматкорларидан сўрабди:

— У қанақа чўпон экан? Олиб келинглар, бир кўрай.

Чўпонни олиб келишибди. Улар бир-бирларини танишибди, хур- санд бўлишибди. Подшонинг ўғли тўй қилиб чўпонга дебди:

— Мен синглимни сенга никоҳлаб бераман.

Никоҳ кечаси чўпон кириб қараса рўпарасида ўзининг хотини. Эру хотин кучоқлашиб хурсандликларидан кўзёш тўкибдилар.

Хитой шаҳзодаси уларни анча меҳмон қилиб, бир нечта тужум мулк бериб, мамлакатларига кузатиб қўйибди.

ЛУҚМОНИ ҲАКИМ

Бир куни мамлакат подшоси Луқмони Ҳакимни чақириб дебди:

— Айтишларига қараганда, сен жуда доно, хунарманд одам экан- сан, шундай бир

нарса ясагинки, уни ҳеч ким, ҳеч қачон ясамаган бўлсин.

Луқмони Ҳаким жуда кўп ўйлабди, излаб-излаб ипак қурти уруғи- ни топибди, парвариш қилибди, пилла бўлибди. Пилладан шойи тўкиб, битта лиbos тикиб подшога тақдим этибди:

Подшо ҳарир лиbosни олиб, хурсанд бўлиб дебди:

— Сенинг бу матоинг ҳақиқатан ҳам яхши экан, бундай лиbos мендай подшохи олам учун жуда боп. Энди сен бориб бу сирни ҳеч кимга айтмай, менга ана шу хилда лиbos тайёрлаб олиб келавер, агар бирон киши сенинг бу ишингдан хабардор бўлиб, ана шундай кийим- бош кийса бошингни танангдан жудо қиласман!

Луқмони Ҳакимнинг подшо учун тиккан лиbosидан озгина шохи ортиб қолган экан. Хотини олиб қизчасига кўйлак қилиб берибди. Бу- ни Луқмони Ҳакимнинг бир душмани кўрибдию подшога етказибди. Подшоҳ текшириб кўрса ҳақиқатан ҳам тўғри. Кейин Луқмони Ҳа- кимни олдига чакириб дебди:

— Мен сенга нима деб амр қилган эдим! Сен мени назар-писанд қилмай, қизчангга кўйлак тикиб. бориб ҳаммани бу сирдан хабардор қилдинг. Бу ишинг учун сени ўлдирмайман, аммо қизчанг билан бир- галикда зиндонга солиб, унинг эшигини шундай маҳкам беркитайки, у ерда азоб чекиб чириб кетасан.

Луқмони Ҳаким дебди:

— Агар мени зиндонга ташламоқчи бўлсангиз, иккита пўлат кат тайёрлашни буюринг, каравотларни зиндон ичига олиб кириб уларнинг ҳар бири ёнига бир қопдан бодом кўйишин.

Подшо: «Майли, иккита каравот бўлса садқаи сар», деб Луқмони Ҳакимнинг илтимосини қабул қилиб, уни қизчаси билан бирга зиндон- га ташлаб, зиндон эшигини маҳкамлаб кўйибди.

ДДЭД

Бу овоза Афлотунга етиб борибди. У Луқмони Ҳакимнинг шогирди экан. У кўркканидан ўзига-ўзи: «Подшоҳ мени ҳам Луқмони Ҳаким- нинг шогирди деб зиндонга ташламасин», дебди-да, бир тог орасига яширинибди ва атрофини тилсимлаб ташлабди.

Орадан бир неча йил ўтибди. У подшо ўлибди. Унинг ўрнига бошқа киши подшо бўлибди. Янги подшо бир куни гўшт еб ўтирганида бир суяк парчаси томогига тикилиб қолибди. Кўплаб табибу жарроҳларни келтиришибди, иложини топиша олмай ҳаммалари:

— Подшонинг бу дардига факат Афлотун даво топа олади,— деб қайтиб кетишибди. Подшо дебди:

— Афлотун қаерда яшайди?

Одамлари Лукмони Ҳаким воқеасини айтиб берибдилар:

— Афлотун Лукмони Ҳакимнинг шогирди эди, бу воқеадан кейин қўркиб қаергадир қочиб кетиб, яширинган.

— Афлотунни қаердан бўлса ҳам топиб келинглар!— деб буйруқ берибди подшо.

Афлотун келиб подшонинг томогини қўриб ўзига-ўзи: «Шу баҳона билан устозим ётган зинданни очтираман, қани тирикмикан», деб под- шога дебди:

— Сизнинг дардингизга факат менинг устозим Лукмони Ҳаким даво топа олади, холос.

Бу гапни эшитиб подшо Лукмони Ҳаким ётган зинданни очишни буюрибди. Очиб қарашса, қизчаси хоки туроб бўлибдию ўзи эса ўла- диган ҳолатга тушиб қолган экан. Афлотун уни бир неча кун уйига олиб бориб даволабди ва устози тузалибди.

Кейин подшо одамлари келиб уларни олиб кетишибди. Лукмони Ҳаким подшони қўриб сўрабди:

— Фарзандингиз борми?

— Битта ўғлим бор,— дебди подшо.

— Ўглингизни сўйиб, қонини ичсангиз тузаласиз, бўлмаса йўқ.

Подшо ўйланиб қолибди: биттаю битта ўғлим бўлса, шуни ҳам ўлдирайми? Кел, ўзим ўлсам ўлайки, ўғлим тирик қолсин.

Уч-тўрт кун ўтибди, подшонинг дарди оғирлаша бошлабди. Кейин дебди:

— Майли, ўғлимни олиб келиб, сўйинглар!

Кейин ўглини олиб келиб Лукмони Ҳаким буйруғига қўра подшо- нинг кўзи олдида оёқ-қўлини боғлашибди, орада парда тортиб, парда орқасига ўтказибдилар.

— Энди кўйни келтиринглар!— дебди Лукмони Ҳаким подшо одамларининг кулогига. Бир қўйнинг оёғини боғлаб олиб келиб томо-ғига пичоқ қўйишган экан, қўй «фах» деб овоз чиқарибди.

Шу пайт подшоҳ:

— Вой ўғлим!— деб бақирган экан, томогидаги устихон отилиб чиқибди.

— Пардани очинглар, мен ўғлимнинг ўлигини қўрай!— дебди подшо.

. Пардани кўтаришса, ўғли сиҳат-саломату бир қўй сўйилган эмиш. Лукмони Ҳаким унга бўлган воқеани айтиб берибди. Подшо Лукмони Ҳакимга таҳсин ўқиб дебди:

— Шундай донишманд одамни зиндан қилган кишига лаънатлар бўлсин.



АБДУРАХМОН ЧҮЛОҚ

Бир подшонинг бир кизу бир ўғли бўлган экан. Ўғли болагатга ет- гач, кирк кечао кирк кундуз тўи бериб уйлантирибди. Аммо ўғли кизни ёқтирмай ўттиз кун унинг олдига кирмабди. Подшо бу ишдан хафа бўлиб қизи билан вазирини ўз хузурига чақириб, маслаҳат сўрабди:

— Нега бизнинг ўғлимиз хотинининг ёнига кирмайди, нима қилиш керак?

Киз шундай жавоб берибди:

— Айб акамда эмас, хотинида.

Бу гапдан подшонинг жаҳли чиқиб дебди:

— Мен пулу мол сарфлаб ўғлимни уйлантирдиму сен бўлсанг ме- нинг келинимни ёмон дейсан! Қани, мен сенинг ўзингни эрга берай-чи, қандай хотин бўларкансан!

Подшо вазирга фармон берибди:

— Халқни тўпла, кизни эрга берамиз!

Вазир халқни тўплабди. Қизни дарвоза тепасидаги айвонга ўтиргишишибди, қўлига битта олма беришибди. Кишилар дарвоза тагидан битта-битта ўта бошлашибди. Қизга:

— Кимни танласанг, олмани ўшанга отасан, дейишибди.

Бутун халқдарвоза тагидан ўтибди, қиз қўлидаги олмани ҳеч кимга отмабди.

Подшох вазирдан сўрабди:

— Шаҳарда бирон киши қолмадими?

— Битта чўлоқ йигитдан бошқа ҳеч ким қолмаган,— дебди вазир.

— Чўлоқни кўтариб келинглар!— буюрибди подшо.

Чўлоқни замбилга солиб олиб келишибди. Дарвоза тагига олиб бо- ришлари биланоқ қиз уни олма билан урибди.

Подшо уч юз тангани кизининг рўмоли учига тугиб, уни тўю томо- шасиз чўлоқнинг уйига юборибди.

Абдураҳмон чўлоқнинг уйида ёлғиз бир онаси бўлиб, у ўғлига қараб тураркан. Уйига келгандан кейин бир вақт Абдураҳмон оч қолиб, овқат сўрабди. Кампир туриб овқат бермоқчи бўлган экан, аммо қиз бунга йўл қўймай дебди:

— Энди ўғлингизнинг соҳиби мен, сиз дам олиб ўтиринг, мен ўзим овқат пишириб бераман.

У ўрнидан туриб овқат пиширибдио эрининг олдига олиб бормай, ундан бир одим узокқа қўйибди.

Кампир тараддуланиб дебди:

— Келин, бундай қилманг, мен ҳар қуни овқатни ўғлимнинг оғзига солиб қўйрдим, зўрға сярди!

Киз кампирга тасалли бериб, ташқарига чиқибди. Абдураҳмон овқатни кўриб иштаҳаси янада очилиб кетибди. Ниҳоят, тоқат қилол- масдан судралиб-судралиб бориб овқатни олиб ебди.

Эртаси қуни қиз овқатни пишириб тепага осиб қўйибди. Кампир қўзёши тўкиб нола чекибди:

— Ахир ўғлим чўлоқ, келин, раҳм қилинг, овқатни у ердан олиб ея олмайди.

— Туяга янтоқ керак бўлса, бўйини чўзади,— деб келин кампир- ни ташқарига чиқариб юбориби.

Абдураҳмон яна жуда оч қолиб бир амаллаб тиззасини ерга қўйиб интилганича овқатни олиб ебди.

Учинчи куни қиз эрининг тирсагидан ушлаб уй ичидаги айлантириб, йўл юришни ўргатиби, тўртинчи куни унинг кўлига ҳасса бериб, уйдан ташқарига чиқариби.

Аста-секин ногирон эр йўл юришни ўрганиби. Шундан кейин қиз отаси берган уч юз тангадан юз тангасини эрига бериб бозорга жўна- тиб тайинлабди:

— Пахтау газмол келтиринг, кўрпа тикамиз.

Абдураҳмон бозорга борса, бир қаландар «ҳей дўст» тортганича:

— Кимда-ким юз танга берса мен бир гапни ўргатаман,— деяётган эмиш.

Абдураҳмон:

— Мен йигирма йилдан бўён чўлоч ётиб бирон яхши гап эшитма- дим, кел, мана шу юз тангани қаландарга берай, шояд биронта керакли гап ўргатса,— дебди-да, пулни қаландарга бериби. Қаландар дебди:

— Қалъа томонига йўл олган ҳар бир карvonнинг олдидан бир кўриқ чиқади, кўриқда тушмай, явшанзорда тўхтаса бир сирни кўради.

Абдураҳмон уйига қуруқ қайтиб келиби. Хотини ҳайрон бўлиб:

— Мен айтган нарсаларимни олиб келмадингизми?— деб сўрабди. Абдураҳмон жавоб бериби:

— Йўқ, пулни бир қаландарга бердим, у менга яхши гап ўргатди. Эртаси куни хотини эрига яна юз танга бериб бозорга жўнатиби: — Озиқ-овқат олиб келинг,— деб таъкидлабди.

Абдураҳмон бозорга борса яна ўша қаландар ўша жойида «ҳей дўст» деб турғанмиш:

— Кимки юз танга берса, мен ғалати гап ўргатман.

Абдураҳмон: «Шояд бу сафар бирон яхши гап ўргатса», деб ўйлаб, бу юз тангани ҳам унга бериби.

Қаландар дебди:

— Қалъа томонга борган ҳар бир карvonнинг олдидан бир қудук чиқади. Одамлар белларига арқон боғлаб тушиб бошсиз қоладилар. Оёғидан арқон боғлаб тушган одам бир сирни кўради.

— Бошқа гапингиз йўқми?— сўрабди Абдураҳмон.

— Йўқ,— дебди қаландар.

Абдураҳмон хафа бўлганича уйига қайтиб келиби.

Хотини сўрабди:

— Нега қуруқ келдингиз?

— Пулни қаландарга бердим, қаландар менга бир гап ўргатди,— дебди эри.

Хотин эрини таъна-маломат қилибди-да, колган юз тангани бериб-ди. Абдураҳмон уни олиб бозор бошига борса, ўша қаландар ҳар кунги жойида турғачица:

— Кимки юз танга берса бир қизик гап ўргатман,— деб жар со-лаётганмиш.

Абдураҳмон: «Майли, шу юз тангани ҳам берай-чи, зора бу сафар бирор фойдали гап ўргатса», деб қўнглидан ўтказиби.

Қаландар пулни олиб дебди:

— Қалъа томонга борган ҳар бир карвон шаҳарга кирмай, ташқа- рида, қабристон ёнида тунаса, бир сир кўради.

Абдурахмон уйига хафа бўлганича қайтиб, хотинига бўлган воқеа- ни айтиб бериди. Хотин яна эрига дашном бериб дебди:

— Энди бўлмаса, бориб мардикорлик қилинг, пул-мул топиб ке- линг, бир амаллаб кун кечиралийк.

Абдурахмон мардикор бозорига борибди. Бир киши ўн мардикорни олиб бориб том сувашга солибди. Абдурахмон челакни бир томонга кўйиб, кажава билан лой таший бошлабди, бир кажава лой билан бир томни суваб бўларкан. Уй эгаси унинг бу ишини кўриб бошқа марди- корларга жавоб бериб юборибди.

Абдурахмон кечгача ҳовлидаги ҳамма тому деворларни суваб бўлибди. Ҳар бир мардикорнинг бир кунлик ҳақи икки танга экан, уй сохиби Абдурахмонга ўн мардикорнинг ҳақини — йигирма тангани берибди.

Шундан кейин Абдураҳмон ҳар куни йигирма тангалик иш қилиб, йигирма тангалик Абдураҳмон номини олибди.

Бир куни бир карвоннинг бошлиғи Абдураҳмонни карвонга ишга олиб кетибди. Карвон қалъа томонга сафар қилиб, икки ой юриб, ўша қаландар айтган кўрик олдига етиб келиб тўхтабди. Шу пайт Абдураҳ- моннинг ёдига қаландар айтган гап келибдио саройга тушмай супурги ўти экиладиган жойга бориб тушибди. Кечаси ухлаб, эрталаб турса, зилзиладан сарой ер билан яксон бўлибди.

Яна икки ой йўл юриб ўша қаландар айтган қудуққа етибдилар. Бир неча карвон қудуқ бўйига тўпланишиб, битталарини белларига арқон боғлаб пастга туширишиб, қайтиб тортиб олишса танаси бору боши йўқ. Абдураҳмон бу воқеани кўриб дебди:

— Арғамчини менинг оёғимга боғланглар, мен бошим билан туша- ман, сув чегалини аргамчига боғлаб тепага узатаман, сизлар торта- сизлар.

Унинг айтганини қилишибди. Абдураҳмон қудуқнинг тагига тушиб қараса, битта дев, битта пари ва битта бақа ўтирган эмиш.

Дев дебди:

— Балли, одобли йигит, бошинг билан келиб яхши қилдинг. Бу ер- да шундай пари ўтиrsa, шу вақтгача беодоб одамлар оёқлари билан келишарди. Шу сабабли мен уларнинг бошини олардим. Мен ҳамроҳ- ларинг ташна бўлиб, сен сув учун тушганингни биламан. Сувни бериб бизнинг ёнимизга кел, бу ерда бир гап бор.

Абдурахмон бир неча чеҳак сувни тепага узатиб, кейин девнинг олдига бориб сўрабди:

— Қани, нима гап?

Дев дебди:

,н?

— Мен ана шу парини Кўхи Кофдан келтирдим. Бу бақа девор туйнугидан пайдо бўлиб «мен парини оламан», дейди, мен эса, «йўқ, парини мен оламан», дейман. Шу ахволда уч йилдан бери бақа билан

жанжаллашиб ўтирибмиз. Сен қози бўлгину айтгин: парини мен олай- ми ёки бақа олсинми?!

Абдурахмон дебди:

— Парини сен ҳам олмайсан, бақа ҳам олмайди, уни мен оламан!

Бу гапни эшитиб дев ғинг демабдию бақа гап бошлабди:

— Мен уч йилдан бери дев билан жанжаллашиб ўтирибман, сенинг парини олишингга йўл қўймайман!

Абдурахмон бақани бир тарсаки урган экан, бақа деворга ёпишиб қолибди. Дев бу воқеани кўриб кўркканидан: «Мен уч йилдан буён ба- қани ҳеч нарса қилолмагандим, бу эркак бир уриб ўлдирди, жуда ҳам зўр экан, нима истаса бажараман», деб ўйлабди. Бир дарчани очибди, ичи тиллога тўла экан. Абдураҳмонга дебди:

— Қанча истасанг кўтар!

Абдурахмон бир коп танга кўтарибди. Дев дебди:

— Яна қандай хизмат бор?

— Мана шу пари билан қопни менинг ўйимга олиб бориб бер! — дебди Абдураҳмон.

Қондаги тангани девга ортиб, парини қоп устига ўтиргизиб, ўзи унинг ёнига ўтириб олибди.

Дев ўн дақика ичиди тўрт ойлик йўлни босиб ўтиб, Абдураҳмонни уйига олиб келибди. Абдураҳмон қоп билан парини уйида қолдириб девга буюрибди:

— Мени яна шерикларим олдига элтиб қўй.

Абдураҳмон ўз шериклари билан бирга йўлини қалъя томонга да- вом эттирибди. Икки ой ўтгач, шаҳар ташқарисидаги қабристонга ке- лишибди. Карвон шаҳарга кириб кетибди. Абдураҳмон эса қаландар- нинг насиҳатини эслаб қабристоннинг бир четида тўхтабди, аммо ух- ламабди. Ярим кеча қабрлардан бирида чироқ пайдо бўлибди, бориб қараса еттита ўғрию битта нозанин қизу кўплаб танга тиллалар туриб- ди. Ичкарига кириб ўғриларни боғлабди, қулок-бурунларини кесиб, қизнинг кокили учидан ҳам қиркиб олиб, жавоб бериб юборибди ўрнига бориб ётибди.

У эрталаб ўрнидан туриб шаҳарга кирибди. Уни тутишиб подшо хузурига олиб келишибди. Подшо ундан сўрабди:

— Сен бугун шаҳар четида ухлаган экансан, менинг хазинамни сен ўғирлабсан, мен сени дорга осаман!

Етти ўлчаб бир кес, деганлариdek Абдураҳмон ўғриларнинг кулок- бурнини, малика кокилининг учини чиқариб подшонинг олдига қўйиб- ди. Қизининг йўқолганидан бехабар бўлган подшо кокилни кўриб қал- тираганича уйига чопиб бориб хотинидан сўрабди:

— Қизимиз қаерда?

-ёны Хотини дебди:

— Касал бўлиб ётибди.

Подшо кўрпани кўтариб қараса қизнинг кокилининг бир учи ке- силган. Қайтиб келиб Абдураҳмонга пўписа қилибди:

— Кулок-буруннинг эгаларини топиб келасан!

оёк-кўли боғланган етти ўгрини юклаб, иккинчисига тилла тангаларни ортиб келибди.

Подшо ўгриларни дорга осибди, Абдураҳмонга эса кўпгина инъом-эҳсонлар берибди. Абдураҳмон ўнта туж сотиб олиб, молу газмолларни уларга юклаганича шаҳрига жўнабди.

Келиб уйини тополмабди. Уйи ўрнида баланд, чиройли иморатлар пайдо бўлиб қолибди. Ҳайрон бўлиб:

— Бу бизнинг ҳовлимиз эмас,— деб қайтиб кетаётганида онаси чиқиб чақирибди:

— Кел, ўғлим, ўзингнинг уйинг, буни подшонинг кизи курди.

Ичкарига кириб онасию малика-паридан ҳол-ахвол сўрабди. Кейин подшо кизи бутун шаҳар элини чақириб уч кечаю уч кундуз зиёфат берибди. У Абдураҳмонга дебди:

— Зиёфатдан кейин подшо билан вазирни тўхтатиб тур.

«Ассалому алайкум», деганича қиз ичкари хонадан отасининг олдига чиқиб келибди. Ота-бала бир-бирларининг қучоқларига оти- либдилар. Подшо сўрабди:

— Сен қизим, бир оёк-кўли йўқ чўлоч билан кетган эдинг, қандай қилиб бу ерга келиб қолдинг?

— Бу ҳовлининг эгаси ўша оёк-кўлсиз одам,— жавоб берибди қиз,— у одам соғайиб кетди, меҳнат қилиб давлатманд бўлди.

Подшо қизининг хунармандлигига, донолигига қойил қолибди, уни дуо қилибди. Малика эри билан муроду мақсадига етиб яшайверибди.

ҲУСНОБОД

Бир подшонинг катта бир эшони бўлиб, унинг маслаҳатисиз бир қадам ҳам қўймас экан. Эшоннинг подшо одамларидан киркта муриди бор экан. Эшон доимо кўчага чикканида муридлари унинг олдиди юри-шиб, пирнинг оёқлари ерга тегмасин деб унинг оёқлари тагига битта-дан пишиқ гишт қўйиб боришаркан.

Подшонинг бир вазири бўлиб, у жуда ҳам доно экан. Бир куни ана шу вазирнинг уйини ўгри урибди. Вазир астагина қараса, ўгри ўша таърифи кетган эшон ва унинг муридлари экан. Вазир эрта билан ту-риб подшога арз қилибди:

— Эй подшоҳи олам, эшонингиз ўгри экан, бугун бизнинг уйимиз-ни шипшийдам қилибди.

Подшо бу гапдан ғазабланиб вазирни ўлимга ҳукм қилибди. Подшо вазирни ўлдириб, хотини билан қизини ҳайдаб юборибди.

Вазирнинг хотинини номи Шаҳрбону, қизининг исми эса Хуснбону экан. Подшо одамлари Шаҳрбону билан Хуснбонуни бир дашту -биё- бонга олиб бориб ташлабдилар.

Она-бала сарсону саргардон бўлиб юрганларида бир қечада Хуснбону туш кўрибди: бир дарахтнинг остида тош бўлиб, тошнинг остига икки кўза тилла яшириб қўйилганмиш.

жанжаллашиб ўтирибмиз. Сен қози бўлгину айтгин: парини мен олай- ми ёки бақа олсинми?!

Абдураҳмон дебди:

— Парини сен ҳам олмайсан, бақа ҳам олмайди, уни мен оламан! Бу гапни эшитиб дев финг демабдию бақа гап бошлабди:

— Мен уч йилдан бери дев билан жанжаллашиб ўтирибман, сенинг парини олишингга йўл кўймайман!

Абдураҳмон бақани бир тарсаки урган экан, бақа деворга ёпишиб қолибди. Дев бу воқеани кўриб кўркқанидан: «Мен уч йилдан буён ба- қани ҳеч нарса қилолмагандим, бу эркак бир уриб ўлдирди, жуда ҳам зўр экан, нима истаса бажараман», деб ўйлабди. Бир дарчани очибди, ичи тиллога тўла экан.

Абдураҳмонга дебди:

— Қанча истасанг кўтар!

Абдураҳмон бир қоп танга кўтарибди. Дев дебди:

— Яна қандай хизмат бор?

— Мана шу пари билан қопни менинг уйимга олиб бориб бер! — дебди Абдураҳмон.

Копдаги тангани девга ортиб, парини қоп устига ўтиргизиб, ўзи унинг ёнига ўтириб олибди.

Дев ўн дақиқа ичидаги тўрт ойлик йўлни босиб ўтиб, Абдураҳмонни уйига олиб келибди. Абдураҳмон қоп билан парини уйида қолдириб девга буорибди:

— Мени яна шерикларим олдига элтиб кўй.

Абдураҳмон ўз шериклари билан бирга йўлини қалъя томонга да- вом эттирибди. Икки ой ўтгач, шаҳар ташқарисидаги қабристонга ке- лишибди. Карвон шаҳарга кириб кетибди. Абдураҳмон эса қаландар- нинг насиҳатини эслаб қабристоннинг бир четида тўхтабди, аммо ух- ламабди. Ярим кеча қабрлардан бирида чироқ пайдо бўлибди, бориб қараса еттита ўғрию битта нозанин қизу кўплаб танга тиллалар туриб- ди. Ичкарига кириб ўғриларни боғлабди, кулок-бурунларини кесиб, қизнинг кокили учидан ҳам киркиб олиб, жавоб бериб юборибди ўрнига бориб ётибди.

У эрталаб ўрнидан туриб шаҳарга кирибди. Уни тутишиб подшо хузурига олиб келишибди. Подшо ундан сўрабди:

— Сен бугун шаҳар четида ухлаган экансан, менинг хазинамни сен ўғирлабсан, мен сени дорга осаман!

Етти ўлчаб бир кес, деганларидек Абдураҳмон ўғриларнинг кулок- бурнини, малика кокилининг учини чиқариб подшонинг олдига қўйиб- ди. Қизининг йўқолганидан бехабар бўлган подшо кокилни кўриб қал- тираганича уйига чопиб бориб хотинидан сўрабди:

— Қизимиз қаерда?

-эн&отини дебди:

— Касал бўлиб ётибди.

Подшо кўрпани кўтариб қараса қизининг кокилининг бир учи ке- силган. Қайтиб келиб Абдураҳмонга пўписа қилибди:

— Қулок-буруннинг эгаларини топиб келасан!

Абдураҳмон икки оту арава олиб, қабристонга борибди: бир аравага

оёк-кўли боғланган етти ўғрини юклаб, иккинчисига тилла тангаларни ортиб келибди.

Подшо ўғриларни дорга осибди, Абдураҳмонга эса кўпгина инъом-эҳсонлар берибди. Абдураҳмон ўнта тую сотиб олиб, молу газмолларни уларга юклаганича шаҳрига жўнабди.

Келиб уйини тополмабди. Уйи ўрнида баланд, чиройли иморатлар пайдо бўлиб колибди. Ҳайрон бўлиб:

— Бу бизнинг ҳовлимиз эмас,— деб қайтиб кетаётганида онаси чиқиб чакирибди:

— Кел, ўғлим, ўзингнинг уйинг, буни подшонинг қизи курди.

Ичкарига кириб онасию малика-паридан ҳол-аҳвол сўрабди. Кейин подшо қизи бутун шаҳар элини чакириб уч кечаю уч кундуз зиёфат берибди. У Абдураҳмонга дебди:

— Зиёфатдан кейин подшо билан вазирни тўхтатиб тур.

«Ассалому алайкум», деганича қиз ичкари хонадан отасининг олдига чиқиб келибди. Ота-бала бир-бирларининг кучокларига оти- либдилар. Подшо сўрабди:

— Сен қизим, бир оёк-кўли йўқ чўлоқ билан кетган эдинг, қандай килиб бу ерга келиб қолдинг?

— Бу ҳовлининг эгаси ўша оёк-кўлсиз одам,— жавоб берибди қиз,— у одам соғайиб кетди, меҳнат қилиб давлатманд бўлди.

Подшо қизининг хунармандлигига, донолигига қойил қолибди, уни дуо килибди. Малика эри билан муроду мақсадига етиб яшайверибди.

ХУСНОБОД

Бир подшонинг катта бир эшони бўлиб, унинг маслаҳатисиз бир қадам ҳам кўйимас экан. Эшоннинг подшо одамларидан киркта муриди бор экан. Эшон доимо кўчага чикқанида муридлари унинг олдидага юри- шиб, пирнинг оёқлари ерга тегмасин деб унинг оёқлари тагига битта- дан пишиқ гишт қўйиб боришаркан.

Подшонинг бир вазири бўлиб, у жуда ҳам доно экан. Бир куни ана шу вазирнинг уйини ўғри урибди. Вазир астагина караса, ўғри ўша таърифи кетган эшон ва унинг муридлари экан. Вазир эрта билан ту- риб подшога арз қилибди:

— Эй подшоҳи олам, эшонингиз ўғри экан, бугун бизнинг уйимиз- ни шипшийдам қилиби.

Подшо бу гапдан ғазабланиб вазирни ўлимга ҳукм қилибди. Подшо вазирни ўлдириб, хотини билан қизини ҳайдаб юборибди.

Вазирнинг хотинини номи Шаҳбону, қизининг исми эса Ҳуснбону экан. Подшо одамлари Шаҳбону билан Ҳуснбонуни бир дашту биё- бонга олиб бориб ташлабдилар.

Она-бала сарсону саргардон бўлиб юрганларида бир қеча Ҳуснбону туш кўрибди: бир дараҳтнинг остида тош бўлиб, тошнинг остига икки кўза тилла яшириб қўйилганмиш.

Қиз хурсанд бўлиб турибдию тушини онасига айтибди. Улар, «зора бу тушрост чикса», дейишиб, дараҳтни излашга тушишибди.

Бир неча кундан кейин олдиларидан бир дараҳт чиқибди. Унинг остида тошҳам бор экан. Она-бода бир илож қилиб тошни кўтариб, унинг тагини ковлай бошлишган экан, ҳақиқатда ҳам иккита кўза чи-қибди. Тиллаларни олиб бориб устаю мардикорларни тўплаб, бир жойга азиM шаҳар курдирибди. Шаҳарга Ҳуснобод деб ном кўйи-шибди.

Шаҳар иморатлари қурилиб битгач, Ҳуснбону эркакча кийиниб отасининг шаҳри томон йўл олибди. У шаҳарга келиб тўғри подшонинг олдига кирибди. Подшо ундан сўрабди:

— Эй йигит, кимсан, қаердан келдинг?

— Эй подшоҳи олам, мен фалон подшонинг фарзанди бўламан, отам билан уришиб бу ерга келдим,— дебди Ҳуснбону.

— Эй ўғлон, бирон ҳовли-жой берсам, яшаб юрасанми?— дебди подшо.

— Мен аввал сизнинг шаҳрингизни бир айланай, томоша қиласай, қайси ҳовли маъқул келса ана шу жойни берасиз,— дебди Ҳуснбону.

Шундан кейин Ҳуснбону шаҳарни айланиб келиб дебди:

— Ўша ўлдирган вазирингизнинг уйини менга беринг.

Подшо рози бўлибди. Қиз ҳовлини тартибга келтириб онасини ҳам олиб келибди.

Бир куни Ҳуснбону онаси билан маслаҳатлашиб ўша эшонни меҳмондорчиликка чақирмоқчи бўлибди. Қиз эшонни меҳмондорчиликка чақирибию ўзи подшонинг олдига бориб дебди:

— Менга шу кечакирк нафар аскар керак.

Подшо ўйқ демай Ҳуснбонуга аскар бериди.

Киз аскарларга:

— Бутун уйимизга ўғри келади. Сизлар ўғриларга кўл теккизманг-лар, мен фармон бергандан кейингина ҳаммасини кўлга оласизлар,— деб буюрибди.

Эшон қизнинг уйида меҳмон бўлиб зиёфатни сабдию кечаси қирқ муриди билан ҳовлини талабди. Ўғрилар уйдаги бор нарсаларни боғлаб бўлишган экан, қиз аскарларга яширинган жойларидан чиқиб ўғри-ларни ушлашни буюрибди. Аскарлар эшонни муридлари билан кўлга олишибди.

Киз эрталаб подшоҳ ҳузурига бориб уни воқеадан хабардор қилиб-ди. Подшонинг қаҳри келиб ўшқирибди:

— Сен ҳам менинг эшонимга тухмат қиляпсан, у бундай ишни қилмайди, мен сени ҳам бадарга қилингандар олдига ҳайдайман!

— Эй подшоҳи аъзам. Мен эшонни муридлари билан кўлга олдим, ҳаммасини қамаб келдим, агар ишонмасангиз ўзингиз бориб кўринг,— дебди Ҳуснбону.

Подшо келиб кўрса, шуҳрати оламга кетган эшони оёқ-кўли боғ-ланганича ўғирланган нарсалари билан биргаликда ётганмиш.

Подшо ўзининг айтган гапларидан, вазирни ўлдирганидан ва унинг хотин, фарзандини бадарга қилганидан пушаймон бўлибди.

Қиз телпагини бошидан олиб, ўзини подшога танитибди ва подшо- га бошидан ўтганларини ҳикоя қилиб берибди.

Подшо қилмишидан пушаймон бўлиб Ҳуснбонуга дебди:

— Мен сенга тан бердим, энди тилагингни тила мендан, мен сен- дан ҳеч нарсани аямайман.

— Менга ҳеч нарса керак эмас, мен сенинг шахрингда ярим кун хам туролмайман, ўз шаҳримга кетаман. Мен шундай бир шаҳар кур- димки, у сендей подшонинг шаҳридан юз бор ободроқдир,— дебди Ҳуснбону.

— Мен энди билдим, Ҳуснободни сен курган экансан,— дебди подшо.

Ҳуснбону ўз шаҳрига қайтиб шоду хурсандлик билан яшай бош- лабди. Ҳа, ўша шаҳар Панжрӯз этагидаги, Кулолий яқинидаги Ҳусно- бод бўлади.

НИНА САНЧИЛГАН МУРДА

Бир подшонинг хотини ва ёлғиз қизининг канизаги бўлган экан. Бир куни қиз канизи билан саёҳатга чиқибди. Улар бир бокқа етиб ке- лишибди. Боғда бир уй бўлиб, унинг эшигига шундай сўз битилган экан: «Кимки кириб подшонинг ўғли баданидаги игналарни териб олса, тирилади ва уни ўзига хотинликка олади». Канизак ичкарига кирибди. Бир неча кеча-кундуз ухламай, овқат емай, хамма игналарни териб олибди, фақат йигитнинг оёғи кафтидаги биттагина ‘игна қолибди. Қиз ташқарига чиқибди, подшонинг қизи келиб мурданинг оёғи кафтида қолгац игнани тортиб олибди, ўлик тирилибди. Кейин туриб дебди:

— Кимки менинг игналаримни териб олган бўлса мен ўшани ўз никохимга оламан.

Канизак келса мурда тирилиб, подшо қизига уйланиб олганмиш.

Бир кун халиги йигит бозорга борибди. Хотини дебди:

— Менга бир кийимлик қизил шойи келтиринг!

Канизак дебди:

— Менга бир тош олиб келинг!

Йигит бозордан қайтибди, хотинига қизил шоҳи келтирибди, кани- закка эса — тош. Канизак тошни олиб бир девор орқасига ўтиб унга юрак дардини очибди:

— Ё мен ёрилай, ё сен!

Тош ёрилибди, йигит қараса, тошнинг ичи зардобга тўла эмиш. Шунда йигит канизакдан сўрабди:

— Сен нега бунчалик ғамгинсан, тошнинг ичи зардобга тўлибди.
ндоъд

Қиз дебди:

— Мен баданингдаги барча игналарни териб олдим, фақат оёғинг / кафтидаги бир игна қолган эди, мен ташқарига чиққанда, подшонинг қизи кириб ўша игнани тортиб олибди. Сен эса тирилиб, унга уйла- нибсан.

Шундан сўнг йигит канизакка уйланибди, подшонинг қизи эса унга каниз бўлиб қолибди.

ЗИЙРАК ҚИЗ

Кунлардан бир кун подшо овга чиқибди. Йўлда бир қарға унинг бошига келиб

уч марта қар, қар, қар дебди.

— Вазирлар, қани айтинглар-чи, бу қарға нима деяпти? — сўрабди подшо.

Вазирлар кўп ўйлашибди, аммо қушлар сўзининг маъносини еча олмабдилар. Подшо қарғанинг нима деганини топа олмаса вазирларни ўлдираман дебди ва уч кун муҳлат берибди.

Вазирлар уч кун ўйлашибди, аммо жавобини топа олмабдилар. Ва- зирлардан бири уйига келиб йиглай бошлабди. Шунда қиз ундан сўрабди:

— Эй ота, нега йиғлайсан?

Вазир дебди:

— Бугун подшо биз вазирларни ўлдиради.

— Нима учун ўлдиради?

— Чунки биз қарғанинг нима деганини топа олмадик.

— Эй ота,— дебди қиз,— қарға қобил хотин нокобил эрни қобил қила олади, аммо қобил эр нокобил хотинни қобил қила олмайди, де- ган-да,— дебди.

Вазир подшонинг олдига борибди. Ҳамма тўпланибди. Вазирлар қарғанинг нима деганини билиша олмаганликларини айтишибди. Под- шо жаллодларга буюрибди:

— Олиб бориб, вазирларни ўлдиринглар!

Ҳалиги вазир ўрнидан туриб подшо олдига келиб дебди:

— Тўхтанг, подшои олам!

— Гапир!—дебди ғазаб билан подшо.

— Қарғанинг қагиллаши унинг қобил хотин нокобил эрни қобил қила олади, аммо қобил эр нокобил хотинни қобил қила олмайди дега- ни,— дебди.

Подшо сўрабди:

— Буни сен қандай билдинг?

— Қарға сўзининг маъносини қизим айтди,— дебди вазир.

— Қизингни келтир,— дебди подшо.

Қизини келтиришибди. Подшо қизни аклсиз бир калга никохлаб берибди. Қиз кални бирга олиб чўлга чиқиб кетибди. У ерда уй қуриб- ди. Дўппи тикибди, у тиккан чиройли дўппиларнинг ҳар бирини беш-үн сўмдан сотаркан. Улар бой бўлиб кетишибди. Қиз калнинг бошини до- р*Итдармонлар билан даволабди.

Бир куни подшо қиз нокобил эрни қобил қила олдими-йўқми деб йилгани борибди. Бориб қараса, улар ҳақиқатда ҳам бойиб кетишибди, кал тузалибди. Шундан кейин подшо қизнинг донолигига ишонибди.

ДОНО ЎФИЛ

Миср шахрида очарчилик бўлибди. У жуда узоқ давом этибди. Ўша Миср шахрида бир кишининг бир хотини бўлиб, унинг саккиз ўгли ва олдинги хотинидан яна бир ўғли бўлган экан. Бир куни ҳалиги одам ўғилларига, бошқалар саломат колиши учун сизлардан битталарингни сотайлик, дебди. Бир онадан бўлган саккий ўғил бир-биримиздан аж- рамаймиз деб рози бўлишмабди, олдинги хотинидан қолган ўғил ота- сига: «Сиз ва ўғилларингизнинг ҳаёти яхши бўлиши учун мени сотинг», дебди.

Ҳалиги одам ўглини қул бозорига элтиб савдога қўйибди.

Ота ўғлидан: «Қандай ҳунарингиз бор?»— деб сўрабди.

Ўғли отасига, «мен гавҳаршунос, дуршунос ва тулпоршуносман», деб жавоб берибди.

Ота бозорда менинг гавҳаршунос, дуршунос ва тулпоршунос ўғлим бор, деб жар солибди. Ўша шаҳарнинг подшоси бу гапни эшитиб ўғил- фуруш олдига

келибди ва ўғлининг нархини сўрабди.

Халиги одам ўғлининг нархи ўн мингу бир танга деб жавоб бериб-ди. Подшо йигитни сотиб олиб уйига жўнабди.

Келгуси бозор подшо йигитни бозорга олиб чиқибди. Шу пайт бо-зорда: «Мен гавҳар сотаман», деган овоз эштилибди.

Подшо йигитдан сўрабди:

— Гавҳарнинг қайсиниси яхши?

Йигит жавоб берибди:

— Гавҳарфуруш олдида икки гавҳар ва бир дона дур бор,— дебди йигит.

Подшо йигитдан яна сўрабди:

— Улардан қайсинисини олайлик?

Дарҳақиқат, гавҳарнинг узоқдан шуъласи кўп бўлади. Подшо буни кўриб, кел, гавҳарни олайлик, дебди. Йигит подшонинг гапига рози бўлмабди.

— Гавҳарнинг ичида курт яширинган,— дебди йигит,— бир неча дақиқадан сўнг гавҳарнинг шуъласи пасаяди, дур бўлса доимо бир хил рангда қолади.

— Сен тухмат қиляпсан, гавҳарнинг ичида курт нима қилади?— дебди кимматбаҳо тош соҳиби.

— Келинглар синдирайлик, агар гавҳар ичида курт бўлмаса, мени, майли, жазоланг,— дебди йигит.

Йигит, подшо ва гавҳар соҳиби олдида гавҳарни синдиришибди, дарҳақиқат, гавҳарнинг ичида кўк курт ётган экан.

Энди подшо гавҳар ва дур пулини савдогарга бериши керак экан, аммо подшо дур пулини берибдию гавҳарнинг пулини бермабди.

— Гавҳарни ким синдириган бўлса ўша пулини тўласин,— деб^и ў1

— Эй подшо, мен сизнинг гапингизни қайтармадим, гавҳарни Сич-дирдим, чунки гап гавҳарнинг дурдан кимматлигига эди.

Нихоят, подшо гавҳарнинг ҳам пулини бериб, йигитни ўз уйига олиб кетибди. Ҳар куни йигитга иккита нон бериб, уни тарбия қила бошлабди. »

Келгуси бозорда йигит яна подшо билан бозорга борибди. Бозорда: «Мен тулпор сотаман»,— деган овоз эшитилибди.

Подшо йигитдан сўрабди:

— Бу тулпор қандай?

Йигит жавоб бериди:

— Тулпор жуда яхши, лекин у онасининг сутини ичмаган, тулпор- га бошқа хайвоннинг сутини беришган.

Подшо тулпорнинг эгасидан тулпорнинг қандайлигини сўрабди:

— Тулпоримнинг кичикилигига онаси ўлиб қолди, мен уни мол сути билан бокдим,— дебди сотувчи.

Йигитнинг гапи рост чиқибди. Подшо тулпорни йигит билан бирга уйига олиб келибди.

Хар куни йигитнинг насибаси иккита нон бўлса, энди унга учтадан нон берадиган бўлишибди. Кечкурун подшо ва унинг вазирлари йиғи- лишибди. Подшо сўрабди:

— Менинг асл насабим подшозодами ёки йўқми?

Йигит жавоб бериди:

— Сиз подшозода эмассиз, нонвой ўғлисиз.

Подшо онасини чакириб ундан асл насабимнинг ростини айтинг, агар ёлғон гапирсангиз бошингизни танангиздан жудо қиласман, дебди.

— Биз ўз вақтида ўғил кўрмадик. Отанг бўлса подшоликни тарк қилиб бошқа мамлакатта кетиб қолди. Шунинг учун мен гўё ҳомиладор бўлгандай қўйлагим остидан пахта боғлаб юрдим. Кунларнинг бирида нонвой оиласида ўғил туғилди ва ўғлини яширинча менга олиб келиб берди, отанг эса менинг бу ишимдан бехабар қолди. Бир куни подшо вафот этди ва сени унинг ўрнига подшо қилиб тайинлашди,— дебди онаси.

Йигитнинг донолигига қойил қолган подшо уни ўзига вазир қилиб олибди. Йигит отаси ва укаларини Миср шаҳридан ўз олдига олиб ке- либди. Ота ва ўғиллар фаровон ҳаёт кечира бошлабдилар.

ЗАРГАР ЙИГИТ

Бир подшо вазири билан шаҳар томошасига чиқкан экан. Бир зар- гарлик дўкони олдига келишса, бир ёш йигит шундай чаққонлик би- лан ишляяпти экан, у ясаётган буюмлар одамнинг кўзини қамашти- ракан. Подшо дебди:

— Эй вазир, мана бу йигитни кўрдингми? Бошқа усталар номига- гина уста. Уста дегани мана бунаقا бўлади. Хунари кишини лол қол- диради.

Эй подшоҳи олам, бу йигитнинг бирор сири бўлса керак,— деб- ди вазир.

— Агар сен ўша сирни била олсанг, сен менинг доно вазирим хи- собланасан. п

Вазир рози бўлибди. У заргар йигитнинг гузарига борибди. Кўшниларидан заргар йигитнинг гўзал, хушлафз ва меҳрибон хотини

94 борлигини билиб олибди. Унинг тезкор ва созкорлигининг сабаби ҳам ана шу хотин экан.

Кейин вазир бир жодугар кампирни топиб, унга кўплаб олтин бе- риб дебди:

— Заргар йигитнинг хотинини кўнглини эридан совутсанг яна шунча олтин

оласан.

Кампир заргарнинг уйига борибди, бир оз ўтирибди, кейин унинг хотинига дебди:

— Эй келин, сенга юрагим жуда ачишади.

— Нима сабабдан? — сўрабди хотин.

— Болам, сен жуда кўхлисан, эринг бўлса бир бенаво заргар. Кеч- қурун бошдан-оёқ қоп-корайиб келади. Агар гапимга кирсанг, мен се- ни мамлакат вазирига олиб бераман. Заргар йигит ўрнига вазирга те- гасан, сенинг жойинг заргар кулбасида эмас, подшо қасрида бўлади.

Хотин аввалига кампирнинг бу гапларидан ранжиб уни уйидан хайдаб чиқарибди. Эртаси куни кампир яна вазир номидан анчагина совгалар олиб келибдию заргар хотинига бериб яна кечаги гапини такрорлабди.

— Эй она, мен қандай қилиб вазирга тегаман,— дебди хотин.

— Болам, хали ҳам сенинг ақлинг кирмабди,— дебди кампир.

— Ақлсизлигининг сабаби нимада?

— Ақлсиз бўлмасанг, ажралиш йўлини билардинг. Кечкурун эринг келганда юз-кўлини ювиш учун сув бермайсан, ўтиргани тагига кўрпа- ча солмайсан, гаплашмайсан, қовоғингни солиб ўтирасан. Шу иркит заргар йигитдан нима кун кўрдинг, вақтни ўтказмай вазирга рози бўлавер, подшонинг ёши ўтиб қолган, у ўлса ўрнига подшо бўлади, сен эса малика.

Хотин ноилож рози бўлибди. Кечкурун йигит ишдан келибди, қа- раса хотиннинг ҳар кунги эҳтироми йўқ. Уйга кирибди, хотини дуруст гапирмабди.

— Мендан нима ёмонлик кўрдинг, лабинг осилиб қопти, дуруст гапирмайсан ҳам,— дебди заргар.

— Сен менга лойик эмассан! Мен ўз тенгимни топаман, сен ҳам ўз лойифингни топ,— дебди хотин.

Заргар бу гапларни эшишиб хафа бўлибди.

Тонг отибди. Йигит заргарлик асбобларини олиб дўконга борибди. Заргар ишлётганда болғачасини ҳам, сандонини ҳам синдирибди, не- ча марта қўлига болға уриб олибди, иши юришмабди. Ўша куни вазир йигитнинг бу ҳолини узоқдан кузатиб турибдию кейин яна подшо би- лан йигит дўкони олдига келишибди.

Подшо заргарнинг ишини кўриб ҳайрон бўлиб дебди:

— Эй вазир, менинг даргоҳимдан еган нонинг ҳалол бўлсин, ҳақи- қатда ҳам сен доно экансан. Лекин унинг уйини буздинг. Энди улар- нинг уйини яна обод қилиш йўлини топ.

Вазир подшонинг гапини қабул қилиб дебди:

— Сиз бораверинг, менинг заргар йигитда ишим бор.

Подшо кетибди.

Вазир заргар йигит олдига келиб:

— Эй заргар, тунов кун биз подшо билан келганимизда ишинг ав- жида эди, нега бутун на болға қолибдию, на сандон, девоналарча иш- лаяпсан? — деб сүрабди.

Заргар йигит бўлган воқеани айтиб берибди.

Вазир дебди:

— Эй заргар, уйингга борганингда бир оз ўтириб дамингни олу кейин офтобани олиб ювинаман деб кўлингдан тушириб юбор, офтоба ерга тушиб синади, кейин офтоба устида ўтириб йиғла. Сенинг бу ишингга хотининг кулади ва:

— Битта сополнинг бир лаби учганига шунчалик йиғлайсанми? — дейди. Шунда сен: «Мен йиғламай ким йиғласин? Офтоба менга йигирма йил хизмат қилди, менинг феълу мижозимни билиб қолганди. Мен ҳам унинг мижозига ўрганиб қолгандим. Мен бошқа офтоба сотиб олсам у менинг феъл-хуйимга ўргангунча мен борманми-йўқ», дегин.

Йигит уйига бориб вазир айтганча иш қилибди. Хотин заргарнинг гапини эштиб ҳайрон бўлибди ва ўйлабди: «Заргар тўғри айтади, мен ундан чиқиб вазирга тескам, ҳаётим яхши бўладими ёмонми, ким би- лади». Хотин ана шуларни ўйлабди ўрнидан туриб уй ишларини ил- гаригидай бажара бошлабди. Эрига меҳрибонлик қилибди. Заргарнинг кайфияти аввалгидай чоғ бўлибди.

Орадан бир неча кун ўтибди. Подшо билан вазир яна келиб қараса- лар, заргар йигит илгаригидан ҳам яхши ишлаётган эмиш. Унинг ху- нари одамнинг қўзини оладиган даражада эмиш. Подшо заргар йигит- нинг хунармандлигига қойил қолиб, уни сарой заргари қилиб тайин- лабди.

БАХОДИР ВА ЗАРРИНА

Баҳром деган подшонинг кирқ ўғли бўлиб, бири-биридан чиройли, баҳодир экан.

Кунлардан бир кун подшо ўғиллари билан овга чиқибди. Унга бир гурух надимлари ҳамроҳ бўлишибди. Улар узок бир биёбонга бориб, бир неча кун ов қилиб юришибди.

Подшо кўп ўлжалар билан уйига қайтаётган экан, юртининг узоқ бир чеккасида кирқ қизни кўриб қолибди. Қўлларига кўза ушлаб олган кирқ қиз тоғдан сув олиш учун пастга тушаётган эканлар. Улар дарё лабига келиб, кўзаларини сувга тўлдиришибдию яна токқа чиқиб, кўздан фойиб бўлишибди.

Ҳайрон бўлиб қараб турган подшо қизлар кўздан йироқлашгач, ва- зирiga караб:

— Ҳозир чопар юбориб аниқла: улар париларми ёки бирон киши- иинг фарзандларими? Нима учун улар тогнинг нариги томонидан ке- лишяпти,— дебди.

Елдай учиб кетган чопарлар кўп ўтмай фойиб бўлибдилар. Подшо бўлса уйига қараб жўнабди. Шаҳарга яқинлашганда чопарлар ҳам етиб келибди:

— Ўша узокдаги тогнинг орқасида Диёр номли подшо ҳукмронлик қилас экан. Унинг кирқ қизи бўлиб, биронта ҳам ўғли йўқ экан. Унинг юрти сувсизликдан хароб ва қашшоқ экан. Уларнинг боғу далалари, экинзору яловлари курғокчиликдан куриб кетибди. Сиз кўрган қизлар Диёр подшонинг фарзандлари экан,— дебди улар.

Чопарлар яна шундай хабар келтиришибди: Диёр подшо қизларини төг кесиб, унинг юртига сув келтирған қирқ ўғилли кишига берар экан.

Баҳром ўғилларига келин топилганидан хурсанд бўлибди. Эртаси куни кўплаб совға-саломлар билан элчи юбориб, унинг қизларини ке-лин килажагини, ўз юртидан Диёр мамлакатига сув чиқариб беражагини уқдирибди.

Жарчилар Баҳром мамлакатининг чор атрофига бориб ҳалқни иш-га даъват этишибди. Бу хабарни эшигтан Диёр юрти одамлари ҳам төг томон кела бошлабдилар.

Халқ қирқ кечага, қирқ кундуз төг кесиб, Диёр мамлакатига сув йўлини очиби. Шу муносабат билан шоҳлар қирқ кечага-кундуз базм уюштирибдилар. Шундан сўнг Баҳромнинг қирқ ўғли билан Диёрнинг қирқ қизлари тўйини бошлишибди. Катта ўғиллари катта қизларини ўз никоҳларига олибдилар. Баҳромнинг кенжা ўғли соҳибжамол Баҳодир Диёрнинг энг кичик қизи гўзал Зарринага уйланибди.

Заррина чиройлигина бўлиб қолмай, ақлли ва инсондўст ҳам экан. У парранда ва ҳайвонларни севаркан. Унинг боғида товус, оху, туяқуш ва бошқа паррандалар бокилар экан. Заррина уларни аллақандай завқ-шавқ, меҳрибонлик билан парвариши қиласкан. Паррандалар уни сай-раб пешвоз оларкан, товуслар атрофида юз хил товланиб айланаркан. Аммо Заррина ҳаммадан кўра кабутарларни севар ва эъзозлар экан. Уйининг дарчаси ёнига улар учун уя курган экан. Заррина ана шу дар-чадан каптарларга дон ташлаб юраркан. Заррина ҳовлида юрганида каптарлар учиб келиб унинг бошига, елкаларига қўниб эркаланаркан. Заррина уларни силаб-сийпалар, оғзига сув олиб уларнинг тумшуғига тутаркан. У девларнинг жони чиройли каптарлар баданига жойлашти-рилиши мумкинлигига, улар ҳакидаги афсоналарга ишонмас экан.

Диёрнинг ёрига сув келгандан сўнг Заррина шодлигидан ташқари чиқиб, янги дарё ёқалаб чопиб кетибди, серобликдан яшнаган дала-ларни томоша килибди. Ўтмишда қакраб ётган ерларнинг янги жамо-лига қараб тўймас экан.

Шу пайт унинг наздида бир кекса одам пайдо бўлиб қолибди. Мўйсафид Заррина томон кела бошлабди. У бир қўлида ҳассага таян-ган ва иккинчи қўлида бир лаганда турли ўсимликларнинг уругини кўтариб келибди.

— Ма, қизим, мана бу лаганни ол,— дебди мўйсафид Зарринага,— дарё ёқалаб уруғларни битталаб ерга ташлаб кетавер, улар тугагунча орқангга қарама.

Заррина мўйсафид кўлидан лаганни олибди-да, дарё лабига бир донадан уруғ ташлаб, орқасига қарамай кетаверибди. Лаганда бир оз уруғ қолгач, Заррина нима бўляпти экан деб орқасига қарабди. Алла-қачон дарё лабига ажойиб бир боғ пайдо бўлиб, ўрик, бодом, гилос, шафтоли ва олма дараҳтлари ўсиб вояга етибди. Дараҳтларнинг мева-

си тез туғилиб, пиша бошлабди. Мевалар бири-биридан шириң, тотли экан. Шу пайт Зарринанинг кўзи меваси олтиндек товланиб турган бир дараҳатга тушибди. Унинг меваси асалдан шириң экан. Бу анжир экан: унинг ёнида мевалари лаълдек товланиб турган бошқа дараҳат ҳам ўсган экан. Бу анор экан.

— Мана бу мевалар ҳаммасидан яхши экан,— дебди Заррина ўшандай дараҳатларни кузатаркан. Аммо бу дараҳатлар икки туп экан, холос. Ўлаганга қараб, қолган уруғлар ҳам шундай дараҳатлар тухуми бўлса керак, деб ўйлабди. Заррина уларни шошилганича олиб дарё со- хилига сепиб юборибди. Аммо қўққисидан кўтарилиган шамол уруғлар- ни дарёга учириб кетибди. Қиз ноиложликдан афсусланиб қолибди. Шунинг учун ҳам Диёр подшо мамлакатида анор ва анжир дараҳатлари кам ўsar экан.

. Тўйлар ҳам тугабди. Баҳром ўғил ва келинлари билан ўз юртига қайтибди. Туялар ҳамда сон-саноқсиз отлар карвони куп-куруқ бепоён даштда яқин бир чақиримча чўзилган экан.

Карвон ярим йўлни босиб ўтганда ҳаво каттиқ қизиб кетибди. Шу пайт қаёқдантир қум гирдибоди пайдо бўлибди. Кўп ўтмай гирдибод карвон олдини тўсиб кўйибди. От-уловлар ва одамлар тўхтаб, бир жойга тўпланиб олибдилар. Отликлар ҳам узангиларидан тушиб, йигилганларга қўшила бошлабдилар. Ҳеч кимнинг олдинга силжишга юраги дов бермас экан.

Бу аҳволни кўрган боғбон Зарринанинг эри, шоҳнинг кенжা ўғли Баҳодир нима бўлаётганини билиб келиш учун отасидан рухсат сўрабди.

Баҳодир гирдибодга яқинлашганда қум устуни ларзага келиб, кен- гайиб қалин бир булаттга айланибди ва унинг ичидан ҳайвонга ўхшаган дев чиқиб келибди.

— Эй Баҳодир, мен сени кутаётгандим,— дебди дев,— менинг саҳроларимда боғу роғлар барпо этган, эндиликда ер юзини жаннатдек обод қилиш орзусида юрган қизни — Диёршоҳ қизини ўз никоҳингга олибсан. Мен бунга асло йўл қўя олмайман. Сен ана шу ёш гўзал хо- тинингни менга берасан. Бўлмаса мен Сизлар қазиган ариғни қумга тўлдираман, дарё оқимини тўхтатиб, ҳар икки мамлакатни қумга кўмиб ташлайман.

Баҳодир карвон хузурига қайтиб, девнинг талабини айтиб берибди. Агар шундай қиласасак, дев ариқни кўмиб ташлаб, ҳар икки мамлакат- ни хароб этади, таъкидлабди йигит.

— Мени девнинг олдига элтгин. Мен ҳалок бўлсам ҳам ҳалқ омон қолса бўлгани,— дебди Заррина.

Баҳодир хотини билан дев хузурига бормоқчи бўлишибди ва ота- лари, акалари ҳамда опалари билан видолашибди.

— Биз икковимиз ҳалок бўлишга розимиз, факат ҳалқка тегмасанг бас,— дейишибди улар дев олдига келиб.

Дев уларнинг иккисини кўтариб осмонга чиқиб, биёбоннинг бир чеккасига учеб кетибди. Бир қанча вақтдан сўнг у ерга тушиб, асири- ларни ўз уйига элтибди. Ер остидаги ғордан иборат бўлмиш девнинг



үйини улкан бир маҳлук қўриқлаб ётарди. Дев келиши билан хона эшиги очилибди, ичкарига кириши биланоқ қайта ёпилибди.

Баҳодир билан Зарринани бир бурчакка итариб юбориб дебди.

— Мен чарчаганман, ҳозир ётиб дам оламан, эрталаб туриб икко- вингизни ҳам ейман.

Дев форнинг ичкарисига кириб, ёнбошлабди ва тезда уйқуга кетиб, хуррак ота бошлабди. Баҳодир билан Заррина ўлимларини кутиб ўти- раверишибди. «Кун ҳам тугаб, ҳадемай умримизнинг сўнгги туни бош-ланади, эрта тонгда хаётимиз поёнига етади»,— ўлашаркан улар.

Заррина эрининг қулоғига шивирлабди:

— ?чув анати бурчақдаги тош токча остидаги сандиқчани кўраяп-санми?! Бувимлар дев жонини сандиқчага яшириб кўяди дер эдилар. Ўша сандиқчанинг ичида яна бир сандиқча бўлиши керак. Ўшанинг ичида, кантар қалбидан девнинг жони сакланиши мумкин. Кантар ўлдирилса, дев ҳам ҳалок бўлади.

Баҳодир ўрнидан туриб, астагина тош токча олдига борибди. Унинг тепасида узун бир қилич осиғлиқ турган экан. Йигит уни олиб, бор қу-чи билан сандиқчага урибдию Сандиқча иккига бўлинибди. Девнинг даҳшатли наъраси бутун горни тутиби.

Баҳодир форнинг оғир дарвозасини очибди. ;алиги даҳшатли маҳлук-дарвозабон унинг олдини тўсибди. Баҳодир бир зарб билан уни ҳам ер тишлатибди. Эру хотин бир-бирларини ушлаган холда гордан чикибдилар... Ярим тун экан. Осмонда юлдузлар чараклаб турган экан.

Заррина билан Баҳодир юлдузларни томоша қилиб бепоён даштдан ўтиб бораётган эканлар, тонг саҳарда бир тўда йилкиларга учрабдилар. Улардан иккитасини ушлаб миниб ўйлларига равона бўлибдилар.

Иккинчи куни Баҳодир билан Заррина ўз карвонларига яқинла-шибдилар. Узоқдан қариндош-уругларининг нолаю фифони эшитилиб-ди. Аммо уларнинг нигоҳи Баҳодир билан Зарринага тушгач, фам-ҳас-рат ўрнини шод-хуррамлик эгаллабди. Шоҳнинг буйруги билан катта базм уюштирилибди. Жанговарлар табл чалар, машшоқлар куй чали-шар ва ҳофизлар қўшиқ айтишар экан.

Шу пайт Баҳром мамлакатидан чангу тупроққа беланган чопар етиб келиб дебди:

— Сиз кирқ ўғлингиз билан Диёр мамлакатида меҳмон бўлаётга- нингизда бизнинг юртимизга босқинчилар хужум қилишди. Улар ша-ҳарни босиб олиб, ҳалқни қирғин қилишди: ҳозир шаҳар четида пиистирмада туришибди. Сизни асир олишмоқчи.

Баҳром жангга шайланибди. Қирқ ўғлини лашкарнинг олдинги са-figa қўйибди, девқуш ўғли Баҳодирни бош қўмондон этиб тайинлабди.

Баҳромнинг лашкари даҳшатли наъра билан босқинчилар қўшини-га хужум қилибди. Қирқ ўғил душманга қуюнек ҳамла қилишаркан. Лекин фаним лашкар ўн хисса ортиқ экан.

Гўзал Заррина жанг майдонини диққат билан кузатиб турган экан. «Баҳодир енгилиб қолмасмикан, акаларининг кучи душманга бас кела олармикан», деган фикр уни изтиробга соларкан.

Ва ниҳоят Зарринанинг тоқати тоқ бўлибди. У бир сакраб отга ми-нибди-да, карвонни айланиб ўтиб, опаларига мардона кийиниб, отларга

минишини буюрибди. Шундан сўнг уларни бир тепа орқасига яшириб, аҳволни кузатиб турибди. ?ҳаш-паш дегунча душманинг ғалаба қозо- нишини сезган Заррина опалари билан наъра тортиб, Баҳромнинг чар- чаган лашкарига бориб кўшилишибди.

Душман Баҳромга янги куч ёрдамга келди, деб ўйлаб орқага тум- тарақай қоча бошлабди. Уларнинг кўтчилиги ўлдирилибди, бир кисми асир тушибди, қолганлари қочиб кутулибди.

Шундай қилиб, доно ва жасур Заррина эрига ёрдам бериб, бутун халкни куллик асоратидан сақлаб қолибди.

Баҳромнинг қирқ ўғли билан Диёрнинг қирқ кизи узоқ умр кўри- шибди. Унинг авлодлари ҳозиргача ҳам яшаб, девқуш Баҳодир ва унинг гўзал ҳамда доно хотини Заррина ҳакида афсоналар айтиб юри- шаркан.

ШАҲЗОДА БАҲРОМ

Рим подшосининг Баҳром номли ўғли бўлган экан. Бир куни у ўз одамлари билан овга чиқибди. Ов қилиб битта шерни тутибдию дада- сига совға қилиб юборибди. Сўнгра овни давом эттираверибди. Бир куни бир кийикнинг изидан бориб бир манзилга етиб лашкаридан аж- ралиб қолибди. Бир ерга борса бир киши қандайдир суратга тикилга- ніча ўтирган эмиш.

— Бу кимнинг сурати?— сўрабди Баҳром.

— Гуландомнинг сурати,— жавоб берибди ҳалиги одам.

— Менга унинг маконини айт,— дебди Баҳром.

— Мен фарзандларимдан айрилиб, Чин шоҳининг қизи Гуландомга ошиқ бўлдим, аммо висолига етолмадим. Бир наққош билан дўст бўлдим, у суратини чизиб берди. Уч йил юргандан сўнг ана шу суратни олиб келиб шу ерда ўтирибман. Сен бу йўлдан қайт, Чин шахрини топ- ганинг билан Гуландомнинг висолига етолмайсан,— дебди ҳалиги одам.

Баҳром йўлимдан қайтмайман дебдию чиқиб кетибди. У йўл юриб- ди, йўл юрса ҳам мўл юрибди ва ниҳоят бир чорбокка етиб келибди. У ерда бир ховуз бор экан. Баҳром ховуз бўйида дам олгани ўтирибди. Шу пайт боғ ичидан гўзал бир қиз чиқиб келиби.

— Кимсан, бу ерда нима қилиб ўтирибсан?— сўрабди қиз.

— Мен бир мусофириман, ўловчиман. Ўзинг ким бўласан?— дебди Баҳром.

— Жамхур, Кайхур, Шаммос, Каммосларнинг синглisisининг хиз- маткори бўламан,— дебди қиз.

Кейин қиз ичкаридан бир товоқ овқат олиб чиқибди-да:

— Мана буни еб кетинг, бекамнинг акалари машхур пахлавон- лар,— дебди қиз.

Бу ер парилар макони экан. Баҳром парилар боғига кирибди.

— Мен бекангнинг акаларини кўрмай кетсам номардлик бўлади,— дебди-да, баҳодирларни кутиб ўтираверибди. Бир маҳал даштдан чангу

тўзон кўтарилибди. Қараса, қизнинг акалари келишаётган экан. Боғ ёнидан ўтиб кетаётib акаларидан бири дебди:

— Сарвиосонинг bogida бир киши кўриняпти.

— Бориб кўриб келгин-чи,— буюрибди катта акаси укасига.

Кичик баҳодир ҳовуз лабига келибдио Баҳромга дўқ-пўписа қила бошлабди.

— Одам келса оёғи куярди, қуш келса қаноти, сен қандай қилиб синглимнинг bogига кириб қолдинг?

Акалари бир оз кутишибди, аммо укаси ҳадеганда келавермабди. Ўртанча баҳодир келиб қараса, Баҳром укасини боғлаб қўиганмиш. У ҳам наъра тортиб, дағдага қилган экан, Баҳром уни ҳам бир зарбда ийқитиб, дараҳтга боғлаб қўйибди. Хулласи қалом, Сарвиосонинг тўртта акаси ҳам келибди, Баҳром тўртталасини ҳам енгид, ҳовуз ла- бидаги дараҳтга боғлаб қўйибди. Шу пайт ичкаридан чиқиб келган Сарвиосо акаларига караб дебди:

— Эй баҳодир йигит, дадангиз ўзингиздан кичикларга ёмонлик қилмагин деб насиҳат қилган эдилар-ку. Мен ўшанда сизларнинг то- мингизнинг бўғотида ўтирган эдим. ;<еч бўлмаса, берган таомим ҳур- мати уларни қўйиб юборинг. Нима истагингиз бўлса акаларим бажа- ришади, уларни ўлдирманг.

Баҳром уларни қўйиб юборибди. Тўрт оғайни Баҳромни кўргонга олиб бориб бир неча кун зиёфат қилишибди. Кунлардан бир кун Баҳ- ром уларга дебди:

— Менга Чин шаҳрини кўрсатиб қўйинглар.

Улар Баҳромни кўргонга келтиргандаёқ Сарвиосони унга никоҳлаб беришини кўзлаган эканлар.

— Битта шартимиз бор, ана шу шартни бажарсангиз, сизнинг ил-тимосингизни адо этамиз,— дебди Жамхур.

Жамхурнинг хотинини дев олиб қочиб ғорга яширган экан. Жам- ҳур ўша ердан хотинимни олиб келиб бер, дебди.

Баҳром улар билан биргаликда бир жойга борса ер ёниб ётганмиш.

— Нега бу ер куйиб ётибди?— сўрабди у.

— Девнинг нафаси теккан жой қурумга айланади,— дебди улар. Ўша ердаги ғор оғзи тош билан маҳкамланган экан. Баҳром тошни бир зарб билан кўтариб отибди. Ғор эшиги очилибди. Арқон билан бе- лини боғлаб Баҳром ғорга тушибди. Ғор тагига етиб бориб, қараса, дев ухлаб ётганмишу қиз сандик ичидаги ўтирган эмиш. Қизнинг номи Ру- хафзо экан. Қиздан Баҳром сўрабди:

— Эсон-омонмисиз?

— Ха, мен эсон-омонманд, дев олдимга келса қўлимга ханжар олиб ўзимга яқин йўлатмадим.

Баҳром девнинг оёғига бир найза суққан экан, дев:

— Пашиша чақдими?— деб оёғини йиғишириб олиби.

Баҳром яна найза суққан экан, дев уйғонибдио икковлари олиша кетибди. Баҳром девни ерга кўтариб уриб, беш бўлак килиб ташлабди. Шундан кейин сандик билан қизни арқонга боғлаб тепага узатибди.

— Менга Чиннинг йўлини кўрсатинглар,— дебди Баҳром.

Улар соchlаридан бир толадан узуб беришиб:

— Бошингизга бирон фалокат тушса, мана шуни тутатинг, биз кўмакка етиб борамиз,— дейишиби.

Баҳром юриб-юриб Чин мамлакатига етиб борибди. Гуландомни излаб тополмабди. Гуландом душманлардан қўркиб яшириниб олган экан, Баҳром кечаси ўша душманлар олдига келиб улар билан олишиб сардорларининг бошини узиб Гуландомнинг дарвозасига осиб қўйиб-ди. Кейин бориб бир боғда наматта ўраниб ухлайверибди.

Гуландомнинг Давлат деган битта канизи бор экан, ўша боғ сайри-га чиқкан экан. Баҳромга кўзи тушибди. Давлат Гуландом билан Баҳ-ром ўртасида ошикона хатларни ташиб юраркан. Булар хат олишиб юраверишсину энди гапни Баҳромнинг отасидан эшитайлик.

Баҳром дадасига шерни бериб юборибдию, аммо ўзи бормабди. Дадаси бир неча вақт кутибди, келавермагач, уни излаб ўйлга чиқибди. Ўша суратга тикилиб ўтирган бобонинг олдига етиб келибди:

— Шу ердан битта йигит ўтдими?— деб сўраган экан, мўйсафид жавоб бериди:

— У Чин мамлакатига Гуландомни излаб кетди.

Подшо ўн бешта айёр вазирини Чин мамлакатига юборибди. Улар излаб-излаб Баҳромни топишибдию ҳаммомда ювинтириб-тарантириб шоҳона либослар кийдиришибди.

Баҳромни олиб бориб бир бокқа қўйишибди. Баҳромнинг овозаси бутун шаҳарга тарқалибди. Етти ўшдан етмиш яшаргача ҳамма Баҳ-ромни қўргани чиқишибди. Буни эшитган Гуландомнинг ҳам отаси ке-либди. Гуландом эса кўшкидан, «қачон унинг висолига эришаркан-ман», деб томоша қилиб ўтирган экан.

Гуландомнинг отаси Баҳром билан сухбатлашиб ўтириб:

— Ана шу ўлдирилган душманлар орасида Беҳзод ҳам бор экан. Беҳзоднинг хунини сўраб бир одам келади, унинг номи Навшод. Бу-ларни ким ўлдириди экан, биттасининг бошини кизимнинг дарвозаси устига илиб кетибди,— дебди.

— Олампаноҳ, асло хафа бўлманг, юз томондан душман келса ҳам ўзим саришта қиласман,— дебди Баҳром.

Баҳром Чин диёрига душманларнинг келди-келди овозасини эши-тиб девларнинг соч толаларини тутатибди. Улар етиб келишиб, душ-манларни қириб ташлашибди. Баҳром подшога совчи юборибди. Под-шо дебди:

— Қизим инжик. Унинг инон-ихтиёри ўзида, ўзига одам юборинг-лар, агар у рози бўлса, мен ҳам рози.

Баҳром яна париларнинг соч толасини тутатибди. Сарвиосою Ру-хафзо етиб келишибди. Гуландомнинг олдига боришибди. Ўйин-кулги қилиб ўтиришиб Сарвиосо дебди:

— Биз совчи бўлиб келдик. Сенга Баҳромнинг ишқи ^ушибди.

— Менинг ихтиёrim дадамда,— дебди Гуландом.

Кейин тўю томоша қилишиб Гуландомни Баҳромга никоҳлаб бе-ришибди.

Бир куни Баҳром уйқудан туриб, «оҳ» тортибди.

— Мендан ҳам бошқа ёрингиз борми?—дебди Гуландом.

— Йўқ! Мен ёлғиз сени севаман. Лекин мен бу ерда шунчалик иззат-хурматда, роҳат-фароғатда ўтирибман. Ўёқда ота-онамнинг ҳоли не кечди экан,— дебди Баҳром.

— Сенинг бошинг қаерда бўлса менинг оёғим ҳам ўша ерда,— деб- ди Гуландом.

— Қиз палахмон тоши, хар ерга тушаверади,— дебди шоҳ.

Кейин Чин шоҳи ҳазиналар эшигини очиб, келин-куёвга истаганча йўл харажатларини берибди.

Баҳром ўттиз минг киши билан йўлга тушибди. Гуландомнинг орқасидан юртдошлари қолишибди. Улар тез фурсатда Сарвиосонинг мамлакатига етиб келишибди. Сарвиос билан Руҳафзолар ўша ерда қолишибди. Булар у ердан кўчиб, яна бошқа шаҳарга келишибди, ҳам- ма ҳалқ уларни шод-хуррамлик билан пешвоз олишибди. Баҳром ўз она-Ватанига яқинлашганидан хурсанд бўлибди. Битта айёрни дада- сидан суюнчи олишга юборибди. Баҳром отдан тушиб, бутун лашкари билан пиёда дадасининг шаҳрига кирибди. Баҳромнинг оёғи остига пойандозлар тўшабдилар, бошидан олтину, дурру гавҳарлар сочишиб- ди. Баҳромнинг дадаси чиқиб ўғлининг кучогига отилибди. ?<амма хурсанд бўлибди. Хамма муроду мақсадларига етишибди. Қисса тамом бўлибди, шайтон ғулом бўлибди.

АЁЗ

Шом мамлакатидаги Султон Маҳмуд деган подшо бир куни эллик- тача аскари билан овга чиқибди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, улар боши-кети йўқ, бепоён, кафтдай текис саҳрого етиб келишибди. Шу ерда бир гўзал оҳуни кўриб қолишибди.

— Ана шу кийикни тириклайн тутинглар,— дебди подшо.

Аскарлар тўрт томонга ёйилишиб кийикни ўраб олишибди. Кийик бечора ўзини ҳар томонга урса-да, одамлар ҳалқасидан чиқа олмабди.

Подшо аскарларига қатъий фармон берибди.

— Агар кимки кийикни ёнидан ўтказиб юборса унинг бошини та- насидан жудо қиласман.

Камма бу фармон қўркинчидан тол барги сингари ларзага келибди. Кейин улар кийикка яқинлашаверишибди. Худонинг курдати билан кийик подшонинг боши устидан сакраб ўтиб кетибди. Шунда ҳамма бир-бирига қараб қолибди. Энди подшони ким ўлдириши керак? Хи- жолатда қолган подшо ўша кийикнинг кетидан от кўйиб, дебди:

— Мен кийикни албатта тириклай тутиб келаман.

Кийик ҳам қочаверибди, подшо ҳам қуваверибди. Кийик ниҳоятда учкур экан. Хулласи қалом, кийик бир кирга чиқиб подшонинг қўзидан ғойиб бўЛиб кетибди. Ноумид бўлган подшо нима қилишини билмай қолибди. Кийикни йўқотгандан кейин подшо қаттиқ чанқаганини пай- қабди. Яқин атрофда сув йўқ экан. У қараса, узоқдан бир боғ кўри- nibdi. Подшо ўша бокқа қараб кетаверибди. Ичкарида бир боғбон юрганмиш. Боғбон келаётган киши Шом ҳокими эканлигини билибди. Подшо боғбоннинг саломига алик олар-олмас:

— Сув бер! Бўлмаса ташналиқдан ўламан,— дебди.

— Хўп бўлади,— дея чол сув олиб келибди.

Боғбоннинг битта шогирди бўлган экан. Боғбон сувни олиб келиб эндингина подшога узатаман деганда югуриб келиб косани уриб синди-рибди. Подшо бундан жуда ғазабланиб боғбонга:

— Бор, сен сув олиб кел, мен хозир бу боланинг адабини бериб қўяман,— дебди.

Бола бу гапни эшишиб қочиб кетибди. Шу пайт чол бошқа бир ко- сада сув олиб келибди-да, уни подшога узатаётган экан, ҳалиги бола узоқдан туриб косани уриб синдирибди.

Подшонинг ғазаби қайнаб дебди:

— Бу болани шунақангиз азоб бериб ўлдирайки, ҳали бунаقا жазо- ни ҳеч ким кўрмаган бўлсин.

Кейин боғбон ўз уйидан битта ҳам коса тополмай қўшнисиникига коса сўраб кирибди. У ердан ҳам коса тополмай мажбур бўлиб сувни чelаги билан олиб келибди. Подшо эндингина чelакни олиб сув ичаман деганда ўша бола пайдо бўлиб:

— Ширин бўлсин!— дебди.

Подшо боланинг бу ишига ҳайрон қолиб:

— Қали коса билан қониб ичаман десам косани уриб синдиридинг. Энди чelак билан ичишимни кўриб «ширин бўлсин!» дейсан. Бу қанақа қилиқ бўлди,— дебди подшо.

Бола подшога таъзим қилиб дебди:

— Эй подшоҳи олам, ҳали сиз кийик кетидан от қўйиб жуда чар- чаган эдингиз, баданингиз ҳам кизиган эди, ҳар тукингиздан тер қуий- либ турганди. Ўша пайт сизнинг суякларингиз кўра ичидан олинган темирдай қизиган, хамирдай мулоим эди. Агар ўша пайтда сув ичга- нингизда у сизга катта зарар киларди. Бадан қизиган пайтда совуқ сув ичиш мумкин эмас. Сиз боғбон икки марта қайтиб сув олиб келгунча, қўшни уйга кириб коса излагунча дам олдингиз. Баданингиз анча со- види. Шунинг учун ҳам мен келиб «ширин бўлсин» дедим.

Подшо боғбондан бу доно йигитнинг кимлигини сўрабди. Унинг номи Аёз экан. Кейин подшо боғбоннинг розилиги билан йигитни пул- га сотиб олинган қул деб аскарлари олдига олиб жўнабди. 7<, амма под- шони кутиб туришган экан. Бир пайт вазир қараса подшо ўзи билан бирга бир гадойваччани олиб келаётганмиш. /(.амма ҳайрон бўлибди. «Кийик қани?» деб сўрашга бирорнинг юраги бетламас эмиш.

Вазир подшодан:

— Подшоҳи олам, нега ялангоёқ гадойваччани ўзингиз билан бир- га олиб юрибсиз?— дея сўрабди.

Подшо вазирни койиб берибди:

— Сен бундан бўён бунаقا гапларингни йиғиштир, бу бола ҳэмма- дан ҳам доно экан.

Подшонинг бу гапига вазирнинг рашки ҳам, аччиги ҳам келибди, чунки илгари у подшо наздига энг доно одам ҳисобланаркан. Бахил вазир подшодан боланинг донолигини сўрабди. Подшо ҳалиги воқеани айтиб берибди. Вазир кулиб дебди:

— Бу донолик эмас, уни ҳамма билади, чунки ҳалкда: «Ранг кўру ҳол сўр» деган гап бор. У зеҳн солиб қараса, сиз жуда терлагансиз, шу боисдан сув ичгани кўймаган.

Кейин вазир подшодан сўрабди:

— Бу доно йигитнинг қандай хунарлари бор экан?

Подшо Аёздан қандай хунарларни билишини сўрабди:

— Мен уч нарсани биламан,— дебди бола.— Биринчиси, киши- ларни бир кўришдаёқ унинг қандай одамлигини айтиб бера оламан, иккинчидан, синчиман, бир кўришдаёқ отларнинг бир-биридан фарқи- ни айтиб бера оламан. Учинчидан, тошшуносман, қимматбаҳо тошлар- нинг сифатини аниқлаб бера оламан.

Подшою вазир ва одамлар боланинг бу гапларини эшитиб ҳайрон бўлишибди. Лекин вазир болани масхара қилиб кулибди. Шунда под- шо болага қараб дебди:

— Инсоншунос бўлсанг, қани айт-чи, мен қандай одамман?

Аёз кулиб кўйибдию подшога яқинлашиб қулогига пичирлаб:

— Подшо, агар мен сизнинг ким ва қандай одам эканлигингизни шунча одам олдида айтсам икки олам шармандаси бўласиз. Бирон кун ўзингизга айтаман,— дебди.

Шундан сўнг Аёз олдида турган отнинг у томон-бу томонига қараб дебди:

— Отингиз миниладиган отлар зотидан. Сув ичига тушса, дарёнинг ярмида ётиб олади.

Вазир Аёзнинг бу гапига қах-қах уриб:

— Бу бола гирт ахмок экан-ку,— дебди.

Шундан сўнг подшо боланинг бу гапини амалда синаб кўрмоқчи бўлибди. Шу пайтгача подшо от миниб дарёдан ўтмаган экан. Бирда- нига у отига миниб дарёга тушган экан, сувнинг ўртасига келганда от ётиб олибди. Ҳамма Аёзнинг гапи ҳақлигига ишонибди. Вазир эса Аёзнинг донолигига ишонқирамай дебди:

— Сен бундан олдин ҳам шоҳнинг отининг ётолоқлигини билган экансан?

Хулласи калом, у Аёзнинг ақл-фаросатига тан бермабди. Кейин подшо билан маслаҳатлашиб:

— Якинда минг тангага жавохирлар харид қилган эдик. Аёзга кўрсатайлик-чи, қани, уларнинг навини, нархини айтиб бера оларми- кин,— дебди.

— Тошни тушунса уни тошшунос дейиш мумкину, лекин доно одам деб бўлмайди,— дебди вазир.

Подшо Аёзни чақириб ўз гапига мувофиқ ҳалиги тошларни кўрса- тиб, уларнинг навини, қимматини айтиб беришини сўрабди. Аёз тошни олиб ўёқ-бўёғига назар ташлабди-да, дебди:

— Эй подшо, бу тошларнинг нави яхши, нархи минг танга. Лекин бу тошни хозироқ сотиб юборинг. Икки-уч йилдан кейин бу тошлар нест-нобуд бўлади, чунки уларнинг ичига иллати бор. Ўша иллат тўрт йилдан сўнг юзага чиқади.

Вазир баҳиллик қилиб Аёзнинг гапини рад қилмоқчи бўлибди:

— Ҳой бола, бу олма эмаски, ичини курт еган бўлсаю кейин уни батамом нобуд қилса.

Подшо Аёзнинг бу гапига қизиқиб қолиб тошни синдириб кўриб Аёзнинг ҳақ

ёки ноҳақлигини билмоқчи бўлибди. Аммо саройдаги одамлардан ҳеч ким тошни синдиришга журъат кила олмабди. Шунда Аёз тошни подшонинг кўлидан олибдию кўркмасдан синдирибди. Аёз- ни ўраб олган одамлар унга лаънат ўқишиб, «бу гадойвачча қимматба- ҳо тошнинг қадрини билмайди, шу боисдан уни синдириб ташлади», дейишибди.

Аёз одамларга қараб:— Мана, сизлар гавҳарни синдирган бўлса- ларинг мен тошни синдиридим. Яъни сизлар подшонинг ҳар бири бир гавҳарга тенг гапини синдиридиларинг, мен подшонинг гапи — чин гав- ҳарни эмас, балки у кишининг тошини синдиридим!— дебди.

Кейин ҳамма тошни тафтиш қилишибди. Ҳақиқатан ҳам подшо- нинг қимматбаҳо тоши нуқсонли экан. Шундан кейин вазир тан бериб, Аёзни тошшунос дебди.

Лекин унинг донолигини ҳали ҳам тан олгиси келмабди. Бари бир подшо Аёзни ўзидан узоклаштирасликка ҳаракат қилибди.

Подшою вазир аскарлари ва Аёз билан шаҳар томонга кетишётган эканлар, бир пайт ажойиб воқеа рўй берибди: йўл ёқасидаги болохона- лардан бирида бир юзи ою иккинчи юзи кўёшга монанд сохибжамол, қаламқош, нозик бадан, марварид тиш, бодомқовоқ, қора кўз санам тўпигига тушган кокилларини тараб ўтирганимиш. Бундай гўзални бу дўнёда ҳали инсон кўзи кўрмаган, кулоги эшитмаган экан. Подшо, ар- кони давлат ва Аёз бу сохибжамолга маҳлиё бўлиб қараб қолишибди. Бир кўришдаёқ ҳамма ўша паризодга ошиқу бекарор бўлиб қолишиб- ди. Ҳамма унинг оёғини ўпиб, бир дам сухбатлашишни орзу қилишибдию, аммо бунинг иложини топишолмабди. Ноилож улар қизнинг уйидан узоклашиб кетишибди. Оқшом ҳам кирибди. Ҳамсафарлар бир яхши ерга чодир тикишиб, ўша ерда тунаб тонг оттироқчи бўлишиб- ди. Ҳамма уйкуга кетган ярим тунда подшо вазирни чакириб дебди:

— Шу яқин орада бир «донишманд» бор, мен ўша кишини зиёрат қилгани бораман, сен келиб менинг ўрнимда ёт, ким сўраса, «зиёратга кетди», дейсан.

Шундай қилиб подшо жойини вазирга берибдио чиқиб кетибди. Тундан бир оз ўтгач, вазир Аёзни чакириб дебди:

— Мана шу яқин орада бир «донишманд» борлар, мен ўша кишини зиёрат қилгани бораман. Сен келиб менинг ўрнимда ёт, кимки сўраса, «зиёратга кетдилар», дегин. Мен ўша кишини кўраману қайтаман.

Аёз ҳам рози бўлибди. Вазир ҳам хурсанд бўлиб чодирдан чиқиб кетибди. «Қаъбаю бутхона баҳонаю кўнгил сенга талпинади», деган- ларидек, подшою вазир кетма-кет ҳали йўлда кўрган сохибжа^йОлнинг дарвозаси олдига боришибди.

Энди сўзни подшодан эшитайлик. У шошганича орқа-олдига қара- май, ўша сохибжамол қизнинг дарвозаси тагига бориб эшикни қоқиб- ди. Канизак қиз чиқиб подшонинг нима мақсадда келганини сўрабди. Подшо ўша сохибжамол қизнинг кимлигини сўрабди.

— У малика, яньни Ироқ подшосининг қизи. Бу ерга тўрт ойга дам олгани келган,— дебди канизак.

Подшо ўзининг Шом ҳокими эканлигини айтиб, кириб бир зум сухбатлашиш учун маликанинг розилигини олиб келишни канизакдан сўрабди.

— Ҳозир бориб билиб келаман,— деб, канизак ичкарига кириб ке-тибди. Малика ҳам подшонинг гапини, илтимосини бирма-бир эшит-гач, дебди:

— Мен подшонинг келишига қарши эмасман, фақат иккита савол бераман, агар ана шу саволга тўғри жавоб берса, марҳамат килиб ху-зуримга кирсинг, агар жавоб қайтара олмаса, остоңадан нари кетсину қайтиб бу музофотда туркини кўрсатмасин.

Биринчи саволим шуки, битта сигирим бор, на семизу на ориқ, ўша қанча гўшт қилиши мумкин? Иккинчи саволим: битта сигирим бор, су-ти на каму на кўп, у бир кеча-кундузда қанча сут бериши мумкин?

Канизак келиб саволларни подшога айтиб, ундан тўғри жавоб ку-ти турибди. Подшо бўлса ўйланиб қолибди. «Тажрибали синчи қас-соблар сигирни кўриб, ўёқ-буёгини кўздан кечириб, тахминан шунча гўшт қилади, дейиши мумкин. Ахир мен қассоб бўлмасам, бунинг устига сигирни кўрмаган бўлсан, нима дейман. Бирон марта сигир соғ-маган бўлсанам, акалли бир сигир бир кечаю кундузда қанча сут беради, деб сўрамаган бўлсанам.» Подшо гаранг бўлиб тахминан шундай жавоб берибди:

— Бориб маликага айтингки, сигир олти пуд гўшт қиладио олти коса сут беради.

Канизак подшонинг жавобини маликага етказибди. Малика кулиб-дию канизакка:

— Бориб, аҳмоқ подшо, маликанинг саволини мазмунини тушун-

мабсиз, нотўғри жавоб берибсиз, дегин,— деб тайнлабди.

Бу гапдан подшо мулзам бўлиб ақлу хуши бошидан учибди. Ана шу ҳолатда подшони олиб кетиш учун битта замбил билан икки ҳаммол керак бўлиб қолибди.

Подшо ўзига зўрга келиб маликанинг уйидан юз қадамча узоқлаш-ган ҳам эканки, коронги кечада ана шу томонга келаётган қорани кўрибди. Подшо синчиклаб қараса ҳам бу киши ўзининг вазири экан-лигини билмабди. Дарров ўзини бир чеккага олиб яширинибди.

Энди сўзни вазирдан эшитайлик. Вазир ўёқ-буёққа қарамай, тўғри маликанинг дарвозаси олдига келибди. Подшо сингари у ҳам эшикни тақиилатган экан, канизак пайдо бўлибди. Вазир ўзини танитибди. Сўнгра ичкарига кирмоқчи бўлган эдики, канизак:

— Тўхтанг, мен маликадан сўраб келай,— дебди.

Малика ўша саволни вазирга ҳам такрорлабди. Вазир канизакдан бу саволни эшитиб ҳайрон бўлибдио нима дейишини билмай қолибди ва таваккалига шундай жавоб берибди:

— Малика айтган сигир саккиз пуд гўшту саккиз коса сут беради. Канизак вазирнинг бу жавобини маликага етказибди. Малика қах-қах уриб кулибди-ю:





— Ўша аҳмоқ вазирга айтгин, қайси йўл билан келган бўлса, ўша йўл билан қайтиб кетсин!

Вазир бу жавобни эшитиб, турган жойида котиб қолибди. Шу пайт у ҳам узоқдан ўзи томонга келаётган бир корани кўриб қолибди. Шо-шилиб қолган вазир подшо яшириниб ўтирган жойга қараб чопибди. Бир маҳал подшо билан вазир бир-бирларини таниб қолишибди. Шун-дай бўлса ҳам улар гаплашмай, сирларини яшириб шу томон келаётган одамни пойлаб ўтиришибди. У одам якинлашгач, унинг Аёз эканлиги-ни билиб олишибди. Аёз ҳам тўғри келиб ҳалиги маликанинг эшигини тақиллатибди. Канизак чиқиб ким эканлигини сўрабди:

— Подшонинг энг яқин маҳрамиман,— дебди Аёз. Кейин ичкарига кирмоқчи бўлган экан, канизак:

— Тўхта, мен маликадан ижозат сўраб чиқай,— дебди.

Канизак ичкарига кириб чиқиб подшо билан вазирга берган ўша саволларини Аёзга ҳам айтибди. Подшо билан вазир маликанинг ҳу-зурига бу ялангоёқ гадой боланинг келганини кўришиб, мазах қилиб кулишиб ўтиришибди. Улар бу ҳам шарманда бўлиб ҳайдалади, деб ўйлашибди. Чунки у гадойвачча чўтири, коп-кора бўлиб, кишининг на-зари илмайдиган экан. Саволга тўғри жавоб берса ҳам малика бундай афти хунук кишини қабул килмайди-да!

— Хайр, майли, ахир ҳалқда: «Орзуга айб йўқ», дейишган-ку,— дебди вазир.

— Уйида егани нон йўгу итининг оти маржон,— дебди масхарао-муз оҳангда подшо.

Шундай дейишиб икки кўзларини Аёздан узмай пойлаб туришибди. Энди сўзни Аёздан эшитайлик. Аёз маликанинг икки саволини эшигчач, дарҳол кўйидагича жавоб берибди.

— Маликанинг сигири қанча гўшт қиласа ҳам майд-майд қилиб ҳаммасини еб кўяман. Сигири қанча сут берса, заҳар бўлса ҳам ичаман.

Аёзнинг бу гапини эшитиб подшо билан вазир ҳайрон бўлишиб, бир-бирига тикилишиб, Аёзни масхара кила бошлишибди.

Шу пайт канизак чиқиб:

— Доно йигит, маликамиз сизнинг жавобингизни эшитиб маъқул-лади ва «ўша доно йигит марҳамат қилсинглар», деб буюрди,— дебди.— Марҳамат, малика боғининг дарвозаси сиз учун очик.

Бу ҳолни кўрган подшо билан вазирнинг кайфлари учуб кетибди. Улар нима киларини билмай, чопиб маликанинг боғи орқасига ўти-шибди. Подшо вазирнинг елкасига миниб, деворга чиқиб ўзини бокқа ташлабди.

Вазир ҳам подшонинг орқасидан девордан бир илож қилиб ўтиб бокқа ошиб тушибдию икковлари бир бута орқасига бекинишиб ўти-раверйШибди. Аёз бўлса канизак олиб келган қуруқ курсига ўтирибди. Курси подшо турган жойдан беш қадамча нарида экан. Шунинг учун Аёзнинг барча гапларини, хатти-харакатларини подшо бемалол кўриб тураркан. Бир оз вактдан кейин бошқа бир канизак битта лаганда учта тақсимча олиб чиқибди. Канизак салом ҳам бермаскан, гапирмаскан. У лаганни хонтахта устига кўйибди-да, орқасига қарамасдан чиқиб кетибди. Биринчи товоқчада битта анору пичноқ бор экан, иккинчисида эса битта олмаю бир неча дона игна, учинчи товоқчада битта көғозу битта қайчи кўйилган экан.

Подшо бу ишни кўриб лол қолиб вазирдан сўрабди:

— Бу қанақа зиёфат экан-а? Ҳай, анору пичноғи тўғри, олмаю игна, көғозу

қайчи нимаси экан?

Аёз индамай пичоқни олиб анорнинг учини кесиб ўрнига кўйибди. Иккинчи товоқчага қўл узатиб игнани олмага санчиб кўйибди. Учинчи товоқчадаги қофозни олиб кийма-кйима қилиб товоқчага солибди.

Подшо билан вазир Аёзнинг бу ишини кўриб, ҳеч нарсани тушу- нишмай гаранг бўлишганича бир-бирларига тикилиб туришаверибди. Бир оздан кейин канизак келиб тақсимчаларни олиб кетибди. Кейин бир нечта узун курсиларни олиб келиб кўйибди. Унинг устида дарран- дадан паррандагача, мева сувидан тортиб ширавору шакар, минг бир хил иссиқ-совуқ таомлар муҳайё бўлибди. Кейин бирдан карнаю сур- найларнинг баланд овози эшитилибди. Унинг кетидан ўн канизак ма-ликани олиб чиқишибди. Малика пайдо бўлиши билан боғ худди ой келиб тушгандай ёришиб кетибди. Малика чунон ҳам зебу зийнат тақ- қан эканки, либоси билан хусни баҳслашаркан. Қимматбаҳо лиbosлар унинг хуснига хусн қўшиб тураркан. Шу пайт подшо билан вазир ма-ликани кўришибдию кучларининг борича дод деб жонларини унинг оёғи остига қурбон қилишмоқчи бўлишибди. Лекин улар боғда ўғри эдилар, шунинг учун индашолмабди.

Аёз ҳам маликанинг иззатини ўрнига кўйиб, жойидан туриб уни қарши олибди. Малика ҳам Аёз билан қуюқ сўрашибди:

— Хуш келибсиз, барно йигит,— дебди.— Бу манзилу бу боғ му- борак пойқадамингизга пойандоз!

Шундан сўнг малика Аёз шарафига катта зиёфат берибди. Вазир эса бу ишларнинг ҳаммасини ўз кўзи билан кўриб турган экан. Кейин у подшога дебди:

— Доноликда Аёз ҳам маликадан колишмас экан. Чунки малика йигитни яна бир нечта савол бериб, обдон синади.

Малика Аёзнинг ҳузурига келиши билан қуйидаги байтни ўқиди: Суратингни на қилай, сийратингга мос бўлмаса, Бемъани қуруқ сурат бир дона арпага арзимагай.

Малика Аёзни овқатга таклиф қилибди. Зиёфат авж олибди. Ша-роб ичишу қабобхўрлик бошланиб кетибди. Ешлар қадаҳларини уриштиришиб, бир-бирларининг саломатликлари учун шароб ичишиб-ди. Ичкилиқдан кейин созу ракс, шеърхонлик бошланибди. Ҳар бир канизаклар ўз санъатини намойиш этгач, танбурни олиб келиби Мали- кага беришибди. Малика танбурни қўлига олиб чунон ҳам чалибдик, ҳамма унинг овозига маҳлиё бўлиб, тонг котибди. Подшо билан вазир доду фарёд кўтаришмоқчи бўлишибдию, аммо бу ерга яширинча кел-ганларини эслаб, дамларини ичларига ютишибди. Улар кўзларини ма-ликадан узолмасканлар. Аёз юлдузларга қараб тонг отганини пайқаб-ди. Аёз ҳам маликадан узр сўраб кетмокчи бўлибди. Малика юз афсус чекиб дебди:

— Мен сиз билан танҳо сухбатлашишни истардим, бир оз ўтири- сангиз бўларди??

— Эй соҳибжамол малика, мен ҳеч вақт сизнинг гапингизни қай-тармайман, лекин подшо билан вазир мени чодирда қолдириб, «до- нишмандни зиёрат қилгани» кетишган. Агар мен бормасам, сир фош бўлади.

Подшо бу гапларни эшитибди. Кейин малика Аёзнинг гапига рози бўлиб дебди:

— Мен сизни уч кунгача кутаман, албатта келинг,— деб Аёзнинг пешонасидан ўпибди.

Аёз ҳам маликанинг биллурдек нозик қўлидан ўпибди-да, хайрла-шиб чиқиб кетибди. Маликанинг уйидан чиккан Аёз чопганича келиб ухлаб ётибди. Вазир

келиб қараса, Аёз аллақачоноқ келиб жойида ёт- ганмиш. Индамай орқасига қайтибию эрталаб подшо билан масла- ҳатлашиб, Аёзни чақиртиришибди. Подшо Аёздан сүрабди:

— Аёз, кечаси қаерда эдинг?

— Ҳеч ерга борганим йўқ,— деб жавоб берибди Аёз.

Подшо қанчалик қийнаб, дўқ-пўписа қилиб сўраса ҳам Аёз ҳеч нар- са айтмабди.

— Агар кечча қаерга борганинг айтмасанг дорга осиб ўлдираман!

— Майли, ўлдираверинг, мен ҳеч қаёққа борган эмасман’— дебди Аёз.

— Жаллод!— деб бақирибди подшо.

Бирданига куролланган киркта жаллод чопиб келибди. Аёзни уриб ўлдиргани олиб кетишибди. Олиб кетишаётганда Аёз подшо то- монга қараб дебди:

— Подшохи олам, мени ўлдирманг, мен рози, аммо фақат уч кун- дан кейин соат кундузи ўн иккida ўлдиринг!

Подшо рози бўлибди.

Кейин жарчилар жар солишибди:

— Уч кундан кейин ёлғончилиги учун подшонинг маҳрами -дорга осиб ўлдирилади! Ҳамма қатлгоҳга тўплансин!

Шундай килиб уч кун ўтибди. Аёзни кишанлаб қатлгоҳга келти- рибдилар. Ўшандо соат тахминан кундузи ўн бир экан. Аёзни дор остига тик турғизиб қўйишиб, жаллодлар келиб сўрашибди:

— Аёз, нимани билсанг айт, вақт оз қолди!

Аёз оғиз ҳам очмабди. Икки дақика қолганда арқончани Аёзниг бўйнига солишиб:

— Гапирасанми, йўқми?! Кечаси қаерга борган эдинг,— дейишиб- ди улар.

Аёз жим тураверибди. Бир дақиқа қолганда бирданига узоқдан оир қадди-қомати келишган йигит от чоптириб келиб тўгри Аёзниг олдига борибди. ;
амманинг дикқат-эътибори унга тортилибди. Ҳалиги йигит дор тагига келибоқ чўнтағидан бир сиким тарик олиб сочиб юборибди, бошқа чўнтағидан битта анорни олиб рўмолчага ўрабдию то суви чиқ- қунча сикибди. Сўнгра рўмолчани чўнтағига солиб индамасдан келган

йўлига қайтибди. У кетиши билан Аёз ҳам барча гапни айтиб беришга рози бўлибди. Жаллодлар Аёзни подшонинг олдига олиб келишибди ва у подшога ўша кеча қаерда бўлганию нима қилганини ҳаммасини бир- ма-бир айтиб берибди.

— Нега бу гапларни мен сўрагандага айтмадингу энди ҳаммасини гапириб беряпсан?—дебди подшо.

— Мен бу гапни сизга ўлдирсангиз ҳам айтмасдиму, лекин мали- канинг ўзи келиб сирни айтиб беришимга розилик берди. Ўша имою ишоралар билан мен ҳамма мақсадини тушундим, чунки «доноларга бир ишорату нодонларга юз калтак» дейишган,— дебди Аёз.

Подшо Аёздан маликанинг нима мақсадда тариқни сепганини, анорни сиқиб сувини чиқарганини сўрабди.

— Маликанинг тариқни сешиб юборгани сиримизни фош қил, рўмолчани анор сувига ивитиб чўнтағига соглани сендай йигитнинг қонини тўқтирмайман, дегани,— деб жавоб берибди Аёз.

Шундан сўнг подшо Аёздан олдинги саволларнинг маъносини сўрабди:

— Эй подшо олам, у савол эмас, шарт эди. Мен биринчи саволга, аникроғи шартга жавоб бериб, «канча гўшт қилса майда-майда қилиб ейман», деб, маликага гўштимни ҳар қанча қиймаласалар ҳам, ҳеч кимга сирни айтмайман, деб тушунтиридим.

Иккинчи шартига, «канча сут берса заҳар бўлсаям ичаман», дега- ним, «ҳар қанча азоб берсалар ҳам, заҳар юттирсалар ҳам тоқат қила- ман», деб маликага ваъда берганимни билдиради,— дебди Аёз.

Подшо Аёздан яна сўрабди:

— Товоқчаларда нима олиб келдио сен нима қилдинг, қилган иш- ларингни маъноси нима эди?

— У учта товоқча қасам эди; мен ўша қасамларни ичдим. Бирин- чиси, анорнинг учини киркиш билан мен бошимни узсалар ҳам сенинг розилигингсиз бирор кишига сир бой бермайман. Иккинчи олмага иг- наларни санчиди ўша мақсадимни яна яхшироқ тушунтироқчи бўлдим ва баданинга игна санчсалар ҳам сир бой бермайман, деб тушунтири- дим. Учинчиси, қоғозни майда-майда қилиб, агар мени ана шу қоғоз- дай бурдалаб ташласалар ҳам сўзимда маҳкам тураман ва доим ана шу ваъдамга вафо қиламан, деб қасам ичдим.

Бу гапларни эшитиб ҳамма ҳайрон бўлиб қолибди. Кейин ҳамма Аёзнинг барча ишларига қойил бўлишибдию, вазир эса Аёзнинг доно- лигига тамомила тан бериб, подшо билан маслаҳатлашиб, унинг ваъ- дага вафо қилганлиги учун, мардлиги учун, сир бой бермаганлиги учун бош вазир қилиб тайинлабдио вазирнинг ўзи эса чап қўл вазир бўлиб қолибди.

«Усул нағорачининг кўлида» деганларидек, Аёз бош вазир бўлган биринчи кунданоқ ҳалққа фаровонлик инъом этмоқчи бўлиб, «кемага тушганнинг жони бир» деганларидек, ўртаҳол, қашшоғу ҳамда кирқ хил солик тўлаб силласи қуриган ҳалққа баҳту саодат, фаровонлик баҳш этмоқчи бўлибди. Ўша йиллари биргина никоҳ ҳат солиғининг ўзи ўн минг танга экан. Кишилар зўргагина қарзу ҳавола билан кун кечирар экан.

Солиқнинг дастидан қарз бўлган кўпгина одамлар бошқа юртларга кўчиб кетишаркан; Халқнинг қарийб етмиш фоизи кетиб колган экан. Аёз мамлакатнинг ахволини кўриб, билиб, ҳалққа енгиллик берибди, соликларнинг етмиш фоизини бекор қилибди. Шу сабабдан кўп ўтмай ҳалқ турли жойлардан қайтиб кела бошлади. Бот фурсатда шаҳарлар одамга тўлиб қаровсиз ерлар обод бўлаверибди. Халқнинг ахволи кун- дан-кунга яхши бўлаверибди.

Халқ Аёзнинг бу яхшилигини кўриб дастурхон бошида ҳам, жой- намоз

устыда ҳам кошки тезроқ подшо ўлсау ўрнига Аёз подшо бўлса деб дуо қилишар экан. Подшо тезда ўлмаган бўлса ҳам Аёз уни анча адолатпешаликка ўргатибди.

Умуман, кундан-кунга ҳалқнинг ахволи яхшиланиб, подшо аста- секин Аёз кўрсатган йўл-йўриқларни бажарадиган бўлиб қолибди. Аёз ҳалқпарварлиги билан бутун дунёда обрў қозонибди.

Орадан кунлар ўтибди, ойлар кечибди, бир куни Аёз подшо олдига кириб дебди:

— Мен ўша маликага уйланмокчиман.

Бунга подшо ҳам рози бўлиб, дабдаба билан маликага совчи юбо- рибди. Отаси рози бўлибдию, аммо қизининг розилигини олиш учун олдига кирибди-да, бор гапни айтиб берибди.

Қизи Аёзнинг номини эшитиши билан:

— Дада, кизингиз бу дунёда бундан ақлли, доно одамни топа ола- дими?— дебди.

Отаси бу жавобдан хурсанд бўлиб совчиларга розилик бериб жўна- тиб юборибди. Икки подшо қирқ кечаю қирқ кундуз тўй беришиб, бу- тун мамлакат одамларини егизиб-кийгизиб маликани Аёзга никоҳлаб беришибди.

Орадан тахминан беш-олти йил ўтибди. Улар иккита фарзандли бўлишибди. Вақтлари хуш, димоғлари чоғ умр кечираверишибди.

Аёз вазир бўлғаннинг олтинчи йили экан, подшо бир куни уни ўз хузурига чакириб дебди:

— Мен саёҳатта чикмокчиман, сен мен келгунча ўрнимга бир ой подшо бўлиб турасан.

Подшо саёҳатдан касалланиб қайтиб келибди ва кўп ўтмай дунёдан ўтибди. Халқ унинг ўрнига Аёзни подшо қилиб қўтарибди.

Аёз катта бир мамлакатга подшо бўлса ҳам ўша иккала чоригини яшириб қўйган экан. Кейин биттасини таҳти устига, иккинчисини ёта- диган жойига осиб қўйибди. Уни пешонасига тегадиган қилиб осиб қўйганлиги учун ҳар куни чориги манглайига урилганда ўтмишда ким бўлғанлиги эсга тушаркан. Баъзан билмай қўполлик қилса ёки ўзида манманлик аломатини сезса ўша чоригига қараб: «Эй Аёз, ўтмишингни унутма!» деркан.

Шундай қилиб, оддий ялангоёқ гадойвачча донолигиу ҳалоллиги туфайли подшолик мартабасига эришиб, муроду мақсадига етибди.

ОДАМ ВА ШАЙТОН

Ўтган замонда шўх бир киши бўлган экан. Одамлар уни қўрқитиши учун, «бир кун эмас, бир кун сенинг ана шу қилиқларинг учун шайтон уриб кетади», дейишаркан. Бир куни ўша киши одамларга дебди:

— Кимки шайтонни ушлаб келиб менга кўрсатса юз тилла бе- раман.

Ҳамма юз тиллани эшитиб шайтонни излаб кетибди. Шайтон бу овозани эшитиб юз тиллага ҳаваси келибдию, «ӯша одамнинг олдига борайину ўзимни таништирай, юз тиллани бегона қимлайн», дебди ўзига-ӯзи.

Кейин ўша одамга рўпара бўлиб:

— Сиз мени танидингизми?— дебди.

— Йўқ, танимадим,— дебди ҳалиги киши.

Шайтон дебди:

— Сиз кимни излаб юрибсиз ўзи?

— Мен хеч кимни излаганим йўқ. Лекин одамларга, «кимки шай- тонни тутиб келса юз тилла бераман», деганман,— дебди.

I

— Сиз шайтоннинг нишонасини биласизми? — сўрабди шайтон. Ҳалиги одам:

— Ҳа,— деб жавоб берибди.

— Агар билсангиз ўша шайтон мен бўлмани,— дебди шайтон,— ўзимни курсатайину, ўша юз тиллани ўзим олайнин, деб келдим.

— Ким билади, сен шайтонми, йўқми? Қани, нишонангни қўрай-чи,— дебди ҳалиги киши.

Шайтон нишонасини қўрсатмоқчи бўлган экан, ҳалиги одам уни маҳкам ушлаб олибди-да:

— Ана энди кўлга тушдинг. Одамларни қўрқитиб алдаб юрадиган сенмисан ҳали? Ҳозир сени кўчага олиб чикаману шармандаю шарми-сор килиб расвонгни чиқараман, кейин тилка-тилка қилиб ташлай-ман! — дебди.

Бечора шайтон роса зору тавалло қилиб дебди:

— Менга юз тилла ҳам керак эмас, сенга минг тилла бераман, қўйиб юбор,— дебди.

— Агар бундан кейин одамзодга зарар келтирмасанг, одамларни қўрқитмасанг, қўйиб юбораман,— дебди ҳалиги киши.

Шайтон бундан кейин ҳалқقا зарар етказмасликка ваъда берибди. Кейин кутулиб кетибди-ю, ўзига-ўзи:

«Мени шайтон дейишади-я, лекин одамзод мендан ҳам шайтонроқ экан-ку», дебди.

ФАРХОД ВА ШИРИН

Ўтган замонларда гўзал Ҳисор тизма тоғлари орасида, сўлим дара-лардан бирида, Қоратоғ қишлоғи якинида Ширин номли гўзал қиз яшаган экан. Ширин гулдек зебо, юзидан күёшдек нур тараларкан;

шамшоддек қоматио шаҳло кўзлари, мушки анбар таратувчи кокил-лари кишини сеҳрлаб қўяркан.

Гўзал Ширин қаріб-қартайиб қолган ота-онаси билан ҳашаматли қўрғонда яшар экан. Қалъа тог этагига жойлашган бўлиб, деворлари харсанг тошлардан, панжарали дарвозаси эса пўлатдан экан.

Ширин ёшлигиданоқ табиятга меҳр қўйган экан. Шунинг учун хар куни эрта тонгдан қалъадан чиқиб шинам дарё соҳилларию гулу гул-зорлар, боғу роғлари ҳамиша яшнаб турган жозибали Қоратоғ қишлоғини сайд этиб, томоша килар экан.

Айникса, уни Қисор тоғларидаги зилол чашма сувларини бирлаштириб олтин водийга интилиб окиб турадиган ;(исор дарёси мафтун этаркан. Чунки Ширин қўпинча ана шу дарё лабига келиб мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олар, дарё мавжларига сукланиб қарап, сувнинг бетакрор, ҳамиша барҳаёт қўшикларини тинглар экан.

Бора-бора гўзал Ширин ҳуснининг овозаси оламга ёйилибди. Тўрт томондан совчилар кела бошлабди: улар орасида шаҳзодалар, вазиру вазирзодалар ҳам бор экан. Совчилар шу қадар кўп аканки, уларнинг ҳисобига этиб бўлмас экан.

Аммо Ширин ота-онаси орқали совчиларнинг таклифини рад этар-кан. Охир-окибат бу хилдаги борди-келдилар ота-онасининг жонига тегиб, кунлардан бир кун онаси Ширинга шундай дебди:

— Жон қизим, энди сен ёш эмассан, балоғат ёшига етдинг. Биз ҳам умид билан бола ўстирдик, энди кўп қатори тўю томоша қилиб, орзу-ҳавасини кўриб, тақдиримизга шукронга бажо келтиришимиз лозим.

Бу гапни эшитган Ширин бир неча вақт бошини эгиб, хаёл суриб турибди-да, сўнг қоматини ростлаб дебди:

— Онажон, менга уйланадиган йигитнинг бир ўзи бир кечада дар-ёдан ариқ қазиб қўргонимизга сув чиқариши лозим. Сув чиқариб, қалъа ва унинг атрофида қақраб ётган ерларни серобу обод қилган паҳлавон йигитгина менинг умр йўлдошим бўла олади.

Ота-она қизининг бу шартини совчиларга етказишибди. Бир кечада бир кишининг ўзи дарёдан анча баландликда жойлашган қалъага ариқ қазиб сув чиқариши амримахол экан. Шунинг учун ҳам барча совчилар Ширин висолидан умид узишиб, тарқалиб кетишибди.

Ўша яқинликларда тог қишлоқларидан бирида Фарҳод исмли бир чўпон яшар экан. Фарҳод ҳар гал қўйларини Ширин қалъаси ёнидан ҳайдаб бораётганда унинг ҳуснига маҳлиё бўлиб, қалбida ишқ тугёни алангалана бошлаган экан. Аммо у шоҳу шаҳзода, вазиру вузаролар-нинг Ширинга совчи қўя бошлаганини кўриб: «Ширин бундай машхур одамларни қолдириб менга илтифот қўрсатармиди» деб, унинг покизи ишқини соғ қалбida эъзозлаб юрар экан.

Кунлардан бир кун Фарҳод Шириннинг шартини эшитиб қолибди. У дарҳол кетмон ва метинини олибди-да, бу оғир шартни бажаришга киришибди. Фарҳоднинг бу карори совчилардан бири — жоҳил ва маккор шаҳзода Ҳусравнинг қулогига этиб борибди. У ҳам ҳасад ўтида ёниб, Ширин шартини бажармоқчи бўлиб, Қоратоғ томон йўл олибди.

Фарҳод дарёнинг баландлиги Ширин қалъасининг баландлиги би-лан тенг жойида ишни бошлабди.

Ҳусрав бўлса ундан қўйироқдан ариқ очишига киришибди.

Фарҳод мардонавор ишлаб, қисқа муддатда улкан бир ариқни қа-зиб бўлибди; тогни тешиб, сувни ўша ердан ўтказибди-да, тобора Ши-риннинг қалъасига

яқинлаша бошлабди.

Аммо умрида кўлига ўткир ханжардан бошқа нарсани ушламаган шаҳзода Хусрав минг мاشаққат билан озгина ерни қазиркану чарчаб қолиб, Фарҳод томонга қарайвераркан. Бир маҳал қараса Фарҳод қальяга яқинлашиб қолибди; ҳаш-паш дегунча Ширин висолига му-шарраф бўлиши аниқ бўлиб қолибди.

Бу ҳолатни кўрган Хусрав маъюс ва ноумид бўлиб, ишни тўхтатиб-ди. Аммо рашк ва ҳasad ўти унинг қалбини тирнай бошлабди. Нати-жада у Фарҳодни ҳам Ширин висолидан маҳрум этишга қарор қи-либди.

Табиатан ҳийлакор бўлган Хусрав фирибгарлик ниятида бир неча боғ бўйра келтирибди ва уларни дарё бўйидан Шириннинг қальасигача қаторлаб солдирибди. Шундан сунг Хусрав эски бир таниши риёкор кампирни чорлаб: «Ширин билан Фарҳод наздига бориб Хусрав ариқ-ни битқазди, деб айтгин», деб буюрибди.

Кампир ҳассаларини дўқиллатиб Ширин хузурига келиб дебди:

— Азиз қизим, шаҳзода Хусрав сенинг шартингни бажарай деб қолди, ишонмасанг чиқиб кўр.

Ойдин кечада бўлгани учун қатор солинган бўйралар ой нурида тов-ланиб, жилдир-жилдир оқаётган сувдек ялтиаркан.

— Эй хушхабар келтирувчи она, бориб шаҳзода Хусравга айт, тонг сахаргacha сув қальяга келса, мен унинг никоҳига ўтган бўламан,— дебди Ширин.

Маккора кампир қальядан чикибдию ҳассасини дўқиллатиб, ин-киллаб-синқиллаб Фарҳоднинг олдига келибди.

— Эй Фарҳод,— дебди маккора кампир,— сен бекорга жон олиб жон бериб ариқ қазиб ўтирибсан, Шириннинг лабидан Хусрав аллақа-чон жон олди.

— Нима дединг?— сўрабди юз-кўзи чангу тердан корайган Фарҳод.— Нималар деб алжираяпсан ўзи?

— Шириннинг лабидан Хусрав комидил ҳосил қилди деяпман. Ишонмасанг ана қара,— ой нурида товланиб сувга ўхшаб ялтираб турган бўйраларга ишора қилибди кампир.

Фарҳод юз изтироб билан қарабди. Унинг назарига қальяга яқин-лашаётган ариқ кўринибди.

— Хусрав аллақачон сув чиқариб бўлдими?— сўрабди Фарҳод.

— Худди шундай, у ариқни қазиб бўлди,— жавоб берибди кампир.


Бу нохуш хабардан Фарҳод шердек гаркираб, изғириндан ларзага келган тол новдасидек қалтирабди.

— Ширин висолисиз ҳаёт мен учун заҳардир,— дебди-да, Фарҳод уни ўткир метини билан пешонасига уриб, конга беланганд ҳолда йикки-либди.


Шу пайт Қоратоғ ортига ой ўтиб кетибди. Хусрав түшаган бўйралар жилоланмай қолибди. Фарҳоднинг ҳаёт күёши эса, ана шу сонияда мақр-хийла, гийбат булутлари орқасида гойиб бўлибди.

Эрта тонгда турган Ширин Хусрав қазиган ариқларни кўриш ния- тида қалъадан хурсандона ташқарига чикибди. Аммо ариқдан ҳеч ном- нишон кўринмабди. Ширин олдинрокқа борибди. Не кўз билан кўрсинки, чўпон йигит Фарҳод ўзи очган ариқ лабида конга беланиб ўлиб ётганмиш. Ана шунда нозанин Ширин Хусрав томонидан алдан- ганлигини сезибди. Шундан сўнг у бечора Фарҳод ёнига ўтириб нола чекибди, зор-зор йифлабди. «Эй халойик, Хусравни лаънатланг, унинг хийла-найрангини элга айтиб, хайдаб юборинг», деб бақирибди.

Шундан сўнг ҳеч ким садоқатли Ширин қалбини овлай олмабди. У бўлса муродига етолмаган Фарҳоднинг муҳаббатини қалб тўрида сақлаб ўтибди.



СЕХРЛИ
ЭРТАКЛАР





САЛИМ ПАҲЛАВОН

Бор экан-да, йўқ экан, етти иқлимга ҳукмронлик қилувчи бир под- шо бўлган экан. У бир куни вазирларини чакириб:

— Менга гўзалликда дунёда танҳо хотин топинглар,— дебди. Ва- зирлари:

— Хўп,— дейишиб, чор тарафга чиқиб кетибдилар. Юриб-юриб излабдилар, излабдилар, лекин бутун оламни қидириб ҳам подшога ёқадиган қиз топа олмабдилар. Подшо ғамгин ҳолда овга чиқиб кетиб- ди. У бир неча кун ов қилиб қайтаётиб бир қишлоқ томида қаторлашиб ўтирган чумчуқларни кўриб томоша қилгиси келибди ов қушини кўйиб юборибди. Ов қуши чумчуқларни қувлаб бир ҳовлига келиб қўнибди. Подшо дарвозани очиб бир нозанин қизнинг ов қушини тут- моқчи бўлиб югуриб келаётганини кўрибди. Подшо бир кўришдаёқ ҳа- лиги қизга ошику шайдо бўлиб қолибди. У ов қушига ҳам қарамасдан отини чоптириб қасрга етиб келибди-ю, вазирларини чакириб деб- ди:

— Фалон қишлоқда бир нозанин қиз яшайди, шунга совчи бўлиб боринглар, мен унга уйланаман!

У бир подачининг қизи экан. Вазирлар келиб унинг эшигини та- киллатибдилар. Подачи вазирларни ичкарига олиб кириб яхшилаб зи- ёфат қилибди. Кеч тушаётгандага ўнг қўл вазир подачига дебди:

— Эй подачи, нега биздан қаердан келганлигимизу, қаерга кетаёт- ганимизни сўрамайсан?

Подачи дебди:

Г

— Мен ишонаманки, сизлар менинг уйимга меҳмон бўлиб келди- ларинг, агар шундай бўлса, кани айтинглар-чи, қаердан келяпсизлару қаёққа боряпсизлар?

— Биз сенинг уйингга меҳмон бўлиб эмас, совчи бўлиб келдик,— дебди ҳалиги вазир.— Бизни бу ерга подшо юборди, у сенга куёв бўлмоқчи, уни күёвликка қабул қил!

«У етти ўлканинг подшоси бўлса, мен бир подачи бўлсанам, рози бўлсанам ҳам, рози бўлмасам ҳам қизимни бари бир олади, яхшиси, рози бўлақолай», дебди подачи.

Подшо етти иқлимга етти кечаю етти кундуз тўю томоша бериб қизни никоҳлаб олибди. Гўзалликда тенгсиз бўлган қиз борган сари подшонинг олдига боришибди ва нима сабабдан мамлакатни бошқа- риш ишлари билан машғул бўлмай қўйганлигини сўрашибди.

— Мен энди подшолик килмайман,— дебди у,— ўғлим Салим кат- та бўлгунча ўнг қўй вазирим мамлакатни идора килиб турсин. Ўғлим вояга етгач, у менинг ўрнимга подшо бўлади.

Шундан кейин подшо бору йўқ нарсаларини олиб хотинини етаклаб чиқиб кетибди.

Болани вазир тарбия қила бошлабди. Бола тезда вояга ета бошлаб- ди: бир кунда икки кунлик, икки кунда тўрт кунлик, бир ҳафтада тўрт ҳафталик, бир ойда тўрт ойлик бўла бошлабди. Боланинг тез кунлар ичидага вояга етиб, подшоликни олишини ўйлаб, вазир уни йўқотиш йўлларини излай бошлабди.

Бир жодугар кампир бор экан, вазир уни ўз хузурига чакирибди. Икковлари ҳийла ишлатиб, болани ота-онасини ахтариб боришига юбо-ришмоқчи бўлишибди.

Кампир боланинг йўлига чиқиб чарх йигириб ўтирибди. Соққа ўйнаётган Салим ўйнаб-ўйнаб соққачани иргитган экан, соққа кам- пирнинг чархига тегиб синдирибди.

— Ҳой, отасиз етимча, чархимни синдирединг-ку!— дебди кампир ўзини худди ранжигандай кўрсатиб.

— Эй она!— дебди Салим.— Нега мени отасиз дейсиз, менинг отам тирик, у етти ўлканинг хукмдор подшоси-ку!

Кампир дебди:

— Эй нодон бола, у сенинг отанг эмас, у отангнинг вазири. Сенинг ота-онанг юртдан чиқиб кетган, уларни излаб топадиган киши йўқ. Ишонмасанг бориб вазирдан сўра.

Салим шошганича югуриб келиб вазирдан сўрабди:

— Ростини айтинг, сиз менинг отам эмасмисиз?

— Ҳа, мен сенинг отанг эмасман,— дебди вазир,— сенинг отанг ким, қаерга чиқиб кетган, агар ота-онангни кўрмоқчи бўлсанг, бор, изла!

— Албатта, кўришни истайман,— дебди Салим ва ўша заҳотиёқ йўл тарафдудини кўриб сафарга отланибди.

Йўлда кетаётган экан, унинг олдидан етти тегирмон тошини қўлида ўйнатиб келаётган бир паҳлавон чиқиб қолибди. Паҳлавон унинг йўлини тўсіб дебди:

— Ҳой бола, қаёққа кетяпсан?

— Ўзинг ким бўласан, сен қаерга кетяпсан?— сўрабди Салим.

— Мени тегирмон тошини қўтарувчи паҳлавон дейишади, мен Салим паҳлавон билан жанг қилгани кетмоқдаман.

— Мен Салим паҳлавоннинг укасиман, агар мени енгсанг, унга ҳам кучинг етади,— дебди Салим.

Икковлари кураша бошлабдилар. Уч кечаю уч кундуз олишибди- лар, аммо бир-бирларини йикитолмабдилар. Тўртинчи куни Салим тегирмон тоши қўтарувчи паҳлавонни ерга кўтариб урибди-ю, ханжари- ни чиқариб унинг бошини танасидан жудо қилмоқчи бўлган экан, паҳлавон дебди:

— Мени ўлдиришдан сенга не фойда, мени ўлдирма, сафарда бир кишидан икки киши яхширок. Қаерга бор десанг бораман, нима фармон берсанг бажараман.

Салим уни кўйиб юборибди. Тегирмон тоши қўтарувчи ўрнидан туриб дебди:

— Сенинг ўзинг Салим паҳлавон экансан, мени ундан бошка хеч ким енга олмайди.

Кейин икковлари йўлга тушишибди. Улар йўлда кетишаётган экан, олдиларидан икки қўлида икки чинорни ўйнатиб келаётган бир паҳлавон чиқиб қолибди.

— Қаерга кетяплизлар?— сўрабди чинор қўтарган паҳлавон.

— Сенинг ўзинг ким, қаерга кетяпсан?— дебди Салим.

— Мени чинор йиқитувчи дейишади, мен Салим паҳлавон билан курашгани кетяпман,— деб жавоб берибди нотаниш паҳлавон.

— Салим паҳлавон менман!

Шу пайт икки паҳлавон курашга тушиб кетибди. Салим бу паҳлавонни ҳам ерга кўтариб урибди-ю, ханжарини чиқариб бошини узмокчи бўлган экан, у дебди:

— Мени ўлдирма, сафарда икки кишидан кўра уч киши яхширок, қаерга бор десанг бораман, нима иш буюрсанг бажараман.

Салим паҳлавон уни кўйиб юборибди, икки киши эдилар, уч киши бўлиб кетавербдилар.

Улар йўл юрибдилар, йўл юрсалар ҳам мўл юрибдилар, бир пайт уларнинг олдидан бир дарё чиқиб қолибди. Дарё бўйида бир паҳлавон ухлаб ётган экан. У дарё сувини ичига тортса қурир, туфласа дарё сув- га тўларкан.

Салим унинг тепасига бориб сўрабди:

— Сен кимсан, бу ерда нима қиляпсан?

— Менинг номим дарё қуритувчи,— жавоб берибди у,— Салим паҳлавонни кутиб ётибман.

— Унда нима ишинг бор?— сўрабди Салим.

— Жанг қилишни истайман,— дебди дарё лабидаги паҳлавон.

— Ундей бўлса, мен Салим паҳлавонман, тур мен билан курашга чиқ!

Салим бу паҳлавонни ҳам ерга кўтариб уриб бошини олмоқчи бўлган экан, у дебди:

— Эй паҳлавон, мени ўлдирганинг билан муродинг ҳосил бўлмай-ди, мени ўзинг билан бирга олиб кет, бирон кун керак бўларман.— Уч киши эдилар, тўрт киши бўлиб кетаверибдилар.

Юриб-юриб бир шахарга етибдилар.

— Сизлар шу ерда дам олиб туринглар,— дебди Салим,— мен бо-риб егани бирон нарса топиб келаман.

Шериклари рози бўлишибди. Паҳлавон шах'арга кириб бир ошпаз-нинг олдига борибди. Ошпаз ўнта қозонда ош дамлаган бўлиб, қирқта қорни катта ошхўр тўпланиб кутиб туришган экан. Салим паҳлавон ошпазнинг олдига келиб дебди:

— Биз тўрт кишимиз, мана бу пулни олу ош бер!

— Йўқ,— дебди ошпаз.— Мен бу ошни шаҳарнинг катталари учун тайёрладим, бошқа ҳеч кимга бермайман.

Паҳлавон кўп ўйлаб ўтирамай ошпазни чинчалоги билан туртиб юборган экан, у гупиллаб йикилиб тушибди. Ошхўрлар туришиб паҳ-лавонга ёпиша кетидилар. Паҳлавон ҳаммани уриб тарқатиб юбориб, бир қозон ошни олдига кўйиб ея бошлабди.

Ик пайт шаҳарда: «Бир паҳлавон келибди, унга қирқта катталар-нинг ҳам кучи етмабди», деган овоза тарқалибди. Шаҳар аҳолиси, «бу қандай паҳлавон экан, қани бир бориб қўрайлик-чи», деб тўрт томон-дан югура бошлабдилар.

Салим паҳлавон қараса, одамлар ўёққа чопишиб, бўёққа чопишиб кимнидир излаб юришибди. Шунда паҳлавон дебди:

— Нега бунча чоп-чоп қиляпсизлар, агар бирон кишини излаётган бўлсаларинг у мен бўламан.

— Биз бир кишини, бир паҳлавонни излаяпмиз!— дейишибди одамлар.

— Ундей бўлса,— дебди паҳлавон,— ўша одам худди менинг ўзимман. Мен келиб ошпазга пул бериб ош беришини сўрадим, берма-ди, чинчалогим билан туртган эдим, йикилиб тушди. Ошхўрлар менга ёпиша кетдилар, ҳаммаларини уриб ҳайдаб юбордим. Менинг ўзимга ўхшаш учта укам бор, бориб подшоларингга айтинглар, ош қилиб қор-нимизни тўйдирса майли, бўлмаса аскарларини жангта тайёрлай-версин!

Бу гапни тезлик билан подшога етказибдилар. Подшо аввал жанг қилмоқчи бўлибди, аммо кейинчалик қўрқиб, паҳлавонларни меҳмон-дорчиликка чақирибди.

Зиёфатдан кейин подшо Салим паҳлавонга юзланиб дебди:

— Эй паҳлавон, менга жуда маъқул бўлдингиз, менинг яхшигина бир қизим бор, шуни сизга бераман.

— Мен уйланмоқчи эмасман,— дебди Салим паҳлавон,— қизин-гизни менинг укам — Тегирмон тоши кўтарувчи паҳлавонга беринг, унинг паҳлавонликда тенги йўқ, мендан қолишмайди.

Подшо рози бўлиб, уч кечаю уч кундуз тўю томоша қилиб қизини тегирмон тоши кўтарувчи паҳлавонга берибди. Салим паҳлавон тутин-

ган укаси тегирмон тоши күтарувчи паҳлавонга бир косада сут бериб дебди:

— Ҳар доим сутга қараб тур, агар сут қизарса, менинг бошимга бирор фалокат тушган деб билу ёрдамга шошил!

Шундан кейин паҳлавон икки укаси билан чиқиб кетибди. Паҳла- вонлар етти кечаю етти кундуз йўл юришиб бир шаҳарга кириб келиб- дилар. Улар шаҳар дарвозасига яқинлашганда Салим паҳлавон ука- ларига:

— Сизлар шу ерда туратуринглар, мен бориб ошу сув тайёрлайма- ну кейин келиб сизларни олиб бораман,— дебди.

Салим паҳлавон бозорга кириб нону гуруч, гўшту ёғ харид қилиб бир кампирнинг уйига кириб бир неча катта-катта қозонда ош пиши- риб, укаларини чақириб олиб кетибди.

Учковлари ош еб, чой ичиб роҳат қилиб дам олиб ўтирган эканлар, бирданига фала-ғовур бошланиб кетибди. Салим паҳлавон уй эгасидан сўрабди:

— Бу қандай ғулгула?

Кампир жавоб берибди:

— Эй болам, асло сўрама, шаҳар аҳолиси бошига кулфат тушган. Бу ерда бир ҳовуз бор. Ана шу ҳовузда аждаҳо пайдо бўлган. У ҳар куни битта молу, битта одам сайди. Бугун подшонинг қизига навбат келди, ўшани олиб кетишаپти.

Салим ўрнидан туриб ҳовуз томон йўл олибди. Бориб қараса, ҳовуз бўйида бир нозанин қиз йиглаб ўтирганмиш. Паҳлавон унга яқинла- шиб дебди:

— Мен узоқ йўлдан келган мусоифрман, йўл юриб жуда толиқдим. Шу ҳовуз бўйида ўтириб бир оз дам олишга ижозат берсангиз.

— Йўқ, йўқ!— дебди қиз,— ҳозир ана шу ҳовуздан аждар чиқади- ю, сени ҳам, мени ҳам ютиб юборади.

— Майли, агар еса сени ҳам есин, мени ҳам есин!— деб, паҳлавон бошини қизнинг тиззасига қўйибди.

— Аждаҳо чиқиши билан мени уйғот!

Салимни бир оз уйқу босибди. Кўп ўтмай аждаҳо чиқибди.

Қизни ваҳима босиб паҳлавонни уйгота олмабди, унинг кўзёшлари оқа бошлабди, бир томчи ёш эса йигитнинг юзига тушган экан, у уйгониб кетибди. Қараса, аждаҳо бошини чиқариб иккенин дамига тортаёт- ганмиш. Паҳлавон ўрнидан туриб ёнидан ханжарини чиқариби- ю, аждаҳонинг оғзига тўғрилабди. Аждаҳо дамига тортаётганда хан- жар уни иккига бўлиб бораракан. Аждаҳонинг қорнигача тилиб борган экан ҳамки, у ҳалок бўлибди. Паҳлавон аждаҳони кўтариб мачитга олиб бориб ташлабди-ю қайтиб келиб қизга дебди:

— Бор, сен озодсан, энди сенга ўлим таҳдид қилолмайди.

Қиз отасининг қасрига қайтиб келибди. Уни кўрган отаси ғазабла- нибди:

— Нега келдинг?— бакирибди,— у аждаҳо чиқиб шаҳарни вайрон килиб ҳаммани ютиб юборади-ку, ахир.

— Эй ота,— дебди қиз,— бир паҳлавон келиб, аждаҳони ўлдириб, мени озод килди.

Подшо ишонмай одам юборибди. Одамлари келиб қарашса, ҳовуз лаби ҳам, ҳовуз суви ҳам қип-қизил қон, ерга тўқилган қон излари эса мачитгача етиб борган. Мачитга боришибди, қарашса, аждаҳонинг жасади мачит ҳовлисини тутиб ётганмиш. Чопганларича бориб бўлган воқеани подшога етказибдилар.

Подшо:

«Кимки аждаҳони ўлдириган бўлса, менинг олдимга етиб келсин», деб

фармон берибди. Анча одам йигилибди. Бири, «мен ўлдирганман», деса, бошқаси, «мен ўлдирдим», деярмиш.

Подшо хайрон бўлиб дебди:

— Кимки аждаҳони мачит ховлисидан олиб ташласа ўша ўлдирган бўлади.

Ҳеч ким аждаҳони кўтара олмабди. Энди ҳеч ким, «мен ўлдирдим», деб даъво қилмабди.

Подшо халқни йигиб сўрабди:

— Шаҳарга бирон мусоғир келган эмасми?

— Фалон кампирнинг уч-тўрт меҳмони бор,— дейишибди одамлар.

— Бориб олиб келинглар!— амр килибди подшо.

Паҳлавонларни чақириб келибдилар.

— Қайсиларинг буни ўлдирдиларинг?— дебди подшо аждаҳога ишора қилиб.

— Мен ўлдирдим!— дебди Салим паҳлавон.

— Агар сен ўлдирган бўлсанг, уни кўтариб олиб чиқ!— буйруқ бе- рибди подшо.

Паҳлавон аждаҳони кўтариб улоқтирган экан, катта бир даштга бориб тушибди. Ҳамма унга таҳсину оғаринлар айтибди. Шундан кейин подшо дебди:

— Эй қўрқмас йигит, сен бизнинг халқимизни халокатдан куткар- динг, менинг қизимга иккинчи умр бердинг, айт, нимаики мақсадинг бўлса, бажо келтирай.

— Менга ҳеч нарса керак эмас,— жавоб берибди паҳлавон.

— Ундай бўлса,— дебди подшо,— мана шу менинг қизимнинг их- тиёри сенда.

— Менинг бир укам бор,— дебди Салим,— мендан ҳеч камлиги йўқ, қизингни ўшангага никоҳлаб бер.

• Шундан кейин подшо катта тўй қилиб қизини чинор айлантирувчи паҳлавонга никоҳлаб берибди. Тўй тугагач, Салим паҳлавон бу укаси- нинг уйига ҳам бир коса сут кўйиб дарё симирувчи билан бирга чиқиб кетибди.

Бир неча кечаю кундуз йўл юриб яна бир бошқа шаҳарга етиб ке- либдилар. Шаҳарга қириб шаҳар подшосининг ниҳоят нозанин қизи борлигидан хабар топибдилар. Қизнинг талабгорлари ниҳоятда кўп бўлиб, киз бир неча шарт кўйиб, кимки ана шу шартни бажарса, ўшан- га тегаман деган эмиш. Шартлар фоят оғир бўлганлиги учун ҳеч ким уни бажара олмас экан.

Салим паҳлавон бир кишидан сўраб қиз шарт кўядиган жойни би- либ олибди. Паҳлавонлар шарт кўйиладиган жойга бориб турибдилар.

Қиз деразадан қараб икки кишининг кутиб турганини кўрибди-ю, одам- ларига дебди:

— Боринглар, ўшал бадбахтларни бу ерга олиб келинглар.

Қиз надимлари паҳлавонлар олдига келишибди.

— Бу ерга келишдан бошларингдан жудо бўлишларинг ҳақида ўйлаб кўрдиларингми?— сўрашибди улар паҳлавонлардан.

— Албатта, ўйлаб кўрдик,— дебди Салим.

Надимлар уларни қиз хузурига бошлаб келибдилар. Қизнинг Са- лим паҳлавонга раҳми келиб дебди:

— Эй нозанин йигит, менинг шартларимни бажармаган киши ўлимга маҳкум бўлади. Яххиси ёш жонингга жабр қилмаю қайси йўлдан келган бўлсанг, ўша йўл билан кет.

— Менинг жоним ғамини ема! — дебди паҳлавон.— Мендан олдин ўлган киши сенинг сўнгги курбонинг эди.

— Ундаи бўлса, эшит,— дебди қиз,— биринчи шарт: учкур отим бор, унга миниб кўлингга бир коса сут оласан, от учиб анаву чинор устини уч марта айланиб тушади, агар сутдан бир томчи камайса ҳам бошингдан жудо бўласан.

— Майли, отни олиб келинглар,— дебди паҳлавон.

Отни келтирибдилар. У отга миниб, косани кўлига олиб, камчи бо- сибди. От учиб бир марта айланиби. Шу пайт бир томчи сут тўкилиб- ди. Паҳлавон кўзёши тўккан экан, саккиз катраси косага тушибди. Сутли коса яна тўлиби.

Паҳлавон косани эҳтиёткорлик билан ерга олиб тушибди.

Қиз коса тўла сутни кўриб дебди:

— Офарин, сен биринчи шартни бажардинг. Энди иккинчисини эшит: менинг ичиди бир жуфт ноёб гавҳари бўлган тилла сандиқчам бор эди. Сандиқча анави дарёга тушиб йўқолди. Ўша сандиқчани топиб чиқ!

— Майли,— дебди Салим паҳлавон.

Паҳлавонлар дарё лабига келишибди. Дарё сувини симирувчи сув- ни дамига тортиби. Дарё куриби. Паҳлавон тушиб излаб-излаб бир катта тош остидан сандиқчани топиб олиб, қизга келтириб бериби.

Қиз уни очиб қараса худди ўзиники. Паҳлавонга оғаринлар айтиб дебди:

— Иккита шартни бажардинг, яна иккитаси қолди. Аммо икки шартни бажариб ҳаммани қойил қилдинг, маълум бўладики, сен бош- қаларини ҳам бажарасан, аммо бунга ҳожат йўқ. Мен сенинг ихтиё- рингда.

Паҳлавон дебди:

— Йўқ, бунақаси кетмайди, ишни охиригача етказиш керак, айт- чи, яна кандай шартларинг бор?

— Яхдоним бор,— дебди қиз,— кечкурун ичига кириб эрталабгача ётасан.

— Майли, қани кўрсат,— дебди паҳлавон.

Қизнинг надимлари бориб яхдонни кўрсатишибди. Паҳлавон ичини очиб қараса шунчалик совукки, унинг ичиди бир дақиқа ҳам туришнинг иложи йўқ. У ўйланиб қолиби.

Шу пайт тегирмон тошни кўтарувчи қараса, косадаги сут қизариб қолиби, ичиди, «акамиз бошига кулфат тушибди», деб ўйлабдию тез- лик билан чинор ўйнатувчининг юртига келиби.

Чинор ўйнатувчи уни кўриб дебди:

— Эй биродар. ташвишга тушган кўринасан?

— Косадаги сутни қонли кўрдим, акамиз бошига кулфат тушиб- ди,— жавоб бериби паҳлавон.

Чинор ўйнатувчи ҳам косага қараса, ундаги сут қондек қип-қизил. Икковлари шошилинч равишда йўлга отланибдилар. Улар бир кунлик йўлни бир соатда. икки кунлик йўлни икки соатда босиб ўтиб етиб ке- либдилар. Келишса, Салим паҳлавон ғам чекиб, ўйланиб ўлтирганмиш. Унга салом беришибди, ҳол-аҳвол сўрашибди. Паҳлавон бўлган во- қеани айтиб бериби. Чинор ўйнатувчи дебди:

— Ғам ема, бунинг иложи осон!

У бориб тўртта катта-катта чинорни сугуриб келиб яхдонинг атро- фига қўйиб олов ёқиби. Салим паҳлавон эса эрталабгача унинг ичиди бемалол ухлабди.

Эрталаб қизнинг надимлари яхдонни очиб қарашса, паҳлавон ором олиб ухлаб ётганмиш. Улар ҳайратланиб қизга хабар етказибдилар. Қиз яна таҳсину оғаринлар айтиб, сўнгги шартини баён қилибди:

— Йигирма қоп ғаллам бор, ҳаммасини бир кечакундузда ун қи- либ келасан.

Паҳлавон рози бўлибди. Тегирмон тош кўтарувчи келиб ғаллани олиб кетибди-ю, айтган вақтида ун қилиб келтирибди.

Қиз буни эшишиб ўзида йўқ шод бўлибди. Паҳлавонга қойил қолиб, уни биродарлари билан ўз қасрига таклиф қилиб катта зиёфат ташкил этиб дебди:

— Эй хунарманд паҳлавон, энди мен сенинг ихтиёргидаман.

Паҳлавон катта тўй тараффудини кўриб, бутун шаҳарга «уч кечаю уч кундуз хеч ким уйида овкат пиширмасин», деб жар солибди.

Салим уч кечаю уч кундуз тўй бериб шоҳ қизини Дарё симирувчига никоҳлаб, укаларига дебди:

— Энди сизлар ўз юртларингга қайтинглар. Мен ота-онамни изла- гани бораман.

Паҳлавон укалари билан хайрлашиб чиқиб кетибди. Юриб-юриб бир катта тоғдан ўтиб, дарё бўйига етибди. Катта ва кенг дарёнинг ўртасида чиройлигина бир қаср бор экан. Паҳлавон: «Бу кимнинг қальяси экан, ичиди нима бор экан», деб ҳайрон бўлиб қараб турган экан, тўсатдан атроф коронгилашиб даҳшатли гулдурос билан қаер- дандир бир дев пайдо бўлиб сўрабди:

— Эй, жонидан тўйган одамзод, сен менинг манзилимда қаердан пайдо бўлдинг?

— Сени излаб юрибман!— дебди Салим.

— Менда нима ишинг бор?—дебди дев таажжубланиб.

— Сен менинг номимни ҳеч эшитмаганмисан?—сўрабди Салим.

— Мен одамзоднинг душманиман, унга ишим тушмаган бўлса, се- нинг номингни қаердан эшитай?— жавлб бопибди дев.

— Ундан бўлса,— дебди паҳлавон,— менинг исмим Девнинг ажали.

— Ие, ҳали сен мен билан жанг қилмоқчимисан?—деб, дев паҳ- лавонга ташланибди. Улар етти куну, етти кечакелишибдилар. Нихоят, саккизинчи кун паҳлавон девни кўтариб ерга урибди-ю, шу заҳоти унинг калласини олиб дарёга улоқтирибди. Шундан кейин девнинг отига миниб қасрга йўл олибди. От учиб қаср сахнига кёлиб кўнибди. Гўзалликда мисли йўқ бир киз пешвуз чиқибди.

— Эй, йигит,— дебди киз,— бу ер девнинг макони, қуш учса қано-ти куяди, одам келса зоти қурийди. Сен қандай қилиб бу ерга келдинг? Ёки сени дев кўрмадими, агар кўрган бўлса, қандай қилиб унинг чан- галидан халос бўлдинг?

— Эй нозанин, хотиржам бўл, мен девни ўлдирдим.

— Ишонмайман!

— Ахир девнинг отини кўрмаяпсанми, агар уни ўлдирмасам, қан- дай қилиб отини олишим мумкин.

Қиз бу хабарни эшишиб шоду хуррам бўлиб, дарров кўрпача солиб, дастурхон ёзибди, паҳлавонни меҳмон қилибди. Кейин паҳлавон сўрабди:

— Эй гўзал киз, сен кимсан, нега дев манзилида яшаяпсан?

— Мен Мозандарон шоҳининг қизиман,— дебди киз,— ота-онам- нинг яккаю ягона қизи эдим, улар мени жону дилдан яхши кўярди- лар. Бир куни мен сайр қилиш учун бокка чиқдим. Ҳали ўн қадам қўймасимданоқ қандайдир вахимали нарса пайдо бўлди-ю, мени кўта- риб қочди ва олиб келиб мана шу ерга ташлади. Кейинчалик билсан у дев экан.

— Энди сен озодсан! — дебди паҳлавон.— Мен сени ота-онанг олдига олиб бориб қўяман.

Қиз рози бўлибди. Паҳлавон девнинг отига миниб, орқасига қизни олибди-ю, камчи босибди. Улар отда уч кечаю уч кундуз учибдилар.

Нихоят қизнинг юртига етиб келибдилар. Шаҳарга кираверишда бир чўпонни учратиб уни подшога юбориб дебдилар:

— Бор, подшодан суюнчи ол, қизинг келяпти дегин.

Подшо хурсанд бўлиб пешвоз чиқибди ва қизи билан паҳлавонни ўз аркига олиб келибди. Қиз бўлган воқеани айтиб бергач, подшо Са- лим паҳлавонга миннатдорчилик билдириб дебди:

— Сен менинг яккаю ягона қизимни дев чангалидан халос қилиб- сан, энди менга куёв бўл.


Паҳлавон рози бўлибди. Подшо тўю томоша қилиб қизини унга никоҳлаб берибди. Бир неча кун ўтгач, бир кечаси йигит оғир ух тор- тибди. Шунда қиз сўрабди:

— Сенинг мендан яхшиrok ёки гўзалрок ёринг борми, бунчалик оҳ чекасан?

— Ҳа,— дебди паҳлавон,— фироқ оташи қалбимни ўртаяпти, аммо у сендан гўзалрок яхшиrok ёр фироқи эмас. Мен ўз ватанимдан азиз ота-онамни излаб чиққанман, шунча шаҳару мамлакатларни кез- диму, аммо ҳануз уларни топа олмадим.

— Эй азизим, ғам ема, агар сен уларни изламоқчи бўлсанг, мен сенга доим ҳамроҳ! — тасалли берибди қиз.

{



И|БП.ЯКу-

Эрталаб йигит подшодан ижозат олиб хотини билан биргаликда чиқиб кетибди. Улар кўпгина шахару қишлокларни кезиб чиқсалар ҳам ҳеч қаердан Салимнинг ота-онасини тополмабдилар.

Нихоят улар бир дарё бўйига келсалар, паҳлавонжусса бир йигит тўр ташлаб балиқ тутмоқда, унинг атрофида эса одамлар гавжум экан. Йигит ҳар тўр тортганда бир тўп балиқ тутаркану уни соҳилга ирги-таркан. Одамлар эса халтларини тўлдириб олиб кетишаётган экан.

Паҳлавон йигитнинг олдига келиб тўрини бир-икки навбат бериб туришини сўрабди. Балиқчи рози бўлибди. Паҳлавон дарёга тўр таш-лаб кўпгина балиқ тутиб чиқарибди.

Балиқчи йигит паҳлавонни уйига олиб бориб меҳмон қилибди. Ба-лиқчи йигитнинг отаси дехқончилик қиласкан, кечкурун даладан қай-тиб меҳмоннинг олдига кирибди, Салимдан ҳол-ахвол сўрабди:

— Эй йигит, мусоғирга ўхшайсан, қаердан келдинг, қаерга бо-расан?

— Фалон мамлакатдан, фалон шаҳардан келдим,— дебди Салим,— ота-онамни излаб юрибман.

— Фалон шаҳардан дейсанми?— сўрабди чол ҳаяжонга тушиб,— . отанг ким эди, оти нима?

— Отам подшо экан, онам эса подачининг қизи...

Паҳлавон ўз саргузаштини хикоя қилиб берибди. Мўйсафид унинг хикоясини эшитиб ўрнидан турибдию...

— Оҳ, сен менинг ўғлиммисан?— деб паҳлавонни қучоклабди, онаси етиб келиб ўғлининг юз-кўзларидан ўпибди. Балиқчи туриб қўлларини акасининг бўйнига ташлабди.

Ҳаммалари хурсанду хушбахт бўлишиб, дийдорларига тўйишиб, муроду мақсадларига етишибди.

САРГАРДОН БУЛБУЛЧА

Қадим бир бечора одамнинг хотини вафот этиб, икки боласи етим қолибди. Каттаси ўғилу кичиги қиз экан. Бирининг номи Майрамбиби, иккинчисининг исми эси Насим экан.

Ҳалиги одам бошқа бир аёлга уйланибди. Ўгай она болаларни жуда ёмон кўярар экан. Бир куни у ўзини касалликка солиб ётиб олибди. Эри ишдан келгач, хотини дебди:

— Мана шу ўғлинг жуда безорилик қилиб, менинг жонимга тегди, шунинг учун тоқат қиломай касал бўлиб қолдим.

Отаси Насимни роса калтаклаган экан, у аразлаб далага чиқиб ке-тибди.

У йўлда кетаётган экан, олдидан бир бўри чиқиб қолибдиу Насим-ни тутиб олиб еб қўйибди.

Майрамбиби укагинам қаерда қолди экан деб уёққа югурибди, бу-ёққа югурибди, аммо укасини ҳеч қаердан тополмай, суюкларини кўрибди, холос. Опаси укачасининг суюкларини териб бир халтага со-либди-да, битта чинор дараҳтининг шохига илиб қўйибди. У суюкларни эндигина илган ҳам экан, суюк булбул бўлиб учиб кетибди.

Булбулча бир неча вақт учиб, жаҳонни кезиб юрибди-да, отасини, онасини

ва яқин ўртоқларини соғинибди. Соғинчдан тоқати ток бўлиб-ди ва «бориб уларнинг дийдорларини бир кўрай», деб қайтиб келибди. Отаси ўз ҳовлисида ўтин майдаларкан. Булбулча отасининг олдига ке-либ, атрофида учаверибди.

— Кишё-е, безор килдинг-ку!— дебди отаси. Булбулча учиб том бошига ўтириб дебди:

Мен булбули сарсонман, Ҳар ёнада ҳайронман. Ўгай онам зулм қилди, Отам бағримни тилди, Этди мени хору зор, Сабабсиз берди озор. Ўз уйимдан кўчдим мен, Дала томон учдим мен. Бир бўрига ем бўлдим, Сайрар эдим, жим бўлдим. Опам чекди кўп қайгу, Суягимни терди у. Осди чинор шохига, Чидолмайин доғига, Мен булбули сарсонман...

Отаси бу қўшиқни эшитиб ҳайрон бўлиб дебди:

— Ҳой, булбулча, шу қўшигингни яна куйла-чи!

— Кўзларингизни юмсангиз кейин айтаман,— дебди Булбулча. Отаси кўзини юмган ҳам экан, Булбулча учиб ўгай онасининг олдига келибди. Ўгай онаси айвонда кўйлак тикиб ўлтиаркаркан. Бул- булча айвоннинг у томонига учибди, бу томонига учибди, тўрт томонга учаверибди.

— Кишё-е, безор килдинг-ку!— дебди ўгай она. Пешайвон олдида бир дараҳт бор экан, Булбулча ўша дараҳт шохига кўниб дебди:

Мен булбули сарсонман, Ҳар ёнада ҳайронман. Ўгай онам зулм қилди, Отам бағримни тилди. Этди мени хору зор, Сабабсиз берди озор. Ўз уйимдан кўчдим мен, Дала томон учдим мен Бир бўрига ем бўлдим, Сайроқ эдим, жим бўлдим. Опам чекди кўп қайгу, Суягимни терди у. Осди чинор шохига, Чидолмайин доғига, Мен булбули сарсонман...



Үгай онаси буни эшитиб ҳайрон бўлиб дебди:

— Эй, Булбулча, яна бир бор куйла-чи!

— Кўзингизни юмсангиз кейин айтаман,— дебди Булбулча.

Үгай онаси кўзини юмган экан, Булбулча учиб, опасининг олдига келиб қўнибди. Опаси буғдой тозалаётган экан. Булбулча ўёққа учибди, буёққа учидио дебди:

— Опажон, кел, озгина буғдой ей, корним тўйгач, кўшиқ айтиб бераман.

— Майли, еяқол!— дебди опаси.

Булбул буғдойни еб тўйгач, куйлай бошлабди.

Опаси Булбулчага кўзларини катта-катта очиб тикилганча ҳайрон бўлиб дебди:

— Эй Булбулча, шу қўшигингни яна бир бор куйла!

— Аввал менга айт-чи,— дебди Булбул,— укангни соғиндингми, йўқми?

— Албатта соғиндим,— дебди опаси,— жуда-жуда соғиндим! Отам ҳам соғинган, онам ҳам соғинган, унга азоб берганидан пушаймон.

— Ундаи бўлса ота-онангнинг олдига бор, учковларинг кўзларинг- ни юмиб қулоқ солиб туринглар!— дебди Булбулча. Опаси бориб ота- онаси билан кўзларини юмиб қулоқ солиб туришларини айтиби.

Булбулча бир айланиб яна аввалги холатига келибдио баки-риби:

— Кўзларингни очинглар.

Ота-онаси кўзларини очишса олдиларида Насим турган эмиш.

Учовлари ҳам фоят хурсанд бўлибдилар. Буни тарифлашга қалам ожизлик қиларкан.

Шундан кейин ўгай онаси азоб чеккан болачани яхши кўриб, асло койимайдиган бўлиб қолибди.

ЖОНОНКОСА

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда бир мамлакатда бир подшо бўлган экан. Подшонинг бир жононкосаси бўлиб, кўлига олса ўнта бўларкану токчага қўйса битта бўларкан.

Нима бўлибдио бир куни жононкоса подшонинг кўлидан тушиб чил-чил синиб кетибди. Подшо ниҳоятда хафа бўлибди ва бутун мам- лакатнинг шаҳар ва қишлоқларидаги кулолларни тўплаш ҳақида фар- мон берибди.

— Менинг косам синиб кетди, сизларга кирқ кун мұхлат, агар шу муддат ичида ана шундай коса тайёрлаб бермасаларинг бошларингни таналарингдан жудо қиласман,— дебди подшо йиғилганларга.

Бечора усталар, «ажалимиз подшо кўлида экан-да», дейишиб хафа бўлиб жонларидан умид узибдилар. Усталар орасида бир мўйсафид уста бўлиб, у етти яшарлигидан етмиш яшарлигигача косагарлик қил-са-да, аммо жононкосани қандай қилиб ясашни билмаскан.

Халиги чол бошини хам қилганича ҳайрону гирён шаҳар кўчасидан кетаётган экан, бир ҳовлиниңг эшигидан жулдур кийимли камбағал бола чикиб, чолдан сўрабди:

— Эй бобо, сиз бир нуроний киши бўлсангизу нега бунчалик ғам- гинсиз?!

— Эй нодон бола,— дебди чол,— бу дунёда қирқ кунлик умрим қолди, нега йигламай ахир. Подшо қирқ кундан кейин ҳамма косагар- ларни ўлдиради, мен хам қулолман.

— Усталар нима гуноҳ қилибдиларки, подшо уларни ўлдиради экан?— сўрабди бола.

— Жононкосаси синибди, бизга янгисини тайёрлаб берасан деб қирқ кун муҳлат берди. Бу иш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди.

— Эй, бобо,— дебди ҳалиги бола,— шунга ҳам ғам еб юрибсизми, асло койинманг, мени уйингизга олиб борингу ўёгини менга ҳавола қилинг.

Мўйсафид кулол хушҳоллик билан болани уйига олиб борибди. Бола чолнинг устахонасини кўздан кечиргач, унга дебди:

— Бобо, яҳшигина устахонангиз бор экан, энди бориб Қизилтоғ- дан, Сариқтоғдан, Қоратоғдан бир кашайдан тупроқ келтиринг.

Кулол бориб уч эшак тупроқ олиб келибди. Бола тупроқларни ара-лаштириб, ўн кечаю ўн кундуз қориштирибдио устахонанинг эшигини ичкарисидан маҳкам беркитиб, чолга уч кечаю уч кундуз эшикни очмасликни буюрибди. Уч кундан кейин бола эшикни очиб, чолни ча- қирибди. Чол ичкарига кириб қараса битта эмас, балки ўнта бир-бири- дан чиройли, жилоли жононкоса тайёр турғанмиш.

Мўйсафид хурсанд бўлиб улардан биттасини олиб подшога элт- моқчи бўлган экан, бола қўймай дебди:

— Бобо, сабр қилинг, ҳали ўттиз тўққиз кун ўтмасдан подшонинг олдига бормант, кейин битта эмас, иккита жононкоса олиб боринг. Подшога аввал биттасини беринг, агар ишонса иккинчисини кўрсатинг.

Уста қирқинчи куни подшо қасрига келиб қараса, ҳамма косагар- лар тўпланишиб бошларини хам, кўзларини нам қилишиб туришган- миш. Шу пайт подшо ичкариги хонадан вазиру надимлари билан бир- галиқда чикиб сўрабди:

— Қани, ким менинг жононкосамни тайёрлаб келди?

Ҳеч ким жавоб бермабди.

— Ким ясад келди?— бақирибди подшо.

— Мен ясад келдим,— дебди мўйсафид ва бир косани қўйнидан чикариб подшога узатибди.

Подшо косани қўлига олган экан, битта коса еттига бўлиниди.

Подшо хурсанд бўлиш ўрнига газабланиб мўйсафиддан сўрабди: — Сен қари ит, буни қаердан олдинг?

— Мен буни ўзим ясад келдим.

— Эй ҳалойик,— дебди подшо,— менинг иккита жононкосам бор эдй/биди ёси синди, иккинчиси хазинада эди. Агар ўша коса жойида бўлса, буни устанинг ўзи ясаган, агар у жойида бўлмаса бу қари ит менинг жононкосамни хазинадан ўгирлаб олиб келган бўлади. Қани вазирлар, бориб қўринглар-чи, жононкоса хазинада турибдимикан?

— Эй жаллодлар, бу қари ит ўгрини бошини танасидан жудо қи- линглар, токи у иккинчи бор ўғирлик қилмасину мамлакат ўғрилардан озод бўлсин.

Косагар мўйсафид қах-қах уриб кулибди.

— Ажалинг етиб қолибди-ю, яна нега куласан?— сўрашибди ун- дан вазирлар.

Мўйсафид подшога юзланиб дебди:

— Эй подшоҳи олам, хазинада нечта жононкосангиз бор эди?

— Битта дедим-ку, ахир!

— Хўш, агар бу битта жононкоса подшоники бўлса-ю, уни мен ўғирлаган бўлсам, мана буниси-чи?— дея мўйсафид қўйнидан иккинчи жононкосани чикариб подшога узатибди. Бу кося ҳам ҳамманинг кўз олдидা еттита бўлибди.— Подшоҳу вазирлар хайрон бўлишибди.

Косагар мўйсафид косаларини олиб қўйнига согланича чиқиб ке- тибди.

— Уни тўхтатинглар!— буюрибди подшо.

Вазиру жаллодлар бориб чолни тўхтатибдилар.

— Одамлар,— дебди подшо,— бу ерда қандайдир сир бор. Мўйса- фид, ростини айт-чи, бу косаларни қандай ясадинг?

Мўйсафид индамабди. Подшо косани чол ясамаганлигини сезиб дебди:

— Бориб, косани ясаган одамни олиб кел!

Уста уйига қайтиб, бўлган воқеани болага ҳикоя қилиб берибди.

— Сиз асло хафа бўлманг, бобо,— дебди бола,— бориб подшога бу жононкосаларни уста Носир косагарнинг ўғли ясаган, у ҳозир ме- нинг уйимда, агар сизга керак бўлса, қасрингиз остонасидан то менинг эшигим остонасигача поёндоз солинг, битта яхши оту кийим-бош юборсангиз, хузурингизга келади, деб айтинг.

Подшо Уста Носирнинг номини эшитиб дебди:

— Синган жононкосани ҳам Уста Носир ясаган эди. У киши ўлиб кетган, модомики устанинг бундай ўғли бор экан, у бизга керак.

Подшо мўйсафиднинг уйигача баҳмал поёндоз солиб, бир от ва кийим-бош юборишга қарор қиллибди. Уста Носирнинг ўғли янги кийим- ларни кийиб, отга миниб подшо саройига келибди. Подшо уни изза- ту икром билан қарши олиб ёнига ўтиргизиб дебди:

— Мен сени мамлакатдаги ана шу хунармандларга бошлиқ қилиб тайинлайман.

Уста Носирнинг ўғли рози бўлмай дебди:

— Ўғрилик, иккюзламалиқ, фирибгарлик авж олиб, касбу хунар хор бўлган мамлакатда хунармандлар сардори нима ҳам қила олар эди?! Агар хунармандлар, косиблар тинч бўлишини, касбу ху^арининг ривожланишини истасангиз мамлакатдаги ҳамма бозорларн^рг. цхти- ёрини менга беринг.

Подшо бир оз ўйланиб тургач, рози бўлибди. Уста Носирнинг ўғли бозорларнинг атрофини девор билан ўрашни, каппонлар куришни, бо-

зор жойларда саройлар, қатор-қатор дўконлар қуриб қоровуллар қўйишни буюрибди. Қоровуллар анчагина ўғриларни тутиб зиндонга ташлабдилар. Йигит бозорни жаллоблардан, товламачилардан тозала- тибди. Орадан икки-уч йил ўтмай бозорлар чунон обод бўлибди, башка кўплаб мамлакатлардан кишилар келишиб саройларда бир неча кун бемалол яшашиб савдо-сотик қиласидан бўлишибди.

Уста Носир косагар ўғлининг номи бутун оламга ёйилибди.

Қўшни мамлакатлардан бирида бадфеъл, ҳасадчи подшо бўлган экан. Бу овозалар унинг ҳам қулогига етибди. Бир куни ҳалиги подшо вазиру нодимларини чақиртириб дебди:

— Кимки бориб Уста Носирнинг ўғлини хоҳ тирик, хоҳ ўлик менга олиб келса, ўн минг тилла бераман. Ана шу иш амалга ошмагунча, ме- нинг кўнглим тинчмайди.

Подшонинг зийрак ва хийлакор вазири бор экан, ўрнидан туриб, таъзим қилиб дебди:

— Эй улуг шоҳим, рухсат берсангиз шу ишни мен ўз бўйнимга олсам.

Подшо рози бўлибди. Вазир ўша куниёқ Уста Носир косагарнинг мамлакатига жўнаб кетди. Бу мамлакатга келиб у бир неча вақт юриб-ди, аммо ишнинг чорасини тополмабди.

Уста Носирнинг ўғли бехудага кўчада юрмас, шунинг учун уни қўлга олишнинг иложи йўқ эди. Вазир ўйлаб-ўйлаб шундай қарорга келибди. Агар бозордаги молу анжомларни ўғирлаб йўқотсан, подшо газабланиб Уста Носирнинг ўғлини мамлакатдан чиқариб юборади. Ана шу пайтда уни қўлга тушириш осонлашади. Вазир шаҳарма-шахар юриб илгариги ўғриларни топиб уларга пул бериди ва кечалари бо-зорларда талон-тарожни авж олдиришни буюрибди.

Икки-уч йилдан бўён бекор юрган ўғрилар «худо берди» дейишиб ҳар кечаси посбонларнинг оёқ-қўлларини боғлаб бозорга киришар, дўконларни синдиришиб, қўлга нимаики кирса олиб кетишар, мусофи-ру савдогарларнинг молларини талон-тарож қилишаркан. Вазир ҳам улар билан бирга юрар, йўл-йўрик кўрсатар экан.

Ҳар куни бир неча киши подшо хузурига арзу дод қилиб келадиган бўлибди. Подшо бозордаги коровуллар сонини оширишни буюрибди, аммо бунинг ҳам фойдаси бўлмабди. Угрилар юз хийлаю найранглар билан ўз ишларини давом эттираверишибди.

Бир куни ўша хийлагар вазир подшога қуидагича хат юборибди. «Эй буюк подшо, сиз бекорга овора бўлманг, ўғриларни тута олмайсиз. Агар Уста Носир косагарнинг ўғлини шахардан чиқариб ҳайдасангиз ўғрилик ҳам тугайди, мамлакатингиз тинч бўлади».

Подшо шунда Уста Носирнинг ўғлини чақириб дебди:

— Эй Уста Носирнинг ўғли, ҳамма гап сенда экан, тезлик билан мамлакатдан чиқиб кет, агар чиқиб кетмасанг зинданга соламан, чириб ҳалок бўласан!

• кун муҳлат сўрабди.

— Эй муаззам подшо, мен шу қадар кучу аскарингиз билан ўғри-лар чорасини тезда кўрасиз деб гумон қиласр эдим, модомики иложини топа олмабсиз, ижозат беринг мен чорасини топай. Агар ўн кун ичида

ўғриларни ушлаб хузурингизга олиб келмасам, мени нима қилсангиз, розиман!

Подшо рози бўлибди.

Уста Носирнинг ўғли эски, йиртиқ кийимларини кийиб ўзини девонасифат килиб эрталабдан кечгача бозорлarda томоша килиб юрибди. Ўғрилар ҳар куни бозорга келиб қўлга кирадиган нарсаларни кўз остига олишиб, жанда кийимли бир боланинг юрганини кўришарди.

Бир куни ўғрилар коровулларнинг оёқ-кўлларини боғлаб бозорга киришса ҳалиги бола бозорнинг ўртасида хасу ҳашакларни тўплаб ўт ёқиб ўйнаб ўтирганимиш. Ўғрилар, «бу жинни бўлса, биз билан нима иши бор» деб ўз ишларини киласердилар. Уста Носирнинг ўғли бўлса, ўғриларнинг қадди-коматига, афту бащарасига зехн солиб ҳаммасини таниб олибди. Ўғрилар орасида салобатли, қуюқ кошли, серсоқол бир киши ҳам бор экан. Бу киши ўғри боши экан.

Эртаси куни, Уста Носирнинг ўғли кўчама-кўча юриб, ҳовлима- ҳовли назар ташлаб ўғриларни излай бошлабди.

Бир кун излабди, икки кун излабди, ниҳоят учинчи куни шаҳар че- тида тўсатдан ўғриларнинг сардорини кўриб қолибди. У баланд ва қа- лин деворли бир ҳовлига кириб кетибди.

«Мана ўғрилар макони қаерда экан?»— деб Уста Носирнинг ўғли уйига қайтиб келибию ҳамма ёру ошноларини тўплаб, ўша ҳовлига олиб келибди. Йигитлар бирданига ҳовлига бостириб кирибдилар, аммо уй бўм-бўш, ҳеч ким йўқ экан. Уста Носирнинг ўғли чор атрофга назар ташлабди-ю, бир токчани бармоқлари билан так-так килган экан токчанинг орқаси бўшдай кўринибди.

Йигитлар токчани тешган эдилар, орқадан эшик очилибди. Йичка- рига кириб қарашса ҳамма жой тилло-ю, тангалар билан тўла эмиш. Улар ҳеч нарсага қўл тегизмай ярим кечагача яшириниб ётибдилар.

Ярим кечада эшиклар тарақлаб очилиб кўпгина молу анжомлар билан ўғрилар кириб келишибди.

Шу пайт йигитлар ўғриларга йўлбарсдек ташланишиб, уларнинг оёқ-кўлларини боғлашибди. Ўғриларнинг сардори ўша серсоқол, сало- батли киши ҳам қўлга тушибди. Уларнинг ҳаммасини олиб бориб қа- маб қўйишибди. Орадан ўн кун ўтгач подшо:

— Уста Носирнинг ўғлини топиб келинглар!— деб вазирларига фармон бериди.

Уста Носирнинг ўғлини топиб келишибди.

— Сен ваъдангга вафо қилмадинг, сенинг жойинг зиндан,— деб, подшо Уста Носирнинг ўғлига дўқ урибди.

— Эй подшоҳи олам, аввал ўйла, сўнг сўйла, деганлар. Сиз мендан ўғриларнинг қўлга тушган-тушмаганлигини сўранг. Наҳот сиз ва вазирларнинг тўрт-беш кундан бўён мамлакат тинчиди, ўғриларнинг даф бўлганини билмаган бўлсаларинг,— деди Уста Носирнинг ўғли.

Подшо ҳайрон бўлиб вазирларига қарабди. Вазирлар нима дейиш- ларини билмай уялишиб ерга қараб тураверишибди.

— Ўғрилар фалон жойда, айтинг, бориб олиб келишсин,— дебди Уста Носирнинг ўғли.

Бориб ўғриларни олиб келишибди. Подшо ҳаммасини қиличдан ўтказишни буорибди.

Мамлакат яна обдон тинч бўлибди. Уста Носир косагарнинг ўғли бозорларни обод қилиб, ўз ҳунари билан машғул бўлиб, муроду мақса- дига етибди.

НЎХАТ ПОЛВОН

Умри бефарзанд ўтган бир оила бўлган экан. Хотин ҳар куни фарзандсизлигидан азоб чекиб, оху нола қилиб, худди баҳорги булатдай кўз ёши тўкаркан.

Эри эса:

— Қандай гуноҳ қилган эканмизки, худо бизга фарзанд бермайди. Биз бир умр кишиларнинг тўйини еймизу уларнинг томошасини кўра- миз, ақалли бирорта ўғил ёки қизимиз бўлганида эди тўй қилиб ҳалққа ош-нон берардик, қўни-кўшниларнинг таъна-маломатларидан куту- лардик,— деб орзу киларкан.

Ойлар кетидан ойлар, йиллар кетидан йиллар ўтар экану, аммо улар ўз мақсадларига етолмас эканлар.

Бир куни уларнинг дарвозаси олдига бир девона, «ҳақ дўст ё олло, садақа радди бало», деб келибди. Аёл битта нон олиб чиқиб рўмоли- нинг тагидан аста қараса баланд бўйли, яхши кийинган, соқоллари оппоқ, кўзларидан нур ёғилиб турган, хассаси тилладай ялтираган бир гадо турибди. Унинг хуржуни гулли, яп-янги эмиш.

Аёлнинг кўнгли ийиб дебди:

— Эй бобо, сиз жаҳонгашта доно кишига ўхшайсиз, бизнинг фарзандимиз ўйқ, шу боис эл олдида бошимиз эгик, мустармиз. Маслаҳат берсангиз, қандай қилсак фарзандли бўламиз. Фарзандсиз киши наза- рида ёруғ уй қоронгу, обод уйи эса вайронга бўлиб кўринар экан.

Мўйсафид битта қип-қизил олма чиқариб дебди:

— Мана буни иккига бўлингу ярмини ўзингиз енг, ярмини эрин- гизга беринг, дўмбоққина ўғилча тугасиз.

Хурсандлигидан боши осмонга етган хотин уйга кирибди-ю, олма- ни иккига бўлиб, ярмини ўзи сбди. Олма чунон хам ширин эдики, хо- тин умри бино бўлиб бундай ширин олма емаган экан. У тоқат қилол- масдан олманинг колганини хам еб кўйибди-ю, ўзининг баднафслиги- дан уялиб эрига хеч нарса демабди.

Тўққиз ой, тўққиз кун-у, тўққиз соат ўтиб, хотин жажжигина ўғилча кўрибди. Болани кўриб, эру хотин ҳайрон қолишибди. Эри юрак қаъридан чукур оҳ тортиб дебди:

— Биз умр бўйи фарзанд орзусида эдик, орзумизга етдик деганда яна нохушлик — боламиз нўхатдай кичик. Эл-юрт: «Шу хам бола бўлдими?»-ч-деб бизнинг устимиздан кулишмасмикин.

Хотин эрига тасалли берибди:

— Бу хам йўқ эди, шунисига хам шукр қилинг. Одамлар нима деса деяверсин. Ахир энди биз фарзандсиз эмасмиз-ку?!

Эр-хотин маслаҳат қилишиб, болага Нўхатча деб ном кўйибдилар ва унинг тезда улғайиб вояга етишини, хушёр ва чаққон ёрдамчи бўли- шини орзу

қилишибди.

Ота-она айтгандай, Нўхатча кўп ўтмай хийлагина катта, зийрак ва чақкон дастёр бўлибди.

Онаси бориб чашмадан сув олиб келмоқчи бўлса, у чопиб келиб:

— Онажон, сиз овора бўлманг, мен опкелақолай,— дея чеҳакни кўтариб югуриб бориб сув келтиаркан.

Отаси ўтин ёрмоқчи бўлса:

— Отажон, сиз дам олинг, мен ёраман,—деб болтани унинг қўли- дан оларкан-у, фурсат ўтмасдан талай ўтинни майда-майда қилиб ташларкан.

Онаси ҳовли супурмоқчи бўлса, қаердан бўлса ҳам чопиб келиб:

— Онажон, супургини менга беринг, мен супурраман,— деб ҳовли- ларига сув сепиб, худди ялагандай қилиб тозалаб қўяркан.

Отаси бозорга бормоқчи бўлса, хуржунни унинг қўлидан олиб, ел- касига ташлаганича чопиб бориб бозор қилиб келаркан.

Бир куни отаси буғдой ўришга кетганида онаси овқат пишириб, эрига олиб бормоқчи бўлибди.

— Онажон, мен олиб бораман,— деб, Нўхатча товоқни бошига қўйганича, ашула айтиб отасининг олдига равона бўлибди. Одамлар ҳайрон бўлишиб, тўрт томонга қараашардию бир-бирларига:

— Бу қанақа одам эканки, овозини эшитамизу ўзини кўрмай- миз?— дейишарди.

Шундан кейин улар битта катта товоқни бошида кўтариб кетаётган Нўхатчани қўришиб ҳайратлари яна ошибди.

Нўхатча далага етиб келиб, товоқни марза устига қўйибди-да, ота- сининг қўлидан ўроқни олиб дебди:

— Отажон, сиз ўтиринг, овқатланиб, дам олинг, мен буғдой ўраман.

Ўроқ Нўхатчадан икки баравар катта бўлғанлиги учун отасининг ўғлига раҳми келиб дебди:

— Ўғлим, сен йўл юриб чарчаб келдинг, ўтириб дамингни ол, мен ўзим ўраман.

— Йўқ, отажон, мен чарчаганим йўқ,— деб Нўхатча ўроқни олиб буғдой ўра бошлабди. У ниҳоятда чақкон бўлғанлиги учун бир зумда бугдойни ўриб, боғлаб фарам қилиб қўйибди.

Отаси шунчалар хурсанд бўлибдики, умри бино бўлиб бунча хур- санд бўлмаган экан.

— Энди, ўғлим, сен уйга бор,— дебди у Нўхатчага,— мен буғдойни янчиб, шамолда совуриб кейин бораман.

Нўхатча ўйнаб ашула айтиб кетаётган экан, унинг овозини оч бўри эшитиб қолибди.

— Ана, худо берди, энди қорним тўяди,— дебди-да, бўри Нўхатча томон югуриб келибди-ю:

— Ие, мен сени каттагина одам деб ўйласам, нўхатдек майда экансан-ку! Лекин бола, нима бўлса ҳам сени ейман, чунки қорним жуда оч,— дебди.

— Мени есанг пушаймон бўласан,— дебди Нўхатча,— бекорга овора бўлмай, яхшиси бошқа бирон ерга бориб корнинг ғамини е.

Бўри унинг гапларига кулоқ солмай, Нўхатчани бир ямлаб ютиб юборибди-ю, йўлида давом этибди.

Юриб-юриб бўри бир сурувни кўрибди-да, ер бағирлаб судралиб бориб пойлаб туриб бир кўзичокни ушламоқчи бўлибди, шу пайт Нўхатча бўрининг корнидан туриб бақирибди:

— Эй чўпон, хушёр бўл, бўри кўйларингни еб кўймокчи!

Чўпон бу овозни эшитиб, итларини олкишлаб бўри томон чопган экан, бўри базўр қочиб кутулибди. У юриб-юриб яна бир бошқа сурув- ни топибди. Шу пайт Нўхатча яна додлабди:

— Эй чўпонлар, бўри кўйларингни емоқда!

Чўпонлар таёкларини кўтаришиб, оч бўрини қувиб юборибдилар. Оч бўри тамоман x.олдан тойиб, Нўхатчадан безор бўлиб, ахволига хайрон бўлиб, бир жарликнинг лабига бориб, жарликнинг буёғидан- ўёғига, ўёғидан-буёғига сакрай бошлабди, шу пайт Нўхатча унинг ке-тидан жарга тушиб қолибди. Бўри ичида: «Энди жоним халос бўлди», деб хурсанд бўлиб қочиб қолибди. Қанча уринса ҳам Нўхатча жарлик- дан чиқа олмабди. «Зора бирон киши овозимни эшитиб мени излаб келса», деб ашула айтаверибди.

Шу яқиндан кўйлар подаси ўтмоқда эди. Нўхатчанинг овозини чўпонлар эшитиб колиб: «Бўрининг ичидан чиккан овозага ўхшайди-ку, бўри яна шу ерларда бўлмасин,» дейишиб, излашга тушибдилар. Аммо улар овозни эшитардилар-у, лекин овоз эгасини ҳам, бўрини ҳам кўришмасди.

— Жар бўйига келинглар, унинг ичига қаранглар!— деб, зийрак Нўхатча чўпонларни жар лабига чақирибди.

Жарлик ичи коронги бўлганилги учун ҳеч нарса кўринмасди.

— Таёкларинг учини узатинглар,— дебди Нўхатча жарлик ичидан. Чўпонлар таёкларини узатишибди.

Тортуб олиб қарашса, кичкинагина болача эмиш. Чўпонлар хайрон бўлиб сўрашибди:

— Бўри ичидан дод солган сен эмасмидинг?

— Ҳа, мен эдим,— жавоб берибди Нўхатча.

— Сен бизнинг кўйларимизни бўридан куткардинг,— дейишиб, чўпонлар унга бир хурма қаймоқ беришибди.

Нўхатча хурманни бошига кўйиб:

Киши қўрқмас, мард бўлса
;
;ар бир мушкул ечишур,—

дэя ашула айтиб уйига келибди. Ота-онаси:

— Ўғлимиз йўқолиб қолди, энди нима қиласмиш, ахволимиз ёмон бўлади^, бйз усиз яшай олмаймиз,— дэя ғам чекиб йиглаб ўтиришган эканлар. Нўхатчанинг овози кулоқларига чалинибди. Чопиб чиқиб ўғилларини кўриб хурсанд бўлибдилар. Улар муроду мақсадларига етибдилар, сизлар ҳам ниятларингга етинглар.



ДОНО ТҮТИЛАР

Бор экан-да, йўқ экан, замин эмас шудгор бўлган экан, бир тариқ экувчи бўлған экан, бедоналари қатор экан, бир коса айрон бўлган экан. Буларнинг бари ёлғон экан.

Рост эканми, ёлғон эканми, қадим замонда бир подшо бўлган экан. Унинг учта хотини бор экан. Неча марта лолалар очилибди, хазон бўлибди, неча марта ўтлар кўхарчб яна қурибди, аммо бу орада подшонинг биронта хотини ҳам фарзанд кўрмабди.

Ниҳоят, подшонинг юрагини фарзандсизлик ғами кемирибди- ю, унинг бошида паришон хаёллар чарх ура бошлабди. Бир куни у узок ўйлагандан сўнг ўнг кўл вазирини олдига чақириб дебди:

— Азиз дўстим, сенга маълумки, мен фарзанд кўришни истайман, аммо шу пайтгача фарзанд юзини кўрмадим. Бор, бутун оламни айла- ниб чиккину мен учун ўғил, хеч бўлмаса қиз туғиб берадиган аёлни то- пиб келгин.

Вазир подшонинг бу гапларини эшишиб таажжубланиб, «мен бун- дай аёлни қаердан топишни билмасам», демокчи бўлибдию, аммо подшонинг гапини қайтариш ўзига ўлим сотиб олиш билан баробар экан- лигини билиб индамасдан чиқиб кетибди.

У ҳали мамлакатдан чиқмасданоқ бир қишлоқдан ўтиб кетаётган экан, бир неча кизларнинг овози эшитилиб қолибди. Тўхтаб қараса, ариқ лабида камбағалсифат уч қиз ўтирганимиш.

— Агар подшо мени ўзига хотин қилиб олса,— деярди кизлардан бири,— бир қозон ош пишириб бераманки, бутун мамлакат ахолиси тўйиб ейдию яна ортиб қолади.

— Агар подшо мени хотинликка олса,— дерди иккинчи қиз,— шундай бир гилам тўкиб берардимки, уни ёйса дунёнинг бетини олиб, йиғиштирса писта пўчоғига жой бўларди.

— Агар мабодо подшо мени хотинликка олса,— дерди учинчи қиз,— зарринкокил, холдор, гўзал бир ўғил, бир қиз туғиб берардим.

Вазир бу гапларни эшишиб хурсанд бўлиб, подшонинг олдига қай- тибди.

— Эй подшоҳи олам,— дебди вазир унинг хузурига кириб,— менга дунё юзини излаш лозим бўлмади. Ўзингизнинг мамлакатингизнинг фалон қишлоғида учта қиз бор экан.— Вазир подшога қизларнинг га- пини бирма-бир айтиб берибди.

Фарзандсиз подшо шод бўлиб, фарзанд туғиб беришни ваъда қил- ган қизни олиб келишини буюрибди. Подшо етти кечаю етти кундуз тўй қилиб қизни никохлаб олибди.

Кунлар ўтибди, ҳафталар кечиб, ойлар ўтиб хотиннинг кўз ёриш пайти яқинлаша бошлабди.

Подшо овга кетган экан, унинг ов килишга ҳаваси ортиб қетиб[^]ови кўп бир жойда узок муддат овора бўлиб қолибди. Хотин бир қиз ва бир ўғил туғибди. Дарҳакиқат янги туғилган чақалоқнинг соchlари худди олов шуъласидай порларкан, күёшдан андоза олган юзи атрофни ёри- таркан, ҳар иккаласининг қошлиари ўртасида биттадан холи бор экан.

Подшонинг аввалги уччала хотини бундай ажойиб болаларни кўришлари билан рашк ва ҳасад ўтида ёниб, «подшо шунча йилдан бе- ри фарзанд кўрмадиларинг», деб қилич дамидан ўтказади деб ўйла- шибди ва болаларни йўқ килиш қасдига тушиб доя кампирга тилла тангалар бериб болаларни узокроқ ерга элтиб йўқотишини буюрибдилар.

Кейин хотинлар янги туғилган битта мушукча билан бир кучукчани топиб

болаларнинг ўрнига қўйишибдию подшога: «Ваъда қилган хоти- нинг бир мушукчаю битта кучукча туғди», деб хабар юборишибди.

Подшо нохуш хабарни эшитиб, хафа бўлибди, ўнг қўл вазирига туккан хотинини тезлик билан зиндонгага ташлашни буюрибди.

Доя кампир бўлса, болаларни баланд тоғлардан, чексиз сувсиз саҳ- ролардан олиб ўтиб узоқ бир жойга олиб кетаётган экан, бир подачи учраб қолибди. Подачи кампирнинг кўлида ийғлаётган икки гўдакни кўриб сўрабди:

— Эй кампир, нега бу кимсасиз жойда эмадиган икки гўдакни олиб юрибсан? Булар кимлар, қаерга олиб кетяпсан?

Кампир подачига бўлган воқеани айтиб берибилю подшонингxo- тинларидан олган тиллаларининг ярмини унга бериб, бу воқеани ҳеч кимга айтмасликни зорланиб сўрабди.

Подачи бу сирни пинхон тутишга ваъда бериб дебди:

— Болалар менинг фарзандим бўлсин.

Подачи бир кўзичоқни сўйибди.

Кампир чақалоқларнинг латталарини конга булғаб олибди-ю, олиб бориб подшонинг хотинларига кўрсатибди.

Подачи болаларни уйига олиб келиб қўй сутини бериб парвариш қилибди. Йиллар ўтибди. Болалар катта бўлганлари сайин, уларнинг хусну жамоллари хам гўзаллашиб бораверибди.

Подачи чиройли уйлар қурибди ва сердараҳт боғ яратибди. Болалар боғда сайр килишар, кўнгил очишар, кайфлари чоғ бўлиб, ғамлари ке- таркан.

Бориб-бориб эгизаклар балогатга етишибдию бола камалак ва ўқ олиб овга борадиган бўлибди. У осмонўпар тоғлар орасида ва поёнсиз ўрмонлар ичиди юриб ҳар хил жондорларни овлаб келаркан. Қиз эса уларни тозалаб, турли хил таомлар тайёрлар экан.

Бир куни подшо бир тог дараси ичиди ов қилаётib узоқдан юзи чор атрофни ёритаётган йигитни кўриб қолиб, беихтиёр у томонга от чоп-тирибди.

Йигит унга пешвоз чиқиб, одоб билан салом берибди. Подшо унинг кимлигини, қаерда туришини сўрабди.

— Мен бир подачининг ўғлимани,— дебди йигит,— уйимиз ана шу яқиндаги дараҳтзорда.

«Қошқи менинг ҳам мана шундай ўғлим бўлса»,— дебди ўзига-ўзи подшо ва унинг қалб яраси янгиланиб, аччик ох тортибди. Гўзал ва холдор йигит унга жуда маъқул бўлиб қолибди. Подшо уни меҳмонга чакирибди.

— Агар отам рухсат берса бораман,— дебди йигит ва кейқурун уйига қайтиб воқеани подачига айтиб берибди.

Подачи хаёлга чўмиб: «Яхши бўлмабди,— дея ўйлабди,— подшо билан танишмаса тузук эди. Аммо на чора, подшонинг гапини қайта- риб бўлмайди».

У йигитни меҳмондорчиликка кузатиб юборибди.

Подшо хотинлари заррин сочли, қора холли болани кўришиб бу ўша подшонинг ўғли эканлигини сезиб қолишибди. Юракларига ўт ту- шиб доянинг уйига боришибди.

— Қани айт!— дебди подшонинг катта хотини тишларини кисир- латиб,— жон ширинми, олтин ширинми?

— Жон ҳам ширин, олтин ҳам,— жавоб берибди кампир қалтираб.

— Агар жон ширин бўлса,— дейишибди хотинлар,— ростини айт, сен подшонинг болаларини нима қилгансан?

Кампир сири фош бўлганлигини сезиб, ёлворишга тушибди, мен бу сафар сизларни мурод-мақсадларингга етказаман, дебди.

Подшонинг хотинлари кампирга яна кўплаб олтин ваъда қилишиб, хотиржам бўлиб кетишибди. Кампир ўша захотиёқ бозорга бориб иг- йа[^]ўсма, сурма сотиб олиб, тоғу тошлардан ўтиб подачининг боғига етиб келиби:

Киз боғнинг бир четида мева тераётган экан. Тўсатдан унинг қуло-ғига кимнингдир, «сакичу игна, ўсмаю сурма сотаман», деб бақирган овози эшитилибди. Киз дарвоза яқинига келиб, унинг панжарасидан қараса, ёши ўтган бир кампир турганмиш.

— Азиз қизим,— дебди доя,— боғ эгаларига бир кампир шаҳардан атторлик моллари олиб келиби деб ҳабар бергина.

— Бу ерда мендан бошқа ҳеч ким йўқ,— дебди қиз.

— Наҳот,— кампир ўзини таажжулангандай кўрсатибди.— Ҳа-миша шунака бир ўзинг ёлғиз ўтирасанми?

— Ҳа, ҳамиша шундай, акам ҳар куни овга борадилар, отам эса узоқ жойларга мол хайдаб хафталаб келмайдилар, мен эрталабдан шомгача ёлғизман.

— Ҳай-ҳай,— дебди кампир,— ёлғизлиқдан зик бўлиб ёрилиб ке-тиш мумкин. Оламни томоша қилиш учун сенга ойнаижажон керак экан,— дебди кампир,— бундай ойна жоннинг ҳузури.

— Мен ҳар куни кечгача турли хил ишларни қилиб зерикмайман, албатта сиз айтган ойнаижажон бўлганда яхши бўларди. Аммо ким уни топиб келади.

— Топиш унчалик қийин эмас,— дебди кампир,— аканг овчи экан, илтимос қил, наҳот олиб келиб бермаса. Агар «йўқ» деса йигла, сенинг кўзёшларингни кўриб раҳми келади-ю, айтганларингни бажо кел-тиради.

Акасини кутиб олишга ҳам чиқмай, қиз супанинг четида йиглаб ўтирибди.

— Сенга нима бўлди? Нега йиглаб ўтирибсан?— сўраб[^]и йигит.

— Нега ҳам йигламай,— дебди қиз бошини кўтариб,— сизлар ме- ни ташлаб кетасизлар, мен кечгача ёлғиз зик бўлиб ўтираман. Дунёда ойнаижажон деган нарсалар бор экан, агар шундай ойна бўлганда эди, дунёни кўриб ўтирадиму бунчалик зерикмасдим.

Кизнинг гапи акасига маъқул бўлибди-ю, у эрталаб ойнаижажонни излагани чиқиб кетибди. У юриб-юриб қорли бир довондан ошибди, иккинчи қорли довондан ўтибди, ниҳоят билурдай шаффофф тоққа етиб келиби. Тоғ остида, ойнадек соғ чашма лабида, кўлида ҳасса тутганича бир кампир турган. экан.

— Ассалому алайкум, яхши она!— дебди йигит кампирга.

— Ваалайкум ассалом,— дебди кампир,— агар саломинг бўлма- ганда эди сени биллур товокқа айлантириб кўярдим. Кандай мақсад билан бу ерга келдинг,

қаерга кетяпсан?

Йигит мақсадини айтибди.

— Хатарли ишга қўл урибсан,— дебди кампир,— бу ойна девнинг қўлида. Ма, менинг ҳассамни ол, уни ушласанг кўринмай қоласан. Ана шу билур тоғ орқаси девлар макони. Бор, кўринмасдан девларнинг шохи қасрига киру девлар уйкуга кетиши билан ойнани олиб келавер.

Йигит ҳассани олиб девлар қасрига етиб борибди-ю, бир четда дев- ларнинг ухлашини кутиб ўтирибди. Девлар ухлаши билан ойнани олибдио орқасига қайтиби.

Синглиси ойнаижаҳонни кўриб жуда хурсанд бўлибди. У ойнадан истаган нарсасини кўра олар экан.

Подшо йигитни бир неча кун кўрмай соғиниб қолган экан, у одам юбориб йигитни қасрига олдириб келибди.

Шу пайт подшонинг катта хотинлари: «Эримизнинг меҳмони ким бўлди экан?»— деб қарашса подшо ўғли билан чақчақлашиб ўтирган- миш. Улар яна даҳшатга тушиб чопгандарича кампирнинг уйига бори- шибди.

— Сен ножинс, яна бизни алдадинг!— дейишибди унинг бошига , мушт кўтаришиб.— Энди биз сенинг адабингни берамиз.

— Хотиржам бўлинглар,— дебди кампир,— бу сафар у менинг қўлимдан соғ чиқмайди.

Кампир яна қизнинг олдига келибди. Қиз кампирнинг овозини эшитиб дарвоза олдига чопиб чиқибди.

— Вой-вой! Бувижон!— дебди у кампирни хурсандлик билан қар- ши олиб,— гапингиз рост чиқди, ойнаижаҳон ғалати нарса экан.

— Ҳали бу ҳеч гап эмас,— дебди кампир,— дунёда ундан ҳам га- лати нарсалар бор. Акангга айтгин, бир жуфт гапиравучи тўти олиб келсин. Тўтилар жуда кўп кизик ҳикоя айтишади, эшитиб маза ки- ласан.

Бола синглисининг кўзёшларига чидолмай гапиравучи тўтиларни излаб кетибди. Юриб-юриб ўша билур тоққа етиб, яна таниш кампир билан учрашибди.

— Сенинг бу дардинг бедаво,— дебди кампир йигитнинг фикрини билиб,— агар ёш жонингга жабр килишни истамасанг қайтиб кет! Жудд кўп пъхлавонлар гапиравучи тўтиларни излаб бориб нобуд бўлишган.

— Йўқ,— дебди йигит,— мен номард эмасман, йўлимдан, қайт- майман. Фақат қайси йўл билан боришимни айтсангиз бўлди.

— Борма!— такрорлабди кампир,— Бехудага ҳалок бўласан.

Й

— Йўқ, мени хеч нарса йўлимдан қайтара олмайди,— дебди йигит ва яна бир бор кампирдан қайси йўл билан боришни сўрабди.

— Биллур тогнинг ўнг томонидан ўтиб кет,— дебди кампир,— га- пирувчи тўтилар ўша ерда.

Йигит кампир айтган йўлдан юриб хушҳаво — ям-яшил бир манзилга етиб келибди. Катта бир боққа кўпгина чиройли-чиройли тош ҳайкаллар ўрнатилган экан. У ҳайкалларни томоша қилиб бора- ётган экан, ногоҳ қулоғига икки жониворнинг мулоим ва ёқимли овози эшитилиби.

— Опа!

— Ҳа, жоним укам!

— Бу қалтафаҳам йигит ҳам бизни олиб кетгани келибди.

— Тиззасигача тош бўлсин!

Йигит шу вакт тиззаларигача тош бўлиб қолганини сезибди.

Жониворлар ўз гапларини такрорлашибди:

— Опа!

— ?\а, жоним укам!

— У бизни ушлаб кетмоқчи.

— Белигача тошга айлансин.

Йигит белигача тош бўлиб қолибди.

— Опа!

— Жоним укам!

— Бу йигит бизни қафасга солиб синглисига кўл қилмоқчи.

— Тамоман тош бўлиб қолсин!

Энди гапни қиздан эшитинг.

[р.

У бир ҳафта кутибди, икки ҳафта кутибди, бир ой ўтибди, аммо акасидан хабар бўлмабди. У ғамгин ҳолда ойнаижаонга қараси ажойиб бир боғда кўпгина тош ҳайкаллар ўртасида тош бўлиб қотиб қолганмиш. У оҳу воҳ қилиб ўша замоноқ боғнинг ўйуни ойнадан белгилаб олиб йигитчасига кийиниб чиқиб кетибди.

Н

У юриб-юриб биллур токка, чашмага етибди.

— Ҳа, қизим,— дебди кампир унинг кўзига дикқат билан тики- либ,— нега эркакча либос кийиб олибсан, кўнглингда не мақсадинг бор, қаерга йўл олдинг?

Қиз гул баргидек нозик ва гўзал юзини кўзёшлари билан ювиб акасининг тош бўлиб қолганини айтиб берибди.

Кампир бир зум ўйланиб туриб дебди:


— Ана шу тогнинг ўнг томонидан ўтиб гапирувчи тўтилар манзи- лига етасан. Аммо боққа яқинлаша кўрма, сен ҳам тош бўлиб қоласан. Узоқдан туриб акангнинг номини айтиб бор овозинг билан чакир.

Қиз кампир кўрсатган йўл билан боққа яқинлашибди ва бор овози билан акасининг номини айтиб шундай бақирибди, атроф ларзага келибди. Шу пайт ҳамма тош ҳайкалларга жон кириб:

— А, бу қандай овоз эди?— дея тўтиларнинг инлари томон равона бўлишибди. Улар бир-бирларини туртишиб тўтиларга кўл чўзишибди.

— Опа!

— Жоним укам!



— Йигит либосини кийган бу қизнинг овози бизнинг барча қур- бонларимизга жон бағышладби.

— Энди биз уларни тошга айлантириш қудратига эга эмасмиз.

— Бирдан-бир иложимиз қизга таслим бўлиш! Бошқа ҳеч ким бизга эгалик қилишга ҳакли эмас.

Талабгорлар тўтиларнинг гапларини эшишиб тақдирларига тан бе- ришиб, тирилганларига шуқр қилишиб жўнаб кетишибди.

Қиз эса тўтиларни олиб акаси билан биргаликда уйига келибди.

Подшо йигитни кўргиси келиб уни излаб юраркан. Йигитнинг кел- ганидан хабар топиб дарров одам юбориб бунчалар кўринмай бедарак бўлиб кетганининг сабабини сўрабди. Бола бошидан ўтган воқеаларни айтиб берибди.

— Ие, ҳали синглинг ҳам борми? — ҳайрон бўлибди подшо ва уни олиб келиш учун дарҳол одам юборибди.

Эртасига подачи билан қиз йўл тараддудини кўраётганда тўтилар гап бошлишибди.

— Шу пайт подшо касрида ажойиб воқеалар бўлмоқда.

— Буни ойнаижхаон билан кўриш мумкин.

Подачи, ўғли ва қизи дарров ойнаижхаонга қарашса, подшонинг уч хотини тайёр овқатларга, қанду қандолатларга, чою меваларга, поён- дозу кўрпачаларга заҳар сочаётган эмиш.

Отаси ўғли ва қизи билан подшонинг қасрига равона бўлибди. Дар- воза тагидан қаср меҳмонхонасигача поёндоз тўшалган экан. Подачи поёндозларнинг устидан юрмай унинг ёнидан ўтиб кетибди. Ўфилу қи-зи ҳам унинг кетидан юришибди.

Меҳмонхонага атлас, кимхобу, шоҳи кўрпачалар тўшалган экан, аммо меҳмонлар уларнинг устига ўтирмасдан гилам устига ўтиришиб-ди. Турли-туман лаззатли таомлар келтиришибди. Меҳмонлар уларга қарамабдилар ҳам. Меҳмонлар ўринларидан туриб кетишмоқчи бўлишган экан, подшо уларни тўхтатиб дебди:

— Йўқ, сизлар ҳеч қаерга кетмайсизлар! Қизни мен хотинликка оламан. Етти иқлим одамларини тўйга чақирамиз.

Подачи бу гапларни эшишиб бўлган воқеани бирма-бир айтиб бе- ришга мажбур бўлибди.

— Эй подшохи олам, мана буниси сизнинг ўғлингиз, мана буниси қизингиз. Сиз хотинингизнинг мушукча, кучукча тукқанига ишонган эдингиз. Қайси хотин мушугу ит туғибди.

Подшо подачининг ҳикоясини эшишиб уччала хотинларини олиб келишга фармон берибди. Хотинлар қалтираб-қалтираб гуноҳларига икрор бўлибдилар.

Подшонинг амри билан болаларнинг онасини ва ўнг кўл вазирини зиндондан озод қилибдилар. Улар ўлар ҳолатга тушшиб қолган эканлар.

Подшо гуноҳкорларни жазолаб дебди:

— Менинг азиз фарзандларим топилди, боринглар, гилам тўкувчи қизни келтиринглар, гиламини ёйсин, жаҳон юзини эгалласин, ошпаз қизни топиб келтиринглар, олам аҳлига етгулик ош дамласинки, ҳамма одамлар тўйсин.

Катта тўю томоша барпо қилишибди. Биз ҳам ўша тўйда бор эдик, гилам устида ўтириб ош едик.

ЯПАЛОҚ ПОЛВОН

Бор экан-да, йүқ экан, курут емогу бурут силамоқни айтайлик. Сўзни сўзга жам қилайлик, жигар қонидан бир қатрасин кам қилай- лик. Биз Дарвоз халқимиз, ҳам чақону ҳам уддабуронмиз, яндама ерда юкимизни ерга қўямиз. Бу қандай бало эди, бир тўда кампирлар бор эди, чалпакхўрлик қилардик.

Қадимги замонда бир подшо бўлган экан. Подшонинг учта қизи бўлиб, у қизларига шундай насиҳат қилган экан:

«Қизларим, агар мени ота десаларинг, менинг гапимни қайтармай- ман десаларинг, асло боғнинг ичига кирманглар!»

Бир куни қизлар тўпланишиб, ўзларича бир-бирларига шундай дейишибди:

«Бу қандай гап ўзи, бир кун эмас бир кун биз эр килиб кетамиз, аммо отамизнинг боғини кўрмай кетамизми?! Келинглар, дугоналари- мизни тўплаймизу боғни томоша қиласмиш».

Улар дугоналарини тўплостибдио бокқа боришиб, келин-келин ўйнай бошлишибди. Бир қиз келин бўлибди, иккинчиси кўёв. Келинни доира чалиб, кўшиқ айтиб куёвнинг уйига олиб боришмокчи бўли- шибди.

— Биронта от, эшак, ақалли биронта сигир топинглар, келинни миндирамиз!— дебди подшонинг катта қизи.

Қизлар тўрт томонга жондор излаб кетишибди. Подшонинг кенжা қизи боғнинг бир бурчагига бориб караса молга ўхшаш қандайдир қи- зил нарса ётган эмиш. Ютуриб борибди-ю, ҳалиги нарсанинг устига миниб олибди.

Ҳалиги жонвор мол эмас, балки айиқ экан. Айиқ астагина бошини кўтариб караса, елкасида подшонинг қизи ўтирганмиш. «Худо бер- ди»,— дебдио уни олиб қочибди.

У чунон чопибдики, умри бино бўлиб бунчалик югурмаган экан. Қизни тўгри тоғ ичига олиб борибди. Уйига олиб кириб ўтиргизибдио дебди:

— Эй подшонинг қизи, мен сенга ошиқу беқарорман, узоқ йиллар давомида сени отангнинг боғи бурчагида пойлаб ётдим, мана бугун ху- до мени мақсадимга етказди... Сен асло койимагин, йиглаб, зик бўлма- гин, мен сенга озор бермайман, хору зор қилмайман.

Қиз тақдирга тан бериб айикнинг уйида яшай бошлабди. Ўшанда куз экан. Куз ўрнини қишилибди. Чор атрофга оппоқ чойшаб ёпи- либди.

Айиқ бориб қўпгина тоғ буғуси, кийик ва турли тоғ ҳайвонларини овлаб келиб уйининг эшигини маҳкам беркитиб, қизга дебди:

— Энди менинг ухлайдиган вактим келди. Мен сенга тўрт ойлик овқат тайёрлаб қўйдим. Мен ухлайман, сен ана шу овқатларни пиши- риб еб ўтирасан, аммо менинг нафасимга яқинлашма, уйкусираб еб қўяман.

Шундан кейин айиқ уйкуга кетибди. Бир ой ўтган эдики, айиқ тўллабди. Қиз унинг жунини йигиб олиб, йигириб тўпча қиласверибди. Кейин эшикни тешиб ипнинг бир учини ушлабдио тўпчани пастга ду- малатиб юборибди. Тўпча ғилдираб-ғилдираб бориб дарёга тушибди. Сув тўпчани ўз гирдобига олибди ва тўпча хасу хашакларга ўрала бошлабди.

Кекса бир ўтинчи бор экан. Тоғу тошлардан ўтин териб келиб бо- зорда сотиб тирикчилик қилар экан. Бир куни йўли ана шу томонга тушиб, сариқ тўп ипнинг тоғдан дарёга тушганини ва унинг учи дарё- нинг ўртасидаги бир боғ ўтинда эканлигини қўрибди.

Мўйсафид ипни тортиб олиб, унинг учини бир чўпга боғлаб: «Бу ип керак

бўлади», деб, уни ўраб-ўраб тоққа чиқиб кетибди. Бориб-бориб у бир ғорга, айқнинг уйига етибди. Қараса, эшикда тешик бўлиб, ип ана шу тешикдан чиққанмиш. «Бу ерда бирон киши бўлса керак», деб мўйсафид тешикдан ичкарига қарабди.

— Эй худонинг юборган бандаси, сиз кимсиз? — сўрабди ичкари- даги қиз.

— Мен бир қари ўтингчиман. Инни кўриб бу ерга келдим, аммо айт-чи, сен ўзинг кимсан, кандай қилиб бу ерга тушиб қолдинг.

— Мен подшонинг қизиман,— деб, қиз саргузаштини бирма-бир ҳикоя қилиб бергач, дебди:

— Тезроқ бориб менинг отамга хабар беринг, мени бу ердан, ба-хайбат айик қўлидан кутқариб олсин.

Ўтинчи тоф устидан йиқила-сурила чопиб подшонинг олдига келиб дебди:

— Эй подшохи олам, эй кароматли султон, хушхабар келтир-дим — қизинг топилди.

— Қани айт-чи, қизим қаерда экан, тезроқ айтакол!

Ўтинчини олдига солиб тоққа равона бўлибди. Тоққа чиқиб, айқнинг уйини эшигини синдириб қизини кўрибди. Қизи отасининг елкасига бошини қўйиб анча йиглабди. Подшо аскарларига айикни уриб ўлди-ришни буюрибди. У қизини олиб қасрига келтирибди.

Орадан бир неча вақт ўтгач, қиз ўғил кўрибди. Болага Япалоқ пол-вон деб ном кўйишибди. Бола икки ойлик бўлганда кўрганлар уни икки яшар дейишаркан. Бола бир яшар бўлганда кадди-комати ўн беш яшар болага ўхшабди. У шу ёшида кўчага чиқар, болалар билан ошиқ ўйнар, агар ошиги деворга тегса девор йиқилар, агар эшикка тегса эшик те-шилар экан.

Шаҳар аҳолиси безовта бўлиб қолибди.

— Подшонинг отасиз невараси дастидан дод, эшик, деворлари-мизни хароб қилди,— деркан улар,— шаҳарда ё биз турайлик, ё подшо билан невараси турсин.

Япалоқ полвон бу гапларни эшитиб онасига бориб дебди:

— Менинг онам бўлсанг, бобомга айт, менга жавоб берсин, одам-лар мендан дод дейишяпти. Мен бир жойда тинч туролмайман.

Онаси бориб, отасидан ижозат сўрабди.

— Ихтиёри, истаган жойига кетаверсин! — дебди подшо. Япалоқ полвоннинг онаси йўл тараддудини кўриб, анчагина нон тайёрлабди.

— Мен узок сафарга бораман, бу мен учун ҳеч нарса бўлмайди,— дебди Япалоқ полвон ва бозорга бориб ўттиз-кирқ пуд ун олиб келиб-ди. Катта тандир қурдирибди. Бундай тандирни шу вақтгача дунёнинг бирон жойида бирон киши ясамаган экан. Ўзи келтирган ундан хамир кордириб, нон ясаттирибди, уни тандирга ёпиб, битта хуржунга солиб, елкасига ташлаб, бобосидан оқ фотиҳа олиб, онаси билан хайрлашиб жўнаб кетибди.

Йигит сувсиз бир биёбондан ўтиб кетаётган экан, қулогига тегир-мон овози эшитилибди. «Бу кимсасиз, сувсиз дашту биёбонда тегирмон қаердан пайдо бўлди экан», деб ён-атрофига назар ташлабди. Кўп ўтмасдан унинг кошида тоғдек бир паҳлавон пайдо бўлибди. Паҳлавон икки тегирмон тошини битта бармоғида ўйнатиб келарди. У келиб Япалоқ полвоннинг йўлини тўсибди.

— Қани, айт-чи, мақсадинг нима? — дебди Япалоқ полвон.

— Мени тегирмон тоши айлантирувчи дейишади, эшитишимча бир зўр паҳлавон пайдо бўлганмиш, ўшани излаб кетяпман, қани кўрай-чи, унинг

куввати қанчалик экан.

Баҳодир хуржунини ерга қўйиб дебди:

— Мен унинг ўртогиман, агар менинг ана шу хуржунимни кўта- ролсанг, ундан голиб келасан.

Тегирмон айлантирувчи тошларини ерга қўйиб шунча‘уринса ҳам хуржунини кўтара олмабди.

— Сен мендан кучли экансан, мен ўзимдан зўр бўлганларнинг қу- лиман, нима десанг бажараман,— дебди тегирмон тоши айлантирув- чи,— мени бирга олиб кет.

Полвон рози бўлибди, икковлари кетаверишибди, кетаверишибди, йўл юрса ҳам мўл юришибди. Бир тоққа етишибди, тоғ тўсатдан гул- дираб ларзага келибди, аста-секин паҳлавонлар олдига юриб кела бошлибди, дурустроқ тикилиб қарашса бир паҳлавон тоғни юлиб олиб қўлида ўйнатиб келаётганмиш.

— Мени тоғ ўйнатувчи паҳлавон дейишади,— дебди у паҳлавонлар олдига келиб,— Япалоқ исмли баҳодир чикибди деб эшиздим, ўшани сўроқлаб кетяпман!

— Мен ўша баҳодирнинг ўртоги бўламан,— дебди Япалоқ хуржу- нини ерга қўйиб,— агар менинг ана шу хуржунимни жойидан қимир- лата олсанг, сен Япалоқдан кучлисан!

Тоғ қўпорувчи ҳар қанча уринса ҳам хуржунни жойидан қимирлата олмабди. У ҳам Япалоқ полвонга тобе бўлибди. Икки киши эдилар, уч киши бўлиб кетаверибдилар.

Йўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришибди ва бир катта дарё- нинг лабига келибдилар. Бир баҳодир оёгининг биттасини дарёнинг бир лабига, иккинчисини иккинчи лабига қўйиб, дарёдан сув ичмоқда экан. Ҳар гал бир кутлум сув ичганда дарё суви куриб унинг ости кўринаркан.

— Менинг номим Дарёбанд,— дебди у баҳодирларнинг йўлини тўсиб,— Япалоқ исмли бир пахлавон пайдо бўлиди, мен уни кутиб ётибман, қани у қандай кучга эга экан, қўрай-чи!

— ^{Мен} Унинг Дўстиман,— дебди Япалоқ баҳодир хуржунини ерга кўйиб,— агар ана шу хуржунимни ердан кўтартсанг, сен ундан ҳам зўрсан.

Дарёбанд шунча уринса ҳам хуржунни ўрнидан кимирлата олмади. У ҳам Япалоқ баҳодирга тобе бўлиди.

Тўрт баҳодир юриб-юриб бир даштга етиб келибдилар. Даشتнинг ўртасидан қуюқ бир тутун чиқиб осмонга чирмашиб кетмоқда экан. Яқинроқ бориб карашса тутун чукур жарликдан чиқаётганмиши. Қанча уринишса ҳам чукурнинг тагини кўролмабдилар.

— Бу ерда бирон гап бўлса керак,— дебди Япалоқ баҳодир ҳам-роҳларига,— қани ким тушиб билиб чиқади?

Ҳамроҳлари журъат қилиша олмабди. Япалоқ полвон арқоннинг учини белига боғлаб:— Сизлар ушлаб туринглар, мен ўзим тушаман! — дебди. У тушиб кетверибди, тушиб кетаверибди, ниҳоят унинг тагига етиби. Чукурнинг таги катта бир уй экан.

Уйнинг ўртасида соҳибжамол бир қизнинг тиззасига бошини кўйиб баҳайбат бир дев ухлаб ётган экан. Қиз Япалоқ баҳодирни кўриб йиғ-лаб юборибди. Йигит унинг белига арқон боғлаб дебди:— Сен чиқавер, мен девни ўлдириб кейин чиқаман. Чиққанингдан кейин шерикларимга айт, арқонни қайтариб туширишсин.

Баҳодир қиличини ёнидан чиқариб девнинг гарданига туширган экан, девнинг боши*танасидан жудо бўлиди. Бу уйни дев сехр билан курган экан. Дев ўлиши билан сехр билан солинган уй йўқ бўлиди-ю, чукурнинг таги тешилиби.

Баҳодир дарёнинг тагига тушиб кетибди. У гупиллаганича бир кампирнинг эшиги олдига тушибди. Ўрнидан туриб аста қараса, кам-пир «ту-ту»лаб товуқларига дон берастганмиши.

— Ассалому алайкум, эй қиёматли онам,— дебди Япалоқ баҳо-дир.— Мен юқоридаги дарёдан тушдим, бу ерга етиб келгунча юрак-бағрим тўқилиб бўлди. Товуқларга мен дон бериб турай. Сен тез бориб бирон нарса пишир, тоқатим-тоқ бўлди!

— Хўп, майли,— дебди кампир,— аммо болам, мабодо баланд овоз билан «ту-ту» демагин, бу шаҳарда шағоллар кўп, агар улар овозингни эшитиб қолса, тўпланиб келишиб товуқларни ҳам, сен билан мени ҳам еб кетишади.

— Майли, мен овозимни баланд чиқармайман.

Кампир ичкарига овқат пиширгани кириб кетибди. Япалоқ баҳодир қиличини ялангочлаб қаттиқ-қаттиқ овоз билан ту-тулай бошлабди. Шу пайт тўрт томондан шу қадар шағоллар йигилибдики, асти кўяве-расиз. Баҳодир уларни қиличи билан битта-битта ўлдириб ташлайве-рибди. Шу қадар кўп ўлдирибдики, битта ҳам шағол қолмабди.

Бу ҳақда подшога хабар юборибдилар. Подшо баҳодирни чақириб:

— Сен бизнинг шахримизни балодан халос қилдинг,— деб унга кўплаб тиллаю танга бериби.

Баходир тангаларни келтириб кампирга берибдию, у билан хайрла- шибди.

— Менинг фарзандим йўқ, сени ўғил қилиб оламан, ҳеч қаерга борма,— деб кампир жуда зорланибди.

— Мен бир жойда тинчиб туролмайман,— дебди баҳодир,— кети- шим керак.

Япалоқ баҳодир кампир билан хайру хўш қилиб чиқиб кетибди ва бир неча вақт йўл юриб бир тоққа етибди. Қараса, бир чўпон кўй боқа- ётганмиш.

— Эй чўпон,— дебди баҳодир,— мен қўйларингни бокиб тураман, сен бориб бирон овқат тайёрла, узоқ жойдан келдим. Жуда очман.

— Майли, бўпти,— дебди чўпон,— аммо ошна, баланд овоз билан гапирма, бу ерда бўрилар жуда кўп, агар эшитиб қолса келиб қўйларни ҳам, мен билан сени ҳам еб кетади.

— Майли, бақирмайман,— дебди баҳодир.

Чўпон бир қўйни сўйиб овқат тайёрлай бошлабди. Баҳодирнинг бирдан қони қайнаб баланд овоз билан сурувни бир томонга ҳайдаб кетибди. Унинг овозини эшитиб тўрт томондан бўрилар ёпирилиб кела бошлабди.

Чўпон, «молим қўлимдан кетди, ҳеч бўлмаса жонимни куткарай», деб қочиб қолибди. Баҳодир эса ҳамма бўриларни бйтга ҳам қўймай терисини шилиб бир жойга тўплай бошлабди. Чўпон бир неча вақтдан кейин, «бўрилар ҳамма қўйларни еб кетганdir, аргамчига қил мадад, деганлар, ақалли қўйларнинг терисини йигиштириб олай», деб ўйлабди.

Чўпон яқинроқ келиб қараса, бўрилар даштни тўлдириб ўлиб ёт- ганмиш. «Ох, бу лаънати бўрилар ҳаммасини еб, энди дам олиб ёти- шибди шекилли»,— дебди ўзига-ўзи. Кўнгли тери илинжида бўлган- лиги учун аста-секин кела бошлабди. Бир пайт бўрилар ўртасидан кулранг тепалик кўринибди. Бу қандай тепалик бўлди экан, деб ҳайрон бўлибди.

Чўпон яқинроқ келиб қараса, бўрилар ўлиб ётганмийшу қўйлар ўтлаб гарами экан. Ҳайрон бўлиб турган экан, қулогига тўсатдан бир овоз эшитилибди'

— Ҳой чўпон, кел, қўйларингни ол!

Чўпон яқинроқ бориб қараса, бўрилар ўлиб ётганмийшу қўйлар ўтлаб юрганмиш.

Чўпон жуда хурсанд бўлиб Япалоқ баҳодирга дебди:

— Сен шу пайтгача ҳеч ким қилмаган ишни бажарибсан.

Япалоқ паҳлавон чўпон билан хайрлашиб кетмоқчи бўлибди.

— Майли, қолсанг колақол, қолмасанг ўзинг биласан, сенга оқ йўл тилайман, ҳар қандай муродинг бўлса етгин,— деб, чўпон дуо қилибди.

Баҳодир бир неча кечаю кундуз йўл юриб бир тоққа етибди. Тоғ ҳудди кўмирдек қоп-қора. Баҳодир умрида бундай тоғни энди кўраёт- гани учун ҳайрон бўлиб тикилиб турган экан, бир чал келиб қолибди.

— Ҳа, ўғлим,— дебди чол,— қаерга кетяпсан?

— Шу томонларда биронта шахар бўлса бориб томоша қилмоқчи- ман,— жавоб берибди Баҳодир.

— Шахар бору, аммо сен у ерга боролмайсан. Ана шу кўриб турган қора тогинг тоғ эмас, аждар. У қаерданadir пайдо бўлиб, неча вақтдан бери шаҳарни хароб қилиб ётибди. Осмондаги қушни ҳам, ердаги ҳа- шаротни ҳам, одамзоднинг уй-жойи билан домига тортиб ютиб юбо- ради. Агар жоним саломат қолсин десанг, йўлингдан қайт.

— Йўқ, мен йўлидан қайтадиган одам эмасман,— дебди баҳо- дир,— пешонамдагини кўраман, нима бўлса ҳам бораман!

Баҳодир кора тоғ томон бораверибди. Унга яқинлашган экан, тоғ харакатга келибди. Аждар бошини кўтариб, оғзини гордек очиб баҳо- дирни домига торта бошлабди. Баҳодир қанчалик уринмасин, ўзини тутиб туролмабди. У оҳиста-оҳиста аждар домига тортилиб бораве- рибди. Япалоқланган қиличини аждадонинг оғзига тўғрилаб кетаве- рибди. Бориб-бориб аждарнинг оғзига кирибди, қиличи ҳам аждарни иккига бўлиб ичкарироқ кириб бораркан. Ўтрасига боргандা аждар бир ларзага келиб, жон бериди.

Баҳодир аждар ичидан зўрга чиқиб шаҳар томон йўл олибди.

Бир неча киши бир паҳлавон аждарни ўлдирганлиги ҳакида хабар келтирибди.

Подшо вазирлари билан от чоптириб паҳлавонга пешвоз чикибди- ю, дебди:

— Сен бизнинг шаҳримизни балодан куткардинг, не муродинг бор, айт, ҳосил қиласман.

— Ватанга қайтиб боришдан бошка бирор муроду мақсадим йўқ,— дебди баҳодир.

— Ватанинг қаер?—сўрабди подшо.

— Менинг ватаним тепадаги дарёда. Ватанимни соғиндим. Ўша ерга чиқишини истайман.

— Бу оғир иш,— дебди подшо,— у ерга факат бир чинордан чи- қиш мумкин. Ҳеч ким ҳозиргача чиқолмаган, ким чиқмоқчи бўлса йиқилиб нобуд бўлади. Яхшиси бизнинг шаҳримизда қол. Гўзал қизим бор, сенга бераман, бемалол яшайверасан.

— Йўқ, мен Ватанинга бораман, ўша чинорнинг йўлини менга кўрсат.

Подшо чинор йўлини кўрсатибди. Баҳодир хайрлашиб кетибди.

Баҳодир юриб-юриб бир кўқ тоққа етиб келибди. Тогнинг тепасида бир азamat чинор бўлиб, унинг учи худди кўқ тоғдек осмонга қадалиб туаркан.

Баҳодир тоққа чиқиб чинор тепасига ёпишибди. Шоҳидан-шоҳига ўтиб тепага чиқа бошлабди. Уч кечаю уч кундуз тепага чиқибди. Тўртинчи куни кимсасиз бир биёбонга бориб қолибди. Излаб-излаб бориб ўша чукурликни топибди. Қараса, уч баҳодир ва дев ўғирлаб келган киз чуқур ичига келиб арқонни ушлаб турганмиш.

— Эй биродарлар,— дебди Япалоқ баҳодир,— мен бу ердаману сизлар қаерга қараб ўтирибсизлар.

Баҳодирлар хайрон бўлишиб:

— Ие, сиз қаердан келдингиз, қандай келдингиз?—деб кучокла- шиб сўрашибдилар.— Сиз арқон учини ушлайсизу биз тортиб оламиз деб кутиб ўтирибмиз.

Баҳодир бўлган воқеани ҳикоя қилиб берибдио кейин:

— Ҳар ким ўз ватанига, ўз қариндош-урукпари ёнига борсин, икки дунёда ҳам ватанларингдан азиз жой тополмайсизлар,— деб, ҳамроҳ- лари билан хайрлашиб кизни олиб уйига равона бўлибди. Бобоси ва онаси олдига келибди. Улар шунчалик хурсанд бўлишибдик, асти қўяверасиз.

Бобоси етти кечаю етти кундуз тўй қилиб кизни Япалоқ паҳлавонга никоҳлаб берибди. Япалоқ полвон ҳеч кимга озор бермай, хотини, онаси ва бобоси билан биргалиқда осойишта яшай бошлабди.

БАҲРОМ ВА БАҲМАН

Қадим замонда икки подшоҳ бўлган экан. Бири Қўшкор подшоҳ, иккинчиси эса, Одил подшоҳ экан. Одил подшоҳ бир мамлакатга, Қўшкор подшоҳ етти мамлакатга ҳукмдор экан. Одил подшоҳнинг Баҳром отлиқ ўғли ва Ситора номли гўзал қизи бўлган экан. Қўшкор подшоҳнинг биргина ўғли бўлиб, оти Баҳман экан. Кунлардан бир кун Баҳман овга чиқибди. Чиройли бир кийикни учратиб орқасидан кўп қувибди-ю, ҳеч яқинлаша олмабди. Кийик бўлса бир дараҳтзор орқа- сига ўтиб қўздан ғойиб бўлибди. Дараҳтзор орқасига етиб келган Баҳ- • ман ажойиб бир чорбоққа учрабди. Ўша куни Одил подшоҳнинг қизи дугоналари билан чорбог сайрига чиққан экан. Ногоҳ Баҳманнинг ни- гоҳи ўша паричехра маликага тушибди-ю, ундан кўз узолмай қолибди. «Агар отам шу қизни менга олиб бермаса, Одил подшоҳ юртини ер би- лан яксон қиласман», дебди кўнглида шахзода. Баҳман овдан қайтгач, тўғри отасининг олдига кирибди-да, муддаосини айтибди.

— Азиз ўғлим, Одилшоҳ ҳозирнинг ўзида рози бўлмаса, бир соат- даёқ бутун мамлакатини халқи билан нест-нобуд қиласман,— дебди отаси.

Шундай килиб у Одилшоҳнинг кизига совчи юборибди.

— Мен Қўшкорподшоҳнинг ҳоҳишини рад этишга журъят этол- майман. Аммо қизимнинг ота-онасидан ташқари акаси ҳам бор. Унинг розилигини олмай туриб бир нарса дейишим қийин. Ўғлим ҳозир овда, келиши биланоқ Қўшкор подшоҳга жавобини етказаман,— деб, элчи- ларни қайтариб юборибди.

Қайтиб келган элчилар Одилшоҳнинг гапларини шоҳларига етка- зишибди. Қўшкоршоҳ дарғазаб бўлибди.

— Бу тирмизак подшоҳча мендек шаҳаншоҳни мунтазир қилас- канми?! Одилшоҳ юртига лашкар тортинглар!— фармон берибди қўшинига.

Овдан кайтаётган Баҳром сон-саноқсиз лашкарга дуч келди.

Лашкар олдида бораётган Баҳман шуа даража келбат ва салобат тўкиб, турур билан борардики, гўё у заминнинг халқаси бўлса даст кўтариб олгудай қудратга эга эди. Бу ҳолни кўрган Баҳром ҳам жангта ҳозирланиб, отасидан рухсат сўрабди. Шу пайт Баҳром олдида пайдо бўлган синглиси:

— Ақажон, бу жангга ман сабабчи, ижозат берсангиз бирга бориб, ахволингиздан хабардор бўлиб турсам,— дебди.

Баҳром рози бўлибди. У синглисини бир чашма бўйида қолдириб- ди-да, ўзи жангга кирибди.

Одилшоҳ лашкарини кутаётган Баҳман Баҳромнинг бир ўзини кўргач, ҳайрон бўлиб сўрабди:

— Нега ўзинг ёлғиз келяпсан? Одилшоҳнинг лашкари қани?

— Мен Одилшоҳнинг ўғлимани. Сизлар билан танҳо ўзим жанг қиласман,— дебди Баҳром. Баҳман уни меснимай дебди:

— Агар бир ўзинг жанг қилмоқчи бўлсанг, аввал мен билан кураш тушгин. Енгсанг, бутун лашкар сенга таслим бўлади.

Икки паҳлавон кураш тушишибди. Аввал Баҳром Баҳманга навбат берибди.

— Қани, йигит, хунарингни кўрсат!

Баҳман кўп уринибди, тирмасибди. Аммо Баҳромга чивинdek таъ- сир ўтказа олмабди.

Навбат Баҳромга етгач, Баҳманни ердан даст кўтарибди-ю, айлан- тириб туриб улоқтириб юборибди — чангут тўзон ичида кўздан ғойиб бўлибди.

Ўғлиниңг бу ахволини кўрган Қўшкоршоҳ лашкарига ҳужум қи- лишни буюрибди. Баҳром отига минибио лашкаргоҳга чўкибди. Етти кеча-кундуз жанг бўлибди. Қўшкоршоҳ ва бир неча лашкарбошилари- гина Баҳром қўлидан қочиб кутулибдилар.

Жангда ҷарчаган Баҳром изига қайтибди. Синглиси овқат пиши- риб, уни кутиб ўтирган экан, Баҳром овқатлангач, уйкуга кетибди, шу зайлда етти кеча-кундуз ухлабди.

Синглиси эса ақасининг либосларини кийиб, жанг бўлган жойларни кўрмоқ учун жанггоҳга жўнабди. Ўликлар орасида нимжон бир киши- га қўзи тушибди. Бу ўша Қўшкоршоҳнинг ўғли Баҳман экан. Ситора- нинг йигитга раҳми келибди, қўлидан судраб бир чеккага чикарибди. Баданларини ювиб қондан тозалабди, яраларига малҳам қўйиб, парва- риш килибди. Баҳман гоятда чиройли паҳлавон йигит эди. Ситора шундай бир забардаст йигитни ўлимдан кутқарганидан шод бўлибди.

— Сен бекорга мени ўлимдан кутқардинг, мен акангга хиёнат қил- дим. Мен унинг кучига қойилман, етти мамлакат лашкарини битта қолдирмай кириб ташлади. У мени омон қолдирмайди, ер остида бўлса ҳам топиб ўлдиради,— дебди йигит.

— Мен нима килишим керак?— сўрабди қиз.

— Ўзингни касалликка солиб, акангни оби ҳаётни топиб келишга юборасан,— маслаҳат бериди Баҳман.

Ситора ўзини касалликка солибди. Синглисини жон-дилидан яхши кўрган Баҳром ташвишга тушиб, тўрт томондан табибларни топиб келтираверибди.

— Акажон,— дебди кунлардан бир кун Ситора,— табибларнинг айтишича, менинг дардим бедаво экан. Мени оби ҳаётгина ўлимдан олиб қоларкан. Мени деб сиз кўп ташвиш тортдингиз, мен туфайли шунча одам қирилди. Буларнинг ҳаммаси бефойда. Энди менинг ўли- шим муқаррар.

Боши қотган Баҳром ота-онаси билан маслаҳатлашди. Улар ихтиёр ўзингда, дейишибди. Йигит ўйлаб ўтирмабди-да, жанг кийимларини кийиб, қуролланиб, ўйлга тушибди. Етти ой ўйл юргач, бир даштга етиб келибди. Ўтин териб юрган бир кампирга кўзи тушибди. Баҳром- ни кўрган кампир хурсанд бўлибди ва уйига меҳмонга таклиф қилибди.

— Раҳмат, бувижон. Сиз менинг тўйдироммайсиз, мен бир ўтиришда етти кўй гўштини ейман, отим бўлса, юз қадок кишмиш ейди.

— Парво килманг, ўғлим, мен икковингизни ҳам тўйдириб юбора-ман,— дебди кампир.

Кампир Баҳромни уйига бошлаб борибди. Таомдан сўнг ундан сўрабди:

— Эй баҳодир ўғлон, қаердан келяпсиз ва қай томон боряпсиз??

Баҳром ўз бошидан кечирганларини кампирга бирма-бир айтиб бе-рибди.

— Менинг бир шартим бор. Шуни бажарсангиз, мен Сизга оби ҳа-ёт йўлини кўрсатаман,— дебди кампир.

— Қандай шарт экан??

— Менинг бир кизим бор. Ўзи кал, кулоги кар, кўзи кўр, тили гунг, оёғи шол. Шу кизимга уйлансангиз, мен сизнинг мақсадингизга етка-заман.

Баҳромнинг боши қотибди. Агар кампирнинг шартини қабул қил-маса азиз синглиси дунёдан ўтади.

— Шартингизни қабул қилдим,— дебди Баҳром. Кампир катта тўю томоша қилиб, қизини Баҳромга никоҳлаб берибди. Йигитни кепин хузурига олиб киришибди. Йигит қаршисида ой юзи нуридан қоронгу уй мунаввар бўладиган нозанин киз турарди. Баҳром ҳайратга тушиб кампирдан сўрабди:

— Бувижон, менинг қаллиғим қани?

— Шу менинг кизим. Гапларимнинг сирини сафардан қайтиб келганингдан сўнг айтаман,— дебди кампир.

Баҳром бўлса ҳамон қиздан кўз узолмаскан. Эртасига тонгда кам-пир Баҳромга бир кўзача ва бир қалтак бериб дебди:

— Кун чикар томонга қараб бораверинг, ўғлим. Ётти куну, етти соату етти дақиқадан сўнг бир дарё лабига етиб борасиз. Дарё шу да-ражада улканки, нариги қирғоги кўзга кўринмайди. Мана бу қалтакни сувга ташласангиз шу ондаёқ кўприк ҳосил бўлади, ундан ўтишингиз билан девлар шахрига дуч келасиз. Агар шаҳардан ғала-ғовур эшитил-са, демак девлар уйғоқ бўлади. У тақдирда шаҳарга кирмай, бирон жойда бекиниб ўтирасиз. Агарда шаҳар томон тинч-осойишталик бўлса, бемалол кириб бораверинг. Шаҳар ўртасида, бир тог тагида чашма бор, ана шу оби хаётдир. Мана бу кўзачага ундан тўлдирингутез орқангизга қайting.

Баҳром кўза билан қалтакни олиб ўйлга тушибди. Етти кеча-кун-дудза дарё лабига етиб келибди. Қалтакни сув устига ташлаган экан, кўприк ҳосил бўлибди. Ундан ўтиб девлар шахрига етиб келибди. Ша-хардан ғала-ғовур, девлар наъраси эшитилибди. Йигит аввал кампир-нинг маслаҳатига кўра бирон жойда бекинадиган бўлибди. Кейин эса, «мен бир забардаст паҳлавон бўла туриб, девлардан кўркиб бекинсан, номим Баҳром бўлмай қолади», дебди-да, тўғри шаҳарга кириб бора-верибди.

Одамзод фарзандини кўрган девлар дастлаб, ҳайрон бўлибдилар, сўнгра наъра тортиб хужумга ўтибдилар. Баҳром девлар билан етти кеча-кундуз жанг қилибди. Ўлган девлар ўлибди, қолгаилари крчиб кутулибди. Шундан сўнг Баҳром чашмани топиб кўзачани сувга тўлдириб, борган йўлидан орқасига қайтиб келибди.

Кампир кўзачани олиб кизига бераркан дебди:

— Кўзачани беркитгину бошқа кўзачага сув қуйиб қўйгин.

Хотини ва қайнонаси билан хайрлашган Баҳром кўзачани олиб синглиси олдига келибди. Акасининг эсон-омон келганини эшитган Ситора пешвоз чиқибида ва кўлидан кўзачани олиб сувидан ичибди.

— Акажон, мен тузалдим,— дебди Ситора. Кўпдан бери мижжа қокмаган Баҳром фоятда чарчагани учун етти кечакундуз уйқуга ке-тибди.

— Аканг уйқудан туриши билан мени топиб олиб йўқотади. Бирон чора-тадбир килмоқ даркор,— дебди Баҳман яна.

— Мен бечора энди нима қиласман?

— Сен парво қилма. Энди бу ишни ўзим боплайман,— Баҳман шундай дебдию Баҳром ётган хонага кирибди, унинг ёнидаги қиличини олиб урган экан, бир наъра тортиб, икки нимта бўлиб жон берибди. Буни эшитган Ситора фарёд тортиб кириб келибди.

— Оҳ! Акамни ўлдирдинг, нокас. Бунга мен айбдор, мен. Мени ҳам ўлдир, ўлдир, дейман! Мен бу дардга чидолмайман!

Баҳман Ситорани бир тепиб чиқиб кетибди. У бир олтин сандик ясаттириб, мурдани унга жойлаб, бир отга юклабди-да, ҳайдаб юбо-рибди. Бир қанча манзил-мароҳилларни дам олмай босиб ўтган от охири Баҳромнинг қайнонасининг эшиги олдига келиб тўхтабди. Кам-пир отни ичкари олиб кириб, сандиқни очиб қараса Баҳромнинг ўлиги. Кампир қизига айтиб оби ҳаётни олдирибди ва мурда устига куяве-рибди. Ва ниҳоят мурда бир акса уриб ўрнидан турибдию ҳайрон бўлиб чор атрофга қарай бошлабди.

— Тавба, мен синглимнинг олдидга эдим-ку. Қандай қилиб бу ерга келиб қолдим.

Кампир бўлган воқеани гапириб берибди. Баҳром бир қанча вакт шоду хуррам яшабди. Кунлардан бир кун у кампирга дебди:

— Сиз менга қизим кал, кўр, шол, соқов, кар деб эдингиз: аслида. соchlари мушки анбар таратувчи, ширинзабон, донишманд, хушёр, хушкомат бир соҳибжамол экан. Гапингизнинг сирини сўрасам. кейин айтаман, девдингиз, энди айта қолинг, бувижон.

— Кал дейишимнинг сабаби, унинг бошини бирон бегона кўл си- ламаганди, бирон марта ҳам тилидан ёмон сўз чиқмаган, шу сабабли соқов девдим, кўр дейишимнинг боиси эса ёмон кишиларга назари тушмаганди, ёмон йўлдан юрмагани сабабли шол дегандим. Мен бу-гунга қадар омонатни саклаб келардим, ана энди уни сиҳат-саломат эгасига топширдим,— дебди-да, кампир бир юмалаб кўк кантар бўлибдио учуб кетибди.

Булар кўчу кўронини қўтаришиб Баҳромнинг юртига қараб кела-версин, сўзни Баҳмандан эшитинг.

Баҳромни ўлдиргач, Баҳман Одилшоҳни таҳтдан тушириб, ўрнига ўзи шоҳ бўлибди. Баҳромнинг ота-онасини ўзига хизматкор қилиб олибди. Уларни эртадан кечгача ишлатар, оқшомларда минг таъна-ҳа-коратлар билан бир бурда нон бераркан. Кексаларнинг ахволи фоятда оғирлашибди. Оёқ яланг, юпун ва касалманд бир ҳолатга тушиб қоли-шибди. Баҳром отасининг шаҳрига кириб келибди. Бутун шаҳар вай-рон қилинган, отасининг таҳти ўрнида бир харсангтош турган экан. Тош остидан тутун чиқибди. Баҳром разм солиб қараса бир жулдурово-ки йигит ўт ёқаркан.

— Ҳой йигит, узокдан келаётимиз, чанқадик, бирон сув-пув то-пиладими?!

— Индамасдан йўлларингдан қолмай кетаверинглар, Баҳман шоҳ кўриб қолса, сизларни ҳам, мени ҳам омон қўймайди,— дебди йигит.

— Кўркма йигит, Баҳман шоҳ ким бўптики, мени нест-нобуд қи-

ларкан,— дебди Баҳром. Йигит уларга яқинлашибди. Баҳром яна сўрабди:

— Сен ўзинг кимсан ва Баҳман шоҳдан нега бунчалик кўрқасан?

— Мен Одилшоҳ вазирининг ўғлиман. Одилшоҳнинг Баҳром отли ўғли бор эди. Мана шу Баҳман уни ҳийла билан ўлдириб, отасини тах- тдан тушириб, мамлакатни хонавайрон килди,— жавоб берибди йигит.

— Баҳром дедингми?! Сен уни кўрсанг танийсанми?

— Албатта танийман, бир жойда ўсганмиз, бирга ўкиб, ўйнаган- миз. Унинг кўксисида катта холи бор эди.— Баҳром кўксини очиб кўкрагидаги холини кўрсатибди. Вазирнинг ўғли шаҳзодани танибди. Дўстлар кучоқлашиб кўришибдилар, ҳол-аҳвол сўрашибдилар.

— Сен хотиним билан шу ерда туриб туринглар. Менга бирон эски жанда —чопон топиб бергин,— дебди Баҳром.

Дўсти бирпасда жанда топиб келибди. Баҳром уни жанговарлик либослари устидан кийиб, мўйсафид қаландар ҳолатига кириб йўлга тушибди. У йўлда дарё бўйида ўтин териб юрган чолни учратибди. У чолнинг олдига етгач, қаландарларга ўхшаб, ҳак дўст, ё обло, дебди.

— Ҳой одам, сен тиланчилик ва қаландарчилик қилиб бўлса ҳам бир бурда нонингни топиб ейсан. Мен бечора бўлса куч-мадорим кетиб ишдан қолганман, бир тишлам нонга зорман. Мендан бирон нарса тама қилиб ўйлингдан қолма,— дебди чол.

— Ҳой отахон, сизни ким бунчалик қийнади?

— Мен шу юртнинг шоҳи эдим. Баҳром отлиғ баҳодир бир ўғлим ҳам бор эди. Мамлакатнинг ҳозирги шоҳи, отинг дунёдан ўчкур Баҳ- ман, паҳлавон ўғлимни ҳийла билан ўлдириди, таҳтни тортиб олиб, ўзимни шу кўйга солди,— дебди мўйсафид.

Бу гапни эшитиб Баҳром эзилибди, ич-ичидан ёниб кетибди. Аммо ўзини кўлга олиб, бирданига танитмасликка аҳд қилибди.

— Суюнчи беринг, отахон, ўғлингиз тирик,— дебди.

Чол ишонкирамай дебди:

— Сен каби эшикма-эшик дайдиб юрадиган бир қаландарга ёлғон гапириш ярашмайди. Менинг ўғлимни қаердан танийсан? Унинг ўлган ёки ўлмаганлигини қандай билдинг?! Қалбим ярасини янгиламагину яхшиси йўйлингга жўна.

— Ўғлингиз ҳозир келиб қолса танийсизми?—дебди-ю, кўксини очиб холни кўрсатибди. Шу пайт онаизори ҳам етиб келибди. Чолу кампир шодликларидан ўзларидан кетиб йиқилишибди. Баҳром юзла- рига сув сепибди, ўзига келишибди. Шундан сўнг йигит ота-онасини олдига олиб шоҳ қасрига жўнабди. Ўтисиз келаётган чолу кампирга кўзи тушган Баҳман пўписа қилибди.

— Ҳой имонсиз қари итлар, нега ўтисиз келдиларинг?

— Ўтин ўрнига мана бу қаландарни келтирдик,— дебди Одилшоҳ. Ғазабланган Баҳман бақирибди.

— Қаландаринг билан ўқолинглар кўзимдан. Ҳозир бориб бир боғдан ўтин келтиринглар, бўлмаса бошларингни танангиздан жудо қиласман.

Ғазабига чидай олмаган Баҳром Баҳманни гарданидан ушлаб, тах- тадан пастга тушириби ва дебди:

— Қани, танадан бошни қандай жудо қилиш хунарингни бир кўрсат-чи.

Баҳманнинг ранги-кути ўчиб, кўркувдан юраги ёрилибди. Баҳром қотил душманидан кутулишибди. Отасини яна тахтга ўтказибди. Шундай қилиб баҳодир йигит муроду мақсадига етиб, шоду хуррамлик билан яшай бошлабди.

ПАРИЛАР ШОҲИННИНГ ҚИЗИ

Уч оға-ини пахлавон бўлган экан. Кунлардан бир кун уч оғайни ботирлар овга чиқишибди. Уч кечаю уч кундуз йўл юргач Тур тогига етишибди.

Тур дунёдаги энг баланд тоғ экан. Пахлавонлар оху кидириб тоғ тепасига чиқишибди. Шу пайт гўзаликда тенгсиз бир қуш уларнинг устидан учиб ўтишибди. Улар тўр ташлашган экан, ҳалиги қушча тўрга илиниб қолишибди. Бу парранда эмас, балки парилар шоҳининг қизи экан.

— Кўриб турибман, сизлар одамзодсизлар,— дебди қиз.— Менда нима ишларинг бор эдики, тўр қўйиб тутдинглар. Агар ёш жонларингга жавр килмайин десанглар, мени қўйиб юборинглар,— дебди.

Шунда Жувор баҳодир дебди:

— Эй парилар шоҳининг қизи, мен сенинг овозангни эшишиб, ошиқи бекарор бўлиб юриб эдим. Мана бугун баҳтим чопиб висолингга эришдим. Менга раҳм қил, бағритошлиқ қилиб, мени кийнама.

Бу гапни эшишиб пари қиз шундай дебди:

— Нима ҳам қиласдим, тақдирим шу экан. Мен ҳозир сенинг аси- . рингман, сен нима десанг, шунга кўнишим шарт. Аммо менинг қарин- дош-уруғим, ота-онам, сингилларим бор, рухсат берсанг, уларнинг ҳам розилигини олай.

Баходирлар тўрни очишибди. Пари қиз осмонни күёш янглиғ му- наввар этиб, бир сонияда кўздан ғойиб бўлибди. У онасининг олдига этиб бораркан, воқеани нақл этибди:

— Азиз онажон, баҳти қаролиғимданми ёки шум толеим боиси- данми, билмадим, Тур тоғида бир гўзал баҳодир тўр ташлаб кўлга ту- ширди. У менга ошику бекаро бўлган экан, мен ҳам унга ваъда бериб, аҳду паймон қилдик.

— Яхши қилмабсан,— дебди онаси.— Сени оқ дев севиб қолган. У сенинг химоячинг, сени замину осмон бало-қазоларйдан кутқариб келади, ундан бош тортсанг нобуд бўласан. Сенинг ажалинг ўшанинг кўлида.

— Бўлмаса нима қиласай?— сўрабди қиз.

— Сен паҳлавоннинг олдига боргину шу гапларни айтгин. Девлар- га рўпара бўлиш одам фарзандининг иши эмас. У сендан умидини узиб, келган йўлига қайтади,— дебди онаси.

Киз осмону фалакка парвоз этиб, Тур тоғига этиб келибди. Паҳла- вонлар олдига тушиб, Жувор баҳодирга шундай дебди:

— Дунёдаги барча девларнинг бошлиғи, энг улкан Деви сафид менга ошик бўлибди. Унга розилик бермасам, мени ўлдиради. Шуни сенга айтиб қўяй, дедим.

— Сен ҳам уни севасанми?— сўрабди паҳлавон.

— Йўқ,— жавоб берибди қиз.

— Ўша дев шу атрофлардан ўтадими?— сўрабди баҳодир.

— Ха, худди мана шу тог орқасидан ўтади. Аммо унга учраша қўрма, бир ҳамлада ҳалок этади,— дебди қиз.

— Хотиржам бўй,— дебди Жувор баҳодир ва укаларини икки қоп тариқ топиб келишга юборибди.

Жувор баҳодир икки қоп тариқни орқалабди-да, оқ дев келадиган йўлга ўтиб пойлаб ўтирибди.

Шу пайт момақалдироқдай даҳшатли гулдурос эшитилибди. Еру осмон қалқиб, паҳтадек оппок дев пайдо бўлибди. Икки оқ тогни икки қўлида ўйнатиб келарди.

Жувор баҳодир коплардаги тариқларни девнинг йўлига зудлик би- лан сепибдио қиличини филофидан олиб жангга шайланиб турибди.

— Вах, вах, одамзоднинг иси келяпти,— дея баҳодирнинг устига босиб келаверибди дев. Тариқ сепилган жойга етгач, оёғи сирпаниб йикилибди. Паҳлавон қиличи билан унинг гарданига чунон урибдики, боши танидан жудо бўлибди.

Тог устида томоша қилаётган қиз тушиб келибди-да, шундай дебди:

— Бу девнинг ўзидан бақувват укаси бор. У акасининг ҳалокатини эшитса, сени омон қолдирмайди.

— Укаси қаердан ўтади?— сўрабди баҳодир.

— Ху рўпарадаги Кўхи Қофнинг орқасидан ўтади,— дебди пари- лар шоҳининг кизи. Бу тог Тур тоғидан ҳам улугроқ ва баландрок экан.

— Йўлни кўрсат,— дебди баҳодир.

Киз йўл бошлабди. Баҳодир икки қоп тариқ кўтарган ҳолда унга эргашибди. У Кўхи Қофнинг орқасига ўтибди-да, девни кута бошлаб-

ди. Бир вакт қаттиқ шамол туриб, чор атрофни зим-зиё коронгулик босибди, замин ларзага келибди. Деви сиёх икки кўлида икки тоғни ўйнатиб:

— Вах, вах, одамзоднинг ҳиди келяпти,— деб Жувор баҳодир то- мон юриб кела бошлади. Баҳодир йўлга тарикни тўкиб кутиб турибди. Девнинг оёги тарикқа тегиши билан сирпаниб йиқилибди. Вақтни фа- нимат билан йигит девнинг бошини танидан жудо қилибди.

— Энди яшил дев қолди,— дебди пари қиз осмондан тушиб келар- кан. Аммо уни ўлдириш гоятда мушкул. Унинг жони бир сандикқа беркитилган. Сандик бўлса аллақандай бир горга яшириб қўйилган. Сандинкни топиб, йўқотмагунча, унинг жони чикмайди.

— Ўша ғор қаерда?— сўрабди Жувор баҳодир.

— Билмайман,— жавоб берибди қиз.

Жувор баҳодир горни қидириб тоғу тошларга, дашту саҳроларга чиқиб кетибди. Йўлида учраган горга кириб қидирап, аммо сандиқдан нишон тополмаскан. Неча кечао, неча кундуз йўл юриб бир' дарё ла- бига етиб келибди. Дарёнинг суви мусаффо осмондек кўм-кўк экан. Дарё лаби билан кетаётib йигит бир кўк токка дуч келибди. Тог ёнба- фирларидан тортиб ҳаммаёқнинг дов-дарахтлари яшил либосга бур- канган экан.

Баҳодир, «девнинг жони шу ерда бўлса керак», деб токқа чиқиб бора- верибди. У бир чашма олдига келибди. Рўпарада каттагина бир ғор ҳам бор экан. Ғорга яқинлашган экан, даҳшатли бир овоз эшитилибди. Йигит қиличини филофидан олибдию, «бу нима бўлди экан?» деб горга кирибди. Соч-соқоллари товонларигача ўсиб тушган қирқ банди бир- бирларини кўрсатиб: «Анави семиз, мен ориқ, уни е, мени қўй», деб овозлари борича бақирадилар.

«Жим бўлинглар, мен одамзодман, инсон инсонни емайди»,— огоҳлантирибди баҳодир. Асиirlар тинчланиб, баҳодирни ўраб оли-шибди ва бўлган воқеани гапириб беришибди. Уларни бу ерга Кўк дев келтирган экан. Унинг жони шу горнинг бир бурчагидаги сандиқда экан. У ҳар куни чиқиб асиirlардан бирини еркан-да, яна жойига кай- тиб кетаркан. Шунинг учун ҳам ҳар бир киши бирон сония бўлса ҳам ортиқроқ яшашни истаб бир-бировини кўрсатишаркан. Асиirlарга раҳми келган баҳодир шундай дебди:

— Бир кун-ярим кун ортиқ яшашдан нима фойда? Менга девнинг жони яширинган жойни кўрсатсанглар, сизларни тамоман озод ки- ламан.

Улар йигитни горнинг тўрига олиб боришибди. Бу ерда бир пўлат сандик турарди. Баҳодир сандиқни очмокчи бўлибди, лекин очолмабди. Қиличи билан чопган экан, қилич ўтмабди. Йигитнинг боши қотибди.

— Бу сандик ичидан қулфлоғлик, кўл-оёғимни ечинг, мен очиб бе- раман,— дебди бир мўйсафид банди.

Баҳодир унинг бандиларини ечибди.

— Энди сандиқни ағдаринг,— дебди мўйсафид. Йигит сандиқни тўнтариб кўйибди. Сандиқ остида нина тешигидай бир тешик бор экан. Мўйсафид баҳодирнинг қиличи учи билан тешикни кенгайтирибди-да, бир ипнинг учини турмак ҳалқа қилиб сандиқнинг ичига туширибди.

Ҳалқа бориб бир нарсага илинибди, қария ипни тортган экан, сандиқ- нинг занжирни шарақлаб очилиб кетибди.

— Тезлик билан сандиқни ўнглаб, оғзини очинг,— дебди мўйсафид.

Баҳодир сандиқни яна асл ҳолига келтириб очибди. Девнинг жони чириллаб ташқарига чиқибди. Йигит уни ушлаб энди ўлдирман деган экан, дев момақалдироқдай наъра тортиб тоғдан тушиб келибди.

— Эй йигит, жонимни олма, бир умрга қулинг бўлайин, нима де- санг бажарайин,— ялинибди гор оғзига келиб.

— Ўлдир, ўлдир деймиз, ўлдир, бу дев сени алдайди,— дейишибди бандилар.

— Девлар вафосизлик қилмайдилар, жонимни омон қолдир, се- нинг қулинг бўламан.

— Ҳой Кўк дев, бу асиirlарни жой-жойига элтиб қўй,— буюрибди баҳодир.

Орадан сал вақт ўтмасданоқ дев барча бандиларни ўз жойларига элтиб қўйиб келибди.

— Энди бўлса, мени парилар шохининг қизи ҳузурига элтгин!

Дев баҳодирни даст кўтарибди-да, бир зумда қиз олдига олиб бо- рибди. Қиз хурсанд бўлибди. Жувор баҳодирни ота-онаси олдига олиб борибди.

— Инсон қаҳрамон, хунарманд экан. Ҳеч замон ва ҳеч маконда бизнинг қизимиздек гўзал яшаб ўтмаган. Сен кўп заҳмат чекдинг, меҳнат қилдинг, қизимизни сенга беришга тайёрмиз. Лекин битта шартимиз бор: қизимизга уйланасану шу ерда яшайсан. Бизнинг юрт ғоятда чиройли, хушҳаво, боғу роғ, ҷашмалар кўп, зерикмайсан,— дейишибди улар. Жувор баҳодир бу шартга кўнмабди.

— Менинг ватаним бор, қавм-қариндошим, икки биродарим бор, уларсиз яшай олмайман,— дебди баҳодир.

— Биз ҳам яккаю ягона қизимизсиз яшай олмаймиз,— дейишибди қизнинг ота-онаси.

Ниҳоят, қиз ҳар кун ота-онасининг олдига келиб-кетиб турадиган бўлибди. Парилар катта тўй килиб, қизни Жувор баҳодирга никоҳлаб беришибди. Баҳодир хотинини олиб, Кўк девга миниб, ўз ватанига, биродарлари олдига келибди.

Пари қиз кечалари баҳодир билан яшар, қундузи эса ота-онасининг олдига учиб кетаркан. Улар бир неча йил шундай яшабди.

Кундуз қунлари баҳодир овга, қиз ота-онаси ҳузурига кетишарди. Кечкурун қайтиб келиб, шоду хуррамлик билан яшашарди. Жувор баҳодирнинг бир кўшниси бор экан. Бу икки ёшнинг инок ҳаёти, пари қизнинг ҳусну жамоли ҳамсоя қалбига ҳасад оташини солибди.

— Эй паҳлавон,— дебди қунлардан бир кун у,— ҳамма ўз хотини- ни уйда асрайди, ҳеч қаерга юбормайди. Одамзод хотинининг бунча- лик озод, эртадан-кечгача қаровсиз қолиши хосиятли эмас.

Бу гап баҳодирни тутактирибди. У кўп ўй-хаёллардан сўнг хотини- ни юртига юбормасликка аҳд килибди.

— Сен менинг хотиним экансан, доим уйда бўлмогинг даркор. Биз одамларнинг одатимиз шу,— дебди қатъий бир оҳангда баҳодир.

Пари қиз унинг бу фикрига рози бўлмабди.

— Биз шартлашувдик. Сен аҳдингга вафо килишинг лозим,— де- бди қиз.

Йигит хотинининг гапини эшитиши ҳам хоҳламабди-да, уйга қа- маб қўйибди.

У париларни қамаб қўйиб бўлмаслигини билмас экан. Пари хотин бир юмалаб капитарга айланибди-ю, мўридан учиб чиқиб том лабига қўнибди.

— Парилар ўз аҳдига вафо килади, девлар ҳам вафосизлик қил- майди. Кўк дев ўз ваъдасига вафо қилмадими? Сен бўлсанг, вафосиз- лик қилдинг. Наҳотки, одамзод шунақа бўлса. Энди бўлса, йўл юрасан, йўл юрсанг ҳам мўл юрасан, чоригинг ғалвир, ҳассанг нинадай бўлади, соchlаринг ўсиб белингга тушади-ю, аммо мендан нишона тополмай- сан,— дебдию учиб кетибди.

Баҳодирнинг кўз олди коронгилашибди. У тўгри борибию қўшни- сини икки оёғини ушлаб чунонам кўтариб урибиди, чил-парчин бўлиб кетибди.

Шундан сўнг оёғига бир қалин чорик кийиб ҳассасини қўлига олиб хотини парвоз этган томонга қараб йўлга тушибди. У йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, чориги имла-тешик, ҳассаси нинадай бўлиб қо- либди. Сочлари ўсиб белига тушибди. Баҳодир бутун умрида бунчалик узоқ йўл босмаган экан. Бориб-бориб йигитнинг оёқлари шишиб, мад- далаб кетибди, ҳолдан тоя бошлабди. У бир булоқ лабида ухлаб қо- либди. Неча кеча-кундуз ухлаганини билмаскан. Бир вакт уйгонса, ху- зурида яшил либос кийган бир мўйсафида ўтирган экан.

— Мен инсон зотини кўрмагандим. Сиз кимсиз? Бу манзилларга сизни қайси мақсад етаклаб келди?— сўрабди мўйсафида. Баҳодир ўз бошидан кечганларни ҳикоя килиб берибди.

— Кўп заҳмат чекибсиз, болам. Мехнатингиз бекор кетмайди. Мана шу йўл билан кетаверасиз. Олдингиздан кўм-кўк бир гўзал боғ чиқади. Гулу гулзорлар ўртасида мовий ҳовуз бор. Вакти-вақти билан пари кизлар ана шу ҳовузда чўмилиш учун келадилар. Шояд ўша но- занинлар орасида хотининг ҳам бўлса,— дебди табассум билан мўйсафида.

Йигит чолга миннатдорчилик изхор этибди-ю, яна йўлга тушибди. Неча манзил-мароҳилларни тай этгач, йигит мўйсафида айтган гўзал чорбоққа етиб келибди- Ажиб бир тароват ва латофатга эга бўлган бу чорбоғда анвои гуллар очилиб, ранг-баранг мевалар гарқ пишган, ўртадаги ҳовузнинг чор атрофи шинам, тоза шоҳсупалар билан зий- натланган экан. Баҳодир ҳовуз ёнидаги гулзор орасига кириб бекиниб пойлаб ётибди. Орадан бир неча кун ўтиб кетибди ҳамки парилардан дарак бўлмабди. Кунлардан бир кун йигит: «Оббо, мўйсафидинг айт- гани бўлмади-ку, шўр пешона эканман, ўзимни ўзим пари қиз висоли- дан маҳрум қилдим», деб дикқат бўлиб ўтирган экан, ногоҳ осмонда бир тўда пари кизлар пайдо бўлибди. Улар чорбог устига учиб келиб, ҳовуз лабига тушибдилар-да, либосларини ечмоқчи бўлибдилар.

— Одамзоднинг ҳиди келяпти,— дебди бир пари.

— Мен ҳам шуни сезяпман,— дебди бошқа бири.

— Одам ҳидини мен биламан. У гулнинг ҳидидан ҳам ёқимли бўлади.

Лекин бу парилар маконида одамзод нима қилсин,— дебдию бир пари қиз либосини ечиб ҳовузга сакрабди.

Дикқат билан қараган баҳодир ўша қиз хотини эканини билибди ва чопкиллаб келиб либосларини олибди-да, дебди:

— Қалин чорифим ғалвир бўлди, ҳассам нина бўлди, соchlарим бе- лимга тушиб сени излаб келдим. Сенсиз яшай олмайман, кел, уйга қе- тайлик.

— Мени элтиб, яна қамаб қўяссанми?— сўрабди қиз.

— Йўқ, мен хато қилдим. Бу номаъкулчиликни энди такрорламай- ман,— дебди йигит.

Пари ҳовуздан чиқиб, либосларини кийибди. Шундан сўнг эрининг қирқ

кокил бўлиб ўсиб кетган соchlарини силай бошлабди. Чунки у ҳам Жувор баходирни севар, унинг ишқида куйиб ёниб юраркан.

БАЛИҚЧИ ҚИЗИ

Бор экан, йўқ экан, бир балиқчи бўлган экан. У ҳар куни дарёдан балиқ тутиб, рўзгорини ана шунинг эвазига тебратаркан. Унинг бир хотини, бир кизи бор экан, улар ҳам балиқчига ёрдам беришаркан.

Йил боши — Наврўз келибди. Одамлар доираю ногора чалишибди, най тортишибди. Одамлар бу ерга тўпланишибди; бир томонда эркак- лар, бир томонда хотинлар туришаркан, хотинлар чироили либос кий- ишиб, кўзларига сурма тортиб, қошларига ўсма қўйиб, қулоқларига ҳалқа осиб, кўлларига хино қўйиб келишган экан. Хотинлар бир то- монда рақс тушишар, эркаклар бошқа томонда базм қуришган экан. Ҳар ким ўзи билган хунарни кўрсатаркан. Ҳамма шоду хурсанд эканлар.

Ана шундай шоду хурсандлик пайтида осмондан Сулаймон тахти учеб ўтибди. Ҳамма осмонга карабди. Балиқчининг кизи ҳам осмонга тикилибди-ю, ўзига-ўзи дебди:

— Оҳ, кошки ана шу одамнинг хотини бўлсан!

Вазиру аълам ва қозиу миршабнинг қизлари унинг гапини эшитиб, таънаю маломат бошлишиб заҳархандалик билан кулишиб:

— Биз вазиру аълам, қозиу миршабнинг қизлари бўлиб бундай орзу килмаймизу бу балиқчининг кизи жинни бўлибдими бундай орзу киласди,— дейишибди.

Балиқчининг кизи бу гапдан жуда уялиб, изза бўлибди, лекин ҳеч нарса демай уйига кетибдию бир неча вақт фамгин юрибди.

Кунлардан бир куни Сулаймон дарё лабига келиб тахтиравонидан тушиб, узугини тош устига қўйиб ўзи таҳорат қилгани кетибди. Унинг тахтини кўтариб юрадиган девлар маслаҳат қилишибди:

— Биз бир умр бу кишини кўтариб юрамизми? Келинглар, узукни дарёга ташлаймиз ўзимиз қочамиз.

Девлар шундай маслаҳат қилишиб узукни дарёга ташлашиб, ўзлари қочишибди. Сулаймон таҳоратдан келиб қараса на узук бор, на девлар. У маъюс бўлиб дарё бўйлаб кета бошлабди. Бир неча вақт мардикор- лик қилиб юрибди. Бир куни йўли бир қишлоққа тушибди, қараса бир киши дарё бўйида балиқ туваётган экан. Сулаймон унга ёрдам берибди, мўйсафид:

— Эй йўловчи, менга хизматкор бўлмайсанми?—дебди.

Сулаймон рози бўлибди ва чолнинг уйига бориб бир неча вақт хиз- маткор бўлиб юрибди. Сулаймоннинг хизмати унга маъқул бўлибди. Бир кеча у балиқчи хотини билан маслаҳат қилиби:

— Мана шу хизматкоримиз дуруст, тўғри сўз одам экан, қизимиз- ни унга берсак ёмон бўлмас?

Балиқчининг хотини рози бўлмай, дебди:

— Мен хизматкорга қиз бермайман.

Лекин балиқчи хотинини кўндирибди-ю, қизини Сулаймонга бе- рибди.

Балиқчи ҳар куни оила аъзоларига биттадан балиқ бераркан. Уларнинг овқати ана шундан иборат экан. Бир куни балиқчи эринг би- лан егин деб қизига иккита балиқ берибди. Қизи балиқларни дарё бўйига олиб бориб тозалаётган экан, бир балиқчининг ичидан узук чи- қибди. Қиз узукни олиб томоша қилибди, жуда ажойиб узук экан. У ўзича йўлабди: «Бу узукни отамга берайми ёки эримга». Охири шу

карорга келибди: «Нима бўлса ҳам энди яхши-ёмон кунларимга шу эрим ярайди, узукни эримга бериш керак», дебди. Шундай килиб узукни Сулаймонга берибди.

Сулаймон қараса, ўзининг узуги. Жуда хурсанд бўлиб бармоғига солиб дебди:

— Мана шу узук ҳақки, ҳамма девим, тожу тахтим, қайтиб келинг!

Шу заҳотиёқ девлар тожу тахтни олиб келишибди. Сулаймон хо- тини билан тахтиравонга миниб фалакка кўтарилибди, икковлари роса саёҳат қилишибди.

Бир куни балиқчининг кизи Сулаймондан илтижо килибди:

— Бизнинг мамлакатимиздаги ўша сувсиз чўлда битта яхши боғ қурдиринг, унда минг хил гулу мева бўлсин, боғ ўртасига битта кўшк ҳам қурдиринг, унга тенг келадигани бўлмасин. Мен вазир қизини ҳамма дугоналари билан, аъламу қози, миршаб қизлари билан зиёфат- га чакираман.

Сулаймон дарҳол девларига фармон берибди, кўшк пайдо бўлибди. Сулаймоннинг хотини катта зиёфат тайёрлаб меҳмонларга одам юбо- рибди. Кечкурун меҳмонлар хизматкорлари билан келишибди.

Зиёфат пайтида балиқчи қизи вазир, аълам, қозио миршаб қизлари олдига бир товоқдан палов кўйибди, лекин палов тагига ари кўйибди. Меҳмонлар кўл солишиб таом ейишган экан, ош тагидан ари чиқибди. Бирданига ранглари ўчиб, аччиклари келиб доду фарёд кўтаришибди:

— Бизни ким деб ҳисобладинг, нега бизнинг товоғимиз тагига ари солдинг?

Балиқчининг кизи юзидан никобини олиб дебди:

— Ўтган йили мени масхара қилган сизлар эмасмидинг? Энди кўрдингиз, Сулаймон менинг эриму мен муроду мақсадимга етганиман.

ГУЛИ ҚОҚАПАРИ

Бир подшонинг икки вазири бўлиб, бирининг номи Аҳмад, иккин- чисиники Ниёзсайёд экан. Ниёзсайёд оқилу доно экан. Подшо уни жуда яхши кўраркан. Аҳмаднинг рашки келиб Ниёзсайёдга душман бўлибди.

Бир куни Аҳмад Ниёзсайёдни меҳмонликка чакирибди. Хотинига ош товоғининг бир томонига заҳар сочишни буорибди. Ошни олиб келганларида Аҳмад товоқнинг ўша томонини Ниёзсайёд тарафига кўйибди. Кейин хотини Аҳмадга дебди:

— Бир киши келиб сизни чақирипти, дарров туриңг.

Аҳмад Ниёзсайёдга дебди:

— Мен чиқиб хабар олай, сен ошни еявер.— Ўзи уйдан чиқибди. Ниёзсайёд икки луқма еган экан, ерга йиқилибди. Аҳмад бу ахволни кўриб, дарров иккита одамни чақириб дебди:

— Ниёзсайёд тўсатдан касал бўлиб қолди, уйларига олиб бо- ринглар.

Ниёзни уйга олиб боришаётган экан, йўлда ўлиб қолибди. Бу ха- барни подшога етказибдилар, подшонинг фармони билан Ниёзсайёдни подшоҳона расм-русуми билан кўмибдилар.

Кейин подшо Аҳмаддан сўрабди:

— Эй Аҳмад, Ниёзсайёднинг фарзанди борми?

Аҳмад дебди:

— Ха, Мұхаммад исмли битта ўғли бор.

Подшо Мұхаммадни чақириб бутун амалдорларини тўплаб дебди: — Энди Ниёзсайёднинг ўғлини отасининг ўрнида кўрасизлар, уни худди отасидек хурмат қиласизлар, шу бугундан бошлаб уни Ниёзсай- ёд деб атай бошлаймиз.

Шундан кейин подшо ёш Ниёзсайёдга жуда меҳрибонлик қила бошлабди. Яна Аҳмаднинг рашки келибди, бирон йўл топиб кичкина Ниёзсайёдни ҳам йўқотмоқчи бўлибди.

Бир куни Аҳмад подшога дебди:

— Эй подшоҳи олам, сиз шунчалик шону шавкатли подшосиз, ле- кин сизнинг хазинангизда фақат битта гавҳар шам чироқ бор, холос, сиз тўртта шамчироққа эга бўлсангиз ҳам ярапади.

Подшо дебди:

— Эй Аҳмад, бу гапинг тўғри. Қолган учта гавҳарни қаердан то- паман?

Вазир дебди:

— Эй подшо, бу ишни Ниёзсайёдга топширинг, у гавҳар бор жойни билади, топиб келади.

Подшо Ниёзсайёдни чақириб уч дона гавҳар шабчироқ топиб ке- лишни буюрибди.

Ниёз келиб бу гапни онасига айтибди. Онаси ўйланиб туриб дебди.

— Ўғлим, билиб қўй, мен парилар жинсидан бўламан, бизнинг па- ри жинсларимиз Кўхи Қоф орқасида яшашади. Гавҳар шабчироқ ўша ерда бор. Менинг мана бу икки тола сочимни олгину йўлга туш. Олдингдан катта дарё чиқади. Сочимнинг бир толасининг учини

кўлингда ушлаб туриб пуфласанг, дарё устига кўприк бўлади. Дарёдан ўтсанг, у томони парилар мулки. Бир қишлоқ бор, қишлоқ мачитига кириб намоз ўқийсан. Парилар сенга гапиришмайди, сен ҳам инда- майсан. Намоздан сўнг имом ҳаммадан кейин мачитдан чиқади. Ме- нинг бу соч толами мулла имомга кўрсатасан, мақсадингни айтасан. Мулла имом гавҳар шабчироқни сенга топиб беради.

Бола онасининг гапларини кулогига олиб йўлга тушибди. Бир неча кундан кейин намоз вақтида парилар қишлоғига етиб келибди. Онаси- нинг соч толасини мулла имомга берибдию мақсадини айтибди. Бола мулла имом билан гаплашаётганда париларнинг барчаси уларнинг ат- рофини ўраб олишибди:

— Тупроқ одами келибди, тупроқ одамини томоша қилинглар. Мулла имом ўз қавмига дебди:

— Бу бола ўз жинсимиздан экан.

— Шу кеча ўн дона гавҳар шабчироқ топиб мана шу болага бера- сизлар, кейин уни кўтариб онасининг олдига элтиб кўясизлар!

Парилар гавҳарни топиб берибдию ўша кечеёқ уни онасининг олдига олиб бориб қўйибдилар.

Ниёзсайёд битта гавҳарни эшикка қўйибдию ўзи кириб ухлабди. Вазир Аҳмад ярим тунда уларнинг ҳовлисига қараса битта гавҳар ҳамма жойни ёритиб турибди. Ниёзсайёднинг гавҳар шабчироқ олиб келганини билибди.

Аҳмад подшо хазинасига бориб, хазинабонни алдаб подшонинг гавҳар шабчироғини ўғирлабди. Эрталаб подшо хузурига келиб дебди:

— Эй менинг подшоҳим, бу кеча Ниёзсайёд хазинангдан гавҳар шамчироғингни ўғирлабди.

Подшонинг аччиғи келиб тезлик билан Ниёзсайёдни чақириби. Ниёзсайёд келган экан, подшо сўрабди:

— Бу қандай номаъқулчилик, менинг хазинамдаги гавҳарни ўғир- лабсан?

Ниёзсайёд дебди:

— Агар сизнинг хазинангизда бир дона шабчироқ бўлса мен ўн дона гавҳар олиб келдим.

Кейин Ниёзсайёд ўнта гавҳар шамчироқни подшога берибди.

Ниёзсайёднинг обру-эътибори яна ортиб, подшо уни илгаригидан ҳам яхши кўрадиган бўлибди. Бир куни Аҳмад яна бир хийла ўйлаб топибди. У подшо олдига келиб дебди:

— Тақсир, сиз подшоҳи оламсиз. Балх подшосининг қизи Гули Қоқапари сизга муносиб, Ниёзсайёд сизга шунча муносиб хизмат кил- ди, яна бир хизмат килсин. Гули Қоқапарини сизга олиб келишни унга буюринг.

Подшо рози бўлибди. Ниёзсайёдни чақириб Гули Қоқапарини олиб келишни буюриби. Ниёз бу гапни онасига айтибди. Онаси оҳ тортиб дебди:

— Бу Аҳмаднинг иши, у сени ўлимга юборяпти.

Кейин она ўғлига дебди:

— Ўғлим, ҳозир бозорга борасан. Бозорга бир қўлида оқ от, ик- кинчисида қора от етаклаган бир одам кириб келади. Отларнинг нар-

хини сўрайсан, бир бор сўрайсан, эгаси аччиқланади, иккинчи марта сўрайсан, аччиқланади, учинчи марта сўраганингда отлар нархини айтади. Неча пул деса рози бўласан: уйга олиб келасан, мен пулини бераман.

Бола бозорга борибди, ўша отфурушни топиб отлари билан уйига олиб келибди. Онаси отларни сотиб олибди, кейин Ниёзсайёдга Балх йўлини тушунтириб дебди:

— Бу оқ отни минсанг, парвоз қилиб осмонга чиқади, қора отни минсанг, сени ерга олиб тушади. Катта бир дарёнинг бўйига етасан. Бу дарё бориб-бориб қуриб қолади. Балх шахрининг йўли ана шу дарё ичидан ўтади. Йўлнинг у томонини мен билмайман, у томони ихтиёр ўзингда, йўлни ўзинг топасан.

Ниёзсайёд оқ отни миниб чунон парвоз қилибди, ер кўзга кўрин- май кетибди. Кейин қора отга минган экан, катта бир дарёнинг бўйига, майсазор четига тушибди. Отларни кишанлаб, эгар-жабдугуни бир жойга яширибди. Қамишлардан сават тўкибди. Саватни дарёга ташлаб ичига тушиб олибди. Сув бетида кетаверибди. Бу дарё бориб-бориб бир фариштанинг кафтига кирап экан. Бир замон Ниёзнинг савати ҳам фариштанинг кафтига кирибди. Фаришта кўрса, саватнинг ичидаги битта бола ўтирганмиш. Болани кўриб димоги чоғ, тавби хуш бўлибди. Фа-ришта дебди:

— Эй бола, қаерга борасан?

Ниёзсайёд дебди:

— Мени подшо зулми овора қиляпти, подшо Балхга юборди, Гули Коқапарини олиб келишни буюрди.

Фаришта дебди:

— Эй бола, мен сенга ёрдам бераман. Лекин бир худо де, мен омин дейин, бир бошқа фаришта келиб менинг ўрнимда турсин, мен сен би-лан бориб, муродингни хосил қиласман.

Бола «худо» дебди, фаришта омин қилибди, бошқа бир фаришта хозир бўлиб, унинг ўрнига турибди. Бола сув фариштаси билан Балх шаҳри томон кетаверибди. Икки киши бўлиб кетишаётган экан, олди-ларидан яна бир фаришта чиқибди. У тепаликни уриб текислик, те-кисликни уриб тепа пайдо қилас экан. Бу фаришта улардан ҳол сўраб-ди, бола мақсадини айтибди. Даشت фариштаси дебди:

— Эй биродарлар, икковларинг бир «худо» денглар, мен омин дей-ман, бир фаришта келиб менинг ўрнимга турсин, мен ҳам сизлар билан борайину шу боланинг муродини хосил қиласман.

Икки киши «худо» дейишибди, даشت фариштаси омин дебди, битта бошқа фаришта пайдо бўлиб даشت фариштаси ўрнига турибди. Улар учта бўлиб кетаверишибди. Бу икки фаришта Ниёзсайёддан бошқа ҳеч кимнинг кўзига кўринмас экан.

Улар Балх шаҳрига кириб боришибди. Бир ариқ бўйида бир кампир кир ювоб ўтирган экан. Ниёз кампирдан илтимос қилибди:

— Эй она, мен мусоифрман, шу кеча менга уйингдан жой бер. Кампир рози бўлибди. Кампирнинг уйига кириб ўтирибди. Кечаси шаҳарда гавғо кўтарилибди, кўпгина болалар шовқин-сурон бошли-шибди. Бола кампирдан сўрабди:



— Эй она, бу қанақа шовқин?

Кампир дебди:

— Болам, ташқарига чиқма. Гули Қоқапари кундузи юзига парда тортиб юради, кечаси пардани юзидан олади, ҳамма жой ёргу бўлади, болалар унинг ёргуда томга чиқиб ўйнашиди.

Ярим кечадан ўтганда йигит ўрнидан туриб подшо қўргонининг та- гига борибди. Фаришталар болани кўтариб қўргон тепасига кўйибди- лар. Бола қасрга кириб қараса, Гули Қоқапари бир уйда ухлаётганми- шу атрофида подшонинг қирқ аскари ҳам уйқуга кетгандиши. Ниёз оёқ учидага қизнинг олдига борибдию астагина унинг қўлидан узугуни олиб ўзининг қўлига тақибди. Ўзининг узугуни эса қизнинг қўлига тақиб қўйибди. Кейин Ниёз яна кампирнинг уйига келиб ётибди.

Иккинчи куни йигит яна Гули Қоқапарининг олдига бориб Коқа- парининг узугуни олиб ўзининг узугуни унинг қўлига тақибди. Бу хо- диса икки марта тақрорлангач, Гули Қоқапари учинчи куни ухламаб- дию ўзини уйқуга солибди. Ниёз яна келиб узукни алмаштироқчи бўлган экан, қиз унинг қўлидан маҳкам тутиб олибди ва дебди:

— Бу ерга одам келса оёғи куярди, қуш учса қаноти куярди. Қан- дай мўъжиза рўй бердикси сен бу қасрга келиб қолдинг? Сен одам жинсиданмисан ё пари?

Бола дебди:

— Мен одам жинсиданман, ўз оёғим билан келдим, оёғим куймади. Гули Қоқапари дебди:

— Сен Ниёзсайёд эмасмисан, бошқа ҳеч ким бу ерга кела олмайди. Бола дебди:

— Мен Ниёзсайёдман, сен учун келдим.

Қиз кулиб дебди:

— Эй йигит, яхши иш қилмабсан. Агар отам билиб қолса, мени ҳам ўлдиради, сени ҳам тилка-пора қиласди. Бу кеча шу ерда ухла. Эр- талаб мен сени отам олдига олиб бораман, бошқа илож йўқ.

Эртасига қиз йигитни отаси олдига олиб борибди. Подшо Ниёзсайёд ёднинг ишини эшишиб дарғазаб бўлибди ва боланинг бошини танаси- дан жудо қилишга, жасадини пора қилиб — тўрт қисмга бўлиб шаҳар- нинг тўрт дарвозасига осиш ҳакида фармон бериди.

Подшонинг вазири дебди:

— Эй подшо, буни ўлдириб нима қиласан? Бир иш қилгинки, ўзи азоб чекиб ўлсин.

Подшо Ниёзсайёдга дебди:

— Сен менинг қизим учун келибсан, лекин менинг қизимни олиш осон эмас. Менинг уч шартим бор, агар шуларни бажарсанг Гули Қо- қапари сенини бўлади. Биринчи шартим шуки, қирқ таноб ерни бир кўза сув билан сугорасан. Иккинчи шартим шуки, саккиз пуд темирни бир гурзи билан шундай ургинки, майда бўлсин. Учинчи шартим шуки, биз қирқ саржин ўтинни бир чуқурга ташлаб ўт қўямиз, сени ўша оловга ташлаймиз, агар тирик қолсанг қизимни оласан.

Ниёз бу шартларни қабул қилибди. Уни биринчи шартни бажа- ришига олиб боришибди. Сув фариштаси келибди, бир кўза сув билан қирқ таноб ерни сугориб сув остида қолдирибди. Кейин Ниёзни ик- кинчи шартни бажаришга олиб боришибди. Даشت фариштаси келиб- дию саккиз пуд темирни гурзи билан чунон урибдики, гард-гард бўлиб кетибди. Кейин қирқ саржин ўтинни бир чуқурликка ташлаб ўт ёқишиб, болани унинг ичига ташлашибди. Сув фариштаси яна келиб сув сепиб оловни ўчирибди, бола яна роҳат қилиб ухлабди.

Эртасига подшонинг одамлари келиб қараса, бола тирик эмиш. Ҳамма ҳайрон бўлибди. Подшо болани чакириб вазирга дебди:

— Эй вазир, халққа эълон қил, Қокапарининг тақдири шу йигит билан экан, тўй қиласиз.— Етти кечаю етти кундуз тўй қилиб бери-шибди. Тўй тугагач, Қокапари отасига дебди:

— Эй ота, бизга энди жавоб бер, эримнинг ватанига қайтайлик. Подшо дебди:

— Қизим, тўй қилган куним мен жавобингци берган эдим, эринг истаган ерга кетавер.

Ниёзсайёд билан Гули Қокапари уйлари томон йўл олишибди. Даشت фариштаси уларни даштдан ўтказиб ҳайру хўш қилибди. Сув фариштаси дарёдан ўтказиб видолашибди. Ниёз кўрса, отлари дарё лабида sog-саломат ўтлаб юрганимиш. Иккаласи оқ отта миниб, осмонга чиқишибди, ер кўзларидан гойиб бўлибди. Кейин қора отга минишган экан, онасининг ҳовлиси ўртасига олиб келиб тушибди. Онаси уйғониб ўғлини кучоқ очиб қарши олибди, хурсанд бўлибди.

Вазир Аҳмад ҳар куни келиб Ниёзсайёднинг ҳовлисидан хабар оларкан. Бугун кечаси келиб қараса, ҳовлидан нур чиқиб турибди, ҳамма томон ёруғ. Ниёзсайёднинг Гули Қокапарини олиб келганини тушунибди. Аҳмад чопганича подшонинг олдига бориб дебди:

— Эй подшоҳ, Ниёзсайёд Гули Қокапарини олиб келибди, лекин сизга бермай, ўз уйига олиб кетибди, бу сизнинг шаъннингизга хақорат, бу боланинг ҳаққи — ўлим.

Подшо бориб қараса Гули Қокапари Ниёзсайёднинг уйида ухлаб ётганмиш. Аҳмад дебди:

— Ана кўрдингизми? Агар ўзингиз кўрмаганингизда мени ёлғончи дердингиз.

Подшо дебди:

— Эй Аҳмад, эртага халқни тўпла, мен Ниёзсайёдни дорга осаман.

Эртаси куни Аҳмад ҳаммага хабар берибди, каттаю кичик, эркагу аёл тўпланишибди, яхши одам нобуд бўлади деб, ҳамма хафа бўлибди.

Подшо халққа юзланиб дебди:

— Эй одамлар, менинг сизларга уч оғиз гапим бор, бу уч гапим-нинг бир маъноси бор. Мен сизлардан сўрайман: икки гулни бир-бири-дан жудо қилиш яхшими ё ёмонми?

Халқ жавоб берибди:

— Яхши эмас.

Фақат Аҳмад дебди:

— Йўқ, яхши.

Подшо шу саволни уч марта тақрорлабди, уч марта ҳам халқ «яхши эмас» дебди, бир Аҳмадгина «яхши» дебди.

Кейин подшо халққа дебди:

— Эй халқ, мана кўрдингиз. Аҳмад нотўғри айтяпти. Аҳмад неча бор менга нодуруст гапириб Ниёзсайёдни ёмонларди. Менинг душма-ним Аҳмад экан. Ана энди томоша қилинг, бадкирдор одамни дорга тортамиз.

Кейин подшо Аҳмадни дорга осиши буюрибди.

Халқ хурсанд бўлиб дебди:

— Бирорвага соҳ қазисанг, ўзинг йиқиласан.— Подшо янги вазирга дебди:

— Энди халққа эълон кил, етти яшардан етмиш яшаргача ҳамма тўплансин, уч кун тўй бериб Гули Қокапарини Ниёзсайёдга ўз расми- мизга кўра никоҳлаб берамиз.

Ўч кун тўю томоша қилишибди. Ниёзсайёд Гули Қокапарини ни- коҳига олиб, муроду мақсадига етибди.

ТУШНИНГ ТАЪБИРИ

Бир киши туш кўрибди. Тушида чиройли бир чаманзор, чаманзор ўртасида ажойиб иморатлар, уларнинг олдида подшонинг бир аркию ана шу аркда подшонинг қизи билан кайфу сафо қилиб яшаб юр- ганмиш.

Эрталаб уйқудан туриб кўчагча чиқиб, бир кишини кўриб дебди:

— Жўра, мен шу кеча ажойиб туш кўрдим: бир чиройли чаманзор, шийпонли гўзал бинолар, уларнинг олдида подшонинг арки. Мен ана шу жойда подшонинг қизи билан яшар эканман. Тушимни сотиб олмайсанми?

Бу киши тушнинг таъбирини билмас экан. Лекин уларнинг гапини эшитиб турган бошқа бир киши у тушнинг таъбирини биларкан. У тушни йигирма тангага сотиб олиб, йўлга тушибди.

— Қани кетдик!— деб йўлга тушибди.

Тонг ёришганда кўхна, вайрон бир боққа етиб отдан тушибди. То отдан тушгунча бир-бирларини билишмас экан. Ўша отни ушлаб тур- ган киши чиройли бир қиз экан. У отдан тушиб караса, ҳамроҳи нота- ниш бир йигит эмиш.

— Майли, йигит, менинг тақдирим сиз билан экан,— деб, вайрона боққа кирибди.

Улар вайрона уйда ўтиришган экан, уйнинг икки бурчагидан битта оқ илону битта кора илон чиқиб, яна жойларига кириб кетибди.

Киз йигитга дебди:

— Бориб озиқ-овқат, палосу уй анжомлари топиб келинг.

— Мен бу ерларни билмайман, озиқ-овқатни қаердан топаман?— деб сўрабди йигит.

— Оқ илон кирган жойни изланг,— дебди қиз.

Йигит оқ илон ғойиб бўйдан тешикни ковласа тилло чиқибди.

— Кора илон кирган жойни күринг,— дебди қыз яна.

Йигит қора илон ўрнини кавлаган экан, у ердан кумуш чиқибди.

Йигит олтин ва кумушлардан бир оздан олиб, отига миниб, кўзини юмиб очса бир шаҳарда турганмиш. Бозорга бориб озиқ-овқат, асбобу анжом олиб, отга миниб кўзини юмиб очса яна ўша жойига етиб ке- либди.

Улар бир оз овқатланишиб, ухлашибди. Эрталаб ўринларидан ту- риша, бир чаманзорда, шийпон устида ётишганмиш, кун ботар то- монда подшонинг арки кўриниб турганмиш.

Подшо арқдан қараса, кун ботар томонда бир чаманзор пайдо бўлганмиш, чаманзор ўртасида шийпон, шийпон ичида эса чиройли бир қыз ўтиранганиш. Подшо жуда хайрон бўлиб вазирини чақириб во- қеани билиб келиш учун чаманзорга юборибди.

Вазир қайтиб келиб подшога шундай дебди:

— Эй подшоҳи олам, дунёда тенги йўқ гўзал бир қыз бир йигит би- лан мишиш қилиб ўтирибди.

Подшо дебди:

— Сен бирон йўл топиб, ўшал қизни менга олиб бер!

Вазир дебди:

— «Сен кордон уддабурро йигитга ўхшайсан, сенга кирқ кун муҳ- лат бераман, шу муддат ичида менга икки дона гавҳар топиб келасан, у менга жуда зарур», дейсиз.

Одам юбориб йигитни олиб келишибди. Подшо йигитга дебди:

— Сен жуда жасур йигитга ўхшайсан, менга икки дона гавҳар ке- рак бўлиб қолди. Сенга кирқ кун муҳлат, шу муҳлат ичида топиб кел- санг яхши, топиб келмасанг, бошингни танангдан жудо қиласман.

Йигит топшириқни олиб, жуда хафаю ғамгин бўлиб хотинининг олдига кетибди. Хотини қараса эри хафа кўринади. Хотини овқат вақ- тида эридан сўрабди:

— Сизни подшо чакириб нима деди? Нега бунчалик хафа кўри- насиз?

Йигит дебди:

— Менинг ахволимни сўрама! Подшо менга қирқ кун муҳлат бе- риб, икки дона гавҳар топиб келасан, деди. Агар топиб келмасам, бо- шимни танамдан жудо қиласкан.

Қиз дебди:

— Парво қилманг, вақтингизни чоғ қилиб юраверинг.

Шундай қилиб кунлар ўтибди. Ўттиз тўққиз кундан кейин қиз дебди:

— Саман отни мининг, кўзингизни юмиб очсангиз бир ҳовуз ла- бига етасиз, унинг атрофи чаманзор. Отни дараҳтга боғлаб, ўзингизни ҳовузга ташланг, ҳовузнинг тагида битта дарча бор, у ердан кириб чап томонга қарайсиз, у ерда бир тегирмон гавҳар чиқаряпти. Таъбингиз кўтарганча олиб, дарчадан чиқиб, отга миниб, кўзингизни юмиб очинг.

Йигит бу ишларнинг ҳаммасини бажариб, гавҳарни олиб қайтибди. Йигит гавҳарни подшога олиб келиб берганида подшо вазири билан маслаҳатлашиб дебди:



— Сен бошқа ерга бормай, бу иккита гавҳарни менинг хазинамдан ўғирлаб келгансан!

Йигит сўрабди:

— Хазинангизда нечта гавҳар бор эди?

Подшо дебди:

— Иккита.

Йигит яна қирқта гавҳарни чиқариб ташлабди. Подшо билан вазир ҳайрон бўлишиб, маслаҳатлашибдилар, шунда подшо дебди:

— Биз ҳазиллашдик, аммо сен дарҳақиқат уддабурро йигит экан-сан. Менинг отам у дунёга кетган. Мен сенга бир мактуб ёзиб бераман, бориб отамга бериб, ахволидан хабар олиб келасан.

Подшо, «кўздан йирок, юракдан яқин азиз отамга салом», деб хат ёзиб берибди. Йигит хотин олиб жуда ғамгин бўлиб уйига келибди. Хотини бу воқеани эшишиб:

— Парво қилманг,— дебди.

Қирқ кундан кейин хотин қоғоз олиб ёзибди: «Узоққа тушган то- монидан, азиз фарзандимга маълум бўлсинким, хотингни ўқиб қоронги кўзим равшан, ғамгин кўнглим курсанд бўлди, менинг кечаю кундуз кўзларим йўлингда, сен қачон келасан, ҳолимдан хабар оласан?»

Йигит мактубни олиб подшонинг олдига борибди. Подшо ўқиб кўргач, сўрабди:

— Қайси йўл билан, қандай қилиб у дунёга бориб келиш мумкин экан?

Йигит дебди.-

— Йўлини отангиз менга айтиб юборди: агар у кишининг олдига бормоқчи бўлсангиз, аввал тамоми мамлакатингиз аҳлига қирқкун тўй беринг, кейин беш юз эшак ўтин, беш юз калла кунжара тайёрлаб худ-ди чироқ шишасига ўхшаш минора куринг. Билинтирмай ўша минора устига чиқасиз, ҳалқнинг кўзи тушмаслиги учун мен пастдан дуд кўя-ман. Бир кўзингизни юмиб очсангиз, у дунёга, отангизнинг олдига бо-расиз.

Подшо йигитни қирқ кунга ўз ўрнига подшо тайинлаб, муҳру ка-литларини унга берибдио айтганларини ижро қилиб, у дунёга, отаси-нинг олдига кетибдио қайтиб келмабди.

Йигит унинг ўрнига подшо бўлиб қолибди.

ҚИРҚҚИЗЛАР ТОШИ

Кулолий қишлоғидан қуириқда, йўл остида битта ёлғиз тош бор. У тош турган жойни Бобо Вали деб юритишади, тошнинг ўзини эса қирққизлар тоши деб аташади. Тошнинг қирққиз номини олишининг сабаби бор.

Бир вактлар, янги йил кунида ана шу тош олдида қирққиз яйрашиб, кувнашиб ўйнаб туришган экан. Шу пайт бир киши қуйидаги хабарни келтирибди:

— Ҳой қизлар, қочинглар, душманлар келяпти.

Қизлар қочмоқчи бўлиб турғанларида душман лашкари етиб келиб, йўллар тўсилиб қолибди. Шунда қизлар осмонга илтижо қилишибди:

— Эй худованди, ана шу тошни бизнинг устимизга ағдар, токи душман кўлига тушмайлик!

Шу пайт еру кўк жунбушга келиб, тош қизлар устига ағдарилибдио улар тош остида қолибди.

Қишлоқда шиддатли жанг бўлибди, қишлоқ аҳли душманни ҳайдаб чиқарибди. Кейин қизлар жасадини тош остидан олиб кўмиш учун ке- лишибди. Тошни парчалаш учун қанчалик уринмасинлар, унинг уdda- сидан чика олмабдилар. Ҳеч ким қизларни тош тагидан тортиб олол- мапти. Ўшандан бери бу тош Қирққиз тоши деб аталаркан.

ҚИРҚҚИЗЛАР ТОҒИ

Бир чўпон молларини Қирққиз тоғи атрофига бокқани олиб бориб-ди. Тўсатдан бир дарчани кўриб қолибди. Унинг ичидағи турли хил ажойиб нарсаларни кўриб хушидан кетибди. Анча вақтдан кейин ўзига келса, тоғ ичида парилар билан ўтирганмиш.

Улар дейишибди:

— Эй йигит, шу ерда биз билан қолишни истайсанми?

Йигит рози бўлмабди. Менга жавоб беринглар, кетаман, дебди.

— Аввало. кетмагин, кетадиган бўлсанг бизнинг сиримизни ҳеч кимга айтма, агар айтсанг, шол, чўлоқ бўлиб қоласан, агар айтмасанг то ўлгунингча биз сенга мадад бериб юрамиз,— дейишибди парилар.

Парилар чўпонга овқат беришибди. Чўпон овқатни еб кетаётib:

— Кетаман, аммо бу сирни ҳеч кимга айтмайман,— дебди.

Чўпон келиб молларини олиб овулга қайтибди. Овулдагилар сўрабди:

— Эй чўпон, нима сабабдан кеч колдинг?

— Сизлар бугун менинг қандай воқеанинг гувоҳи бўлғанлигимни каердан биласизлар! Лекин айтольмайман, чунки шолу чўлоқ бўлиб қо- ламан,— дебди.

— Ўша кўрган воқеани айт!— деб уни ҳол-жонига қўймабди улар. Чўпон айтмабди. Орадан бир неча кун ўтибди. Чўпон тоқат қила олмабди. Бир куни у одамларга дебди:

— Мен Турой Боло сахросига мол ҳайдаб борган эдим. Қирққиз тоғидан бир дарча пайдо бўлди. Ажойиб аёлларни кўрдиму хушимдан кетдим. Бир пайт хушимга келиб қарасам, аёллар билан биргаликда тоғ ичида ўтирибман. У ер шундай гўзал боғ эдики, сув себарга устида чарх урап, себарга сув устида ўйнарди, нимаики истасангиз ҳамма та- омлар тайёр эди. Парилар менга бир оз гўшту шўрва беришибди. Кейин: «Биз билан бирга шу ерда қолу асло кетма», дейишибди. Мен кўнмадим. «Молим бор, овулим бор, бола-чақам бор, жавоб беринглар, кетаман», дедим. Улар аввалига кетмагин, кетадиган бўлсанг, бизнинг сиримизни ҳеч кимга ошкор қиласанг, шолу чўлоқ бўласан, икки кўлу икки оёғингдан ажраласан дейишибди.

Чўпон шу ҳикояни айтиши билан чўлоқ бўлиб қолибди.

Мен бола эдим, у кишини Чүлөкмирзо дейишарди, ўзи Шингдан эди, вафот этганми, тирикми, буни билмайман.

Дархакиқат, ўша тоғда қирқта қызы яшайды. Агар покиза, ҳаром луқма емаган, ўғрилик, ёмонлик қымаган киши бўлса, ўша ерга борса қирқизни кўради.

САНДАЛ ДАРАХТИ

Бор экан-да, йўқ экан, қадим ўтган замонда бир дехқон яшаб ўтган экан. Дехқоннинг икки ўғли ва бир қизи бўлган экан. Қизнинг исми Майрамби бўлиб, фоятда гўзал экан.

Бадавлат бой дехқонга қўшни экан. Кунлардан бир кун бой уйлан-моқчи бўлибдию хизматкорларини тўплаб дебди:

—' Менга Майрамбига ўҳшаган гўзал бир қиз топинглар.

Хизматкорлар қўлларига темир ҳасса олиб, оёқларига ёғоч кавуш кийиб чиройли қиз қидириб чиқиб кетибдилар. Улар қидирибдилар, қидирибдилар, аммо ҳеч қаерда Майрамби сингари нозанинни учрата олмай қайтиб келиб, бойга шундай дебдилар:

— Мухтарам хўжайнин, кавушимиз галвиру ҳассамиз нинадай бўлиб кетди, аммо бу оламда Майрамби сингари зебо қизни топа олмадик.

Бой бир оз ўйлаб турибди-да, дебди:

— Майрамбининг отасининг хузурига элчиликка боринглар, сонсаноқсиз мол, кўплаб пул бераман, қизини менга берсин.

Бойнинг хизматкорлари дехқонникига элчиликка келишибди.

— Хужайнин кўплаб мол, саноқсиз пул инъом этмоқчи, қизингни у кишига бергин,— дейишибди улар.

Майрамбининг отаси хотини ва катта ўғли билан маслаҳатла-шибди.

— Бадавлат бир бой қизимизга куёв бўлса, бунинг нима ёмон жойи бор,— дебди онаси.

— Яхши бўлади, бой амаки билан қариндош бўламиз,— дебди акаси.

Шундан кейин тўйга тайёргарлик кўра бошлабдилар. Қўй келтирибдилар, буғдой келтиришибди, жувоз тортиб, гурунч келтиришибди.

Бир қоп гурунчни офтобга ёйган дехқон қизи Майрамбини олдига чақириб дебди:

— Гурунчни пойлаб тур, яна қушлар келиб еб кетишмасин.

Майрамби, «хўб бўлади», дебди-да, гурунч олдида дўппи тикиб ўтирган экан, бир ола қарға олдига келиб қағ-қағлайверибди.

— Киш-э! Миямни единг-ку, ҳадеб қағ-қағлайверасанми,— дебди Майрамби.

— Кел, мени ҳайдама, бир оз гурунч еб қорнимни тўйғизиб олай, сенга бир хушхабарни айтиб бераман,— дебди қарға.

Қарға бир оз гурунч еб, қорнини тўйдиргач:

— Майрамби, Майрамби! Бу сенинг тўйингга келган сеп. Сени кўшниларинг бойга узатишмоқчи,— дебди.

Майрамби хафа бўлибди ва:

— Киш-э, шум хабарингни оғзингдан ел учирсин,— деб қарғани ҳайдаб юборибди.

Қарға учиб кетибди.

Шу пайт бир товук жўжалари билан қаердандир пайдо бўлиб гу- рунчни ея бошлибди.

— Киш-э, қанақасан, бироннинг гурунчини сўрамасдан еявера- сан,— дебди киз.

— Мени ҳайдама, бир оз корнимни тўйғизиб олай, сенга бир хуш- хабар айтиб бераман,— дебди товук.

— Майли, ея кол,— дебди Майрамби.

Жўжалари билан қорнини тўйғизиб олгач, товук шундай дебди:

— Эй гўзал киз, хафа бўлсанг ҳам, шодлансанг ҳам, бу гурунч тўйинг учун келтирилган, сени бой қўшнингга беришмоқчи.

Майрамби каттиқ қайғурибди.

Киш-кишлаб товукларни ҳайдаб юборибди.

— Эй худо, бирон-бир гап бўлса керакки, бу жониворлар вайсаяп- ти.
Наҳотки ота-онам ва акаларим мени шу қари бойга узатишса, на- хотки улар менинг душманим бўлишса,— деркан Майрамби ўз-ўзича.

Ана шундай ўй-хаёллар билан диккати ошган қиз тиззасидаги ни- нани ерга урибди, юм-юм йиғлабди. Нина чинор дараҳтига айланибди, ўсиб-ўсиб уни осмонга тегибди.

Чинор танасига чирмашиб олган Майрамби деркан:

Сандал чўпу сандал чўп
Гапимга хўп дегин, хўп.
Баландга кўтар, баландга
Баландга кўтар, баландга.

Шундай дейиши билан чинор уни тепага кўтараверибди.

Бу воқеадан хабардор бўлган онаси жон талвасада чинор тагига келиб дебди:

— Жон қизим Майрамби, пастга тушгин, кимда-ким бирон гап айтган бўлса, ғирт номаъқул айтибди, туша қол, қизим.

Майрамби йиги аралаш дебди:

Сандал чўпу сандал чўп,
Гапимга хўп дегил, хўп Баландга кўтар, баландга. Баландга
кўтар, баландга. Аввал эдинг она-дилбанд, Энди бўлдинг
ёғи-душман, Сандал чўпу сандал чўп, Баландга кўтар,
баландга.

Уйига қайтган она эрига дебди:

— Эй болаларнинг отаси, қизимиз кетиб қолди, ундан айрилдик.

Оtasи ҳам шошилиб-югуриб келиб қараса, қизи жуда юқорилаб кетибди, нақ чинорнинг учига етиб қолибди.

— Жоним қизим, пастга туш, кишилар номаъкул гапни айтиби, кел, туша кол,— дебди.

Марямби зор-зор йиглаб дебди:

Сандал чўпу сандал чўп,
Баланд кўтар, баланд кўтар
Аввал эдинг ота-дилбанд, Энди бўлдинг ёғи-душман
Сандал чўпу сандал чўп. Баланд кўтар, баланд кўтар.

Воқеадан огоҳ бўлган акаси чинор остига келиб фарёд чекиб дебди: — Синглим Марямби, тушгил, мен ғарибни ёлғиз қолдириб кетма. Марямби бўлса нолау фиғон чекиб шундай дебди:

Сандал чўпу сандал чўп, Баланд кўтар, баланд кўтар, Бир вақтлар акам эдинг, Энди ёғи-душман бўлдинг, Сандал чўпу сандал чўп, Баланд кўтар, баланд кўтар,

Шундан сўнг қизнинг укасини чинор остига келтиришиб дебдилар:

— Опанг кетиб қоляпти, йигла, ялингин, тушсин, бизларни ғарип килиб ташлаб кетмасин,— дейишибоди.

Бола зор-зор йиглабди. Марямби укасини жудаям яхши кўраркан. Шунинг учун укасига ачиниб дебди:

Сандал чўпу сандал чўп, Гапимга хўп дегин, хўп. Тушир мени пастрокқа, Тушир мени пастрокқа.

Шундай дейиши билан чинор уни пастга тушира бошлабди. Ерга яқинлашиб келганда Марямби бир тола кокилини пастга туширибида:

— Кокилимнинг учини ушла, сени кўтариб оламан,— дебди.

Укаси кокилининг учини тутган экан, уни даст кўтариб гарданига ўтқазибида:

Сандал чўпу сандал чўп, Гапимга хўп дегин, хўп. Баланд кўтар, баландга.

Баланд кўтар, баландга,— деб куйлай бошлабди.

Чинор уларни юқорига кўтариб кетаверибида ва ниҳоят ўзга бир мамлакатга элтиб кўйибди. Уларнинг олдидан кенг бир сахро чиқибди. Марямби: «Хайр, нима бўлса бўлди», деб укасини эргаштириб бир то- монга қараб кетаверибида. Улар йўл юрибдилар, йўл юрсалар ҳам мўл юрибдилар, очликдан тинкалари қурибди.

Шу зайлда кетаётисб ер ҳайдаетган дехқонларга учрабдилар. Ма- рямби укасиги етаклаган ҳолда бир дехқоннинг олдига бориб сў- рабди:

— Отахон, укам жуда очиқди, ҳадеб нон сўрайди, хеч вақомиз йўқ. Сизда озрок нон топилмайдими?

— Ноним бор, қизим,— дебди дехқон.— Ҳу марза бошида чопо- ним остида нон, сув бор, бориб олгин-да, уканг билан егин.

Қиз бориб укасига сув ва нон олиб берибдию қайтиб мўйсафид олдига келибди.

— Бобожон, биз мусофириз, қаерга боришимизни билмаймиз, бизга йўл

күрсатиб юборинг,— илтижо қилибди Марямби.

— Азиз болаларим, мана шу томонга қараб кетаверсангиз,— дебди чол кунчиқар томонни күрсатиб,— олдингиздан бир кўл чиқади. У сувдан укангга берма, ўзинг ҳам ичма, чўчқага айланиб қоласизлар. Нариқ борсанглар бир анҳор учрайди, ундан ҳам ичманглар, кийикка айланиб қоласизлар. Яна кетаверасизлар-кетаверасизлар, олдингиздан катта бир дарё чиқади, ана шу сувдан ичинглар.

Марямби укасини орқалаганича йўлга тушибди. Улар кетаверишибди-кетаверишибди ва ниҳоят бир кўлга етиб келишибди. Укаси сувни кўриши биланоқ дебди:

— Опажон, чанқадим, томогим қақраб кетди, манави сувдан ичаман.

— У сувдан ичма, укажон,— дебди Майрамби,— чўчқа бўлиб қо- ласан.

Улар яна йўлга тушиб кетаверишибди, ҳаво жуда иссиқ экан, чан- қаб кетишибди. Опа-укалар олдидан бир ариқ чиқибди. Сув шу дара- жада тиниқ эканки, остидаги шағаллар ялтиллаб кўриниб тураркан.

Марямби укасини ариқ лабига қўйибди-да, юз-кўл ювишга кири- шибди. Бола опасидан рухсатсиз сувдан ичган экан охуга айлануб қо- либди.

— Вой мен ўлай, шу сувдан ичдингми,— дебди Марямби қай- гуриб.

У йиглаб-йиглаб укаси — охуча билан бирга йўлга тушибди. Узок йўл юргандан сўнг катта бир дарё лабига етибдилар. Марямби:

— Биз бу дарёдан кандай ўтамиз энди,— деб юм-юм йиглай бош- лабди.

Шу пайт қаердандир бир кулон пайдо бўлиб, сўрабди:

— Ҳой қизча, нега бунчалик зор-зор йиглайсан?

Марямби мунгли бир оҳ тортиб дебди:

— Биз мана шу дарёни кечиб ўтолмаётганимиз учун йифлаяп- ман.

— Келинглар, менинг елкамга мининглар, сувдан ўтқазиб қўя- ман,— дебди кулон.

Улар кулонни миниб дарёдан эсон-омон ўтишибди.

— Мана энди қаёққа борсанглар, кетаверинглар,— дебди кулон.

Марямби укасини олиб йўлга тушибди. Улар кетаверишибди-кетаверишибди ва ниҳоят бир сайлгоҳга етибди. Марямби новда ва шоҳшаббалардан бир чайла курибди ва унинг якинига тузоқ қўйиб қўйиб-ди. Ногоҳ бир каклик илинибди. Марямби паррандани олиб, ковуриб ебди.

Ўша куни подшохи олам овга чиққан экан. Подшонинг лочини икки какликни қувлаб келиб Марямбининг чайласига кириб қолибди. Унинг орқасидан келган бир навкар какликларни тутиб олибди. Эътибор бе- риб қараса, чайланинг ичидаги бир гўзал қиз ўтирган эмиш, унинг олдида бир охуча ҳам турганмиш, ҳайратдан донг қотиб қолган навкар бир оз қараб турибди-да, сўрабди.

— Эй қиз, кимсан? Одам жинсидансанми ёки парию паризод- мисан?

— Ох, тогажон, мен инсу жинсдан ҳам эмасман, пари ёки паризод ҳам эмасман, оддий, хок билан тенг инсонман.

— Замин бандаси бўлсанг, бу кимсасиз даштда нима қилиб юриб-сан?— яна сўрабди навкар.

— Ночорликдан шу биёбонда манзил курдим,— жавоб берибди қиз.

— Ана шу олдингдаги оловда шу какликларни пишириб бер, шо- химга элтаман,— илтимос қилибди навкар.

— Хўп бўлади,— дебди-да, какликларнинг патини юлиб тозалабди. Какликларнинг бирини Марямби, иккинчисини навкар оловга тутиб-дилар. Шу пайт навкар Марямбининг нозанин ҳуснига тикилиб қара-ган экан, ҳушидан кетибди, қўлидаги каклик қулаб қулга беланибди.

Марямби паррандани қиёмага етказиб пиширибди. Ҳалиги навкар пиширилган какликларни олиб подшо олдига борибди. Подшо қараса какликнинг бирини зўр пиширилгану иккинчиси қулга беланган эмиш.

— Ҳой навкар, бу какликларни қаерда пиширдинг, оловни қаердан олдинг?— сўрабди подшо.

— Ўзим пиширдим, подшохи олам,— жавоб берибди навкар.

— Йўқ, ростини айт, сен бунақа қилиб пишира олмайсан, рост гапирмасанг, жазолайман,— дебди подшо.

— Ёлғон гапириб нима қиласадим, шоҳим,— дебди навкар,— анави ерда бир соҳибжамол қиз бор экан, ўша пишириб берди. Мусофири қиз экан, қаерга боришини билмасмиш.

Подшо навкарга от берибди-да, дебди:

— Тез бориб, у қизни менинг олдимга келтир.

Навкар Марямбининг олдига келибди ва отдан тушиб, дебди:

— Азиз синглим, подшо мени сени олиб келгани юборди.

— Подшо мени нима қиласкан?— сўрабди Марямби.

— Сен билан қариндош тутинмоқчи.

— Мен бир бечора мусофириман. Агар подшоҳ мени ўзига қардош қилмоқчи бўлса, борганим бўлсин,— дебди Марямби. У шундай деб-дию отга миниб, укасини олдига олиб, подшо ҳузурига борибди. Подшо Марямбига назари тушиши билан севиб қолибди ва укаси билан уйига олиб кетибди. Подшо бир неча кун тўй бериб, Марямбини ўзига никоҳлаб олибди.

Подшонинг бошқа икки хотини ҳам бор экан. Улар, «шоҳ уни се- вади, бизни ёқтирамайди», деб рашик қиласкан.

Орадан бир неча вакт ўтгач Марямби хомиладор бўлибди. Ою куни яқинлашган кезларда подшонинг кўнгли ов тусаб қолибди. У овга ке-тиш олдидан катта хотинларини чақириб, бола туғилиши билан яхши парвариши қилишни буорибди.

Кундошларнинг рашки чандон ортиб тугилажак гўдакни йўқот-моқчи бўлишибди.

Бойнинг чорбоғидан катта анҳор ўтган бўлиб, унинг лабида улкан бир чинор ўсаркан. Кундошлар ана шу чинорга аргумчоқ боғлашиб, Марямбини унга ўтказиб учира бошлабди. Шу пайт бой хотинларнинг бири аргумчоқни кесиб ташлабди. Арқон узилиб, Марямби сувга ту-шиб оқиб кетибди. Марямби анҳорга қулаганда бир тола кокили сув бўйидаги шоҳга илиниб узилиб қолибди. Марямбининг укаси бу жудо-ликдан зор-зор йиглайверибди.

Подшонинг овдан кайтадиган кунлари яқинлашибди. Подшонинг хотинлари кўплаб юпқа нон ёпиб, офтобда куритишибди. Қотган нон-ларни кўрпача тахламлари орасига жойлашибди. Катта хотини ўзини касалликка солиб, ўша қотган нонлар жойлаштирилган кўрпага ўраниб ётибди.

Подшо келибди. Уни ўртанча хотини пешвоз олибди.

— Бизнинг кичик хотин қаерда, нега у мени кутгани чикмади,— сўрабди шоҳ.

— Кўйинг-э, ўша хотинингизни, худо кўтарсин ўша ажинани. У девми, парими билмадим, сизнинг орқангиздан чиқиб кетувди — гум-дон бўлди. Яхшиси, катта хотинингизнинг ахволидан хабар олинг, ўрай деб ётибди.

Подшо катта хотинининг олдига кирса, ҳақиқатда ҳам қаттиқ касал ётганмиш: уёқ-буёғига аганаса ковургалари қасир-кусур овоз чикарап эмиш. Подшо ҳайрон бўлибди ва хизматкорларига буорибди:

— Бу қандай бедаво дард бўлди. Тезда мулла келтиринг — ўқисин, табибни чақиринг — даволасин.

— Менга табиб ҳам, мулла ҳам керак эмас, ана шу кийик боласини сўйиб берсангиз, ўшанинг гўштини есам, тузаламан,— дебди бойхотин.

Подшо икки жаллодга охуни сўйишни буорибди. Жаллодлар Марямбининг укасини келтириб, қўл-оёқларини боғлаб ётқизишибди. Улар кийикчани энди сўйишмоқчи экан, у тилга кириб дебди:

— Мени сўймай туринг, жуда чанқаб кетдим, бир қултум сув ичиб олай.

Жаллодлар охучани банддан бўшатишибдилар. У анҳор бўйига ке-либ, сувга қараб:

— Опажон, мени энди сўйишмоқчи,—дебди. ; _____

Укасининг ноласини эшитган Марямби сув остидан шундай дебди:

Шоҳхусайним, куйинма, Моҳхусайним, куйинма. Чинор шоҳига қара, Кокилим бўлди пора. Ҳар ким сени ўлдирса, Ғунча каби сўндириса. Ўтмас бўлсин пичоги, Сени сўйган чоги.

Шундан сўнг охуча келиб:

— Ана энди мени сўяверинг,— дебди.

Жаллодлар кийикчанинг кўл-оёғини боғлаб, ётқизиб бўғзига пичноқ тортган эканлар, кесмабди. Охуча яна илтижо қилиди:

— Мени қўйиб юборинглар, бир қултум сув ичиб олай.

Жаллодлар уни қўйиб юборишибдию орқасидан кузатиб боришиб-ди. Охуча анҳор бўйига келиб, сувга караб нола чекибди:

— Опажон, мени ўлдиришмоқчи.

Сув ичидан яна қўйидаги овоз чикибди:

Шоҳхусайним, куйинма, Моҳхусайним, куйинма. Чинор шоҳига қара, Кокилим бўлди пора. Ҳар ким сени ўлдирса, Ғунча каби сўлдириса, Ўтмас бўлсин пичоги, Сени сўйгани чоги.

Бу воқеани кузатган жаллодлар тезлик билан подшо олдига бори-шибди ва дебдилар:

— Эй подшохи олам, бу охучани сўйиш мумкин эмас, бу ерда бир сир бор, орқасидан анҳор бўйига борсак, сув ичидан аллақандай овоз чиқди.

Подшо хизматкорларига дарёдаркаш^{II} келтириб, тезлик билан анҳор сувини қуритишни буорибди.

Дарёдаркаш келиб бир симирганича анҳор сувини қуритибди. Ан-хор тубида ҳужра турганмиш. Ҳужра ичida икки яшил бешик бўлиб, Марямби бешиклар орасида дўппи тикиб ўтирганмиш. Бешикларда иккита соҳибжамол чақалоқлар ухлаб ётганмиш. Охуча опасини кўри-ши билан шодлигидан аслига қайтиб қолибди. Опасининг бўйнидан кучоқлаганча хурсандлигидан юм-юм йиглабди.

^{II} Дарёдаркаш — тожик халқ эртакларининг қаҳрамонларидан. У ҳар кандай дарё ё кўлни домига тортиб курита олади.

Бу ҳодисадан ҳайрон бўлган подшо Марямбидан ҳол сўрабди. Ма- рябми бўлган воқеани гапириб берибди. Подшо катта хотинларини байталлар думига боғлаб, орқасидан айғирларни қўйиб юбориб, бурда- бурда қилишни буюрибди.

Марямби билан укаси ҳалқ орасида шуҳрат қозонибди. Шу вақта- ча тирноққа зор юрган подшо бу покиза хотиннинг қутлуғ пойи қада- мидан фарзандли бўлганидан хурсанд бўлибди. У жуда катта тўй қи- либди. Сиз бу ерда эдингиз, биз у ерда қанду майиз, нону палов едик.

СОДИҚЖОН

Бир мамлакатда подшо ва унинг вазири бўлиб, вазир жуда доно киши экан. Шу мамлакатда кекса бир балиқчи яшаркан. Балиқчининг Содиқжон исмли ўғли бўлган экан. Йигит жуда чиройли экан. Дунёда ҳусн бобида унга тенг келадиган киши йўқ экан. Кунларнинг бирида кекса балиқча оламдан ўтибди. Содиқжонга онаси дебди:

— Эй болам, бу ахвол билан тирикчилик ўтказиб бўлмайди, бориб балиқ тутиб кел.

Йигит онасининг гапини эшитгач, подшо саройига борибди. Подшо Содиқжонни кўриб дебди:

— Жуда яхши бола экан, унга бирон иш бериш керак.— Шу маҳал вазир кириб келибди.

— Эй, вазир, мана бу йигитчага қандай юмуш бериш мумкин?— дея вазирга мурожаат қилибди. Вазир дебди:— Содиқжонга бирон-бир вазифани топшириб бўлмайди, чунки у камбағаллар тоифасидан. Бо- риб отаси каби балиқчилик килаверсин.

Содиқжон жуда хафа бўлиб уйига қайтибди ва онасига дебди:

— Эй она, отамнинг балиқ тутадиган асбобларини менга топиб беринг.

Онаси балиқчилик асбобларини келтириб ўғлига берибди. Бола дарё лабига бориб сувга қармок ташлабди. Минг хил товланиб турган балиқ қармокка илинибди. Бола, агар бу балиқни пишириб есан, увол бўлади, жуда чиройли экан, деб ўйлабди. Бир челакни сувга тўлгазиб балиқни унинг ичига қўйиб юборибди. Балиқ худди тилладай нур со- чаркан, у ҳақиқатан ҳам тилла балиқ экан. Йигит балиқни подшонинг олдига олиб бориб дебди:

— Сен учун битта балиқ келтирдим.

Подшо Содиқжоннинг қўлидан балиқни олиб, унга бир товоқ тилла берибди. Бола уйига келиб дебди:

— Эй она, кўрдингми, мен қанча тилла келтирдим.

Энди гапни подшодан эшитайлик. Вазир дебди:

— Эй подшоҳ, агар Содиқжонга иш берганингда сенга зарар кел-тиради.

Бугун эса сенга тилла балиқ келтирибди. Бу балиқ учун бош- ка яна бир нарса ҳам керак. Бир мамлакатда рангли сув бор, ана шу сувдан келтирилсаю унинг ичига тилла балиқни қўйиб юборсанг, бутун шаҳарга етгулик ёруғлиқ тарқатади.

Подшо дебди:



— Эй вазир, рангли сувни бизга ким олиб келади?

— Уни Содикжон олиб кела олади, холос,— дебди вазир.

Подшо Содикжонни чакиртирибди. Содикжон подшонинг олдига келиб тавозе килибди. Подшо дебди:

— Эй, Содикжон, бориб бизга рангли сув келтиргин.

Содикжон хафа бўлиб подшо саройидан чикиб, онаси қошига ке- либди ва шунчалик йифлабдики, кўзларидан ёш ўрнига конлар окибди. Онаси ўғидан сўрабди:

— Нега йиглайсан?

— Мен йигламай, ким йигласин? Подшо менга рангли сувни олиб келишни буюрди,— дебди Содикжон.

Унинг бир чорбоғи бор экан. Ўша чорбокка бориб, у ердаги катта тош супа устида ухлабди.

Энди Кўхи Қоф ортида яшовчи Сухсур паридан эшитайлик.

Кунларнинг бирида қиз бошига турфа хил рўмолларни ташлаб, ўзини ойнада томоша килибди. У ўзининг гўзаллигига шу кадар койил қолибдики, асти қўяверасиз.

— Агар кимки худди ўзимга ўхшаш гўзал йигитнинг суратини то- пиб келтирса, етти хазинамдаги олтинни унга тортиқ қиласман,— дея париларга фармон килибди у.

Парилар турли томонларга жўнаб кетишибди. Икки пари ҳалиги чорбоғ устидан учеби ўтайдиб бир чирокни кўриб қолибди ва боғ ичига киришибди. Қарашса бир гўзал йигит тошсупа устида ухлаб ётганмис.

Улар Содикжонни астагина кўтариб тахтиравон устига қўйишибди ва Сухсур парининг bogигa келтиришибди. Бола уйгониб қараса, ўзи- нинг боғи эмас, бошка боғда ётибди. У кўркиб кетибди. Бир оздан кейин астагина боғ ичига кириб қараса, турли таомлар тайёрлаб қўйилганмис. Овқатлардан еб қорнини туйгазибди. Боғда кичкинагина оқ ҳужра бор экан, ўша ҳужрага кириб, кўрпача устида уйкуга ке- тибди.

Энди Сухсур парининг қизларидан эшитайлик. Парилар турли мамлакатлардан турлича сурат келтирибдилар, аммо уларнинг ҳеч би- рини қиз хуш кўрмабди. У дикқат бўлиб беш юз пари билан бокса ки- рибди. Шу пайт унинг димоғига замин одамининг хиди урилибди. Сухсур пари дебди:

— Бизнинг боғимизда ким бор?

Ҳалиги икки пари шундай дейишибди.

— Эй бибижон, сиз хона ичини бир томоша қилинг, гўзал йигит ётибди, агар күшламасангиз, бир соатда олиб бориб нобуд қиласмиш.

Сухсур пари уйига бош суқибдию Содикжонни кўрибди. Бир кўришдаёқ ошиқ бўлиб қолибди. Кейин париларга буюрибди:

— Сизлар боғдан кетинглар.

У уй ичига кирибди. Йигитнинг оёғидан елкасигача силаб-сийпа- лабди, бола уйгонмабди. Содикжоннинг қўлини ушлабди, уни туртиб уйғотибди. Йигит дебди:

— Сен кимсан, номаҳрам қўлларингни менинг қўлимга нега текиз- япсан?

Қиз дебди:

— Мени Сухсур пари дейишади, тур, сұхбат қурайлиқ.

Содиқжон ўрнидан турибди. Улар құлларини бир-бирларининг бўйинларига ташлабдилар. Лабларидан ширин-ширин бўсалар оли- шибди. Шунда Содиқжон дардли қалбидан чуқур ох тортибди. Сухсур пари сўрабди:

— Эй Содиқжон, мендан ҳам чиройлироқ ёринг борми, бунчалар ох тортасан?

— Сендан чиройли ёрим йўқ, лекин подшо мени бошқа бир нарсага юборган.

— Нимага юборган эди?— сўрабди Сухсур пари.

— Подшо мени рангли сувни топиб келишга юборган.

— Эй нодон бола, рангли сув қаерда эканлигини биласанми?— Унга етиш учун пиёда бир йил юрасан,— дебди Сухсур пари.

— Мен рангли сувни кўрмаганман, аммо қаерда бўлса ҳам топа- ман,— катъий таъқидлабди Содиқжон.

— Эй азизим, сен ғам ема, мен сувни бир соатнинг ичидаги шу ерга келтираман,— дебди Сухсур пари.

Қиз париларини чақириб буюрибди:

— Мана шу чойнақдаги сув қайнагунча ҳар битталаринг бир ши- шадан рангли сув олиб келасизлар, агар олиб келмасаларинг бошла- рингдан умид узинглар.

Беш юзта пари худди кабутарлардек осмонга парвозда қилибди. Чой- нақдаги сув қайнагунча уларнинг ҳар бири биттадан шишада рангли сув келтиришибди.

Содиқжон деди:

— Эй Сухсур пари қиз, энди мен бу ердан кетишим керак.

Икки пари Содиқжонни таҳтиравонга ўтказишибди. Сухсур пари сочидан бир толасини узиб Содиқжонга бериб дебди:

— Қаерда бошингга мушкул иш тушса, шу сочни тутат, мен хозир бўламан.

Парилар йигитни кўтариб осмонга парвозда қилишибди. Уни ўз бо- фига олиб бориб қўйишибди. Беш юз шишадаги рангли сувни ҳам ёнига териб қўйишибди.

Бола онаси олдига борибди. Онаси дебди:

— Эй, болам, уйқудан қачон турдинг?

— Она,— дебди у,— уйқудан хозир уйғондим.

Содиқжонга онаси дебди:

— Эй Содиқжон, рангли сув олиб келмаган бўлсанг подшога нима жавоб берасан?

— Она, подшо олса мендан рангли сув олади, жонимни олмайди- ку,— жавоб берибди ўғли.

Хабарчи подшога Содиқжоннинг рангли сув келтирганлигини ет- казибди. Подшо унга кўпгина совға-салом берибди. Подшо Со- дикжоннинг йўлига пояндоз солибди, йигит подшо хузурига борибди.

— Содиқжон, рангли сув келтирдингми?— сўрабди шоҳ.

— Беш юз шишада рангли сув келтирдим, вазирга айтинг, бориб олиб келсин,— таъқидлабди Содиқжон.

Подшо вазирга сувни келтиришни буюрибди. Вазир ноилож бозор- га борибди, беш юз мардикорни олиб, ҳар бирига беш тангадан бериб чорбокқа келибди. Мардикорлар шишалардаги рангли сувларни кўриб дейишибди:

— Хой, вазир, берган олтинларингни олавер, шиshalарни кўтариб боришга бизнинг кучимиз етмайди.

— Яна биттадан олтин танга бераман,— дебди вазир.

Мардикорлар шиshalарни подшо саройига олиб келишибди. Подшо уларни кўриб ҳайрон колибди.

Рангли сувни ҳовузга куйиб унинг ичига тилла баликни кўйиб юбо- рибдилар. Подшонинг ҳовлиси шундай ёришиб кетибдик, энди чи- роқнинг ҳам ҳожати бўлмай колибди. Подшо Содикжонга бир хазина олтин берибди. Йигит тиллаларни уйига олиб келиб онасига дебди:

— Эй она, шундай уйлар курдилингки, бунақасини ҳатто подшолар ҳам кўрмаган бўлсин.

Энди гапни вазирдан эшитайлик.

Вазир подшога дебди:

— Эй подшо, кўрдингизми Содикжон қандай ажойиб нарсаларни олиб келди. Яна бир нарса бор, агар ўшани ҳам топиб келса, бутун йўллар ҳам равшан бўлиб кетарди.

— Эй вазир, қани айт-чи, нима экан у?— сўрабди подшо.

— Айтмайман, агар айтсан, сиз мени Содикжонга душмансан дей- сиз,— тихирлик қилибди вазир.

— Эй вазир, гапир,— деб фармон берибди подшо.

— Мен сизга айтсан, шоҳим, оламда тош ҳовуз деган нарса бор. Агар ўшани ҳам Содикжон олиб келса, рангли сувни унинг ичига қўйиб юборсангиз номингиз оламда бокий колади.

Подшо Содикжонни чакиришни буюрибди. Содикжон подшонинг олдига келиб таъзим қилибди.

— Сенга тош ҳовузни келтиришни буюраман,— дебди подшо. Содикжон уйга бориб онаси олдида юм-юм йиглабди. Шунда кам- пир сўрабди:

— Эй болам, нега мунча йиглайсан?

— Подшо менга тош ҳовузни келтиришни буюрди,— жавоб бе- рибди ўғли.

Содикжон уйдан чиқиб, ўз боғига борибди. Яна ўша тошсупа усти- да уйқуга кетибди.

Шаҳболи пари Кўхи Қоф ортида қимматбаҳо либосларини кийиб- ди, ажойиб рўмолларини бошига илибди ва ойна олдига келибди, ўзи унда жуда гўзал кўринибди. Шунда париларни тўплаб дебди:

— Кимки ҳуснда менга teng келадиган гўзал йигитни топиб келса, етти хазина тилломни унга бераман.

Парилар осмонга кўтарилишибди. Иккита пари Содикжоннинг боғи устидан учиб ўтаётиб, тошсупа устида ухлаб ётган йигитни кўриб қо- лишибди. Улар йигит олдига тушиб, уни тахтиравонга ўтказишиб осмонга олиб чиқиб кетишибди.

Шаҳболи парининг боғига йигитни олиб келишибди.

Содикжон уйқудан уйғониб боғни томоша қилибди. Шунаңанги ажайиб боғ эканки, таърифига тил ожизлик қиларкан. Йигит боғ ўртасидаги уйнинг ичига кириб, яхши күрпаларни түшаб, яна уйқуга кетибди.

Шаҳболи парининг суратги қызлари турли жойлардан қайтишиб- дию, аммо қизга хеч қандай яхши сурат келтира олишмабди. Қиз жуда хафа бўлиб канизига дебди:

— Чорбоққа бориб бир сайр қилайлик, ниҳоятда сикилиб кетдим.

Шаҳболи пари ўрнидан туриб боғ сайрига жўнабди. Боққа яқин- лашган ҳам эканки, замин одамининг ҳиди димоғига урилибди. У пари- лардан сўрабди:

— Димоғимга замин одамининг ҳиди урилди, қайси манзил одами бу ерга келди экан?

— Бу ерда бир замин одами бор, сиз кўринг, агар хушламасангиз биз уни бир дамда нобуд қиласиз,— дейишибди парилар.

Шаҳболи пари хужра ичига кирибди, Содикжонни бир кўришидаёқ ошик бўлиб қолибди. Иккаласи айшу ишрат қилибдилар.

Содикжон дардли қалбидан чукур оҳ тортибди.

— Эй Содикжон, мендан ҳам гўзалроқ ёринг борми, оҳ торта- сан?— дебди пари.

— Сендан яхшироқ ёрим йўқ, лекин подшо мени тош ҳовузни олиб келишга жўнатган,— дебди йигит.

— Эй Содикжон, тош ҳовузни келтириш учун неча йил кераклиги- ни биласанми?

— Йўқ,— дебди йигит.

Киз олти юзта парини чақириб буюрибди:

— Агар бир соатда тошҳовузни олиб келмасаларинг, мен сизларни ўлдираман.

Канизаклар ўринларидан туришиб кабутарлардек осмонга парвоз қилишибди. Бир соат ичидан тошҳовузни келтиришибди.

— Мен тошҳовузни олиб бу ердан жўнамогим лозим,— дебди Со- дикжон.

Киз соч толаларидан биттасини олиб Содикжонга берибди. Со- дикжонни тошҳовузга солибдилар. Олти юз пари уни кўтариб чорбоги ичига келтириб кўйибди. Йигит тошҳовуз ичидан чиқиб уйига борибди. Онаси усталар билан чиройли бинолар кураётган экан, уни томоша ки- либди. Онаси дебди:

— Эй Содикжон, тошҳовуз олиб келмабсан, энди подшога нима жавоб қиласан?

— Эй она,— дебди Содикжон,— подшо мендан тошҳовузни олади, жонимни олмайди.

Хушхабарчи подшо олдига бориб дебди:

— Эй подшо, нимасини айтай, Содикжон тошҳовузни олиб ке- либди.

Подшо уни инъом-эҳсондан сероб қилибди. Содикжоннинг йўлига пояндоз солибдилар.

Подшо сўрабди:

— Эй Содикжон, тошҳовузни келтирдингми?



— Албатта, шоҳим,— дебди Содикжон.

— Тошҳовуз ҳозир қаерда?—Яна сўрабди шоҳ.

— Чорбоғим ичиди, аммо жуда чарчадим, сиздан илтимос, уни ва- зир олиб келсинлар.

Вазир ўрнидан туриб, уйидаги бор молу мулкини, еру сувни сотиб пул қилибди. Бозордан мингта мардикор олиб уларни тошҳовуз олдига бошлаб келибди. Мардикорлар тошҳовузни ўрнидан қимирлата олмабдилар.

— Эй Содикжон, уни ҳеч ким кўтариб кела олмади, ўзинг бориб олиб кел,— буюрибди подшо.

Содикжон дебди:

— Эй подшоҳи олам, минг мардикор кўтариб кела олмаган тошҳо- вузни бир ўзим қандай олиб келаман.

— Жойидан қандай олиб келган бўлсанг, бу ерга ўшандай олиб келасан,— дебди подшо.

— Бўлмаса кечкурнгача муҳлат беринг.

Подшо ҳовузга жой ҳозирлабди. Кеч кирибди. Содикжон Шаҳболи пари қиз сочи толасини тутатибди. Қиз барча парилари билан етиб ке- либди. Ҳовузни олиб бориб подшонинг саройига кўйишибди. Эрталаб подшо ўрнидан туриб ҳовузни томоша қилибди, рангли сувни олиб ке- либ балиқ билан бирга тошҳовузга кўйиб юборишибди. Ҳовуз шунча- лик мавжланибди, подшо шаҳрининг атрофи бир чақиримгача ёришиб кетибди. Вазир подшога яқинлашиб дебди:

— Кўряпсизми, шоҳим, мен сизнинг зарарингизга иш қилмайман. Агар яхшилик дарахтини ҳам келтириб ҳовуз лабига ўтказилса, ово- зангиз оламга достон бўлади.

— Уни ким олиб кела олади?

— Содикжон,— дебди вазир.

Подшо Содикжонни чақиритириб шу ишни буюриб дебди:

— Агар ана шу топширигимни ҳам бажарсанг, хазинадаги ҳамма олтинни сенга бераман.

Содикжон рози бўлиб уйига кетибди. Анча муддат йиглаб ўтириб- ди. Тўсатдан Сухсурпарининг соч толасини тутатиш эсига келибди. Уни тутатган экан, қиз лашкари билан пайдо бўлиб сўрабди:

— Сенга нима керак?

Йигит дебди:

— Подшо яхшилик дарахтини олиб келишни буюрди.

Киз лашкарига фармон берибди:

— Яхшилик дарахтини олиб келиб ҳовуз лабига ўтқазинглар.

Ўзи эса йигит билан боққа кириб кетибди. Парилар шу кечаёқ ўша дарахтни олиб келиб ўтқазибдилар ва Содикжон билан хайрлашиб жўнаб кетибдилар.

Подшо эрталаб туриб қараса, тошҳовуз лабида ажойиб бир дарахт ўтқазилган бўлиб, унинг ҳар бир япроги юз хил товланармиш.

Подшо вазирдан бу қандай дарахт эканлигини сўрабди. Вазир бу ўша яхшилик дарахти эканлигини айтибди. Подшо ниҳоят хурсанд бўлиб дебди:

Содиқжонни чакириб келибдилар. У подшонинг хузурига ки-рибди. Подшо бор хазинасини Содиқжонга берибди.

Вазир подшога дебди:

— Ҳамма хазинани Содиқжонга бердингиз, энди биз нимани еймиз?

Шундан сўнг вазир Содиқжонни йўқотиш пайига тушибди.

Кунлардан бир кун вазир подшога дебди:

— Яна ажойиб бир нарса бор, агар ўшани ҳам Содиқжон олиб ке-либ берса, бутун олам сизники бўлади.

— Эй вазир, гапир, ўша нарса нима экан?— сўрабди подшо.

— Яман подшосининг қизи, унинг номи Нестандаржаҳон,— жавоб берибди вазир.

— Содиқжонни чакиринглар,— хизматкорларга бақирибди подшо. Содиқжонни чакиришибди, у подшонинг хузурига келибди.

— Эй Содиқжон, энди сен Яман подшосининг қизи Нестандар-жаҳонни менга келтириб берасан,— дебди подшо.

— Менга учта эшак, учта бўрдоқи қўй, қирқ тўққизта нон бе-ринг,— дебди йигит.

Подшо Содиқжонга учта эшак, учта бўрдоқи қўй ва кирқ тўққизта нон берибди. Содиқжон уларни эшакка юклаб йўлга тушибди.

Дарёдан ўтиб, сув бўйлаб кетаверибди. Ўн икки кеча, ўн икки кун-дуз йўл юргач, бир ўрмонга ётибди. Қараса, йўл бошида худди тоғдай келадиган бир киши ухлаб ётибди, унинг устидан ўтишнинг ҳеч иложи йўқ экан. Содиқжон қанча уринмасин ўта олмабди. Шунда у таёкни айлантириб унинг оёғига чунонам туширибди, хаёлида ҳалиги одам-нинг оёқлари синиб кетгандай бўлибди. Лекин у одам факат уйкудан уйгонибди холос ва оёқларини қашлаб дебди:

— Қанақа пашшасан, келиб-келиб менинг оёқларимни чақасан?

У ўрнидан туриб, Содиқжонга разм солиб томоша қилибди. Содиқ-жон сўрабди:

— Сен кимсан, нега йўлнинг ўртасида ётибсан?

— Мени еб тўймас полвон дейишади.

— Қаердан келяпсан?— яна сўрабди Содиқжон.

— Подшонинг қизи Нестандаржаҳонга ошиқ бўлиб қолиб, унинг юртига бордим. Қанча уринсам ҳам уни кўра олмадим. Содиқжон фа-лон куни ўша киз мамлакатига бораркан деб эшиздими ўшангага шерик бўлсам, зора Содиқжоннинг баҳонаси билан қизни кўриш мусассар бўлса деб кутиб ётувдим,— дебди паҳлавон.

— Мен Содиқжонман, тур, кетдик!— дебди йигит.

— Жуда очман, юришга мадорим йўқ,— дебди еб тўймас полвон. Содиқжон сўйилган қўйнинг нимтасини тўққиз нон билан унга бе-рибди. Қолган овқатларини эшакка ортиб кетаверибдилар.

Бир кеча-кундуз йўл юрибдилар. Йўлда яна ухлаб ётган бир одамга йўлиқибдилар. Ўрнидан турғизишибди.

— Кимсан? Отинг нима?— сўрабди Содиқжон.

— Менинг номим Ожи Дарёдаркаш Дарёсимирувчи.

— Қаердан келяпсан?— яна сўрабди Содиқжон.

— Мен подшонинг қизи Нестандаржаңын шаҳридан келяпман,— жавоб бериди Дарёсимирүвчи.— Мен шу бутун Содикжон ўша қиз мамлакатига бораркан, деб эшилдим. Ўшани кутиб ўтирибман.

— Мен Содикжон бўламан, ўрнингдан тур!

— Қорним жуда оч, қимирашга мажолим йўқ.

Содикжон қолган яримта қўйни тўққиз нон билан унга бериди. Дарёсимирүвчи тўйибди.

— Менинг йўлимда туришингдан мақсадинг нима?— яна сўрабди Содикжон.

— Мен подшо қизи Нестандаржаҳонга ошиқ бўлганман. Содик-жон билан борсам, Содикжон уни менга кўрсатади деб ўйлайман.

— Ундай бўлса, кетдик.

У ўрнидан турибди ва Еб тўймасга дебди:

— Сен хизматингни ўтадинг, Содикжонни энди мен қўтариб бо-раман.

Дарёсимирүвчи Содикжонни орқасига қўтариб олибди. Улар уч ки-ши бўлиб кетаверишибди.

1?ир кеча-кундуз йўл юришгач, Содикжон қараса йўлда яна бир ки-ши ётибди. Уни уйқудан уйғотиб сўрабди:

— Сен кимсан, йўл устида нима килиб ётибсан?

— Мени отган ўқи зое кетмайдиган Ўқ отар дейишади.

— Қаерга борялсан?— яна сўрабди Содикжон.

— Мен подшонинг қизи Нестандаржаҳонни севиб қолганман. Унинг шаҳрига қизни кўриш учун бордим, аммо кўра олмадим. Со-дикжонни ўша подшо қизи шаҳрига борар экан деб эшилди, унинг йўлида ^пойлаб ётибман,— жавоб бериди Уқ отар.

— Ўрнингдан тур, мен Содикжон бўламан, кетдик.

— Жуда очман, юрарга мадорим йўқ,— дебди паҳлавон.

Содикжон бир қўй билан тўққиз нонни унга бериди. Ўқ отар овқатланиб бўлгач, шериларида дебди:

— Сизлар хизматларингни ўтаб бўлдинглар, энди Содикжонни мен орқалаб олай.

Шундай дебди-ю, Ўқ отар Содикжонни опичлаб олиб йўлга тушибди. Улар Нестандаржаҳоннинг юртига етиб келишибди. У ерда бир ғор бор эди. Полвонларни Содикжон ўща ғор ичига киритиб қўйибди, қол-ган овқатларини ҳам шу ерда колдирибди. Ўзи шаҳарга кириб бориб, бир кампирнинг эшигини қоқибди:

— Онажон,— дебди у,— шу кеча тунашга жой беринг, мусо- фирмани.

— Кулбамга ўзим зўрга сигаман, сенга жой йўқ,— дебди кампир. Содикжон кампирга тилла танга узатибди.

— Яхшигина жойларим бор, келақол, болам,— дея ичкарига так-лиф килибди кампир.

Кампир йигитни ичкарига олиб кириб, яхши қўрпачалар солибди, турли-туман овқатлар келтирибди, кейин Содикжондан сўрабди:

— Эй болам, қаердан бўласан, бўёқларда нима қилиб юрибсан.

— Мен Дамашқ шаҳридан келяпман,— дебди Содикжон.

— Дамашқ шаҳридан нима учун келдинг?

— Подшо қизи Нестандаржаңонни олиб кетгани келдим.

— Подшо қизи Нестандаржаңонни олиб кета олмайсан. Подшо- нинг шарти бор, ким ана шу шартни бажарса қизни ўша олади. Шаҳар четидаги кўргонни кўряпсанми? Подшонинг шартини бажара олмай ҳалок бўлишган одамларнинг бошидан курилган. Подшонинг қизи пўлат сим билан ўралган уй ичидаги яшайди,— деби кампир.

Содикжон ўрнидан туриб бозорга бориб қирқта мардикор ёллабди. Қизнинг уйи томон ер остидан йўл қазитибди ва қиз хонасига тешиб кирибди. Қараса, ниҳоятда соҳибжамол қиз экан. Содикжон уни бир кўришаёқ ошики шайдо бўлиб қолибди. Қиз уйқудан уйғониб қараса бир шаҳар хирожига арзидиган йигит қаршисида турибди. Қиз ҳам бир боқишда унга ошик бўлибди.

— Эй йигит, кимсан, қаердан бўласан?—дебди қиз.

— Мен Дамашқ шахридан бўламан.

— Бу ерга нега келдинг?

— Сени кўргани келдим. Мана, юзингни кўрдим, энди мамлака- тимга кетаман.

— Мени ўзинг билан олиб кет.

— Отангнинг шарти бор, ана шу шартни бажармагунча сени олиб кетолмайман.

— Отамнинг шарти жуда оғир, бажаролмайсан,— дебди қиз.

— Агар мени севсанг, отангнинг шартларини айт!

— Майдонда отамнинг бир кундаси бор. Унинг устига болта қўйилган. Ўша болта билан бир урища кундани teng иккига бўла- сан — бу биринчи шарти. Иккинчи шарти шуки, бир пўлат уйга ўт ёқади, уй қип-қизил оловдай чўт бўлади. Кимки ана шу уй ичидаги эрта- лабгача ўтириб чиқса, иккинчи шартни бажарган бўлади. Учинчи шарти бажариш учун бир хўқиз, қирқта қовурилган барра, кирқ тўқиз нонни бир кечада ейишинг керак. Тўртинчи шарти шуки,— дебди қиз,— сербарг дараҳт шоҳлари орасига бир тухумни илиб қўяди. Ким- ки уч чақирим масофадан ана шу тухумни урса шартни бажарган хи- собланади. Бешинчи шарти: чиройли келинларни уйларидан олиб чи- қади-да, шартларни бажардингми, энди севгилингни танлаб ол, дейди.

— Ўшандада сен қандай кийимда бўласан?— сўрабди йигит.

— Менинг устимда бўз кўйлак, оёғимда эски чориқ, оқ эшакка ми- ниб олган бўламан.

Содикжон шартларни билиб олиб, келган йўли билан яна кампир- нинг уйига қайтибди.

Эртасига у подшонинг шартлари бажариладиган майдонга келибди. У ерга кўнғироқ илинган экан, уни чалибди. Подшо қараса, кўнғироқ остида бир ёш йигит турибди.

— Эй бола, нима мақсадда келдинг?— сўрабди подшо.

— Мен сенинг шартларингни бажаргани келдим.

— Ширин жонингта қасд қиласа, менинг шартларим оғир.

— Шартларингни айтавер!

— Менинг бир шартим шуки, болтани олиб ўша кундани шундай ургинки, кунда teng иккига бўлинсин,— дебди подшо.

Йигит болтани олиб кундага зарб билан чунонам урибиди, кунда тенг иккига бўлинниб кетибди. Подшонинг биринчи шарти бажарилиб-ди. Подшо одамларига фармон бериди:

— Кирк уловда куруқ ўтин келтириб ўша пўлат уйга ўт ёкинглар, токи қип-қизил чўт бўлсин.

Пўлат уйга ўт ёкибдилар, уй қип-қизил бўлибди. Содикжон Дарё- симирувчи олдига борибди:

— Эй Дарёсимирувчи, намози шомда ана шу дарё сувини симириб келасан, мени олов хонага қамаб қўйишади,— дебди.

Йигит қайтиб келиб оёғига тош боғлабди. Намози шом бўлганда .чўғдай хона ичига кирибди. Подшо одамлари уйни қулфлаб кетишиб-ди. Дарёсимирувчи битта дарё сувини симириб келиб қизиб турган уйга соча бошлабди. Уй муздек бўлибди. Содикжон совукдан қалтираб дебди:

— Подшо шу кечак яна озгина ўтин берганида ёкиб исиниб олардим.

Эрталаб подшо одамлари келиб уй эшигини очишиша, Содикжон со- вуқдан қалтираб ётибди.

Подшо даргазаб бўлиб дебди:

— Бир молни сўйинглар, киркта барра билан қўшиб пиширинглар, кирк тўkkиз нон билан бир уйга олиб боринглар.

Айтилган нарсаларнинг ҳаммасини бир уйга келтириб қўйишибди. Содикжон Еб тўймаснинг олдига бориб дебди:

— Эй еб тўймас, таом ейишга ҳозирлан!

— Сен ғам ема, мен доим тайёрман,— жавоб берибди Еб тўймас. Содикжон келиб ўй ичига кирибди. Яна эшикни қулфлаб кетибди-лар. Намози шом ҳам бўлган эдики, Еб тўймас келибди. Ўйнинг мўри- часи бор экан, у оғзини ўша мўричага тўғрилаб очибди. Ҳамма гўшту, ошу нонларни еб битирибди. Ҳеч нарса қолмабди. Тонг отибди. Со-дикжон подшони битта мусофирни ҳам тўйғиза олмади, деб роса ҳа- қорат қилибди. Одамлар Содикжоннинг очликдан дод солаётганини саройга етказибдилар.

— Бориб эшикни очинглар,— дебди подшо.

Эшикни очиб қарашса, Содикжоннинг очликдан ўлишига оз қо- либди.

Содикжон подшо ҳузурига келиб:

— Эй подшо, мен сенинг барча шартингни бажардим,— дебди.

— Менинг шундай бир шартим борки, уни ҳеч ким бажара олмай-ди,— дебди шоҳ.

— У қандай шарт экан, тезроқ айт, бажараман.

Подшо бир тухумни олиб бориб тол шохлари орасига илишни бую- рибди. Подшо Содикжонга дебди:

— Ўша даштда бир ғор бор, ана шу ғор олдидан бир ўқ билан шу тухумни ур. Тўртинчи шартим-шу.

Содикжон рози бўлибди. Камонини олиб ғор олдига келибди. Етиб бориб ғор ёнида тўхтабди. Содикжоннинг камонини Ўқ отар олибди. У нишонга олиб ўқ отган экан тухум майда-майда бўлиб кетибди. Со- дикжон подшонинг олдига бориб дебди:

— Эй подшохи олам, бу шартингни ҳам бажардим.

Подшо беш юз аёлни турли хилда кийинтирибди ва Содикжонга дебди:

— Шулар орасидан севгилингни танлаб ол.

Содикжоннинг олдидан бири-биридан гўзал аёллар ўта бошлабди, Содикжон уларга қиё ҳам боқмабди.

— Қалифингни танлаб олмайсанми?— сўрабди подшо.

Содикжон томоша қилиб турибди, бир пайт ўша бўз кўйлак кийган қиз оқ эшакни миниб келиб колибди.

Содикжон бориб унинг эшагини ушлабди-да:

— Менинг қаллиғим мана шу қиз бўлади,— дебди.

Содикжон подшонинг шартини бажарибди. Кейин подшони ўлди-рибди. Кампирнинг уйидан подшо қизи хонасигача ер остидан йўл очишда ишлаган мардикорлардан бирини шу юрга подшо килиб қўйибди. Бошқаларига ҳам биттадан вазифа берибди. Кампир эса на-фақаҳўр бўлибди. Содикжон подшо қизини отга миндириб ўз юрти то-мон йўл олибди. Гор бошига келиб шартларини бажаришда ёрдам берган паҳлавонларга:

— Нестандаржаҳоннинг ҳуснини кўриш орзусида эдиларинг, чи-қиб томоша қилинглар,— дебди.

Улар чиқиб қизни кўришибди ва:

— Эй Содикжон, бизнинг орзумиз амалга ошди, энди ҳеч армони-миз йўқ,— дейишибди.

Содикжон ўз ватанига йўл олибди. Подшо Содикжонни кўриб ўрнидан турибди ва вазир билан унга пешвоз чиқибди. Қиз Содикжон-га дебди:

— Дарёнинг нариги томонидаги икки киши ким?

Содикжон дебди:

— Олдидагиси подшо, орқада келаётгани унинг вазири.

Қизнинг чўнтагида тўппонча бор экан, уни чиқариб иккаласини ҳам отиб ташлабди. Содикжон уларнинг ҳалок бўлганини кўриб дебди:

— Нега уларни ўлдирдинг?

— Мен уларни ўлдириб, сени кутқардим,— дебди қиз,— вазир се-нинг душманинг эди ва бир куни сени ҳалок этиши муқаррар эди.

Содикжон уйига етиб келибди. Кампир онаси шундай ҳам чиройли бинолар курдирибди, асти қўяверасиз. Қизни ичкарига олиб кириб-ди. Йигит иккала парининг соч толаларини тутатибди. Парилар кўз очиб юмгунча етиб келишибди. Содикжоннинг ҳовлисига ҳамма тўпланибди.

Содикжон подшо бўлиб, ўз ерида яшаб қолибди. Тошховуз ҳам, рангли сув ҳам, яхшилик дарахти ҳам, тилла балиқ ҳам Содикжонга қолибди.

Улар мақсадларига етишибди, сизлар ҳам муроду мақсадларингга стинглар.

ХОЛДОНА ПАРИ

Бир подшонинг учта ўғли бўлган экан. Болалари вояга етгач, подшо уларга дебди:

— Боринглар, ҳар томонга ўқ узинглар.

Болалар бориб ўқ узишибди. Тўнгич ўғилнинг ўқи қозининг уйига тушибди. Ўртнчасининг ўқи муфтининг эшигига тегиби. Кенжаси отган ўқ дарёнинг тошлоқ жойига бориб тушибди.

Қозининг қизини катта ўғил олибди, муфтининг қизини эса ўртан- часи. Кичик йигит дарё бўйига борибди, қараса отган ўқи курбақанинг кўлида эмиш. Йигит курбақани уйига олиб келибди. Бу курбақа Хол- дона пари экан. У гўзаллиги учун юзига никоб тортиб олган экан. Ки- чик ўғил уни уйига олиб келибди, йигит бир неча вақт хафа бўлганича хомуш ўтирибди, кейин курбақа шундай дебди:

— Мен курбақа эмасман, мен никобпўшман.

— Бўлмаса никобингни олиб ташлаб, одам суратига кир,— дебди йигит.

— Мен жуда чиройлиман, ўзингга душман ортириб нима қила- сан?—дебди Холдона.

Йигит паризоданинг юзидан никобини олиб қўйибди.

Эрталаб тонг отгач, катта акаси келибди. Холдонани кўриб хуши- дан кетибди. Кейин ўрнидан туриб отасининг олдига бориб дебди:

— Бошингни узиб ташлайман, кичик ўғлинга гўзал хотин олиб берибсан, мени эса хунук аёлга уйлантирибсан.

— Менинг бошимни узма, укангни борса келмас бир ерга жўнатиб юборамиз,— дебди отаси.

— Майли,— дебди катта ўғил.

Кейин подшо кичик ўғлини чакириб дебди:

— Бориб жаннатдаги бобою бибиларинг аҳволидан хабар олиб кел!

Йигит Холдона пари олдига келибди. Холдона:

— Нима бўлди, рангингиз бунча оқарган?

— Отам жаннатга бориб бобою бибиларимдан хабар олиб келишни буюрди,— жавоб берибди йигит.

— Отангизнинг бу ҳийласининг иложи осон. Мен Кўҳи Қоф орти- дан учта олма олиб келаман, сиз отангизга тайнинланг, мамлакатдаги етти яшардан етмиш ёшгача бўлган ҳамма кишиларни тўплаб уларга ўтин келтиришни буюрсин. Ўтинни тўплаб сиз тепасига чикинг, кейин тўрт томондан ўт қўйишин, шунда сиз мен учиб бориб жаннатдан ха- бар олиб келаман дейсиз,— ақл ўргатибди Холдона.

Тонг отибди. Йигит Холдона пари айтган гапларни бажарибди. Подшонинг фармони билан мамлакатнинг еттидан етмиш ёшгача бўлган одамлари ўтин келтиришибди. Ўтинларни бир ерга тўплабди- лар. Унга ўт ёкибидилар. Холдона пари эрини ўтдан кутқариб уйига олиб бориб дебди:

— Энди отангиз олдига бориб мана шу учала олмани бериб, мен сизга яхши хабар келтирдим: бобою бувиларим сизни ҳам бир келиб кетишсин, дейишди денг.

Йигит отасининг олдига келиб Холдонанинг гапларини айтибди.

Подшо ва акалари ундан сўрашибди:

— Биз у ерга қандай борамиз?

— Мен қайси йўл билан борган бўлсам, сизлар ҳам ўша йўл билан борасизлар.

Кейин подшо фармон берибди: етти яшардан етмиш яшаргача ҳамма ўтин келтиришибди. Подшо ва катта ўғиллари ўтин устига чики- шибди, ўтинга тўрт томондан ўт қўйишибди.

Эрталаб туришса, улар куйиб кул бўлишган эмиш...

ЧҮЛ ДЕВИ

Тўрт киши овга чиқиб, Абдукаххор^{III} дараси томон йўл олишибди. Бир чўлга келишганда смишлари тугаб қолибди. Йўлда давом этишиб-ди, бир пайт кеч кирибди. Бир ерга келишса, уй турганмиш. Ичкарига киришса, қўю эчкilarнинг қумалоқлари билан тўла эмиш. Шу ерда ўтирасак уй эгаси келиб овқат берар, деб ўйлашибди.

Кеч кирибди. Тўсатдан чўл деви уйга қўйларни ҳайдаб кириб ке- либди. У қўйларни ичкарига киритиб караса, одамлар ўтирганмиш. «Э, яхши овқат топдим», деб хурсанд бўлибди у.

Дев уй эшиги олдига олов ёқиб қўлидаги темир билан овчилардан бирини ўлдириб пишириб ебди, қолган учтасини эса нонуштага қолди-рибди.

Овчиларнинг каттаси дебди:

— У бизни ҳам ўлдириб ейди, хозир мен девни отиб ташлайман.

Уста милтиғига иккита ўқ жойлаб дев уйкуга кетганида унинг қўзини нишонга олиб урибди, дев ўлмай уйқудан уйғониб ҳеч қаерни кўролмабди. Унинг пешонаси ўртасида битта қўзи бор экан. У ўрнидан туриб наъра тортибди:

— Менинг қўзимни кўр килдинг, энди чангалимдан кочиб қуту- ломайсан,— дебди.


Кейин бир оёғини уйнинг бир томонига, иккинчисини эса уйнинг иккинчи томонига тираб, одамларни излай бошлабди. Кўйлар унга ха- лал бермасликлари учун уларни бўйинларидан тутиб уйдан ташқарига улоқтира бошлабди. Уста шерикларига астагина дебди:

— Ҳар биримиз биттадан қўйни сўйиб, терисини шилиб ёпиниб оламиз, кейин астагина девнинг олдига келамиз.

Овчилар шундай қилишибди: ҳар бири биттадан қўйни сўйиб, тери ичига кириб кўр девнинг олдига келишибди. Дев уларни қўй деб ўйлаб бўйинларидан тутиб уйдан ташқарига улоқтирибди.

Шундай қилиб овчилар дев қўлидан кутулиб, унинг қўйларини олдиларига солиб, уйларига ҳайдаб кетишибди.

^{III} Абдукаххор — Ванги Боло дарасидаги тог ва дара номи.



СИРЖҮЙ подшо

Чин мамлакатида бир подшо бўлган экан. Бир куни катта халқ мажлисида вазиру навкарларига дебди:

— Эй вазиру навкарларим, дунёда менга ўхшаш адолатли подшо борми?

Подшонинг бир доно вазири бор экан, у дебди:

— Сиздан ҳам одилроқ шоҳ бор!

— Ўша подшо ким экан? Номи нима экан, ҳозироқ айтмасанг бо- шингни танангдан жудо қиласман,— дебди подшо.

— Рум шахрида бир подшо бор экан. Унинг қирқ эшикли бир са- ройи бор экан. Агар гадой келиб қирқ эшигидан хайр сўраса ҳам қирқ товоқ олтин чиқариб бераркан. Бир гадога шунча тилла берса ҳам хал- қидан солик олмас экан. Энг одил шоҳ ана шу,— таъкидлабди вазир.

Подшо кечаси билан ўйлаб чиқибди, эрталаб ўрнидан туриб эски либосларни кийиб Рум подшосининг сирини билгани жўнабди. Бир неча кун йўл юриб Рум шаҳрининг четига етибди. У шаҳар чеккасида ўт ўриб юрган чолга учрабди. Сир билмоқчи бўлган подшо унинг аҳво- лини сўрабди, чол дебди:

— Эй ўғлим, мен шунча ўт ўриб подшонинг уйига олиб бораман, лекин текин нон емайман!

Сиржўй подшо сўрабди:

— Бобо, менга ҳам ўроқ беринг, сиз билан бирга хашак ўрсам.

— Хўп,— дебди чол ва унга ўроқ берибди. Сиржўй подшо шу ка- дар кўп хашак ўрибдики, унинг овозаси Рум подшоси қулоғига ётибди.

Ўша қишлоқ аҳолиси ўзаро маслаҳатлашиб:

— Келинглар, яхши одам экан, қишлоқ қўйларини ўшанг берай- лик, чўпонлик қилин!— дейишибди.

Сиржўй подшо бир йил чўпонлик қилибди. Йил боши келибди. «Чўпон халқ подасини яхши бокиб семиртирибди, қўйлар икки-учта- дан туғибди», деган овозалар подшо қулоғига етибди.

Подшо фармон берибди:

— Бориб ўша чўпонга айтинглар, келиб менинг отларимни боқсин!

Подшо элчилари бориб, Сиржўй подшони келтирибдилар. Отларни унга топширишибди, бир йил бокибди. Отларни шундай парвариш қи- либдикни, ҳамма қўриб хурсанд бўлибди. Отбоқарнинг таърифи подшо- га етибди.

Подшо уни чақириб дебди:

— Сиз яхши одамга ўхшайсиз, келинг, мен сизни ўзимга вазир

И қилиб олай.

Сиржўй подшо рози бўлибди ва бир йил вазирлик хизматини адо қилибди. Бир куни вазир подшодан сўрабди:

— Подшоҳи олам! Айтишларича, даргоҳингизга бир гадо қирқ эшиқдан келса ҳам бир товоқдан тилла чиқариб берасиз, халқдан олиқ-солик олмайсиз экан, бу даромад қаердан келади?

«Сен менинг сиримни билмоқчимисан?»— деб ғазабланган подшо буюрибди:

— Калтаклаб-калтаклаб шаҳардан чиқариб юборинглар.

Жаллодлар уни уриб-уриб шаҳардан чиқариб юборибдилар. Сиржўй подшо

кайтиб яна ўша ўроқчи чолнинг уйига борибди. Икков- лари неча вакт ўт ўриб юрибдилар.

Қишлоқ аҳли Сиржўй подшони яна подачи қилишибди. Бир йил подачилик килгач, унинг овозаси яна подшога етибди. Подшо менинг подамни боқсин, чақириб тайинланглар, деб фармон бериди.

Сиржўй келиб подшолик подасини бир йил боқибди. Подшо пода- чини яна вазир қилиб тайинлабди. Бир неча вақтдан кейин подшо ва- зирни сир билмоқчи бўлгандилиги учун яна даргоҳидан ҳайдаб юбо- рибди.

Учинчи марта Сиржўй подшодан сўрабди:

— Сизнинг сирингзис нимада?

Подшо жонига теккач, дебди: •

— Менинг бир шартим бор, ўшани бажарсанг, кейин сиримни айтаман.

— Майли, бажараман,— дебди Сиржўй.

Подшо дебди:

— Бир чўлда бир танаю уч бошли одам бор, ана шунинг сирини билиб келсанг, кейин мен сиримни айтаман.

Сиржўй подшо уч бошли одамни топибди, ўзаро ҳол-аҳвол сўра- шибди. Кейин Сиржўй подшо унинг сирини сўрабди.

Уч бошли одам дебди:

— Менинг бир шартим бор, агар ўшани бажарсанг, уч бошли бўлишимнинг сабабини айтаман.

— Қани, шартингни айт,— дебди Сиржўй подшо.

— Хуросонда бир подшо бор, таҳтига оппок қушлар солинган қа- фас илиб кўйган. Шоҳ овқатланганида қолдигини оқ кушга бераркан. Куш аввал бир йиглаб оларкан-да, сўнг овқатни еркан. Ана шунинг сирини билиб келасан,— дебди ҳалиги одам.

Сиржўй подшо қафасдаги куш сирини билиб келиш учун бир неча кун йўл юриб Хуросонга етиб келибди.

Сиржўй подшо неча йил Хуросон подшоси даргоҳида хизмат қи- либ, охири подшога маҳрам бўлибди. Кейин подшо бир куни хурсанд бўлиб турганида сўрабди:

— Эй подшоҳи олам, нега сиз овқатни аввал ўзингиз еб, қолганини қафасдаги кушга берасиз, куш бўлса йиглаб овқат ейди?

— Жаллод, бу одамни уриб-уриб чиқариб юборинглар, шахримиз- га сир билгани келган экан,— дебди ғазабланган подшо.

Жаллодлар Сиржўй подшони қалтаклаб шаҳардан чиқариб юбо- рибдилар, Сиржўй подшо эса яна подшо олдига келиб зорланибди:

— Эй подшоҳи олам, ё даргоҳингдаги сирни менга айт, ё бўлмаса мени ўлдир!

Подшо дебди:

— Сен жуда яхши одам экансан, мен шу сирни айтаман, лекин менинг бу сиримни ҳеч кимга айтмайсан. Бу қафасдаги куш менинг хотиним бўлади. Нихоятда гўзал, соҳибжамол эди, гул билан урсам

етти кун йиғларди. Бир неча йил бирга яшадик. Менинг иккита отим бор эди: учкур ва канотдор. Қарасам, канотдор отим кун сайин озиб боряпти. Отнинг ахволини күриб ўзимга-ўзим: «Нега бу от бунчалик озиб кетяпти»,— деб ўйладим.

Бир куни эртароқ ётиб, ўзимни уйқуга солдим, хотиним аста ўрни- дан туриб қимматбаҳо лиbosлари сақланадиган хонага кирди, мен эшик орқасида пойлаб турдим. Хотиним энг яхши лиbosларини кийди, ўзига оро берди, чиқиб отхонага борди, отни олиб минди. У осмонга учганида мен учкур отимни олиб орқасидан кетдим. Учб-учиб катта бир дараҳт олдига тушди. Дараҳт остида каттағор бор эди. Хотиним осмондан тушиб, қанотли отни дараҳтга боғлаб ўзи горга кирди. Мен ҳам учкур отимни дараҳтга боғлаб орқасидан бордим. У бир уйға кир-ди, мен эшик орқасида қолдим. Эшикдан кириши биланоқ қоп-кора, мўйловли одам хотинимни кўриб сўқа бошлади. Кора одам ҳар гал ур-ганида хотиним ерга йиқилар ва яна туриб ҳабаш юзига тикилиб ку-ларди.

— Сен бу кечакелдинг,— деб, кора одам уни яна уради.

— Ахир подшонинг уйкуси келгунча кутдим-да,— дерди хотиним. Кейин икковлари маишат қилишди. Мен икки соат эшик орқасида турдим. Кейин хотиним деди:

— Кел, менга жавоб бер, тезрок борай, эрим билса ўлдиради.

— Майли, боргину иккинчи марта бундай кеч қолма,— деди ҳабаш.

Мен хотинимдан олдин чиқиб, учкур отимга миндим. Хотинимдан аввалроқ уйга етиб келиб, ўзимни уйқуга солиб ётдим. Хотин отини сайисхонага боғлаб, уйға кирди. У ўринга кириб ухламоқчи бўлганида мен ўзимни уйкудан уйгонгандай кўрсатиб:

— Оббо, хотин, мен бир туш кўрдиму кўркиб турдим,— дедим.

— Қандай туш?— деб сўради у.

Мен кўрганларимни тушда бўлгандаи қилиб айтиб бердим. Шундай айтдимки, хотиним бир сиким тупроқ олиб, дуо ўқиб устимга сочди ва «ишишак» деган эди, мен оқ эшак бўлиб қолдим. Олиб бориб мени хизматчиларга топширди, устига юқ ортинглар, деди. Кейин бориб ва-зиру саркардаларга:

— Подшо касал, ҳеч ким кўргани келмасин!— деб буюрди.

Хизматчилар олиб бориб мени олти ой ишлатдилар, шунда менинг териларим шилиниб кетди ва улар мендан безор бўлиб бир чўлга ҳай-даб юбордилар. Чўлда ўтлаб бир оз жонландим. Сўнг бир қишлоққа бордим. Қишлоқ яқинида бир чорбоғ бор экан, ўшанинг ичига кириб ўтлай бошладим.

Бир куни боғда шу хотинимнинг дугонасини бир йигит билан кўриб қолдим, у хотинимнинг сиридан ҳабардор экан. Олдига бориб йиғла-дим. Хотинимнинг дугонаси кулган эди, шериги деди:

— Сен нега бу эшакни кўриб кулдинг?

— Бир гап эсимга тушди, шунинг учун кулдим.

Ўртоғи деди:

— Ўша сирни айт, бўлмаса бошингни танангдан жудо қиласман.

— Агар айтсан сен ҳам нобуд бўласан, мен ҳам.

— Нима бўлса ҳам айтасан,— деди.

Кейин мени чақирдилар. Қиз ўртоғидан сўради:

— Биласанми, шу эшак ким?

— Йўқ, билмайман,— деди.

— Шу шаҳарнинг подшоси,— деди.

— Нега у эшак бўлган?

Қиз деди:

— Подшонинг хотини дуо билан эшакка айлантириб қўйган.

Ўртоғи сўради:

— Шу эшак қайта одам бўлишининг иложи борми?

— Иложи бор.

— Нима бўлса ҳам иложини топ!—деди ўртоғи.

Сўнгра қиз бир сиким тупроқ олиб дуо ўқидию менинг устимга со- чди. Мен асли холимга келдим. Кейин қиз озгина тупроқни бериб деди:

— Мана шуни хотинингнинг устига сочиб «киш» десанг оқ қушга айланади, кейин қафасга солиб илиб қўясан.

Мен тупроқни олиб келиб, қизнинг айтганини қилдим. Қафасдаги ана шу оқ қуш менинг хотиним бўлади!

Сиржўй подшо уч бошли одам олдига келибди.

— Менинг шартимни бажардингми?

— Ҳа,— дебди Сиржўй подшо ва оқ қуш сирини айтиб берибди.

— Энди сиримни айтаман,— дея ҳикоя бошлабди уч бошли одам,— мен ковун-тарвуз экувчи дехкон эдим, экинзор еrim бор эди. Бир йили ковун экдим, ҳосил тутди, пишай деганда ҳаммаси қуриб қолди. Келгуси йили полиз ҳосили пишай деганда палак тагига чуқур қазиб, ичига кириб пойлаб ётдим, бир куни туш пайтида бир тўда кап- тар учиб келиб экинзорга тушди. Бир каптар деди:

— Тўхтанглар, тупроқ одамининг иси келяпти.

Бошлиғи деди:

— Қизик гапирасизлар-да, тупроқ бандаси кечалари ер ҳайдаб, кундузлари парвариш қилган. Ҳозир қаердадир ухлаб ётибди.

Шундан кейин ҳамма палакларни юла бошладилар. Мехнатимга юрагим ачишиб кетди, жон аччиғида биттасини ушладим, қолгандари учиб кетди. Қўлимдаги капитар тенгсиз гўзал аёлга айланди.

— Мени қўйиб юбор, сен бевафосан!—деди у.

Мен, қўйиб юбормайман, бевафо эмасман, деб қасам ичдим.

— Агар вафосизлик қилмасанг, сен билан тураман,— деди аёл. Мен аҳдлашиб уни ўз никоҳимга олдим.

Тўққиз ою тўққиз кунлик турмушдан кейин бир бола туғилди. Хо- тиним уни эшик олдида пайдо бўлган бир қанчикқа бериб юборди. Мен сабабини сўрамадим. Яна бирга яшаб юрдик, тўққиз ою тўққиз кундан кейин яна фарзанд кўрдик, уни ҳам ювиб-тараб ўша қанчикқа берди. Мен индамадим. Яна тўққиз ой, тўққиз кундан кейин бола кўрдик. Уни ҳам ювдию қанчикқа ташлади. Мен хотинга ҳеч нарса демай кулоч- кашлаб бир тарсаки урдим, хотин йиглаб деди:

— Мен тупроқ бандаси бевафо бўлади деб айтмабмидим!

— Ҳар йили туғиб қанчиққа ташлашингни мен ҳам кўряпман! — дедим.

— Эй нодон эр, мен гўдакни бошқа жойда боқишину сену мен айшу ишрат қилиб юрайлик деб ўйлагандим,— деди у.

Кейин ўрнидан туриб бориб гўдакларни олиб келди ва менинг олдимга ташлади, карасам ҳаммаси тирик. Бир боламни бу елкамга, бошқасини иккинчи елкамга кўйди-ю, кизини олиб капитар бўлиб учди- кетди. Мана, жўра, бизнинг сиримиз шу. Бу икки бош болаларимнинг боши, учинчиси эса ўзимники.

Сиржўй подшо ана шу сирни билиб олгач, одил подшо олдига ке-тибди. Уч бошли одам сирини айтибди. Кейин Рум подшосидан сўрабди:

— Энди ўз сирингни айтиб бер.

Подшо дебди:

— Бобом ҳам подшо экан, амаким ҳам. Бир куни бобом билан амаким ўлишибди. Халойиқ тўпланиб:

— Подшонинг иккала ўғлини тахтга ўтқизамиз,— дейишибди. Кейин иккаламиз подшо бўлдик. Эрталаб офтоб чиқкан экан, дастур-хон устига таомлар келтириб кўйилган экан, икки амакивачча масла-хат қиласардик. Иккаламиз овқатланиб тургандик, амакимнинг ўғли деди:

— Бу қальвани оталаримиз курган, унчалик яхши эмас.— Мен қальага қарадим, амакимнинг ўғли ширгуруучга нимадир сепди деб гу-мон килдим. Кейин унинг гапига жавобан дедим:

— Эй жигар, агар сену мен подшолик қилсак бу қальаларнинг бошқасини курдирамиз.

Амакимнинг ўғли қальага қаради, шунда ширгуруучнинг нимадир сепилган томонини ўзи томонига айлантириб кўйдим.

Амакимнинг ўғли деди:

— Кел, ука, бу гапларни қўяйлигу овқатни ейлик.

Кейин бисмиллоҳ деб бир лукма олиб оғзига солган ҳам эдики, орқасига ағдарилди. Шу зайлига тилла бўлиб қолди. Олиб бориб омборга кўйдим. Ҳар куни эрталаб укамнинг мурдасидан бир бармоғи-ни харж қилсан, эртаси куни ўша ери яна тўлиб қолади. Шунинг учун ҳеч кимдан ҳеч нарса олмайману ана шу танадан сарфлайвераман, ҳеч тамом бўлмайди. Менинг сирим мана шу.

Сиржўй подшо ҳамма сирларни билиб ўз шаҳрига қайтиб келибди. Халқни чақириб ошу нон берибди. Кейин подшо халқ олдида вазирига сирни баён қилиб, охирида:

— Энди мен ҳам факиру камбағаллардан ҳеч солик олмайман,— дебди.

ПОДШОНИНГ НИМТАНА ҚИЗИ

Чин-Мочин шаҳри подшосининг еттита хотини бўлган экан. Аммо биронта фарзанди йўқ экан. Бир ҳаким подшога:

— Тот тепасида олма дараҳти бор, бориб уни оёғингиз билан теп-сангиз дараҳтдан еттита олма тўкилади. Олмаларни олиб келиб хо-тинларингизга берасиз, шундан сўнг улар фарзанд кўришади,— дебди.

Подшо токқа чиқибди, олма тагига борибди. Қараса, дараҳт тагида дев ухлаб ётганмиш. Подшо дараҳт танасини бир тепган экан, дараҳт-дан еттита олма

түкилибди. Шу пайт дев уйғониб подшо билан олиша кетибди. Охири дев подшони енга олмай дебди:

— Агар хотинларинг бола кўрса, юрагингнинг бир устунини менга берасан!
— Хўп,— дебди у.

Подшо уйига келиб, олмани хотинларига бўлиб берибди. Кичик хотини олмани еб турган экан, бир эчки келиб унинг олмасининг яр- мини еб қўйибди. Олтита хотини ўғил, кичик хотини эса нимтана қиз тушибди.

Кунлар ўтиб улар катта бўлишибди. Олти ўғилни оналари мактабга беришибди. Дев хабар топиб, подшо эшигига келибди-ю: — Юрагинг устунини бер! — дебди.

Подшо олти ўғлини ушлаб кўрибди, беришга кўнгли бўлмабди, ке- либ ўша нимтана қизни девга берибди. Дев қизни олиб кетибди. Дев- нинг ичкаrima-ичкари қирқ уйи бор экан. У қизга ўттиз тўккиз уйини кўрсатибдию қирқинчисини очмабди. Бир куни дев кирқинчи уйни очиқ қолдириб овга кетибди. Қиз кириб қараса, бир уй тўла асиirlармиш. Ҳаммасини қўйиб юбориб, бир сандиқчини олиб қолибди. Сандиқчи дев келгунча бир сандик ясад, қизни сандиққа жойлаб, ўша ерда ўти- рибди.

Юриб-юриб бирданига девнинг хаёлига қирқинчи уй келибдию чопганича етиб келибди. Қараса, кирқинчи уй бўм-бўшу ўртада бир сандик турибди. Болтани олиб сандиқни шунча урса ҳам сандик май- даланмабди, бирон ери тешилмабди ҳам. Ҳовли ўртасида қирқ боғ ўтинни ёкиб сандиқни унинг ўртасига қўйибди, бирон жойи куймабди. Сандиқни кўтарибдию Ўша Нор¹ тогига чиқибди. Тоғ устидан сан- диқни юматалаб юборибди, сандик дарёга келиб тушибди.

Сандик дарёда сузиб кетаётган экан, бир балиқчи чол қармоқ солиб уни тутиб олибди. Уша куни бир шахзода ов қилиб дарё лабига келиб- ди, қараса балиқчи чолнинг қўлида сандик турибди. Шахзода сандиқни чолнинг қўлидан олиб уйига келтириб бир бурчакка қўйибди. Хизмат- корлар шахзодага овқат келтирсалар у ухлаб ётганмиш, овқатни қўйиб кетаверибдилар. Қиз сандиқдан чиқиб, овқатни еб яна сандик ичига кириб ухлайверибди. Шахзода уйкудан турса овқатни бирор еб қўйганмиш. Канизакларни чакириб дебди:

— Сизлар овқатни ҳаром қилибсизлар!

Канизаклар дебди:

— Сандиқнинг ичиди бирор бўлса керак.

Бошқа куни кечаси шахзода ўзини уйқуга солиб ётган экан, қиз сандиқдан чиқибди. Ошни еб энди сандик ичига кираман деган экан, йигит ушлаб олибди.

Норак тоги, демоқчи.

— Сен кимсан, жинмисан, пари ёки паризодмисан?—сүрабди шахзода.
— Мен инс ҳам эмасман, на парию на паризодман, балки одам фарзандиман.
Кейин қиз бошидан ўтган барча воқеаларни айтиб бериби.

Шахзода дебди:

— Мен сени хотинликка оламан.
— Мени ололмайсан. Агар олмоқчи бўлсанг, дарвозангдан уйингга ҳеч ким,
аттор ҳам, қаландар ҳам кирмасин.— Йигит қабул қилиби.

Энди девдан эштайлик. Дев қиз подшо даргоҳида эканлигини би- либи.
Ўзини бир аттор сотувчи суратига келтириб подшо дарвозаси олдига келиб дебди:

— Сен хонимларга мунчоқ, маржону сирғалар олмайсанми?

Подшо дебди:

— Канизаклар олдига ўзинг бор!

Дев ҳарамга кириби. Қараса, ўша қиз канизаклар олдида ўтири- ганмиш.

— Ҳа, лаънати, энди қўлимга тушдингми,— деб, қизнинг қўлини эзиби,
тамоми баданини моматалоқ килиб, қонатиб чиқиб кетиби. Қиз йиглаб ўтирган
экан, шахзода кириб келиб сўрабди. Қиз унга дебди:

— Мен вақтида айтмаган эдимми, ҳарамга ҳеч кимни қўйма деб. Сен қўйдинг,
дев келди, мени таниди, кечаси келиб еб кетади.

— Ғам ема, бу кеча қирқ паҳлавонимни ичкари ва ташқарига қўя- ман, ҳеч
кимни киритишмайди,— дебди шахзода.

Кеч кириби. Дев ҳамма одаму ҳайвонларнинг уйкусини бир ши-
шага жойлаб шахзода ёстиғи остига келтириб қўйибди. Кейин бориб
қирқулоқ қозонини келтириби, ҳовлига қирқ бор ўтин ёқиби. Қирқ-
кулоқ қозонга ёғ тўлдириб, қайнатиби. Қиз кошига бориби. Қиз дев- дан бир соат
муҳлат сўрабди. Нолаю фарёд кўтариб шахзоданинг ҳамма ерини чимчилабди,
урибдино яна йиглабди, ҳеч ким додига ет- мабди. Учинчи марта бир овоз
эшитилиби:

— У дев сени ейди. Сен нега бунча доду фарёд киласан? Бориб аста шахзода
ёстиғи остига қўл чўз, бир шишада ҳамма жониворлар, одамларнинг уйқулари
жойлаб қўйилган, ўшани олу остона олдига ик- ки тошни келтириб шишани
синдир!

Қиз аста бориб йигитнинг ёстиғи остидан шишани олиб тошга уриб
синдириби. Бирданига одамларнинг вағур-вуғури эшитила бошлабди, итлар
вовуллай бошлабди, эшакларнинг ҳанграши эшитилиб, ҳамма жониворлар
уйгониби.

Одамлар йигилишиб, девни уришиб ёғ ичига ташлашибди, қовуриб итлар
олдига улоқтиришибди.

Йигит билан қиз муроду мақсадларига етибдилар.

ТОЙХАРИ МАСТОН

Бир кампирнинг битта ўғли бўлган экан. Кампирнинг бир неча бош қўйи бор
экан. Бир куни ўғли қўйларни бокиб юрганида бўри келиб қўйларни еб кетиби. «Хозир онамнинг олдига борсам, онам мени ўлдиради», деб ўйлабди бола. Шу пайт
бир тулки оғзида зоғча тутга- niche келиб қолиби. Бола тулкини таёқ билан уриб
зоғчани олибдию канотларини юлиб уйига олиб бормоқчи бўлиби.

— Эй бола, нега мени кийнайсан?— дебди зоғча.

— Зерикдим, ўйнайман,— дебди бола.

— Менга озор берма, канотларимни юлма, мени қўйиб юбор, сенга яхшилик
киламан,— дебди зоғча.

Бола зогчани қўйиб юбориби. Зоғча болага:

— Менинг уйим фалон мамлакат орқасидаги тогда,— дебдию учиб кетиби.

Бола онасининг олдига келиби.

— Кўйларни нима қилдинг?— сўрабди онаси.

— Бўри еди,— дебди бола.

Онаси туриб битта таёкни олиб болани уриб-уриб чала мурда ки- либи.

Бола бир неча кулчани олиб зогча олдига кетаётган экан, ингичка тутун чиқаётган уйни кўриб қолиби. Бола ўша уй томон юриби. Қа- раса, бир Кўр барзанги ўтирганмиш.

— Ассалому алайкум,— дебди бола.

— Ваалайкум ассалом,— дебди Кўр барзанги.— Қаерга кетяпсан, бола?

— Менинг бир ўртоғим бор, ўшанинг олдига кетяпман. У менга бир нарса ваъда қилган эди,— дебди бола.

— Ўртоғинг ким?

— Зоғча!

— Бу кечаси менинида ухла, эрталаб ўртоғингнинг олдига борасан. Агар ўртоғинг бирон нарса берадиган бўлса, олма: «Ўша Тойхари Мастонни бермасанг, бошка ҳеч нарса олмайман», дегин.

Бола кечаси ухлаб, эрталаб зогча олдига кетиби. Зоғча зиёфат ки- либи, кўпгина совгалар олиб келиб бериби. Бола дебди:

— Мен буларни олмайман, менга Тойхари Мастонни берасан.

— Оббо, менга яхшилик қилдинг, майли энди бераман.— Кейин Тойхари Мастонни чиқариб болани миндириби.

Бола сўрабди:

— Бунинг қандай хосияти бор?

Зоғча дебди:

— Унинг хосияти шуки, агар эрталаб юз-қўлингни ювиб, эшакнинг олдига борсанг у бир товоқ тилла танга беради.

Бола Тойхари Мастонни олиб ўша Барзангининг уйига келиби. Кечаси ётиб қолиби. Барзангининг хотини бир қари эшакни олиб келиб Тойхари Мастонга алмаштириб боғлаб кўйиби. Бола эрталаб туриб эшакни олиб онасининг олдига келиби.

Онаси дебди:

— Буни нега олиб келдинг?

Бола дебди:

— Агар ҳар сахар юз-қўлингни ювиб эшакнинг баданини қашла- санг, тагидан бир товоқ тилла танга оласан. Бунинг номи Тойхари Мастон.

Онаси эрталаб туриб юз-қўлини ювиби, келиб эшакни силай бош- лабди, шунда эшак онасининг этагига тезагини тўкиби.

Кампир аччиқланиб дебди:

— Худо олсин сендақа миясиз болани, мени алдадинг!

Таёкни олиб болани уриби. Бола яна уйдан чиқиб кетиби. Бориб яна ўша Кўр барзангининг уйига тушиби. Кўр барзанги дебди:

— Нега келдинг?

Бола дебди:

— Ўртоғим зоғчанинг олдига бораман. Бирон нарса сўрайман.

Кўр барзанги дебди:

— Агар борсанг, Гулихандон рўмолини бер, бермасанг ҳеч нарса олмайман, дегин.

Йигит эрталаб зоғча олдига йўл олибди. Зоғча уни меҳмон қилибди, яна совғалар бериб жўнатмоқчи бўлибди, шунда йигит дебди:

— Менга ҳеч нарса керак эмас. Гулихандон рўмолини берсанг, бўлди.—
Зоғча ўйланиб қолибди.

— Оббо, сен менга яхшилик қилгансан, бермасам бўлмайди,— деб
Гулихандон рўмолини чикариб берибди.

Йигит рўмолнинг нима хосияти борлигини сўрабди.

Зоғча дебди:

— Ҳар сахар юз-кўлингни ювиб, шу рўмолни силкитсанг, рўмол- дан тилла
тўкилади.

Йигит рўмолни туғиб олибди, яна Кўр барзангининг уйига келибди. Кечаси
ухлабди. Кўр барзангининг хотини эски, йиртиқ бир рўмолни туғиб, Гулихандон
рўмолга алмаштириб қўйибди. Йигит эртасига рўмолни олиб ўз шахрига
кетибди.

Онаси сўрабди:

— Бобонг ўлгур, болам, яна нима олиб келдинг?

— Эй она, сенга Гулихандон рўмолини келтирдим. Ҳар сахар юз- кўлингни
ювиб шу рўмолни силкитсанг, бир товоқ олтин танга тўкила- ди,— дебди ўғли.

Онаси эрталаб туриб юз-кўлини ювиб, рўмолни силкитибди, на танга
тўкилибди, на тилла. Онаси аччиқланиб: «Ҳой бобонг ўлгур бо- ла»,— деб,
таёқни олиб ўғлини ура кетибди. Йигит ўртоғи зоғчанинг уйи томон йўл олибди.
Бу сафар Кўр барзангининг уйига кирмабди. Зоғча йигитни кўриб дебди:

— Яна келдингми? Менинг давлатимнинг ярмини олдинг!

— Мен ҳеч нарса олиб борганим йўқ, факат кари бир эшагу тилка- пораси
чикқан рўмол бердинг, холос — дебди йигит.

Зоғча сўрабди:

— Йўлда кимнинг уйида меҳмон бўлдинг?

— Кўр барзангининг уйида тунаб ўтардим,— дебди йигит.

Зоғча ўзича дебди:

— Э, Кўр барзангининг хотини бу сирни билар экан.— Кейин зоғ- ча туриб
битта худхудни болага бериб дебди:

— Буни ҳеч нарса килмайсан. Кўр барзангининг уйига бориб ўти- расан,
кейин енгингдан чикқариб қўйиб юборасан. У хотиннинг кўзини ўяди. Сен эса
колган нарсаларни олиб кетасан.

Йигит Кўр барзангининг уйига келибди. Кўр барзанги унга насиҳат қилиб дебди:

Бу сафар ўртоғингнинг уйига борсанг, ҳеч нарса сўрама, берган нарсасини
оловер.

Йигит Кўр барзангининг кўзини шамфалат қилиб енгидан худхудни чикқариб қўйиб
юборибди. Худхуд Кўр барзангининг кўзини чўқиб кўр қилибди. Йигит бориб оғилни
қўрибди, қараса Тойхари Мастон боғ- ланган, ичкариги уйига кирса, у ерда Гулихандон
рўмоли тутгилганича турганмиш. Йигит рўмолни олиб Тойхари Мастонга юклабди-да,
ку- вонганича онасининг олдига келиб дебди:

— Она, олиб келдим!

— Нима олиб келдинг?

Уша Гулихандон рўмол билан Тойхари Мастонни!

Онаси хурсанд бўлибди.

Кечаси ухлашибди. Эрталаб туриб онаси юз-кўлини ювиб Тойхарм Мастонни
силабди. У бир товоқ тилла берибди. Шундан сўнг кампир Гулихандон рўмолини олиб
силкитибди, кўпгина тилла танга тўкилиб- ди. Уй тангаю тиллага тўлибди.
Кампирбилая ўғли шоду хуррам яшай бошлабди.

ВАФОДОР ТОЙЧОҚ

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир дехқон бўлган экан. Дехқоннинг хотини оламдан ўтиб, битта ўғли қолган экан. «Мендан кейин боламни ўгай она қўлига берманг», деб насиҳат қиласр экан эрига.

Дехқон ўғлини етти-саккиз йил ўзи билан бирга олиб юрибди. Ўғли етти ёшига етганда мактабга берибди. Ўғли ўн бирга тўлибди, унинг мактаби узоқда экан. Кейин одамлар: «Заифасиз уй уй эмас, сиз энди уйланинг», дейишиб, эркакни ҳоли-жонига қўйишмай, бир бева аёлга уйлантириб қўйишибди. Бола мактабда ўқиб келаверибди. Мактабга эрталаб пиёда кетиб кечкурун пиёда қайтиб келаркан. Кунлардан бир куни яна одамлар:

— Ўғлингиз мактабга пиёда бориб келяпти, битта отни беринг, миниб бориб келсин, отингиз кўп-ку!— дейишибди.

— Болам, мактабга пиёда бориб-келиб юрасанми, битта отни олгину миниб бориб келиб юр,— дебди бир куни отаси.

Отаси бу гапни уч-тўрт марта такрорлабди. Бола қараса отлардан биттаси тойчоқ тугибди, ўшани яхши қўриб отасининг олдига олиб ке- либди.

— Эй ўғлим, кичкина тойчани олиб келибсан-ку, каттасини олсанг бўлмайдими?— дебди отаси.

— Мен уни катта қилсам, кейин минаман-да,— дебди ўғли.

У битта отхона қурибди, битта охур ясабди-да, мактабдан келиши билан тойчани қашлаб, силаб-сийпалаб арпа бериб, сув тутаркан. Той- ча икки яшар бўлибди. Ўгай она баҳиллик қилиб отасига гап чақа бошлабди. Улар орасида келишмовчилик пайдо бўлибди. Шу сабабдан онаси болани йўқотиш пайига тушиб қолибди. Отаси ишга, бола мак-

табга кетибди. Ўгай она бир жодугар кампирни олиб келиб: «Шуни нима қилсам экан?»— деб маслаҳат сўрабди.

Жодугар кампир шундай дебди:

— Эртага нон ёпиб, биттасининг ичига захри қотил солгин-да, бо- ла мактабдан келиши билан бергин.

Бу маслаҳатни тойчоқ эшишиб қолибди. Бола мактабдан келиб от- хонага кирса от юм-юм йиглаётган эмиш... буни кўриб бола ҳам йиглай бошладби. Бола:

— Нега йиглаяпсан?— деб отнинг пешонасини силаган экан, от тилга кириб дебди:

— Булар эртага битта ноннинг ичига заҳар солиб, мактабдан ке- лишинг билан сенга берамиз деб маслаҳат қилишди. Сен нонни эта- гинг билан" ушлагину чиқариб кучукка бергин.

Бола мактабга кетибди. Ўқишдан қайтиб отининг олдига кирибди. От яна йиглаб:

— Заҳар солинган патир ҳозир тайёр бўлди, фақат этагинг билан ушлагин,— дебди.

Бола от олдидан чикқан экан, онаси меҳрибонлик билан дебди.

— Болам, сенга патир пишириб қўйдим, ма, еб ол.

Бола:

— Кўлим куяди, этагим билан ушлай,— деб нонни олиб ташқарига чиқса, бир кучук кетаётган экан, патирни унинг олдига ташлабди, ха- лиги кучук уни сийиши биланоқ тил тортмай ўлиб қолибди. Эртасига кампир яна келибди. Ўгай она дебди:

— Бу ўлмади-ку, энди нима қиласиз?

Бола эртаси куни-мактабдан келиб отининг олдига кирса, оти яна йиглаётган экан.

— Нега йиглайсан?— сўрабди бола.

— Эртага эшик тагига битта чуқур қазиб, унинг ичига заҳарли ханжар қадаб қўйиб, устини юпқа тупроқ билан ёпишади, эҳтиёт бўлиб кир, аввал менинг олдимга келиб кейин уйга бор.

Бола уйга кириб овқатланибдию яна мактабига кетибди. Бола эр- тасига мактабга кетганда ўгай она чоқни қазитиб, ичига заҳарли хан- жарни ўрнатиб қўйибди. Бола кудукнинг ёнидан ўтиб отининг олдига келибди. Соғ-саломат келганидан от хурсанд бўлибдию эҳтиёт бўлгин деб тайнинлабди.

Бола мактабга кетгач, ўгай онаси кампирни олиб келибди. «Аввал унинг отини йўқотамиз, кейин ўзини, отининг тили борга ўхшайди»,— деб маслаҳатлашибди улар.

Жодугар кампир яна маслаҳат берибди:

— Пича юпқа патир ёргину ётадиган ўрнингга қўйиб ухла, уёқ-бу- ёққа думаласанг юпқа патир қисирлаб овоз чиқаради. Шунда эрингга, қовўргаларим синяпти. Дийдие фолбиннни олиб келинг, дейсан. Мен фол очиб отни чиқараман, отни сўйиб сенга беришади, кейин болани йўқотамиз.

Бола мактабдан келиб отининг олдига кирса оти йиглайверибди.

Буни кўрган бола ҳам йиглаб юборибди ва отга овқат бера туриб сўрабди:

— Нега йиглайсан?

От ўгай она билан фолбиннинг маслаҳатини айтибди.

— Эртага мени сўйишмоқчи бўлса, сен хабардор бўлгин,— дебди. Угай она юпқа

патир пишириб тагига қўйиб ётибди. Эри кўчадан келса хотин у ёни-бу ёнига ағдарилиб, «вой ўлдим, вой ўлдим», деяёт- ган эмиш.

— Нима килди сенга?— деб сўрабди чол.

— Дийдиё фолбинни олиб келинг,— дебди хотини.

Кампир келиб хотиннинг ўёқ-буёгини кўрибди, қоқибди, чироқ ёқиб Шишамозор, Устунмозор ва Паттимозорга қўйиб келибди. Кейин фол оч иб:

— Тойчоқни сўйиб, терисига ўранг, хотинингиз тузалиб кетади, бўлмаса оламдан ўтади,— дебди.

Бу маслаҳатни тойча болага мактабдан келиши биланоқ айтиб бе- рибди.

— Сен мактабда эканлигингда мени сўйишмоқчи. Мен уч марта кишинайман: бир марта оғилдан олиб чиқишаётганда, иккинчи марта эшик остонасида, учинчи марта пичоқни бўғзимга қадашаётганда. Агар етиб келсанг, мени кутқарасан. Мени бегараз дўйст деб бил!— дебди.

Бола мактабга борибдию аммо ўй-хаёли ўқишида эмас, тойчада бўлибди. Ўгай она эрига:

— Тойчани сўйинг!—дебди.

Эр бориб қассобни олиб келибди. Тойчани ечишаётганда бир киши- набди, оғилдан олиб чиқишаётганда яна бир кишинабди, йикитиб оёги- ни боғлашаётганда учинчи бор кишинабди. Уч марта кишинаганда бола мактабдан чиқиб; «Сўйманг, қассоб бува, сўйманг», деб бақирганича эшиқдан кириб келибди. Бола келиб қараса ҳали тойчасини сўйишма- ган экан. Тойчани ечиб дебди:

— Нега сўясиз, катта отлар бор-ку?! Мен уни уч йил кутдим, бир миниб келай,— деб, дадасидан сўрабди.

— Уч йил бокибди, майли, бир миниб келсин,— дебди қассоб.

Бола отга эгару жабдуқ уриб, хуржуннинг икки қўзига яшириб қўйган нарсаларини солибдию отни миниб чиқиши билан у бирданига учеб осмону фалакка кўтарилиб кетибди. Дадасининг кўзига хотини ҳам кўринмабдию йиглаб-йиглаб ожиз бўлиб қолибди. Хотинни эса жодугар кампир олиб кетибди. Чолнинг ўзи яккаю ёлғиз қолибди.

Энди гапни тойча билан боладан эшитайлик. Улар учеб кетавери- шибди, кетаверишибди ва ниҳоят бир тоққа етишибди. У ерда бир туп тол бўлиб, унинг тагида бир чашма бор экан. Улар ана шу тол тагига тушишибди. От болага дебди:

— Сен овқатланиб ол.

Бола овқатланиб бўлгач ухлашга ётибди, аммо уйқуси келмабди. Кейин осмонда учеб кетаётган икки каптар тойчани кўриб, унинг олдига тушишибди. Тойча олдига тушган каптарлар парилар экан, тойча

ҳам пари экан. Улар гаплашиб ўтиришибди. Бола уларнинг гапларини эшитиб ётиб ухлаб қолибди. Парилар:

— Сени ота-онанг тўурт йилдан буён излашади, йиғлайверишиб кўзлари кўр бўлиб қолган, бир борсанг бўлмайдими?— дейишибди.

— Бу ишни менинг ўзим қилганим йўқ, мен худди отга ўхшаб, ана шу боланинг кўлига тушиб қолдим, энди бу бола ўзини тутиб олгунча унга хизмат қиласман,— дебди тойча.

Парилар учиб кетишибди. Бола кўзини очиб отдан сўрабди:

— Каптарлар кетищдими?

От бошидан ўтган саргузаштларини айтиб: «Мен ота-онамнинг олдига борай», деб ижозат сўрабди. Бола рози бўлибди. Тойча ёлидан икки толасини узиб берибдию осмонга учиб кетибди. Бола ҳам ўрни- дан туриб йўлга тушибди. Унинг йўлидан бир чўпон чиқиб қолибди. Бола нарсаларини чўпоннинг нарсаларига алмаштириб олибди. Бола жуда чироили экан. Ўзини хавф-хатардан асраш учун кийимларини ҳам алмаштирибди. Аста-секин шаҳар томон бораверибди. Унинг олдидан икки табақали катта дарвоза чиқибди. Ана шу дарвозанинг зинапоясига ўтирган ҳам экан, бир одам чиқиб ундан сўрабди:

— Нега бу ерда ўтирибсан?

— Менинг отам ҳам, онам ҳам йўқ, мусофираман,— дебди бола.

Бу одам ана шу мамлакат подшосининг багбони экан. Подшонинг учта қизи бўлган экан. Ҳар куни у одам подшонинг қизларига уч даста гул элтиб бераркан. Бола ўша ерда уч-тўрт кун хизмат қилиб юрибди. Ҳар куни боғбоннинг уч даста гул олиб боришини кўрган йигит чолдан сўрабди:

— Мен ҳам бир даста гул берай, уни кўшиб олиб боринг.

Боғбон гулни қизлар ҳузурига олиб борган экан, шоҳнинг доно кенжа қизи гулдастани кўриб дебди:

— Чорвоққа бегона одам кирибди.

Қизлар оғаларидан ижозат олишиб бокқа киришибди. Подшонинг кичик қизи шийпонда ухлабди. Икки катта қизи эса дугоналари билан боф атрофини саёҳат қилишибди. Шу пайт бола битта гул бутасининг тагида ўтирган экан. Чорбоғ жимжит экан, бола кийимларини ечиб ҳовузга тушиб чўмила бошлабди. Буни кенжа қиз кўриб қолибдию опаларини чакириб, «кетамиз», дебди.

Кейин учовлари учта қовунни узиб, унинг устига: «Сўйиб енг, совға олиб келдик», деб ёзишиб оталарига олиб боришибди. Кейин учови- нинг ҳам қовунини сўйишса, қовунлар меъёридан ўтиб қолган экан.

Подшо вазирини чакириб сўрабди:

— Бу қовунлар пишиб етилибдиу нега багбон ҳанузгача уни узиб сотмабди?

Вазир кулиб кўйибди. Подшо бунинг сабабини сўрабди:

— Бир қошиқ қонимдан кечсангиз сабабини айтаман,— дебди доно вазир.

— Кечдим, сабабини айт,— дебди подшо.

Вазир гапира бошлабди:

— Кизларнинг бу қовунлари «ёшимиз ўтиб қолди» деганларига ишора. Ижозат берсангиз, уларнинг тўйини қилиб юборайлик.

Шунда подшо дебди:

— Уларнинг учовининг ҳам қўлларига учта олма бериб арк дарво- заси олдига чиқаринглару ҳамма одамларни арқ тагидан ўтказинглар.

Шундай килишибди. Катта қиз битта баззоз йигитни олма билан урибди, уни олиб киришибди. Ўртанча қизи битта аттор йигитни уриб-ди, уни олиб киришибди. Ҳамма ўтибдию кенжа қизи қўлидаги олмани ҳеч кимга отмабди. Кейин боғбон билан «кал бола»ни олиб келишибди. Кенжа қиз иккита олмани «кал бола»га қараб отибди. Уч қизни тўй қилишибди, ўзлари танлаган йигитларга никоҳлаб беришибди. Тўй окшоми ҳалиги йигитча отнинг ёлини тутатибди. От шоҳона кийимлар билан пайдо бўлибди. Бола бу кийимларни кийиб подшонинг олдига чикибди. Чиройли кийимларда йигит янада кўркам бўлиб кетган экан. Буни кўрган подшо ундан саргузаштини сўрабди. Шундан сўнг у кен- жа куёвини ўзининг ўрнига подшо қилибдию унинг отасини олиб келиб қўзини даволашибди. Подшо билан йигит отаси болалари ҳақига дуо қилишибди, беш вақт намозини ўқиб юришаверибди. Шундай қилиб етим бола муроду мақсадига этибди.

ЧИЛТОШ

Бир бор экан, бир йўқ экан, ўтган замонда бир бой бўлган экан. Бойнинг битта ўғли бўлган экан. У ўғлини жуда яхши кўтар экан. Бир куни бой хотини билан маслаҳатлашиб дебди:

— Энди ўғлимиз катта бўлиб қолди, унга бозор-ўчарни ўргатиши- миз керак.

Шу маслаҳатдан кейин бой ўғлига минг танга бериб дебди:

— Болам, мен энди қариб қолдим, сен бозор қилишни ўрган, мана бу пулга рўзгор учун лозим кўрган нарсаларни олиб кел.

Бола бозорга борса бир чеккада уч киши бир кучукни ўйнатиб ўти- ришганмиш.

— Ҳой, оғайнилар, кучукларингни сотмайсизларми?— дебди бола.

— Сотамиз.

— Неча пул?

— Минг танга.

Бола минг тангани чўкариб берибдию кучукчани уйига олиб ке- либди. /

Бой билан хотини боланинг бу ишига ҳайрон қолишибди.

Бой ўзига-ўзи: «Яна минг танга берай-чи, бу сафар яхши бўлар», деб ўйлабдию, боласининг кўлига яна минг танга бериб дебди:

— Ўзингта керак бўлган нарсани бозордан сотиб ол.

Бола яна бозорга борибди, қараса, икки киши бир мушукни ўйна- шаётган эмиш. Бола дебди:

— Ҳой амакилар, мушукни сотмайсизларми?

— Сотамиз.

— Неча пул туради?

— Минг танга.

Бола минг тангани санаб берибдию мушукни уйига олиб кетибди. Ота-онаси боланинг бу ишидан жуда хафа бўлишибди. Отаси ўғли- ни ниҳоятда яхши кўргани учун, ўзича яна ўйлаб, «бу сафар бозорга борса, яхши харид қилар», дебди.

Боланинг кўлига яна минг танга бериб дебди:

— Бу пулга бозордан рўзгор учун керакли нарсаларни сотиб олиб кел.

Бола бозорга бориб минг тангага сичқон сотиб олиб уйига қайтиб-ди. Ўғилларининг бу ишидан чолу кампир хафа бўлиб йиғлашибди. «Худо бизга шу ўғилни бердио, аммо у беақл чиқди», дейишибди, ху-дога нола қилишибди. Қишлоқ халқи хам бу воқеани эшитишиб бойни маломат қилишибди. Бола ўзича ўйлаб, «мен аклсиз бўлсан, шу уйда яшамаганим бўлсин», дебдио ота-онаси уйқуга кетганда кечаси киш-лоқдан чиқиб кетишибди. Боланинг ота-онаси эрталаб туришса, бола йўқ эмиш. Доду фарёд қилишиб қишлоқни оёққа турғизишибди, аммо бо-лани тополмабдилар. Бола туни билан йўл юришибди, йўл юрса хам мўл юришибди. Ниҳоят чарчаб битта дараҳт тагида дам олгани ўтириб, ухлаб қолишибди.

Бир пайт болани бир мўйсафид уйғотишибди. Бола ўрнидан турса ёнида бир чол ўтирганмиш. Мўйсафид боланинг кўлига ниҳоятда ажойиб бир тошни бериби.

— Тошнинг номи Чилтош,— дебди у,— сенинг қандай мақсадинг бўлса мана шу тошни кўлингга олиб унга мурожаат қиласанг, муродинг ҳосил бўлади.

— Кўхи Қофнинг ортида бир боғ бор, унинг ичидаги парилар яша-шади. Ана шу парилар бир вақтлар бир дехқоннинг кизини ўғирлаб кетишган. У киз гўзалликда дунёга машҳур экан, хатто парилар хам унинг ҳуснига ошиқ бўлишган экан. Шу боисдан хам ўзлари билан бирга Кўхи Қофдаги боғда олиб юришибди. Сен энди ўша қизни ўз никохингга оласан, у сенга ақл ўргатади,— деб, доно мўйсафид кўздан фойиб бўлишибди.

Бола Чилтошни ўнг кўлига олибида-да:

— Чилтош, Кўхи Қоф ортидаги дехқон қизини менга етказ,— дебди.

Бола қараса, киз ёнида ўтирганмиш.

— Сиз барно йигитда бир каромат боғ. Сиз шу ерда худди подшо-ларнинг ҳовлисидаи ҳовли бўлишини талаб қилинг,— дебди киз.

Йигит Чилтошга мурожаат қолишибди. Шу заҳоти подшоларнинг ҳовлисидаи хам мустаҳкамроқ ҳовли пайдо бўлишибди. Ҳовли ичидаги парилар бир боғ бўлиб, унда ер юзидағи хамма мевалардан бўлиб, улар фарқ пишиб ётганмиш. Йигит билан киз вақтларини майшат билан ўтказиб юришибди. Йигит отасининг ўйидан аччикланиб чиқиб кетгач, йигитнинг отасиъкучук, мушук ва сичқонни ўйидан ҳайдаб юборишибди. Бойнинг ҳамма мол-мулки нест-нобуд бўлиб кетишибди.

Ўзлари эса фарзандлари доғида йиглайверишиб кўр бўлиб қолишибди.

Бир вақтлар Кашмир мамлакатининг подшоси Аллаёрхон ниҳоятда гўзал бир дехқон қизини парилар ўғирлашиб Кўхи Қоф ортидаги боқ-қа олиб кетишганини эшитган экан. Аллаёрхон фойибдан кизга ошиқу бекарор бўлган экан. Халқ орасида кимки ана шу киз билан ҳамсұхбат бўлса сулув ва хушрўй бўлиб кетаверади, деган мишишлар ҳам тар-қалган экан. Шу боисдан Аллаёрхон дунёдаги барча мамлакатларга одам юборишибди. Улар бир чиройли йигит топиб Аллаёрхонга хабар беришлари лозим экан. Дехқон қизи эрига дебди:

— Сиз тоққа овга боринг, дилингиз губори тарқалади, сиз ота-онангизни жуда кўп ўйлајпиз.

Йигит ўша кундан бошлиб овга чиқишибди. Тоғдан кўпгина каклик-ларни отиб келишибди. Дарҳақиқат, хафалиги тарқалишибди. Ҳар куни каклик гўштини хотини билан пишириб ейишаркан. Йигит бир куни яна эрталаб барвақт туриб тоққа чиқишибди. Катта тог кўйини отиб уйига кечкурун қайтишибди. Хотини милтиқ ва ўлжасини елкасидан олиб уйга киришибди. Кўй гўштини пиширишибди, эр-хотин тановул қилишибди. Овқатдан кейин чақчақлашиб ўтиришибди.

— Сенга раҳмат, хотин, мен ана шу жаннат ичидаги сенинг жамо-лингга тўймайману,

лекин кўнглим ота-онамни истайди. Икки кундан буён жуда хурсандман. Ов билан машғул бўлиб юрагимга ғашлик кел- майди. Сенинг маслаҳатингдан хурсандман,— дебдию хотинининг ўнг бетидан битта ўпиди олиби.

Хотин дебди:

— Азизим, сиз менинг маслаҳатимга қулоқ солсангиз ҳеч хафа бўлмайсиз. Ана шу гўзал уйимизга ота-онангизни олиб келамиш. Сиз жуда чиройли йигит экансиз, мен сизни бирон киши қиз деб олиб ке- тиб қолмаса деб кўрқаман,— дебди хазиллашиб.

Дарҳақиқат, йигит ойнага қараса ҳатто гўзал қизлардан ҳам қо- лишмайдиган даражада чиройли бўлиб кетган эмиш. Йигит хотинига дебди:

— Жонгинам, менга яна қандай маслаҳатингиз бор?

Хотин дебди:

— Овга чикқанингизда мана бу пардани юзингизга тутиб юрсан- гиз, тоғда сизни бирор киши кўрса ҳам хатарсиз бўласиз. Лекин пар- дани уйга келгунингизча ҳеч юзингиздан олманг. Ҳовлига киргандаги- на юзингизни очинг. Менинг маслаҳатим шу.

— Сенинг бу маслаҳатингни жоним билан бажараман!— дебди эри.

Йигит хотинининг маслаҳатини қилиб ҳар куни овга кетаверишибди. Эру хотин жаннатдай бу ҳовлида яшайверишибди.

Бир куни йигит овга кетаётса олдидан Аллаёрхоннинг одами чикиб қолиби.

— Ҳой йигит, қайси томонга кетяпсиз?— дебди. лЧ-

— Овга кетяпман,— дебди йигит.

Йигит Аллаёрхон одами билан икк-и соат сухбатлашибди.

— Нега сиз юзингизга парда тутиб олгансиз?— деб сўрабдигхон одами.

— Буни менга хотиним ўргатган,— дебди йигит.

— Ҳовлию ҳарамингиз каерда?— яна сўрабди ҳалиги одам.

— Юринг, мен сизга кўрсатаман,— деб бегона одамни ҳовлисига бошлаб кетиби. Ҳон одами узокдан ҳовлига назар ташласа, бундай ҳовли подшоларда ҳам йўқ эмиш.

— Биродар, мен ҳовлингизни кўрдим, аммо жуда чарчадим. Эртага келаман,— деб орқасига қайтиб кетиби ҳалиги одам.

Йигит эса овга бормай уйига қайтиби. Хотини кўрса эри овдан қуруқ қайтиби. Ўрнидан туриб йигитнинг қўлидан милтиқни олиби.

— Бугун овингиз юришмадими?— деб сўрабди хотин.

— Бугун тобим қочиб ов қиломадим,— дебди эри.

Йигит хотинига ёлғон гапириби. Чунки хотини берган маслаҳатни бузиб, нотаниш одамга бутун сирини айтиб қўйганди.

Ҳон одами дехконнинг қизи ана шу ҳовлида эканлигини билиб Кашир подшоси Аллаёрхонга хабар етказиби. Аллаёрхон мамла- катдаги барча жодугарларни тўплаб дебди:

— Кимки ўша дехконнинг қизини менинг қўлимга олиб келиб бер- са, бутун подшолик давлатим ўшанини.

Бир жодугар кампир дебди:

— Мен ўша қизни сизга олиб келиб топшираман.

Жодугар подшодан унга битта чархи фалак ва ҳовлини кўрган ва- килни беришни сўрабди. Кампир ҳамсафари билан биргаликда чархи фалакка миниб йигитнинг ҳовлиси томон парвоз қилишибди. Ҳоннинг одами кампирга йигитнинг ҳовлисини кўрсатиби. Кампир чархи фа- лак билан ҳамроҳини Кўҳи Қоф ортида қолдириби-да, ўзи эса худди девонага ўхшаб йигитнинг ҳовлисига қараб кетиби. Дарвоза орқасида тўхтаб:

— Мен кимсасиз бечорага раҳм қилинглар, мен бир бурда нонга зор одамман,— деб доду фарёд қилаверибди.

Дехқон қизи дарвоза олдига келиб:

— Сен керак эмассан, йўқол, сенга берадиган нон ҳам йўқ,— деб дарвозани очмабди. Йигит кечқурун овдан қайтиб дарвоза ортида тур- ган нотаниш бир кампирни кўрибди. Кампир йигитни кўриб нола че- кибди:

— Мен кимсасиз бир нотавон кампирман, сизларнинг хизматла- рингизни қилиб юрсан куним ўтарди,— деб ёлворибди.

Боланинг эсиға онаси тушиб кампирга жуда раҳми келибди. Йигит хотинига дебди:

— Эй азизим, бу ақлли кампирга ўхшайди, биз билан яшасин. Сен билан ҳамсухбат бўлиб ўтирасин. Мен доим ов билан машгулман, сен эса ҳамиша уйда ёлғизсан.

Ночор қолган хотин эрининг гапини қабул қилиб кампир булар би- лан бирга яшайверибди. Йигит кундузи ов қилиб, кечаси қайтаркан. Дехқон қизи эса доимо кампир билан бирга яшаркан. Бир куни кампир йигитдан сўрабди:

— Сизлар бир эру хотин бўлсаларинг қандай қилиб бундай обод ҳовлини курдиларинг?

Қиз йигитга гап бермай дебди:

— Бу ҳовлининг ўзи бор эди. Биз қурган эмасмиз.

Кампир яна сўрабди:

— Мана шу обод боғлар ҳам асли бормиди?

Йигит жавоб бермоқчи экан, ундан аввал қиз дебди:

— Бог ҳам ҳовли билан бирга пайдо бўлган.

Кампир яна сўрабди:

— Нега сизлар оловсиз овқат пиширасизлар, мўриларингдан ҳеч тутуни чикмайди.

Киз гапирмоқчи бўлган экан, аммо йигит тезда жавоб берибди: — Бизнинг кўлимизда Чилтош бор. Мана бу токчада.

Йигит Чилтошни ўнг кўлига олиб:

— Чилтош, бир товоқ палов тайёrlа! — дебди.

Шу заҳоти сергўшт, серёғ бир товоқ ош тайёр бўлибди, учовлари баҳам кўришибди. Шундан сўнг кампир мен Чилтошингни бир кўрай Дебди. Йигит Чилтошни кампирнинг кўлига тутқазибди.

— Ажойиб тош экан, жойига қўяйми? — дебди кампир.

— Ха, ўрнига қўйиб қўйинг, — дебди йигит.

Кампир Чилтошни жойига қўйгандай бўлибди, аммо қўлидан чи- кармабди. Кеч кириб ҳамма уйкуга кетибди. Кампир уйкудан туриб, Чилтошни ўнг кўлига олиб:

— Чилтош, Чилтош, мана шу ҳовлию ҳарамни, дехқоннинг қизини Аллаё rhon мамлакатига элтиб қўй, — дебди.

Йигит ҳовлиси ўрнида ёлғиз ўзи қолибди. Ҳовлию ҳарами гўзал хотини билан биргалиқда Аллаё rhon кўлига тушибди. Йигит йиғлаб- йиғлаб ухлаб қолибди.

Кучук, мушук, сичқон туш кўришса эгалари оғир бир аҳволда эмиш. Учовлари ўйлга тушибди бир неча кундан кейин йигитнинг олдига етиб келишса, йигит нимжон ҳолда хушсиз ётганмиш. Кучук караса бир киши буғдой сугораётган экан. Дарров унинг нонини олиб қочибди. Мушук бўлса қаердандир озгина пишган гўшт топиб келибди. Йигит еб, ўзига келибди. Кучук, мушук, сичқон кампирни излаб кети-шибди. Ўн тўққиз кечаю кундуз йўл юришиб Аллаё rhon мамлакатига етиб келишибди.

Дехқон қизи Аллаё rhonдан мухлат сўрабди. Қирқ кундан кейин никоҳига ўтмоқчи бўлибди. Аллаё rhonning ҳовлиси жуда зеб-зийнат- ли экан. Подшо ҳар куни уч марта қизнинг олдига келиб нозаниннинг жамолини томоша қилиб кетар экан.

Кучук, мушук, сичқон — учовлари маслаҳатни бир жойга қўйи-шибди. Мушук дебди:

— Мен сичқон билан бирга подшонинг ҳовлисига бораман. Сен шу ерда тур, чунки каттасан, яна коровуллар ушлаб олиб ўлдириб қўйиш- масин.

Кучукка бу гап маъқул тушибди.

Мушук билан сичқон Аллаё rhonning ҳовлисига киришибди. Бир хонага тушибса дехқоннинг қизини қирқ қиз ўраб олиб ухлаб ётишган экан. Жодугар эса тилла кат устида -ухлаб ётганмиш.

Мушук сичқондан сўрабди: — Энди нима

қиласиз? Сичқон жавоб берибди:

— Мен бир ерга ёзиламану думимни ахлатимга белаб уни жоду- гарнинг бурнига тутаман, у акса уради, Чилтош оғзидан отилиб чиқа- ди. Сен эса чопиб бориб уни олиб оғзингга соласан.

Шундай қилиб сичқон ёзилиб думини ахлатига белабди-да, кам- пирнинг бурнига тутибди. Кампир «уф» деб акса урган экан, Чилтош кампирнинг оғзидан отилиб тушибди. Мушук чопиб бориб Чилтошни олиб оғзига солибди-ю, сичқон билан биргалашиб кучкнинг олдига кочиб боришибди.

Мушук, кучук, сичқон омадлари келганидан хурсанд бўлишиб йўлга тушишибди. Ўн саккиз кечаю кундуз йўл юришиб бир дарё бўйига келишибди.

— Чилтошни менга бер!— дебди кучук.

— Сенинг оғзинг катта, яна дарёга тушириб юбормагин,— дебди мушук.

— Менга бер, бўлмаса, ўлдираман,— дебди яна кучук.

Мушук кўркқанидан Чилтошни кучукка берибди. Кучук Чилтошни оғзига солиб, елкасига сичқонни миндириб олибди, мушук эса унинг думидан ушлаб олибди. Улар дарёдан ўта бошлишибди. Соҳилга етай деганда кучук сувда ўз аксини кўриб «вов-вов»лаб юборибди. Шунда Чилтош унинг оғзидан сувга тушиб кетибди.

Мушук дебди:

— Мен сенга айтмовмидим, оғзинг катта, оғзингдан тушиб кетади деб, мана энди нима бўлди.

Учовлари хафа бўлишиб роса йиглашибди. Туйкусдан битта тилла балиқ чиқиб қолибди. Мушук уни маҳкам ушлаб олибди. Балиқ нола чеккан экан, дарёдаги ҳамма балиқлар чиқиб келибди. Ҳалиги тилла балиқ балиқларнинг подшоси экан. Балиқлар подшоларини озод қи- лиш учун:

— Биздан сизларга нима керак?—деб сўрашибди.

— Мана шу дарёдаги қымматбаҳо Чилтошни чиқариб берсангиз- лар, подшоларингни кўйиб юборамиз,— дебди мушук.

Балиқлар дарё қаърида икки соат йўқ бўлиб кетишибди. Нихоят битта балиқча Чилтошни топиб чиқибди. Мушук Чилтошни оғзига со- либ балиқлар подшосини кўйиб юборибди. Кучук, мушук, сичқон ўзларида йўқ хурсанд бўлишиб йўлга тушишибди.

Аллаерхбн ҳюритига бориб келишга ўттиз тўққиз кечаю кундуз вақт кетибди. Йигитнинг олдига келишса, унинг ўлишига сал қолган экан. Мушук Чилтошни йигитнинг қўлига берибди.

Аллаёрхон подшо «эртага тўй бўлади», деб вақти чоғ бўлиб тўй та- радиудида юрган экан. Йигит Чилтошни ўнг қўлига олибди-ю:

— Чилтош,. ўша ҳовлию ҳарамни, хотинимни, жодугар кампир ва мен билан тоғда сухбатлашган кишини бу ерга келтир,— дебди.

Йигитнинг айтганлари бажо бўлибди. Йигит тўғри хотинининг олдига кирибди. У қирқ қизлар ўртасида ўтирган экан. Тила кат устидаизэса жодугар кампир ўтирган эмиш. Хотин эрини кўриши била- Я ноқ ўрнидан турибди.

— Сизни онангиз «ақлсиз» деб тўғри айтган эканлар,— дебди.



— Азизам, ортиқча гапларни қўй, чап юзингдан қарзим бор эди, Аллаёрхон уни олиб қолмадимикин?

— Шу бугун сенинг олдингга келиб қолмаганимда, қарзингни шоҳ оларди,— дебди хотини.

Кампиру kızлар ҳайрон қолишибди. Йигит хотинини маҳқам қу- чоқлаб чап юзидан ўпибди. Хотини дебди:

— Жодугар кампирни отма, сен билан сұхбатлашган кишини ҳам ўлдирма. Мен гапирай, сен кулоқ тут.

— Хўп,— дебди йигит.

— Чилтошдан илтимос қилиб бир уй қуриңг. Кампиру Аллаёрхон- нинг одамини қип-яланғоч қилиб, оёқ-қўлларини боғлаб кучук, мушук, сичқонлар ихтиёрига беринг. Улар нима қилишса, ўзлари билишади,— дебди дехкон кизи.

Кампирни, подшонинг одамини кучук, мушук, сичқон қийнаб ўлди- ришибди. Шундан кейин кучук, мушук, сичқон йигитдан кетишига рух- сат сўрашибди. Йигит хурс.шдлик билан уларга жавоб берибди. Улар қилган ишларидан шодланиб қайтиб кетишибди. Йигит ота-онасини ховлисига олиб келибди. Улар йифлай-йифлай кўр бўлиб қолишган эканлар. Хотини — дехконнинг кизи парда билан уларнинг кўзларини ўзи тозалабди. Икковларининг кўзлари ҳам илгариги ҳолатига келиб- ди. Йигит билан дехконнинг кизи тўю томоша беришиб, ана шу ховли- да яшайверишибди. Улар бир-бирларининг дийдорларига ҳеч тўйиш- мас экан.

ҚИРҚ КАПТАР

Қадим замонда бир подшо ўтган экан. Унинг бир ўғилу бир қизи бўлган экан. Ўғли жуда ҳам эрка бўлиб ҳавонинг иссиқ қунлари дарё лабига чўмилиш учун чиқиб ўтирас экан. Бир куни дарё бўйида ўтираса қирқта капитар келибди. Каптарларнинг ҳаммаси пари бўлиб, улар ҳам ҳар куни чўмилгани келишар экан.

Каптарлардан биттаси — энг кичиги ана шу подшоваччани яхши кўриб қолибди. Бир куни подшовачча чўмилгани тушган пайтда ўша капитар унинг кийимларини яшириб қўйибди. Бола сувдан, чикса, уст- бошлари йўқ эмиш. Ҳайрон бўлиб дарё бўйида ўлланиб ўтираса бир капитар келиб бир юмалаб чиройли кизга айланисб, боланинг нарсалага- рини чикариб берибди. Шу жойда ўша пари қизни, пари эса болани яхши кўриб қолибди. Бола пари қизга дебди:

— Энди сизни висолингизга қандай эришиш мумкин?

Қиз дебди:

— Ота-онам уч шарт қўйишган. Кимки ана шу шартларни бажарса ўшанга беришади. Битта шартлари шуки, олдимизда катта тўқайзор бор, ана шу тўқайзорни бир кечада; гулзорга айлантирасиз, иккинчи шартлари шуки, ўша куннинг ўзида буғдой экасиз, учинчи- шартлари

эса ўша куннинг эртасигаёқ ўша буғдойнинг унидан ота-онамга нон ■ ётиб берасиз.

У пари кантарнинг ота-онаси дев бўлган экан. Йигит шартларни бажариш учун девнинг олдига келибди.

— Эй болажон, ман-ман деган йигитлар менинг шартимни бажара олишмадио, сен бажарасанми?— деб, дев михларга илинган калла- ларга ишора килибди.

— Майли, қандай шарт бўлса ҳам бажараман, шартингизни айтинг,— дебди йигит.

Кейин улар ҳалиги шартларни айтишибди. Сўнгра ўша кечаси ҳа- лиги пари киз унга ёрдамлашибди.

Ўша пари киз ҳамма ҳайвонларнинг тилини билар экан. Жами ҳайвонларни чақирибди, дунёдаги бор ҳайвонлар етиб келибди. Бир дамда тўқайзорни илдизи билан йўқотишибди жойига гул ўтқази- шибди. Ерни ҳайдаб буғдой экишибди. Буғдойни ўша кечасиёқ ўриб, тегирмонда тортиб, эрталаб ундан нон ёпишибди. Тонг отиши билан ҳамма ҳайвонлар турли томонга тарқалишибдио қиз болага:

— Бу ишларни кўргач, ота-онам сени бир хонага киритишади, у ерда қиркта кантар бўлади. Мен ҳам ўша ерда кичкинагина кантарча суратида назарга илинмас бўлиб кантарларнинг орқасида тураман. Қайси кантарни оласан деб сўрасалар ўша кантарчани кўрсат,— де- бдио кўздан гойиб бўлибди.

Кизнинг ота-онаси эрталаб туриб қарашса бола ҳамма шартлар- ни бажарип қўйибди. Бола уларнинг олдига иссик буғдой нон билан чой олиб келиб қўйибди. Ана шу ерда ота-онаси болага қизларининг ёрдам берганини фахмлаб қолишибди. Кейин қиркта кантар турган хонага киритишади.

— Қайсинисини оласан?— сўрашибди улар.

Бола бориб ўша кичик кантарчани кўрсатибди.

Кизнинг отаси айтибди:

Шундай катта кантарлар турганида нега уни танладинг?

— Менга шуниси ёқди,— жавоб берибди бола.

Ота-оналар рози бўлишиб, катта тўй қилиб беришибди-ю, лекин қизи оилан кўёвига қаёд қилишиб уларни ёмокчи бўлишибди. Орадан бирор ой ўтар-ўтмас уларнинг икковини ҳаммомга киритишиб, устла- ридан иссик сув куйиб ўлдиришмоқчи бўлишибди. Буни қизлари сезиб ҳаммомга киргандаридан кейин ўзи билан эрини кантарга айланти- рибдио қочиб кетишибди. Улар қочгандаридан кейин ота-онаси ҳам- момга киришса ҳеч ким йўқ эмиш. Дадаси уларни кетидан кувлабди, уларга етай-етай деб қолибди. Иложи бўлмагач, қиз эрини буғдой ўра- етган чолгаю ўзини буғдойга айлантириб қўйибди.

Оtasи келиб қараса, улар йўқ эмиш. Кейин ўша «чол»дан сўрабди. «Чол» жавоб берибди:

Бу ердан бирон киши ҳам ўтмади. Бу ерда куш учса қаноти, одам утса оёги куядию сенинг кизинг билан күёвинг нима қиласди. ундаи қилиб, отаси ўтиб кетибилю, улар ҳам бошқа томонга қа- раб жунаб қолишибди.

Оtasи уларни узоқдан кўриб қолиб, яна кувлай бошлабди. Отаси келиоп ^{Тай}_п ^{еганда}_{ки} ^{йигитни} билутта айлантирибди ўзи ой бўлиб қолиоди. Отаси келио ой билан булутдан сўрабди:

ЙФк “бобож^и пи^и ишининг ўтгани” Кўрмадингизми?

— Иук, бобожон, курмадик,— жавоб берибди ой.

Шу ахволда отаси ўтиб кетибди. Отасининг кетидан улар яна қо- чишибди. Бир пайт отаси қараса улар бошқа томонга қочиб кетишаёт- ганмиши. Яна орқаларидан кувлай бошлабди. Отаси уларга етай-етай деб қолганда^и қиз нима қиласини билмай бир зум ўлланиб турибди-ю болани кит, узини эса дарега

айлантирибди. Бу сафар отаси қизининг бу ишини билиб қолибди. Чопганича келиб дарёниг бор сувини доми- га тортиоди. Бир қултумгина суви қолибди. Уни ҳам ичибию китни ҳам ебди. Лекин китнинг думи унинг корнини ёриб юборибди ва ҳамма сув яна дарёга кўйилибди. Бола яна сувга тушибди. Дев эса ҳалок бўлибди. Кейин дарё суви кизу кит болага айланнибди. Шундай қилиб, икковлари боланинг ўйига иўл олишибди. Ўйларига келгач, йигит қиз- ни ота-онасига кўрсатиб, элга тўю томоша бериб, муроду мақсадига етибди.

ШАҲЗОДА

Бир бор экан, бир йўқ экан, кадим замонда бир подшо бўлган экан. Унинг иккита хотини бор экан. Аммо подшонинг фарзанди йўқ экан. Кейин подшо хотинлари устига яна хотин олибди. Кунлар кетидан кунлар, тунлар кетидан тунлар ўтиб учинчи хотин ҳомиладор бўлибди. Хотинининг ою куни, вақти соати етиб кўзи ёриши яқинлашган кун- ларда подшо бошқа бир вилоятга сафарга жўнамоқчи бўлибди. У са- фар олдидан хотинига тайинлабди:

— Агар чақалоқ тугилса, менга одам юборинглар, етиб келаман.

Подшо кетгач, бир куни кичик хотинини тўлғоқ тутибди. Иккала кундоши бориб бир кампирни олиб келиб дебди.

— Бизлар битта кучук боласини топиб келамиз, кундошимиз кўз ёриши билан чақалоқни аста бизга олиб берасизу «кучукча тугдинг» деб кучукчани олдига қўясиз. Айтганимизни бажарсангиз сизни тил- лага кўмиб юборамиз.

Кампир рози бўлибди ва келиб доя момо бўлибди. Кундошлари- нинг кўзи ёриби, у ўғил тугибди. Подшонинг иккала хотини эшик орқасида кучукчани тайёрлаб ўтиришган экан, шошганларича кучук- чани узатишиб, чақалоқни тортиб олишибди. Доя момо кучукчани хо- тиннинг ёнига қўйиб:

- Вой, кучук тугдинг, болам, кучук тугдинг!-деб фаред кута- ^{риб} Хотин музтар бўлиб қолибди. Ўнинг бир бурчагига лўлаболиши қўйишибди, ўша ерга ўтиб ётибди. ^у_н^д_л^ш_л^а_р ^е_н^н_н^н_н^н“етаёт Та^нгүнг” дик жойга олиб бориб улоқтиришибди. ш ^{да}_р^х_{ол} устидаги

ташувчининг кўзи чақалокқа^и ^{аб} чопганича кампирининг чиркин тўнини ^{гў, г}
ешиоди-да, чақалокни ур^и “Д^а ^ж_и^й ±^е_р, - леб», - »• «У
пид олдим.

У пари кантарнинг ота-онаси дев бўлган экан. Йигит шартларни бажариш учун девнинг олдига келибди.

— Эй болажон, ман-ман деган йигитлар менинг шартимни бажара олишмадио, сен бажарасанми?— деб, дев михларга илинган калла- ларга ишора килибди.

— Майли, қандай шарт бўлса ҳам бажараман, шартингизни айтинг,— дебди йигит.

Кейин улар ҳалиги шартларни айтишибди. Сўнгра ўша кечаси ҳа- лиги пари киз унга ёрдамлашибди.

Ўша пари киз ҳамма ҳайвонларнинг тилини билар экан. Жами ҳайвонларни чақирибди, дунёдаги бор ҳайвонлар етиб келибди. Бир дамда тўқайзорни илдизи билан йўқотишибдию жойига гул ўтқази- шибди. Ерни ҳайдаб буғдой экишибди. Буғдойни ўша кечасиёқ ўриб, тегирмонда тортиб, эрталаб ундан нон ёшишибди. Тонг отиши билан ҳамма ҳайвонлар турли томонга тарқалишибдию қиз болага:

— Бу ишларни кўргач, ота-онам сени бир хонага киритишади, у ерда қиркта кантар бўлади. Мен ҳам ўша ерда кичкинагина кантарча суратида назарга илинмас бўлиб кантарларнинг орқасида тураман. Қайси кантарни оласан деб сўрасалар ўша кантарчани кўрсат,— де- бдио кўздан гойиб бўлибди.

Кизнинг ота-онаси эрталаб туриб қарашса бола ҳамма шартлар- ни бажариб қўйибди. Бола уларнинг олдига иссик буғдой нон билан чой олиб келиб қўйибди. Ана шу ерда ота-онаси болага қизларнинг ёрдам берганини фахмлаб қолишибди. Кейин қиркта кантар турган хонага киритишибди.

— Қайсинисини оласан?— сўрашибди улар.
Бола бориб ўша кичик кантарчани кўрсатибди.

Кизнинг отаси айтибди:

Шундай катта кантарлар турганида нега уни танладинг?
— Менга шуниси ёқди,— жавоб берибди бола.

Ота-оналар рози бўлишиб, катта тўй қилиб беришибди-ю, лекин қизи оилан кўёвига қасд қилишиб уларни емокчи бўлишибди. Орадан бирор ой ўтар-ўтмас уларнинг икковини ҳаммомга киритишиб, устла- ридан иссик сув куйиб ўлдиришмоқчи бўлишибди. Буни қизлари сезиб ҳаммомга кирганларидан кейин ўзи билан эрини кантарга айланти- рибдию қочиб кетишибди. Улар қочганларидан кейин ота-онаси ҳам- момга киришса ҳеч ким йўқ эмиш. Дадаси уларни кетидан кувлабди, уларга етай-етай деб қолибди. Иложи бўлмагач, қиз эрини буғдой ўра- етган чолгаю ўзини буғдойга айлантириб қўйибди.

Оtasи келиб қараса, улар йўқ эмиш. Кейин ўша «чол»дан сўрабди. «Чол» жавоб берибди:

Бу ердан бирон киши ҳам ўтмади. Бу ерда куш учса қаноти, одам утса оёғи куядию сенинг кизинг билан күёвинг нима қиласди. ундаи қилиб, отаси ўтиб кетибилю, улар ҳам бошқа томонга қа- раб жунаб қолишибди.

Оtasи уларни узоқдан кўриб қолиб, яна кувлай бошлабди. Отаси келиоп ^{Тай} _п ^{еганда} _{ки} ^{йигитни} булутта айлантирибилю ўзи ой бўлиб қолиоди. Отаси келио ой билан булутдан сўрабди:

ЙФқ “бобож^и пи^и ишининг ўтгани” Кўрмадингизми?

— Иук, бобожон, курмадик,— жавоб берибди ой.

Шу ахволда отаси ўтиб кетибди. Отасининг кетидан улар яна қо- чишибди. Бир пайт отаси қараса улар бошқа томонга қочиб кетишаёт- ганмиши. Яна орқаларидан кувлай бошлабди. Отаси уларга етай-етай деб қолганда^и қиз нима қиласини билмай бир зум ўлланиб турибди-ю болани кит, узини эса дарега

айлантирибди. Бу сафар отаси қизининг бу ишини билиб қолибди. Чопганича келиб дарёнинг бор сувини доми- га тортиоди. Бир қултумгина суви қолибди. Уни ҳам ичибию китни ҳам ебди. Лекин китнинг думи унинг корнини ёриб юборибди ва ҳамма сув яна дарёга кўйилибди. Бола яна сувга тушибди. Дев эса ҳалок бўлибди. Кейин дарё суви кизу кит болага айланнибди. Шундай қилиб, икковлари боланинг ўйига иўл олишибди. Ўйларига келгач, йигит қиз- ни ота-онасига кўрсатиб, элга тўю томоша бериб, муроду мақсадига етибди.

ШАҲЗОДА

Бир бор экан, бир йўқ экан, кадим замонда бир подшо бўлган экан. Унинг иккита хотини бор экан. Аммо подшонинг фарзанди йўқ экан. Кейин подшо хотинлари устига яна хотин олибди. Кунлар кетидан кунлар, тунлар кетидан тунлар ўтиб учинчи хотин ҳомиладор бўлибди. Хотинининг ою куни, вақти соати етиб кўзи ёриши яқинлашган кун- ларда подшо бошқа бир вилоятга сафарга жўнамоқчи бўлибди. У са- фар олдидан хотинига тайинлабди:

— Агар чақалоқ тугилса, менга одам юборинглар, етиб келаман.

Подшо кетгач, бир куни кичик хотинини тўлғоқ тутибди. Иккала кундоши бориб бир кампирни олиб келиб дебди.

— Бизлар битта кучук боласини топиб келамиз, кундошимиз кўз ёриши билан чақалоқни аста бизга олиб берасизу «кучукча тұғдинг» деб кучукчани олдига қўясиз. Айтганимизни бажарсангиз сизни тил- лага кўмиб юборамиз.

Кампир рози бўлибди ва келиб доя момо бўлибди. Кундошлари- ник кўзи ёриби, у ўғил тугибди. Подшонинг иккала хотини эшик орқасида кучукчани тайёрлаб ўтиришган экан, шошганларича кучук- чани узатишиб, чақалоқни тортиб олишибди. Доя момо кучукчани хо- тиннинг ёнига кўйиб:

- Вой, кучук тұғдинг, болам, кучук тұғдинг!-деб фаред кута- ^{риб} Хотин музтар бўлиб қолибди. Ўйнинг бир бурчагига лўлаболиши кўйишибди, ўша ерга ўтиб ётибди. ^{^у^л^л^ш^л^а^р} ^{^‘^‘^‘^‘^‘} «таёт Та^тўнг дик жойга олиб бориб улоқтиришибди. ш ^{да} ^{рхол} устидаги

ташувчининг кўзи чақалокқа [‘] ^{аб} чопганича кампирининг чиркин тўнини ^{гў,} ^г ^е ^{чиоди-да, чақалокни ур “Д-Э Ж-И ±<р,- леб»,- »•“ «У}

пид олдим.

— Э, яхши қилибсиз, олиб келмаганингизда ўлиб кетарди. Ўзим қараб катта қилиб оламан,— дебди кампир.

Орадан уч кун ўтибди. Чақалокқа кампир эмизги билан қараб ту-рибди.

Буларни шу ерда колдиралигү энді сўзни подшо саройидан эши-тайлик.

Подшонинг хотинлари дарров: «Хотинингиз кучук түғди», деб под-шога хат ёзишибди. Подшо ҳам: «Мен етиб боргунча бир гўнг тепага кўмиб кўйинглар, токи мен ундан хотиннинг афтини кўрмайин», деб жавоб қилибди. Иккала кундош хотинни олиб бир гўнг тепага танаси-нинг ярмигача кўмиб кўйишибди.

— Сен кучукча түғдинг, сенинг ҳақинг мана шу!— дейишибдию иккала кундош келиб бемалол юришаверибди.

Орадан бир кечау кундуз ўтибди, янги кўз ёрган хотин ўша гўнг тепада очу нахор, ҳолдан тойиб ётибди. Ҳалиги гўнг ташувчи одам яна ўша гўнг тепага бориб бир хотиннинг нолишини эшишибди. Бориб қа-раса чиройлигина бир жувон гўнгга кўмилиб ётганмиш.

— Эй, қизим, бу ерда нима қилиб ётибсиз?— деб сўрабди.

— Эй бобожон, мен подшонинг хотини эдим, мени «кучукча түғ-динг» дейишиб боламни қаерга олиб бориб ташлашию, подшога «ку-чукча түғди» деб хат ёзишибди. Подшонинг фармони билан мени мана шу гўнг тепага олиб келиб кўмиб кўйишибди,— дебди жувон.

— Сиз қиёматли фарзандимсиз, мен чопонимни берай, ёпиниб ҳовлимга боринг, мен сизни қиз қилиб оламан. Мен шу ердан уч кун бурун бир чақалокни топиб олдим, ўша сизнинг болангиз бўлса ке-рак,— дебди ҳалиги одам.

Хотинга чопонини берибдию ҳовлисига олиб кетибди. Кампир хо-тинни қиз қилиб олибди, хотин эса фарзандини эмизиб катта қила бошлади. У бутун сирларни билса-да, подшога оғиз очмабди. Подшо эса ўша икки хотини билан яшаб юраверибди.

Бола етти ёшга тўлганда гўнг ташувчи уни мактабга берибди. Бола жуда чиройли, кўриниши худди подшонинг ўзгинаси экан. Подшо бундан бехабар экан. Кунлардан бир куни бола подшонинг эшиги олдидан мактабга ўтиб бораётганда подшонинг кўзи унга тушиб қо-либди. Юраги гупириб болани олдига чақирибди. Бола салом бериб подшо қошига келибди. Кейин подшо сўрабди:

— Эй ўғлим, сиз кимнинг боласи бўласиз?

— Мен гўнг ташувчининг невараси бўламан, менинг отам йўклар,— дебди бола.

Подшонинг юраги шунчалик гупириб кетибди, болани кучоқлаб бағрига босгиси келибди. Кейин боланинг қўлига бир даста пулу май-да-чуйда бериб:

— Олиб бориб буни бобонгизга беринг,— деб болани кузатиб қўйибди.

Бола келиши билан онаси сўрабди:

— Бу нарсаларни сен қаердан олдинг?

Бола жавоб берибди:

— Мактабдан келаётган эдим, подшо чақириб анча гаплашиб ўтирдик, кейин шуларни берди,— дебди бола.

Онаси оғиз очмабди, ҳар куни бола мактабдан қайтаётганда под-шонинг эрмаги — уни ўз хузурига чақириб гаплашиш бўлиб қолибди. Шу зайлда ою йиллар ўтиб, бола ўн бешга тўлибди. Подшо ҳар кеча бир хизматкорини чақириб:

— Сиз бориб порукашнинг неварасини олиб келинг,— дердию ярим кечагача ўша бола билан гаплашиб шавқа завққа тўлиб ўтиарди. Ярим тундагина подшо хотини олдига киради. Бир куни хотини под- шодан сўраб қолибди:

— Нега сиз ярим кечагача ташкарида ўтирасиз?

Подшо жавоб берибди:

— Шу гўнг ташувчи бобонинг бир невараси бор экан, жуда қизик бола, ўша билан гаплашиб ўтираман.

— Ўша иркит бобонинг невараси киму сиз ким, у сизнинг сухба- тингизга лойик эмас,— дебди хотини.

Лекин подшо хотинининг гапига кулоқ солмай ҳар оқшом болани чақиртириб ярим кечагача гаплашиб ўтиравераркан. Хотинининг ба- хиллиги келибди. Кейин, «энди шу болани йўқотмасам бўлмайди», де- бди ичидা. Бугун яна подшо ярим кечада уйига кирган экан, хотини дебди:

— Сиз бирон кишини парилар шахрига — Эронга юборинг. Ўша ерда битта от бор экан. Қулогини бир бураса осмонга учаркан, яна бир бураса ерга тушаркан. Ў парилар оти экан.

— У отни парилар шаҳридан ким олиб келиши мумкин?— сўрабди подшо.

— Ким бўларди, ўша гўнгчининг невараси-да,— дебди хотини.

Кечкурун подшо болани чақиртириб келиб дебди:

— Эй ўғлим, Эрон мамлакатида парилар шахри бор экан, уларнинг бир оти бор экан, уни Нахшак оти дейишаркан. Қулогини бураса осмонга чиқаркан, яна бир бураса ерга тушаркан. Бориб ўша отни менга келтириб берсангиз. Мен сизга нимани хоҳласангиз ўшани бе- раман.

Ҳалиги бола «хукми шоҳ вожиб» деган нақлга амал қилиб «майли» деганича бошини эгиб қолибди. Подшо қўпдан-қўп инъом-эҳсонлар бериб болани Эрон мамлакатига боришга рози қилибди.

Бола онасининг олдига келиб дебди:

— Подшо менга Эрон мамлакатидан парилар отини олиб келишни буюрди. Подшонинг гапини қайтариб бўлмайди, эртага эрталаб йўлга тушаман.

Эртаси куни чолу кампир ва онаси болани подшонинг хузурига ку- затиб қолишибди. Бола подшо билан хайрлашиб кёлибди. Подшо от- улов, кийим-кечак бериб, қўпгина тилла инъом этиб, фотиха бёриб, болани кузатиб қўйибди.

Бола йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди ва ниҳоят Эрон мам- лакатига этибди. У кишилардан парилар шахрини сўрабди, аМмо ҳеч ким «биламан» демабди. Ахири:

— Парилар шахри Кўҳи Қоф орқасида,— дебди бир киши.

Бола Кўхи Қофга жўнабди. Юриб-юриб ахирни парилар шахрига етиб борибди. Қараса бу ерда одамзоднинг қораси кўринмасмиш. Бир ҳовлига кирса бир кампир ўтирган эмиш.

— Ассалому алайкум! — дебди кампирнинг олдига бориб.

— Агар саломинг бўлмаса икки ямлаб бир ютардим, болам, — де- бди кампир. — Бу ерларга нега келдинг, бу ерга пашша келса қаноти куярди, сен одамзод нега келдинг, нобуд бўласан, ўғлим.

— Мени подшо юборди, — дебди бола. — Мен бир камбағалнинг невараси бўламан.

Кампир дебди:

— Мана шу уйимнинг орқаси парилар чорвоғи. Менинг учта ўғлим бор, учови ҳам дев, бир луқма қилиб сени еб қўйишади. Подшо сени нобуд бўлсин деб бу ёққа юборибдио мен сени нобуд бўлишингта йўл қўймайман. Энди сен менинг қимматли фарзандим бўлдинг, — дебди кампир.

Кампир овқат бериб боланинг қорнини тўйғазибди-ю, тахмоннинг орқасига яшириб кўрпани тахлаб қўйибди. Ўғилларининг келадиган пайти бўлиб қолибди. Бир пайт ўғиллари кириб келишибди. Келишла- ри биланоқ «ваҳ-ваҳ, одамзод хиди, ваҳ-ваҳ, одамзод хиди» дей- ишибди.

— Эй болаларим, бир одамзод келган, уни еган билан бирон жой- ларинг ортиб колмайди, подшонинг зулми билан шу ерга келибди, у билан оға-ини тутининглару ишига ёрдамлашинглар, — дебди кампир.

— Майли, чиқаринг, укамиз бўла қолсин.

Кампир болани тахмон орқасидан чиқариб ўғилларига кўрсатибди. Бола кампир ва унинг ўғилларига маъқул бўлибдио уни ўн кун олиб қолишибди. Кунлардан бир кун кампир дебди:

— Кеч кирса она-бала сени чиқариб парилар майдонини кўрса- тамиз.

— Энди мақсадим шуки, менга парилар отини олиб берасизлар, — дебди бола.

— Майли, кеч кирсин, олиб берамиз, — дейишибди улар.

Ярим кечада кампирнинг учала ўғли болани олиб кетишибди, па- рилар эса ҳар тарафга, токқа кетишган экан. Отни девлар олиб кели- шиб, устига болани миндиришибди. Сўнгра таъқидлашибди:

— Ўнг қулогини бурасанг осмонга олиб чиқади, чап қулогини бу- расанг подшонинг дарвозаси олдига олиб тушади. Хайр, сени худонинг ўзи сақласин.

Бола отнинг ўнг қулогини бураган экан, осмонга олиб чиқибди. Кейин чап қулогини бир бураган экан, подшонинг эшиги олдига ту- шибди. Подшо ҳовлидан чиқиб болани кучоклаб пешонасидан ўпиб, отнинг ўёғидан-буёғидан ўтиб, роса томоша қилибдио кейин сон-са- ноқсиз пулу уст-бош бериб болани онасининг олдига юборибди. Онаси болам соғ қайтиб келибди, деб роса курсанд бўлибди.

Ҳар қуни ярим оқшомгача бола подшо билан сухбатлашиб ўтирад, подшонинг унга меҳри борган сари ортар экан. Подшо яна ярим кеча- да хотинининг олдига кирибди.

— Нега ярим кечагача ташқарида ўтирасиз? — сўрабди хотини.

— Ҳалиги гўнг ташувчи бобонинг невараси келган эди, ўша билан чақчақлашиб ўтириб қолибман,— жавоб берибди подшо.

Хотинининг аччиғи келибио бир куни подшога дебди:

— Ўша бобонинг невараси ҳақиқатан ҳам ботир экан, парилар отини олиб келди. Мен ўша париларнинг бир ойнаи жаҳонномаси бор экан деб эшигтанман, агар ўшани ҳам олиб келса бутун дунёни томоша килиб ўтирасиз.

— Болага иш буюргани уяламан,— дебди подшо.

— Уялманг, буйруқ беринг, топиб келади,— дебди хотини. Подшо яна одам юбориб болани чақиртирибди:

— Эй ўғлим,— дебди,— париларнинг ойнаи жаҳонномаси бор экан, ўшани менга олиб келиб берсанг, ғоятда хурсанд бўлардим.

— Хўп,— деб, бола онасининг олдига келибди.

— Мендан подшо ойнаи жаҳонномани сўрайапти, мен олиб кела- ман,— дебди.

Улар дод-вой қилиб, йиглаб қолишибдию бола подшонинг ҳузурига келибди. Подшо болага қанчадан-қанча нарсалар билан бирга парилар отини ҳам берибди. Бола отни миниб бир қулоғини бураган экан, осмонга чиқибди, иккинчи қулоғини бир бураган экан ялмоғиз кам- пирнинг ҳовлисига тушибди. Кампирга салом бериб, ул-бул нарсала- рини топширибди ўша кеча кампирнинг ҳовлисида ухлабди. Эрталаб кампир сўрабди:

— Нега келдинг, болам?

— Подшо ойнаи жаҳонномани олиб келишни буюрди,— дебди бола.

— Ўҳ, болам, бу подшо сенинг бошингни ейди. Майли, мен уни сенга олиб бераман,— дебди кампир.

Иккинчи куни ярим кечада туришиб парилар ҳар томонга кетганда кампирнинг ўғиллари ойнаи жаҳонномани ўтирашибди. Уни боланинг олдига қўйишибди.

— Хайр, худонинг паноҳида бўлгин,— дейишибди.

Бола отнинг ўнг қулоғини бураб осмонга чиқибди, чап қулоғини бураб тўғри подшонинг чорвогига тушибди. Бу гал эшигининг олдига тушмабди. Чорвоғдаги дарахтга ойнани илиб қўйишибди подшога одам юборибди. Подшо эшитиб чорвокка чопибди. Подшо келиб бола билан кўришиб, ойнани кўргач вақти шундай хуш бўлибдики, асти қўявера- сиз, болага нисбатан меҳри юз чандон ошибди.

Энди подшо уйига борса қарийиб бу боласиз уйкуси келмайдиган- дек бўлиб қолибди. Ҳар кеча подшо ўша болани чақиртиаркану ярим кечагача чақчақлашиб ўтирасиз экан.

— Нега бунчалик бевакт келдингиз? Одам деган шу вақтгача ўтирадими? — сўрабди хотини.

— Бобонинг невараси келган эди, ўша билағг суҳбатлашиб қолиб кетибман,— жавоб берибди подшо.

— Ўша бола қайтиб келдими? — сўрабди подшонинг хотини.

— Ҳа, келди!

— Ойнаи жаҳонни олиб келдими?

— Ха, олиб келди.

— Агар ойнаи жаҳонномани олиб келган бўлса у бало экан. Энди у болага айтинг, париларнинг бир қозони бор, кирқ кулоқ, оғзи ҳам кирқ бўлак бўлиб, унда кирқ хил ош пишар экан, ўшани олиб келсин. Подшолик даврингизда ана ўша қозонда ош пишириб есангиз армо- нингиз қолмайди,— дебди хотини маккорона ишва билан.

— Энди у болага иш буюргани уяламан-да.

— Э, унга жин ҳам урмайди, юбораверинг. Уни тегирмонга тушса бутун чиқади, дейишади,— қўшиб қўйибди хотини.

Шоҳнинг хотинлари зеҳн солиб қарашса, бола қун сайн улғайиб, ранги рўйи, турки подшога ўхшаб бораётган эмиш, уни тезроқ йўқотиш пайига тушишибди.

Подшо эртаси болани олдига чорлаб мулоимлик билан дебди:

— Ўғлим, париларнинг кирқ кулоқли қозони бор экан, ўшани олиб келсангиз-чи, умримиз охирида кирқ хил таом ердик.

Бола:

— Хўп,— дебдию онасининг олдига бориб:

— Подшо кирқ қулоқ қозонни топиб келишни буюорди,— деб- ди.

— Бормайсан,— дебди онаси.

— Йўқ,— дебди бола,— подшо буюрган нарсаларнинг иккитасини олиб келдим, бунисини ҳам келтирмасам номардлик бўлади.

Онаси, бобосиу кампир гирёну нолон қолишибди. Бола подшонинг ҳовлисига келибди. Подшо яна қанчадан-қанча кийим-кечак, совга-са- ломлар берибди. Бола парилар отига минибию ўнг кулоғини бураб осмонга чиқибди, чип кулоғини бураб ялмоғиз кампирнинг эшиги олдига тушиб, кампирга салом берибию ёнига ўтирибди.

— Ха, болам, яна нимага келдинг?— сўрабди кампир.

Унинг мақсадини билган кампир болага жуда ачинибди. Чунки у болани ўзининг учта ўғлидан ҳам яхши кўраркан.

— Эй болам, бу подшо сенинг бошингга етади,— дебди кам- пир.

— Эй онажон, нима қиласай, амри подшо вожиб деганлар, уни рад этолмайман,— дебди бола.

Кеч киргач, девлар — кампирнинг ўғиллари келишибди.

— Ноинсоф подшо мана шу бечора болани париларнинг кирқ ку- лоқ қозонини олиб кел деб юборибди. Энди бир илож қилиб олиб бо- риб беринглар, шу боланинг умри узок бўлсин,— дебди кампир ўғил- ларига қараб.

Ярим тунда парилар ҳар томонга кетишганда кампирнинг уч ўғли бориб қозонни уйларига олиб келиб қўйишибди. Бола эрталаб ўрнидан турибди. Ялмоғиз кампир туриб чой қайнатибди, боланинг олдига қўйиб дебди:

— Эй болам, мен қозонни олиб бердим, аммо яна келишингдан мен хафа бўламан. Энди келсанг, нобуд бўласан. Подшо «бор» деса ҳам келма. У сенга душман экан, мақсади сени йўқотиш экан.

Нарвонни қўйиб кампир болани олиб томга чиқибди. Париларнинг богини кўрсатибди:

— Мана шу боф париларнинг ошёни,— дебди.— Шу боғнинг ўрта- сида ер тагида булбулигё деган жонивор бор, кўпгина одамлар ана шу жониворни тутамиз деб келишади. Лекин шу вақтгача бирон киши уни тутолмаган. Дунё бино бўлгандан буён қанчадан-қанча подшою под- шоваччалар, полвону савдогарлар келиб ана шу булбулигёни олиш- мокчи бўлишган, аммо

олишолмай ўтиб кетишган. Ҳар ким келиб бир марта булбулигүё деса булбул «тош» дейдио одам ярим тиззасигача тошга айланади, қолади. Икки марта «булбулигүё» деса, бутунлай тош бўлиб ўша ерга йиқилиб, тош бўлиб қолган. Келгусида подшо агар «булбулигүё» деса келмагин, ўғлим, нобуд бўласан.

Болани азон пайтида уйғотибдию отига миндириб, олдига қозонни қўйиб худонинг паноҳига топшириб жўнатиб юбориби.

Бола отнинг ўнг қулогини бир бураб осмонга чиқиби, чап қулогини бир бураб подшонинг боғига тушибди. Кейин бола кирқкулоқ қозонни боғда қолдириб подшога одам юбориби. Кейин подшо бокқа чопиб келибди-да, болани кучоклаб юз-кўзларидан ўпиби, сўнгра қозонни хўп томоша қилиби, у шунчалик хурсанд бўлибдики, болага юрагидан жой бермоқчи бўлибди, меҳри янада ошиби. Кейин оламжаҳон совға- инъомлар бериб, болани онасининг олдига жўнатиби. Онаси, кампиру бобоси шунчалар хурсанд бўлишибдики, шодликлари танларига сифмас эмиш. Подшо ярим кечагача бола билан суҳбатлашиб ўтиришни канда қилмаскан. Кунлардан бир куни ярим тунда хотининг олдига кирга- нида хотини:

— Нега бунча бевақт қайтдингиз? Ярим кечагача ташқарида нима қилиб юрасиз?— дебди.

— Ўша бобонинг невараси қелган эди, гаплашиб ўтиридик-да,— жавоб бериби подшо.

— Э, у бола кирқкулоқ қозонни олиб келдими?— сўрабди хотини.

— Ҳа, олиб келди,— дебди подшо.

— У бола балои азимнинг ўзи экан. Унга айтинг, энди сиз учун булбулигүёни топиб келсин. Булбулигүё шаҳаншоҳнинг боғида сайра- сину сиз подшолик гаштини суриб юринг,— дебди хотини маккорлик билан.

— Энди мен у болага бошқа иш буюрмайман, ундан уяламан,— дебди подшо.

— Нега уяласиз, сиз подшосиз, буюринг, топиб келсин,— дебди хотини.

Орадан бир ой ўтибилю хотини подшони ўз ҳол-жонига қўймабди. Ниҳоят бир куни подшо дебди:

Г

— Ўғлим, бу дунёда булбулигүё деган қуш бор экан, ўшани топиб келсангиз заб иш бўларди-да! Уни бокқа қўйиб юборардигу сайцашини эшитиб юарардик.

— Ҳўп бўлади, шоҳим, олиб келаман,— дебди бола.

Онасининг олдига бориб:

— Онажон,— дебди,— мени подшо булбулигүёни олиб келишга юборяпти. Энди менинг парилар юртидан қайтиб келишим гумон. Бир косага сув қуйиб қамчини тик қилиб қўйинглар. Қамчи йиқилса, ме- нинг тамом бўлганим, бораверасизлар.— Кейин отасидан фотиха олиб, йўлга чиқибида, қамчини сувли косанинг оғзига тик қилиб қўйиб йўлга тушибди. Подшо совға, ноёб кийим-кечаклар бериб, болани отга миндириб кузатиб қўйиби. Бола отнинг бир қулогини бураб осмонга чиқибилю иккинчи қулогини бураб кампирнинг эшиги остонасига ту- шибди. Кампирнинг олдига бориб салом бериби. Кампир уни кўриб- дио йиглаб юбориби:

— Эй болам, энди нобуд бўласан, келмагин демабмидим?!

— Эй онажон,— дебди у,— ҳар куни шу азобни тортгандан кўра ё у ёқли, ё бу ёқли бўлган яхши,— дебди бола.— Подшо ҳол-жонимни қўймади-да.

— Бўлмаса,— дебди кампир,— мана бу томга чиқкину ўша чор- боғнинг ўртасига тушгин. Хув анави дарахтнинг олдига боргин-да: «Булбулигўё», деб чақирилган. Шунда қуш пайдо бўлади. Чакқонлик қилиб ушлаб олсанг, марра сенини, бўлмаса тош бўйлиб қоласан.

Бола «майли» дебдию кампир айтган йўл билан бориб:

— Булбулигўё!— деб чақириби.

Овозни эшитиши билан булбулигўё «тош» деб қўйибди. Бола яна «булбулигўё» деб чақириби. Куш яна ер остидан чиқиб «тош» дебди. Боланинг қўллари тош бўйлиб қолгани учун кушни ушлай олмабди. На- тижада батамом тошга айланиб қолибди.

Буни сезган ялмоғиз кампир кечаю кундуз ухламай боғнинг атро- фида «булбулигўё, болани топиб бер!» деб дод солавериби.

Энди гапни боланинг хонадонидан эшитайлик. Гўнг ташувчи бобо- ни хонадонидагиларнинг икки кўзи қамчидаги экан. Бола тошга айлани-ши билан қамчи ҳам сув ичига йиқилибди. Қамчи йиқилиши билан бо-бою кампири, боланинг онаси — учови юз-кўзларини тимдалашиб ша-хардан чиқиб болани излаб кетишибди. Улар болани излаб-излаб ял-моғиз кампир шаҳрига этиб боришибди. Бир ой пиёда юриб, оёқлари мадорсизлашиб очу ташна, азоб билан этиб келишибди. Кампир улар-ни яхши пешвоз олиб, уйига киритиби, кейин парилар боғига олиб ўтиби.

Бориб қараашса, болалари тош бўйлиб қолган экан. Улар ўн беш кун ана шу боғнинг атрофида айланишиб, «булбулигўё, боламни топиб бер!» деб нола чекишибди. Уларнинг фарёдига осмонда учуб кетаётган паррандалар ҳам ҳамдардлик изҳор этиб юм-юм йиглашибди. Ер остидаги булбулигўё буларнинг фарёдига тоқат қилолмай дебди:

— Қайси тош иссиқ бўлса, ўшани ушланглар,— дебди.

Булбулигўёнинг ана шу гапи билан, худонинг инояти билан десан- гиз ўн минг йил бурун булбулигўё деб келиб тош бўйлиб қолган киши- лар елкаларигача одамга айланишибди. Улар яна дод-вой солишаве- ришибди. Буни эшитган булбулигўё яна ер остидан чиқиби:

— Қайси тош иссиқ бўлса ўшани ушланглар,— деб ерга кириб ке-тибди.

Энди кишилар тиззалиригача одам бўлишибди. Яна дод-вой кўтаришибди улар. Булбулигўё яна бошини ердан чиқариб, «қайси тош ис-сиқ бўлса, ўшани ушланглар, деялман», деган экан, ялмоғиз кампир булбулигўёни ғиппа ушлаб олибди. Тошлар бирин-кетин одамга айла- нибдию ҳамма болани дуо килишиб, ўз юргларига жўнаб кетишиб-ди.

Ялмоғиз кампир уларни уйига олиб келиб меҳмон қилибди. Ўша кечаси онаси болага бошидан ўтган саргузашларини айтиб бериб-ди.

— Ўша подшо сенинг даданг бўлади,— дебди.— Лекин кучукча туғдинг деб икковимизни кундошларим гўнг тепага олиб бориб таш-лашди. Мана шу бобонг иккаламизни топиб келиб парвариш қил-ди.

Эртасига улар ўз шахарларига қайтишмоқчи бўлишган экан, кам- пир булбулигўёни қафасга солиб берибдио, «худо ўз паноҳида асра-син», деб хайрлашибди.

Бола булбулни подшонинг чорвогига олиб кириб ойнаи жаҳоннома ёнига илиб кўйиб, ойнанинг орқасига бошидан охиригача бутун саргу- заштини ёзиб чикибди. Онаси ким, ўзи ким эканлигини, қандай азоб-лар чекканини ёзибди.

— Боринглар, подшога айтинглар, келиб булбулигўёни кўрсин,— дебди бола.

Подшо чиққандада бола бир курсида ўтирган экан, ўрнидан туриб подшо билан кўришибдию яна жойига ўтирибди.

Подшо қафаснинг атрофини айланиб юриб булбулигўёни томоша қилибди. Шундай ойнаи жаҳонноманинг орқасига караса хат ёзилган экан. Хатни ўқиб кўрса боланинг саргузашти ёзилганмиш. «Ҳай, ат-танг, мен ўзимнинг боламга шунчалик зулм қилдимми?» дебди. Подшо йиглаб болани маҳкам кучоклаб олиб, пешонасидан ўпиб, одамларни чақириб дебди:

— Мана бу йигитни кўлларингда кўтариб бориб тахтимга ўтқазин-лар, мен ҳозир уйга кириб чиқаман.

Халойиқ шаҳзодани кўтар-кўтар қилишиб подшонинг таҳтига олиб бориб ўтқазишибди. Подшо ҳовлисига кирган экан, иккала хотини қаҳ-қаҳ уриб кулиб чикишибдио:

— Э, у бола бало экан-ку, чорвонгизга булбулигўёни олиб келибида-да,— дейишибди.

— Ҳа, олиб келди,— дебди подшо,— булбулигўёни олиб келдио сизларга қанча оту, неча қамчи, қанча ошпичоқ керак.

— Бизга,— дебди хотинларидан бири,— қирқ оту, қирқ қамчи, қирқта ошпичоқ даркор, роса кайф қилиб сайр этиб келайлик.

Подшо ҳам дарров чиқиб одамларига буюрибди:

— Бориб қирқ от, қирқта қамчи, қирқта олмосдан ясалган ошпи-чоқ олиб келинглар.

Қирқта оту қирқта қамчи, қирқта ошпичоқни тайёрлашибди.

— Менинг икки хотинимни олиб чиқиб мана шу қирқ отнинг ду-мига боғланглар. Ошпичоқни ҳам, қамчини ҳам боғланглар.

Хотинларни отларнинг думига боғлашибди, ошпичоқниям, қамчи-ниям боғлашибдио қирқ отни чўлга хайдаб юборишибди. Икки хотин-нинг гўшти бурда-бурда бўлиб, дашту саҳрова буталар орасида қолиб кетибди.

Подшо гўнг ташувчи бобоникига одам юбориб она-болани, чолу кампирни ҳовлисига олдириб келибди.

— Менинг болам деб шунчалар азоб чекдиларинг,— деб, бобони отахон, кампирни эса онахон қилиб олибди. Халқа кирк қуну қирк кече түй беріб хотинини қайтадан никох қилиб олибди. Шундай қи- либ, ота-бола, эру хотин, чолу кампирлар муроду мақсадларига ети- шибди.

ДАВЛАТ, БАХТ, АҚЛ

Қадимги замонда Самарқандда бир мардикор яшаган экан. Унинг бир кунлик иш ҳақи етти пул экан. Иш роса сұяғига етиб борибио: «Ҳар куни шұнақа иш қилиб юраманми, битта давлатни топайину гап- лашиб у билан дүст бўлай, ажабмас бой бўлиб кетсам», дебди у. Кейин ўзича аҳд қилиб Давлатни излаб чиқиб кетибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, бир-икки кун юрганида олдидан бир аждаҳо чиқиб колибди. Оч аждар уни домига торта бошлабди. Кейин аждаҳонинг хаёлига бир фикр келибдио, «қани шошмай тур, ундан бир гап сўрай, кейин ейман», дебди.

— Ҳой одамзод, бўёкларда нима қилиб юрибсан, қаерга кетяп- сан?— сўрабди аждар.

— Йўқчилик ҳам жуда жонимга тегдию Давлатни излаб кетяпман, шояд уни топсаму бир оз дамимни олсан, Давлатманд бўлсан, деган умидда юрибман,— дебди халиги камбағал.

— Кел, иккаламиз дўст бўлайлик, менинг бир маслаҳатим бор, агар Давлатни кўрсанг менинг ҳам маслаҳатимни сўра,— дебди аждар.

— Майли, агар Давлатни кўрсан сенинг номингдан нимани сўрай?— дебди камбағал.

— Агар Давлатни кўрсанг, дўстим, ундан сўра-чи, нега мен ҳеч тўймайман, умримда тўйиб овқат еганимни эслай олмайман. Ундан сўраб билгин-чи, мен нима есан тўяр эканман,— дебди аждаҳо.

— Хўп, майли,— дебди камбағал.

Кейин аждаҳо унга жавоб бериб юборибди. Камбағал йўлга ту- шибди. Йўл юрса ҳам мўл юрибди, тогу боғу чорвоқлардан ўтиб бир ҳафта йўл босибди. Бир жойга борса, олдидан битта хонақо чиқибди. Кейин «мусофириларнинг жойи шу ер», деб намозшом гира-ширада шу би- нога кириб ўтирибди. Қош қорайб, хуфтон бўлибди.

Фарибона бу оқшомда Сўрарларму фарид ҳолин. Таним тол баргидек титрар, Дилемидир қўра тимсоли,—

деб байт хиргойи қилибди. Шу пайт йўлдан бир киши ўтиб кетаётган экан. Унинг уйи шу яқин орада экан. Бу гапга жуда кайфи учибио уйига бориб эшикни тақиљатибди. Хотини чиқибди, юкини ерга кўйиб, хотинига дебди:

— Анави мачитда битта мусофири ўтирибди. Овозини эшишиб раҳ- мим келиб кетди, уни уйга олиб келайми?

— Мусофири бўлса олиб келинг,— дебди хотини.

Бояги киши келиб мусофири уйига бошлаб кетибди. Мезбоннинг бисотида биттаю битта бўйи етган қизи бор экан. У шундай гўзал эканки, чироқдай порлаб тураркан. Ўша оқшом мусофири зиёфат қи- лишибди, шўрва, кабоб, палов пиширишибди, дастурхонга узум, олма, шафтоли, анор тортишибди.

Анвои нозу нesъматлар билан зиёфат қи- лишибди. Таомдан сүнг мезбон сүрабди:

— Йўл бўлсин, дўстим?

— Мен Давлатни излаб кетяпман,— жавоб берибди камба-ғал.

— Агар Давлатни кўрсангиз ундан бир нарсани сўранг. Бизнинг икки туп токимиз бор, биттаси ҳар йили ҳосил беради, иккинчиси ҳеч мева қилмайди. Бунинг сабаби нимада экан, билиб беринг,— ялинибди мезбон.

Ўша оқшом мусофирироҳат килиб ухлабди. Эрталаб ширчой қилиб ёғ солишибди. Ёгининг устига қошиқ қўйилса ҳам чўқмасмиш. Худди қаймоқ босгандай экан. Унга мурчу қалампир ҳам солишибди. Шир-чойни ичишибдию мусофири чикиб кетибди. Кетаверибди, кетаверибди, кўп йўл юрибди, бир ҳафта, ўн кун йўл юрибди. Кетаётса олдидан кат-та бир соя чиқиб қолибди. Ана шу соянинг ўртасида бир киши зар со-линган курсида ўтирганмиш. Унинг олдидаги кирқ киши эса тури-туман отларга миниб улок чопишаётганмиш. Мусофири ана шу зарҳал курсида ўтирган кишининг олдигача борибди. У дарров хузурига чорлаб, нону чой қўйибди. Мусофирига чилим тутиб, ҳолу аҳволини сўрабди:

— Сизга йўл бўлсин?

— Жўра,— дебди мусофири,— мен Давлатни излаб кетяпман.

— Сиз Давлатнинг олдига кетаётган бўлсангиз ундан сўранг-чи, худо мени дунёда жуфт яратганмикин ёки тоқ. Шунинг жавобини би-либ келинг,— дебди ҳалиги киши.

— Хўп бўлади.

Яна бир кун, икки кун, бир ҳафта йўл юрибдию бир жойга борса, олдидан икки табақали катта кўк дарвоза чиқибди.

«Шу ҳовлига кирай-чи, зора бирон сахий одам бўлса, қорнимни тўйдириб олардим», деб ичкарига кирибди. Ичкарида гўзал бир чорвоқ эмиш. Соя-салкин, қозонларда шўрваю паловлар тайёр, мевалар ғарқ пишган, ҳовуз бўйидаги супада пат гиламлар, кўрпачалар тўшалган, супа атрофида райхону атиргуллар чаман-чаман очилиб ётган экан. Ҳалиги камбағал паловдан сузиб, парқув ёстиқларга суюнибди.

Шу вақт дарвазадан уч киши кириб келибди. У индамай ўтираве-риби. Ошхонанинг ёнгинасида шийпонча бор экан. Шийпонча уч қа-ват: тахт, ярим тахт ва пойгаҳдан иборат экан. Ҳалиги кишиларнинг каттаси келиб тепага — тахтга ўтирибди, ўртанчаси ярим тахтга, кен-жаси эса пойгаҳга ўтирибди. Пойгаҳдагиси бошини ҳам қилиб ўти-риби, қолган иккитаси эса чордана қуриб ўтиришибди. Мусофирининг қорни тўймагани учун яна ошхонага кирибди. Ҳалиги тахтда ўтирган пойгаҳда ўтирганга:

— Давлат!— деб мурожаат қилибди.

— Лаббай!— жавоб берибди у.

— Ташқарига қара, бир меҳмон юрибди, ундан ҳолу ахвол сўра, бу ерда нима қилиб юрибди экан,— дебди.

Давлат:

— Хўп,— деб ўрнидан турибдию, мусофирининг олдига <жқиб:

— Менинг номим Давлат, бу ерда нима ишинг бор, бирон гапинг бўлса кулогим сенда.

Мусофири унга тикилиб турибди-да: «Мен излаб юрган Давлат шу экан-да», дебди ичида. Кейин Давлат уни ичкарига олиб кирибди.

— Мен Давлатни излаб юрибман, камбағаллик жонимга тегди. Бир кунлик ишим етти пул,— дебди у.



— Мен Давлатман. Биз уч ака-укамиз. Ўртанча акам ярим тахтда ўтирибди,— дебди йигит.

— Номлари нима?— сўрабди камбағал.

— Оти Баҳт, тепадаги акамнинг номлари Ақл. Нимани истасанг мен сенга хат қилиб муҳрлаб бераман, ҳамма давлат менинг кўлим- да,— дебди Давлат.

— Яхши,— дебди камбағал. Унга хат битиб муҳрлаб беришибди. Қаердаки хазина, дафина, бойлик бўлса унга хатланибди.

— Сени йўқласам, қаердан топаман?— сўрабди мусоғир.

Давлат унга дебди:

— Мен берган исирикни тутатсанг, ҳузурингда дарҳол ҳозир бўла- ман. Акамларда ишинг йўқми?— деб сўрабди Давлат.

— Уларда нима ишим бўларди, Баҳт билан Ақлга ишим тушмай- ди,— дебди.

У хайру хўш қилиб дарвозадан чиқиб кетибди. Анча вақт йўл юр- гандан кейин шаҳзода тайинлаган гап эсига тушибди. «Оббо, дўстим- нинг бу гапини айтмабман-ку», деб орқасига қайтибди.

Давлат уни кўриб:

— Ҳа, нега орқангга қайтдинг?— дебди.

— Йўлда бир одамни кўргандим, зар тахт устида ўтирганди. Атро- фида эса одамлар кирк от билан улок чопишарди. Менга Давлатни кўрсанг сўрагин, мен дунёда жуфт яралғанмиканман ёки ток, де- ганди.

Давлат жавоб бериди:

— У ўша мамлакатнинг подшоси, унинг отасига худо ўғил берма- ган эди. «Ному нишони йўқолмасин», деб жойига қизини ўғилга ўхша- тиб тайинлаб қўйишиганди. Унинг қиз бола эканлигини ҳеч ким бил- майди. Унга ким уйланса, ўша мамлакатга подшо бўлади. Қайси одам учраса ўшанга тегсину шаҳрига олиб кетаверсин, ўрнига подшо қил- син. Баҳт ўшандা!

Камбағал дарвозадан кўчага чиқиб бир оз йўл юрган экан, кечаси ётиб зиёфатини еган, токи ҳосил бермайдиган кишининг гапи эсига тушибдию яна қайтиб келибди.

— Яна нега қайтиб келдинг?— сўрабди Давлат.

— Бир гап эсимга тушиб кетди.

— Нима гап экан?— деб сўрабди Давлат.

Мусоғир ўртоғининг гапларини такрорлабди.

— Шундай дедими? Ўша узум килмайдиган токнинг тагида етти хум тилла бор, ана шуларни кавлаб олса, кейин ток ҳосил қиласди. Шундай дегин! Ишонмасанг, акамлардан сўра,— дебди Дав- лат.

— Менинг Баҳт ва Ақл билан нима ишим бор, сен билан дўстла- шиб олдим, бўлди-да,— дебди мусоғир.

У дарвозадан хатлаб кўчага чиққан экан, аждаҳонинг гапи эсига тушибди. Чопганича ичкарига кирибди:

— Аждаҳо бир нарсани сўраган эди. Шуни айтиш хотирамдан кўтарилибди. Мен йўлда бир аждаҳони учратдим. У овқат еган билан тўймас экан. Давлатни кўрсанг сўрагин-чи, қандай таом есам тўяр эканман, деган эди,— дебди мусоғир.

— Аждаҳога айтгин,— дебди Давлат,— олдидан нима чиқса «ҳо- зирнинг ҳузури, гойибнинг маъзури» деб еяверсин,— жавоб бериди Давлат.

— Мабодо кейинчалик мана буларга ишинг тушмайдими?— ака- ларини кўрсатибди Давлат.

— Буларга қанақа ишим тушиши мумкин?— дебди-да, мусоғир чиқиб



кетибди.

Мусоғир тўғри шаҳзоданинг олдига келибди ва унга Давлатнинг гапини айтиб берибди. Шаҳзода менинг баҳтим сен экансан, кел, ме- нинг ўрнимга шоҳ бўл, деб унинг қўлидан ушлабди.

— Йўқ, менинг чин дўстим Давлат бўлади, мен ундан ўзга кишини севмайман,— деб ношуқрлик қилибди.

«Подшовачча» кўчадан битта ўтинчини топиб, уни уйига олиб бо- риб, ўрнига подшо қилибди, ўзи эса ўтинчига турмушга чиқибди. Ўтинчининг вақти хуш бўлиб муроду мақсадига стибди.

Мусоғир киши токи ҳосил бермайдиган кишининг уйига ке- либ:

— Узум қилмайдиган токингиз остида етти хум тилла бор экан, ана шуни ковлаб олсангиз узум қилас экан,— дебди.

Уй эгаси бу гапни хотинига етказган экан, хотини гапни эшиттан замони:



— Бу киши мусофир экан, чиқиб бор гапни ҳаммага айтади. Кел, қизимизни ўшанга берайлигү күёв қилайлик, етти хум тиллани эсон- омон ўзлаштирамиз,— дебди.

Үй әгалари мусофир уйқудан тургунча етти хум тиллани излай бошлишибди. Эрталаб туриб чой ичишгандан сўнг ҳалиги маслаҳатни мусофирга айтишибди.

— Менга сизларнинг кизларингиз ҳам, етти хум тилла ҳам керак эмас. Мен аждаҳо жўрамга саволининг жавобини етказишим керак,— деб ақлсизлик қилишибди-да, тўғри аждаҳонинг олдига боришибди:

— Жўра, менинг айтганларимни сўрадингми?— дебди ажда-xo.

— Ҳа, сўрадим. Сенга нима учраса, бисмиллоҳу раҳмону раҳим, ҳозири ҳузур, ғойиби маъзур деб еяверсанг тўқ бўларкансан,— дебди.

— Қани кел-чи, «ҳозири ҳузур, ғойиби маъзур» деб сени ейин- чи,— деб аждаҳо мусофир кишини ютиб юборишибди.

Мусофир ақлсизлигидан на подшонинг қизини олишиб ва на етти хум тиллага эга бўлишибди. Чунки у Бахт билан Ақлдан маслаҳат сўра- маган экан. Давлат қўлнинг кири-да, бекорга аждаҳо еб юбораве- ради.

Ўша мусофириңнинг акли бўлганда эди, ҳам баҳтли, ҳам давлатли бўларди.

МУШУК БИЛАН КУЧУК

Кунлардан бир куни мушук билан кучук битта суюкни талашиб жанжаллашиб қолишибди. Мушук кучукка дебди:

— Арзимаган нарсага жанжал қилмагин, ҳадемай бой буванинг оти касал бўлиб ўлади, кейин гўшт ҳам, устихон ҳам сероб бўла- ди.

Бойбува ҳайвонларнинг тилини билар экан. Бу гапни эшитибди ўша заҳотиёқ отини бозорга олиб бориб сотиб юборишибди.

Кучук билан мушук яна жанжаллашиб қолишибди. Шунда мушук дебди:

— Бойбува отини сотган бўлса ҳам, ғам ема, сигиру бузоқлари ка- сал бўлиб ўлади, гўшту устихон кўп бўлади.

Бойбува мушукнинг бу гапини эшитиб, ўша куннинг ўзидаёқ сигиру бузоқларини олиб бориб сотибди.

Эрталаб мушук билан кучук қарасаки, Бойбува аллақачон сигиру бузогини сотиб юборганмиш. Шунда мушук кучукка дебди:

— Майли, сен ғам ема, сигиру бузоқни сотган бўлса, ўзи ўлади. Жаноза кунлари қўй сўйишади, гўшту устихон мўл бўлади. Қорнингга сикқанича еяверасан.

Бу гапни эшитган Бойбува нима қиласини билмай қолишибди. Вахи-

маю кўркувга тушибди. Ахир ваҳимаю ҳасратдан касал бўлиб ўлиб қо- либди. Бойбува ўлган куни қанчадан-қанча қўй сўйишибию кучук тўйгунича устихон чайнабди.

ҚОВОҚЧА

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир подшо ғуларни битта ўғли бўлган экан. Подшонинг ўғли бир куни овга чиқибди. Йўлда кетаётса олдидан битта шағол чиқиб қолибди. Шаголнинг қорни оч экан:

— Мен сени ейман,— дебди.

Бола шағолга қараб:

— Мени емагин, мен ов қилиб келсам иккаламиз биргалашиб еймиз,— дебди.

— Майли, ов қилиб кел, мен кутиб тураман, иккаламиз бирга ба- ҳам кўрамиз,— рози бўлибди шағол.

Йигит сал нарироқ борса олдидан битта бўри чиқибди.

— Тўхта, мен сени ейман,— дебди бўри.

— Шошмай тур, мен ов қилиб келай, иккаламиз биргалашиб еймиз,— дебди йигит.

Бўри рози бўлиб болани ўша ерда кутиб тураверибди. Боланинг олдидан ваҳший ҳайвонлар чиқаверибди, бола уларни алдаб кетаве- рибди. Юриб-юриб шаҳзода бокқа кирибди. Бола битта қовоқни олиб ичини ўйиб тозалабдио кириб ўтириб олибди. Думалаб-думалаб кета- ётса, ҳалиги ҳайвонлар уни йўлда кутиб ўтиришганмиш. Йўлбарс ку- таверибди-кутаверибди, лекин подшонинг ўғлидан асло дарак йўқ эмиш. Шунда у: «Қани, қовоқчадан сўрай-чи, йўлда подшонинг ўғлини кўрдимикин», дебди ўзига-ўзи.

— Қовоқ, ҳой қовоқ, йўлда бир йигитни кўрмадингми?

— Дарди қовоқ, балои қовоқ, болани қачон кўрибди қовоқ,— де- бди-да, яна юмалаб-юмалаб кетаверибди.

Бир жойга борса уни шер кутиб ўтирганмиш.

— Қовоқ, қовоқ, болани кўрмадингми?— деб сўрабди шер.

— Дарди қовоқ, балои қовоқ, болани қачон кўрибди қовоқ?— деб жавоб қайтарибди қовоқ.

Қовоқ шеру йўлбарслар олдидан ўтиб кетаётса, уни шағол ҳам ку- тиб ўтирганмиш. Шағол уни кўриб сўрабди:

— Қовоқ, қовоқ, болани кўрмадингми, қовоқ?

— Дарди қовоқ, балои қовоқ, болани қачон кўрибди қовоқ,— де- бди-да, қовоқ — бола «душманларимдан халос бўлдим», деб думалаб- думалаб дарвозасининг олдига келибди.

Бу боланинг битта ўгай синглиси бўлган экан. Ўша куни синглиси- нинг тўйи экан. Қовоқни кўрган онаси:

— Ана, ана, тўйга ўз оёғи билан қовоқ ҳам келиб қолди. Қовоқчани сўямиз,— дебди-да, чопганича уйга кириб кетибди. Бир оздан кейин пичоқ олиб чиқса, қовоқ икки бўлиниб шаҳзода чиқиб турганмиш.

БАЛИҚ ХАНДАСИ

Бор экан-да, йўқ экан, бир подшо бўлган экан. Унинг замонида бир овчи йигитча яшаган экан. У энди ўн тўрт-ўн беш ёшга кирган экан. У ниҳоятда камбағал бўлиб, бир камбағал кампир онаси бўлган экан. У ҳар куни дарё соҳилига бориб тўр ва қармоқ билан балиқ ушлаб ти- рикчилик ўтқазар экан. Кунлар кетидан кунлар ўтибди. Йигит ҳамон тутган балиқларини онаси билан пишириб еб яшаб юрар экан. Кун- лардан бир кун йигит дарёга тўр ташлаган экан, бир жуфт балиқ или- нибди. Улар олтин балиқлар экан. Йигитча балиқларни онасини олдига келтирибди.

— Бу балиқлар тилла экан, уларни подшонинг олдига элтгин,— дебди кампир.

Йигитча олтин балиқларни бир шишага солиб подшо хузурига олиб борибди. Подшонинг буйруғига қўра балиқларни бир тоғорага солиб қўйишибди. Вазирлар балиқчига анча олтин беришибди. Йигитча олтинларни онасига келтириб берибди. Кампир бу пулларга ўғлига уст- бош олиб берибди.

Орадан икки-уч кун ўтган экан, вазир подшога қараб шундай дебди:

— Бу балиқларга чиннидан қилинган ҳовуз керак.

— Бундай ҳовузни қаердан топамиз?

— Чинни ҳовузни ўша балиқчи йигитнинг ўзи топади,— дебди вазир.

Подшонинг буйруғи билан балиқчи йигитни келтирибдилар.

— Бизга чинни ҳовуз топиб келасан!— қатъий буюрибди под- шо.

Йигитчанинг онаси парилар авлодидан экан. У онаси олдига ке- либди ва: «Подшо менга чинни ҳовуз топиб келишни буюрди», дебди.

— Майли, буни иложини қиласми,— дебди кампир.— Бу ердан анча узоқда бир кўргон бор. Мен сенга бир хат ёзиб бераман, уни олиб ўша кўргонга элтиб салом берсанг хожатинг раво бўлади. Мана бу ко- тирмани белингга тугиб ол.

Йигитча йўлга тушиб ўша кўргонга етиб борибди. Кўргон олдида бир қари момо ўтирган экан, бир лаби осмонда, иккинчиси ерда эмиш. Йигит салом бериб, қотирмани кампирнинг олдига қўйибди. Йигитнинг саломига алик олган кампир:

— Гар саломинг бўлмаса, икки ямлаб бир ютардим,— дебди.

Йигитча қўйнидан хатни олиб кампирга узатибди. Қоғозга назар ташлаган кампир сўрабди:

— Болам, сен қаердан келдинг? Бу ерга пашша келса қаноти, одам келса оёғи куярди. Сен бу ерга қандай келдинг? Э, сен синглимнинг ўғлисан-ку. Онанг соғ-саломатми? Чинни ҳовуз учун келдингми?

— Худди шундай, бувижон,— жавоб берибди йигитча.

Шундан сўнг кампир Эрам богига бориб чинни ҳовузни келтириб берибди.



Балиқчи йигит чинни ҳовузни подшога келтириб берибди. Подшо тилла балиқларни ҳовузга куинб юбориб, йигитга инъом-эхсонлар бе-рибди.

Балиқчалар чинни ҳовуз ичидә сайд өтиб юрар экан. Улар чинни ҳовуз аксида түрт томондан иигирмага, ўттизта бўлиб кўринар экан.

Кунлардан бир кун нонушта пайтида чой ичидә ўтирган вазир под- шога қараб шундай дебди:

— Тилла балиқларнинг чинни ҳовузи бор. Агар шу ҳовузнинг чор атрофидага түртта ҳамешабаҳор гули бўлса зўр иш бўларди-да.

— Бундай гулни ким топа олади?— сўрабди подшо.

— Буни ҳам балиқчи йигитга айтамиз, топиб келади,— дебди вазир.

Подшо балиқчи йигитни чакириби. Йигит келиб подшога са- лом берибди ва:

— Шоҳим, қандай хизмат бор?— деб сўрабди.

— Олтин балиқларнинг чинни ҳовузи бор. Лекин ҳовузнинг атро- фи куп-куруқ. Қани энди шу ерда түрт туп ҳамешабаҳор гули бўлса. Сенга бир топширик. Биз учун ҳамешабаҳор гулини топиб кела-сан.

— Майли, топиб келаман,— дебди-да, йигитча шоҳ саройидан чи- киб онаси ҳузурига келиб воқеани айтиби. Онаси нос чекиби. Ўша кампир бир ҳалта носни тўрт отим қиласи экан.

— Яна ўша момонгни олдига борасан,— дебди кампир.

Йигитча онаси берган нарсаларни олиб кампир ҳузурига бо-рибди.

— Ассалому алайкум, бувижон,— деб қўргонга кириб бориби ба- лиқчи йигит.

— Воалайкум ассалом, кел, бўтам' Онанг бажоми, сиҳат-саломат- ми, яна нега келдин?— сўрабди момо.

— Ҳамешабаҳор гули учун келдим,— дебди йигит.

Кампир Эрам чорбогига кириб бир туп косагул, бир туп ҳамешаба- хор, бир туп тол гули, бир туп мавлонбой гули — ҳаммаси бўлиб йигирма тупдан ортиқ ҳар хил гул кўчатлар олиб чиқариб бериб-ди.

Балиқчи йигит кўчатларни келтириб подшога берибди. Подшо фармони билан гулларни ҳовуз атрофига ўтқазишибди. Гулларнинг акси сувга, олтин балиқларнинг акси чинни ҳовузга тушиб жозибали бир манзара пайдо бўлар экан.

Подшонинг учта хотини бўлган экан. Улар ҳар куни ҳовуз лабига чиқиб балиқларни томоша килишар экан. Подшонинг кичик хотини балиқлардан юзини бекитиби. Балиқлар қах-қах уриб кулишибди. Балиқларни кулгани подшо даргохига ёйилиби. Шундан сўнг балиқчи йигитни келтирибдилар. Подшо йигитга караб:

— Нега балиқлар қулади? Шуни билиб келасан!— дебди.

Йигит онасининг олдига келиб:

— Подшо балиқларнинг кулиши сабабини билиб келасан деб.бу- юрди, энди нима қиласман,— дебди.

— Нима килардинг, бирон ёққа қараб кочгин кетгин,— дебди онаси.

Йигит бу юртдан бош олиб узок-узокларда кетиб бораётган экан, олдиdan бир мўйсафид чикибди. Йигит, «чолнинг ўзи гап бошламаса, мен гапирмайман», деб кўнглидан ўтказибди. Мўйсафид бўлса, «йигит салом бериб, гап бошламагунча мен гапирмайман», деган фикрни ди- лицадан ўтказибди. Шундай килиб, бобо бошини хам қилганча йўлида кетаверибди. Охир-оқибат йигит сиқилиб кетибди-да:

— Ассалому алайкум, бобожон, қаёққа кетяпсиз?— сўрабди йигит. •

— Сен қаёққа бораётган бўлсанг, мен ҳам ўша ёққа кетяпман,— жавоб берибди мўйсафид.

— Отахон, биттадан от сотиб олмаймизми?— қўккисдан сўрабди йигит.

— Бу ерда от бозори йўқ. Сен жиннимисан? Сени дуппа-дуруст йигит десам девона экансан.— Шундан сўнг улар яна йўлларида давом этибдилар. Олдиларидан Оби Раҳмат анҳори чикибди. Шунда йигит ҳазиллашиб:

— Отахон, сиз кўприк бўлинг, мен ўтиб олай,— дебди.

— Эй лаънати, сувдан ўтмоқчи бўлсанг, ўтавер, мен билан нима ишинг бор,— дебди чол ғазабланиб.

Йигит уялиб-бўзариб қолибди. Чол бўлса, иштонпочаларини тиз- засигача шимариб, сувнинг саёзроқ жойидан ўтиб кетибди. Йигит ҳам унинг орқасидан ўтибди. Улар кетаверибдилар-кетаверибдилар, ахир мўйсафиднинг уйигача этиб келибдилар. У ерда бир чойхона бўлиб, йигит чойхўрлар катига ўтириб дам олибди, чол эса уйига кириб ке- тибди.

Отанинг бир қизи бор экан. Оти Оқилаой экан. Оқилаой ниҳоятда зийрак қиз экан. Қараса отасининг авзойи бузук, таъби нохуш. У дар- ров кўрпача солиб, мўйсафидни ўтказибди ва ҳол-аҳвол сўрай бош- лабди.

— Нимасини айтай, болам, мен йўлда бир тентак билан ҳамроҳ бўлиб колдим. Учта гап гапириб, дилимни хуфтон килди. Йўлда келаё- тувдик, томдан тараша тушгандек, «биттадан от сотиб олмаймизми», дейди,— тутоқиб гапирибди чол.

— Ўша атрофда бирон нарса бормиди?— сўрабди қиз.

— Ҳа, ўнг томонда бир тўқайзор бор эди,— жавоб берибди чол.

— Эй ота, биттадан ҳасса олиб олайлик, дебди-да. Яна нима де- ди?— сўрабди қиз.

— Йўлда кетаётсак, олдимиздан бир анҳор чиқувди, «сиз кўприк бўлинг, мен ўтиб олай», деди, шунга хафа бўлдим,— яна уқдирибди мўйсафид.

— Бу аввал сиз ўтинг, сўнг мен ўтай дегани, ўша йигит қаерда?— сўрабди қиз.

— Чойхонада ўтирибди,— жавоб берибди отаси.

Оқилақизнинг битта синглиси бўлган экан. У синглисига бир танга берибди-да, тайинлабди:

— Бу тангани чойхоначига олиб бориб бергину шундай бир нарса берингки, уни ҳам ўзимиз, ҳам товугимиз, ҳам қўйимиз есин дегин. Агар ўша йигит доно бўлса, бу нарсани топади.

Кизча тангани чойхоначига олиб бориб дебди:

— Бунга бир нарса берингки, уни ўзимиз ҳам ейлик, товугимиз ҳам, қўйимиз ҳам есин.

Чойхоначи ҳайрон бўлиб турган экан, кат четида ўтирган балиқчи йигит шундай дебди:

— Битта қовун бериб юборинг, ҳаммаси ейишади.

Чойхоначи катта бир қовун бериб юборибди. Қизча қовунни ҳов- лига олиб кирибди. Шунда Оқила қиз ундан сўрабди:

— Қовун бериб юборишни ким айтди?

— Чойхонада ўтирган йигит, «битта қовун бериб юборақолинг», деб айтди,— жавоб берибди қизча.

— Ўша йигитни бўёққа чақириб кел,— дебди Оқила қиз.

Синглиси йигитни чакириб келибди. Уни меҳмонхонага олиб кири- шибди. Шундан сўнг Оқила қиз синглисига битта нон, бир коса суюқ ош берибди-да, буни йигитнинг олдига элтиб, «ой бутун, юлдузлар би- жир-бижир», деб бергин, дебди.

Синглиси йўлда нонни яримтасини ва овқат ичидаги гўштларни те- риб ебди-да, қолганини йигитнинг олдига киритиб, «ой бутун, юлдуз- лар бижир-бижир», деб қолдирибди. Шунда йигит кўрдики, ошнинг ичидаги ҳосили йўқ, нон яримта.

— Бориб, «ой яримта, юлдузлар онда-сонда экан», деб айтгин,— дебди.

Ҳовлига кирган қизча, «ой яримта, юлдузлар онда-сонда экан», дебди.

Шунда Оқила қиз тувақиб:

— Сен жувонмарг, ноннинг ярмини, суюқ ошнинг гўштини еб қўйибсан, мана бу бутун нонни чиқариб бор,— дебди.

Шундан сўнг Оқила йигитни хузурига чорлатиб сўрабди:

— Яхши йигит, қаёкларга кетяпсиз?

— Балиқ кулгусининг сирини биладиган одам кидириб юрибман,— жавоб берибди йигит.

— Балиқ кулгусининг моҳиятини мен биламан,— дебди Оқила қиз.

Йигит қизни онаси олдига элтибди. У Оқилани уйида қолдирибди- да, подшо даргоҳига бориб дебди:

— Мен балиқ кулгуси сирини биладиган бир қизни топиб келдим.

— Эртага уни менинг саройимга келтир,— дебди шоҳ.

Йигит уйга қайтганда Оқила унга шундай маслаҳат берибди:

— Мен подшонинг олдига боргандга, гап сўраса индамай ўтираман. У дўй-пўписа қилиб мени гапиришга мажбур қилмоқчи бўлади. Шунда сен, «мен буни ўн-ўн икки кун овора бўлиб, зўрга топиб келдим, унга яхши муомала қилинг, ширин сўзланг, болам-бўтам, қимматли фар- зандим десангиз, у гапиради, бўлмаса, яна уйига элтиб қўйман», дейсан.

Эртаси куни йигит кизни подшо хузурига олиб борибди. Подшо хурсанд бўлибди. Киз юзига парда тортиглик ҳолда подшо хузурида ўтирибди. Унинг хотини ҳам ҳозир балиқ ҳандасининг сирини айтади деб келибди. Подшонинг кичик хотини эса ҳамон юзини беркитиб ту- ракан. Подшо савол берса ҳам, киз жавоб қайтармай ўтираверибди. У дўк-пўписа қилибди:

— Лаънати, гапиранми-йўқми?—газабланибди шох.

Шунда йигит ўрнидан туриб дебди:

— Олампаноҳ, мен буни ўн-ўн икки кун қидириб зўрга топдим. Болам-бўтам денг, қиёматли синглим, қизим деб эъзозланг, шундан сўнг жавоб беради.

Подшо ҳамда вазир қизга яхши муомала қилишибди, ширинах- лик билан эркалашибди.

Шундан сўнг Оқилаой гапга кириб дебди:

— Мен сизга балиқ кулишининг сирини айтсам. ғазабингиз ке- лади.

— Сен менинг синглимсан, қизимсан, гапир ахир,— илтижо қи- либди подшо.

Подшонинг хотинлари ҳам «айтинг-айтинг» дёб ялина бошлишиб- ди. Шундан сўнг киз ҳикоя қила бошлибди:

— Бор экан-да, йўқ экан, бир ўтинчи бўлган экан. У ҳар куни дарё бўйига бориб ўтин келтириб сотиш орқали тирикчилик ўтказар экан. Унинг хотини ва икки ўғли бўлган экан. Ўғилларининг бирининг номи Козимжон, иккинчисиники эса Нозимжон экан. Кунлардан бир кун ўтинчи хас-чўпларни йигиб, энди боғлаётган экан, олдида бир тухум пайдо бўлиб қолибди. У Симурғнинг тухуми экан. У тухумни келтириб юз тангага сотибди. Бу ҳолат беш-олти марта такрорланибди. Кунлар- дан бир кун ўтинчи далага борса тухум ўрнида курк Симурғнинг ўзи ётган экан. Ўтинчи товукни уйига келтириб бир қафас ясад қамаб кўйибди. Симурғ ҳар куни биттадан тухум кўяр экан. Ўтинчи тухум сотиб бойиб кетибди: ўғилларини ясатиб кўйибди, рўзгор анжомлари- ни янгилашибди, уйига гиласи сотиб олибди. Шундан сўнг ҳалиги одам ўтинчиликни ташлибди, ўзига хизматкор олибди. Ўғиллари ёш экан. Чол қариб-картайиб қолган экан. Кунлардан бир кун чол ўлим тўша- гига ётиб қолибди. Шунда ўтинчи хотинини олдига чорлаб васият қи- либди:

— Товукни эҳтиёт қил, болаларимни ўқитгин.

Тез орада ўтинчи оламдан ўтибди. Ўғиллари етти яшарлигига мак- табга бориб аъло ўкий бошлишибди. Ўтинчининг хотини бўлса бой- ликдан эсанкираб меҳмондорчиликда бўшамаскан. Бора-бора бир бе- ва хотин билан опа-сингил тутинибди. У бўлса бунинг давлатини та- лон-тарож қилиш пайдан бўлибди. Ўша бева хотиннинг бир маккор бувиси бўлган -екан. Кунлардан бир кун кампир кизига шундай дебди:

— Дугонанг қандай қилиб кундан-кунга бойиб боряпти. Бунда бир сир бор. шуни билишга ҳаракат қилгин.

Бева хотин келиб зехн солса дугонасининг бойиб кетиш боиси то- вуқ экан. У уига қайтгач, маккора онасига шундай дебди:

— Дугонамнинг бир товуғи бор экан. Унинг битта тухуми юз танга турар экан. Дугонамнинг бойиб кетиши шундан экан.

Маккора камцир яна қизига маслаҳат бериди:

— Дугонангга бориб сен менинг ҳақиқий дўстим бўлсанг товуғин- гни сўйиб бергин деб қистайсан.

Ўша товуқнинг ажойиб бир хусусияти бўлган экан: миясини еган киши подшо бўларкан, тўшини еган кишининг ҳар куни эрталаб ёстиғи остидан юз тангадан пул чиқаркан.

Бева хотин ўтинчиникига келибди-да, дебди:

— Дугонажон, товуғингни сўйиб бир аччиккина шўрва кил- гин.

Ўтинчининг хотини товуқни сўйиб шўрва қайнатиб қўйибди. Ўғил- лари мактабдан келишса қозонда шўрва қайнаб турган экан. Нозим- жон товуқнинг миясини. Козимжон эса тўшини ейишибди-да, яна мактабларига кетишибди. Ниҳоят, ўтинчининг хотини шўрвани сузуб кирибди. Дугонаси қараса гўштлар орасида товуқнинг мияси билан тўши йўқ экан. Асл максади мия билан тўшини ейиш бўлган бева хо- тин: «Мен бу шўрвани ичмайман», деб чиқиб кетибди. Ўтинчининг хо- тини дугонасининг кетиб қолганидан хафа бўлиб ўтирган экан, бола- лари мактабдан қайтишибди.

— Лаънатилар, нега товуқнинг мияси билан тўшини еб қўйдила- ринг,— деб дашном берибди, урибди.

Орадан икки-уч кун ўтибди, у дугонасиникига борибди.

— Нега келдинг, ўғилларингни ўлдириб мияси билан тўшини пи- шириб бермасанг, сеникига қадам босмайман,— дебди дугонаси.

Ўтинчининг хотини дугонасининг илтимосини қабул қилибди ва кечқурун хизматкорини чақириб дебди:

— Козимжон билан Нозимжонни ўлдириб, мияси билан тўшини менга келтир!

Хизматкор болаларни бир тоғ этагига элтибди. «Бу норасида гўдакларни қандай ўлдираман», деб турган экан, ёнидаги гордан икки кучукбаччанинг ғингшигани эшитилибди. Хизматкор кучукларни ўлдирибди-да, бирининг миясини, бирининг тўшини олиб, Нозимжон ва Козимжонларнинг кўйлагини қонга белаб, болаларга, «хув авави томонга кетинглар», деб бир тарафни кўрсатиб, қайтиб келибди.

Халиги дугона мия билан тўшни ебдию яна икки-уч кун келмай ке- тибди.

Ўтинчининг хотини қилмишидан пушаймон бўлибди: «Мен нима қилиб қўйдим», деб нола чекибди. Хизматкор бўлса бекасини танҳо ташлаб чиқиб кетибди.

Энди мен сизларга балиқлар кулгусининг сабабини айтсам хафа бўлмайсизлар-да,— қўшиб қўйибди Оқилаой.

— Айтавер, ҳалиям айтмадингми! Нега хафа бўларканмиз, айта- вер,— қисталанг қилибди подшо.

— Шундай қилиб, Козимжон билан Нозимжон кетаверибдилар, кетаверибдилар. Ва ниҳоят, олдиларидан икки йўл чиқибди. Йўлнинг бири

устига «борса келмас», иккинчисига «борса келар» деб ёзиб қўйилган экан. Икки ака-ука хайр-хўшлашиб, бири борса келмасга, иккинчиси борса келарга қараб кетишибди. Козимжон бир шаҳарга кириб борибди. Ўша куни бу ерда давлат күшини учирishган экан, у тўгри келиб Козимжоннинг бошига қўнибди. Козимжон подшо бўлибди.

Нозимжон йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди ва ниҳоят бир кампирнинг уйига кириб борибди. Ўша кеча кампирникида тунаб қо- либди. Эрталаб тургач, кампир йигитчанинг ўрнини йигиштираётган экан, ёстиги остидан юз танга пул чиқибди. «Боланинг пули қолибди- да, эртага бераман», дебди кампир кўнглида. Эртасига ҳам шу ҳол тақоррланибди. Кампир донишманд экан, «бу товуқнинг гўштини еган экан», деб болани яхши эъзозлаб, тарбиялай бошлабди.

Кунлардан бир кун Нозимжон кўча эшиги остида турган экан, бир тўда одамлар ўта бошлабди.

— Қаёққа кетяпсизлар?—сўрабди Нозимжон ўтиб бораётган- лардан.

— Маликаи Чангнавозникига кетяпмиз,— дебди улардан бири.

— Мен ҳам борсам майлими?— сўрабди бола.

— Майли, юрақол,— дебди улар.

Нозимжон уйга кириб кампирдан руҳсат сўрабди.

— Борсанг боргину, лекин у ерда ётиб қолма,— дебди кампир ва бир неча танга берибди.

Бола ҳар кечада томоша учун эллик тангадан сарфлай берибди. Жўралариям бунга ўрганиб, ҳар кечада уни Маликаи Чангнавоз томо- шасига элтишаркан. Охир-оқибат Малика ҳам бунга ўрганиб, унга ша- роб бериб маст қилиб қўйибди. Эрталаб турганида Нозимжоннинг тўшаги остидан юз танга пул олибди. Шундай қилиб, ҳар кечада болани маст қилиб, эрталаб юз тангани олиб юрибди. Кунлардан бир кун Ма- ликаи Чангнавоз бунинг сирини бир кампирдан сўрабди.

— Бу бола товуқнинг тўшини еган экан,— жавоб берибди кам- пир.

— Уни қандай қилиб қўлга олса бўлади?— яна сўрабди Ма- лика.

— Шўртаккина кавоб пиширгину шароб билан едиргин. Чанқаб чой сўраса, бир коса намакоб бергин, ичадио қусади. Товуқни тўши тушгач, уни олиб ейсан,— дебди ҳалиги кампир.

Малика шундай қилибди. Энди ҳар куни Маликанинг тўшаги ости- дан юз тангадан пул чиқаверибди. Шундан сўнг болани хайдаб юбори- шибди. Нозимжон сарсон-саргардон юриб яна онахонникига келибди. Икки-уч кечада ётиб турган экан, юз тангадан дарак йўқ эмиш. Кампир ҳам уни уйидан чиқариб юборибди. Киссасида бир тангаси йўқ, оч- яланғоч, килмишидан пушаймон бўлиб юрибди. Фойда бермабди.

Нозимжон кетаверибди-кетаверибди ва ниҳоят тинкаси қуриб, олдидан чиққан катта тол соясига дам олгани чўзилибди. Шу пайт ал- лақаёқдан учта тўти учидан келиб толга ўтириб, ўзаро сухбатлашиб ке- тибди. Гап орасида бир тўтикуш дебди:

— Бу ётган бола ўша Симурғ тўшини еган Нозимжон бўлади. Ҳар тонгда унинг тўшаги остидан юз тангадан пул чиқарди. Маликаи Чан- гнавоз уни маст қилиб қўйиб, тўшини ўзи еди. Энди ҳар тонгда юз танга унинг тўшаги остидан чиқади. Болани кампир онахони ҳам ҳай- даб юборибди.

— Энди у нима қилиши керак?—сўрабди бир тўтикуш.

— Бунинг иложи шуки, Нозимжон мен ўтирган новдани синдириб олиб, Маликани уриши керак. Ўшанда унинг оғзидан тўш тушади,— дебди бошқа тўти.

— Мен ўтирган новдани синдириб олиб, у билан Маликани урса, қиз эшакка айланади, миниб юраверади,— дебди иккинчи түтиқуш.

— Мен ўтирган шохни синдириб олиб, катта дарёга ташласа, кўприк ҳосил бўлади,— дебди учинчи түтиқуш.

Шундан сўнг кушлар «пирр» этиб учиб кетишибди. Нозимжон ўрнидан туриб новдаларини синдириб олиби. Тўғри Малика ҳузурига бориб, биринчи новда билан бир туширган экан, тўшни қайтариби. Тўшни олиб ютибди-да, иккинчи новда билан бир урган экан, Малика оқ эшакка айланиб қолиби. Нозимжон эшак билан бутун шаҳар гўнгини далага ташибди. Эшакни бир йил давомида шундай миниб ишлатибди, яғир бўлмаган жойи қолмабди.

Кунлардан бир кун Нозимжон, «кел, энди бир оз дам олай», деб эшакни ҳайдаб юборибди. Эшак юриб-юриб акаси подшо бўлган ша- ҳарга кириб бориб, бир дарвозани тумшуғи билан итариб ғижирлатиб-ди. Дарвозабон эшакни ичкарига олиб кирган экан, ҳаммаёғи яғир эмиш. «Оббо лаънати-е, қайси ноинсоф буни шу ҳолга келтирди экан», деб ўтиришган экан, Нозимжон эшагини кидириб кириб бориби.

— Эшакни нега бу ахволга туширдинг?— сўрабди шох.

— Ишлатдим-да,— жавоб бериби Нозимжон.

— Жаллод!— деб бакириби Козимжон. Шунда акасини таниб қолган Нозимжон:

— Аввал ҳол сўр, сўнгра иш кўр, деганлар. Бу эшак менга кўп жабр ўтказган. Биз икки ака-ука эдик. Укамнинг оти Козимжон, ме- нинг номим эса Нозимжон. Биз иковимиз Симургнинг тўши билан миясини еб эдик. Бу эса менинг тўшимни олиб еди. Шунинг учун мен уни мана шу ахволга тушгунча ишлатдим,— дебди.

Акасини таниган Козимжон қилмишидан пушаймон бўлибди. Шундан сўнг хипчин билан эшакни бир урган экан, у Чангнавоз Ма- ликага айланиби. Маликани катта тўю томоша қилиб Нозимжонга никохлаб бериби.

— Энди балиқ кулгисининг сабабини айтсам, хафа бўлмайсиз-ми?— сўрабди Оқила.

— Ҳалиям айтмабмидинг? Нега хафа бўлар эканман, айтавер!

— Уйингизнинг этагига кўмилган бир сандиқ бор, ўшани кавлатиб, олиб келтиринг,— дебди Оқила.

Сандиқни ковлаб келтириб очиб қарашса, унинг ичида бир шоп мўйлов одам ўтирганмиш.

— Кўрдингизми, хотинингиз кечалари мана шу киши билан айш- ишрат килади-ю, кундузи балиқдан юзини яширади. Балиқ хандаси- нинг сабаби мана шу,— дебди Окила.

Газабланган подшо ҳалиги одамни дорга остирибди, хотинини эса зиндонга ташлабди.

Шундан сўнг подшо:


— Бу киз доно экан, мен унга уйланишим керак,— дебди.

— Э, подшохи олам, сиз уни «синглим» дедингиз-ку? Мен ўз қуло- гим билан эшитдим. Бунинг устига «қиёматли қизим» ҳам дедингиз. Қандай қилиб унга уйланасиз?— сўрабди овчи йигит.


— Ха, шохим, ҳозирнинг ўзида уни «синглим» дедингиз, мен гу- воҳман,— сўзга аралашибди вазир.

Ноилож қолган шоҳ Оқилани овчининг ўғлига тўю томоша қилиб, никоҳлаб берибди ва қизнинг донолигига тан берибди. Келин-куёв му- роду мақсадларига этибдилар.





ХАЙВОНОТ
ВА НАБОТОТ
ХАҚИДАГИ ЭРТАКЛАР





ТУЛКИ ВА БҮРИ

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир тулки бўлган экан. Бир неча вақт- дан бери у бир боғни топиб олган экан. Ҳар куни кечкурун у ерга бориб ширин-шакар узумлардан тўйгунча еб, қорни тўйиб ‘ғаму қулфати узоқлашгандан кейин кўм-кўк мулойим-юмшоқ ўтлар устида маза қи- либ ухлаб, эрталаб барвақт ўрнидан туриб кетаркан.

Эрталаб боғбон келиб узум бошларининг узилганлигини, чала-чул- па ейилиб тўрт томонга сочиб ташланганлигини кўриб, ўтзорнинг пай- хон қилинганлигига назари тушиб, фоят ғазабланар экан.

Бир неча кун ана шу ахволнинг такрорланганини кўрган боғбон номуссиз ўгрини тутиб, жазосини бериш пайига тушибди.

Шу мақсадда у бир копконга думба ёғни илиб марзанинг устига қўйиб кетибди. Кечкурун тулки келиб йўли устида турган думбани кўрибди ю шу оннинг ўзидаёқ куйрукнинг ортида тузоқ борлигини се- зибди. Аммо юмшоққина думбани кўриб иштаҳаси карнай бўлибди, оғизларидан сўлаги оқибди, корни эса чилдирма чала бошлабди. У бо- риб думбадан озгина еб нафсига ором бермоқчи бўлибди. Аммо ния-тидан қайтиб узумга кўз тикибди. Аммо унинг кўнгли энди узумни ти- ламас, узум ғўр ва аччиқ кўринарди. Тулки яна думбага сукланиб бо- қибди, сўлакайини ичига ютиб, лабларини ялай бошлабди. Базўр ўзини тутиб, боғдан чиқиб кетибди.

У боғдан чиқаркан, ширин, лаззатли думба кўз ўнгидан кетмасди. «Қандай килсан, ғўра мевалардан қамашган тишларим юмшоққина думбага етиб роҳат килади, нима килсан куриган ичакларим карт ёғ- дан мулойимлашади», деб ўйлаб бораради.

У ана шундай хаёлар билан кегаётганида олдидан бир бўри чиқиб колибди. Бўри Тулкининг йўлини тўсиб дебди:

— Эй айёр тулки, сени қачонлардир кўриш орзусида эдим, мана шукрки, ўз

оёкларинг билан келиб қолдинг.

— Мен ҳам сиздек номдор пахлавонни бир қўриш орзусида эдим, лекин ёмон ният билан эмас. Мен сизни ўз боғимга меҳмонликка ча- кирмоқчи эдим. Менинг боғим оддий боғлардан эмас, дилхуш бир бўстонки, унинг бир томонида олмаю узум, бир томонида эса ноку ан- жир пишиб ётибди. Бошқа бир томонида эса об равон ўйнаб оқаётир, ранг-баранг гуллар очилиб ётибди — хулласки, ер юзининг жаннати дейсиз. Бундан ташқари мен сиз учун бир бутун карт думбани ҳам тайёрлаб кўйганман, еб кайф қиласиз.

— Ёлғон айтасан, маккор тулки! — дебди бўри. — Сен ҳаммани ал- дасанг ҳам мени алдаёлмайсан!

Тулки қах-қах уриб қулиб дебди:

— Ох, нақадар бадгумонсиз! Бадгумонлик заарали одат, яхшиси мен билан бирга юрингу думбажонни еб ҳузур қилинг.

Думбани эшитиши билан бўрининг оғзи сув очиб, тулки билан йўлга тушибди. Кўм-кўк чиройли боғни кўриб бўри хурсанд бўлибди. Тулки эса бўридан ҳам кўпроқ шод бўлиб тўрт томонга сакрабди.

Тулки бўрини думба олдига олиб келиб дебди:

— Қани айтинг-чи, мен ёлғон айтибманми, ё рост? Ана, думба, кўнглингизга теккунича сяверинг!

Очкўз бўри шу замони ўзини бирдан думбага ташлабди-ю, олдинги оёклари қопқонга илинибди. У қанча уринмасин, оёкларини қопқондан чиқара олмабди ва ноилож тулкига юзланиб дебди:

— Эй ошна, менинг оёкларимни нимадир ушлаб қолди, қандай ха- лос қиласай?

— Сен паҳлавонсан, сенинг кучларинг кўп, бир зўр берсанг куту- ласан, — дебди Тулки.

Бўри бор кучи билан ўзини орқага тортган экан, ҳар иккала оёғи синиб хушидан кетибди.

Тулки келиб кайф қилиб думбани тўйгунича ебди-ю, нодон бўри ҳолига қулиб чиқиб кетибди.

ЧУМЧУҚЧА

Қадимги замонда ҳеч кими йўқ бечора бир кампир бўлган экан. У эрталабдан кечгача чарх йигириб чор-ночор кун кечиравкан.

Бир куни унинг паҳтаси тугаб қолибди, паҳта олишга эса пули ҳам йўқ экан. Бечора кампир уйида ўтирганича ўз ҳолига ўзи куйиб зор- зор йиглай бошлабди. Кўздан оккан ёши дарё бўлиб, тегирмонлар айланадиган бўлибди. Шу пайт унинг ховлисида оппоқ очилган паҳта- зор пайдо бўлибди. Шунда бир ҳакка учеб келиб ховли деворига қўниб дебди:

— Шақ-шақ-шақ-шақ, момо, мени паҳтазорингта коровулликка олмайсанми?

- Қоровуллик ҳаққингга нима оласан?— сўрабди кампир.
- Шақ-шақ-шақ-шақ,— дебди ҳакка,— пахта ҳосилининг ярмини берсанг бас!
- Йўқ, кетавер, керак эмассан!— дебди кампир.
- Бошқа куни бир қарға келиб дебди:
- Қар-кар-кар, момо, мени пахтазорингга қоровулликка олмай-санми?
- Ҳақига нима оласан?— сўрабди кампир.
- Қар-кар,— дебди қарға,— ҳосилингнинг ярмини берсанг бас:
- Йўқ, кетавер, керак эмассан!— дебди кампир. Қарға учиб кетиши биланок бир чумчук учиб келибди. У чирқ-чирқ килиб у ерга қўнибди, чирқ-чирқ килиб бу ерга қўнибди. Кампир ундан сўрабди:
- Бунча чирқ-чирқ қилиб нима дейсан?
- Момо, мени пахтазорингга посбонликка олмайсанми?— дебди' чумйук.
- Лақига нима оласан?— сўрабдий кампир.
- Чирқ-чирқ,— дебди чумчука,— менга бир қўйлаклик пахта берсанг бўлгани.
- Кампир озгина' пахта олиб берибди. Чумчуқча пахтани тумшуғида илиб йигирувчининг олдига олиб бориб дебди:
- Пахтани йигириб бер, бўлмаса уйингни вайрон, болангни гирён, ҳовлингни оғилу сомонхона қиласман.
- Йигирувчи чархини олдига қўйибди-да, пахтани бир зумда йигириб бир калава иш қилиб берибди. Чумчуқ ипни тўкувчи олдига олиб бориб дебди:
- Буни олгину тўқи-тўқи қилиб бергин, агар тўқиб бермасанг уйингни вайрон, болангни гирён қиласман, ҳовлингни оғилу сомонхона-нага айлантираман!
- Тўкувчи ипни олибди-да, тўқиб бир парча бўз қилиб берибди. Чумчукча бўзни олиб бичиқчининг олдига борибди-да, дебди:
- Буни кес-кес қилиб бичиб бер, акс холда уйингни вайрон қила-ман, болангни гирён қиласман, ҳовлингни сомонхонага айлантираман!
- Бичувчи бўзни олиб чумчуқчанинг бўйига ўлчаб бичиб берибди.
- Чумчуқча уни тикувчи олдига олиб борибди. У тикувчига дебди:
- Буни тики-тики қилиб бер, агар тикиб бермасанг уйингни вайрон, қиласман, болангни гирён қиласман, ҳовлингни эса сомонхонага айлантираман.
- Тикувчи чиройликкина қўйлак тикиб берибди. Чумчуқча қўйлакни кийиб кампирнинг уйига келибди. У кампирга дебди:
- Чирқ-чирқ, ана энди пахтазорингни қўриклийман!
- Майли, посбонлик қиласвер!— дебди кампир.
- Чумчуқ эртадан кечгача чирқ-чирқ қилиб у ерга қўниб, бу ерга қўниб пахтазорни қўриқларкан.
- Бир куни подшо ана шу ердан ўтиб кетаётиб оппок очилган пахта-зорни кўриб қолибди. У отининг жиловини тортиб, аскарларига дебди:
- Кириб ҳаммасини териб олинглар, бир дона ҳам қолмасин! Чумчуқ қараса аскарлар ҳамма пахтани териб олишяпти.
- Бечора кампир, чирқ-чирқ.

Ғўзанг бўлди қуп-қуруқ,—
дея, чумчуқча кампирни чақира бошлабди.

Подшо чумчуқчани тутишни буюрибди. Аскарлар пахта теришни бас қилиб чумчуқчани ушлаб келибдилар.

— Унинг қанотларини юлинглар! — буйруқ берибди подшо.

Аскарлар зудлик билан унинг қанотини юлиб олибдилар.

— Қанотим бор эди, қанотсиз бўлдим! — дебди чумчуқча.

— Пиширинглар! — фармон берибди подшо.

Аскарлар чумчуқчани тезда қозонга солибдилар.

— Хом эдим, пишдим! — дебди чумчуқча.

— Олиб келинглар, еймиз! — дебди подшо.

Аскарлар чумчуқчани олиб келишибди, подшо уни бир ямлаб ютиб юборибди.

— Ташқарида эдим, ичкарига кирдим, — дебди подшонинг ичидан чумчуқча ва:

Чирқ-чирқ, кампир, кўзингни оч,

Пахтазор бўлди тарож, — деб фарёд сола бошлабди.

Чумчуқча додлагани сари подшонинг қорни оғрий бошлабди. Подшо бунга тоқат қилолмай аскарларини олиб уйига жўнабди. Чумчуқча эса унинг ичидан янада баландрок қичқиравкан:

Чирқ-чирқ, кампир, кўзингни оч, Пахтазор бўлди тарож.

Бунга чидай олмаган подшо аскарларига буюрибди:

— Мен чумчуқчани қайт қиласман, сизлар уни қилич билан уриб бурда-бурда қилинглар.

Подшо чумчуқчани қайт қилибди. Чумчуқчанинг боши эндиғина подшонинг оғзидан чиқиши билан аскарлари шоша-пиша қилич сол-дилар, аммо қилич чумчуқчага тегмасдан подшонинг бурнини кесиб кетибди. Дарҳол намат куйдириб, подшонинг бурнига босибдилар. Чумчуқча эса учеб кетиб хамма ерга:

«Чук-чук», кампир, кўзинг оч, Пахтазор бўлди тарож.

Жин урган подшони кўр, Бурун ўрни худди ўр!

деб жар солибди.

Шарманда бўлган подшо қочиб кетибди ва қайтиб мамлакатга кел-мабди. Одамлар подшомиз кампирнинг пахтасини олмоқчи бўлибдию, аммо битта чумчуқчага кучи етмабди, деб юришар экан.

ТУЛКИ ВА ШЕР

Бир бор экан, бир йўқ экан, хушёргина, айёргина тулки бўлган экан. Бир пайт унинг ови юришмай, очлик азобига зўрга тоқат қилиб, ўёққа чопибди, буёққа чопибди, аммо ов тополмабди. Айёр тулки ҳод-



дан тойиб, боши гир-гир айланиб, жар бўйидаги каттагина тошга сужу-ниб қолибди.

У беихтиёр жарга тикилибди. Назарида жар тагида оппоқцина думба тургандай бўлибди. Тулки ўзини дарҳол чукурга ташлабди. Унинг боши бориб қандайдир нарсага қаттиқ урилибди-ю, хушидан кетибди. Анчадан кейин ўзига келиб қараса думба деб ўйлагани катта-гина оқ тош экан.

Тулки яшаудан умидини узиб, афсусланиб тепага қарабди. Ногоҳ жарлик тепасида қандайдир жондорнинг сояси кўриниб қолибди. Ун-дан кейин шаголнинг нолиган увиллаши эшитилибди.

«Ҳа,— дебди тулки ўзига-ўзи,— мен зийрак ва номдор тулки бу зиндоңда ўлимни кутиб ётсаму бу ахмоқ шағол ер юзида кайфу сафо қилиб юрса. Йўқ, мен уни бундай кўймайман».

Тулки турган жойидан бақирибди:

— Ҳой, сен кимсан? Нега favго кўтариб, бир бечоранинг топган-тутганини бемалол ейишга кўймайсан?

— Ие, тулки, сен у ерда нималар қиляпсан?—дебди шағол жар остига тикилиб.

— Кўрмаяпсанми ахир?— жавоб берибди тулки тумшуғини тошга суртиб,— карт думбани емокдаман.

Шағол чукурликка дурустроқ назар ташлаган экан, кўзига думбага ўхшаш оппоқ нарса жилваланиб кўринибди.

— Тулки,— дебди шағол зорланиб,— менга ҳам бир*озгина бермайсанми, умринг узок бўлсин, асло камлик кўрма, деб дуо қиласман.

— Хайр майли, сендеқ дўстнинг гапи ўлгунча шайтоннинг бўйни узилсин,— дебди тулки,— бу думба иккаламиздан ҳам ортиб қолади, кел еявер.

Оч қолган шағол шошилганидан ўзини чукурга ташлаган экан, боши тошга қаттиқ тегиб, хушидан кетибди.

Тулки қах-қах уриб шаголнинг ахволига қулибди. Унинг қаттиқ кулгисини шу яқиндан ўтиб кетаётган шер эшитиб қолибди.

«Бу тулки қаерда экан бунчалар каттиқ куляпти»,— деб жар ёқа-сига келиби.

«Менинг бошимга бундай кора кун тушибди-ю, шер эса кайфу са-фолар қилиб юрадими?»— кўнглидан ўтказибди тулки, шернинг баша-расини кўриб.

— Эй ҳайвонот оламининг подшоси,— дебди у бошини кўтариб,— хайриятки ўзингиз келиб қолдингиз. Мен сиз учун катта бир думбани яшириб кўйган эдим, буни бугун сизга олиб бормоқчи эдим, аммо шунча уриниб ҳам уни ўрнидан кўзғатолмадим. Шағолни ёрдамга ча-қирдим, лекин иккаламизнинг ҳам кучимиз етмаяпти.

Шер чукурликка тикилиб думбага ўхшаш бир нарсани кўрибди. У хурсанд бўлиб:

— Майли, ўзим олиб кетаман,— деб ўзини чукурга ташлабди. Бу сафар тулкига қах-қах уриб қулиш насиб қилмабди. Шер ал-данганини сезибди-ю, бўйидаги ёлини бигиз қилиб, тулкига ташла-нибди. Кўп ўтмай тулкидан ному нишон ҳам қолмабди.

ЗИЙРАК ЭШАК

Бир дәхқоннинг иккита хўқизи ва битта эшаги бўлган экан. У ҳар куни эшакка буғдой юклаб, хўқизларни ҳайдаб кўш ҳайдагани далага кетаркан.

Кунларнинг бирида кечкурун хўқизлардан бири ёнида маза қилиб ухлаб ётган эшакка қараб шикоят қилибди:

— Эй дўстим, сен бизларга қараганда баҳтлироқсан, сенга хўжай- инимиз унчалик зулм ўтказмайди, далага буғдой олиб борасану у ердан ўтин юклаб келасан — шу билан жонинг тинч.

Биз хўқизларнинг шўри курсин, жуда азобдамиз. Ҳар куни эртадан-кечгача ер ҳайдаймиз, озгина бўшадикми, шундай қалтаклайдики, асти кўяверасан, суяк-суякларимиз зиркираб кетади.

Эшак ўйланиб туриб дебди:

— Мен сенга бир йўл кўрсатаман, жонинг роҳатда бўлади.

— Кани, тезроқ айт-чи, бу қандай йўл экан ўзи,— дебди илтижо билан бечора хўқиз.

Эшак дебди:

— Бугун эрталабдан овқат емай, ўзингни касалликка солиб нолиш қилавер.

Хўжайнин «касал экан» деб далага олиб чиқмайди.

Бу фикр хўқизга маъқул бўлибди.

Деҳқон ^елиб оҳурларга ем солиб қараса эшак билан бир хўқиз иштаҳа билан овқат еркану, аммо иккинчи хўқиз эса касал бўлгандай оҳурга қарамасмиш ҳам.

Эртасига ҳам худди ана шундай воқеанинг гувоҳи бўлган деҳқон хўқиз билан бўлибди деб ўйлабди. «Энди нима қилсам экан, битта хўқиз билан ер ҳайдаб бўлмаса», деб ўйланиб турган экан, эшакни кўриб колибди. Эшак ҳам семизгина экан. «Иложини топдим», деб хурсанд бўлган дехқон эшак билан хўқизни кўшиб ер ҳайдай бош- лабди.

Эшак кечгача тинимсиз ишлаб ҳолдан тойибди, бутун танасига оғриқ кирибди. «Шунча азобларга чидаган хўқизларга балли!»— дебди ўзига-ўзи.

У эртанги кунни ўйлаб баданига титроқ кирибди, аммо иложини тополмай, ўз қилмишидан пушаймон бўлиб бир неча кун тоқат қи- либди.

Бир куни кечаси унинг эсига бир тадбир келибди-ю. хурсанд бўлга- нидан бор овози билан ҳанграб юборибди, сўнгра «касал» хўқизга дебди:

— Дўстим, бугун мен хўжайниннинг гапларини ўз кулогим билан эшидим. У: «Агар хўқиз соғайиб, иштаҳаси очилмаса, уни сўниб пу- лига бошқа хўқиз сотиб оламан»,— деди. маслаҳатим шуки, сен энди иштаҳа билан овқат еб тузалганингни кўрсат, акс ҳолда асфаласофи- линга кетасан.

Хўқиз ишнинг бунчалик бўлишини кутмаган экан, эшакнинг меҳ-рибонлигидан хурсанд бўлиб. тезлик билан унинг маслаҳатини бажа- ришига киришибди. Деҳқон емиш олиб келганда ўзининг тузалганилиги- ни билдириш учун иштаҳа билан овқат ея бошлабди.

Бу ахволни кўриб фоят хурсанд бўлган хўжайнин «касал» уни дала- га олиб чиқибди. Орадан бир неча кун ўтгач, хўқиз эшакка яна аҳво- лининг ёмоналигидан шикоят қила бошлабди.

Эшак узоқ вақт бош қотирса-да, аммо дўстининг ахволини енгилаштириш чорасини тополмабди.

— Сен хўжайнимиз кўлидан тамоман кутулишни истайсанми?— сўраб

қолибди бир куни кечқурун эшак.

— Албатта, истайман, албатта! — дебди хўқиз.

— Ундей бўлса, кел, биргалашиб қочамиз.

— Қаерга қочамиз? — сўрабди хўқиз.

— Бирон узоқроқ яйловга борамизу ўтлаб юрамиз, — дебди эшак. Хўқиз иккиланиб дебди:

— Гапинг маъқулку-я, аммо у ерда бўри ёки шерларга ем бўлмай-лик яна.

— Бирон иложини топармиз, — дебди эшак.

Ўша кечаси иккаласи хўжайинининг уйидан қочиб кетишибди. Тунни бир кишлоқ четида ўтказиб, эрталаб йўлга тушиб кетаётганла-рида уларни томда турган хўрор кўриб қолиб дебди:

— Эй ошналар, йўл бўлсин?

Эшак дебди:

— Биз ўз хўжайинимиз зулмидан қочдик, энди бирон узок ерга бориб яшамоқчимиз.

— Ундей бўлса, — дебди хўрор илтижо билан, — мени ҳам бирга олиб кетинглар, хўжайин мени сўйиб емоқчи.

— Майли, — дебди эшак, — кел, менинг устимга мин, икки бошдан уч бош афзалрок.

Улар бир қишлоқдан ўтиб кетаётганларида олдиларидан бир сич-қон чиқиб сўрабди:

— Ҳой, жўралар, қаёққа кетяпсизлар?

Эшак жавоб бериди:

— Биз ўз хўжайинимиздан қочдик, бирон ерга бориб яшамоқчи-миз. Икки-уч кундирки, хўжайиним мушук олиб келган. Бир кун эмас бир кун унинг кўлига тушиб нобуд бўлишим аник. Агар рози бўлсалла-ринг мен ҳам сизларга кўшилайину мушук кўлидан кутулай, — дебди сичқон.

— Майли, — дебди эшак, — кел, устимга чиқ. — Сичқон бир сакраб эшакка миниб олиди.

— Бу текинхўр, ожизу заиф жониворларнинг нима кераги бор? — дебди хўқиз эшакнинг хўрор ва сичқонга илтифотидан норози бўлиб, — нега ортиқча юкни бирга олиб кетяпмиз?

— Парво килма, — дебди эшак, — каттами-кичикми дўстинг бўлга-ни яхши. Дўст ҳамиша керак бўлади.

Шундай қилиб улар учта эдилар, тўртта бўлиб кетавердилар. Дўстлар бир неча кундан кейин, бир төг этагига етиб келибдилар. Қа-расалар тўрт томон кўм-кўк дилкаш гиёҳлар. ширали ўтлар билан қопланганмиш.

— Мана шу ерда тўхтаймиз. — дебди эшак, — бундан яхшироқ ЖОЙНИ ТОГ1ИШ кинни.

Эшакнинг гапи маъқул тушиб улар ўша ерда бир неча кун қолиб кетибдилар.

Ҳаммадан ҳам эшак хурсанд экан. У қорнини тўйғазгач уёқдан-бу- ёққа, буёқдан-уёққа думалаб роҳат қиларкан. Аммо у бир нарсадан жуда хафа экан. Ўртоқлари бўри эшитиб қолмасин деб унга ҳангра- шини ман қилган эканлар.

Бир куни унинг тоқати тоқ бўлиб:

— Мен энди ортиқ чидаб туролмайман,— дебдию дўстларининг гапига қулоқ солмай узундан-узоқ ҳанграб юбориби.

Эшакнинг овози тоғларда акс-садо бериб узоқ-узоқларга етибди ва буни тоғма-тоғ ўлжа излаб юрган бўрилар эшитиб қолибди. Шунда бўрилар бошлиги зўр ва чаққон бир бўрига дебди:

— Бу эшакнинг овози. Бориб унинг қаердалигини, эгаси борми- йўқлигини билиб кел.

Ҳалиги бўри овоз келган томонга чопиб кетибди. Бўрининг келаёт- ганини биринчи бўлиб кўрган дараҳт устидаги хўроз ўртоқларини огоҳлантириби.

Хўқиз аччиқланиб эшакка дебди:

— Мана, бизнинг маслаҳатимизга қулоқ солмадинг, бошимизга бало келтирдинг, товонимиз сенинг бўйнингга.

— Парво қилма, дўстим,— дебди эшак,— ҳийла ишлатиб ундан қутуламиз, яхшиси сен яширингину мен чакирмагунча чикмагин.

Хўқиз яшириниб олибди. Бўри келиб қараса, битта семизгина эшак ўтлаб юрган экан. У шерикларимга бориб хабар берай деб кўнглидан ўтказибди-ю, аммо оғзининг суви келиб, сўлаги оқиб, «олдин ўзим еб тўйиб олай, кейин бир гап бўлар», деган хаёлга бориб эшакка яқинла- шибди-да, дебди:

— Ҳой, эшак! Ажалинг етди!

— Ҳа, иложим қанча,— дебди эшак,— икки орқа оёғим ораси ан- чагина юмшок ва ёғли, мен орқам билан ерга ётиб оёқларимни кера- ман, сен тишлаб сяверасан.

— Майли, ёт,— дебди хурсанд бўлиб бўри.

Эшак айтганидай қилиб ётиб, оёқларини икки томонга ёйибди. Бўри эса тишлаш учун эндиғина энгашган экан, эшак унинг калласини иккала оёғи билан маҳкам қисиб, бакириби:

— Эй одамзод паҳлавони, чиқ, ур! Эй ер ости шоҳи, чиқ, гўр кавла, гўр! Эй хушловоз муazzин, жанозага хабар қил!

Шу пайт хўқиз югуриб келиб ўтқир шоҳлари билан бўрини сузаве- рибди. Сичкон эса чопиб чиқиб бўрининг оёқларининг остини кавлай бошлабди. Хўрозд эса «ку-ку-ку-куу» деб, овози борича кичкира бош- лабди.

Бўрининг ҳаммаёги қонга бўялганидан кейингина эшак уни қўйиб юбориби. Бўри бор кучи билан чопганича ҳамроҳлари олдига келиб дебди:

— Тезроқ қочинглар, тезроқ! Тўрт паҳлавон пайдо бўлибди, бит- таси арқон боғлайди, иккинчиси калтаклайди, учинчиси ковлади, тўртингчиси эса жаноза ўқииди.

Бўрилар қўрқанидан қочиб қолишибди ва қайтиб бу томонга келмайдиган бўлишибди. Эшак, хўқиз, сичқон ва хўroz умрларининг охи- ригача хавф-хатарсиз шод-хуррам яшайверибдилар.

Қўнғиз

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир Кўнғиз бўлиб, унинг эски бир девор тагида уйи бор экан. У эртадан-кечгача уйининг бурчагида ёлғиз ўти- равериб жуда зерикиб қоларкан.

— Қачонгача бундай ёлғиз, зерикиб ўтираман — дебди ўзига-ўзи Кўнғиз ва уйидан чиқиб тошу кесак, ўту алаф ичидан юриб кетавериб- ди. У йўлда кетаётган экан олдидан Курбақа чиқиб қолибди.

Курбақа Кўнғизни кўриб сўрабди:

— Вак-вак, ха Кўнғизвой, каёқка кетяпсан?

— Ёлғизлик жонимга тегди,— дебди Кўнғизвой,— дўст излаб ке- тяпман.

— Кел, мен билан дўст бўлиб қўяқол!— таклиф қилибди Курбақа.— Сен мен билан бирга бўлсанг қах-қах уриб кўшиқ куйлаганимда барча ғаму аламинг чиқиб кетади.

— Майли, мен рози! Аммо айт-чи, бирон қун аччиғинг келиб қолса нима қиласан?— сўрабди Кўнғиз.

— Аччиғим келса,— дебди Курбақа кўзларини олайтириб,— оёғингдан ушлаб сувга иргитаман.

— Йўқ, йўқ, озорману безорман, бундай дўстдан безорман,— деб Кўнғиз ўз ўйлида кетаверибди. У йўлда кетаётса олдидан Типратикон чиқиб қолибди. Типратикон Кўнғизнинг йўлини тўсиб сўрабди:

— Ха, Кўнғизвой, каерга кетяпсан?

— Ёлғизлиқдан жуда зериқдим,— дебди Кўнғиз,— дўст излаб ке- тяпман.

— Кел, мен билан дўст бўлиб қўяқол!— таклиф қилибди Типра- тикон.

— Мен-ку розиман,— дебди Кўнғиз,— аммо айт-чи, қаҳринг келса нима қиласан?

— У вақтда игналаримни баданингга санчиб оламан,— дебди Тип- ратикон найзаларини сих қилиб.

— Йўқ, йўқ, озорману безорман, бундай дўстдан йироқман,— де- бди Кўнғиз ва яна ўйлида кетаверибди. У яна тошу тупроклар, ўт- ўланлар орасидан ўтиб битта уй девори тагидан кетаётган экан, Сич- кон уйидан бошини чиқариб сўрабди:

— Ха, Кўнғизвой, бунчалар хаёлга ботиб қаёқка кетяпсан?

— Ёлғизлиқка тоқатим колмади,— жавоб берибди Кўнғиз,— дўст излаб кетяпман.

— Мен ҳам яхши дўст излаб юрган эдим, иккаламиз дўст бўлай- лик,— таклиф қилибди Сичқон,— сиз менинг уйимни тозалайсиз, су- пурасиз, нарсаларимни саранжомлайсиз, мен бўлсам ҳар нарсаларни ташиб келаман, биргалиқда баҳам кўрамиз.

— Мен-ку, розиман,— дебди Кўнғиз,— лекин мабодо аччиғингиз чиқса нима қиласиз?

— Сизними?— сўрабди Сичқонча,— минг бор қаҳрим келса қам думим

билан силаб қўяман!

— Худди мен боп экансиз, менинг кўнглимдаги дўст экансиз!— дебди Кўнғиз хурсанд бўлиб.

Кейин Сичқон уни иззату икром билан уйига олиб кирибдио ик- ковлари дўст бўлиб яшай бошлабдилар.

Сичқон ҳар куни елкасига халтасини ташлаб, қўлига ҳассасини ушлаб, бориб лаззатли емишлар топиб келаркану уй эшигини тақил- латиб:

Жонажон, меҳрибоним,
Хушдил, ширинзабоним,
Қара, мағиз келтирдим,
Данак, мавиз келтирдим.
Қарамасдан тешикка.
Тезроқ келинг эшикка!—

деркан.

Бу гапларни эшитган Кўнғиз югуриб чиқиб эшикни очаркану сич- кон келтирган нарсаларни олиб бориб жойлаб қўяркан. Шундан кейин иккови эрталабгача чақчақлашиб гаплашиб ўтиришаркан.

Бир куни Сичқонлар подшоси зиёфат берибдио зиёфатга ҳалиги сичқонни ҳам чъкирибди. Сичқон ёлғиз боришни истамай Кўнғизни ҳам бирга олиб борибди:

— Ие, мана бу сичқонни қаранглар-а!— дейишибди тўрдаги бой сичқонлар,— ҳаммани қўйиб нурсиз кўнғиз билан ошна бўлибди-я.

— Бу сичқон нақадар яхши дўст тог.ибди-я.— дейишибди пойгаҳ- да ўтирган сичқонлар.

— Бадбаҳт Сичқонча!— дебди Сичқонлар подшосининг қизи,— ўзи шунчалик нозанину бадбашара, қоп-қэра кўнғиз билан ошно бўлибди-я.

Сичқонлар подшосининг қизи рашки келиб Кўнғизни ёмон кўриб қолибди-ю. уни йўқотиш пайига тушибди.

Бир куни Сичқон овқат излаб кетибди-ю. Кўнғизнинг ўзи ёлғиз қо- либди. Шунда Сичқонлар подшосининг қизи оташкуракни қиздириб эшик ^«‘ти^я келиб овозини сичқонничг ўхшэтиб дебди:

Жонажон, меҳрибоним.
Хушдил. ширинзабоним
Қара, мағиз келтирдим,
Данак, мавиз келтирдим.
Қарамасдан тешикка.
Тезроқ келгин эшикка.

К'.'нғиз ўни Сичқон деб гумон қилиб чиқиб эшикни очган экан шу пайт < ничқонлар подшосининг қизи оташкуракни унинг бошига босиб- ди. Кўнғиз хушидан кетиб йиқилибди. Кейин сичқонлар подшосининг қизи уни оёғидан судраб бориб ариққа ташлабди.

Кўнғиз бир оздан кейин ўзига келиб кўзини очса, бир отлик ўтиб кетаётган эмиш. Кўнғиз унга қараб дебди:

Ола саман тақар-туқур,. Ола саман шақар-шуқур.
Сичқончани кўрсанг агар, Аҳволини сўрсанг агар, Дегил:

«Сенинг азиз дўстинг, Оқилу ботамиз дўстинг, Муздек сувга тушиб кетди, Муз унинг бошига етди».

Отилиқ киши Кўнғизнинг гапини эшитиб, тўрт томонни излаб Сич- қонни топибио воқеани айтиб берибди..

Сичқон чопганича ариқ бўйига келиб Кўнғизга қўл бериб, уни тор- тиб олмоқчи бўлибди. аммо Кўнғиз аччиқланиб унга қўл чўзмабди.

Сичқон зорланиб дебди:

Кокулинг мунча узун, Ҳолима кўргин-забун.
Магиз, мавиз келтирдим, Не қиласан қалбим хун?

Кўнғиз ҳам қаҳридан тушмай жавоб берибди:

Магзингни не қилай?
Мавизингни не қилай? Амирингнинг қизи келди, Виз-виз,
жиз-жиз этиб елди!

Сичқон уни эркалатиб сувдан чиқариб олиб, уйига келтириб дору дармон қилибди.

Бир неча вақтдан кейин Кўнғиз соғайибди ва улар иккови илгари- гидай дўстона яшай бошлабди.

Ўшандан бери Сичқон сичқонлар подшоси уйига бормасликка онт ичибди.

ҚАЙСАР ЧУМЧУҚ

Бор экан-да. йўқ экан. ўтган замонда, бир маконда бир чумчук би- лан бир зоғ яшаган экан. Қарға билан чумчук дўст экан, қаерга борса бирга боришаркан, нима топишса ўртада баҳам кўришар экан, улар баҳор ва саратонда, куз бошида шоду хуррам яшашаркан: бир боғдан иккинчисига учиб ўтиб юришар экан.

Иссиқ айёмлар ўтиб, совуқ кунлар келганды қарға чумчукқа шундай дебди:

— Азиз дўстим, ҳаво совиб боряпти, ҳадемай қор-ёмғирлар қўйиб беради. Келгин, икковлон ҳаракат қилиб, иссиққина бир уй қуриб олайлик.

— Менга уй-пуй қуриб ўтириш шарт эмас. Қиши келди дегунча ки-шилар хонадонига кириб, бирон бўғот остида баҳоргача маза қилиб жон сақлайман,— дебди чумчук.

— Менга ҳамроҳ бўлиб уй қуришни истамасанг, ихтиёр ўзингда. Бир ўзим уя ясад оламан,— дебди қарға.

Шундай дебдию қарға ўзига хона қуришга киришибди. Чумчук бўлса, қайфу сафо қилиб юраверибди. Ўша йили кор қалин ёғиб, қат-тиқ совуқ бўлибди. Ҳаммаёқ яхлабди.

Чумчук бир томдан иккинчисига, ундан учинчисига учеби ўтиб зирилларкану бирон-бир иссиқроқ жой тополмаскан. Охири дўсти қар-ғанинг олдига келиб ялинишга мажбур бўлибди.

— Сен менинг қадрдон дўстимсан. Лекин менинг гапимга кирма-динг, уй қуришда бирга ишламадинг. Мен бу уяни бир ўзим учун яса-ганман, икки киши сиғмайди,— дебди қарға.

— Жон дўстим,— ялина бошлабди чумчук.— Умрингда асло ёмонлик кўрма. Менга раҳм қил, уйингдан жой бер, ўзим ҳам қайсар-лик қилиб, гапингга кирмаганимдан пушаймонман. Паноҳингга олма-санг, совуқдан ўлиб кетаман.

— Майли, кирақол,— дебди қарға,— лекин ҳозир бу ерга иккови- миз сиғмаслигимизга ўзинг ишонч ҳосил қиласан.

Чумчукча қарғанинг уйига кирибди. Аммо унга оёқ узатишга жой топилмабди.

— Энди иложимиз қанча, оёқларим остида ётишга мажбурсан,— дебди қарға.

Чумчук кўнибди. Лекин қарғанинг тирноқлари тикондек баданла-рига санчилабериди. Ярим кечага борганда чумчук қарғани уйғотиб дебди:

Тик-тика-тикан,
Оёғинг тикан!
Бошимга кирди, Уйкум қочирди.

— Ундей бўлса,— дебди қарға,— бошим остида ёта қолгин.—Чум-чукча қарғанинг боши остига чўзилибди. Энди бўйни ва юзларига қарғанинг тумшуғи қаттиқ ботибди. Ярим тунда қарғани уйғотган чумчук шундай дебди:

Тик-тика-тикан, Тумшугинг тикан! Бошимга кирди,
Уйкум қочирди.

— Ундей бўлса, дўстим, энди ўчоқнинг ичига кириб ётишингга тўғри келади,— дебди қарға.

Қарғанинг ўчогига чумчуқнинг боши сиғибдию танаси сиғмабди. Оғзи-бурнига кул тўлибди. Ноилож қолган чумчук яна қарғани уйғотиб дебди:

Пуфопуфи пуф, Туфотуфи туф. Ўчогингдир тор,
Битгани озор.

— Эй қайсар чумчуқча, «нодоннинг жони ҳамиша азобда» деган-ларини

эшитмаганмисан. Нодонлигинг туфайли ўзингни ҳам, мени ҳам азобга қолдирдинг. Қўй-э, сен ҳам ухла, мен ҳам.

Аммо чумчук қарғанинг тор уясида ухлолмабди. Нафаси сиқилиб, бетоқатланиб ташқари чиқибди. Эрта тонгда уйғонган қарғанинг кўзи эшик олдида қотиб қолган чумчуқчага тусибди:

— Вой азиз дўстим, вой ўртоқжоним,— деб зор-зор йиглабди қар-ға. Аммо қанча йигласа ҳам энди фойда бермабди.

БЕШИКТЕБРАТАР ВА ИЛОН

Ёри Нўлак деган одам бўлиб, у уста экан. Ҳатто Панжакент то-монларга ҳам бориб иморат қуаркан. Бир куни у кизик бир воқеанинг гувоҳи бўлибди.

Илон дараҳтга чиқаётган экан. Чумчук болалари уяларида беса-ранжом бўлиб чирқиллашаверибди. Она чумчук уясидан учиб кетиб-дию бир оздан сўнг битта бешиктебратарни кўтариб келибди. Илон уяга яқинлашган экан, бешиктебратар илонга назасини бир санчибди, илон йикилибди. Кейин чумчук бешиктебратарни яна беозоргина тум-шугига олиб илгариги жойига элтиб кўйибди.

Илон йиқилгандан кейин уста бориб қараса, унинг кўзи кўр бўлиб қолган экан. Бешиктебратар илоннинг кўзига чанг солган экан. Унинг ана шундай одати бор экан.

ШЕР БИЛАН ТУЛКИННИНГ ОВИ

Бир куни тулки йўл бўйидаги ўтлар илдизини еб юрган экан. Шер келиб сўрабди:

— Нима қиляпсан?

— Егулик тайёрлайпман,— дебди тулки.

— Шу ўтларни еб нима қиласан? Кел, биргаликда овга борай-лик!— дебди шер.

Тулки рози бўлибди. Икковлари тўғри йилқилар галаси томон йўл олишибди. Шер тулкидан сўрабди:

— Танамдаги жунлар тикка бўлдими?

- Йўқ,— дебди тулки.
- Думим қўтарилдими?
- Йўқ,— дебди тулки.

Шунда шер ғазаб билан дебди:

- Кўзларим қизардими?
- Йўқ,— дебди тулки.

Шер даҳшат билан дебди:

- Эй эчки юрак, мен нима десам, сен «ҳа» демайсанми.

Тулки шернинг айтганини қилиб дебди:

- Танангдаги жунлар хурпайди, думинг қўтарилиган, кўзларинг эса қип-қизил!

Шер тулкининг гапларидан кувват олиб байталга ҳамла қилибди, байтал йиқилибди. Шер билан тулки байтал гўштини сб юришибди.

Мазахўрак бўлиб колган тулки бошқа куни ёлғиз ўзи овга чикибди ва йўлда қуёнга дуч келибди. Кейин қуённи ўзи билан бирга йилқилар томон олиб борибди. Тулки шерга тақлид қилиб, қуёндан сўрабди:

- Танамдаги жунлар тикка бўлдими?
- Йўқ,— дебди қуён.
- Думим қўтарилиганми?
- Йўқ.
- Кўзларим қизардими?
- Йўқ, мен сенда ҳеч қандай ўзгариш сезмаяпман,— дебди қуён.

Тулки даргазаб бўлиб:

- Мен нима десам, сен тасдиқла,— дебди.

Кейин қуён тулкининг айтганинги тасдиқлаб дебди:

- Танангдаги жунлар тиккайган, думинг қўтарилиган, кўзларинг қизарган.

Шундан сўнг тулки ўзини шердай ҳис қилиб байталга ҳамла қи- либди. Байтал чунон ҳам тепибдик, унинг туёғидан олов чиқиб, тул- кининг юз-қўзи конга бўялибди ва хушидан кетибди.

Қуён тулкининг юз-қўзидаги конни кўриб:

- Энди ҳакиқатан ҳам кўзларинг қизил, тананг мўйлари тик, ду- минг қўтарилиган,— дебди ва жўнаб қолибди.

ҚИРҚ ҚУРБАҚА

Бир ҳовузда қирқ қурбақа яшаркан. Уларнинг бошлиғи йўқ экан. Бир куни улар тўпланишиб ўзаро маслаҳатлашибди ва ораларидан битта қурбақани ўзларига бошлиқ қилиб тайинлаб дейишибди:

- Кимки ана шу сардорнинг ижозатисиз бирор хато иш қилса, адабини бериб қўямиз.

Қурбақа сардор бўлгач, орадан икки-уч кун ўтгач, ҳар куни битта- дан аъзосини сув остига олиб тушиб бўғар ва кейин қўйиб юборар экан.

Шу зайлда ўттиз тўққиз қурбақани сув остида бўғибди. Шу орада қурбақалар бошлиқни ёмон кўриб қолишибди.

Бир куни бошлиқ қаергадир кетган экан, курбақалар тўпланишиб, иундай маслаҳат қилибдилар:

— Боланг ўлгур бу бошлиқ бизни жуда қийнаворди-ку, келинглар, ўртоклар, унинг ўзини ҳам бир боплайлик.

Мажлисдан сўнг сардор пайдо бўлибди. Қурбақалар уни олиб ҳо- вузнинг чукур жойига тушишибди. Шунчалар қийнашибдик, бошлиқ қарийб ўлаёзиди.

Кейин бошлиқ дебди:

— Мени қўйиб юборинглар, энди сизларни бўғмайман.

Қурбақалар уни қўйиб юборишибди. Сувдан чиқкан бошлиқ тўгри илоннинг олдига борибди. Илонни чақирибди. У судралиб уйидан чи- қиби.— Эй илон, юр мен билан, биргалашиб менинг ҳовузим олдига борайлик. Ҳовузимда ўттиз тўққиз қурбақа бор, ейсан, қорнинг тўя- ди.— Илон бошлиқ билан ҳовуз лабига келибди. Ўттиз тўққиз қурбақа «бошлиқ келди», деб бирданига сув бетига чиқиби. Илон шу дамда биркам кирк қурбақани дамига тортиб ютиб юборибди. Бошлиқ дунёда танҳо қолибди. Илон дебди:

— Энди ўзингни ҳам ейман!

— Ие, наҳот яхшиликка ёмонлик қайтса?—дебди бошлиқ,— мен билан дўст бўл, мендан кўп яхшилик кўрасан.

— Сен дўстларингга вафодор бўлганингда, уларга бунчалик хиёнат қилмасдинг. Бу хиёнаткорликни бирор кун менга ҳам қиласан, яхшиси сени ейман,— дебдию қурбақалар бошлигини ҳам ютиб юборибди.

ТАКА БИЛАН ҚЎЙ

Бир тулки бўлган экан. Кунларнинг бирида унинг уйига етти бўри меҳмон бўлиб келибди. Бўрилар дебди:

— Биз йўлда келаётib тепаликда юрган така билан қўйни кўрдик, бор, ўшаларни бизнинг олдимизга олиб кел.

Тулки келиб қараса, ҳақиқатан ҳам тепаликда така билан қўй ўтлаб юрганимиш. Тулки уларга қараб дебди:

— Ўртоқлар, бугун мен тўй қиялпман, сизлар ҳам боринглар.

— Майли,— дейишибди улар. Кейин эса:

— Тулки бизни бекорга уйига чақирмайди, бунинг бир балоси бўлса керак,— дейишибди.

Улар аввал хўжайнларининг уйига боришибди, битта эркак бўри- нинг терисини така ёпибди, иккинчисини эса қўй. Улар тулкининг уйига етишиб, устилардаги териларни деворга илиб қўйишибди. Бир бўри чиқиб қараса, уй деворида иккита эркак бўрининг териси турган- миш, бирданига ҳалиги бўри қочиб қолибди. Кейин қолган бўрилар ҳам битта-битта чиқишиб ҳалиги нарсани кўриб жуфтакни ростлаб қолишибди. Тулки ўзи ёлғиз қолибди. Така билан қўй уни уй ичига ча- кириб, эшикни ичидан беркитишиб, ўртага олиб роса сузишибди. Тул- кининг ичак-чавоклари чиқиб кетибди.

Така билан қўй олиб борган териларини ёпинишиб, хўжайниннига келишибди ва уни жойига қўйиб, бориб яна тепалиқда ўтлаб юриша- верибди.

ТУЛКИ БИЛАН ХЎРОЗ

Бир тулки хўрозди алдаб емоқчи бўлибдию, аммо эплолмабди. Шундан сўнг хўроздаги дебди:

— Эй хўроз, мен рангимни сариқ қилдим, юрагимни совуқ қилдим, одамлар мени «Ҳалимумлум» деб аташади, энди мен ҳажга боришга аҳд қилдим. Мен билан борасанми?

Хўроздаги дебди:

— Ҳа, бораман!

Ўрнидан туриб хўроздаги тулки билан кетаверибди, олдиларидан бир каклик чиқиб сўрабди:

— Эй хўроз, сени бу тулки ейди, у билан қаерга боряпсан?

Хўроздаги дебди:

— Бу рангини сариқ қилибди, юрагини совуқ қилибди. Одамлар уни Ҳалимумлум деб атайдиган бўлишибди, ҳажга кетяпти, кел, иста- санг сени ҳам бирга олиб борамиз.

Каклик ҳам уларга ҳамроҳ бўлибди. Яна озгина йўл юрган эканлар ҳамки, қарға учраб қолибди ва:

— Эй нодонлар, сизларни бу тулки ейди,— дебди.

— Эй нодон қарға, бу рангини сариқ қилибди, юрагини совуқ қи- либди. Уни одамлар Ҳалимумлум деб атайдиган бўлибди, бечора энди ҳажни ихтиёр қилибди. Борсанг сен ҳам кел, бирга борайлик,— дебди каклик.

Қарға ҳам уларга йўлдош бўлибди. Шундай қилиб тўрт оғайни Хайрободни айланиб ўтиб, Чормағзак¹ка етишибди.

Кейин тулки дебди:

— Жўралар, шом бўлиб колди, келинглар энди тунни шу ерда ўтказайлик!

Сўнгра уларнинг учовини бир вайронага киритиб ўзи эшик тагида ухлади.

Ярим кечада хўроз қичқирибди. Тулки, «менинг уйқумни ҳаром қилдинг», деб хўрозди тутиб ебди.

Каллаи сахарда каклик хониш бошлабди.

Тулки:

— Падарлаънати, бомдод номозимни буздинг,— деб какликни ҳам ебди.

— Қарға, чиқ кетамиз,— дебди.

Қарға қараса тулкининг авзойи бузук. Шак-шак қилиб ғорнинг ат-рофини айланибди тулкига бирданига дебди:

— Ана Муллобобмнинг қайнатаси келди!

Тулки кўркқанидан эшик олдидан ташқарига чиқсан экан қарға

¹ Х а й рабод, Ч орм а ғза к — Норакдаги қишлоқ номлари.





учиб кетибди. Тулки уни қувлабди. Қарға бориб бир жар лабига күнибди. Тулки келиб ушлайман деган экан, қарға ўзини ўликка солиб жарликка ташлабди. Тулки ўзини қарғани устига ташлаган экан, майда-майда бўлиб кетибди. Қарға бўлса учиб кетибди.

ҲИЙЛАГАРНИНГ ЖАЗОСИ

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир айёр тулки бўлган экан. У ейишга тайёру ишдан безор экан. Бир куни у ёлғизлиқдан зерикиб йўл бошига чиқиб Тошбақа билан Чаённи кўриб қолибди.

— Ҳой, сен кимсан?— сўрабди Тулки Тошбақадан.

— Мендан сўраяпсанми? Мен Тошбақаман-ку.

— Мана бу жоноворча-чи?— Тулки писанд қилмай Чумолига ишора қилибди.

— Бу менинг дўстим — Чумоли бўлади.

— Нима, менинг дўстим дейсанми?— ҳайратланиб сўрабди Тулки,— ахир сен бу ожизлар тоифасига кирмайсан-ку! Қандай қилиб ҳа-шаротлар зоти билан ошна бўлиб қолдинг?

— Фарки нима, у ҳам жонивор, мен ҳам жонивор,— жавоб берибди Тошбақа.

Тулки бу гапларни эшитгач, бу икки нодон жониворларни бир бопламоқчи бўлибди.

— Бўлмаса, мен ҳам сизларга дўстман,— дебди Тулки,— икки дўстдан учтаси яхшироқ. Тошбақа билан Чумоли ҳам рози бўлибди. Оддинда Тулки, ўргада Тошбақа, орқада Чумоли йўлга тушишибди. Тулки ўртоқларини бир тўда бугдой тўкилган хирмонга олиб борибди.

— Жуда ажойиб сара буғдойлар эканми?— дебди Чумоли буғдой-нинг бир донасини олиб,— катта-катта, бўла буғдой экан, агар шулар-нинг ҳаммасини уйимга олиб кетсам, бутун қиши бўйи мазза қилиб еб чиқаман.

— Ҳой, Чумоли, сен дўстлик шартини бузмоқчимисан?— дебди Тулки.— Бизлар дўстлашдик, дўстлар эса топғанларини баравар баҳам кўришлари керак.

— Бу гапинг маъқул,— дебди Тошбақа.— Аммо бу буғдой жуда оз. Тақсимлаб олишга арзимайди ҳам. Яхшиси бирон яхшироқ ер то-пид буни эйлигу кейин ҳосилини ўзаро бўлиб олайлик.

Улар буғдойни йигиштириб олибдилару яхшироқ ерни излаб ке-тибдилар.

Юриб-юриб Тулки бир тепалик остини танлабдио дебди:

— Мана шу ер яхши ва юмшок! Шу ерга экамиз.

Учовлари буғдойни бир ерга кўйишиб, ерни шудгор қила бошлаб-дилар. Бир оз ишлаганларидан кейин Тулки тепаликка ишора қилиб дебди:

— Назаримда ана шу тепалик еримиз устига йиқилаётгандай. Агар йиқилас борми, бутун меҳнатимиз барбод бўлади. Сизлар шудгор қи-лаверинглар, мен бориб тепаликни суюб турман,— дебдио, дўстлари лом-мим демасданоқ чопиб бориб тепалик устига чиқибдию бемалол роҳат қилиб ухлайверибди.

— Бу дўстимиз бизни алдамоқчи шекилли,— дебди Тошбақа пешонасидан оқаётган терни сидириб.

— Парво қилма, агар алдайдиган бўлса жазосини бераман,— уни тинчлантирибди Чумоли.

Чумоли билан Тошбақа шудгорни тамомлаб, донни сепиб дам олишмоқчи бўлибди.

— Яхши меҳнат қилдик,— дебди Тошбақа шудгорга нигоҳ ташлаб.

— Меҳнат қилдик, роҳатини кўрамиз,— дебди Чумоли.

— Мен ҳам сизлардан кам меҳнат қилмадим,— дебди шу пайт тепаликдан тушиб келган Тулки.— Хайрият ҳам борганим, тепалик йиқилаётган экан, агар чорасини кўрмаганимда ағдарилардио ҳамма- миз унинг тагида колардик ва ҳолимизга йиглайдиган ҳеч ким ҳам то- пилмасди. Сизлар бу ерда шудгор қилдиларинг, дон сепдиларинг, мен бўлсам тепаликни суриб-суриб анча узоққа олиб бордим. Шундай ҳа- ракат қилдимки, тамоми томирларим зиркираб оғрияпди.

Орадан бир қанча вақт ўтибди. Юмшоқ ер остидан бугдой униб чи- қибди. Кейин буғдой ниҳоллари қаддини ростлаб, бошоқ чиқариб, дон тугибди.

Чумоли ва Тошбақа буғдойзор қошига келибди. Улар етилиб пиш- ган буғдойни ўрибдилар, боғлабдилар, хирмонга олиб келиб янчибди- лар, сўнгра шамолда ғалвирдан ўтказиб, уни тақсимлаётганларида Тулки ҳам етиб келибди.

— Салом, шериклар! Бу буғдой кўп эмас-ку,— дебди думини ўйнатиб.— Учга тақсимласак, ҳар биримизга оз-оздан тегади, барака- си учади. Яххиси, биттамиз олайлик қўяйлик.

— Бўймаса, сен олма, меҳнат қилганинг йўқ,— дебди Тошбақа.— Мен билан Чумолига шуниси ҳам етади.

— Йўқ, Тошбақа, сен дўстлик аҳдини бузма!— деб эътиroz билди- рибди Тулки.

— Келинглар, шарт боғлаймиз, ким ютса буғдой ўшанини бўлсин,— дебди Тошбақа.

— Қандай шарт?— сўрабди Чумоли.

— Ҳар учаламиз хув анови сада дараҳти олдидан чопиб келамиз, ким биринчий етиб келса, буғдой ўшаники.

Тошбақа рози бўлмабди.

— Сен биздан олдинроқ келишингни биласан-да. Бу шартинг бўлмайди!

Чумоли Тошбақага эътиroz билдириб дебди:

— Ҳали кимнинг олдин келиши номаълум. Тулкининг шартини қабул қиламиз.— Чумоли Тошбақага караб кўзини қисиб қўйибди- ю, Тулки сада тагига йўл олгач, унинг қулоғига бир нималар деб шип- шибди.

Учовлари сада тагига етиб келибдилар. Масофа қарийб юз одимча келаркан.

— Тайёрланинглар,— дебди Тулки.

Чумоли билан Тошбақа чопишга тайёрланишибди.

— Бир, икки, уч! Чопдик! — дебди Тулки ва хирмон томонга чопиб кетибди.

Чумоли индамасдан Тулкининг думига маҳкам ёпишиб олибди. Тулки кўз очиб юмгунча хирмонга етиб келибди.

— Мана, энди буғдой менинг хаққи ҳалолим бўлди! — деб думини буғдой устига ташлаб қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Ҳой, Тулки, қаҳқаҳани бас қилу думингни кўтар! — дебди Чу- моли Тулкининг думи учидан буғдой юзига тушиб. — Сен бу буғдой «менинг хаққи ҳалолим» дедингми? Мен олдинроқ келиб бу ерда ўти- рибману буғдой сенини бўларканми?

Тулки ҳайрон бўлиб сўрабди.

— Сен қандай қилиб мендан олдин етиб келдинг-а?

— Сен билан баравар чопиб келдим, — жавоб бериди Чумоли.

— Ишонмайман! — дея Тулки жанжал кўтарибди. Жанжал устига Тошбақа етиб келиб дебди:


— Ҳой, Тулки, жон ширинми ё буғдой?

— Бу нима деганинг? — сўрабди Тулки аччиқланиб.


— Итнинг овозини эшитмаяпсанми? Икки този ит сени излаб юрибди.

Тулки итдан ўлгудай кўрқаркан. Тошбақанинг гапига ишониб, орка-кетига кармай қочиб қолибди.

Чумоли билан Тошбақа унинг аҳволига роса кулишибди. Ҳийла- гарнинг жазоси шу! Кейин буғдойни баравар бўлиб олишибдию уйла- рига олиб бориб қишиш бўйи маза қилиб еб ётишибди.



ХАЖВИЙ ЭРТАКЛАР





ИККИ ШАЙХ ВА БИР ДЕХҚОН

Икки шайх Маккани зиёрат қилиш ниятида йўлга чиқишибди. Офтоб қиздирар экан, шайхлар ҳолсизланиб дам олишибди.

— Йўлимиз анча узоқ, агар бирон киши юкимизни кўтаришиб бормаса, бўлмайди,— дебди улардан бири.

— Агар ахволимиз шу тарзда кечса, биз ҳалок бўламиз,— дебди иккинчиси.

Шу пайт бир дехқон келиб қолибди.

— Ҳей худонинг бандаси,— чақиришибди шайхлар,— биз ҳажга кетмоқдамиз. Узоқ йўл босиб анча ҳолдан тойдик, мана шу юкимизни нарироқкача олиб бориб берсанг, савоби тегади, бу дунёда роҳат кўра-сан-у, у дунёда жаннати бўласан.

Дехқон факиргина, гапга кўнадиган киши бўлганлиги учун сало- батли, оппоқ соқолли бу икки шайхнинг гапини қайтара олмабди.

Шайхлар олдинда, дехқон эса юкни кўтариб улар ортидан йўлга тушибдилар. Шайхлар юксиз бўлганликлари учун дам олмай тез юриб боравердилар, дехқон эса очлик ва оғир юк азобидан зўрга қадам таш- ларкан.

Ниҳоят, шайхлар'бир дарахтнинг тагида дам олмоқчи бўлишибди. Улар сал нарироқка бориб номоз ўқий бошлабдилар.

— Озиқ-овқатимиз хам айтарли кўп эмас,— дебди бир шайх паст овозда,— бу оч дехқонни шерик қилсак, ҳаш-паш дегунимизча бор- йўғимизни еб тугатади.

— Бирон чора топиш керак,— дебди иккинчи шайх.

Иккала шайх жойнамоз устида маслаҳат қилиб келишиб дехқонга:

— Ўт ёқ, уччаламиз шомгача ўт атрофида ухлаймиз. Ғойибдан фармон бўлди: кимки яхши туш кўриб турса, битта-яримта нарса ейди, туш кўрмаса ёки ёмон туш кўрса овқат сийиш увол,— дейишибди.

Деҳқон рози бўлибди. Ҳаммалари уйқуга кетишибди.

— Ажойиб бир туш кўрибман,— дебди шайхлардан бири бир неча вақтдан кейин уйғониб,— чиройлигина, пешонаси оппоқ, канотли, эгар-жабдуқлари тиллодан бир отга миниб тўртингчи осмонга чиқиб фаришталар, малойикалар билан суҳбатлашибман.

4- Бу жуда яхши туш,— дебди иккинчи шайх ўрнидан туриб,— менинг тушимда фариштаю малойикаларнинг ўзлари еттинчи осмон- дан тушиб келишиб, мени кўтар-кўтар қилишиб ўз манзилларига олиб боришиб роса меҳмон қилдилар.

Деҳқон кўзларини уқалаб, ўрнидан туриб дебди:

— Бу туш эмас, ҳақиқатнинг ўзи. Мен уйғоқ эдим, биттангиз пе- шонаси оқ отга, иккинчингиз фаришталар кафтига ўтириб еттинчи осмонга чиқиб кетдиларинг. Мен сизларни фариштаю малойикалар роса меҳмон қилишади, улар оч қайтмайдилар деб хуржунни очиб, қорнимни тўйдириб олдим. Қорним тўйга, ухладим, аммо ҳеч туш кўрмадим.

Шайхлар шошиб хуржунни очиб кўрсалар на тарвуз, на яхна гўшту ва на жizzали нонлар қолибди.

ЗОЛИМ БОЙ ВА ЗИЙРАК КАЛ

Бир хотин бор эди. Унинг эри барвакт ўлиб, учта ўғли етим қолиб-ди. Бечора аёл минг азоб билан юрак-бағри қон бўлиб чарх йигириб фарзандларини катта қилибди-ю, аммо унинг сўнгги соч толаларига ҳам оқ тушибди. Бир куни у болаларини чақириб дебди:

— Энди, болаларим, сизлар ҳам каттагина йигит бўлиб қолдила- ринг, мен эса қариб ҳолдан кетдим, жонсиз қўлларим энди чарх йигира олмайди, нурсиз кўзларим игна тешигини тополмайди, мардикорлик қилиб ўз нонларингни, ризқларингни топиб енглар!

Бу гапни эшишган тўнгич ўғил дебди:

— Онажон, менинг тани жоним соғ, қўлларим бақувват, марди- корлик қиласман, нимаики топсан олиб келаман.

Хотин нон ёпиб, ўғлига бир рўмол тутиб бериб, дуо қилиб йўлга кузатибди.

Йигит юриб-юриб бир шаҳарга келибди. Сўраб-суроштириб бир бойнинг ховлисини топиб дарвозани тақиљлатибди. Бой чиқиб қараса эшик олдида бир йигит турган экан.

— Менда нима ишинг бор?— сўрабди бой.

— Мен мардикорман,— дебди йигит.

— Қўш хайдай оласанми?— сўрабди бой.

— Хайдай оламан.

Бой йигитни ичкарига олиб кириб дебди:

— Майли, сени мардикорликка оламан, аммо бир шартим бор, агар шуни қабул қылсанг, сенга күплаб молу дунё бераман, қабул қымасанг йўлингдан қолма.

— Шартингизни айтинг.

— Мен нимани десам бажарасану, лекин хафа бўлмайсан. Агар хафа бўлсанг, қулоқ-бурнингни кесаман, башарти мен сендан хафа бўлсам, сен менинг қулоқ-бурнимни кесасан,— дебди бой.

Йигит ўйлануб тургач, рози бўлибди. Эрталаб бой уни ширин уйку- сидан уйғотиб, битта нон бериб дебди:

— Тур, қани ишга жўна!

Йигит бойнинг амрига кўра, бир эшакка буғдой, хўқизларга омоч- бўйинтурукни юклаб далага кетибди. Дарвозагача кузатиб қўйган бой дебди:

— Бугун мана шу буғдойнинг ҳаммасини ерга сепасан, кайтишда бир эшак ўтин келтирасан.

Йигит «хўп» дебдию жўнаб кетибди. У меҳнаткаш, бақувват йигит бўлганилиги учун анчагина ерни ҳайдабди, буғдой сепибди, кечқурун тоққа чиқиб бир дўлана дараҳтини майдалаб, эшакка ортиб хўжайнин уйига кетибди. Бой унга пешваз чиқиб дебди:

— Қалай, ҷарчамадингми, хафа эмасмисан?

Йигит бунчалик оғир меҳнатдан сўнг анча толиққан бўлса-да, шар- тни эслаб:

— Йўқ, ҷарчамадим, хафа эмасман,— дебди. Эртаси куни бой уни яна эрта уйғотиб ўша ишни буторибди. Йигит бойнинг айтганларини зўрга бажариб, кечқурун уйга қайтибди. Бир неча кун аҳвол шу тарзда давом этибди. Оғир меҳнат уни борган сари холдан кеткизар, мадори- ни қуритар экан.

Бир куни у бойникига ўтисиз, маъюсланиб кириб келибди. Ўтин ўйклигини кўрган бой сўрабди:

— Нега ўтин келтирмадинг?

— Кеч бўлиб ўтин килолмадим.

Бой унга анча дашном бергач, сўрабди:

— Хафа бўлдингми?

Сабр косаси тўлиб-тошган йигит тоқат қилолмай дебди:

— Бу азобларга қандай ҳам тоқат қилиб бўлади, сен золим экансан.

Бой:

— Хафа бўлибсан-да!— дея, унинг қулоқ-бурнини кесиб ҳайдаб юборибди.

Йигит уйига келибди. Ўғлининг қулоқ-бурни кесилганини кўрган онанинг оҳу фигони кўкка қўтарилибди. Бечора она йиглаб, нола чекиб сўрабди.

— Азиз болагинам, сенга нима бўлди-а?

Йигит бўлган воқеани айтиб берибди. Буни эшигтанча ўғил газабланиб дебди:

— Сен танбаллик қилиб шу аҳволга тушибсан, мен бориб сенинг ўрнингда хизмат қиласман, бойнинг шартларини бажариб, ундан кўплаб молу дунё ундираман.

У ўрнидан туриб бойникига жўнабди. Бойнинг уйига бориб, эшиги- ни тақиллатибди. Бой чиқиб сўрабди:

— Менда нима ишинг бор?

— Мен акамнинг ўрнига хизмат қилгани келдим,— дебди йигит. Бой унга ҳам шартларини айтибди. Йигит рози бўлибди. У ҳар куни эшакка буғдой,

хўқизларга омочу бўйинтуруқларни ортиб бой ерига борар, кечқурун эса эшакка ўтин ортиб қайтар экан. Бир неча кун шу зайлда ўтибди. Бир куни йигит жуда чарчаб, ўтисиз қайтибди.

Бой буни кўриб норози бўлиб дебди:

— Нега ўтин келтирмадинг?

— Чарчадим,— дебди йигит.

Аччиқланган бой унга ҳам дашном бергач, сўрабди:

— Хафа бўлдингми?

Йигит тоқати тоқ бўлган экан, сабр қилолмай дебди:

— Албатта, ахир бу зулму таҳқирдан киши кандай қилиб хафа бўлмайди?

Бой шу заҳоти унинг ҳам қулоқ-бурнини кесиб, ҳайдаб юбо- рибди.

Йигит нолаю фифон билан онасининг қошига келибди. Кампирнинг юракларни эзувчи нолиши яна қайтадан янгиланибди, у қулоқ-бурун- сиз фарзандларига тикилганича:

— Уйинг куйгур бой, илоҳим яхши кун кўрмагин,— деб қарғабди.

Кампирнинг кенжা ўғли-кал дебди:

— Акалар, сизлар бўшлик, нодонлик қилиб шу аҳволга тушибсиз- лар, мен бориб бойнинг шартини бажараман.

— Йўқ, болам, борма, сен ҳам шу аҳволга тушсанг мен нима қила- ман!— дея онаси унга йўл бермабди. Аммо кал онасининг гапларига қулоқ солмай чиқиб кетибди.

Кал бориб бойнинг эшигини тақиллатибди. Бой чиқиб сўраб- ди:

— Ҳа, кал, менда нима ишинг бор?

— Акаларим келиб сизнинг шартингизни бажариша олмабди, уларнинг ўрнига хизмат қилмоқчиман,— дебди кал. Бой кални ичка- рига олиб кириб, ўша шартларини айтибди. Кал рози бўлибди. Тонг отибди. Бой кални уйготиб кўш хайдагани юборибди. Кал ер бошига келиб бойнинг бир эшак бугдойини жарликка ағдариб, дараҳт соясида бемалол уйқуга кетибди. Кеч кириб, кал омочу бўйинтуруқларни син- дириб эшакка ортиб уйга жўнабди. Ҳовлига етиб келгач, хўжайинни чақирибди-да:

— Мана, ўтин, олинг,— дебди.

— Эй калжон, бунақангি қуруқ ўтинни қаердан топдинг?— сўраб- ди бой.

— Омоч-бўйинтуруғингизни синдиридим-у, олиб келавердим,— жа- воб берибди кал.

— Нега бундай қилдинг?

— Хўжайин, хафа бўлдингизми?

Бой газабини ичига ютиб:

— Йўқ, хафа эмасман,— дебди.

— Хафа бўлмасангиз,— дебди кал,— эрталабгача бир жуфт омоч-бўйинтуруқ тайёрлаб қўйинг.

Эрталаб кал яна ер хайдагани кетибди. Буғдойни жарликка ағда-риб, бемалол ухлаб, омоч-бўйинтуруукларни синдириб, ўтин қилиб қай-тиб келибди.

Бой буни кўриб ич-ичидан қуиб ёнса ҳам лом-мим демабди. Шу зайлда бир ой ўтибди. Бир куни кал қўш ҳайдоётуб ўзича узоқ ўйлаб-ди-да, хўқизлардан бирини сўйиб, гўштини қопга тикиб, эшакка юклаб, омочу бўйинтурукни синдириб унинг устига ортганича бойникига ки-риб келибди.

— Эй кал, битта ҳўқиз кани?—сўрабди бой.

— Сўйдим,— дебди кал,— гўшти қонда, хафа бўлдингизми?

— Йўқ хафа эмасман.

Кал ҳар куни буғдойни жарга тўкар, омочу бўйинтурукни синдирап ва хўқизни сўяр экан. Бир куни хонавайрон бўлаётганини сезган бой хотинига дебди:

— Бу кал ҳамма нарсамизни қўкка совуряпти, тоқатим тоқ бўлди, хафа эканлигим маълум бўлади-ю, кал менинг кулок-бурнимни кесади, унинг кўлидан кутулишнинг бирдан-бир йўли-қочиши.

Бу маслаҳат унинг хотинига ҳам маъкул бўлибди. Ўша куни ко-ронги тушиши билан улар барча анжомларини йиғишириб, киммат-баҳо нарсаларини бир сандикка жойлаштирибди-да, тонг саҳарда қо-чиши мўлжаллаб уйкуга кетибдилар.

Ховлидаги ишларнинг ҳаммасидан кўзу қулок бўлиб юрган кал эр- хотин уйкуга кетиши билан сандикдаги қимматбаҳо нарсаларни бир жойга яшириб, ўзи сандикқа кириб олибди.

Ярим кечада бой ва унинг хотини уйғониб, нарсаларини орқалаб йўлга тушибдилар. Қўёш чиқибди, улар чарчашиб бир булоқ бўйидаги жойда дам олишга ўтирибдилар. Шунда бой хотинига дебди:

— Чой қайнат, бир оз тамадди қилайлик.

— Кал бўлганида ўтин олиб келарди,— дебди хотини.

Бу гапни эшитган кал сандикдан овоз чиқарибди:

— Мен бу ердаман, хизматларингга тайёрман.

Бу воқеадан газабланган бой дод солибди:

— Эй лаънати кал, бир омбор ғалладан бир дона ҳам қўймадинг, хўқизларни сўйдинг, омоч-бўйинтуруукларни синдирединг, яна бир сан-диқ молу дунёни ўйирлаб, менинг ортимдан келдингми? Сенда инсоф деган нарсанинг ўзи борми, айт-чи?!

— Эй хўжайин, хафа бўлганга ўхшайсиз-а?— дебди кал.

Ўзини тутолмаган бой янада қаттикроқ бақирибди:

— Ахир шунака номаъқулчиликлардан кейин мен хафа бўлмай ким хафа бўлсин?

— Ана шартни ютқаздингиз!— дебди кал ва ёнидан пичокни чиқа-риб, бойнинг қулок-бурнини кесиб ташлаб, акаларининг қасосини олиб муроду максадига етибди.

ЗИЙРАК ҚЎСА

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда бир қўса бўлган экан. Унинг хотини ва биттаю битта ўғли бор экан. Бир куни у касал бўлиб ётиб қолибдию ўғлини олдига чакириб дебди:

— Ўғилгинам, ўша молимизни олиб бориб сотгину пулинин яшириб кўй, башарти мен ўлиб қолсам иссиқ-совуғимга сарфлаб обрў оласан.

— Хўп,— дея, ўғли сигирни ҳайдаб бозорга жўнабди. У йўлда ке- таётган экан, олдидан учта мулла чиқиб қолибди. Муллалар ёшгина йигитчанинг каттагина молни қийналиб бозорга олиб кетаётганини кўриб уни тўхтатиб сўрашибди:

— Бу сигирни қаерга олиб кетяпсан?

— Бозорга, сотгани,— дебди йигитча. Муллалар ўзаро пичирлашиб нималардир дейишибдию кейин йигитчага:

— Бозор анча йироқ, овора бўлиб юрма, сигирни бизга сотгину қўйгин,— дейишибди.

Йигитча рози бўлибди. Муллаларнинг ҳар бири унга бир дўппидан тут майиз беришиб, сигирни олиб кетишибди. Йигитча эса бемалол тут майизни еб уйига кетаверибида.

Уйига етиб келгунча бир дўппича тут майизни еб, қолганини ота- сига олиб борибида.

Отаси ёстиқдан бошини кўтариб дебди:

— Ўғлим, сигирни сотиб келдингми?

— Ҳа, сотдим, мана пули,— деб йигит тут майизни отасига кўрса- тибди. Кўса рўмолнчани очиб қараса, тут майиз экан. Ҳайрон бўлиб дебди:

— Пул қани, молни сотган пулинг қани?

— Муллалар фақат шуни беришиб,— дебди ўғли.

Кўса ғазабланибди:

— Оббо, сен нодон бола-е, сени айёр муллалар алдашибди. Салги- на тузалсан уларни шундай жазолайки.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач кўса тузалиб, муллалардан қасос олиш пайига тушибди.

У эшагини оғилдан чиқариб, ювиб тозалабди, оғзига учта тилла со- либ бозорга олиб борибида. Одамлар кўса атрофида тўпланишиб, эша- гининг нархини сўрашар, у эса юз танга дер экан. Бундай қиммат нар- хни эшитган харидорлар таажжубланишиб нари кетишаркан.

Орадан анча вакт ўтгач, ҳалиги уч мулла бозорга кириб келибди. Қарашса, кўса семизгина эшакни ушлаб турганмиш. Улар кўсанинг олдига келиб сўрашибди:

— Эй кўса, эшагингнинг нархи неча пул?

— Юз тилла,— дебди кўса.

— Эшагингнинг қандай хислати борки, бу қадар қиммат?— сўраб- ди муллалар ҳайрон бўлишиб.

— Бу эшак,— дебди кўса,— тилла қусадиган эшак, ҳар бир ҳанг- раганда оғзидан битта тилла тушади.

— Қани бир синайлик-чи,— дейишибди муллалар ва тикилиб ту- ришибди. Кўп ўтмай эшак бошини кўтариб ҳанграган экан, оғзидан битта тилла тушади. Муллалар пичир-пичир қилишиб ўзаро масла- ха глашиб яна бир марта оғзидан тилла тушса сотиб олишга қарор ки- лишибди. Анча вактдан кейин эшак яна ҳанграбдию оғзидан яна битта тилла тушади. Муллалар эшакнинг тилла ташлашига ишонишиб, юз тиллага сотиб олишибди. Кўса уларга: «Эшакни яхши боқиши, доимо тозалаб ювиб туриш керак, акс ҳолда тилла ташламайди», деб уқди- рибди.

Муллалар эшакни олиб кетишибди. Анча йўл юрганларидан кейин эшак тупроқ тўдасини кўриб ағанай бошлибди. Думалаб-думалаб чангу тупроққа

беланиб ўрнидан турибди. Муллалар дарров уни сувга олиб бориб яхшилаб ювишиб, гул тикилган шойи рўмоплари билан артишиб тозалашибди. Кейин эшакни хайдаб уйларига элтибдилар. Бир оғилни тозалашиб, ерга похол ташлашиб эшакни боғлабдилар.

Ярим кечада эшак ҳанграбди. Муллалар уйкуларидан уйгониб чи- рок ёқиб, оғилга чопибдилар. Излаб-излаб похол ичидан бир тилла то- пиб олишибди. Энди улар эшакнинг тилла ташлашига тамоман ишо- нишибди ва нихоятда хурсанд бўлишиб:

— Ичи хазина бўлган эшакнинг дарду балоси жонга урсин,— дей- ишиб, унинг юз-кўзларини ўпишибди, ёлу думини силашибди, охурига эса қанду майиз тўкишибди.

Эрталаб эшак яна ҳанграбди. Муллалар оғилга чопишибди. У — ёқни излашибди, бўёкни излашибди, аммо хеч каердан тиллани топи- ша олмабди. Похолнинг барини титиб ташлашибди, лекин танга то- пилмабди. Кўп ўтмай у яна ҳанграбди, келиб яна излашибди, изла- шибди, аммо хеч нарса топиша олмабди. Шунда муллалар қўсанинг алдаганини фаҳмлашибди. Улар қаттиқ газабланиб биттадан таёқ кўтариб қўсадан қасос олиш учун унинг уйини излашга тушишибди.

Кўса эса муллаларнинг бугун бўлмаса, эртага ҳақиқатни англаб, уйига келишини биларкан. У кутулиш чорасини излаб ўрмондан икки- та қуён топиб келибди ва улардан биттасини кўйнида олиб қолиб, ик- кинчисини хотинига бориб дебди:

— Мен ер ҳайдагани бораман, муллалар келиши билан, «фалон жойда ер ҳайдаяпти», дегину улар менинг олдимга равона бўлишлари билан бир товоқ мазали овқат пишириб ана шу куённи олиб менинг олдимга бор.

Кўса ер ҳайдагани кетиши билан муллалар доду фарёд кўтаришиб келиб, унинг дарвозасини тақиллата бошлишибди. Кўсанинг хотини чиқиб кимда ишлари борлигини сўрабди.

— Кўса керак, фирибгар, қаллоб кўса керак!— дейишибди мул- лалар.

Хотин:

— У киши қўш ҳайдагани кетган, ўша ерга боринглар,— дебди. Муллалар доду фарёд қилишиб қўсанинг олдига келишибди. Кўса ишини ташлаб дарров уларнинг олдига келибди ва одоб билан икки қўлини қўксига кўйибди-да, сўрабди:

— Эй азиз муллалар, қайси динсиз сизларнинг соғ ва муқаддас қўнгилларингни ранжитди, қайси виждонсиз сизларнинг виждонла- рингни газабга келтирди?

Муллалар бир овоздан бақиришибиди:

— Сен, сен бизнинг кўнглинизни ранжитдинг, пок виждонимизни қийнаб, газабимизни келтирдинг.

— Ундай бўлса,— дебди кўса,— менга жазо беринглар, аммо мен аввал азиз меҳмонларимни сергўшт, серёғ ош билан зиёфат қилишни ўзимнинг муқаддас бурчим деб биламан.

Кейин кўса кўённи кўлига олиб дебди:

— Бориб аянгга айтгин, тезлик билан бир товоқ сергўшт, серёғ ош пишириб келсин, ўзинг ҳам бирга келгин!

Кўса кўённи қўйиб юборишиб. Қуён бор кучи билан қочиб бир зум-да кўздан ғойиб бўлишиби. Бир соат ўтмасдан қўсанинг хотини бир қўлида ош товоғи, бир қўлида кўён билан келиб қолибди. Муллалар иштаҳа билан лаззатли ошни еб, бир-бирларига пичирлашиб маслаҳат қила бошлабдилар.

Катта мулла дебди:

— У юз танга садқайи сар, бир илож қилиб шу кўённи қўлга кири-тиш зарур, қўлга киритишимиз билан у бизнинг ҳар хил топшириқла-римизни бажарганини қўриб халойиқ қойил қолади ва бизга эътиқоди янада кучаяди.

Уччала мулла ҳам бу фикрни маъқуллашиб, кўсага:

— Кел, шу кўёningни бизга сот,— дейишибиди.

— Йўқ, сотмайман, бундай яхши дастёрни топиш асло мумкин эмас,— дебди кўса.

Муллалар зорлана бошлашибиди:

— Кел, бизга сотақол, биз эшак учун берган юз тилламизнинг ҳам баҳридан ўтамиз, қўёningга ҳам юз тилла берамиз,— дейишибиди.

— Майли,— дебди кўса,— жуда ялиндиларинг, сотсан сота қолай.

Муллалар юз тилла беришиб, курсанд бўлиб кўённи олиб кетиб-дилар.

«Қўшнимиз худойи килмокчи эди,— маслаҳат қилишибиди йўлда муллалар,— бориб худойини бошлайвер, бизнинг битта хабарчимиз бор, одамларни айтиб келади, деймиз».

Қўшниларининг уйига келишиб ўз маслаҳатларини айтишибиди.

Қўшини тезда икки-уч кишини чакириб қўй сўйиб, қозон осиб ош дамлай бошлабди. Муллалар эса:

— Бор, кишлоқнинг ҳамма эркакларини бизникига худойига чақи-риб кел!— деб, кўённи қўйиб юборишибиди.

Нону ош тайёр бўлса ҳам меҳмонлардан дарак йўқ эмиш. Иссик нонлар совиби, ош ланж бўлишиби, шундан кейин қўшни томга чиқиб чакира бошлабди:

— Ҳой одамлару одамлар, сизлар қандай кишиларсизки, хабарни эшитган бўлсаларинг ҳам келмайсизлар?

— Биз ҳеч қандай хабарни эшитмадик,— дейишибиди, одамлар битта-битта тўплана бошлабдилар.

— Нега эшитмадиларинг?— ажабланишибиди муллалар.— Хабар-чимизни юборган эдик-ку.

— Хабарчиларинг ким эди?— сўрашибиди одамлар.

— Битта кўёнча эди,— дейишибиди муллалар.

— Биз бир күённи күрдик, у ўрмонга қочиб кириб кетди,— дей- ишибди баъзи кишилар.

— Тилсиз қүёнча қаердаю одамларни чакириб келиш қаерда?— кулишибди улар.

Муллалар яна бир бор қаттиқ алданганларига ишонч ҳосил килиб- дилар ва доду фарёд кўтариб кўсанинг уйига жўнашибди.

Кўса эса күённи сотиб муллаларни кузатгач, уйига келиб, битта хўрозни сўйиб, жигилдонини ажратиб, уни қонга тўлдириб хотинига бериб дебди:

— Муллалар келиши билан дарҳол буни олиб бўйнингга ос. Мен таёк билан бўйнингга бир ураман, сен ўзингни ерга ташлаб, ўликка со- ласану яна битта уришим билан бир акса уриб ўрнингдан турасан.

Орадан бир қанча вакт ўтгандан кейин муллаларнинг доду фарёди эшитилибди. Кўсанинг хотини дарҳол ўрнидан туриб қонга тўла жи- ғилдонни олиб бўйнига осибдию кўса таёкни олиб тайёрланиб турибди.

Муллалар кўсанинг дарвозасини синдиришиб, ўзини ҳакорат қили- шиб ичкарига киришибди.

— Сен хийлагар, сен кофир, сен имонсизсан, биз сени абжагингни чиқарамиз,— дейишибди муллалар кўсага мушт кўтаришиб.

— Сизлар мен билан бунчалик ўчакишиб қолдиларинг,— дебди кўса овозини муллаларнинг овозидан ҳам баландроқ килиб,— афтидан ўзимни ёки хотинимни ўлдирмасам сизлардан қутулмайдиганга ўхшайман.— У шундай деб, таёк билан хотинининг гарданига битта туширган экан, хотинининг бўйнидан қип-қизил қон оқиб, йиқилиб мурдадай котиб қолишибди. Муллалар қўрқишиб, ҳайрон бўлиб тури-шибдию кейин бирданига қочиб қолишибди. Кўса уларнинг йўлини тўсиб: «Таксирлар, ғам еманглар, менинг бу таёғим ўликни тирилтира- диган таёк, мен ҳозир хотинимни тирилтираман»,— дебди. Муллалар тўхташибди. Кўса таёғи билан хотинини бир урган экан, хотини аввал қимирлабди, кейин эса акса уриб ўрнидан турибди.

Муллалар пичир-пичир қилишиб, ўзларича маслаҳатлашибдилар ва таёкни сотиб олишга қарор қилишибди.

— Бу таёк билан,— дебди катта мулла,— ўликларни тирилтириб, эгаларидан катта-катта совға олиб шундай бойиб кетамизки, ҳатто оstonамиз ҳам тилладан бўлади.

Шундан кейин кўсага минг зор-тавалло қилиб таёкни сотиб олиб, чиқиб кетишибди. Йўлда кетаётib йиги товушини эшитиб қолишибди. Улар йиги келаётган томонга боришиса, бир ҳовлида хотинлар фарёд чекаётган эмиш.

— Хотинларга айтинглар, йигини бас қилишсин,— дейишибди муллалар,— ҳозир биз ўликни тирилтирамиз.

— Қандай қилиб тирилтирасизлар?— сўрашибди одамлар.

— Мана бу тирилтирувчи таёк билан,— дейишибди муллалар. Одамлар таажжубланишиб:

— Бу таёклиниг ҳам хабарчи күёнларинг кабидир. Йўқолинглар, биз сизларга энди ишонмаймиз,— дейишибди.

— Агар ишонмасаларинг, мана кўринглар, ҳозир ҳаммаларингни ўлдириб, яна тирилтирамиз,— деб катта мулла таёкни олиб одамларни

савалай бошлабди. Аммо ҳеч ким ўлмабди, ҳатто ерга йиқилмабди ҳам. Одамлар катта мулланинг қўлидан таёқни тортиб олишибдию муллаларнинг ўзини уриб кетибдилар. Муллалар қалтакка чидай олмай яланг оёқ, яланг бош қочиб кетишибди.

Шундан кейин муллалардан одамларнинг ихлоси қайтибди.

Шундай қилиб доно кўса хийлагар муллаларни қаттиқ жазолаб муроду мақсадига етибди.

САВОБТАЛАБ

Қадимги замонда умрида бирон марта ҳам савоб иш қилмаган бир киши бўлган экан. Бир куни у ҳовлисидағи супа четига ўтириб ўзига- ўзи дебди: «Мен умримда ҳеч савоб иш қилмадим, агар бориб киши- ларга ёрдамлашиб савоб олсан, жуда яхши бўлади».

Шу мақсадда у уйидан чиқиб кетаверибди, кетаверибди ва бир те- паликка бориб қараса, бир мўйсафиғид чол отидан тушиб, тепаликка чи- қиб чашмадан сув ича бошлабди.

Савобталаб киши: «Бу мўйсафиғид отини бўш қўйибди, оти қочиб ке- тиши мумкин. Бориб уни тутиб турсам, савоб бўлади»,— деб кўнглидан ўтказибди-да, чопиб келиб отининг юганини ушламоқчи бўлибди. От хуркиб қочибди. Савобталаб отнинг орқасидан кувибди, аммо ҳалиги киши қанчалик тез чопса, от ундан ҳам тез югурап эди. Бу хилда отни ушлаш мумкин эмаслигини билиб у бошқа йўлдан бориб, отнинг олди- дан чиқибдию отни орқага қайтармоқчи бўлиб, бир тошни олиб отибди. Тош отнинг кўзига тегиб, кўр қилибди.

Бу орада отнинг эгаси етиб келиб отини тутиб қараса оти кўр эмиш. От эгаси аччиқланиб савобталабнинг ёқасидан тутиб товон талаб қи- либди. Савобталаб дебди:

— Мен бир камбағал киши бўлсан, сенга товон тўлагани ҳеч нар- сам йўқ!
От соҳиби уни қозихонага судрабди.

Йўлда кетаётib улар эшаги лойга ботиб қолган бир кишига дуч ке- либдилар. У қанча уринса ҳам эшакни лойдан чиқара олмасди. Буни кўрган савобталаб ёрдамга келибди. У чопиб келиб эшакнинг думидан кўтарган экан, дум узилиб қўлида қолибди.

Эшак эгаси ғазабланиб савобталабнинг ёқасидан тутиб товон талаб килибди.

— Мен бир камбағал бўлсан, сенга товон тўлагани ҳеч вақом йўқ!— дебди савобталаб.

Битта даъвогар иккита бўлиб уни қозихонага судрашибди. Кеч бўлиб қолганлиги ўчўйлосиз айборни қамаб қўйибди-ю, даъвогарларга эртаси кун^Г!келишйни 'буорибди.

Савобталаб қамоқхонада ўтириб ўйлай бошлабди:

«Биттаси отнинг товонини олса, иккincinnи эшагининг товонини олса, мен нима қиласман. Яххиси, булардан қочиб кутуламан!»

Шу хаёллар билан у қамоқхонанинг деразасига тирмашиб, унинг панжарасини синдириб томга чиқибди.

Томма-том юриб, ўзини бир ҳовлига ташлабди. Ҳовлида бир кекса киши ухлаб ётган экан, савобталаб унинг устига тушибди. Мўйсафид кўркқанидан ўлиб қолибди. Чолнинг ўғли ўйғониб, савобталабни уш- лаб олибди, уни уриб-уриб тонг отиши билан қозихонага судрабди.

Йўлда келаётib савобталаб битта тошни олиб кўйнига солибди. Улар қозихонага етиб келишганда, қозихона эшиги олдида илгариги икки даъвогар хам кутуб турган экан.

Кўп ўтмай қози ҳам етиб келибди. Савобталаб қозини кўриб кўйнига ишора килиб тошни қимирлатиб кўйибди. Қози, бу киши би- рон қимматбаҳо нарса олиб келибди, деб ўйлаб савобталабнинг фой- дасига ҳукм чиқаришга қарор килибди.

Қози олдин от эгасидан сўрабди:

— Сенинг бу кишига қандай даъвонг бор?

— Бу одам отимнинг бир кўзини уриб кўр қилиб кўйди, товонини тўласин!

Кейин қози савобталабдан сўраган экан, у бўлган воқеани айтиб берибди.

— Агар воқеа шундай бўлса, одилона ҳукм шуки, отни сўйиб икковларинг баравар тақсимлаб олинглар!— дебди қози.

Отнинг эгаси рози бўлмабди. Қози ундан ҳукмга қарши чиққани учун ўн танга жарима олиб, қозихонадан чиқариб юборибди. Шундан кейин қози мўйсафиднинг ўғлидан сўрабди:

— Сенинг нима даъвонг бор?

— Бу одам ўзини отамнинг устига ташлаб уни ўлдириб кўйди,— деди мўйсафиднинг ўғли.

Қози савобталабдан сўрабди. У бўлган воқеани айтиб берибди. Қо- зи даъвогарга юзланиб дебди:

— Агар шундай бўлса, бу киши ерда ётсину сен унинг устига ўзин- гни ташла!

Мўйсафиднинг ўғлига бу ҳукм маъкул бўлмабди. Қози ундан ҳам ўн танга жарима олиб чиқариб юборибди.

Навбат эшак эгасига келибди. Қози ундан сўрабди:

— Сенинг қандай даъвонг бор?

Эшак эгаси, даъвогарларнинг аҳволини кўриб турган эди, ўйлаб- ўйлаб деди:

— Менинг хеч қандай даъвом йўқ, эшак ўзи туғма думсиз эди.

Қози ундан жарима олмай, чиқариб юборш...• ..иич дебди:

— Мен сенинг фойдангта ҳукм чиқариб,, сени. каттиқ жазодан хд- лос этдим. Қани энди олиб келганингни чиқар, -менга бер!

Савобталаб тошни кўйнидан чиқариб дебди:

ибън.

— Агар менинг фойдамга ҳукм чиқармаганингда мана шу тош би- лан тишларингни уриб синдирадим.

Қози уни ҳакоратлаб ҳайдаб юборибди.

МИРАЛИ, МИРВАЛИ ВА МИРКАРИМ

Билмадим, асли қаердан эканлар, уч киши — ҳаётнинг аччиқ-чучу- гини тотиган уч мўйсафид сафарга чиқибдилар. Нима сабабдан са- фарга чиққанларини ҳам айтольмайман. Менга факат шуниси маълум- ки, ҳар учови ҳам бир жойдан, бир шаҳардан ва бир гузардан эканлар. Улар ўрмону қирларни, тоғу тошларни босиб ўтиб, номозшом вақтида бир шаҳарга етиб, бир кишининг

уйига бориб тушибилар.

Үй эгаси ниҳоятда меҳмондўст бўлиб, уларни иззату икром билан қарши олибди.

Меҳмонлар билан үй эгаси чой қайнагунча чақчақлашиб ўтирибди- лар. Шу пайт меҳмонлардан бири қандайдир иш билан ташқарига чи- қибди, мезбон унинг ким эканлигини билиш учун сўрабди:

— Мана шу шерикларинг жуда пухтаю жаҳондийда кишига ўхшайди...

— Э, сўраманг,— дейишибди унинг гапини бўлиб шериклари,— номи Мирали, аммо ўзи бир ақлсиз, бефаросат эшакки, асти тенги йўқ.

Уй эгаси таажжубланибди-ю, аммо ҳеч нарса демабди.

Мирали қайтиб ичкарига кирибдию бошқа бир меҳмон ташқарига чиқибди.

— Бу киши ким?— сўрабди үй эгаси.

— Унинг ким эканлигини сўраб нима қиласиз!— дебди Мирали,— номи Мирвали, аммо ўзи молдан ҳам баттарроқ бефаҳму бетамиз.

Уй эгаси ҳайрон бўлибдию, аммо ҳеч нарса демабди.

Шу пайт Мирвали қайтиб кирибдию учинчи меҳмон ташқарига чи- қибди.

— Бу киши ким?

— Бу — Миркарим,— дейишибди Миралию Мирвали,— бир ит- мижоз, бадфеъл киши.

Уй эгаси кулимсираб ташқарига чиқиб кетибдию кўп ўтмай битта чиройлигина чинни косада устухон, гулдор, чиройли, қимматбаҳо то- воқчада кунжара ва ана шундай яна бир тақсимчада арпа олиб кириб- ди. Дастурхон ёзиб, арпани Мирвалининг олдига, кунжарани Мирили ва устухонни Миркаримнинг олдига қўйиб:

— Кани, марҳамат қилинглар!— деб, ейишга таклиф қилибди. Меҳмонлар аввал таажжубланибдилар, кейин ҳайрон бўлибдилар ва ниҳоят хижолат тортиб қип-қизаришибди. Улар үй эгасининг нима сабабдан бундай қилғанлигини тушуниб етибдилар.

ЧОЙХОНАДА

т. д. кДхПНР I**

Кунларнинг бирида Душанбе чойхонасига уч мусофири кириб ке- либди. Чойхўрлар мусофириларни кўришиб, қаердан эканликларини ва уларнинг юртларида қандай янги гаплар борлигини билмокчи бўли- шибди.

— Сиз қаердан бўласиз?— сўрашибди уларнинг биридан.

— Мен Кўлобданман,— жавоб берибди мусофири.

— Кўлобда қандай янги гаплар бор?

— Қандай гаплар дейсизми? Гап кўп,— жавоб берибди кўлоблик киши.—

Бизнинг юртимиз — ниҳоятда серсув жой. У ерда анҳору да- рёлар, кўллар жуда кўп. Бир дехқон шолғом экиб, серсув қилиб юбор- ган экан, битта шолғоми шунчалик катта бўлиб кетибдики, бутун Кўлоб унинг тагида қолиб кетишига сал қолибди. Икки юз киши икки ой чопиқ қилибди.

Чойхўрлар ҳайрон қолишиб, иккинчи мусофиридан сўрашибди:

— Сиз қаердансиз?

— Самарқанддан.

— Самарқандларингда қандай янги гаплар бор?

— Э, асти сўраманглар, Самарқандимизда икки минг дегрез бир бўлиб шундай бир қозон ясашибди, бунақаси ҳеч қаерда бўлмаган. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, қозоннинг бир томонидан иккинчи томонига ўтиш учун бир ой йўл юриш лозим.

Чойхона ахлининг ҳайратлари янада ошиб, учинчи мусофирига юз ўгирибдилар.

— Буларнинг ҳамма айтганлари рост,— дебди учинчи мусофири.— Мен Бухороданман. Яқинда шаҳримизда ажойиб бир воеа рўй берди. Икки минг мардикор тўпланиб шундай бир ўчоқ қазишибди, улкан тоғни чаппа қилиб, ичига ташласангиз ҳам йўқ бўлиб колади. Бухоро- нинг ҳамма ўтинини йиғиштириб келишиди-ю, Самарқанддан ҳалиги қозонни келтириб ўрнатишиб, Кўлобдан эса шолғомни олиб келиб қо- зонга солиб ўн кечакундуздан бўён ўт ёқишибди, қани энди шолғом пиша қолса. Ана шу шолғом пишса, Кўлобу Ҳисор, Душанбе билан Самарқанд, Хўжанду Панжакент ахлини меҳмондорчиликка чаки- ришимокчи. Айтишларига қараганда, ана шу шаҳарлар ахолиси бу шолғомни етти йил еб ҳам тутатолмас эмиш.

— Гап ковласанг, гап чиқаверар экан-да,— дейишибди чойхўрлар.

Мусофирилар бош кимирилатиб тасдиклашибди.

ҚАРИЛИК АЛОМАТИ

Кексайиб қолган бир киши ёш бир табиб олдига бориб арзи ҳол қилибди:

— Ўғлим, менинг кўзларим оғрияпти.

— Бу кексалик аломати, ота,— жавоб берибди табиб.

— Бошим ҳам оғриб ҳеч тинчлик бермайди-да,— яна шикоят ки- либди мўйсафид.

— Бу ҳам қарилек аломати,— дебди табиб.

— Бир неча вақтдан буён биқиним санчиди, буниси нимадан экан-а? г
виги..;

— Буниси ҳам кексалик аломати, отахон.

— Ҳаммаси кексалик нишонаси бўлса кўлларим нега оғрийди экан?—
сўрабди бемор.

— Бу ҳам кексалик аломати.

Шунда нуроний киши аччикланиб:

— Сендей табибга минглаънат, наҳотки касалликларнинг ҳаммаси қарилек аломати бўлса! — дебди.

Табиб унга тасалли бериб дебди:

— Ота, бирданига жаҳлингиз чиқди, танангизни қалтироқ босиб, кўзларингизда қизиллик пайдо бўлди — буларнинг ҳаммаси кексалик аломати.

ЛАКУ ПАК ҲАҚИДА ЭРТАК

Бор экану йўқ экан, бир Лак билан бир Пак бўлган экан. Улар эру хотин эканлар. Лаку Пакнинг бир қизи бўлган экан. Йиллар ўтиб, қизи вояга етиби, хусни жамоли барною, аммо ақли норасо экан. Кўни- қўшнилар унинг гўзаллигини тўрт томонга овоза қилишибди. Буни эшитиб бир куни Лаку Пакнинг уйига совчи келибди.

— Қизим,— дебди Лак,— бу кишилар сенга совчи бўлиб кели- шибди, дарров бир кумғон сув олиб кел! Чакконрок боргинки, оёқ- қўлли қиз экан деб ўйлашсин.

Қиз кумғонни олиб чопганича ҳовуз лабига борибдию, сув олаётib «бордию совчиларга мен маъқул бўлиб қолсаму тўю томоша бўлса, кейин бир ўғилча туғсан, ўғилчам билан ота-онамнинг уйига меҳмон бўлиб келсам, онам, «бувисининг жонгинаси, энди дастёр бўлиб қо- либсан, бориб сув олиб кел, чой кўяй», деб уни ҳовуз лабига юборса. Болагинам ҳовуз бўйига келиб сув оламан деб оёғи сирғаниб кетиб йиқилиб сувга тушса, кейин мен нима қиласман, отасига нима деб жа- воб бераман? Вой ўйларим курсин», дея доду фарёд кўтариб ўша ерда кўзёшини шашқатор қилиб йиглаб ўтираверибди.

— Лак, Лак!

— Ҳа, жонгинам Пак.

— Чойинг нима бўлди? — сўрабди Пак.

— Қизимиз сувга кетган эди, дому дараги йўқ-ку?

Орадан яна анча вақт ўтди.

— Лак, Лак!

— Ҳа, жонгинам Пак.

— Қизимиз келдими? — сўрабди Пак.

— Ҳали ҳам келгани йўқ — жавоб берибди Лак.

— Бориб хабар ол-чи! — буюрибди Пак.

Лак ҳовуз лабига келса, қизи йиглаб ўтирганмиш.

— Ҳа, қизим, сувинг қани,— дебди Лак,— нега йиглайпсан?

— Эй онажон, асло сўраманг,— дебди қиз,— совчилар мени яхши кўриб қолишса, тўю томоша бўлса, кейин мен ўғилча туғсан, ўғилчам- ни олиб сизларнинг .уйларингта меҳмон бўлиб келсам, «жон болагинам, энди дастёр бўлиб қолдинг, бориб сув олиб кел, чой дамлай»,— деб уни ҳовуз бўйига юборсангиз. Болагинам ҳовуз бўйига келсаю сув оламан деб сирғаниб кетса мен нима қиласман, отасига мен баҳтсиз нима деб жавоб бераман!

— Вой, ақлинга онагинанг қурбон бўлсин! — деб Лак ҳам қизи- нинг ёнига ўтириб йиглайверибди.

Пак бир дам ўтирибди, хотини билан қизидан дарак бўлмабди, икки дам ўтирибди хабар бўлмабди, «уларга нима бало бўлдийкин?» деб ҳо- вуз лабига келиб қараса иккаласи йиглаб ўтирганиши.

— Ҳа, нима бўлди, нега йиглаб ўтирибсизлар?— сўрабди Пак.

— Эй, жонгинам Пак,— дебди Лак.— бунинг ақли расолигини қа- ранг-а, жоним курбон бўлсин!

— Нима деяпти?— сўрабди Пак.

— Башарти ана шу совчилар мени маъкул кўришса, тўю томоша бўлса, кейин мен бир ўғил тусам, ўғлим билан меҳмон бўлиб сизлар- нинг олдиларингга келсам, кейин сизлар дастёр бўлиб колибди деб ўғлимни сувга юборсаларинг, у ҳовуз лабига келиб сув оламан деб сирғаниб йиқилиб кетса, кейин мен нима қиласман, отасига нима деб жавоб бераман, деяпти.

— Оббо, қизгинам-еј, ақлингга отанг курбон бўлсин!— дea Пак ҳам уларга кўшилишиб йиглай бошлабди.

Шу зайлда онаю бола, ота ҳовуз лабида йиглаб ўтираверибдилар. Бир пайт уларнинг овозини совчилар эшлишиб қолишибди. «Нима бўлдийкин?»— деб улар ҳовуз бўйига келишса онаю бола, ота ҳадеб йиглаётганниши.

— Нима бўлди?— сўрабди совчилар.

— Лак, Лак!

— Ҳа, азизим Пак, уларга қизимизнинг гапини айтиб бер!

— Оҳ, азиз меҳмонлар!— дебди Лак,— ақли расо қизимиз: бордию ана шу совчилар мени хуш кўришса, тўй-томуша бўлса, кейин мен бир ўғилча тусам, ўғилчам билан меҳмон бўлиб олдиларингга келсам, сизлар дастёр бўлибди деб сувга юборсангиз. Болагинам ҳовуз лабига келиб сув оламан деб йиқилиб тушса, кейин мен нима қиласман, отаси- га нима деб жавоб бераман, деяпти.

Совчилар бу гапни эшлишиб:

— Дарҳақиқат бу қизнинг ҳусни, ақли расо экан,— деб уни тўй қилиб олиб кетишибди.

— Лак, Лак!

— Ҳа, жонгинам Пак!

— Юр, бориб қизимизнинг аҳволидан бир хабар олиб келайлик!

— Майли, Пак, сиз бориб ёғ келтиринг, бир товоқ сомса қилиб олиб борамиз.

Пак битта пиёлани олиб ёғфурушнинг олдига борибди. Ёғфуруш бир қадоқ ёғ тортиб Пакнинг пиёласига куйиди, пиёла тўлибдию, аммо озгина ёғ ортиб колибди.

— Озгина ҳаққингиз колди, буни нима қиласман?— сўрабди ёғ- фуруш. <-

— Мана бу ерига куйинг,— деб Пак пиёланинг орқасини ағда- рибди.

-1НМДП.ОҲ опг.ўб Ч -н ■ . и.'

Сотувчи қолган ёғни пиёланинг орқасига куйиди. Пак уйига ке- ЛИБДИ.

•

— Пак, Пак!

— Ҳа, жонгинам Лак!

— Олиб келган ёғингиз жуда кам-ку?— дебди хотини.

— Кам эмас, пиёланинг ичидаги ҳам бор,— жавоб бериди Пак. Лак пиёланинг түғрилаб ичини кўрмоқчи бўлган экан, пиёланинг орқасидаги кўзёшидай ёғ ҳам ерга тўкилибди.

Кейин Лаку Пак маслаҳатлашиб ёғсиз сомса бўлмайди, яхшиси бир рўмол иссиқ нон олиб борамиз, дейишибди.

— Пак, бўлмаса, сиз тандирга ўт ёқинг,— дебди хотини,— мен ха- мир қорай.

Пак ўтин олиб келиб қараса, тандирнинг ичи қип-қизил эмиш. Тандирга офтоб нури тушиб турган экан.

— Ие, ўзи қизиган экан-ку,— деб ўйлаб Пак бориб бемалол ухлайверибди.

Лак келиб қараса тандир қип-қизил қизарган. Нонларни олиб келиб тандирга ёпаверибди.

Лаку Пак бир дам кутишибди, икки соат кутишибди, қани энди нон қизарса.

— Лак, Лак!

— Ҳа, жонгинам Пак!

— Шундай қараб ўтираверамизми? Келинг, тандирни бузиб елка- мизда кўтариб кетаверайлик, нон йўлда ггишиб қолар,— дебди хотини.

Бир пайт кўевнинг қариндош-урӯғлари чиқиб қарашса, келиннинг ота-онаси бир тандирни кўтариб келишаётганмиш. Дарҳол бориб тан- дирни уларнинг елкаларидан олишибдию ўзларини ичкарига олиб ки- риб иззату икром қила бошлишибди.

Кеч бўлибди. Лаку Пакка бир уйга жой қилиб беришибди. Улар ўринда ётишиб уйни кўздан кечира бошлабдилар.

— Лак, хой Лак!

— Ҳа, азизим Пак!

— Бу уйнинг деворларини қаранг, ҳар жой-ҳар жойлари ёрилган.

— Куриб ёрилибди-да! Бечора қизимизнинг ана шу ерларни ёғлаб кўйишга акли етмабди-да.

— Кел, иккамаламиз ёғлайлик-кўяйлик!— дебди Лак. Кейин Лаку Пак ўринларидан туриб токчадан бир хумча ёғ топишиб уй деворлари- нинг бошидан охиригача суртиб ташлаб, ёғни тамом қилишибди-да, ишни тутатиб эндинга ухлаймиз деб туришган ҳам эдик, бирдан Пакнинг кўзи қазноқда турган иккита кўзачага тушибди.

— Лак, хой Лак!

— Ҳо, жонгинам Пак!

— Кизимнинг ақлсиз деганинг бекор экан-да! Унинг ақлини кўрки, «ота-онам чанту тупроққа беланиб узоқ йўлдан келишади, ювиниб тоза бўлиб олишибин», деб икки хум сув ҳам тайёрлаб кўйибди.

о Лаку Пак қазноққа киришиб хумларни очишибдию ювина бошла- шибди.

— О, бу сув нақадар ширин!— дебди Пак.

.л— Буерларнинг суви ширин бўлар экан-да!— жавоб бериди Лак. Хумлардаги сув эмас, шинни экан. Лаку Пак шиннида маза қилиб чўимилишибдию кўрпага кириб ётишибди.

...Тонг отибди, куёш чиқибди. Уй эгалари ҳовлига гилам тўشاшиб, кўрпача солишиб, дастурхон ёзиб чой дамлаб кутиб туришибди, аммо Лаку Пакдан ҳеч дарақ йўқ эмиш. Қани энди улар туриб, чиқишса. Кейин уйга кириб қарашса, эру хотин кўрпача ёпиниб ётишганмиш, қани энди уларни кимирлатиб бўлса.

Лаку Пакни бир илож қилиб кўрпадан ажратиб олиб иссиқ сув ки- лишиб,

чүмилтиришиб, уйларига кузатиб кўйишибди.

Бу воқеадан анча вақт ўтгач, бир куни Лаку Пак күёвини олиб бир қариндошиникига — узок бир жойга меҳмондорчиликка боришибди. Уйда қизнинг ўзи ёлгиз қолибди. Эрта билан туриб у юз-кўлини ювишга эринибиою ювинмасдан битта нонни олиб ея болабди.

Тўсатдан бузокча оғилдан бошини чиқариб мўърабди.

— Оббо, бадбаҳт-ей, юз-кўлимни ювмасдан овқат еганимни кўриб қолибди-я! Энди ҳаммага айтса, мен шарманда бўламан, энди нима қилсан экан?— деб қиз ота-онасининг уйига чопибди. У келиб, бўлган воқеани айтиб берибди.

— Лак, Лак!

— Ҳа, жонгинам Пак!

.— Дарҳақиқат ёмон иш бўлибди,— дебди Пак,— майли, қизим, ғам ема, бунинг давоси бор. Ҳозир қозининг олдига бориб арз қиласиз, бу гапнинг овоза бўлиб юришини дархол ман қиласи.

Лаку Пак қизларини олиб қозихонага келишибиою қозидан «кимки қизларининг юз-кўлини ювмасдан нон егани»ни овоза қиласа, ўшани жазолашни сўрашибди.

— Бу иш биргина менинг кўлимдан келмайди,— дебди қози Лаку Пакка,— мен бу ишни шаҳарда ман қила оламан, аммо мамлакатда ман қилолмайман. Подшонинг олдига боринглар.

Лаку Пак қизини олишиб. подшонинг олдига боришибди. Подшо уларнинг арзини тинглаб, «кимки Лаку Пакнинг қизи юз-кўлини юв- масдан нон еганини овоза қилмоқчи бўлса ман қилинсин», деб фармон чиқарибди. Жарчилар эса фармонни бутун мамлакатга эълон қилиб- дилар.

МАККОР ВОИЗ

Бир вақтлар Бухорода бир маддоҳ бўлган экан. Унинг яхши овози бор экан. Ҳар хафта жума куни маҷит олдида давра олиб ваъз айтар- кан. Унинг воизлик даврасига кўпгина одам тўпланаркан.

Бир куни маддоҳ ваъзини тугатиб, одамлардан пул тўплаётуб дебди:

— Эй биродарлар, худонинг кудрати билан менда ажойиб нарса рўй берди. Ҳар бирларинг менга битта-битта инъом берсаларинг, мей ўша қизик нарсани кўрсатаман.

цвцвлвн ь/э уо а

Кишилар ажойиботни кўриш умидида ваъзхонга яна пўл беришиб- ди. Маддоҳ кўп пулни йигиб олиб ҳалққа қараб дебди:

— Эй биродарлар, бугун кеч бўлди, худонинг хоҳиши шуки, мен ажойиботни сизларга кўрсатмайман. Агар келгуси жумага яна тўплансаларинг, мўъжизани кўрасизлар.

Маддоҳ шундай деб, даврадан чикиб кетибди. Кишилар, «бу лаъна-ти маддоҳ бизни алдади», деб тарқалиб кетишибди.

Аммо маддоҳнинг бу ишидан газабланган икки-уч киши ўзаро маслаҳатлашибдилар:

— Бу ҳаромини бир боплаш керак, агар бир ушлаб урмасак, хисо- бимиз баравар бўлмайди.

Улар маддоҳнинг кетидан боришибди. Маддоҳ Бухоро мадрасала-ридан бирида яшар экан. Мадрасага келибдию ўчоққа қозонни осиб, палов пишириш тарафдудига тушибди. Бир пайт ўша томошабинлар келишиб унинг уйига бостириб кирибдилар. Маддоҳ уларнинг ниятини фаҳмлаб, дарров кўрпачага таклиф қилибди:

— Хуш келибсизлар, азиз меҳмонлар, бу томонга ўтинглар. Айни вақтида келдиларинг, ҳозир ош пишади, унгача бир пиёладан чой ичиб ўтиринглар,— деб маддоҳ уларга чой узатибди.

«Меҳмонлар» ошнинг қариб тайёр бўлғанлигини билишиб, «аввал ошни еб, кейин маддоҳни боплаш керак», деб кўз уришириб маслаҳат қилибдилар.

Улар ўтиришибди, маддоҳ чой куйиб бераверибди. Кейин маддоҳ бир хикоя бошлабди:

— Ёшлигимда,— дебди маддоҳ,— менинг овозим жуда ёқимли эди. Ҳар хафта бир кун амир арки остида ваъз айтардим, ваъз айтиш маъракамга Бухоронинг бутун халқи тўпланарди. Бир куни ваъз айта- ётиб кўзим аркнинг бир дарчасига тушди, у ерда бир нозанин бошини чиқариб, гапларимни тингларди. Қизни кўрдиму ихтиёrimни кўлдан бердим. Шундан кейин ҳар куни ваъз айтадиган бўлдим. Мен ваъзни бошлашим билан қиз ҳам бошини дарчадан чиқаради, хуснини яши- ринча томоша қилардим. Лекин бориб-бориб ишқ оташи қалбимни бе- қарор қила бошлади. Оқибат, бир куни ярим кечада арк остига бориб, унинг атрофида анча вакт юрдим ва миршаб одамларининг кўзини шамғалат қилиб юз машаққат билан ўзимни арк деворидан ичкарига олдим. Карасам аркнинг хоналари қоп-қоронгию бир хона равшан. Деразадан қарасам, уйнинг ичидаги кирккиз ухлаб ётибди. Ўзимга-ўзим дедим: «Ана шу уйда менинг дилим муроди». Ичкарига кирдим, бири- биридан чиройли қизлар. «Мени кўйида куйдирган нозанин қайсиини экан?» деб ўйладим.

Дурустроқ қарасам, у нозанин ўртада ётибдио бошидаги шамдонда киркта оппок шам ёниб турибди. Унинг олдига бормоқчи бўлдим, тўсатдан оёғим битта қизга тегиб кетди, қиз уйгониб фарёд кўтарди, ҳамма оёққа турди ва шовқин-сурон бошланди.

— Эйвой, ўгри келибди, ўгрини ушланг!

Воиз хикояни шу, ерга етказиб, қарсак чалиб дод дея бошлабди:

— Эй о^амлар, ёрдам беринглар, уйим кўйди, ўгрини ушланглар! Мадраса ҳовлисида юрган муллабаччалар ваъзхоннинг фарёдини эшишиб, унинг хужрасига етиб келибдилар. Воиз «меҳмонлар»ини муллабаччаларга кўрсатиб дебди:

— Мана булар ўғрилар, уларни уринглар!

Муллабаччалар «мехмонлар»га ёпишиб, уларни уриб-уриб мадра- садан чиқариб юборибдилар. Бечора меҳмонлар зўрға ёқаларини мул- лабаччалар кўлидан бўшатишиб қочибдилар.

Воиз ўз хийласи ва муллабаччаларнинг ёрдамидан хурсанд бўлиб, катта козондаги палов билан талабаларни меҳмон қилибди.

СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН

Бир подшо бўлган экан, унинг Султон Жалолиддин деган бир ўғли бўлган экан. Ўғли катта бўлгач, подшо уни бир мамлакатга ҳоким ки- либ тайинлабдио бир одамни унга хизматкор қилиб қўйибди. Султон Жалолиддин хизматкори билан йўлга тушиб, ўша мамлакат томон ра- вона бўлибди. Йўлда хизматкор Султон Жалолиддиннинг шоҳона кийимларини кийибдио дебди:

— Энди мен подшоҳман, сен эса хизматкор. Лекин менинг бу ишимни бирон кишига айтсанг, кейин мендан хафа бўлмагин.

Султон Жалолиддин ўша вилоятга етиб бориб хизматкорлик қилиб юрибди. Ниҳоят бир куни тоқат қиломай отасига хат ёзиб, воқеани баён килибди. Бир неча кундан кейин отасидан замон сенга боқмаса сен замонга боқ, мазмунида хат келибди.

Отаси бу жавобни қайтариб, ўз-ўзига фарзанд ахволидан хабар олишни ўйлаб йўлга чиқибди. Подшонинг келаётгани ҳақидаги овоза Жалолиддиннинг хизматкори кулоғига етибди. У шоҳона кийимларни яна Жалолиддинга кийдириб, ўзи хизматкорлик қилиб юраверибди.

Подшо келиб қараса ўғли подшолик тахтида ўтирибди. У Жало- лиддиндан сўрабди:

— Сен менга бошқа мазмунда хат қилган эдинг, аммо ўтиришинг бошқача, буни қандай тушунса бўлади?

— Сизнинг келишингизни эшишиб хизматкор мени жойимга ўтири- гиздио ўзи хизматкор бўлди,— дебди шахзода.

Подшо хизматкорни тутиб ўлдиришни буюрибди.

Кейин подшо хотиржам бўлиб яна ўз шаҳрига кетибди. Бу орада неча вақт ўтдио Жалолиддин отасини зиёрат қилиб келмокчи бўлибди. Ота шаҳрига келибди. Қараса, отаси ҳар кечча бир гўзал қизни олиб келиб никоҳига оларкану эрталаб яна маҳрини бериб қўйиб юборар- кан. Жалолиддин бу ахволни кўриб хафа бўлиб, отасига дебди:

— Эй падари бузруквор, мамлакат ободлиги подшоҳ билан, под- шоҳ эса шариатта хилоф иш қиласлиги керак. Сизнинг бу ишингиз яхши эмас.

Подшонинг қаҳри келиб дебди:

— Сен ўзингни бил, мен билан нима иши^{ИРбб'^? гп,КОЯМл} ; „

Подшолар таъби нозик бўлади, ўғилнинг ҳам бу гапдан ^гаъби хира бўлибди. У ўз вилоятига келиб кўпгина қўшин тўплаб отасай устига юриш қилибди. Отасининг мамлакатини олибди, отаси қочибди. Жа- лолиддин қанчалик сўроқламасин уни топа олмабди.

Ниҳоят, отасини топа олмай, уламоларни тўплаб сўрабди:

— Агар ўғил отасини хафа қилган булса, уни топиб бирон йўл би- лан уни рози қиласи, агар топа олмаса, қандай қилса гуноҳи бошидан сокит бўлади?

Уламолар жавоб беришибди:

— Агар шу фарзанд юз мачит курса ва минг дона тут ўтқазса гу- нохи бўйнидан сокит бўлади.

Кейин Султон Жалолиддин юз мачит қурдириб, ҳар бир мачит олдига ўнгтадан тут дараҳт ўтқазибди. Бир мачитни Қулолийда, бош- қасини Искодарда, биттасини Тагобда, Панжрўдда қурдирибди. Кейин мачит куриш учун Ворухга борибди. Қараса, қишлоқда биронта катта ёшдаги одам кўринмасмиш, фақат болалар ўйнаб юришган экан. Жа- лолиддин болалардан сўрабди:

— Ҳой болалар, оталаринг қаерга кетишган?

Бир бола одобсизлик қилиб жавоб берибди:

— Оталаримиз устунлик қирқиб келиб сизнинг лабингиз тагига қўйиш учун тоқقا чиқиб кетишган.

Жалолиддиннинг пастки лаби жуда қалин бўлиб, доимо осилиб ту- рап экан.

Жалолиддин бу жавобни эшишиб ранжибди ва «агар бу қишлоқнинг болаларики шунаقا гапни билар экан, катталари билан гаплашишнинг ҳожати йўқ», деб ўйлабди. Натижада Жалолиддин бу ерга мйчит кур- мабди.

БЎЗЧИ

Ўтган замонда бир бўзчи яшаб ўтган экан.

Кунлардан бир кун у хотинига дебди:

— Эй хотин, бу иш билан кун ўтказишимиз қийин.

— Аввал нон билан қатиқни еб олайлик, кейин эртанинг фикрини қиласмиз,— дебди хотини.

Улар нону қатиқни ейишибди, шунда эркакнинг оёғига қатиқ тўки- либ, унга пашша қўнибди. Бўзчи қўлини ялаб, қатиқ юқи оёғига бир урибди, қараса, қирқта пашша ўлибди. Шунда у ўзини полвонлардек хис этиб дебди:

— Эй хотин, бехудага бўз тўкиб юрган эканман, жаҳонпаҳлавон эканману билмай юрган эканман.

Шундан сўнг бўзчи юрт подшоси ҳузурига бориб дебди:

— Эй подшо, мен оламгир паҳлавонман, сенга кучли одам керак эмасми?

— Менинг бир душманим бор, у мени енгган. Ҳозир мен унга хи- рож тўляпман.

— Сен шу бугундан эътиборан унга бож берма, бу ҳақда унга ха- бар етказ. Агар у уруш ёзлон қилса, ўзим чиқаман,— дебди бўзчи.

Подшо душманга, хирож тўламайман, жанг майдонингни айт, деб хабар юборибди. У подшо лашкари билан даштга этиб келганидан ха- бар берибди.

Подшо бўзчига ўз тулпорини берибди. У отга икки қоп қул юклаб, душманга яқинлашибди-да, қопларни йиртиб душман аскари томон от қўйибди. Шунда кул тўкилиб унинг чанги осмонга чиқибди. Дунёни қоронғилик босибди. Подшо лашкарига дебди:

— Бу жуда кучли паҳлавон экан, ернинг чангини осмонга чиқарди.

Лашкар тумтарақай қочибди. Паҳлавон от қўйганда қўркувдан бе- хуш бўлган экан, от душман лашкарининг ортидан чопиб кетаверибди. Паҳлавон нима бўлаётганини ўзи ҳам билмабди. Кейин у отдан сувга йиқилиб ҳушидан кетибди.

— Минг афсус, паҳлавонимиз бедарак йўқолди-да. Кимки уни ти- рик ё ўлиқ топиб келтирса ети шаҳарни ҳадя қиласман,— дебди подшо.

Пашша ўлдирган паҳлавон ўзига-ўзи дебди:

— Агар подшо мени яна бирор ишга юборса, албатта қўркувдан юрагим

ёрилиб ўламан. Яхшиси паҳлавонлик даъвосидан кечайин.

Подшонинг хабарчиси излаб-излаб паҳлавонни топиб унга дебди:

— Полвон, сизга нима бўлди, душманни мағлуб қилиб, кейин да- раксиз йўқолдингиз.

— Чарчаган эканман, бир оз мизгиб олдим,— дебди бўзчи.

Чопар подшога паҳлавон ҳақида хушхабар етказиби ва кўпгина совғалар олиди.

Бир куни подшо яна бўзчини чақириб боғда бир шер пайдо бўлган- лигини, у молу кўйларни еб, сабзвотларни пайхон қилаётганини айтиби. Ўшани ҳам йўқотсанг, нима тиласанг бераман, дебди.

Бўзчи мажбур бўлиб боққа бориби, аммо жуда кўркиби. Бориб дараҳт устида бир оз туриби. Паҳлавон шер мени тутиб олади деб ўйланиб турганида тўсатдан шернинг устига йиқилиб тушибди, бу та- соғифдан шернинг юраги ёрилиб ўлиби. Эрталаб келиб қарашса, бўзчи уйқуга кетган, шер эса ўлиб ётганмиш. Бу хушхабарни эшитган подшо хурсанд бўлиби.

Шундан кейин бўзчи паҳлавонлик даъвосидан воз кечиб уйига бо- рибди-да, илгаригидай бўз тўқиб яшайверишибди.

УЧ ШАРЪИЙ ЁЛГОН

Бир подшо бўлган экан. Унинг мамлакат хирожига арзийдиган бир қизи бўлган экан. Кунлардан бир кун подшо дебди:

— Кимки уч ёлғон айтса, ўшанга қизимни бераман, агар ёлғон айта олмаса калласини оламан.

Қанча одамлар келишибди, ёлғон айтиша олмай бошларидан жудо бўлибдилар.

Ўша шаҳарда бир камбағал йигит қари онаси билан 'яшаркан. Ўша йигит бир куни онасига дебди:

— Она, сен менга учта қулча тайёрлаб бер, бориб мен ҳам уч ёлғон айтиб, подшонинг қизини бир кўрай, ажабмас омадим келиб қолса.

Онаси қулча пишириб бериби. Бола уни олиб подшо даргоҳига жўнабди. Ёлғон айтувчи одамлар тамом бўлгач подшо сўрабди:

— Яна ким қолдим?

— Битта етим бола қолди,— дебди одамлари.

— Ўша сағирни олиб келинглар,— дебди подшо.

Йигитни олиб келишибди. Подшо сўрабди:

— Қани, айт-чи, сен нега келдинг?

Бола дебди:

— Тақсир, сиз кимки уч ёлғон айтса, қизимни бераман деб жар солдингиз.

Мен ҳам бир баҳтимни синай деб келдим.

— Қани, ёлғонингни айт,— дебди подшо.

Бола гапира бошлабди:

— Тақсир, мен ёлғонни билмайман, саргузаштимни айтаман. Саргузаштим шуки, биз онадан уч киши рдиқ, ўлиб-ўлиб олтита қолдик. Шу олти киши сафарга чиқдик, олдимиздан уч йўл чиқди. Учовимиз ҳам бир йўлдан кетдик, учовимиз яна бир йўлдан ва қолган учовимиз бошқа бир йўлдан кетдик.

— Ие, қизик-ку! Тўққизта бўлдиларинг-ку!

Вазир дебди:

— Тақсир, бундан ортиқ яна қанақа ёлғон бўлиши мумкин. Бир шартни ютди.

Подшо яна дебди: .

— Ҳой жувонмарг, бор, эртага кел!

Бола эртасига яна келибди.

— Қани, бошқа ёлғонингни айт,— дебди подшо. Бола дебди:

— Тақсир, мен ёлғонни билмайман, саргузаштимни айтаман, хо- лос.

Қишлоғимизда катта бир чинор бўларди. У жуда баланд эди. Унинг тепасига чумчугу қарғалар ин қўйган эди. Қишлоқ болалари тўпланишиб бориб жониворларга чунон ҳам тош отишники, чинор тош остида қолиб кўринмай кетди. Қарасак, чинор тепасида кенг бир май- дон пайдо бўлибди. Отам ҳўқизни олиб келиб қўш ҳайдади. Тарвузу қовун экдик. Тарвузу қовунлар пишди. Қовунимиз шу қадар яхши бўлдики, энг каттаси нўхатдай.

Подшо дебди:

— Оббо падарлаънати-ей, чинор устида қандай палак етишди экан-а?

Вазир дебди:

— Тақсир, бундан ҳам ортиқ ёлғон бўладими?

Подшо: «Бу жувонмарг менинг шартимни ютади»,— деб, вахимага тушиб:

— Ҳой жувонмарг, бор жўна, учинчи кун яна келасан,— дебди. Бола кетиб учинчи кун яна келибди. Подшо дебди:

— Қани, учинчи ёлғонингни айт.

Етим бола дебди: >

, — Бизнинг кўргина товуқларимиз бўлар эди, қиши келгач, уларни йўқотиб қўйдик. Отам билан қанча изламайлик, топа олмадик. Баҳор келди. Борсак товуқлар бир форга кириб шунча кўп тухум қўйишибди- ки, саноғига етиб бўлмайди. Отам билан форга кириб тухумларни таш- карига улоқтира бошладик, катта бир хирмон бўлди. Отам тухумларни ёйиб кетди, бориб киркта буқани олиб келиб бир-бирига боғлаб тухум-



1ШМ

Л*А\

иши

Ч:
Чылгыпч.; б.
■ "Лелгүч; \.-"

—ХА КП
Ют
ЖЖ
|р
»Ж
ти>

ларни янча бошладик. Янчилган тухумларни яна түпладик. Отам қўлига паншаха олиб, мен эса белкурак олиб иккаламиз тухумларни совурдик, хўролзар бир томонга, мокиёнлар иккинчи томонга чопишиди. Кейин уларнинг ҳаммасини тўплаб уйимизга олиб келдик.

Подшо дебди:

— Бу падарлаънат ишни тамом қилди, шартни ютди.

Вазир дебди:

— Мана тақсир, шартингиз уч ёлғон эди, учови ҳам айтиб бўлинди.

Шунда подшо вазирларига дебди:

— Мен подшо бўлсаму менинг қи шмни бир етимча олса, айб бўлмайдими? Нима қилиш керак? Бирор тадбир ўйлаб топинглар!

— Бунинг тадбири осон,— дебди вазир.

Кейин етимни чакиртириб келиб дейишибди:

— Сен подшонинг кўёвисан, подшо сендан қалин олмайди, аммо шарт шуки, сенга саккиз кун муҳлат, шу муҳлат ичидаги шаҳар ахлининг бир йиллик ўтинини тогдан ташиб келтирасан.

Бола рози бўлиб, болтани олиб тоққа чиқибди. Озгина ўтин олиб- дио кейин ўйга толибди: «Агар саккиз кунда бир боғдан олиб борсан, саккиз боғ бўлади, икки боғдан олиб борсан ўн олти боғ бўлади, бу подшонинг чой қайнатишига ҳам етмайди, бу шаҳарга худо билади қанча ўтин керак. Подшо қизини менга бермоқчи эмас», деб ғамгин турганида қаердантир Оқ дев пайдо бўлиб дебди:

— Бола, мени бирон жойга яшир, орқамдан Қора дев келяпти. Агар тирик қолсан сенга кўп яхшиликлар қиласан.

Бола девни жайранинг уйига яширибди. Бир пайт Қора дев келиб боладан сўрабди:

— Шу ердан Оқ дев ўтдими?

Бола дебди:

— Ҳа, бу тогдан сакраб ўтиб нариги тоққа қочиб кетди.

Қора дев ўша ёққа кетибди. Бола жайра уйига яқинлашиб:

— Энди чик! Қора дев ўтиб кетди,— дебди ва жайранинг уйини очибди.

— Энди мен сени сўйман!— дебди Оқ дев.

— Ие, мен сенга яхшилик қилдиму, бадбахт, нега бундай қиласан?

— Девларнинг одати шу, кимки девга яхшилик қилса, ёмонлик кўради.

Бола дебди:

— Майли. мен рози, мени сендей ҳунарманд дев еса, ҳечқиси йўқ. Дев болага:

— Менинг қайси ҳунарим сенга маъқул бўлди?— дебди.

— Шунчалик катта гавданг билан жайра уйига сифишинг ажабла- нарли эмасми, ахир?

. Боланинг бу мақтовидан дев завқланиб кетибди. Бола яна девга дебди:

— Мен сенинг ҳалол лукманг бўлишимдан олдин ўша ҳунарнинг яна бир марта кўришни истардим.

Дев нима қилибди кичкина бўлиб жайранинг инига кирибди, шу захоти бола катту харсанг билан фор эшигини беркитиб кўйибди. Дев

қанча зорланмасин, илтижо қилмасин бола тошни олмабди ва девга дебди:

— Мен сени бу гордан асло чиқармайман, бориб Қора девга сенинг қаерда эканлигингни айтаман.

Дев қичкирибди:

— Йўқ, йўқ, бора кўрма, ҳозир сенинг ҳаққингга яхшилик қила- ман, яхши бир нарса бераман!— дебди-да, тешикдан болага узугуни узатибди ва яна дебди:

— Бунинг хосияти шуки, чашма сувига тушиб чўмилгину кейин «ушбу узук кўзи ҳаққи», деб истаган нарсангни айтсанг, муродинг ҳо- сил бўлади.

Бола узукни олиб, девни кўйиб юборибди. У Қора девдан кўркقا- нидан туёгини шиқиллатиб қочиб қолибди. Етим чашма бўйига бориб- ди. Чўмилиб юз-кўлларини ювибди:

— Кўлимдаги мана шу узук кўзи ҳаққи, ўрмондаги ҳамма дарахт- лар тўпланиб подшо шахрига бориб қолсин!— дебди.

Тоғдаги ҳамма дарахтлар ўша подшо шахрига кўчиб борибди. Подшо қараса, ҳамма ерни ўтин босиб кетибди, ҳамма ўтин остида ко- либди.

— Ўзи нима гап?— сўрабди подшо.

— Бу ўтиналарни бўлажак күёвингиз олиб келяпти.

— Эй дўстлар, айтинглар, ўтин келтиришни бас қилсин!

Етим тоғдан келибди. Тўй тараддуди бошланиб кетибди. Подшо яна вазирлари билан маслаҳатлашибди:

— Роса шарманда бўлдик, бир етим менинг қизимни олса, бу яхши эмас, яна бирон хийла ишлатинглар!

Вазир дебди:

— Бошқа бир хийла шуки, етим болага ҳам, менинг ўғилларимдан бирига ҳам тўй либосини кийдирамизу икковини никоҳ ўқийдиган жойга ўтқизамиз. Мулла никоҳ хутбасини ўқиганда етимдан аввал ме- нинг ўғлим «қабул қилдим» деб жавоб беради. Шундай қилиб қизингиз бизнинг ўғилга қаллиқ бўлади.

Шундай маслаҳат қилишиб, етимни вазирнинг ўғли билан ҳаммом- га киритишибди. Тоза ювинтиришиб, гулгун либослар кийдиришиб, домланинг олдига олиб борибдилар. Вазирнинг ўғли билан етим бола- ни ёнма-ён ўтқазишибди. Мулла сўрабди:

— Қани, мана шу шоҳимизнинг қизини хотинликка қабул қил- дингми?

Вазирнинг ўғли дебди:

— Хотинликка қабул қилдим.

Қиз вазирнинг ўғли никоҳига ўтибди, етимни уриб-уриб ҳайдаб юборишибди.

— Вақтлироқ «қабул қилдим» демадинг, энди қиз вазирнинг ўғли никоҳига ўтди,— дейишибди.

Бечора етим кўчага чиқиб бир девор тагида йиглаб ўтирибди. Ва- зирнинг ўғлини чимилдиққа олиб боришибди. Келин билан иккаласини тик турғизиб қўйишибди ва эндиғина никоҳ расмини бажо келтириша- ётганда етимнинг эсига дев берган узук тушиб қолибди, кейин мўри орқасидан бориб мўралабди, қараса, келин-куёв тик турғаниши. Етим бола ҳалиги узукни кўлига олиб дебди:

— Кўлимдаги узук кўзи ҳаққи, подшонинг қизи билан вазирнинг ўғли бирга ёпишиб қолсин!

Бола билан қиз икковлари елкама-елка ёпишиб қолибдилар. Қанча уринишмасин, ажратা олишмабди. Подшонинг хотини келиб бу аҳвол- ни кўриб ҳайрон бўлибди. «Вазир ўғлининг бирон дарди бўлса керак, менинг қизимга ўтибди, қизимни кутқараман», деб ёпишибди. Етим ҳам тепада туриб дебди:

— Қўлимдаги узук кўзи ҳаққи, подшонинг хотини ҳам ёпишиб қолсин!— Подшонинг хотини қизига ёпишиб қолибди. Подшо келиб қараса, хотини, қизи ва күёви бир ахволда. «Хотинимни ажратиб ола- ман», деб уларга кўл теккизган экан, етим тепадан яна:

— Шу узук кўзи ҳаққи, ёпиш!— дебди.

Подшо хотинига ёпишиб қолибди. Вазирнинг хотини келиб қараса, шу ахвол, «боламни бир бало қилишибди», деб ўғлини ажратмоқчи бўлган экан, шунда етим дебди:

— Шу узук кўзи ҳаққи, ёпиш!

Вазирнинг хотини ҳам ўғлига ёпишиб қолибди. Вазир келиб хоти- нимни ажратаман деган экан, юқорида етим бола:

— Шу узук кўзи ҳаққи, ёпиш!— дебди.

Вазир хотинига ёпишиб қолибди. Бутун сарой аҳли томошага ке- либди. Шармандаси чиққан золим подшо дебди:

— Иш роса чатоқ бўлди-ю, энди нима қиласиз?!

Подшо хизматкорлари маслаҳатлашиб бир зўр муллани олиб ке- лишмоқчи бўлишибди, «куф-суф» килса бу кулфат бартараф бўлади, деб ўйлашибди.

Сарой одамлари етимга бориб бирон зўр мулла келтиришни бую- ришибди. Бола бориб шаҳар домласига арз’ қилибди:

— Подшо билан вазиру хизматкорлар оғир ахволга тушиб қолди- лар, сиз бориб, бирон дуо-пую ўқиб, уларни бу балодан халос қиласа- сангиз бўлмайди.

Мулла эшакка миниб, етимни олдига солиб йўлга тушибди. Йўлда намоз вақти бўлибди.

— Мен шу ерда намоз ўқиб олай,— дебди мулла. У намоз ўқиёт- ганда бола:

— Шу узукнинг кўзи ҳаққи, ёпиш!— дебди, мулланинг икки қўли икки кулогига ёпишиб қолибди.

— Эй бола, ахволим ёмон бўлди-ку,— дебди мулла.

— Йўқ, таксир, мен ёмон дардга ёмон даво деб эшитган эдим. Сиз эшакнинг думидан бир бўса олсангиз, кўлингиз кулогингиздан жудо бўлади,— дебди етим.

Мулла чопиб бориб эшак думини ўпаман деган экан, бола:

— Шу узукнинг кўзи ҳаққи, ёпиш!— дебди.

Мулланинг оғзи эшакнинг думига ёпишиб қолибди.

Етим эшакни ҳайдаб подшонинг олдига келибди. Подшо қараса, иш тамоман расво.



— Э, бу мулла биздан ҳам ёмон ахволга тушибди-ку?! Энди нима қиласиз?— дебди.

Шунда доно кексалар тўпланишиб подшога дейишибди:

— Ҳамма вақт ҳақ жойида қарор топган. Қиз аслида мана шу етим бола никоҳига ўтиши керак. Қизингизни етимга бермас экансиз, бу балодан қутула олмайсиз.

— Ундай бўлса ўша етимни чақиринглар,— дебди подшо.

Етимни чақириб келтиришибди. Подшо дебди:

— Майли, киз сеники. Бир амаллаб бизни бу балодан қутқар. Ик- кинчи марта бундй номаъулчиллик қиласиз!

Шундан сўнг етим бола дебди:

— Қўлимдаги шу узукнинг кўзи хаққи, ечи!

Ҳамма бирданига бир-биридан: подшо хотинидан, хотини кизидан, киз вазир ўғлидан, вазирнинг ўғли онасидан, онаси вазирдан ажралиб- дилар. Эшакнинг думи мулланинг оғзидан ва икки қўли кулогидан аж- ралиби.

Подшо кизини етимга никоҳлаб берибди. Етим подшонинг қуёви бўлиб, муроду мақсадига етишибди. Биз ҳам муродимизга етайлик.

АҲМОҚ ПОДШО

Бир аҳмоқ подшо бўлган экан. Унинг учта вазири бўлган экан. Катта вазир кексайиб, ишдан қолибди. Ўрнига ўн саккиз яшар йигитни вазир қилишибди. Кичик вазир шундай ишларканки, бошқа вазирларга иш етмай қоларкан. Вазирлар йигитни ўлдириш йўлини излай бошлаб- дилар. Улар подшо олдига келиб шундай маслаҳат берибдилар:

— Тақсир, сизнинг бу салтанатингизга ерда ҳам бўлмаган, ҳавода ҳам турмаган бир иморат лозим.

— Бундай иморатни ким куради?— сўрабди подшо.

— Шу ёш вазирингиз-да,— жавоб берибди улар.

Подшо кичик вазирга дебди:

— Сен менга шундай бир иморат қурки, у осмонда муаллақ турсин.

Йигит хафа бўлганча арқдан бошини олиб чиқиб кетибди. У юриб- юриб бир шаҳарга етибди. Қараса, бир қиз қўлида бир тангани тутга- нача айланиб юрганмиш, нима сотиб олиши номаълум экан. Йигит унга:

— Эй қиз,— дебди,— бўёққа кел, сен нега бозорда айланиб юриб- сану ҳеч нарса харид қиласан?

Киз дебди:

— Бир хотинга канизман. Шу тангани бериб, «бир нарса олиб кел- гинки, уни уч нарса ейдиган бўлсин», деб буюрди.

Бола тангани олиб битта қовун харид қилибди ва қизга берибди: Киз дебди:

— Эй йигитча, сен ишни буздинг, мени хўжайним ўлдиради.

— Оббо ақлсиз-ей, уч нарса ейдиган нарса ана шу, олиб бориб сўясан, пўчогини эчкиларинг, этини ўзларинг, уругини товуқларинг ейди.— Киз қовунни олиб келибди. Хўжайн дебди:

— Мен сенга уч нарса ейдиган бир нарса олиб кел деган эдим-ку. Қиз дебди:

— Эй буви, мени койима. Аввал тушун, сўра: бунинг пўчоғини эч- кимиз ейди, этини ўзимиз, уруғини эса товуғимиз ейди.

— Буни қаердан билдинг?— сўрабди бувиси.

Киз дебди:

— Ўзим ўйлаб билдим.

— Шу кунгача ақлинг кирмаган, энди бугун ақлинг кириб қолди- ми? Қани, ростини айт, бу гапни сенга ким ўргатди.

Киз дебди:

— Бир ёш йигит бозорда шундай деди.

— Тур, ўша ёш йигитни менинг олдимга олиб кел,— дебди бувиси. Қиз бозорга бориб ҳалиги йигитни олиб келибди. Кампир дебди: — Эй йигит, сен нега унга ақл ўргатдинг?

Йигит дебди:

— Раҳмим келиб шундай қилдим.

Йигитни олиб қолишибди. У шу ерда яшай бошлабди. Шу орада қиз йигитни севиб қолиб унга тегибди. Кунлардан бир кун қиз йигит- дан сўрабди:

— Сен қайси шаҳардансан, бизнинг шаҳримизга нима учун келдинг?

— Мен қўшни шаҳар подшосининг кичик вазириман. Подшо менга муаллақ бино куришни буюрди. Ноиложликдан шу томонга қочиб келдим.

— Сен шундай доно вазир бўла туриб, муаллақ бино қура олмадингми? Ундей бўлса бориб бозордан битта тўти билан битта майна олиб кел. Улар даладан эндиғина тутиб келтирилган бўлсин,— дебди қиз.

Йигит бозорга бориб битта тўти билан битта майна сотиб олиб келиб хотинига берибди. Хотини ҳар куни жонворларга «ғишт», «лой»,

«ғишт», «лой» деган сўзларни ўргатаверибди. Бир неча қундан кейин тўти «лой», майна эса «ғишт» сўзини тақрорлайдиган бўлиб қолибди.

Кунлардан бир кун хотин дебди:

— Эй йигит, тўти билан майнани шаҳрингизга олиб борасизу уйингизга кўясимиз. Подшо ҳузурига бир ўзингиз борасиз. Подшо сиз- дан: «Топширикни бажардингми?»— деб сўрайди. Сиз эса: «Сиз менга иморат куришни буюрган эдингиз, мен бир шаҳарга бориб, усталарни олиб келдим. Энди сизлар эртага вазир билан бориб иморат лойиҳаси- ни чизиб беринг», дейсиз.

Шундан сўнг ёш вазир тўти билан майнани олиб, уйига келибди. Уларни уйига кўйиб, ўзи подшо ҳузурига борибди.

Подшо дебди:

— Эй вазир бола, мен сенга муаллақ бино кур деб эдим, сен бўлсанг дом-дараксиз бўлиб кетдинг, қаёқда юрувдинг?

Йигит дебди:

— Мен уста излаб Фазна шаҳрига борган эдим. Иккита уста олиб келдим. Сиз эртага вазирларингиз билан бориб иморатнинг лойиҳаси-



ни чизинглар, лой қилинглар, усталар келиб ишлашади, лекин лойчи ўзларингдан бўлиши керак.

Подшо рози бўлиби. Эртасига эрталаб подшо билан вазир дарё бўйига келишибди. Дарёнинг эни уч юз газ экан. Вазир дебди:

— Иморатни мана шу ерга қурамиз.

— Иморатни мана шу дарёнинг устига қурасан, усталарингни олиб кел, ишни бошла,— дебди подшо.

— Бўлмаса, одамларингизга айтинг, лой тайёрлашсин. Лой менинг бўйим баравар бўлгач, усталарни олиб келиб иш бошлаймиз,— дебди йигит.

Кўпчилик тўпланибди. Етти кун лой қилишибди.

— Ўзингиз ҳам вазирларингиз билан лойни бир кун тепиб пиши- тинглар, лой қанча пишса, шунча яхши бўлади,— дебди йигит подшога.

Подшо фармон берибди:

— Нима бўлса бўлди, ҳаммамиз биргаликда лойни пишита- миз.

Вазиру подшо эрталабдан кечгача тер тўкиб лойни пишитибди- лар.

Йигит лойни кўриб дебди:

— Энди бўлди, эртага устани олиб келаман. Сизлар сувоқчиларни тайёрланглар. Бизнинг устамиз тайёр!— дебди йигит.

Эртасига подшою вазирлар келишиб лой олдида сувоқчилар билан туришибди. Йигит майна билан тўтини қўйнига солиб подшо олдига келибди.

— Усталаринг қани?— сўрабди подшо.

Йигит қўйнидан тўти билан майнани олиб осмонга учираиди. Тўти «лой» деса, майна «ғишт» дермиш.

Шунда йигит:

— Эй подшо, лой узатувчиларни шоширинг, усталар бекор қолиш- масин.— Ҳеч ким осмонга лой олиб бера олмабди. Тўти, майна бир зайлда «лой», «ғишт», «лой», «ғишт», дейишаверибди-ю, бир оздан сўнг осмондан пастга тушишибди.

— Нега лой бермадиларинг, усталар тушишди,— дебди йи- гит.

— Сен бизни ахмоқ қилдинг! Сениш усталаринг осмону фалакда, бу лойчилар қандай қилиб лой олиб беришади?— дебди подшо.

Йигит дебди:

— Лойчиларинг осмонга лой олиб беролмаса, қандай қилиб устун- сиз иморат куриш мумкин!— дебди кесатиб йигит.

Халқ йигитнинг гапини эшишиб чапак чалиб юборибди, улар, «энди бизга бу ахмоқ подшо керак эмас», дейишиб, ўша йигитни подшо қи- либ кўтаришибди.

Йигит подшо бўлиби, бориб хотинини олиб келиби ва муроду мақсадига етиби.

УЧ ҚОРИ

Бир савдогарнинг битта ўғли бўлган экан. Савдогар вафот этибди. Унинг молу дунёси ўғлига қолибди. Ўғил отасининг давлатини ошна- чилигу бебошлиқ билан кўкка совурибди. Отасининг давлати тугагач, ўртоқлари ундан қоча бошлабди. Бу болага қаттиқ таъсир қилибди. «Давлатим кетди, ўртоқлар ҳам мендан узоқлашди, бундан кўра ўлга- ним яхши!»— деб ўйлабди у. Кейин ўз қишлоғидан чиқиб кетибди. Узоқ бир қишлоққа бориб бир мачит хужрасига жойлашибди. Мачит мутаваллиси кўр қори экан. Йигит қори билан сұхбатлашибди. Қори йигитнинг ахволини тушуниб, коровулликка олибдио дебди:

— Кел, менга чой қайнатиб бериб тур. Халқдан нима тушса баҳам кўрамиз.

Йигит рози бўлибди. Улар бир неча вақт иноқ яшашибди.

Қорининг юз танга пули бор экан. Бир куни қори чалқанчасига ётиб олиб тангаларини халтаси билан осмонга отиб:

— Эй тангаларим, кўлимга келинглар!— дебди, тангалари келиб кўлига тушибди. Иттифоқо йигит бу сирни билиб қолибди. Билинтир- май келиб, қорининг ёнига ўтирибди, қори тангаларини осмонга от- ганда йигит уни тутиб олибди. Қори қанчалик «тангаларим, кел» деса ҳам тангаси тушмабди. Шундан сўнг доду фарёд сола бошлабди. Унинг овозини эшитган кўшни кўр қори келиб ҳолу ахвол сўрабди.

— Бир халтада юз тангам бор эди, осмонга отсам, яна кўлимга ке- либ тушарди. Нима бўлдио, бугун осмонга отсам қайтиб тушмади.

— Нодон бўлмай ўлинг сиз. Мана, мен юз тангамни ҳассанинг ичига соловодим, ҳеч ким билмайди,— дебди кўшни қори.

— Қани, ҳассангизни кўрай-чи,— сўрабди мутавалли.

Ҳалиги қори ҳассасини берибди. Биринчи қори олиб дебди:

— Оғирлиги менинг ўша юз тангамча бор экан, мана, ҳдссангни ол, насиб қилсин,— деб ҳассани қайтариб берибди. Ҳассани яна савдо- гарнинг ўғли олиб кўйибди.

— Ҳассамни бермайсизми,— дебди кўшни қори.

— Ҳассангизни ҳозир бердим-ку,— дебди мутавалли.

Иккала қори ўргасида низо бошланибди. Иккинчи қори туриб би- ринчи қорини ура бошлабди. Икки қорининг доду фарёдини эшишиб, учинчи кўр қори келибди. Қориларнинг арзини тинглаб, учинчи қори дебди:

— Икковларингга ҳам ўлим берсин! Менинг ҳам юз тангам бор, ҳамёнимни кўлтиғимдаги чўнтағимга солиб, яшириб олдим. Буни ҳеч ким билмайди.— Биринчи қори сўрабди:

— Қани, қорижон, ҳамёнингни кўрай-чи?

Учинчи қори ҳамёнини қўлтиғидан олиб узатибди.

— Ўша менинг юз тангам оғирлигича бор экан,— дебди ҳамённи ушлаб кўриб биринчи қори. Кейин у халтани қайтариб эгасига бер- моқчи бўлган экан, савдогарнинг ўғли кўлинини узатибдио тангали ха- мённи олиб кўйибди. Учинчи қори:

— Ҳамённи бер!— деб бақиравмиш. Биринчи қори бўлса:

— Ҳозир олдинг-ку,— деб ўшкиравмиш.

Корилар ҳайрон бўлишибди. Учинчи кори дебди:

— Агар берган бўлсанг, орамизда битта кўзи очик одам бор. Мен бориб мачит эшигини ушлаб турман, сизлар чиқинглар.— Кейин бо-риб мачит эшигини тутиб турибди. Биринчи бўлиб савдогарнинг ўғли чикибди. Унинг кетидан иккинчи кори чикибди. Биринчи кори чиқаман деган экан, учинчи кори уни ушлаб олибди, «сенинг ўзинг пулларимиз-ни ўғрилаб олган экансан», деб ўлгудай калтаклабди.

Шу билан савдогарнинг ўғли уч юз тангани олиб бориб савдогар-чилик қилиб юриб, фойдасидан яна бойиб кетибди. Бир куни: «Мен қориларнинг пулини қайтариб берай, уларнинг хақига хиёнат қилишим яхши эмас», деб ўйладби.

Орадан анча вақт ўтибди. Бир куни йигит қориларни чакирибди. Қиши куни экан. Ҳаво жуда совуқ экан. Қориларни уй тўрига ўтказиб ошу нон билан зиёфат қилибди. Бир сидирғадан сарпо кийгизибди. Уларнинг ҳар бири олдига юз тангадан пул қўйибди. Ўтган ишлар учун узр сўрабди. Қорилар жуда хурсанд бўлишибди.

— Энди мендан рози бўлинглар, агар истасаларинг ётиб қолинглар, истамасаларинг ихтиёр ўзларингда,— дебди савдогарнинг ўғли. Қорилар дейишибди:

— Биз мазлум кишилармиз, бу кеча ухлаб, эртага туриб кета-миз.— Қорилар тунаб қолишибди. Савдогарнинг ўғли эрталаб келиб қараса, қорилар совуқдан ўлиб қолишибди. Бола, «мен хундор бўлдим», деб ўйладби. Агар бирон киши билиб қолса, «қориларни ўлдириб, пулини олибди», дейди.

Йигит мардикор бозорига бориб, уч юз тангага мардикор ёллаб дебди:

— Бир отам бор эди, шу кеча ўлиб қолди, ўшани кечаси олиб бориб кўмасан. Аммо эҳтиёт бўл, отам қайтиб келмасин.

Мардикор рози бўлибди, бориб гўр ковлабди, кечаси йигитнинг уйига келибди. Йигит биринчи қорини кафанга ўраб қўйган экан, мардикор олиб бориб кўмибди. Мардикор келгунча савдогарнинг ўғли иккичи қорини тайёрлаб қўйибди. Мардикор келиб ҳақини талаб қилибди. Бола дебди:

— Мурда сендан олдинроқ келиб яна жойида ётибди.

Мардикор қараса, ҳақиқатан ҳам мурда ётганимиш, яна қопга солиб олиб кетибди. Чуқур гўр ковлабди, устидан бир неча оғир тошларни бостириб қўйибди. Узоқдан бир оз қараб турибдию йигит уйига келибди. Савдогарнинг ўғли учинчи қорини тайёрлаб қўйган экан. У марди-корга қараб дебди:

— Сен мурдани қандай кўмдинг? Лаънати, мурда сендан олдинроқ етиб келди. Олиб бор, бу сафар гўрни чуқурроқ ковла!

«Оқшомдан эрталабгача меҳнат килсаму бу лаънати қочиб кел-са»,— деб ўйлабди мардикор. Кейин кетмон билан учинчи мурданинг оёқларини синдириб, ўйл юра олмайдиган қилибди. Мурдани олиб бо-раётиб яна ўйладби: «Кўмсан, бари бир қайтиб келади». У мана шу хаёллар билан пайсалланиб турганида тонг отиб қолибди. Қараса, бир мачитдан тутун чикяпти экан. Мардикор мурдани мачит томига чиқа-



риб қараса ўт ёняпти. Мурдани аввал қуйдириб, кейин кўммокчи бўлибди.

Мардикор мурдани мачит мўрисидан ўтга ташлабди. Мачитнинг бир чеккасида оппоқ либосларни кийиб бомдод номозига мунтазир бўлиб турган мачит имоми мўридан тушаётган мурдани кўриб кўркقا- нидан ташқарига қочиб чиқибди. Уни кўрган мардикор: «Мурда яна тирилди», деб орқасидан кетмонни олиб чопибди: «Хой падарлаънат! Мен шу қадар азоб чекдим, сен яна қаерга қочасан?»

Мулла имом эса уни ўлдиришини фаҳмлаб чунон қочибдики, чар- чаган мардикор тута олмабди.

Мардикор уч юз танганинг баҳридан ўтиб ўзи ҳам бир томонга қа- раб равона бўлибди.

КАЛ

Бир кампирнинг битта кал ўғли ва эчкиси бўлган экан. Бола ҳар куни эчкини далага олиб бориб боқиб келаркан. Бир куни кампир да- лага боласининг олдига бориб:

— Иссик нон, шакароб олиб келдим, кел, еб ол,— дебди.

— Она, мен бора олмайман, эчкини бўри еб кетади,— дебди кал.

Онаси уни мажбур қилибди. Кал келиб шакароб ебди. Кейин бориб қараса, эчкини бўри еб кетибди. Бола уйига бориб битта коп олибди- да, бўрининг орқасидан тушибди, юриб-юриб ниҳоят бўрининг уйини топибди. Қопни бўрининг уйи оғзига тутиб турибди. Шу пайт бир йўловчи ўтиб қолибди ва кал уни чақирибди.

— Эй ўртоқ, бориб онамга айтинг, эр қилсин, бола кўрсинг, унинг боласи катта бўлсину у ариқ лабига тол эксин, унинг толи вояга етсин, киркиб куракка соп қилсин ва уни олиб келсин, горни тешиб бўрими оламан.

Бўри калнинг гапини эшитиб ўйлабди: «Қачон унинг онаси эр қи- лади, бола кўради, у катта бўлади, тол экадио, ундан куракка соп қи- сиб келиб мени олади. Шунча йил гор ичida менинг суякларим ҳам қолмайди. Кел, яхшиси чиқа қолай».

Бўри шошилганича инидан чиқаман деган экан, қопга илиниб қо- либди. Кал қопнинг оғзини боғлабдию кўтариб кетаётиб йўлда бир бойни учратиб қолибди.

Бой сўрабди:

— Қопингдаги нима?

— Менинг битта зотли кўчкорим бор, олсанг, сотаман,— дебди кал.

— Оламан,— дебди бой.

Кал савдони пишишиб бўрини кечаси олиб бориб бойнинг кўраси эшигини кия очиб ичига кўйиб юборибди.

Эрталаб бой, «зотли кўчкорни кўрай», деб кўра эшигини очиб қара- са, кўйларнинг уруғи ҳам йўқ эмиш. ,•.-<

Бой, «күйим күйди», деб дод күтарибди.

Кал бойдан олган пулига учта эчки олиб уйига келтирибди.

СОҚИ, БОҚИ ВА ТОҚИ

Бир бор экан, бир йўқ экан, уч ака-ука бўлган экан. Бири Соқи, ик- кинчиси Боки ва ниҳоят учинчиси Тоқи.

Соқи билан Боки ишлар эканлар, Тоқи эса уйни қўриклиб ўтирар- кан. Бир куни акалари ишга кетишибди. Тоқи эса зерикиб уйдан чиқиб бир томонга қараб кетаверибди. Қараса, осмондан бир күш ерга ту- шибдию дон териб ея бошлибди. Күш жуда чиройли экан. Тоқи аста бориб күшнинг оёғидан ушлабди ҳамки, күш қўркиб осмонга кўтари- либди. Учиб-учиб осмоннинг бир жойи тешик экан, ўша ерга кириб кетибди. Тоқи күшнинг оёқларини қўйиб юборибди ва қўлига қараса қўпгина тилла турғанмиш. Эски, йиртиқ чопони қўйини тиллага тўлдирибди. Эртаси куни күш яна ерга тушмоқчи бўлганда осмон те- шиги олдида яширинган Тоқи күшнинг оёғидан ушлаб пастга тушибди.

Соқи билан Боки иккови Тоқини излаб юришаркан. Уни қўриб сўрабдилар:

— Сен қаерда эдинг, биз излай-излай оёқдан қолдик.

— Мен қўпгина тилла танга келтирдим,— дебди Тоқи.

— Қаердан топдинг уларни?

— Сизлар эртага ишга борманглар, мен сизларни олиб бориб жой- ини қўрсатаман.

Эртасига уч ака-ука күш келадиган жойга бориб яшириниб туриб- дилар. Парранда осмондан тушибди. Тоқи эпчилик билан уни ушлаб олибди, Соқи Тоқининг оёғидан, Боки эса Соқининг оёғидан тутибди, Күш осмонга кўтарилибди. Ҳавода учиб кетишаётганда Боки Тоқидан сўрабди:

— Тоқи, осмоннинг тешиги қанча келади? Биз шунчалик узайиб кетдик, ўша тешикка сифамизми?

Тоқи күшнинг оёқларини қўйиб юбориб, икки қўли билан: «Осмон- нинг тешиги мана бундай»,— деб қўрсатмоқчи бўлган экан, учовлари тушиб кетишибди.

МУЛЛАФАЛОКАТ

Муллафалокат исмли бир одам бўлган экан. У доимо фалокатга учраб юраркан. Бир куни ўт кўтариб келаётib отини совутаётган ки- шини қўриб қолибди. Муллафалокат от хуркмасин деб ўтини йўл че- тига қўйиб, ўзи кўприк тагига тушиб турибди. От кўприкдан ўтаётган- да «от қандай ўтар экан» деб бошини кўприк остидан чиқарган экан, от Ҳуркиб, эгаси йиқилиб, қўли синибди. Отлик унга дашном бериб қози- хонага олиб бормоқчи бўлибди. Муллафалокат қочиб бир кишининг томига чиқиб олибди, кейин томдан ўзини ҳовлига ташлабди. Ҳовлида олти ойлик ҳомиладор хотин бор экан, хотиннинг ҳомиласи тушибди. Аёлнинг эри Муллафалокатни тутиб отлик даъвогар билан биргаликда қозихонага олиб бормоқчи бўлибди.

Йўлда кетишаётган эканлар, бир киши эшакда тегирмондан ун олиб келаётган экан, эшаги лойга ботиб қолибди. Даъвогарлар ёрдам бермоқчи бўлиб эшакни лойдан чиқаришибди. Муллафалокат ҳам ке- либ эшакнинг думидан тортган экан, эшакнинг думи узилиб, кўлида қолибди. Эшак соҳиби доду фарёд билан:

— Эшагимнинг думи узун эди, пашшани кўрир эди, нега уздинг,— дея Муллафалокатни маҳкам ушлабди.

Даъвогарлар учта бўлиб, Муллафалокатни қозихонага олиб бори-шибди. Қозихона эшиги ёпик экан. Муллафалокат эшик тирқишидан қараса қози бир киши билан сұхбатлашаётган экан. Даъвогарлар қози эшигини тақиллатишибди. Қози хижолат бўлиб эшик орқасидан дебди:

— Таҳорат қиляпман.

...Муллафалокат қозининг сирини тушуниб баланд овоз билан:

— Бир дам туринглар, қози ишрат намозини ўқияпти,— дебди.

Қози «сиrim фош бўлди» деб даъвогарлардан арзу ҳол сўрабди. Қози унинг сирини фақат Муллафалокат билишини фахмлаб қолган экан. Кейин биринчи даъвогардан сўрабди:

— Даъвонг нима?

Даъвогар дебди:

— Бу одам менинг отимни хурkitди, отдан йиқилиб, қўлим синди. Қози даъворага дебди:

— Отингни Муллафалокатга бер, у минсин, сен ҳам отни ҳурkit, йиқилиб қўли синсин, баравар бўласизлар.

Даъвогар бу гапни эшитиб даъвосидан кечибди. Қози даъвосидан кечганлиги учун даъвогарга икки юз танга жарима солибди. Иккинчи даъвогардан сўрабди:

/ . * ,
С

— Сенинг қандай даъвонг бор?

Даъвогар дебди:

— Бу киши менинг ўйим томидан ўзини ҳовлимга ташлабди. Хо-тиним ҳомиладор эди, қўрққанидан ҳомиласи тушди.

Қози дебди:

— Хотинингни ҳозир Муллафалокат никоҳига ўтказ, олти ойдан кейин даъвонг амалга ошади ва яна хотинингни ўзингга никоҳлаб бе-раман.

Бу даъвогар ҳам ўзининг даъвосидан ўтибди. Қози ундан ҳам икки юз танга жарима олибди.

Учинчи даъвогар қозининг «одилона» ҳукмини кўриб:

— Менинг даъвом йўқ, эшагимнинг ўзи аслида калтадум эди,—



МУНДАРИЖА

ҚАҲРАМОНЛИК, МЕҲНАТСЕВАРЛИК,
АХЛОҚ-ОДОБ ҲАҚИДА ЭРТАКЛАР

Ҳасанча	7
Данак	9
Гапирувчи пуллар	11
Дехқон ва айик,	14
Хунарманд хотин	17
Жўхорича	20
Бургача	21
Жасур киз	23
Рустамжон ва Офтобжон	28
Ажойибот	37
Тил яраси	38
Панжбед илми	39
Гўзал ва доно Фариштамоҳ	41
Дев барзангি	53
Аваз	54
Гўрзод	59

Гавхарча	66
Подшо ва темирчининг қизи	68
11ок аёл	74
Одам ва шер	77
Аҳмад ва Юсуф	79
Хитой шаҳзодаси	81
Луқмони Ҳаким	83
Абдураҳмон чўлоқ	85
Хуснобод	89
Нина санчилган мурда	91
Зийрак қиз	92
Доно ўғил	93
Заргар йигит	94
Баҳодир ва Заррина	96
Шаҳзода Баҳром	96
Аёз	101
Одам ва шайтон	104
Фарҳод ва Ширин	115
	115

СЕҲРЛИ ЭРТАКЛАР

Салим паҳлавон	121
Саргардон булбулча	131
Жононкоса	133
Нўҳатполвон	138
Доно тўтилар	141
Япалоқ полвон	148
Баҳром ва Баҳман	154
Парилар шоҳининг қизи	159
Балиқчи қизи	164
Гули Қоқапари	166
Тушнинг таъбири	171
Қирқизлар тоши	173
Қирқизлар тоги	174
Сандал дараҳти	175
Содикжон	182
Холдона пари	193
Чўл деви	194
Сиржўй ПОДШО	196



Подшонинг нимтана қизи	200
Тойхари мастан	202
Вафодор тойчоқ	205
Чилтош	209
Қирқ қапттар	215
Шахзода	217 \У
Давлат, бахт ва ақл	226
Мушук ва кучук	230
Қовоқча	231
Балиқ хандаси	232

v


ХАЙВОНОТ ВА НАБОТОТ ҲАҚИДАГИ ЭРТАКЛАР

Тулки ва бўри	243
Чумчукча	244
Тулки ва шер	246
Зийрак эшак	247
Қўнғиз	251
Қайсар чумчук	253
Бешиктебратар ва илон	255
Шер билан Тулкининг ови	255,
Қирқ қурбақа	256
Така билан қўй	257
Тулки билан хўроз	258
Ҳийлагарнинг жазоси	260

ҲАЖВИЙ ЭРТАКЛАР

Икки шайх ва бир дехкон	265
Золим бой ва зийрак кал	266
Зийрак кўса	270
Савобталаб	274
Мирали, Мирвали ва Миркарим	275
Чойхонада	276
Қарилек аломати	277
Лаку Пак қиссаси	278
Маккор Воиз	281

Султон Жалолиддин	283
Бўзчи	284
Уч шаръий ёлгон	285
Аҳмок подшо	291
Уч қори	294
Кал	296
Соки, Боки ва Токи	297
Муллафалокат	297





Для детей среднего школьного возраста

На узбекском языке

Сборник

УПРЯМБІЙ ВОРОБИШЕК

Сказки

Рассом П. Анненков

Расмлар мухаррири А. Шоалимов

Техник мухаррир Е. Толочко

Корректор Ш. Соатоаа

ИБ № 0319

Босмага берилди 17.10.89. Боснига рухсат этилди 10.09.90. Формати 60Х90'/к>- Тип. Таймс гарнитураси.
Офсет босма когони 1. Шартлы босма листи 19.0. Шарт- ли кр.— оттс. 65,0. Нашр листи 22,22. Шартнома
№ 4092. Буюртма № 40 — 92. Тиражи 150 000. Бахоси 1с. ЗОт.

«Чўлпои» нашриёти, Тошкент — 700 083. «Правда» газетаси кўчаси, 41.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савлоси ишлари бўйича Давлат комитети.
Тошкент, «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқарилашмаси.


82.3Тад
К 17

Қайсар чумчук: Тожик халқ эртаклари:/Ўрта мактаб ёшида- ги болалар учун/Таҳрир ҳайъати: Э. Воҳидов ва бошқ; Тожик тилидан X. Хомидов, О. Жуманов тарж./.— Т.: Чўлпон, 1990. — 304 б.— (Жаҳон халқлари эртаклари).

Упрямъш воробей: Таджикские народные сказки.

ББУ 82.3Тад





1c30r.